МИХАИЛ ШОЛОХОВ

АСАРЛАР ТЎПЛАМИ

САККИЗ ТОМЛИК

ТИНЧ ДОН

ТЎРТ КИТОБЛИ
РОМАН

ЎзССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ

Тошкент — 1960

www.ziyouz.com kutubxonasi

МИХАИЛ ШОЛОХОВ

АСАРЛАР ТЎПЛАМИ

ТОМ

ТИНЧ ДОН

ВИРИНЧИ КИТОБ

ЎзССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ

Тошкент – 1960

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОДИЛ ШАРАПОВ

таржимаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ардоқли еримизни ҳайдаган сўқа эмас,
Ерларни пайхон қилган — отларнинг туёқлари,
Еримизга сочилган — казакларнинг бошлари,
Тинч Донимиз кўрки эса — нуқул бева-жувонлар,
Етим-есир, гўдаклар — бу ўлканинг гулидир.
Аждодларнинг кўз ёши тўлқинланган сувидир.

— Эй, Тинч Дон, эй, қадрдон отахон!
Нега мунча лойқаланиб оқасан?
— Қайнар булоқ тубларимда қайнаса,
Оппоқ балиқ сувларимда ўйнаса —
Лойқаланиб оқмайманми тағин ҳам?

(Қадимий казак қўшиқларидан)

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИРИНЧИ ҚИСМ

I

Мелеховлар қўрғони — қишлоқнинг энг чеккасида. Мол қўрасининг эшиги шимолга — Донга қараган. Саккиз саржин келадиган қияликдан, устини бахмал ўт қоплаган харсанг тошлар орасидан тўғри дарё бўйига тушилади: қирғоқда садафдай товланиб ётган чиғаноқлар, тўлқинда ювилавериб кўкиш тусга кирган шағаллар илон изи бўлиб ётади, нари ёғи — шамолда мавж уриб, бўтана бўлиб қайнаб оқаётган Дон дарёси. Шарқ тарафида, ғарам четанларининг орқасида Гетман кўчаси, нари томони сийрак бурганзор, отлар пайхон қилган жони қаттиқ ажириқзор ясланиб ётади, айрилишда черковча, у ёғи жимирлаб кўринган дашт, жануби — чўққили бўр тоғлари. Ғарбида — майдонни кесиб ўтган кўча тўғри сойлиққа тушиб кетади.

Туркия билан бўлган сўнгги урушлардан бирида казак Прокофий Мелехов, турк элидан, рўмол ўраб олган жажжигина бир аёлни олиб келди. Бу жувон одамдан қочар, ғамгин ва жавдираган кўзларинигина ҳар замонда бир кўрсатиб қўярди. Шойи рўмолдан аллақандай бегона ҳидлар келар ва унинг гулларига хотин-халажнинг ҳаваси келарди. Асира Прокофийнинг қариндош-уруғларидан ўзини олиб қочиб юрар, шу сабабдан Прокофийнинг отаси ўғлининг рўзғорини ажратиб қўйди. Ўша-ўша бўлди-ю, чол аразлаб, ўғлиникига сира қадам босмади.

Прокофий сал орада ўзига бошқа уй солиб олди: уйни усталар қурди, лекин молхонанинг теварагини

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзи четан билан ўраб олди, кузга яқин бегона юртли ғамбода хотини билан янги уйга кўчиб ўтди. Кўч ортган арава орқасидан келаётган эру хотинни томоша қилиш учун кўчага каттаю кичик ёпирилиб чиққан эди. Уларнинг кетидан казаклар мийиғида кулиб қолишган, хотинлар шанғиллашиб бир-бирларига гап отишган, бир гала ювуқсиз шумтакалар Прокофийнинг кетидан роса қийқиришган эди; лекин Прокофий чакмонининг олдини барала очиб, шудгорда кетаётган одам сингари, аста-аста қадам ташлар, қорайган қўли билан хотинининг нозик билагидан ушлаб олиб, малла сочли бошини ғоз кўтариб борарди. Фақат лунжида дўппайган бездай бир нима нари бориб, бери келар, чимирилган қошлари орасини андак тер босган эди.

Ўша-ўша, уни қишлоқда камдан-кам кўрадиган бўлдилар, майдондаги йиғинларда ҳам кўринмай қолди. Прокофий Дон ёқасидаги уйида одам ёввойисидек яшади. Унинг устида қишлоқда ғалати-ғалати гаплар тарқала бошлади. Ёйилмада бузоқ боқиб юрган болалар, ҳар куни кечга томон Прокофий хотинини кўтариб, Татар қўрғонга довур олиб кетганини кўрамиз, деган гап топиб келдилар, гўё у хотинини қўрғоннинг энг тепасидаги, асрлардан бери илматешик бўлиб кетган харсанг тошга суяб ўтқизиб қўяр, ўзи ҳам унинг ёнига ўтириб олар, иккови анчагача даштга тикилишармиш. Шу алфозда кун ботиб кетгунча термилиб ўтиришар эмиш, сўнгра Прокофий хотинини чакмонига ўраб, яна кўтариб уйга қайтар эмиш. Бутун қишлоқ халқи бундай қилиқнинг сабабини билолмай ҳайрон эди, айниқса хотинларга гап топилиб қолди. Прокофийнинг хотини тўғрисида ҳар хил гаплар юрар эди: бир хиллари ҳусида тенги йўқ соҳибжамолмиш деса, бошқалар бунинг аксини гапирарди. Хотинлардан энг шаллақиси, солдат хотини Мавра, ачитқи сўраш баҳонаси билан Прокофийникига кириб чиққандан кейин бу жумбоқ ечилди. Прокофий ачитқи учун ертўлага тушиб кетганда, Мавра пайтини топиб хотинни кўриб олибди, қараса — Прокофий ўлгудек бадбуруш турк хотинини етаклаб келган экан...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сал ўтмай, рўмоли қийшайиб қолган Мавра қизариб-бўзариб, бир гала хотинларни тор кўчага йиғиб олиб, вайсаб кетди:

— Вой овсинлар-эй, Прокофий унинг нимасига учибди-я? Қошки, хотин сиёқи бўлса... На думба бор, на бел, бирам хунукки! Қишлоғимиздаги қизларнинг ундан ўлса ўлиги ортиқ. Анавининг бели — ариникиданам нозик, салга узилиб кетади, кўзлари қоп-қора, пиёладек, худоё тавба қилдим, ажинадай аланглаб, ютаман дейди. Оғироёқ бўлса керак, ўлай агар!

— Оғироёқ?— таажжубландилар хотинлар.

— Мен ҳам ёш эмасман, учтасини катта қилганман, биламан ахир.

— Афти қанақа?

— Афтими? Афти сап-сариқ. Кўзлариям бир ҳолатда. Афтидан, бегона юртда кўнгли ёришмаётганга ўхшайди. Ҳаммасиниям қўйинг-у, Прокофийнинг чалварини кийиб юрганини айтмайсизми?

Хотинларнинг қути учиб, баб-баравариг:

— Бе!— деб чувиллашди.

— Ўз кўзим билан кўрдим—эркакча чалвар-у, лекин ҳошияси йўқ. Чамамда, эрининг уй ичида киядиган чалвари бўлса керак. Эгнида узун кўйлак, этаги остидан савил қолгур чалвар чиқиб турибди, почаларини пайпоғи ичига тиқиб опти. Дийдорини бир кўрдим-у, кўнглим айнаб кетди.

Қишлоқда, Прокофийнинг хотини жодугар эмиш, деган миш-мишлар тарқалди. Астаховнинг келини (Астаховлар Прокофийга қўшни эди), «Троица байрамининг эртасига тонг отар маҳалида Прокофийнинг хотинини яланг оёқ, яланг бош ҳолда молхонамизга кириб, сигиримизни соғаётганини кўрдим», деб қасам ичибди. Шундан кейин сигирининг елини тортилиб, худди боланинг муштумидай бўлиб қолибди, сути ҳам қурибди, ўзи ҳам тезда ҳаром ўлибди.

Ўша йили молга қирғин келган эди. Дон ёқасидаги қумлоқ жой ҳар куни сигиру бузоқ ўликларига тўлиб кетарди. Ўлат йилқига ҳам ўтди. Уюрда юрган йилқиларнинг ҳам кундан-кунга баракаси учаверди. Айни шундай маҳалда қишлоқнинг кўча-кўйларига хунук бир овоза тарқалди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қишлоқ йиғинидан Прокофийникига казаклар келишди.

Уй эгаси пешайвонга чиқиб таъзим қилиб:

— Нима хизмат билан келдилар, муҳтарам қариялар?— деб сўради.

Оломон чурқ этмай, зинапоя олдига бостириб келаверди.

Ниҳоят, ширакайфроқ бир чол дағдаға қилиб:

— Жодугарингни олиб чиқ бу ёққа! Даврага олиб сўроқ қиламиз,— деди.

Прокофий ичкарига отилиб кирди, бироқ даҳлизда унга етиб олишди. Кўча-кўйдагилар Баттол деб лақаб қўйган бўйдор тўпчи йигит, Прокофийнинг бошини деворга тираб:

— Шовқинлама! Бекорга шовқинлама! Ўзингга тегмаймиз, лекин хотинингни ерга жо қиламиз. Бутун қишлоқ молсиз қолиб қирилгандан кўра, ўзини ўлдириб қутулганимиз маъқул. Овозингни ўчир, бўлмаса — бошингни уриб деворни ағдараман!— деб аврар эди.

— Судра манжалақини, молхонага олиб чиқ!..— деб вағиллашди зинапояда турганлар.

Прокофий билан бир полкда хизмат қилган йигит, турк аёлининг сочларини қўлига ўраб, иккинчи қўли билан додлаган оғзини маҳкам босиб, югурганича уни даҳлиздан судраб олиб чиқиб, оломон оёғи остига ташлади. Дўриллаган овозлар ичида қулоқни тешиб юборгудай чинқириқ эшитилди.

Прокофий олти казакни улоқтириб-улоқтириб ташлади-да, югурганича меҳмонхонага кириб, деворда осиғлиқ қилични олиб чиқди. Даҳлиздаги казаклар бир-бирларини итаришиб, дув этиб қочишди. Прокофий ярқираган қиличини бош устида ўйнатиб, зинапоядан чопиб тушди. Оломоннинг капалаги учиб, бурчак-бурчакка тўзиб кетди.

Чопишга шуди йўқ Баттол тўпчининг кетидан қувлаган Прокофий, ҳужра ёнида унга етиб олиб, чап елкасига қилич солди, у белигача икки нимта бўлиб тушди. Четан қозиқларини суғураётган казаклар, ғарамдан ошиб, даштга қараб тумтарақай қочдилар.

Ярим соатчадан сўнг оломон эс-ҳушини тўплаб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

яна қўрғонга яқинлашиб келди. Сир олишга келган икки казак, писиб даҳлизга кирди. Прокофийнинг хотини қонига беланиб, боши орқага солинган ҳолда, ошхона бўсағасида ётарди; жон азобида қаришиб қолган тишлари орасида қонга беланган тили тўлғанар эди. Прокофийнинг боши титрар, кўзлари бир жойга тикилганча қотиб қолган, бирғиллаган бир парча этни — чала туғилган чақалоқни барра пўстинига ўрар эди.

* * *

Ўша куни кечқурун Прокофийнинг хотини қазо қилди. Прокофийнинг онаси, раҳми келиб, чала тушган болани уйига олиб кетди.

Чақалоқни қиздирилган кепакка ётқизишиб, бия сути билан боқиб туришди, бир ой ўтгач, бу қорача, турк башара ўғилчанинг ўлмаслигига кўзлари етгандан кейин черковга элтиб чўқинтирдилар. Унга Пантелей деб бобосининг номини қўйдилар. Орадан ўн икки йил ўтгач, Прокофий Сибирдан — каторгадан бўшаб келди. Қалта қилиб олинган малла ранг, мошкичири соқоли ва эгнидаги оддий русча либоси унинг казак нусхасини бузиб, бегона одам шаклига киргизган эди. У ўғлини ёнига олиб, ўз хўжалигини тиклашга киришди.

Пантелей қорачадан келган шўх йигит бўлиб етишди. Башараси ҳам келишган, қомати ҳам онасиникига ўхшар эди.

Прокофий уни казак қўшнисининг қизига уйлантириб қўйди.

Шундан кейин турк қони билан казак қони аралашиб кетди. Қишлоқда «турклар» деб лақаб олган қирра бурун, ажойиб, чиройли-чиройли казаклар шулардан тарқалди.

Отаси ўлгандан кейин Пантелей рўзғор ишларига боши билан шўнғиб кетди: томларни бошқатдан ёптирди, партов ерлардан ярим десятинасини ўз ерига қўшиб олди, тунука томли янги оғилхона билан омборхона қурдирди. Уй эгасининг талабига мувофиқ, тунукасоз тунука қийқимларидан иккита хўроз сура-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ти ясаб, омборхонанинг томи устига қоқиб қўйди. Қаққайиб турган бу хўрозлар томга жуда ярашган ва Мелеховнинг қўрасига бадавлат, тўқ хўжалик тусини берган эди.

Пантелей Прокофьевичнинг ёши қайтган сари йилдан-йилга йўғон тортиб яландоқлашиб кетди. Ўзи букчайиброқ юрса ҳам, лекин тетиккина чол эди. Пантелейнинг суяги йўғон, оёғи оқсоқ (ёшлик даврида император кўригида пойгада чап оёғи синган эди), чап қулоғига ярим ой нусхали кумуш исирға тақиб юрарди, унинг қора соқоли билан сочининг туси то қаригунча ҳам ўзгармади; у жуда серзарда, жаҳли чиққанда ўзини босиб ололмасди, шу сабабдан, бир замонлар хушрўй бўлган хотинини бемаҳал қаритиб қўйди, унинг юзини энди ажин босиб кетган эди.

Пантелейнинг уйланган катта ўғли Петро онасига ўхшар: у жуссаси кичик, пучуқ бурун, қўйкўз йигит бўлиб, бўғдой ранг сочлари жингалак-жингалак эди. Кичик ўғли Григорий эса, отасига тортган: Петродан олти яшар кичик бўлса ҳам, бўйи уникидан бир қарич баланд, дадаси сингари қушбурун, ёноқ суяклари туртиб чиққан, юзи қизил мағиз, кўкимтир қуралай қийиқ кўзлари ўтдай чақнаб турарди. Григорий ҳам худди отасига ўхшаб букчайиброқ юрарди, ҳатто, иккисининг кулишларида ҳам ўхшашлик бор, отабола бир хил, тиржайиб кулишарди.

Отасининг эрка қизи, қўллари узун, кўзлари катта-катта, ҳали бўйи етмаган Дуняша, Петронинг хотини Дарья ва унинг эмизиклик боласи — Мелехов оиласи шулардан иборат эди.

II

Тонг пайтидаги товланиб турган осмонда биттаяримта юлдуз кўринади. Булутлар остидан шамол ела бошлади. Дарёдан кўтарилган туман бўр тоғини ёқалаб, боши янчилган илон сингари буралиб, жарлар орасига судралиб кириб кетмоқда. Дон дарёсининг чап қирғоғидаги қумлоқлар, чакалаклар, ботқоқ-қамишзорлар, шудринг босган дарахтзорлар совуқ шафақ нурида товланар эди. Офтоб уфқдан бош кўтаролмай қийналаётгандай эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мелеховлар қўрасида ҳаммадан илгари Пантелей Прокофьевич уйғонди. Чол, санамагул солиб тикилган кўйлагининг ёқасини тугмалаб, зинапояга чиқди. Ўт босган ҳовлига кумушдай шудринг тушган эди. Чол молларини тор кўчага ҳайдаб чиқарди. Дарья кўйлакчан ҳолда югурганича сигир соққани ўтиб кетди. Унинг оппоқ болдирларига сутдай шабнам сачрар, ўтлар босилиб, молхонагача билинар-билинмас из тушиб қолар эди. Пантелей Прокофьевич Дарья босган ўтларнинг яна кўтарилишини бирпас томоша қилиб турди-да, уйга кириб кетди.

Ланг очиқ дераза тагида олча дарахтидан тўкилган нимранг, сўлғин гул барглари кўринади. Григорий қўлларини икки ёққа ташлаб, мукка тушиб ухламоқда.

— Григорий, балиқ овига борасанми?

— Нима?— деб сўради у шивирлаб ва оёқларини каравотдан осилтириб ўтириб олди.

— Юр, борайлик, саҳарда балиқ овлайлик.

Григорий пишиллай-пишиллай, жомакор чалварини қозиқдан олиб кийди-да, почаларини оппоқ жун пайпоқ ичига тиқди, дастаги майишган кавушини анчагина овора бўлиб, зўрға кийди.

Григорий отасига эргашиб даҳлизга чиқаётганда:

— Онам қармоққа илиш учун дон бўктирганмикин?— деб сўради бўғиқ овоз билан.

— Бўктириб қўйибди. Сен қайиқ ёнига боравер, мен ҳозир кетингдан чиқаман.

Чол димлаб пиширилган хушбўй жавдарни этагига солди, тўкилганларини ҳам кафти билан сидириб олди-да, чап оёғини силтаб оқсаганича пастликка тушиб кетди. Григорий қайиқда тумтайиб ўтирар эди.

— Қаёққа ҳайдай?

— Тўғри Қора жарга. Дарахт чўккан жойда балиқ овлаб кўрамиз, анови куни ўтирган жойимизга.

Қайиқ тумшуғи билан ер чизиб, сувга тушди-да, сузиб кетди. Дарё уни чайқалтириб, қийшайтириб оқизиб кета бошлади. Григорий эшкакни сувдан олмай, ҳайдайверди.

— Ҳайдасанг-чи ахир.

— Ўртасига бориб олайлик-чи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қайиқ дарёнинг тез оқадиган жойидан ўтди-да, чап соҳилга қараб йўл олди. Қишлоқда қичқиришаётган хўрозларнинг бўғиқ овози бу ерга аранг етиб келар эди. Сув тагидан чиқиб турган ғадир-будур қора харсангга қайиқ ёнбоши билан суйкалиб ўтди-да, камарга бориб тўхтади. Қирғоқдан беш саржин нарироқда сувга чўккан қайрағочнинг эгри-бугри шохлари диккайиб чиқиб турарди. Лойқа кўпиклар гирдобдан чиқолмай гир айланишарди.

— Сен ипни чуватавер, мен қармоққа дон илавераман,— деб шивирлади чол Григорийга ва қўлини иликкина кўвача ичига суқди.

Сочиб ташланган дон сувни сачратиб юборди, худди биров «чув» деб юборгандай бўлди. Григорий бўккан донларни қармоққа илаётиб кулимсиради.

— Келавер, балиқлар, келавер, каттаю кичигинг аралаш илинавер.

Сувга тушиб доирачалар ҳосил қилган қармоқ ипи бора-бора таранглашди ва қўрғошини сув тагига тегиши билан яна бўшашиб қолди. Григорий оёғи билан қармоқ ёғочини босиб туриб, аста тамаки халтасини ола бошлади.

— Ов бўлмайди, дада... Ой охирлаб қолган.

— Гугурт опкеганмидинг?

— Ҳа.

— Ёқ; бўмаса.

Чол тамакисини тутатиб олди-да, сувдан диккайиб чиқиб турган дарахт бутоғи орқасида тўнғиб қолган қуёшга қараб қўйди.

— Зоғора балиқ ҳар вақт тортаверади, ой охирида ҳам.

— Қизиқ, майда балиқ донни еб қочяпти,— деди Григорий хўрсиниб.

Қайиқ ёнида алланимадир алоп этгандай бўлиб, сув чайқалиб кетди: тилладек қип-қизил, худди икки газ келадиган бир зоғора балиқ айри думини гажак қилиб шопиллатиб сув бетига чиқди. Қайиқ ичига сув сачради.

— Энди ҳушёр бўл!— деди Пантелей Прокофьевич ва ҳўлланган соқолини енги билан артди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чўккан қайрағоч ёнида, панжага ўхшаб тарвақайлаган қуруқ шохлар орасида бирваракай иккита зоғора балиқ сувдан сакради; учинчиси, сал кичикроғи камар тагида билтанглаб, буралиб сапчир эди.

* * *

Григорий тоқати тоқ бўлиб, махорка ўраган қоғознинг ивиб кетган бир учини ҳадеб чайнар эди. Нурсиз офтоб найза бўйи кўтарилди. Қармоққа иладиган дон тамом бўлганидан таъби хира бўлган Пантелей Прокофьевич лабини чўччайтириб, қимир этмай турган қармоқ ёғочининг учига тикилганича қотиб қолган эди.

Григорий қоғозга ўраган махоркасининг қолдиғини «пуф» этиб оғзидан учириб юборди-да, унинг кетидан хўмрайиб қараб қолди. Ўзини барвақт уйғотиб, уйқудан қолдирган отасини ичида роса сўкар эди. Оч-наҳор тамаки чеккани учун унинг оғзидан жизғин ҳиди келарди. Ҳовучида сув олиб ичмоқ учун энгашганида сувдан ярим газ баланд турган қармоқ ёғочининг учи қимирлаб кетиб, секин-секин эгила бошлади.

— Торт!— деди чол энтикиб.

Григорий ҳовлиқиб қармоқни тортди, бироқ шу он қармоқ ёғочининг учи сувга кириб кетиб, камондай эгилиб қолди. Аллақандай зўр куч бўй бермасдан сандип ёғочни пастга тортарди.

— Маҳкам ушла!— деб шанғиллади чол қайиқни қирғоқдан ҳайдаб.

Григорий ҳарчанд уринса ҳам қармоқни тортиб ололмади. Йўғон каноп ип чирт этиб узилди. Григорий мувозанатини йўқотиб гандираклаб кетди.

Қармоққа дон илишга қўли келмай қолган Пантелей Прокофьевич:

— Ўзиям хирсдай экан-а!— деди шивирлаб. Григорий ҳаяжон аралаш илжайиб қўйди ва бошқа қармоқни канопга боғлаб, яна сувга ташлади.

Қўрғошин сув тагига етар-етмас ёғочнинг учи яна эгилди.

— Ҳа, қочқоқ!..— деб пўнғиллади Григорий ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

дарёнинг тез оқар томонига судраган балиқни сув тагидан ўзи томон аранг буриб олди.

Қармоқнинг ипи сувни вишиллаб кесганда, унинг орқасида сув кўкиш парда ҳосил қиларди. Пантелей Прокофьевич калта бармоқлари билан эшкак дастасини ўйнарди

— Сувга бур! Маҳкам ушла, тағин канопни чирт этиб узиб юбормасин!

— Узиб бўпти!

Катта, тўқ сариқ зоғора балиқ юзага бир чиқди-ю, сувни кўпиртириб, япалоқ боши билан яна шўнғиб кириб кетди.

— Судрашини қара, қўлим томир тортишиб қолди... Йўқ, қочолмайсан!

— Қўйворма, Гришка!

— Қўйвормай-ман!

— Кўзингга қара, қайиқ тагига кириб кетмасин!.. Ҳушёр бўл!

Григорий нафасини ростлаб олиб, ёнбошлаб қолган балиқни қайиқ ёнига судраб келтирди. Чол уни эшкак билан урмоқчи бўлди-ю, лекин балиқ бор кучи билан яна шўнғиб кетди.

— Бошини сувдан чиқар! Оғзига ҳаво кирсин, дарров мулойим бўлади-қолади.

Григорий, ҳолдан тойган балиқни сув бетига чиқариб олиб, яна қайиқ ёнига судради. Балиқ оғзини каппа-каппа очиб, ғадир-будур қайиққа тумшуғини уриб олиб, ҳаракатдан тўхтади, унинг қимирлаб турган тилла қанотлари рангба-ранг тусга кириб товланар эди.

Пантелей Прокофьевич уни эшкак билан туртди.

— Ҳафсаласи пир бўлди!—деди томоғини қириб қўйиб.

Яна ярим соат чамаси ўтиришди.— Зоғора балиқлар сайили тарқаган эди.

— Йиғиштир, Гришка. Сўнггисини ушладик шекилли, энди бошқаси келмайди.

Йиғиштириниб бўлишди. Григорий қайиқни қирғоқдан итариб юборди. Дарёнинг ўртасидан ҳам ўтишди. Григорий отасининг авзойидан бир нима демоқчи бўлганини пайқаб қолди, бироқ чол тоғ таги-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да тизилишган қишлоқ қўраларига қараб-қараб қўяр, лекин чурқ этмасди.

Ниҳоят, чол оёғи остида ётган қопнинг боғичини ўйнаб, мижғовланиб гап бошлади:

— Назаримда сен, Григорий, ана шу, Аксинья Астахова билан...

Григорий қип-қизариб кетиб, юзини тескари ўгириб олди. Офтоб олган сергўшт, йўғон бўйнига кўйлагининг ёқаси ботиб, оппоқ из тушиб қолди.

Чол энди заҳрини сочиб, ачитиб-ачитиб гапирар эди:

— Сен бола, оёғингни қараб бос, отам индамайди деб юргандирсан ҳали. Степан қўшнимиз бўлади-я! Қўшнининг хотинига кўз олайтиришга йўл қўймайман. Ахир бир балога гирифтор бўлишинг турган гап. Минбаъд эсингда бўлсин, бола: энди пайқасам калтак ейсан!

Пантелей Прокофьевич муштини маҳкам сиқиб, ола-кула кўзларини қисиб ўғлига тикилди ва Григорийнинг юзи докадек оқариб кетганини кўрди.

— Туҳмат,— деб ғўнғиллади Григорий отасининг афтига тикка қараб.

— Овозингни ўчир!

— Эл оғзига элак тутиб бўлармиди...

— Бас, итвачча!

Григорий эшкакларга маҳкам ёпишиб олди, ҳар силташда қайиқ сапчиб тушар, сув чайқалар, шовиллар эди.

Пристанга етгунча иккиси ҳам чурқ этмади. Қирғоққа сал қолганда чол яна уни огоҳлантирди:

— Эсингдан чиқмасин, тузукми? Бўлмаса, бугундан бошлаб кечаси юришларни бас қиласан. Қўрадан бир қадам силжимайсан, билиб қўй!

Григорий ғиринг демади. Қайиқни жойига боғлар экан:

— Балиқни уйга киритиб берайми?— деб сўради.

— Савдогарларга обориб сот,— деди чол жаҳлидан тушиб,— тамаки пули қиларсан.

Григорий лабларини тишлаб отасининг кетидан келаркан ичида: «Мени тергаб бўлибсан, дада, тушов-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаб қўйганингда ҳам, шу кеча уйда турмайман»,— дер ва кўзи билан еб қўйгудай бўлиб, отасининг гарданига тикиларди.

Григорий балиқни уйга олиб кириб, тангаларига ёпишган қумни эринмай ювиб тозалади-да, қулоғидан чўп ўтказиб олди.

Дарвоза олдида ўз тенгқури ва қалин дўсти Митька Коршуновга тўқнаш келиб қолди. Митька кумуш қоплаган камар тўқасини ўйнаб келмоқда эди. Мой босган сарғиш қийиқ кўзлари беҳаё, қорачиғлари мушукникига ўхшаб чақчайган Митька одамга тик қаролмай, ўнги сингари аланглайверарди.

— Балиқ кўтариб қолибсан, йўл бўлсин?

— Бугунги овимиз. Савдогарларга олиб бораман.

— Моховгами?

— Ҳа, ўшанга.

Митька кўзи билан чамалаб:

— Ўн беш қадоқ келар?— деди.

— Ўн беш ярим. Тарозида тортиб кўрдим.

— Мен ҳам борайми? Сотишиб берарман.

— Майли, юр.

— Ширинкома берасанми?

— Сотсак — бир гап бўлар, ахир, эзмаликнинг нима кераги бор?

Тушки ибодатдан чиққан халқ кўчаларга тарқалди.

Лақаблари Шомил бўлган уч ака-ука баробар қадам ташлаб, ёнма-ён келмоқда эдилар.

Каттаси, қўли чўлоқ Алексей — ўртада келар эди. Мундирининг ёқаси торлик қилиб, пайдор бўйнини сиқиб қаққайтириб қўйган, сийраккина, жингалак чўққи соқоли бир ёққа қийшайиб қолган, чап кўзи тинмай учиб турарди. Бир замонлар Алексей отишни машқ қилаётганида қўлидаги милтиғи портлаб, тепкисининг синиғи юзига тегиб д[illegible]даласини чиқарган эди. Ўша-ўша, ўзидан ўзи кўзи учадиган бўлиб қолган; юзидаги тиртиғининг бир учи сочлари тагигача кириб кетган. Чап билаги узилиб тушган, лекин Алексей бир қўли билан ҳам бемалол тамаки ўрайверади: тамаки халтасини кўкрагига босиб туриб, бир ўрамга лойиқ қоғозни тиши билан йиртиб олади, уни тарновга ўх-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шатиб буклаб, ичига тамаки солади-ю, бармоқлари лип этиб ўрайди-қўяди. Қўз очиб юмгунча тайёр ўроғлиқ тамакини тишлаб, кўзини учириб, ўт тилаб турган Алексейни кўрасиз.

Қўлсиз бўлса ҳам, муштлашишни Алексейга чиқараган. Мушти ҳам у қадар айтадиган эмас, атиги томоша қовоқдай келади, холос; у бир куни қўш ҳайдаётиб, ҳўкизидан аччиғланди, қамчисини тополмай, бир мушт солди — ҳўкиз шудгорда чўзилиб қолди, қулоқларидан қон кетди, у ётиб-ётиб зўрға ўзига келди. Икки укаси — Мартин билан Прохорни акасидан ҳеч ажратиб бўлмайди. Булар ҳам худди Алексей сингари паст бўйли, япалоқ йигитлар, фақат қўллари иккитадан, холос.

Григорий Шомиллар билан саломлашди. Митька юзини шартта ўгириб, ўтиб кетаверди. Масленица байрамида муштлаш бўлган маҳалда, Алёша Шомил Митьканинг икки тишини уриб синдирган, қулочкашлаб шундай тушириган эдики, бечора Митька иккита жағ тишини, пошна излари тушиб қолган кўм-кўк муз устига тупуриб ташлаган эди.

Алёша яқин келиб, беш марта устма-уст кўзини қисди.

— Балиғингни менга сотсанг-чи!

— *Майли, ол.*

— Қанча берай?

— Бир жуфт ҳўкиз, устига хотинингни ҳам берасан.

Алексей кўз қисиб, чўлтоқ қўлини ўқталиб:

— Вой тентак-эй!.. Хо-хо-хо! Хотинни-я... Болаларини ҳам қўшиб оласанми?— деди.

— Болалари ўзингга сийлов, бўлмаса, Шомиллардан насл қолмайди?— деб пичинг қилди Григорий.

Черков ёнидаги майдонда халойиқ тўпланган. Черков мутасаддиси бир ғозни баланд кўтариб бақирар эди, «Ярим сўм! Сотамизу кетамиз. Ким ошди?»

Ғоз ҳадеб бўйнини чўзар, нафратлангандай фируза кўзларини қисиб-қисиб қўярди.

Нарироқдаги иккинчи даврада сочлари оқарган, кўкрагига крест ва медаллар тақиб олган бир чол қўлларини пахса қилиб гап сотар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бобо Гришак Туркияда бўлган урушдан лоф уряпти. Бориб қулоқ соламизми?— деди Митька, ўша томонни кўзи билан кўрсатиб.

— Қулоқ соламан десак, балиғимиз сасиб, шишиб кетади-ю.

— Шишса — тарози босади, қайтага яхши.

Майдонда, ўт ўчириш анжомлари турадиган бостирма орқасидан Моховлар уйининг ям-яшил томлари кўринарди; бостирма тагида қуриб қовжираб кетган бочкалар ўрнатилган, шотилари синган ўт ўчириш аравалари туради. Григорий бостирма ёнидан ўтаётиб ўхчиб тупурди-да, бурнини беркитиб олди. Бочка орқасидан камарини тишлаб, чалварини тугмалаб бир чол чиқиб келди.

— Қистаб кетган экан-да?— деди Митька уни мазақ қилиб.

Чол тугмасини солиб бўлиб, оғзидан қайишни олди.

— Сенга нима?

— Бурнингни тиқиш керак эди! Соқолингни ҳам! Соқолингни! Кампиринг бир ҳафтагача ювиб тозалолмасди.

— Адабингни бериб қўяман, баччағар!— деди чол аччиғланиб.

Митька мушук сингари кўзларини қисиб қараб тураверди.

— Вой сендақа аслзодани қара-ю! Йўқол, итвачча! Мунча ўқраясан? Қайиш билан тушириб қоламан!

Григорий кула-кула Моховлар уйининг зинапояси олдига келди. Зинапоя панжарасини аймоқи ток новдалари чирмаб кетган, олачалпак соя пешайвонга тушиб турар эди.

— Кўрдингми, Митька? Киройи шунақа яшасанг...

— Тутқичига ҳам тилла суви югуртирилган.— Митька эшикни қия очиб айвонга қаради:— Ҳалиги чолни шу ерга юборадиган экан...— деб пиқирлаб қўйди.

— Ким у?— деган овоз эшитилди айвондан.

Григорий ийманиб ичкарига биринчи бўлиб кирди. Балиқнинг думи бўялган пол устида судралиб бораради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сизга ким керак эди?

Сават курси устида бир қиз тебраниб ўтирарди. Қўлида қулупнай тўла бир ликобча бор эди. Григорий унинг бир дона қулупнайни қисиб олган қип-қизил лабларини индамай томоша қилиб турди. Қиз бошини эгиб, келган йигитларни кўздан кечирди.

Митька Григорийнинг жонига аро кирди. Йўталиб:

— Балиқ олмайсизми?— деб сўради.

— Балиқ? Ҳозир сўраб келаман.

Қиз тураётиб курсини тебратиб юборди, сарпойчан кийган гулдор туфлисини шалоплатиб кетди. Унинг оппоқ юпқа кўйлагидан кун кўринарди; кўйлак остидан кўринган оёқларига ва ички кўйлагининг жим-жимадор, сербар тўрларига Митьканинг кўзи тушди. Болдирларининг оппоқлиги ва силлиқлигига ҳайрон қолди, фақат дўппайган товонларининг териси сарғиш эди.

Митька Григорийни туртиб:

— Гришка, юбкасига қара... Шишадек, ҳамма ёғи кўриниб турибди-я,— деди.

Қиз йўлакдаги эшикдан яна қайтиб кириб, оҳистагина курсига ўтирди.

— Ошхонага опкиринг.

Григорий оёқ учида юриб, уйга кириб кетди. Митька бўлса — оёқларини кериб, кўзларини қисиб қизнинг бошини, тилладай товланган сочларини иккига ажратиб турган оппоқ фарқини томоша қиларди. Қиз ҳам унга ўйноқи шўх кўзларини тикиб қараб турарди.

— Сиз қаерликсиз?

— Шатлик.

— Кимнинг ўғли бўласиз?

— Коршуновнинг.

— Исмингиз нима?

— Митрий.

Қиз пистоқи ранг тирноқларига тикилиб туриб, дарҳол оёқларини йиғиштириб олди.

— Қай бирингиз балиқ овлайсиз?

— Григорий овлайди, у менинг дўстим.

— Сиз овламайсизми?

— Ҳафсалам келса — мен ҳам овлайман.

— Қармоқ биланми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қармоқ билан ҳам овлайверамиз, бизда уни илгак дейишади.

Қиз бирпас жим бўлиб:

— Менинг ҳам балиқ овига боргим келади,—деди.

— Майли, ишқивоз бўлсангиз — бораверамиз.

— Ростданми? Қандай қилиб борсам экан?

— Илк саҳар туриш керак.

— Туришга тураман-у, фақат биров уйғотиб қўйиши керак-да.

— Уйғотиб қўйишим мумкин-у... Бироқ отангиз нима деркин?

— Отам нима дерди?

Митька илжайди.

— Ўғри деб ўйламасмикин... итларига талатса-я.

— Бўлмаган гап! Энг четдаги хонада бир ўзим ётаман. Деразаси мана бу.— Қиз бармоғи билан кўрсатди.— Агар келсангиз — деразамни тиқиллатинг дарров тураман.

Ошхонадан ғўнғир-ғўнғир овоз келар, ийманиб гапираётгани Григорий, шанғиллагани ошпаз хотин эди.

Митька казакча камарнинг қорайган кумуш тўқасини ўйнаб жим турарди.

— Сиз уйланганмисиз?— деб сўради қиз сирли табассум билан.

— Нимайди?

— Шундай, ўзим сўрадим.

— Йўқ, бўйдоқман.

Митька қип-қизариб кетди, қиз эса меваси полга тушиб кетган қулупнай новдасини ўйнаб, карашма билан кулиб туриб сўради:

— Ростини айтинг, Митя, қизлар сизни яхши кўрадими?

— Бир хили яхши кўради, бир хили — йўқ.

— Қани, айтинг-чи... Кўзларингиз нима учун мушукникига ўхшайди?

— Мушукникига?— деб гангиб қолди Митька.

— Мушукникидан сира фарқи йўқ.

— Онамга тортган бўлса керак... Бунисига мен айбдор эмасман.

— Шу вақтгача сизни нега уйлантиришмайди, Митя?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Митька дарҳол ўзига келди, қиз уни гапга солиб, масхара қилаётганини сезди-да, сарғиш кўзларини пирпиратиб.

— Куёв болам ҳали ёш,— деб қўйди.

Қизнинг қошлари чимирилиб кетди, қизариб-бўзариб ўрнидан турди.

Зинапоя томондан оёқ товуши эшитилди.

Қизнинг ноз-ишвали кулгиси Митькани ўртаб юборди. Ичкарига хўжайиннинг ўзи — Сергей Платонович Мохов кириб келди: барвастадан келган Мохов катта шигрин ботинкасини аста босиб, ўзини четга олган Митьканинг ёнидан мағрурона ўтиб кетди.

— *Менда иши бор эканми?*— деб сўради у юзини ўгирмай.

— Балиқ олиб келишган экан, дада.

Григорий ҳам чиқиб келди; унинг қўлида ҳеч нарса йўқ эди.

III

Григорий тунги сайилдан хўроз бир чақиргандан кейин қайтиб келди. Даҳлизга кириши билан ачитқи ҳиди ва қуритилган доривор ўтларнинг хушбўй иси димоғига урилди.

Григорий оёқ учида юриб, астагина ётоқ бўлмасига ўтиб олди-да, ечинди, байрамда киядиган ҳошиядор чалварини авайлаб илиб қўйди, чўқиниб бўлиб, ётди. Ойнинг хира нури ёритган полга дераза панжарасидан крест шаклида соя тушиб турарди. Бурчакда, гул солиб тикилган сочиқлар остидан ғира-шира йилтираган кумуш иконалар кўринар, каравот устидаги пардага қўнган пашшалар безовта бўлиб ғўнғиллашарди.

Григорийни эндигина уйқу элтганда ошхонадан акасининг чақалоғи чинқириб йиғлагани эшитилди.

Мойланмаган арава сингари, бешиги ғийчиллай бошлади. Дарья уйқу *аралаш:*

— Бас, овозинг ўчкур, ҳароми! На ухлагани қўяди, на дам олгани,— деб пўнғиллади, кейин секин аллалай бошлади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ой мома отинг,
Қайларга бординг?
— Мен йилқи боқдим.
— Хўш, нима топдинг?
— Олтин жабдуқли
От тутиб олдим.

Григорий бешикнинг ғичиллашига монанд айтилган ашула товуши остида уйқуга кетаётиб: «Эртага Петро лагерга жўнайди. Дашка боласи билан қолади. Пичан ўроғи ўзимизга қопти-да»,— деб ўйлади.

Григорий бошини ёстиққа босиб ётиб олди, барибир алла товуши эшитиларди:

— Тулпоринг қайда?
— Эшик ортида.
— Эшик қаёқда?
— Сув олиб кетган...

Шу пайт бир от қаттиқ кишнаб юборди, Григорий сесканиб тушди. Бу Петронинг сафда минадиган арғумоғи эди, овозидан таниди.

Увишиб қолган бармоқлари билан кўйлагини зўрға тугмалади, лекин минғиллаган алла овози уни яна элитди:

— Ғозларинг қайда?
— Қамишзорларда.
— Қамишзор қайда?
— Қизлар ўриб кетибди.
— Қизлар қайга кетибди?
— Эрга тегиб кетибди.
— Қазаклар қани?
— Урушда бари...

Уйқу элтиб бўшашган Григорий отхонага зўрға етиб борди, отни ечиб, тор кўчага олиб чиқди. Учиб юрган мезон юзига ёпишиб ғашини келтирди, ўша заҳотиёқ уйқуси ўчиб кетди.

Қия тушган ой нури Дон устида ҳеч ким қадам босмаган ойдин йўл ҳосил қилган эди. Дарёни туман босган, осмон тўла юлдуз. Арғумоқ кетинги оёқларини авайлаб босади. Сувга тушадиган жой жуда ноқулай. Нариги томондан ўрдакларнинг ғағиллагани эшитилади, қирғоқ ёнидаги кўлмак сувда майда балиқ овлаб юрган лаққа билтанглаб сувни шопиллатиб юборди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Григорий анчагача сув бўйида туриб қолди. Қирғоқдан рутубат ва мағор ҳиди анқирди. От оғзидан қатра-қатра сув томар эди. Григорийнинг кўнгли очилган, димоғи чоғ, ҳеч нарсани ўйлагуси келмасди. Қайтиб келаётиб кун чиқар томонга қаради: осмон ёришган, қоронғилик тарқалаётган эди.

Ошхона олдида онасига тўқнаш келиб қолди.

— Гришкамисан?

— Бошқа ким бўларди.

— Отни суғордингми?

— Суғордим,— деб жавоб қилди Григорий истаристамас.

Кампир этагидаги таппиларни зўрға кўтариб, нимжон яланг оёқларини шапиллатиб қадам босарди.

— Астаховникига кириб, уни уйғотиб чиқсанг бўларди. Степан Петро билан бирга жўнамоқчи эди.

Тонг салқини Григорийга тетиклик бағишлаган эди. Унинг аъзойи бадани чумоли талагандай жимирлашарди. Уч ҳатлашда Астаховларнинг зинапояси олдига бориб етди. Эшик очиқ эди. Ошхонада, ерга солинган тўшакда Степан ётар, қўлтиғида хотинининг боши кўринарди.

Ғира-шира қоронғилик ичида Григорий, Аксиньянинг кўйлаги қайрилиб, сонигача очилиб қолганини кўрди, сутдек оппоқ оёқлари ёзилиб ётар эди. Григорий бирпас қараб турди, танглайи қуриб, қулоқлари шанғиллаб, боши чўяндай оғирлашиб кетди.

У ёқ-бу ёққа ўғринчи кўз ташлаб, кейин овози ўзгарган ҳолда хириллаб:

— Ҳой, ким бор бу ерда! Турингглар!— деди.

Аксинья чўчиб уйғониб кетиб:

— Вой ўлай, бу ким? Ким ўзи?— деб юборди.

Яланғоч қўли билан пайпаслана-пайпаслана этагини топиб, оёқларини беркитди. Уйқусида томган сўлакайи ёстиқда доғ қолдирган эди; аёл киши тонг отиш олдида данг қотиб ухлайди.

— Менман. Сизларни уйғотгани келувдим, онам юборди.

— Ҳозир турамиз... Ҳамма ёқ ивирсиб ётибди, ўтиб ҳам бўлмайди... Бурганинг дастидан ерда ётамиз. Степан, турсанг-чи, қулоғинг карми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Григорий Аксиньянинг овозидан унинг ўнғайсизланганини пайқаб, дарҳол изига қайтди.

* * *

Қишлоқдан ўттизтача казак ёзги лагерга жўнайдиган бўлди. Улар майдонга тўпланишлари лозим эди. Соат еттига яқинлашганда усти брезент билан ёпилган соявон аравалар, ёзлик бўз кўйлак кийган, яроғ тақинган отлиқ, пиёда казаклар майдон сари келавердилар.

Петро пешайвонда шошиб-пишиб сўкилган қоринбоғни тикар эди. Пантелей Прокофьевич Петронинг арғумоғи атрофида айланар — охурга сули солиб егизар ва ора-сира қизига бақириб қўярди:

— Дуняшка, халтага қоқ нон солиб, оғзини тикдингми? Мойга туз сепдингми?

Лоладай очилган Дуняшка қалдирғоч сингари омборхона билан уй орасида учиб юрар ва отасининг жаврашига қўл силтаб:

— Дада, сиз ўз ишингизни қилаверинг, акамнинг буюмларини шундай жойлаб бераманки, Черкасскка-ча қимир этмай боради,— деди.

Петро тасмани тупуги билан ҳўллаётиб, отини имлаб кўрсатди-да, отасидан сўради:

— Еб бўлдими?

Чол сиполик билан:

— Кавшаяпти,— деб жавоб қилди ва ғадир-будур кафти билан терликни пайпаслаб кўрди.— Терликка чўп-чор ёпишса, бир бекат босмасданоқ отнинг орқасини яғир қилади.

— Еб бўлгандан кейин, Тўриқни суғориб қўйинг, дада.

— Гришка Донга олиб тушади. Ҳой, Григорий, отни суғориб кел!

Юлдуз қашқа, баланд бўйли аслзод қора Тўриқ ўйноқлар эди. Григорий отни дарвозадан ташқарига олиб чиқди, чап қўли билан унинг ёлидан ушлаб, лип этиб миниб олди ва йўртдириб кетди. Қияликка яқинлашганда ҳарчанд жиловини тортса ҳам, арғумоқ уни суриб, жарга қараб чопганича тушиб кетди. Григорий

www.ziyouz.com kutubxonasi

орқасига ташланиб, от устида ётиб олиб жиловни тортар экан, тепаликдан челак кўтариб тушиб кетаётган аёлни кўриб қолди. Отни дарҳол четга бурди-да, чанг-тўзон кўтариб, тиккасига сувга тушди.

Солланиб пастга тушиб келаётган аёл Аксинья эди, у олисдан бақириб койий бошлади:

— Ҳа, қутурган шайтон! Сал бўлмаса, от тагида қолувдим-а! Ҳали шошмай тур, бу қилиғингни даданга айтиб қўймасам...

— Бас қил, ҳамсоя, ҳадеб койийверма. Эрингни лагерга жўнатсанг, мен ҳам бир кунингга яраб қоларман.

— Сендақа шайтонни бошимга ураманми?

— Пичан ўроғи бошланганда ўзинг ҳам ялиниб қоларсан,— деди кулиб Григорий.

Аксинья тахта устида туриб, обкаш билан челакка сув тўлдириб олди ва шамол ҳилпиратаётган этакларини тиззалари орасига қисиб, Григорийга қараб қўйди.

— Қалай, Степанинг тайёр бўлдими?— деб сўради Григорий.

— Сенинг нима ишинг бор?

— Қизиқсан-а... Сўраса гуноҳкор бўладими?

— Ҳа, тайёр бўлди. Хўш?

— Бундан чиқди, ёлғиз қоларкансан-да?

— Ҳа.

Арғумоқ бошини сувдан кўтарди, оғзидан оқиб тушаётган сувни чайнаб, Доннинг нариги бетига тикилиб, олдинги оёғи билан тепинди. Аксинья иккинчи челагини ҳам тўлгазди-да, обкашни елкага олиб, тебрана-тебрана юқорига чиқа бошлади. Григорий ҳам отни «чу» деб, кетма-кет чиқаверди. Шомол Аксиньянинг юбкасини ҳилпиратар, қорайган гарданига тушиб турган гажак сочларини ўйнар эди. Ранг-баранг ипак билан гул солиб тикилган тақияси чамбарак сочлари устида оловдай товланарди, пистоқи ранг кўйлаги юбкасига қистирилган эди, унинг тирсиллаган яғринида, тўлишган елкаларида кўйлаги таранг бўлиб, тортилиб турарди. Аксинья энгашиб, тепага чиқиб борар, яғрининг чуқурчаси кўйлак остидан яққол билиниб турарди. Кўйлагининг қўлтиқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

таглари тердан сарғайиб, доғ бўлиб кетганига Григорийнинг кўзи тушди, у Аксиньянинг ҳар бир ҳаракатини кўздан қочирмай борарди. Аксинья билан яна гаплашгуси келар эди.

— Ҳали, эрингни соғиниб қолмасанг дейман? А?

Аксинья кета туриб, қайрилиб кулимсиради.

— Бўлмаса-чи... Сен уйланиб кўр,— Аксинья чуқур нафас олди-да, энтикиб гапира бошлади,— олдин уйлан, ёрингни соғинасанми, йўқми, кейин биласан.

Григорий отини ниқтаб, унинг ёнига келди-да, кўзларига тикилди.

— Лекин баъзи хотинлар эрларини кузатганига бирам суюнишадики... масалан, Петро кетса — Дарьямизнинг семиришини кўрасан.

Аксинья бурнини чимириб, тез-тез нафас оларди; сочларини тузатаркан:

— Эр — қора ер, қонимизни сўради,— деди.— Хўш, сени қачон уйлантирамиз?

— Билмадим, отам нима дер экан. Аскарликка бориб келганимдан кейин уйлансам керак.

— Ҳали ёшсан, уйланма.

— Нега?

— Бошингга бало бўлади,— Аксинья ер остидан қараб, лабларини қимтиб кулимсиради. Шунда Григорий унинг дўрдоқ лаблари беҳаё, қалин эканлигини пайқаб қолди.

У от ёлини ўйнаётиб:

— Уйлангим йўқ. Шундоғ ҳам бирон тасига ёқиб қоларман,— деди.

— Кўз тагига опқўйганинг борми?

— Шунгаям ташвишми?.. Сен Степанни жўнатганингдан кейин...

— Мен билан ўйнашма, бола!

— Ўйнашсам ўлдирасанми?

— Степанга айтаман.

— Степанингни мен...

— Чиранма бэтир, йиғлаб юрмагин тағин.

— Мени қўрқитиб бўпсан, Аксинья!

— Қўрқитаётганим йўқ. Сен қизлардан қолма. Улар сенга дастрўмол тикиб беришсин, лекин менга қарайверма.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нима қилсанг ҳам қарайвераман.

— Қарасанг қарайвер.

Аксинья у билан ярашгандай жилмайди-да, сўқмоқдан чиқиб, четлаб ўтиб кетмоқчи бўлди. Лекин Григорий отини кўндаланг қилиб, йўлини тўсди.

— Қўйвор, Гриша!

— Қўйвормайман.

— Жиннилик қилма, ахир, мен эримнинг буюмларини тугиб беришим керак.

Григорий илжайиб, отини ўйнатар эди, от депсиниб Аксиньяни жар ёқасига тақаб қўйди.

— Қўйворсанг-чи, шайтон! Одамлар юрибди, кўриб қолса нима дейишади?

Аксинья кўзларини жавдиратиб у ёқ-бу ёққа қаради-да, хўмрайиб, орқасига қарамай жўнаб кетди.

Зинапоя устида Петро ота-онаси билан хайрлашмоқда эди. Григорий арғумоқни эгарлаб бўлди. Петро қиличини авайлаб ушлаб, зинапоядан югурганча тушди ва Григорийнинг қўлидан жиловни олди.

Арғумоқ сафарга чиқаётганини сезиб, жойида тек туролмасдан ер тепинар ва сувлиғини чайнарди. Петро бир оёғини узангига, қўлини эгар қошига қўйиб, отасига гап уқтирарди:

— Саманни ишлатиб чарчатиб қўйма, дада! Кузгача семирсин — сотамиз. Григорийгаям от олиши керак. Даштдаги пичанни сота кўрма: биласан-у, бу йил ҳазилакам пичан чиқмайди.

— Ҳай, худога топширдим, оқ йўл,— деди чол чўқиниб.

Петро оғир гавдасини лип этиб эгар устига олди, камар билан танғиган қўйлагининг барларини текислади. Арғумоқ дарвоза томон қадам ташлади. Қилич дастаси офтобда йилт-йилт қилар, у отнинг қадам ташлашига монанд тебранарди.

Боласини қўлида кўтарган Дарья эрига эргашди. Ҳовлининг ўртасида қаққайиб қолган она эса енг учи билан кўзини, этаги билан қизарган бурнини артарди.

— Акажон, сомса эсдан чиқибди! Сомса!.. Картошка сомса!..

Дуняшка эчкидай ирғишлаб дарвоза томон югурди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мунча бақирасан, эси паст!— деб жеркиб берди уни Григорий.

— Сомса эсдан чиқибди-я!— деб Дуняшка эшикка суялиб йиғлаб юборди; кўз ёшлари қоракуя текқан юзига ва юзидан кофтасига оқиб туша бошлади.

Дарья кафтини пешонасига қўйиб, чанг орасида зўрға кўринган оқ кўйлакли эрининг кетидан қараб қолди. Пантелей Прокофьевич дарвозанинг чириган устунини тебратиб кўрди-да, Григорийга қаради.

— Дарвозани тузатиб қўй, бурчагига устун ўрнат.

— Чол ўйланиб қолди, худди янги бир хабар келтирган кишидай,— Петрони ҳам жўнатдик,—деб қўйди.

Григорий четан деворнинг нариги ёғида Степаннинг ҳам ҳозирланаётганини кўрди. Яшил юбка кийиб ясанган Аксинья от етаклаб эри ёнига келди. Степан кулимсираб, унга бир нималар деди. Сўнгра, хотинини бамайлихотир ўпди ва анчагача қўлини унинг елкасидан олмай турди. Офтобда куйган, ишда қорайган косовдай қўли Аксиньянинг оппоқ кофтаси устида доғ каби кўринарди. Степан Григорийга орқасини ўгириб турарди: сочлари текис қилиб олинган йўғон бўйни четан орасидан бемалол кўринарди, хотинига энгашганда эшилган сап-сариқ мўйловининг учини ҳам кўриш мумкин эди.

Аксинья негадир кулар, бошини сарак-сарак қилар эди, Степан узангига оёқ қўйганда бўйдор қора арғумоқнинг бели букчайиб кетди. Отни йўртдириб дарвозадан чиққан Степан эгарга маҳкам жойлашиб ўтириб олган эди. Аксинья узангисини ушлаб ёнида борар, бошини юқори кўтариб, эрининг кўзларига муҳаббат билан суқланиб тикиларди.

Шу йўсинда улар қўшниларининг қўрасидан ўтиб муюлишга етгач, бурилиб кетишди.

Григорий кўзларини катта очиб, анча вақтгача уларнинг кетидан тикилиб қолди.

IV

Кечга томон ҳаво айнаб момақалдироқ бошланди. Қишлоқнинг устини қўнғир булутлар қоплаб олди. Шамолдан қутурган Дон дарёсининг тўлқинлари кў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

пириб, дамба-дам қирғоққа келиб уриларди. Чорбоғларнинг орқасида чақмоқ чақиб осмон ёришиб кетар, гулдурак овозидан ер юзи ларзага келарди. Булутлар остида қанотларини ёйиб гир айланиб калхат учар, қарғалар қағиллашиб, уни тала-тала қилишарди. Ғарб томондан совуқ қора булут Дон бўйлаб босиб келаверди. Сойлиқнинг нари ёғида осмон қорайиб даҳшатли тус олди, дашт ҳам бир нимани сезгандай сукунатга чўмди. Қишлоқда тарақлатиб дераза дарпардаларини ёпа бошладилар, кечки ибодатдан чиққан кампирлар чўқиниб уйларига шошилар эди, майдон устида чанг-тўзон қуюни кўтарилди, баҳор иссиғида қақраган ер устига ёмғур биринчи томчиларини сепа бошлади.

Дуняшка кокилларини селкиллатиб югуриб бориб товуқхонанинг дарчасини беркитди-да, ҳурккан от сингари бурнининг катакларини кериб қўранинг қоқ ўртасида туриб қолди. Кўчада болалар ирғишлашиб ўйнар эдилар. Саккиз яшар қўшни бола Мишка бир оёқлаб гир айланарди, отасининг каттакон шапкаси кўзларигача тушган — у чинқириб ашула айтар эди:

Емғур, ёмғур, аяма!
Биз борамиз далага.
Исога чўқинамиз.
Худога сиғинамиз.

Дуняша ер тепиниб ўйнаётган Мишканинг лой сачраган яланг оёқларига қараб ҳаваси келарди. Унинг ҳам ёмғурда сакраб ўйнагуси келар, сочларининг ёмғур сувида ивиб, қалин ва жингалак бўлиб ўсишини истарди: худди ана шу Мишканинг ўртоғи сингари, тикан устига йиқилиб тушишини ўйламасдан, қўли билан кўча турпоғини чангаллаб, оёқларини осмонга кўтаргуси келарди, бироқ дераза орқасидан онаси хўмрайиб қарар, лабларини қимтиб қўяр эди. Дуняшка хўрсиниб, уйга кириб кетди. Ёмғур жадаллаб, жалага айланди. Томнинг қоқ тепасида момагулдурак қарсиллаб, садоси Доннинг нари ёқларигача ёйилиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чол билан терлаб-пишиб кетган Григорий ўроғлиқ балиқ тўрини ҳужрадан даҳлизга тортиб чиқаришди.

— Каноп билан жуволдизни опкел, дарров!— деб буюрди Дуняшкага Григорий.

Ошхонада чироқ ёқишди. Дарья ўтириб тўрни тика бошлади. Кампир, чақалоқни терватаётиб, жавраб кетди:

— Сениям бирон кун тинч ўтирганингни кўрармиканман-а, чол? Чироқни ўчириб ётинглар, кундан-кунга лампамойнинг нархи ошяпти, ҳадеб ёқаверасанми ахир? Шундай маҳалда ов нима қилсин? Сизларни жин чақиряптими ўзи? Сув остида қолиб кетманглар тағин, ана, ана куйишини қарагин! Худоё тавба, ё биби Марям, ўзинг асрагил...

Кўкиш ёғду ошхонани бир лаҳза ёритиб юборди, орага сукунат чўкди, ҳатто, дераза дарпардасини ёмғир қитирлатгани ҳам аниқ эшитиларди, бирдан момагулдурак қарс этиб кетди. Дуняшка чийиллаб тўрга мукка тушиб ётиб олди, Дарья бўлса, эшик ва деразаларга қараб наридан-бери чўқиниб қўйди.

Кампир оёғига сурканаётган мушукка қўрқа-писа назар ташлар эди.

— Дуняшка! Ҳайдасанг-чи, ахир бу лаънат... худоё тавба, гуноҳимдан кеч. Дунька, мушукни қўрага чиқариб ташла, болам. Пишт-эй, ер юткур! Ҳа, ҳаром ўл...

Григорий тўрни қўлидан тушириб юбориб, қотиб-қотиб кулар эди.

— Ҳиринглай берма! Бас!— деб дўқ қилди Пантелей Прокофьевич.— Қани, тезроқ тикиб бўлинглар. Анов куни тайинловдим-у, биронтанг ҳам тўрга қарамабсан.

— Шу топда ов қолдими?— деб кампир яна гап бошлаган эди, бироқ чол жеркиб ташлади:

— Билмасанг — тек ўтиравер! Балиқ бўрондан қўрқади, ўзини қирғоққа уради. Ҳозир айни стерлядь балиғини тутадиган пайт. Дарё ҳам лойқаланган бўлса керак. Қани, Дуняшка, чиқиб қулоқ сол-чи, жар ариқ айқириб оқаяптимикин?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дуняшка истар-истамас ёни билан юриб эшикка чиқди.

— Тўрни ким судрайди? Дарья сувга тушмасин, кўкраги совуққа чалиниб қолиши мумкин,— деб вайсар эди кампир.

— Мен Гришка билан бир тўрни судраймиз, иккинчи тўрга Аксиньяни чақириш керак, яна биронта аёл бўлса етади.

Дуняшка энтикиб кириб келди. Қиприкларида ёмғир томчилари титраб турарди. Уст-бошидан захтоб қора тупроқ ҳиди келарди.

— Айқириб оқаяпти, ваҳимасига туриб бўлмайди!

— Биз билан борасанми?

— Яна ким боради?

— Қўшни аёлларни чақирамиз.

— Бораман!

— Ундай бўлса чакмонни ёпиниб чопқиллаганингча Аксиньяникига бор. Агар хўп деса, Фролова Малашканиям чақира келсин!

— Малашкага совуқ чўт эмас,— деб кулди Григорий.— Ўзиям бўрдоқи чўчқадай семирибди.

— Гришунька, қуруқ пичан ола кетгин,— деб маслаҳат берди онаси,— кўкрагингга қўйиб оласан, бошим, бўлмаса баданингдан совуқ ўтиб кетади.

— Григорий, сен бориб пичан опкел. Кампирнинг гапи жўяли.

Дуняшка бирпасда хотинларни бошлаб келди. Аксинья йиртиқ кофта билан кўк юбка кийиб, белини арқон билан танғиб олган, кийими уни паканароқ ва озғинроқ қилиб кўрсатарди. У Дарьяга қўшилиб кула-кула рўмолини ечди, сочларини чамбарчаст тугиб олди-да, рўмолини қайтадан ўраётиб, Григорийга совуққина назар ташлади. Бўсағада пайпоқларини боғлаётган Малашканинг овози хириллаб эшитиларди.

— Қоп олдиларингми? Худо ҳақи, қоп-қоп балиқ олиб келамиз.

Ҳаммалари қўрага чиқишди. Ивиган ерга шатирлатиб ёмғир қуяр, кўлмак сувларни кўпиртирар, жилға-жилға бўлиб Донга оқиб тушарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Григорий олдинда борар, бекордан-бекорга суюнар эди.

— Эҳтиёт бўл, дада, ариқ бор.

— Қоронғини қара-я!

— Аксинья, мендан ажралма, кемага тушганнинг жони бир,— деб хириллаб куларди Малашка.

— Ие, Григорий, ахир, бу Майданниковлар пристани эмасми?

— Худди ўзи.

— Шу ердан... бошлаймиз...— деб бақирди шамолдан дами қайтган Пантелей Прокофьевич.

— Амаки, гапингизни эшитмадим!— деб хириллади Малашка.

— Овга барака деб, судрайвер... Чуқур ёғига ўзим тушаман. Чуқурга сен тушма, деяпман... Малашка, ҳой қулоғи кар, алвасти, тўрни қаёққа судраяпсан? Чуқурга мен тушаман дедим-ку!.. Григорий, Гришка! Аксинья қирғоқдан ҳайдаб келаверсин!

Дон шовиллайди. Қиялаб қуяётган жалани шамол тилка-тилка қилиб учиради.

Григорий оёғи билан пайпаслаб-пайпаслаб, белигача сувга кирди. Муздек сув кўкрагигача келиб, баданидан совуқ ўтиб кетди. Тўлқин унинг юзини, чирт юмиб олган кўзини аямай савалайди. Тўр, дўмбирадек шишиб, пастга қараб судрайди. Григорийнинг жун пайпоқ кийган оёқлари қумоқда сирғаниб кетади. Қўлидан тўр чиқиб кетай-чиқиб кетай дейди. Борган сари сув чуқурлашади. У ёғи ўпқон. Оёғи тийғаниб кетади, оқим уни ўртага судрайди, сув тагига тортиб кетмоқчи бўлади. Григорий ўнг қўли билан кучининг борича қирғоққа томон сузади. Таги йўқ ўпқоннинг ваҳимасидан унинг капалаги учади. Ниҳоят, оёғи юмшоқ ерга ўрнашади-ю, кўнгли жойига тушади. Қандайдир бир балиқ тиззасига келиб урилади.

Қаердандир, зулмат ичидан отасининг овози келади:

— Чуқурга яқинлашма, олисроқ юр!

Тўр қийшайиб, яна чуқурга судрай бошлади, кучли оқим оёғи остидаги қумни оқизиб кетди; Григорий бошини ғоз кўтариб, сузар ва тупуринар эди.

— Аксинья, тирикмисан?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳозирча тирикман.

— Ёмғур ҳам тинай деяптими?

— Ёмғур тинса орқасидан жала қуйиб беради.

— Секинроқ гапир, отам эшитса — балога қоласан.

— Отангдан қўрқиб юрибсанми ҳали...

Иккиси бир лаҳза жим қолишди. Уст-бошлари шалаббо, елимдай ёпишиб, қимирлашга имкон бермайди.

— Гриша, қирғоқ ёнидаги тўнкалар остида қамар бўлса керак. Тўр солиб кўрайлик.

Даҳшатли бир зарба Григорийни анча нарига улоқтириб ташлади. Худди жар тепасидан бир палахса тош қулаб тушгандай сув шопиллаб чайқалиб кетди. Қаердандир, қирғоқ бўйидан Аксиньянинг:

— А-а-а-а! деб чинқиргани эшитилади.

Капалаги учган Григорий шўнғиб чиқди-да, овоз келган томонга сузди.

— Аксинья!

Шамолнинг гувиллагани, сувнинг шалоплагани эшитилади, холос.

Григорий ваҳимага тушиб:

— Аксинья!— деб бақиради.

Отасининг:— Ҳо-ой!! Гри-го-рий!— деган овози олисдан аранг эшитилади.

Григорий қулочкашлаб сузади. Оёғига ёпишқоқ бир нарса ўралашади, ушлаб қараса тўр экан.

— Гриша, қаёқда қолдинг?..— дейди Аксинья йиғламсираб.

Гриша эмаклаб қирғоққа чиқар экан:

— Нега овоз бермадинг?— деб ўшқиради.

Иккиси чўққайиб ўтириб чигил бўлиб қолган тўрни қалтирай-қалтирай чувата бошлашади. Шу он парчаланган булут орасидан ялт этиб ой ҳам кўринади. Сойлиқнинг нари ёғидан момагулдуракнинг гуриллаши эшитилади. Ерга синголмай қолган сув йилт-йилт этади. Ёмғурда ювилиб тозаланган осмон тип-тиниқ, мусаффо.

Григорий тўрни чувата ётиб Аксиньяга тикилади. Унинг юзлари докадек оқариб кетган, лекин қип-қизил дўрдоқ лаблари кулиб туради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аксинья нафасини зўрға ростлаб олиб:

— Мени бир уриб қирғоққа учириб юборди-я, деди,— эсимни йўқотаёзибман. Жон-поним чиқиб кетди! Сен чўкиб кетдинг деб ўйловдим.

Уларнинг қўллари бир-бирига тегиб кетади. Аксинья қўлини Григорийнинг енгига суқмоқчи бўлади.

— Қўлинг бирам иссиққи,— дейди у зорланиб,— мен бўлса, музлаб қолдим. Биқинимга санчиқ турди.

— Ўзиям наҳанг экан, мана, тўрни тешиб кетганиги қара!

Григорий тўрни ёйиб кўрди, тўрнинг қоқ ўртасида кўндалангига бир ярим газча жойи тешилиб кетган эди.

Қирғоқдан аллаким чопиб келмоқда. Григорий унинг Дуняшка эканини пайқаб олисдан:

— Ипинг борми?— деб сўради.

— Ҳа, бор.

Дуняшка халлослаб, уларнинг ёнига етиб келди.

— Бу ерда нима қилиб ўтирибсиз? Дадам, дарров чақириб кел, деб юбордилар. Бизлар бир қоп стерлядь тутдик!— Дуняшка суюнчини ичига сиғдира олмас эди.

Аксиньянинг тиши-тишига тегмай, даг-даг титраб тўрни ямади. Сўнгра, қизишиб олиш учун чопиша-чопиша даҳана томонга кетишди.

Пантелей Прокофьевич сувда мурданики сингари шишиб кетган бармоқлари билан тамаки ўрамоқда; чол турган жойида ўйнаб туриб мақтанарди:

— Бир тўр солганда саккизтасини тутдик, иккинчи сафар...— нафасини ростлаб тамакисини тутатиб, оёғи билан қопни кўрсатади,— шунча овладик.

Аксинья қизиқиб томоша қилади. Жони қаттиқ стерлядлар қопда қимирлашиб ётади.

— Сизлар нега у ёқда қолиб кетдингиз?

— Лаққа балиқ тўрни тешиб юборди.

— Тикиб олдиларингми?

— Бир амаллаб кўзларини бир-бирига ямаштирдик.

— Қани, бўлмаса — муюлишгача бир тўр солиб кўрамиз-да, кейин уйга қайтамиз. Гришка, судра тўрни, нега тумтайиб турибсан?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Григорий тарашадек қотган оёқларини зўрға судрайди. Аксинья шу қадар қалтирайдики, унинг титрагани тўр орқали Григорийга билиниб туради.

— Мунча титрайсан?

— Шунча қилсам ҳам ўзимни босолмаяпман.

— Менга қара, Аксинья... Ке қўй, чиқамиз, падарига лаънат бунақангги балиқ овининг!

Катта бир зоғора балиқ тўрга келиб урилади. Григорий қадамини тезлатиб, тўрни ўраб, сувдан тортади; Аксинья энгашиб олиб, қирғоққа чопиб чиқади. Тўрдан «шув» этиб сув оқиб тушади, тўр ичида типирчилаган балиқ кўринади.

— Сойлиқдан кетамизми?

— Дарахтзордан кесиб чиқамиз. Ҳой, тезроқ бўлинглар!

— Бораверинг, етиб оламиз. Тўрни чайқаб олиб, жўнаймиз.

Аксинья ижирғаниб юбкасини сиқди ва балиқ солинган қопни елкалаб олди, тез-тез юриб кетди. Тўрни Григорий кўтариб олган эди. Юз саржин келадиган жойга етиб борганларидан кейин Аксинья ғингшиб:

— Тоқатим қолмади! Оёқларим оғриб кетди,— деди.

— Манови бултурги ғарам ичига кириб исиниб оласанми?

— Кошки эди. Уйга етгунча совқотиб ўладиганга ўхшайман.

Григорий ғарамнинг устки қаватини олиб ташлади-да, орасини ёриб чуқурча ясади. Босилиб ётган пичандан иссиққина маҳор ҳиди анқирди.

— Орасига кир, Худди печка устида ётгандек бўласан.

Аксинья қопни улоқтириб ташлаб, то бўйнигача ғарам ичига кириб кетди.

— Ана роҳат!

Совуқдан даҒ-даҒ титраётган Григорий унинг ёнига келиб ётди. Аксиньянинг ҳўл сочларидан ажойиб хушбўй ҳид келар эди. Бошини орқасига ташлаган Аксинья ярим очиқ оғзи билан бир текисда нафас оларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сочларингдан ғалати ҳид келади. Биласанми, алланечук оқ гулнинг ҳиди...— деди Григорий шивирлаб.

Аксинья индамади. Унинг хумор кўзлари йироқларга, тугай деб қолган ойнинг гардишига тикилган эди.

Григорий қўлини чўнтагидан чиқарди-да, тўсатдан унинг бошини ўз пинжига тортди. Аксинья ўзини шартта орқага тортиб ўтириб олди.

— Қўйвор!

— Овозингни чиқарма.

— Қўйвор дейман, бўлмаса — додлайман!

— Аксинья, сабр қил ахир...

— Пантелей амаки!..

Дўланазор орқасидан Пантелей Прокофьевичнинг:

— Ҳа, адашиб қолдингми?— деган овози эшитилди.

Григорий тишларини тишларига қўйиб, ғарам устидан ирғиб ерга тушди.

— Нега додлаяпсан? Ё адашиб қолдингми?— деб сўради чол яқинроқ келиб.

Аксинья ғарам ёнида туриб, рўмолини қайтадан тузатиб боғлар, усти-бошларидан буғ кўтариларди.

— Адашганим-ку йўғ-а, лекин совқотиб ўлишимга сал қолди.

— Вой, эси паст хотин-эй, мана ғарам, ичига кир-да, исиниб ол.

Аксинья кулди ва энгашиб қопни олди.

V

Лагерь жойлашган Сетраков қишлоғигача олтмиш чақирим келади. Петро Мелехов билан Степан Астахов бир аравага тушган эдилар. Буларга яна учта ҳамқишлоқ казаклар ҳамроҳ бўлишган: бири — қалмоқ башара чўтир йигит — Федот Бодовсков, иккинчиси — лейб гвардия атаман полкининг муҳлатсиз казаги — лақаби Христоня бўлган Хрисанф Токин, учинчиси Персиановка қишлоғига бораётган Иван Томилин деган тўпчи эди. Биринчи бекатда отларни хашаклатиб олгандан кейин Христонянинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

икки вершоклик[1] эти билан Степаннинг тўриқ аргумоғини аравага қўшдилар. Қолган уч от эгарланган ҳолда арава кетидан борарди. Аравани Христоня ҳайдарди; у, кўпчилик атаманлилар сингари норғил, дали-ғўли бир казак эди. Христоня арава олдида икки букилиб ўтириб олиб, соябон арава ичкарисига ёруғ туширмасди; у ҳадеб дўриллаган овози билан отларни ҳуркитарди. Усти яп-янги брезент билан ёпилган соябон аравада Петро Мелехов, Степан ва тўпчи Томилин тамаки чекишиб ёнбошлашиб ётардилар. Федот Бодовсков орқада пиёда келмоқда эди; афтидан, унинг қийшиқ қалмоқи оёқлари унча-мунча чанг йўлни писанд қилмаслиги кўриниб турарди.

Христонянинг араваси энг олдинда борарди. Унинг кетидан яна еттитами, саккизта арава, ҳамда эгарланган, салт отлар келар эди.

Йўл-йўлакай қаҳқаҳа, қийқириқ овозлари, мунгли қўшиқ садолари, отларнинг дўпир-дўпири, узангилар жангир-жунгури даштни бошига кўтарарди.

Петро қоқ нон солинган халтани бошига қўйиб ётар, шопдай малла мўйловини бураб хаёл сурарди.

— Степан!

— Нима?

— ...Кел, саллотчасига бир ашула қилайлик.

— Кун иссиқ. Томоғим қақраб кетди.

— Яқин орадаги қишлоқларда қовоқхона йўқ. Хомтама бўлма!

— Қани, бошла. Сен-ку, унча дўндиролмайсан-а. Лекин Гришканг хуш овоз, авжига чиққанда овози кумушдай жаранглайди. Иккимиз кечалари сайилни роса обод қилар эдик.

Степан бошини орқага ташлаб, бир йўталиб олди-да, ширадор йўғон овоз билан хиргойи қила бошлади.

Қош қораймай осмонда
Чўлпон юлдуз кўринди...

---

[1] Бўйи икки газу икки вершок келадиган от. Подшоҳ армиясига ҳар бир казак, икки газу ярим вершокдан паст бўлмаган от миниб келиши шарт эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Томилин хотин киши сингари кафтини жағига тираб туриб, ингичка овозини барала қўйиб юборади. Петро муртининг учини ямлаб кулимсирайди ва кучаниб ашула айтган чорпахл тўпчининг чақка томирлари кўкариб, бўртиб чиққанини томоша қилади.

Сувга кеч чиққан жувон
Дарё томон бурилди...

Бошини Христоня томонга қўйиб ётган Степан, қўлини ерга тираб, бу ёнбошига ўгирилиб олади: унинг бақалоққина бўйни қизариб кетади.

— Христоня, қўшилсанг-чи, ахир!

Йигит кўргач хотинни
Эгарлайди отини.

Степан чақчайган кўзларини Петрога тикиб илжайиб қўяди, Петро тишлаб турган мўйловини қўйвориб, ашулага қўшилади.

Христоня соқол-мўйлов босиб кетган оғзини катта очиб шу қадар бўкирадики, ҳатто брезент соябон ларзага келади:

Арғумоққа минади,
Дарҳол етиб келади...

Христоня бир газ келадиган сарпойчан оёғининг панжасини кўндаланг қўйиб, Степаннинг яна ашула бошлашини кутади. Степан бўлса, кўзларини чирт юмади-да, завқ билан яна қўшиқни бошлайди: у гоҳ товушини пасайтириб, гоҳ барала қўйиб авжига чиқади.

Рухсат этгин ўргилай,
Мен отимга сув берай...

Яна Христоня ашулага қўшилиб, дўриллаган овози билан ҳамманинг овозини босиб кетади. Ёнма-ён келаётган аравадаги казаклар ҳам ашулага жўр бўлишади. Темир қоплаган арава ғилдираклари шалдирайди, чанг-тўзондан отлар пишқиришади, чўзиб айтилган қўшиқнинг кучли садолари

www.ziyouz.com kutubxonasi

тошқин дарё сингари йўлу чўлларни босиб кетади. Қуриган янтоқзор ичидан куйган қўнғир қиёқлар орасидан оқ қанот чурак учиб чиқади. Чўчиган қуш қақалаганча жар томонга учади, бошини буриб, фируза кўзлари билан қатор тизилишиб кетаётган оқ соябон араваларга, туёқлари билан чанг-тўзон кўтарган отларга, йўл ёқасида келаётган, оқ куйлакларига чанг ўтирган одамларга қараб-қараб қўяди. Бечора чурак жарга етганда, ҳайвонлар топтаган қоқ ерга қоп-қора бағри билан тапиллаб тушади ва йўлда нима бўлаётганини кўрмай, тек ётаверади. Йўлда эса аравалар ҳамон шалдираб кетмоқда, тер босган эгарлоғлиқ отлар ҳамон истар-истамас йўртиб бормоқда; лекин кўйлаклари сарғайиб кетган казаклар эса олдинги араванинг ёнига бориб, унинг атрофига тўпланадилар, хохолашиб куладилар.

Степан бир қўли билан брезент соябонни ушлаб арава устида тикка туриб боради, иккинчи қўлини қўшиққа ҳамоҳанг ўйнатади; қўшиқлар унинг оғзидан ёмғурдай ёғилади:

Ёнгинамда ўтира кўрма,
Ёнгинамда ўтира кўрма,
Кўрган одам гап қилади,
Ошиқ экан деб кулади.
Мени севасан,
Излаб келасан;
Келасан ёнимга,
Тегасан жонимга.
Зотим сўрсанг — аслзодаман...

Ўнлаб кишиларнинг дўриллаган овозлари унга жўр бўлиб, даштни бошига кўтаради.

Зотим сўрсанг — аслзодаман;
Зотим ўғри,
Зотим ўғри
Эмасдир.
Севганим бор —
Князь ўғли.

Федот Бодовсков ҳуштак чалади: отлар ҳуркиб арава шотисидан чиқиб кетгудай бўлишади, Петро соябон остидан бошини чиқариб кулади ва шапка-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сини қўлга олиб силкитади. Степан бўлса, кифтини қоқиб илжаяди, юзи ёришиб кетади; ҳавога кўтарилган чанг-тўзон аравалар кетидан эргашиб боради; Христоня эса, камарсиз, узун кўйлагини ҳилпиратиб, жиққа терга ботиб ўйин тушмоқда, гоҳ қош чимириб, пилдироқдай гир айланади, гоҳ инқиллаб сакраб-сакраб депсинади, ўшандан — ипакдай майин чанг босган йўл устида тарвақайлаган оёқ панжаларининг изи тушиб қолади.

VI

Казаклар, устини сап-сариқ қум босган яйдоқ бир қўрғон ёнида тунагани тўхташди.

Ғарб томондан булут босиб келмоқда, унинг қора қанотлари остидан ёмғир томчиламоқда. Казаклар отларни ҳовузда суғоришди. Тўғон атрофидаги толлар шамолда эгилиб салом қилишарди. Устини йўсун босиб кетган кўлмак сув бетида майда-майда тўлқинлар тангадек жимирлашар, чақмоқ шуъласи ҳовузда қинғир-қийшиқ акс этарди. Шамол худди садақа бераётгандай қақраган ер бағрига сепалаб ёмғир сочарди.

Тушовланган отлар ўтлоққа қўйиб юборилди, уч киши уларга қоровул қилиб қўйилди. Қолганлар гулхан қалаб, арава шотиларига қозон осишга киришдилар.

Христоня ош пиширар эди. У чўмич билан қозон ковлар экан, давра қуриб ўтирган казакларга ҳикоя айтарди:

— ...Ўзиям худди мана шунга ўхшаган баланд тепа эди. Мен раҳматли дадамга: «Атамандан[1] рухсатсиз бу тепани қазлайдиган бўлсак, бизни бир балога гирифтор қилмасмикан?» дедим.

— Тағин аравани қуруқ опқочяпсанми? — деб сўради от ёнидан келган Степан.

— Жойинг жаннатда бўлғур раҳматлик отам билан хазина ахтарганимизни ҳикоя қиляпман.

— Қаерда ахтарган эдингиз?

---

[1] Подшоҳ замонида казаклар ўз бошлиқларини атаман деб атар эдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Э, биродар, Фетисов сойининг нарги ёғида. Ўзинг ҳам биласан — Меркулов қўрғони...

— Бе...— Степан чўққайиб ўтирди-да, кафтига чўғ олди. Сўнгра лабларини чапиллатиб, кафтидаги чўғни думалата-думалата, тамакисини зўрға тутатиб олди.

— Шундоғ. Бир куни дадам раҳматлик: «Юр, Христоня, Меркулов қўрғонини қазиймиз» деди. Бобомдан «Ўша ерга хазина кўмилган» деб эшитган экан. Лекин хазина ҳар кимга насиб бўлавермайди. Дадам бояқиш худога ёлвориб, агар шу хазинани менга берсанг — серҳашам бир черков соламан, деб аҳд қилди. Шу қарорга келиб, ота-бола ўша тепага йўл олдик. Бу жойлар станицага қарашли бўлгани учун ёлғиз атамандан хавотиримиз бор эди, холос. Кечга томон етиб бордик. Қоронғи тушгунча бирпас кутишга тўғри келди; отни тушовлаб қўйиб юбордикда, белкуракларни олиб тепа устига чиқдик. Қоқ тепасидан буза бошладик. Икки газ келадиган ўра кавладик, ўзиям ер эмас, нуқул тош, алмисоқдан бери ётавериб, метинга айланиб кетибди. Мен терлаб, сув бўлиб кетдим. Дадам ҳадеб пичирлаб дуо ўқийди, лекин сизга ёлғон, худога чин — аксига шу ерда ичим қулдураб қолса бўладими!.. Ёз куни овқатимиз, ўзингизга маълум: қатиғу квас... Қорним шу қадар бураб оғрийдики, кўзим тиниб, йиқилаёздим — асти қўяверасиз! Жойинг жаннатда бўлгур дадам раҳматлик: «Пуфе — дейди,— ҳароми, мен ахир дуо-ойи тилсим ўқияпман, бирпас ичингни тийсанг — ўласанми, ифлос? Нафасим қайтиб кетди-ю... йўқол, тепадан туш, бўлмаса, курак билан бошингга солиб қоламан. Сенинг касринга хазина ер тагидан ғойиб бўлиши турган гап»— дейди. Мен тепанинг тагига тушиб ётдим, ичим бураб оғрийди, кейин санчиқ бошланди; дадам раҳматлик бақувват одам эди денг — бир ўзи қазийверди. Анча қазигандан кейин тоштахта кўринибди. Дадам мени чақириб қолди. Мен остидан лом солиб, тоштахтани кўтардим... Сизга ёлғон, худога чин, биродарлар, сутдай ойдинда тоштахта остида бир нарса ялт этиб кетди....

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ёлғонниям роса қиясан-да, Христоня! — деди Петро чидаб туролмай ва мўйловини бураб илжайди.

— Ёлғонни? Тур, йўқол-э!— Христоня бесўнақай кенг чалварини кўтариб қўйди-да, тингловчиларга назар ташлади.— Йўқ, ёлғон эмас! Худо урсин — рост гап!

— Гапни чўзмай, хулласини гапир!

— Ялт-ялт қилади, оғайнилар. Мен тикилиб қарасам, пистакўмир экан. Камида қирқ челак келади. Дадам: «Қани, туш, Христан, бу ёққа олиб ташла» дейди. Ўрага тушдим, зўр бериб, савил қолгурни чиқариб ташлайвердим, худди тонг отарда зўрға бўлибман, эрталаб қарасак — тепамизга ўзи етиб келибди.

— Ким?— деб сўради тўқим устида ётган Томилин.

— Ким бўларди—атаман. Извошида туриб: «Ким рухсат берди, ҳой фалончию-пистончилар?— деб ўшқирди. Биз индамай туравердик. Иккимизни ҳам извошга босиб, станицага олиб борди. Бурноғи йили бизни Каменскка судга чақириб қолдилар, лекин дадам буни билгандай вақтида ўлиб қолди, дунёдан ўтганлиги учун боролмайди, деган қоғоз билан зўрға қутулдик.

Христоня шавласи қайнаб турган қозонни туширди-да, қошиқларни олиб келгани арава томонга кетди.

— Отанг тушмагур черков соламан деб ваъда қилган экан — қани черков?— деб сўради Степан, Христоня қошиқларни олиб келгандан кейин.

— Тентак экансан, Стёпа, пистакўмир учун ҳам черков солса бўладими?

— Ваъда қилгандан кейин бажарсин-да.

— Байлашганда хазина дейилган, кўмир тўғрисида ҳеч қандай гап бўлмаган...

Қаҳқаҳа товушидан олов лопиллаб кетди. Қозон устига энгашган Христоня бошини кўтарди ва гапнинг нималигига тушунмай, казакларга қўшилиб хохолаб юборди, унинг кулгиси ҳамманинг овозини босиб кетган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

VII

Аксиньяни, ўн еттига кирар-кирмас, Степанга узатишган эди. У Доннинг нари томонидаги қумлоқ Дубровка қишлоғидан келин бўлиб тушганди.

Эрга тегишдан бир йил бурун кузак пайтида Аксинья, қишлоқдан саккиз чақирим нарида, даштда ер ҳайдаётган эди.

Ўз отаси — элликка кирган чол кечаси унинг қўлларини чилвир билан танғиб, номусига тегди.

— Бировга айтсанг ўлдираман, индамай кетсанг — ғижим духоба кофта, қўнжли батинка, калош олиб бераман. Қулоғингда бўлсин: ғирин десанг — ўлдирмай қўймайман...— деб тайинлади чол.

Кечаси Аксинья дабдала бўлиб кетган ич кўйлакда қишлоққа қочиб келди. Онасининг оёғига йиқилиб, ўпкаси тўлиб, зор-зор йиғлаб, бўлган воқиани гапириб берди... Яқинда ҳарбий хизматдан қайтган атаман полклик акаси билан онаси дарҳол аравани қўшишди, Аксиньяни ҳам аравага ўтқазиб, ўша ерга, отасининг ёнига жўнашди. Акаси саккиз чақирим жойга етгунча отларни савалаб ўлдира ёзди. Чолни капанинг ёнидан топдилар. У чакмон устида маст-аласт ҳолда ухлар, олдида бўшаган ароқ шишаси ётарди. Акаси арава ёғочини суғуриб олганини, ухлаб ётган отасини тепиб турғизганини, ундан бир оғиз гап сўраганини ва ҳалиги ёғоч билан тумшуғига солиб қолганини Аксинья кўриб турди. Акаси билан онаси уни бир ярим соатгача роса дўппослашди. Ҳаммага ювошлиги билан танилган кекса онаси жон-жаҳди билан эрининг сочларини юлар, акаси аямай тепкилар эди. Аксинья эса бошини буркаб, арава тагида даг-даг титраб, чурқ этмай ётарди... Тонг отар маҳалда чолни уйга келтиришди. У жон талвасасида инграр, кўзи жавдираб, яширинган Аксиньяни изларди. Юлинган қулоғидан ёстиқ устига қону йиринг оқар эди. Кечга томон чол қазо қилди. «Қаттиқ маст экан, аравадан йиқилиб ўлибди» деб овоза қилишди.

Орадан бир йил ўтди; бир куни безатилган аравада Аксиньяни кўргани совчилар кириб келишди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Баланд бўйли, хушбичим Степан қизга ёқди, тўйлари кеч кузга тайин бўлди. Ҳадемай куз ҳам келди; қиш кириш олдида, аёз тушган ажойиб хуш ҳаво кунларнинг бирида Аксинья билан Степаннинг бошларини қўшиб қўйишди; ўша-ўша, Аксинья Астаховлар уйининг бекаси бўлиб қолди. Қайнанаси, қандайдир аёллар дардига гирифтор бўлиб, букчайиб қолган новча бир кампир эди; у тўйнинг эртаси куниёқ тонг ёришмай туриб, Аксиньяни уйғотди ва уни ошхонага чақириб олди-да, ўзидан-ўзи оташкуракларни нари-бери суриб қўйиб, гап бошлади:

— Айланай келинпошшо, биз сени тушгача эркаланиб ётсин деб келин қилганимиз йўқ. Дарров бориб сигирларни соғиб кел, иннайкейин печь ёнида жилмай овқат пиширасан. Мен қариб, куч-қувватдан қолдим, рўзғор ишларини ўз қўлингга ол, ҳамма иш энди сенинг бўйнингда, шуни билиб қўй.

Ўша куни Степан аламига чидолмай, ёш хотинини ҳужрага қамаб роса калтаклади. Аксиньянинг қорнига, кўкрагига, елкаларига аямай туширди, атайин одам кўрмайдиган жойларини топиб урди. Ана шундан кейин у бегона хотинлар билан, саёқ бевалар билан юрадиган бўлиб қолди; деярли ҳар кеча Аксиньяни омборхонагами, ҳужрагами қамаб чиқиб кетар эди.

Орадан бир ярим йил ўтгач, Аксинья бола туққандан кейингина у аламини унутиб, бир оз инсофга келди, бироқ хотинига яхши гапириш, уни эркалатиш нима эканини билмас, аввалгисича уйида камдан-кам тунар эди.

Рўзғор катта, мол-ҳол кўп эди, Аксинья иш билан бутунлай банд бўлди-қолди. Степан ҳуши келса ишлар, келмаса — ишламас эди; сочини тарарди-ю, ўртоқлари билан тамаки чекишиш, карта ўйнаш, қишлоқдаги олди-қочди гапларни эшитиш учун уйдан чиқиб кетарди, молга қараш, тагларини тозалаш, рўзғорни тебратиш иши Аксиньянинг бўйнига тушган эди. Қайнананинг қарашганидан фойда йўқ эди. Қайнанаси бирпас уринган бўларди-ю, ўзини таппа каравотга ташларди, лаблари бўзариб, дардига чидолмасдан кўзларини олайтириб шипга тикилар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғужғунак бўлиб олиб инграрди. Шундай пайтларда қоп-қора хунук сўгал тошган юзини жиққа тер босар, кўзлари ёшга тўлар, қатра-қатра бўлиб оқа бошлар эди. Аксиньянинг қўли ишга бормай, бир бурчакка суқулиб олар, қўрқиб, ачиниб қайнанасининг юзига тикилганича қотиб қоларди.

Бир ярим йилдан кейин кампир қазо қилди. Эрталаб Аксиньянинг тўлғоғи бошланди, лекин бола тушмасдан бир соат олдин, тушга яқин, қайнанаси юрган йўлида — эски отхонанинг эшиги олдида ўлиб қолди. Доя кампир, кўз ёриётган хотин ёнига кирмагин деб, маст Степанни огоҳлантирмоқчи бўлиб уйдан югуриб чиққанда оёқлари букилиб ётган қайнанага кўзи тушди.

Бола туғилгандан кейин Аксинья Степанга ўрганиб қолди, аммо кўнглида унга нисбатан муҳаббат деган нарса йўқ, фақат унга ўрганиб қолгани, хотини бўлгани учун эрига ачинар эди. Бола ёшига етмай нобуд бўлди. Шундан кейин турмуш яна эски изига тушди. Шу орада Григорий Аксиньяга гап отиб, унинг йўлини тўса бошлади; Аксинья бу ширинсўз, қорача йигитга кўнгил қўяётганини сезиб, қўрқиб кетди. Григорий ипини узган буқа сингари Аксиньянинг пайига тушиб, унинг кўнглини топиш учун уринар эди. Аксинья учун энг қўрқинчли нарса — унинг мана шу ўжарлиги эди. Григорийнинг Степандан ҳайиқмаслигига, бу йигитдан осонликча қутула олмаслигига энди Аксиньянинг кўзи етган эди, лекин бу нарсани ақлан рад этиб, унга тиш-тирноғи билан қаршилик қилмоқчи бўлса-да, ўзини ўзи алдаб, байрам кунлари ва байрам бўлмаган кунлари, ўзининг ясаниб-таранганини, жўрттага Григорийнинг кўзи тушадиган йўллардан юрганлигини сезиб қолди. Григорийнинг қора кўзлари Аксиньяга қаттиқ тикилганда унинг танаси яйраб, кўнгли ёришиб кетарди. Эрталаб сигир соққани уйғонарди-да, кўзини очар-очмас ўзидан-ўзи куларди, лекин нега кулганини тушуна олмай, ўйланиб қоларди: «Бугун бир нимадан суюнсам керак. Нима экан? Григорий... Гриша...» Лекин Аксиньянинг кўнглини қамраб олган бу янги ҳиссиёт уни ваҳимага соларди, шунинг учун у ҳар хил

www.ziyouz.com kutubxonasi

хаёлларга борар, худди март кезларида музи эрий бошлаган Дон устидан ўтаётгандай, зўр ихтиёткорлик билан фикр юритарди.

Аксинья, Степанни лагерга жўнатгандан кейин Гришка билан мумкин қадар камроқ учрашишга аҳд қилди. Балиқ овидан кейин унинг бу аҳди янада мустаҳкамланган эди.

VIII

Троица байрамидан икки кун илгари қишлоқ аҳли йиғилиб пичанзорни бўлиб олишди. Тақсим куни Пантелей Прокофьевич ҳам бор эди. Чол туш пайтида уйга қайтиб келди, инқиллай-инқиллай чориқларини ечди, йўл юриб чарчаган оёқларини қашлай-қашлай, секин гап бошлади:

— Бизга Қизил жар ёнидаги ер тегди. Пичани унчалик бўлиқ эмас. Унинг бир боши ўрмонгача боради, баъзи жойлари тап-тақир. Онда-сонда ёввойи буғдой кўринади.

— Қачон ўроққа тушамиз?— деб сўради Григорий.

— Байрам ўтсин.

— Дарья ҳам борадими?— деди қовоғини солиб кампир.

Пантелей Прокофьевич «бас қил» дегандай қўл силтади.

— Керак бўлса, уни ҳам оборамиз. Ейдиган ниманг бор — опкелмайсанми ахир, нега қаққайиб турибсан?

Кампир печь қопқоғини тарақлатиб очди-да, иситилган карам шўрвани столга олиб қўйди. Дастурхон устида Пантелей Прокофьевич тақсимот қандай ўтганини, атаманнинг фирибгарлигини, сал бўлмаса бутун жамоани алдаб, қўлга тушираёзганини бирма-бир сўзлаб берди.

— Бултур ҳам у муттаҳамлик қилган,— деб гапга аралашди Дарья,— улушимизга теккан пичанни ўраётганимизда тепамизга келиб, Малашка Фроловани бирам чалғитиб гапга солганки...

— Азалдан муттаҳам ўзи,— деди Пантелей Прокофьевич, кавшанар экан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Пичанни ким йиғиб ғарам қилади, дадажон?— деб сўради қўрқа-қўрқа Дуняшка.

— Сен-чи, бошқа нима иш қилардинг?

— Бир ўзим эплай олмасман, дадажон.

— Аксютка Астаховани ола борамиз. У куни Степан, бизникини ҳам ўришиворинглар, деган эди. Қарашвориш керак.

Эртаси куни эрталаб Митька Коршунов эгарланган оқ туёқ аргумоқ миниб Мелеховлар қўрғонига келди. Ёмғур томчилар, ҳаво дим эди. Митька эгар устида энгашиб кўча эшикни очди-да, тўғри ҳовлига кириб келди. Зинапоя томондан кампир уни чақирди:

— Хой, шумтака, тағин ҳега келдинг?— деб пўнғиллади у. Кампир бу урушқоқ ва бебош Митькани ёқтирмас эди.

Митька отини панжарага боғлаётиб:

— Менга мунча тирғиласиз, Ильинишна? Мен Гришкани қидириб келдим. Қани ўзи?— деб сўради.

— Бостирмада ухлаяпти. Сенга нима бало бўлди, шал бўлганмисан? Пиёда юрсанг оёғинг синадими?

— Ўзингиз ҳам, холажон, эзма бўп қопсиз!— деб ўпкалади Митька ва гулдор қамчисини ўйнатиб, амиркон этигининг қўнжига уриб бостирма остига кириб кетди.

Олдинги тегарчиги олиб ташланган арава устида Григорий ухлаб ётарди. Митька худди мўлжалга олаётгандай чап кўзини қисиб туриб Григорийни қамчи билан солиб қолди ва:

— Тур-эй, мужик!— деб бақирди.

«Мужик» дегани Митьканинг энг хунук сўкиши эди. Григорий бир сапчиб тушди.

— Бу нима қилиқ?

— Ётаверасанми ғафлат босиб?

— Жиннилик қилма, Митрий, жаҳлим чиқса борми...

— Тезроқ тур, гап бор.

— Хўш?

Митька аравaнинг четига ўтириб, этигига ёпишган лойни қамчиси билан тозалар экан:

— Гришка, менга алам қиляпти...— деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Хўш?

— Алам қилмайдими, ахир анави...— Митька болхонадор қилиб сўкиниб олди,— юзбоши оғзини кўпиртириб мақтанадики...

Митька тутақиб лаби лабига тегмай бидирлар, оёқлари титрарди. Григорий ўрнидан турди.

— Қайси юзбоши?

Митька унинг енгидан ушлаб, бир оз ҳовуридан тушиб гапира бошлади:

— Дарров отингни эгарла, от солдириб тўғри сойлиққа борамиз. Мен унга кўрсатиб қўяман! Мен унга: «Майли, жаноби олий, пойгада кўрамиз!»— дедим. Худди шундай дедим.—«Бўлмаса, ҳамма оғайниларингни чақириб келгин, мен ҳаммангниям йўлда қолдираман, дейди, биласанми, бу биямнинг онаси Петербургда офицерлар пойгасида доим биринчиликни олиб келган» дейди. Менга қолса, бияси ҳам, онаси ҳам бошида қолсин! Мен бор — арғумоғимдан ўзолмайди!

Григорий наридан-бери кийинди. Митька унинг орқасидан эргашиб юрар, жаҳли чиққанидан дудуқланиб гапирарди:

— Мóхов кўпасникига меҳмон бўлиб келган экан ҳалиги юзбоши. Шошмай тур, оти қурғур нима эди? Листницкий бўлса керак. Ўзиям роса олифта, сипо экан. Кўзойнак тақиб олибди. Тақса — тақаверсин! Менга деса — тўрттасини тақиб олсин, лекин арғумоғимдан ўзиб бўпти!

Григорий унинг гапларига кула-кула уйирга қолдирилган қари бияни эгарлади ва отасининг кўзини шамғалат қилиб, ғарам томондаги дарвозадан ўтиб, даштга чиқди.

Иккиси тоғ этагидаги йўл билан сойлиқ томонга қараб кетишди. От туёқлари лойга ботиб чалпиллар эди. Сойлиқда, қуриган терак остида бир тўда отлиқ буларни кутарди: уларнинг бири сухсурдай чайир бия минган юзбоши Листницкий, қолган еттитача отлиқ — қишлоқи йигитлар эди.

Юзбоши кўз ойнагини ўнглаб олиб, Митька минган арғумоқнинг гўштдор тўшини завқ билан томоша қилди-да:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қаердан чопамиз?— деб сўради.

— Теракдан Султон ҳовузгача.

— Султон ҳовузинг қаерда?— деб сўради шапкўр юзбоши кўзларини қисиб.

— Ҳу ана, жаноб олий, ўрмон ёқасида.

Отлар сафга тизилишди. Юзбоши қамчисини боши узра кўтариб эди, елкасидаги погони дўппайиб кетди.

— «Уч» деганимда ҳайданг! Қани? Бир, икки... уч!

Эгар устида энгашиб, шапкасини маҳкам ушлаб олган юзбоши ҳаммадан олдин отилиб чиқди. У бошқалардан бир лаҳза илгари ўзиб кетган эди. Григорий ранги ўчиб саросималикка тушган Митьканинг узангига оёғини тираб тикка туриб олганини кўрди, лекин назарида, унинг боши узра кўтарган қамчиси аргумоқнинг сағриға келиб тушгунча хийла фурсат ўтгандай туюларди.

Терак билан Султон ҳовузнинг ораси уч чақирим эди. Ярим йўлга келганда Митьканинг арғумоғи илондай чўзилиб юзбошининг биясига етиб олди. Григорий истар-истамас от чоптириб келарди. У бошданоқ орқада қолиб кетган биясини елдириб, олдинма-кейин узоқлашиб бораётган пойгачиларни ортдан томоша қиларди.

Султон ҳовузнинг бериги ёғида ёмғур сувлари қумни оқизиб келиб бир қум тепа ҳосил қилган эди. Туя ўркачига ўхшаган сап-сариқ бу дўнгни қиёқ баргли илон ўт босиб кетганди. Григорий юзбоши билан Митьканинг тепа устига баравар чиқиб, баравар ошиб тушганларини кўрди; қолган пойгачилар булардан кейин тепа ошиб туша бошладилар. Григорий ҳовуз бўйига етиб келганда, йигитлар аллақачон отдан тушиб юзбошини ўраб олишган, терга пишган отлар бир жойга тўпланган эди. Митьканинг юзи ёришган, лекин хурсандлигини сездирмай, ўзини босиб турарди. Унинг ҳар бир ҳаракатидан муддаосига етганини сезиш мумкин эди. Григорий юзбошини, қаттиқ хижолатда бўлса керак, деб ўйлаган эди, аксинча, унинг парвойи-палак, дарахтга суяниб папирос чекаётганини ва тер босиб, шалаббо бўлган биясини жимжилоғи билан кўрсатиб гап маъқуллаётганини кўриб ҳайрон қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен бу бияда юз эллик чақирим йўл босганман. Куни кеча станциядан келдим. Агар у чарчамаганда мендан сира ўзиб кета олмасдинг, Коршунов.

Митька олижаноблик қилиб:

— Эҳтимол, шундайдир,— деб қўя қолди.

Лекин пойганинг энг кетида келган сепкил юз йигитча Митьканинг отига ҳаваси келиб:

— Бунақанги учқур от бу атрофда йўқ,— деб мақтади.

Митька пойганинг таъсиридан ҳали ҳам қалтираётган қўли билан арғумоқни эркалаб бўйнига қоқиб қўйди.

— Чакки от эмас,— деди ва совуққина илжайиб Григорийга қаради.

Иккиси бошқалардан ажралиб, кўчадан юрмай, тўғри тоғ ости билан кетишди. Юзбоши булар билан совуққина хайрлашди, икки бармоғини шапкасига тегизиб, шартта орқасига бурилди.

Тор кўча томондан келаётган икки дўст уйга яқинлашганларида, Григорий рўпарадан Аксиньянинг келаётганини кўриб қолди. У қўлида бир новдани ўйнаб келарди; Гришага кўзи тушиши билан Аксинья бошини дарров қуйи солиб олди.

— Нега уяласан? Нима, биз яланғоч келяпмизми?— деб шанғиллади Митька ва кўзини қисиб қўйди:— Сарвиқомат, гулсафсар, лекин тикандан бадтар!

Григорий Аксияньнинг ёнидан ўтиб кетаётиб, секин келаётган отини бирданига қамчи билан солиб қолди. Бия кетинги оёқларини букиб шаталоқ отдида, Аксиньянинг юзига лой сачратиб юборди.

— И-и-и, қутурган шайтон!

Григорий отини шартта буриб, Аксиньянинг устига бостириб келаверди-да:

— Нега салом бермайсан?— деб сўради.

— Қошки саломга арзисанг экан!

— Салом бермаганинг учун лойга булғандинг, кўп гердаяверма!

Аксинья икки қўли билан отнинг тумшуғини тўсиб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қўйсанг-чи, ахир,— деб бақирди.— Бу нимаси, мени отга бостирмоқчимисан?

— Бу от эмас, бия-ку.

— Барибир, қўйвор.

— Нимага аччиқ қилиб юрибсан, Аксинья? Наҳотки, анови кунги арзимаган гапга бўлса?

Григорий унинг кўзларига тикилиб қаради. Аксинья бир нима демоқчи бўлди-ю, бироқ қоп-қора кўзларига тўсатдан ёш келди, лаблари титраб кетди, ўпкаси тўлиб ютунди-да, шивирлаб деди:

— Мени ўз ҳолимга қўй, Григорий... Сендан хафа бўлганим йўқ... Мен...— гапини тугатмай ўз йўлида кетаверди.

Ҳайрон қолган Григорий дарвоза олдида Митькага етиб олди.

— Бугун сайилгоҳга келасанми?— деб сўради у.

— Йўқ.

— Нега? Ёки жонон бу кеча уйига таклиф қилганми?

Григорий жавоб қилмай, кафти билан манглайини суртиб қўйди.

IX

Қишлоқ уйларининг поллари устида сочилиб ётган исриқ ва барглар босилавериб чанг-тўзонга айланиб кетди, дарвоза ёнларига, зинапоя устига қистириб қўйилган дуб ва сандип новдалар ҳам бужмайиб сўлиб қолди — қишлоқда Троица байрамидан қолган нишона шуларгина эди, холос.

Байрам ўтар-ўтмас пичан ўроғи бошланди. Тонг отардан тортиб бутун сойлиқни рангба-ранг юбка кийган, ялтироқ уқали этак боғлаган, гулдор рўмол ўраган хотин-халаж босиб кетди. Бутун қишлоқ аҳли ёппасига пичан ўроғига чиқди. Чалғи кўтарган эркаклар, паншаха ва хаскаш ушлаган хотинлар — ҳаммаси йилда бир бўладиган сайилга чиққандай ясанишган. Бу — қадимдан қолган бир расм. Бу ёғи Донга, у ёғи олисдаги чакалакка туташган кенг яйдоқ пичанзор чалғилар зарбидан ларзага келгандай эди.

Мелеховлар ўроққа кечикиб чиқишди. Улар йўл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га чиққанда ўроқчиларнинг қарийб ярмиси ишга тушган эди.

— Кўп ухлайсан, Пантелей Прокофьевич!— дейишарди терлаб-пишиб ишлаётган ўроқчилар.

— Айб менда эмас, кампирда!— деб кулди чол ва ўрма қамчи билан ҳўкизларини савалаб чоптириб кетди.

Йўл ёқасида чалғисини қайраётган похол шляпали новча казак ҳам бошини чайқаб гап қотди:

— Э, ҳорма, адаш! Кеч қолибсан-ку, биродар, кеч қолибсан.

— Кеч қолсак — пичан қуриб қолармикин?

— Йўртиб борсанг етасан, бўлмаса қуруқ қоласан. Чекинг қаердан тушган?

— Қизил жарнинг остида.

— Ундай бўлса тезроқ ҳайда, бу юришда бугун етолмайсан.

Аксинья арава кетига ўтириб олган, юзини офтобдан эҳтиёт қилиб рўмол билан ўраган эди. Бир чаккасини қия очиб, рўмолининг тирқишидан рўпарасида ўтирган Григорийга бепарво ва совуқ назар ташлар эди. Ясанган-тусанган ва юз-кўзларини ўраган Дарья ҳам оёқларини аравадан осилтириб олган; узун ва сертомир кўкрагини чиқариб, қўлида ухлай деб қолган чақалоғини эмизиб келар эди. Дуняшка бўлса, севинчини ичига сиғдиролмай аравада сапчиб-сапчиб тушар ва чақнаган кўзлари билан бепоён пичанзорни, йўлда учраган йўловчиларни томоша қиларди. Унинг сепкил тошган, офтобда қорайган чеҳраси: «Ана шу кўм-кўк булутсиз осмон остидаги оламнинг суюнчга тўлганини кўриб, мен ҳам шодман, бахтиёрман; шунинг учун кўнглим беғубор, ташвишим йўқ. Менга шодликдан бошқа ҳеч нарса керак эмас» деяётгандай очилиб гуллаган эди. Пантелей Прокофьевич бўз яктагининг енги учи билан ҳадеб пешонасидан оққан терни артарди. Букчайган гавдасига яктаги чиппа ёпишган, баъзи жойлари жиққа ҳўл бўлиб кетган. Қуёш ола-була булутлар орасидан мўралар, ўзининг зилол нурини Дон атрофидаги кумушдай тоғларга, дашт ва адрларга сойлиқ ва қишлоқ устига сочарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кун қизиб, ҳамма ёқ ўтдай ёнарди. Шамол тўзитган булут парчалари шу қадар суст жилар эдики, ҳатто йўлда судралиб келаётган Пантелей Прокофьевичнинг ҳўкизларидан ҳам орқада қолиб кетарди. Чол қамчиси оғирлик қилгандай зўрға кўтарарди-да, ҳўкизнинг озғин яғринига урайми-урмайми дегандай, ҳавода ўйнатиб қўя қоларди. Ҳўкизлар ҳам унинг сусткашлигини билгандай, пинагини бузмай, кана босган оёқларини судраб босар, думларини силкитар, лекин юришини тезлатмас эди. Олтиндай ялтироқ тўқ-сариқ сўна ҳўкизлар атрофида гир айланарди.

Хирмонларнинг теварак-атрофидаги пичани ўрилган ўтлоқлар оч-яшил бўлиб кўринарди; лекин ҳали ўти ўрилмаган жойлари худди кўм-кўк ипак сингари, шамолда чайқалиб товланарди.

— Бизнинг чекимиз ана шу,— деб кўрсатди қамчиси билан Пантелей Прокофьевич.

— Ўрмон ёқдан тушамизми?— деб сўради Григорий.

— Шу ёқдан бошласак ҳам бўлаверади. Чегарасини бел билан ўйиб, белги қолдирганман.

Григорий чарчаган ҳўкизларни аравадан чиқарди. Чол йилтираган исирғасини ликиллатиб, бел билан ўйилган жойни топгани кетди.

Сал ўтмай Пантелей Прокофьевич қўли билан имлаб:

— Чалғиларни опке!— деб бақирди.

Григорий ўтларни босиб-янчиб отаси томонга юрди; арава ёнидан то борган жойигача пичан босилиб, илон изидай йўл тушиб қолди. Пантелей Прокофьевич йироқлардаги жомхона тепасида оқариб кўринган бутга қараб чўқинди-да, чалғини қўлга олди. Унинг қорамағиз ёноқ чуқурчаларида тер жимирлар, қирра бурни лок сургандай йилтирарди. Чол илжайиб қўйди, унинг қоп-қора соқол-мўйловлари орасидан оппоқ ва топ-тоза тишлари кўриниб кетди, ажин босган бўйнини ўнгга буриб, пичанга чалғи солди. Бир саржин келадиган ярим доира ердаги кўкат унинг оёқлари остига тўпланди.

Григорий отасининг изидан борар, кўзларини қисиб чалғи солиб пичан ўрарди. Рўпарасида камалак-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дай рангба-ранг этак тутган хотин-қизлар кўринарди, бироқ у кўзлари билан бир аёлни — гул солиб тикилган ҳошиядор оқ этак тутган Аксиньяни изларди; унга қараб-қараб қўйиб, яна отасига эргашиб чалғи соларди.

Аксинья унинг бутун хаёлини чулғаб олган эди; кўзларини қисиб, хаёлан уни ўпар, қаердандир тилига келган оташин ва ширин сўзларни айтиб эркалатган бўларди, сўнгра ўзига келиб — бир, икки, уч деб қадам ташлар, ўтган воқиалар хотирига тушар эди: «Иккимиз ивиган ғарам орасига кириб олган эдик... Қўлда лойҳўрак чийиллар... сойлик устида ой сузиб юрар... ёмғур сувлари дарахтдан кўлмак сув устига худди мана шу хилда — бир, икки, уч деётгандай томчиларди... Роҳат, жудаям роҳат эди!..»

Арава турган томондан кулги овозлари келди. Григорий бурилиб қаради ва Аксиньянинг энгашиб, арава тагида ётган Дарьяга ниманидир гапираётганини кўрди; Дарья эътироз билдиргандай қўлларини силкитиб қўйди ва иккиси яна қотишиб кулишди. Дуняшка шоти устида ингичка овоз билан ашула *айтиб ўтирарди.*

Григорий: «Анави кўринган бўтагача бораманда, чалғини қайрайман» деган қарорга келган пайтида, бехосдан чалғиси юмшоққина бир нарсани кесиб юборгандай бўлди. Энгашиб қаради: кичкинагина ёввойи ўрдак жўжаси чийиллаганча оёғи тагидан чиқиб, лапанглаб қочди. Чуқурчадаги ўрдак уяси олдида икки нимта бўлиб яна битта ўрдакча ётарди, қолганлари чувиллашиб кўкат орасига тўзиб кетишди. Чалғи кесган ўрдакчани Григорий кафтига олди. Кечагина тухумдан чиққан бу сап-сариқ жўжачанинг туклари остидаги иссиқ жон ҳали сўнмаган эди. Очилиб қолган япалоққина тумшуқчасида бир томчи ним ранг қон кўринар, ҳали совумаган оёқчалари дир-дир титрар, мунчоқдай кўзлари қисилиб қолган эди.

Григорий, кафтидаги мурғак жониворга тикилиб туриб, бирданига юраги эзилиб кетди.

— Нима топиб олдинг, Гришунка?..

Пичани ўрилган томондан Дуняшка ирғишлаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

келмоқда эди. Майда қилиб ўрилган сочлари кўксида силкиниб ўйнарди. Григорий қовоғини солиб, ўрдакчани қўлидан тушириб юборди, ғазаб билан чалғига ёпишди.

Улар наридан-бери овқатланиб олишди. Чўчқа ёғи-ю, казакларнинг тансиқ овқати — уйдан келтирилган халтадаги сузма билан қаноат қилишди.

— Уйга қайтишнинг кераги йўқ,— деди овқат тепасида Пантелей Прокофьевич.— Ҳўкизлар ўрмонда ўтлайверади, эртага офтоб чиқиб шудринг кўтарилгунча барисини ўриб бўламиз.

Тушликдан кейин аёллар пичанни йиғишга тушишди. Ўрилган ўт сўлиб, қурий бошлаган ва ундан алланечук оғир ҳид анқир, одамнинг бошини айлантирар эди.

Қош қорайганда ота-бола ўришни тўхтатишди. Аксинья йиғиштирилмай қолган қаторлардаги пичанни тўплаб бўлди-да, овқат пиширгани арава ёнига кетди. Кун бўйи у, Григорийда қаттиқ ўчи бордек, унга нафрат билан қарар, уни масхара қилиб кулар эди. Таъби хира, қовоғи солиқ, ранги бўзарган Григорий ҳўкизларни суғоргани Донга ҳайдаб кетди. Отаси Аксинья билан ўғлини кун бўйи кўз остига олиб юрган эди. Хўмрайиб Григорийга тикилди-да:

— Кечки овқатингни еб бўлганингдан кейин ҳўкизларни ўтлатасан. Тағин пичанзорга кириб кетмасин, ҳушёр бўл. Чакмонимни ола кет,— деди.

Дарья чақалоғини арава тагига ётқизди-да, Дуняшка билан чўпчак териб келгани ўрмонга кетди.

Сойликнинг тепасида, зулмат қоплаб олган тубсиз осмон қўйнида янги ой қиялаб сузиб келмоқда. Гулхан атрофида гала-гала капалаклар парвона бўлиб гир айланишарди. Шу ерга дастурхон ёзиб, кечки овқатга ўтиришди. Қурум босган қозонда бўтқа биқирлаб қайнарди. Дарья юбкасининг этаги билан қошиқларни артди-да.

— Овқатга кел,— деб Григорийни чақирди.

Елкасига чакмон ташлаб олган Григорий қоронғилик ичидан чиқиб гулхан ёнига келди.

— Нега бунча қовоғингдан қор ёғади?— деб кулди Дарья.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ёмғур ёғадиганга ўхшайди, белим зирқиряпти,— деб ҳазиллашди Григорий.

— Ҳўкиз боқишга тоби йўқ, ўлай агар, шунга зарда қиляпти!— деб кулди Дуняшка ва акасининг ёнига бориб ўтириб уни гапга солмоқчи бўлди-ю, лекин гап гапга қовушмади.

Пантелей Прокофьевич зўр бериб, бўтқани оғзига тиқар ва чала пишган сўкни ғирчиллатиб чайнарди. Аксинья бошини қуйи солиб овқатини ер ва Дарьянинг ҳазиломуз гапларига зўрма-зўраки кулиб қўярди. Унинг юзлари ловиллаб, бўртиб кетган эди.

Энг олдин Григорий ўрнидан туриб, ҳўкизлар ёнига кетди.

— Эҳтиёт бўл, тағин ҳўкизлар бировнинг пичанини қийратмасин!— деб тайинлади кетидан отаси ва қарқиб кетиб, анчагача қаттиқ-қаттиқ йўталди.

Дуняшка ўзини кулгидан тўхтата олмас, лунжлари дўппайиб кетган эди.

Гулхан сўна бошлади. Бурқсаб тутаётган чўпчак ўтиндан куйган баргларнинг ёқимли ҳиди келар, ўтирганларнинг димоғига уриларди.

* * *

Ярим кечада Григорий биқина-биқина арава олдига етиб келди-да, ўн қадам нарида тўхтаб қолди. Арава устида ухлаётган Пантелей Прокофьевичнинг барала хуррак отгани эшитиларди. Кечқурун ўчирилмай қолган гулхан куллари остидан товус кўзига ўхшаш олтиндай чўғ мўраларди.

Ўраниб-чирманиб олган бир шарпа арава олдидан Григорий томон иланг-биланг келаверди. Иккиуч қадам қолганда тўхтади. Бу — Аксиньянинг ўзгинаси эди. Григорийнинг юраги қинидан чиқиб кетгудай бўлиб дук-дук урарди; энгашиб олға бир қадам ташлади-да, чакмонининг барини очиб, оловдай иссиқ, итоаткор Аксиньяни дарҳол ўз пинжига олди. Аксиньянинг оёқлари бўшашиб тиззалари букилар, аъзойи-бадани қалтираб тиши-тишига тегмас эди. Бўғизланган қўйни бўри ердан юлиб орқалагандай, Григорий ҳам уни даст кўтариб олди-да,

www.ziyouz.com kutubxonasi

очиқ чакмоннинг этагига ўрала-ўрала, халлослаб жўнаб қолди.

— Вой, Гри-и-ша... Гри-шень-ка!.. Отанг...

— Овозингни чиқарма!..

Чакмоннинг нордон жун ҳидидан нафаси бўғилаёзган Аксинья келганига минг пушаймон еб, типирчилаб Григорийнинг қўлидан чиқмоқчи бўлди, ниҳоят зорланиб:

— Қўйвор, бўлар иш бўлди... ўзим боравераман!..— деди.

X

Хотин кишининг кеч уйғонган муҳаббати — лола сингари барқ уриб гулламайди, балки йўл ёқасида ўсадиган мингдевонага ўхшаб очилади, кишини маст қилади.

Ўша пичан ўрган кундан бери Аксинья онадан янги туғилгандай ўзгариб кетди. Худди юзига биров белги солиб, тамға босгандай эди. Жувонлар унга дуч келганда заҳарханда қилишар, бош чайқашар, қизларнинг унга ҳаваси келар эди, лекин Аксинья бахт қуши қўнган шармисор бошини баланд кўтариб, мағрурланиб юраверарди.

Орадан кўп ўтмай, Гриша билан Аксиньянинг алоқалари ҳаммага ошкор бўлди. Олдин шивир-шивир гап тарқалди, лекин биров ишонар, биров ишонмас эди — қишлоқ подачиси Кузька Пучуқ тонг пайтида буларни ел тегирмон ёнидаги буғдойзор ичида кўриб қолганини, иккиси ой ботар маҳалда ғира-шира ойдинда ётганлигини сўзлаб бергандан кейин, бу гап бўтана сувдай тошиб, ҳаммага овоза бўлди.

Бу гап Пантелей Прокофьевичнинг қулоғига ҳам етди. Озиб-ёзиб якшанба куни у Моховнинг дўконига борган эди. Одам тирбанд — қадам қўйгудай жой йўқ. Ичкарига кирди, назарида, одамлар унга йўл бўшатаётгандай, кулимсираётгандай эди. Чол бир амаллаб газлама сотиладиган жойга борди. Унга керакли газмолни хўжайин Сергей Платонович ўз қўли билан ўлчаб бермоқчи бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Жуда камнамосан, Прокофьевич?

— Ишдан бўшамайман. Рўзғорни эплалмай қолдим.

— Нега? Азамат-азамат ўғилларинг бор-у, эплалмайман дейсан-а.

— Ўғилларим бўлса нима қипти: Петрни лагерга жўнатдим, ҳамма иш Гришка иккимизга қолган.

Сергей Платонович жингалак қорамтир соқолини силаб икки ёққа ажратди ва дўкон олдида тўпланган казакларга кўзини қисиб маъноли назар ташлади.

— Хўш, азизим, нега индамай юраверасан?

— Нимайди?

— Нимайди дейди-я! Ўғлингни уйлантирмоқчимишсан, бир оғиз айтмайсан ҳам.

— Қайси ўғилни?

— Григорийни, у уйланмаган-ку, ахир.

— Ҳозирча уни уйлантириш ниятида эмасман.

— Степан Астаховнинг хотини... Аксиньяни келин қилармишсан деб эшитдим.

— Мен-а? Эри тирик туриб... Нима деяпсан ўзинг, Сергей Платонович, мени майна қиляпсанми?

— Нега майна қилай? Одамлардан эшитдим.

Пантелей Прокофьевич пештахта устига ёйиб қўйилган бир тўп газламани текислаб, шартта орқасига бурилди ва оқсоқлана-оқсоқлана эшикка чиқди. У тўғри уйига жўнади. Чол бошини эгиб, серпай муштларини маҳкам қисиб олган, оқсоқ оёғини қаттиқ силтаб босар эди. Астаховнинг қўраси ёнидан ўтаётиб четан девор орасидан ичкарига қаради, ясанган-тусанган, яшарган Аксинья бўш челак кўтариб, билтанглаб ҳовлидан уйга томон келаётган эди.

— Ҳой, шошмай тур-чи!..

Пантелей Прокофьевич тутақиб, кўча эшикдан кирди. Аксинья тўхтаб, уни кутиб турди. Иккови уйга киришди. Уй топ-тоза қилиб супурилган, ерга қизғиш қум сепилган, даҳлиздаги курси устига ҳозиргина печдан чиққан балиш нон қўйилган. Меҳмонхонадан сандиқда ётган кийим-кечак иси келар ва негадир тоғ олманинг ҳиди анқир эди.

Боши катта тарғил мушук Пантелей Прокофьевичнинг оёғи остига келиб эркаланмоқчи бўлди. Бе-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лини камондай букиб унинг этигига суйканди. Лекин чол уни курсига улоқтириб урди ва Аксиньянинг қошларига тикилиб туриб ўшқирди:

— Бу нима деган гап, а? Эринг ётган ўрин совимасдан туриб, кўзингни сузадиган бўлдингми? Гришкани бунақанги қилиқлари учун соғ қўймайман, бўлган гапни Степанингга ёзиб юбораман!.. У ҳам билиб қўйсин!.. Ҳа, мочағар, шунча калтак сенга озлик қилибди... Шу бугундан бошлаб қўрамга қадам босма! Ўғлим билан ошиқ-маъшуқ бўлибсизлар, Степан келса ахир менга...

Аксинья кўзини қисиб индамай тинглар эди. Бирданига у шарм-ҳаёни унутиб этагини селпиб юборди, юбкасининг ҳидини таратиб, тишларини ғижирлатиб, қийшангланиб, кўкси билан Пантелей Прокофьевичнинг устига бостириб келаверди.

— Сен менга нима бўласан, қайнатаммисан? А? Қайнатаммисан?.. Менга ўргатмоқчи бўласанми? Бориб уйингдаги бўрдоқи хотинингга ўргат! Ўз қўрангга бориб хўжайинлик қил!.. Башаранг қурсин, чўлоқ, маймоқ чол!.. Чиқиб кет ҳозир, мени қўрқитиб бўпсан!

— Ҳовлиқмасанг-чи, эсипаст!

— Эсипаст бўлсам келин қилмассан. Қани, туёғингни шиқирлатиб қол-чи! Қаёқдан келган бўлсанг, ўша ёққа жўна! Истасам — Гришкангни пишириб ейман, мени ҳеч нима қилолмайсан! Ма!.. Мана бунн ебсан! Мен Гришкани яхши кўраман. Нима қилардинг? Урасанми мени? Эримга хат ёзиб юборасанми?.. Менга десанг — атаманга ёз, лекин Гришка меники! Ўзимники! Ўзгинамники! Мен эгаллаб олганман, ҳеч кимга бермайман уни!..

Эсанкираб қолган Пантелей Прокофьевични Аксинья кўкси билан суриб борарди (кўкси ҳам тузоққа тушган каптар сингари кўйлаги остида толпинарди), чолга қараб қора кўзларидан ўт чақнатар, бири-биридан бадтар бехаё сўзлар оғзидан отилиб чиқарди. Пантелей Прокофьевич қошларини пир-пиратиб эшик томонга чекина бошлади, бурчакка қўйган ҳассасини зўрға пайпаслаб топиб олди ва қўлини силкитиб, орқаси билан эшикни очди. Аксинья

www.ziyouz.com kutubxonasi

уни даҳлиздан ҳам суриб чиқарди ва халлослаб, тутақиб кетидан бақириб қолди:

— Хазон бўлган умрим аламига хумордан чиққунча суйганим-суйган!.. Нима бўлса пешонамдан кўрдим, зўр келса — ўлдиринг! Лекин Гришка менинки! Ўзгинамники!

Пантелей Прокофьевич алланималар деб пўнғирлаб, диканглаганича уйига жўнади.

Чол меҳмонхонада Гришкани учратиб индамайнетмай ҳассаси билан орқасига туширириб қолди. Григорий буралиб, отасининг қўлидаги ҳассага ёпишди.

— Нега урасан, дада?

— Қилмишинг учун, итвачча!..

— Нима қилибман?

— Қўшнига иснод келтирма! Отангни шарманда қилма! Оёғингни билиб бос, касофат!— Пантелей Прокофьевич хириллар ва Григорийни у ёқдан-бу ёққа судраб, ҳассасини тортиб олмоқчи бўларди.

— Уриб бўпсан!— деб пишқирди Григорий ва тишларини маҳкам босиб, ҳассани отасининг қўлидан юлиб олди, тиззасига уриб синдириб ташлади.

Пантелей Прокофьевич энди унинг гарданига жиққа-жиққа мушт сола бошлади.

— Ҳали қараб тур, йиғинда абжағингни чиқараман! Ҳа, шайтон, аблаҳ, бола эмас,— бало бўлдингку!— Чол оёғини ликиллатиб, яна тепмоқчи бўларди.— Сени Марфушка жиннига уйлантириб қўяман!.. Шундай адабингни берайки... Қараб тур!

Тўполонни эшитиб, онаси югуриб келди.

— Прокофьич! Ҳай Прокофьич!.. Ўзингни босиб ол!.. Тўхтасанг-чи, ахир!

Бироқ чол роса тутақишган эди: хотинига ҳам мушт солди, тикув машина турган столни ҳам ағдариб ташлади, ниҳоят, ҳовридан тушиб ҳовлига чиқди. Григорий, тўполонда енги йиртилган кўйлагини ечиб улгургунча йўқ эди, эшик тарақлаб очилди-да, ғазабнок Пантелей Прокофьевич яна бўсағада пайдо бўлди.

— Бу итваччани уйлантириш керак!.. — деб депсиниб бақирди у ва Григорийнинг гўштдор яғринига тикилиб қолди.— Уйлантираман!.. Эртагаёқ совчи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ликка бораман! Сенинг дастингдан одамлар башарамга қараб кулишадиган бўп қолди!

— Кўйнагимни кийиб олай, иннайкейин уйлантирарсан.

— Уйлантирганим бўлсин!.. Атайин жиннисини обераман!.. — деб бақирди чол ва эшикни тарақлатиб ёпди, сўнгра пешайвонда дўқиллаб юриб кетгани эшитилди, ниҳоят, қадам товуши жимиб қолди.

XI

Сетраков қишлоғининг нари ёғидаги дашт қаторқатор тизилган соявон аравага лиқ тўлган. Тез-орада бу ерда икки томонига оппоқ чодирлар тикилган, кўчалари тиккасига тушган бир шаҳарча пайдо бўлди. Қоқ ўртадаги кичкина майдончада қоровул айланиб юрарди.

Лагерда май ойи бўладиган машмаша, йил сайин бир хилда ўтадиган ҳаёт бошланиб кетган эди. Яйловда ўтлаб юрган отларга кечаси пойлоқчилик қиладиган бир тўда казак ҳар куни эрталаб уларни лагерга ҳайдаб келарди. Ундан кейин отларни қашлаш, эгарлашга тушиларди, кейин йўқлама бошланар, саф тортиларди. Лагерь мудири штаб-офицер даражасидаги қўшин старшинаси Попов бақирибчақириб ҳамманинг қулоқ-миясини ер, янги келган ёш казакларни машқ қилдираётган урядниклар ҳам ундан қолишмай шанғиллашарди. Тепа орқасида казаклар йиғилиб ҳужумга тайёрланишар, «душманни» ҳийла ишлатиб қуршовга олишар, чап бериб орқа томонига ўтар эдилар. Сочма ўқ билан нишонга отишарди. Ёш казаклар қиличбозлик қилишни яхши кўрар, катталари — машғулотдан қочишарди.

Куннинг иссиғи ва ароқнинг касридан одамлар хириллаб қолган, аммо узунига қатор-қатор бўлиб тизилишган соявон аравалар устида майингина хушбўй шабада эсарди, йироқларда юмронқозиқлар чийиллашар, кенг даштнинг этагидаги уйлар ва оқарган иморатлардан чиқаётган тутун олисдан аранг кўринарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лагердан кетишга бир ҳафта қолганда, тўпчи Иван Томилиннинг туғишган укаси Андрейнинг хотини эрини кўргани келди. Хотин бўғирсоқ, хилма-хил емиш ҳамда бирталай қишлоқ янгиликларини ҳам ола келган эди.

Эртаси тонг отмасдан у жўнаб кетди. Қазаклар уй-ичларига, яқинларига салом айтиб қўйишни ва бошқа ишларини шу хотинга топширдилар. Ёлғиз Степан Астахов унга ҳеч нарса топширмади. У бир кун олдин касал бўлиб, ароқ билан даволаниб ётган эди; ўша куни Томилиннинг хотини тугул, бутун олам ҳам кўзига кўринмасди. Машғулотга ҳам чиқмади; илтимосига мувофиқ фельдшер беш-ўнта зулук солиб қон олди. Степан ёлғиз ич кўйлакда ўз аравасининг ғилдирагига суяниб ўтирар, оппоқ шапкаси гупчак мойига суйкалиб булғонарди, лекин у лабини чўччайтириб, кўксининг икки томонига ёпишиб олган зулукларнинг сўришини, ҳаром қонга тўйиб шишишини томоша қиларди.

Унинг олдида турган полк фельдшери тамакисининг тутунини сийрак тишлари орасидан чиқариб:

— Енгил тортдингми?— деб сўради.

— Кўксимнинг таг-тагларидан тортиб сўряпти. Юрагим энди ором олаётгандай...

— Зулукдан ўткир даво бўлмайди.

Буларнинг ёнига Андрей Томилин келди ва имлаб:

— Степан, бир оғиз гап айтмоқчи эдим,— деди.

— Гапир.

— Бирпасга четга чиқсанг...

Степан йўталиб ўрнидан турди-да, Томилин билан бир четга ўтди.

— Қани, гапир.

— Хотиним келувди... Бугун жўнатдим.

— Э...

— Хотининг тўғрисида қишлоқда ҳар хил гап юрар эмиш...

— Нима?

— Лекин яхши гап эмас.

— Бе!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Гришка Мелехов билан юрармиш... Очиқдан-очиқ...

Степаннинг ранги оқариб кетди, зулукларни юлиб олиб ташлаб, оёғи билан босиб-босиб ўлдирди. Сўнгги зулукни мажақлаб, кўйлаг ёқасини тугмалади, лекин нимадандир чўчигандай яна тугмаларини ечиб ташлади... Оқариб кетган лаблари қалтираб, бемаъни илжаяр, кўкариб чўччайиб кетарди... Томилинга, Степан жудаям қаттиқ, тиш ўтмайдиган бир нарсани чайнатаётгандай кўринди. Аста-секин юзига қон югурди, қимтинган лаблари қимир этмай тошдай қотиб қолди. Степан шапкасини ечиб, унга ёпишган қора мойни енги билан суркайвериб, оппоқ шапкани биратўла ифлос қилди, ниҳоят:

— Келтирган хабаринг учун раҳмат,— деб қўйди.

— Айтиб қўймоқчи эдим... Кечирасан... Уйингда шунақа гаплар бормиш...

Томилин ачинган кишидай, қўли билан чалварига уриб қўйди-да, эгари олинмаган оти ёнига кетди. Лагерь ғовир-ғувур ичида: казаклар қиличбозлик машқидан қайтишган эди. Степан фуражкасидаги қора доғга жаҳл билан қаттиқ тикилганча бирпас туриб қолди. Чала ўлик бир зулук этигига тармашиб чиқмоқда эди.

XII

Казакларнинг лагердан қайтишига бир ярим ҳафта қолган эди.

Аксинья бемаврид муҳаббат алангасида ўртанмоқда. Григорий, отасининг дўқларига парво қилмай, ҳар кеча секингина уникига борар ва тонг отмасдан бурун қайтиб келарди.

Икки ҳафта орасида Григорий, олис йўл босган отдай, дармони қуриб қолди. Ҳар кеча уйқудан қолаверганидан, ёноқлари туртиб чиққан қизил мағиз юзининг териси кўкариб кетди, қоп-қора кўзлари ичига тушиб, сузилиб қолди.

Аксинья энди рўмолга бурканмай юраверадиган бўлди, унинг кўз остлари кўкариб кетган эди. Дўрдоқ ва иштиёқманд лаблари ҳаёсизларча, беандиша илжаярди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Григорий билан Аксинья ўртасидаги мажнунона муҳаббат бора-бора жуда ошкора тус олган эди, улар беҳаё ишқ алангасида бирга ўртанишар, ор-номусни йиғиштириб, ҳамманинг кўз олдида очиқ-ойдин ва бемалол юраверишарди; улар кундан-кунга озиб, юзлари қорайиб кетди; одамлар буларни учратганда юзларига тикка қарашдан ийманар эдилар.

Аксинья билан иккисининг орасидаги алоқага шама қилиб, илгари Григорийга тегишиб юрадиган ўртоқлари ҳам энди индамай қолишди; ораларига Григорий аралашса ўнғайсизланадиган, гапларини йўқотиб қўядиган бўлишди. Хотинлар оғизда Аксиньяни сўксалар ҳам, ичдан унга ҳаваслари келар, Степаннинг келишини тўрт кўзлаб кутишар ва нима бўлишини билмай ич-этларини ер эдилар. Айрилишда тўпланиб олишиб тусмоллар эдилар.

Агар Григорий солдат хотини Аксинья билан юрганини хўжа кўрсинга одамлардан яширганда, агар солдат хотини Аксинья ҳам Григорий билан ораларидаги борди-келдини бир оз хуфия тутганда ва унинг билан бир қаторда бошқаларни ҳам қуруқ қўймаганда бунчалик гап-сўз ҳам бўлмасди; буларнинг алоқалари унчалик кўзга ҳам ташланмас, айбга ҳам қўшилмасди. Қишлоқ аҳли гапириб-гапириб, унутиб юборган бўларди. Лекин булар ошкора алоқа қилишарди; иккисини қисқа муддатли алоқа эмас, балки кучли бир ихтирос бир-бирига боғлаган эди, шунинг учун ҳамқишлоқлари буни зўр жиноят, беадаблик деб ҳисоблашар ва Степан келса ўзи бир ёқлик қилади, деган қарорга келиб, жимгина кутиб туришарди.

Каравот устига каноп тортиб қўйилган. Канопга ипдан бўшаган оқ ва қора ғалтаклар тизилган. Улар уйни безатиш учун осиб қўйилган. Пашшалар шу ерда тунайди, ўргимчак ҳам бир учини шунга, бир учини шипга тортиб ин қўйган. Григорий бошини Аксиньянинг муздек яланғоч қўлига қўйган ҳолда шипга тикилиб, ғалтакларни томоша қилиб ётади. Аксинья иккинчи қўли билан — ишдан дағаллашган бармоқлари билан чалқанчасига ётган Григорийнинг от ёлидек қаттиқ жингалак сочларини силайди. Аксиньянинг панжаларидан янги соғилган сут ҳиди келади;

www.ziyouz.com kutubxonasi

Григорий бошини бурганда бурни унинг қўлтиғига тақалиб қолади, кўпмаган ачитқидай ўткир тер ҳиди димоғига келиб урилади.

Уйда, ана шу тўрт чеккаси қуббалик, бўялган ёғоч каравотдан бошқа, эшик олдида яна усти тунука билан қопланган катта бир сандиқ туради; Аксиньянинг сеплари ва кийим-кечаклари шу сандиқда сақланади. Тўр томондаги бурчакка стол қўйилган, устига клеёнка ёйилган, клеёнкада генерал Скобелевнинг эгилган байроқлар томонга от чоптириб кетаётган сурати бор; иккита стул қўйилган бурчак тепасида гардиши анчайин ялтироқ қоғоз билан ясатилган иконалар осиғлиқ туради. Ён томонда, деворда — пашша ўтириб кетган фотосуратлар кўринади. Сочлари ўсиқ, керилган кўкракларига соат занжирларини таққан, қиличларини яланғочлаб ушлаб турган бир тўда казаклар қараб туради, бу — Степаннинг ҳақиқий хизмат даврида ўртоқлари билан олдирган сурати. Қозиқда Степаннинг мундири осиғлигича қолибди. Дераза часпаклари орасидан ой мўралайди, мундир погонидаги урядниклик аломати бўлган иккита оқ лентани ишонмай тимискилаб кўраётганга ўхшайди.

Аксинья уҳ тортиб нафас олади ва Григорийни икки қоши орасидан ўпади.

— Гриша, қўзичоғим...

— Нима дейсан?

— Тўққиз кун қолди, холос...

— Ҳали узоқ экан.

— Мен нима қиламан энди, Гриша?

— Қайдам.

Аксинья хўрсинишдан ўзини зўрга тийиб олади, Гришанинг кокилларини силаб, чигилларини ёя бошлайди.

— Степан мени тирик қўймас...— дейди у, лекин буни савол тариқасида гапирдими, ё қатъий қилиб айтдими, билиб бўлмасди.

Григорий чурқ этмайди. Уни уйқу босмоқда. Юмилиб кетаётган кўзларини зўрга очади, рўпарасида мўлтираб турган Аксиньянинг қоп-қора кўзларига кўзи тушади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Эрим келса мени ташлаб кетарсан-а? Қўрқасанми?

— Мен нимасидан қўрқаман, сен хотинисан, сен қўрқсанг бўлади.

— Ёнимда сен бўлсанг ҳеч қўрқмайман, кундузлари ўйласам юрагим орқамга тортиб кетади.

Григорий бошини орқасига ташлаб эснаб олади-да:

— Степаннинг келиши-ку майлига-я,— дейди.— Дадам мени уйлантирмоқчи, буниси чатоқ!

Григорий жилмайиб кулади, яна бир нима демоқчи бўлади-ю, лекин боши остидаги Аксиньянинг қўли бирданига бўшашиб ёстиққа ботиб кетганини, бир оздан кейин яна дармонга кириб бояги ҳолига қайтганини сезади-да, индамай қўя қолади.

— Кимга унашишди?— деб сўрайди Аксинья пичирлаб.

— Энди унашгани боришмоқчи. Онам: Коршуновнинг қизи — Натальяга совчи бўлиб борсакмикан, дейди.

— Наталья... Наталья — чиройли қиз... жудаям чиройли. Майли, уйланавер. Анови куни черковда кўрувдим?.. Бирам ясанган эди...

Аксинья тез-тез гапиради, бироқ унинг пойма-пой сўзлари аранг эшитилади.

— Мен унинг ҳуснига нон ботириб ейманми?.. Менга қолса, сенга уйланардим.

Аксинья қўлини Григорийнинг боши остидан шартта тортиб олади ва қуруқ кўзларини деразага тикади. Тун сарғиш чодирини ҳовлига ёйиб ташлаган. Омборхонанинг ваҳимали сояси ерга тушиб туради. Чигирткалар чириллайди. Дон томонда сув буқаси бўкиради ва унинг «вуҳ, вуҳ» деган йўғон товуши яланг қат деразадан бемалол эшитилади.

— Гриша!

— Яна нимани ўйлаб топдинг?

Аксинья Гришканинг эркалашга ўрганмаган даҳал қўлларидан ушлаб, кўксига босади, қони қочган муздай юзларига суртади ва:

— Қайси гўрданам сен лаънатига йўлиқдим-а? Энди нима қиламан?.. Гри-и-ишка!.. Юрагимни тилка-пора қилдинг-ку!.. Мен расво бўлдим... Степан кел-

www.ziyouz.com kutubxonasi

са — нима деб жавоб қиламан?.. Ким ёнимга тушади-а!..— деб фиғон қилади.

Григорий индамайди, Аксинья унинг чиройли қирра бурнига, соя тўсган кўзларига, қимир этмай қолган лабларига ғамгин назар ташлайди... Ниҳоят, туйғулари қайнаб, сабр косасидан тошиб кетади. Аксинья ўзини босолмай, Григорийнинг юзу кўзларидан, бўйни-ю қўлларидан, қоп-қора жингалак жун ўсган кўкрагидан ўпа бошлайди. Ора-сира нафаси тиқилиб шивирлайди, унинг титрагани Григорийга билиниб туради.

— Гриша, жоним... Жонгинам..: кел, бу ердан қочайлик. Қўзимнинг нури, Гриша! Ҳамма нарсадан кечайлик. Эримданам кечаман, ҳамма нарсамданам. Менга сен бўлсанг — кифоя... Қонга борамиз, бу ердан жуда узоқда. Сени кўз қорачиғимдай асрай, ҳамдардинг булай... Парамонов конида тоғам бор, ўзи қоровул, бизга албатта ёрдам қилади... Гриша! Гапирсанг-чи ахир, бир нима десанг-чи!

Григорий чап қошини чимириб ўйланиб қолади ва бирданига ўтдай чақнаган қора кўзларини очади. Унинг кўзлари истеҳзоли кулади.

— Сенда эс йўқ, Аксинья, тентаксан! Боядан бери чулдурайсан, лекин, бирон маънилик гап гапирмадинг. Хўш, ўзинг айт-чи, уй-рўзғорни ташлаб қайга бораман? Бу йил ҳарбий хизматга боришим керак. Бу маслаҳатинг ярамайди... Еримизни ташлаб ҳеч ёққа кетолмайман. Бу ерлар — кенг, яйраб нафас ололасан, у ёқда нима бор? Бултур қишда дадам билан станцияга борувдим нафасим бўғилиб ўлаёздим. Паровозлар ўкиради, бадбўй кўмир иси ҳамма ёқни босиб кетган. Одамлар қандай тирикчилик қилишади — билмадим, ўша бурқсиган исга ўрганиб кетишганми дейман...— Григорий жиркангандай туфлайди ва яна:— Мен қишлоқдан ҳеч ёққа қўзғалмайман,— дейди.

Ҳовлини қоронғилик босади: ой булутлар орасига яширинади. Ҳовлини ёритиб турган сарғиш шуъла бирпасда сўнади, соялар йўқолиб билинмай кетади ва четан девор орқасидан қорайиб кўринган нарсанинг нималигини, бултур уйиб қўйилган чўпчакми ё четан

www.ziyouz.com kutubxonasi

деворга суяниб ўсган бултурги бурганми эканлигин билиб бўлмайди.

Уй ичи ҳам қоронғилашади. Дераза ёнидаги қозиқда турган Степан мундирининг оппоқ урядниклик нишонлари ҳам бўзариб кетгандай кўринади, лекин сокин зулмат ичида Аксиньянинг кифтлари даҒ-даҒ қалтираганини, қўллари билан сиқиб олган боши ёстиқда сапчиб-сапчиб тушганини Григорий кўрмайди.

XIII

Томилиннинг хотини келиб кетган кундан бери Степаннинг рангида ранг қолмади. Қош-қовоғи осилиб, пешонасини чуқур ва хунук ажин босди. Степан ўртоқлари билан кам гаплашар, сал нарсага тутақиб, жанжал чиқарарди; у бекордан-бекорга вахмистр Плешаков билан сўкишиб қолди, Петр Мелеховнинг бетига ҳам қарамай қўйди. Иккисини шу дамгача боғлаб келган дўстлик ипи узилди. Алами зўр, ғазаби қайнаган Степан, худди эгасини олиб қочган отдай жарликка қараб суриб кетмоқда эди. Икки дўст уйга қайтарда бир-бирларига ашаддий душман бўлиб қолди.

Сўнгги кунларда иккови бир-бирини кўрарга кўзи йўқ, алоқалари ҳам чигиллашган; бунинг устига шундай бир ҳодиса юз бердики, бу нарса чигилнинг тез ечилишига сабаб бўлди. Бирга келган беш киши — лагердан яна бирга қайтишди. Аравага Петр билан Степаннинг отлари қўшилди. Христоня ўз отини минди. Андрей Томилинни безгак тутар, у шинелга ўралиб олиб соявон арава ичида ётар эди. Федот Бодовсковнинг аравакашликка хуши йўқлиги учун аравани Петр ҳайдади. Степан йўл бўйидаги сассиқ алафларни қамчиси билан қийратиб, арава ёнида яёв борарди. Ёмғир ёғиб турар, қоп-қора балчиқ елимдай ёпишар ва ғилдиракка илашиб, бирга айланарди. Осмон куз фаслидагидек, булут билан қопланиб, кул ранг тус олганди.

Тун кирди. Нечоғлик тикилиб қаралса ҳам, қишлоқ чироқлари кўринмасди. Петро отларни аямай қамчиларди. Шу вақт қоронғилик ичидан Степан:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нима, сен ўз отингни аяйсан-у, меникини қамчилайверасанми?!— деб бақирди:

— Кўзингни очиб қара. Қимники тортмаса — ўшаникини савадим.

— Ўзингни аравага қўшиб қўяйми? Турклар жуда тортаґон бўлади...

Петро тизгинни ташлади.

— Нима демоқчисан?

— Жойингдан қўзґалма, ўтир!

— Сен ҳам овозингни ўчир.

От миниб келаётган Христоня Степанга яқин келиб:

— Нега тирґиласан?— деб дўнґиллади.

Степан индамади. Қоронґида унинг юзи кўринмасди. Ярим соат чамаси чурқ этмай йўл босишди. Ґилдиракларнинг билчиллатиб лой босгани эшитиларди. Соявон устига сепалаётган майда ёмґирнинг шитиршитири уйқуни келтирарди. Петро тизгинни қўйиб юбориб тамаки чекар ва Степан билан яна тўқнашиб қолганда, башарасига шартта-шартта айтмоқчи бўлган ҳақоратомуз сўзларни ўйлаб топарди. Борган сари унинг зардаси қайнарди. Ана шу номард Степанни балохонадор қилиб сўккуси, майна қилгуси келарди.

— Нарироқ тур. Аравага чиқиб олай,— деб Степан Петрони астагина туртди-да, пиллапояга ирґиб чиқди.

Шунда арава бирданига силкиниб тўхтаб қолди. Отлар тийґанишиб типирчилай бошлади, тақаларидан ўт чақнаб, баркалари тарақлаб кетди.

— Дррр!— деб бақирди Петро ва аравадан ирґиб тушди.

— Нима бўлди?— деб ҳовлиқиб қолди Степан.

Христоня от чоптириб етиб келди.

— Ахир синдирдингларми, арвоҳ ургурлар?

— Гугурт чақ.

— Қимда гугурт бор?

— Степан гугуртингни узат!

Арава олдида от пишқириб, типирчилаб ётарди. Аллаким гугурт чақди. Тангадай ер ёришди-ю, гугурт яна ўчди. Петро қалтироқ қўллари билан йиқилган отнинг саґрисини силаб кўрди. Юганидан тортиб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Чу!..— деди.

От қаттиқ ҳансираб ёнбошига қулади, арава шотиси қарсиллаб кетди. Степан югуриб келиб устма-уст гугурт чақди. Йиқилган — унинг оти эди, от бошини кўтариб-кўтариб қўярди, олдинги оёғи тиззасигача юмронқозиқ инига кириб кетганди.

Христоня шошиб-пишиб, зўрға абзалини чиқарди.

— Оёғини тортиб ол!

— Петронинг отини аравадан чиқар, қани, тез бўл!

— Так-э, лаънати! Дррр!..

— Тепкиляпти: бадбахт. Четроқ тур!

Ниҳоят, қийнала-қийнала, Степаннинг отини тургизишди. Ҳамма ёғи булғанган Степан, отни жиловидан ушлаб турди. Христоня тиззаси билан лойга чўккалаб, отнинг майиб бўлган оёғини силаб кўрди.

— Синганга ўхшайди,— деб ғулдуради у.

Федот Бедовсков дир-дир титраётган от яғринига шапалоғи билан уриб қўйди.

— Қани, юргизиб кўр-чи. Балки босиб кетар?

Петро отнинг жиловидан тортди. От олдинги чап оёғини босолмай ирғишлади ва кишнаб юборди. Томилин шинелини киймоқчи бўлиб енгига қўлини суқар ва ачиниб от ёнидан кетмас эди.

— Отни расво қилдинглар!.. Ахийри бошига етдинглар, аттанг!

Шу дамгача индамай қараб турган Степан, худди шу гапни кутгандай, Христоняни итариб ташлади-да, Петрога ёпиша кетди. Бошини мўлжаллаб туриб солган эди, мушт елкасига келиб тушди. Иккови олиша кетди, лойга ағнашди. Бирисининг кўйлаги «тар» этиб йиртилди. Степан Петрони босиб олди ва тиззаси билан бошини эзиб туриб роса муштлади.

Христоня сўка-сўка, уларни ажратиб қўйди.

Петро қон туфлаб:

— Нега урдинг?! — деб бақирди.

— Тўғри ҳайда, аблаҳ! Йўлсиз жойдан от солма!..

Петро юлқиниб Христонянинг қўлидан чиқмоқчи бўлди.

Лекин Христоня бир қўли билан уни аравага тираб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бас, бас, бас! Мен билан ўйнашма!— деб ваҳиллар эди.

Петронинг арғумоғи ёнига Федот Бедовсковнинг паканагина ва лекин жуда тортадиган отини қўшишди.

— Менинг отимни сен миниб ол!— деди Степанга Христоня ва ўзи Петро ёнига — аравага чиқиб олди.

Ярим кечада булар Гниловский қишлоғига етиб келиб энг четдаги қўра ёнида тўхташди. Христоня тунашга ижозат сўрагани ўша уй томонга кетди. Шинелига ит тирмашиб этагидан тишлаганига парво қилмай, у дераза ёнига бориб дарпардани очди-да, тирноғи билан ойнани тиқиллата бошлади.

— Хўжайин!

Ёмғир шитирлаб ёғиб турар, ит тинмай акиллар эди.

— Хўжайин! Ҳой, барака топкурлар! Худо хайр берсин, бир кеча тунаб кетишга рухсат беринглар. Нима? Аскарий хизматдан, лагердан кела ётирмиз. Неча киши дейсизми? Бештамиз. Э, хайрият, худо халлоқ. Киравериглар!— деди ниҳоят дарвоза томондаги шерикларига.

Федот отларни ҳовлига олиб кирди. Ҳовли ўртасида ётган ёғоч тоғорага қоқилиб сўкинди. Отларни бостирма тагига боғлашди... Томилин уйга кирди, безгакнинг зўридан унинг тиши тишига тегмай такилларди. Соявон ичида Петро билан Христоня қолишди.

Эрта тонг маҳалида йўл ҳозирлигини кўришди. Степан уйдан чиқди, унинг орқасидан букри кампир пилдираб келарди. Отларни аравага қўшаётган Христоня раҳми келгандай бўлиб кампирга гап қотди:

— Вой, бувижон-е, икки букчайиб қопсан-у! Черковда сажда қилиш ҳам осон бўп қопти; сал эгилсанг — бошинг ерга етади.

— Айланайин, атаман йигит, саждани менга чиқарган, таънани — сенга... Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига...— Кампир хунуккина илжайиб қўйди, Христоня, унинг бут-бутун майда тишларини кўриб ҳайрон қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ие, чўртон балиқданам сертиш экансан-ку. Мен бечорага ўнтагинасини қарз берсанг-чи! Ёш бўлсам ҳам кемшикман, чайнашга тишим йўқ.

— Сенга берворсам — ўзим нима қиламан, яхши йигит!

— Сенга от тишини қўйиб берамиз. Барибир, яқинда ўласан, у дунёда тиш кўришмас эмиш, сўроқчи фариштa от жаллоби эмасдир, ахир.

— Сайрайвер, булбулим,— деб кулди аравага чиқаётган Томилин.

Кампир Степан билан бостирма томонга кетди.

— Қайси бири?

— Қораси,— деб оғир нафас олди Степан.

Кампир ҳассасини ерга қўйди ва отнинг майиб оёғидан ушлаб, эркакчасига даст кўтарди. Бужмайган ингичка бармоқлари билан отнинг тиззасини анчагача пайпаслаб кўрди. Арғумоқ қулоғини чимириб тишларини иржайтирар, оғриққа чидамай кейинги оёқларини букарди.

— Синмабди, казак, оёғи бутун. Майли қолдир, дори-дармон қиламан.

— Нафи бўлармикан, мома?

— Нафими? Ким билади дейсан, болам... Нафи бўлса керак дейман.

Степан қўл силтади-да, арава томон юрди.

Кампир унинг кетидан кўзини қисинқираб:

— Қолдирасанми ё йўқми?..— деб сўради.

— Майли, қолсин.

Христоня эса:

— Шу кампир бўладиган бўлса, албатта тузатади, соғ қолган уч оёғиниям синдириб бермаса гўргайди. Келиб-келиб букри докторнинг қўлига тушдинг, оғайни,— деб хохолар эди.

XIV

— ...Мен уни соғиниб сомон бўлдим, айланай бувижон. Кундан-кунга сарғайиб сўляпман. Юбкамни бугун торайтириб тепчиб олсам эртаси яна кенг келаверади... Қўра ёнидан ўтганини кўрсам юрагим толпинади, ичим ёнади... ўзимни ерга таш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаб, босган изларини ўпсам дейман... Ёки мени иссиқ-совуқ қилганмикан-а?.. Бир иложини қил, бувижон! Уни уйлантиришмоқчи... Ўзинг чорасини топ, садаганг кетай! Нима десанг берайин. Хоҳласанг, охирги кўйлагимни ечиб беришга ҳам тайёрман, тезроқ давосини қил!

Дроздиха Мома атрофини ажин босган ўткир кўзларини Аксиньяга тикиб, унинг аламли ҳасратини тинглар ва бош чайқар эди.

— Ўзи кимнинг боласи?

— Пантелей Мелеховнинг ўғли.

— Анави туркнингми?

— Ҳа.

Мома ўпирилган оғзи билан тамшаниб қўйди, бироқ ҳадеганда жавоб қила қолмади.

— Эртага барвақт олдимга келасан, жувон. Тонг ёришай деганда келгин. Дон ёқасига борамиз, ғаму ҳасратларни сувга оқизамиз. Уйингдан бир чимдим туз ола келгин. Шундай бўлсин.

Аксинья камбар сариқ шол рўмол билан юзини буркади-да, букчайиб олиб дарвозадан чиқиб кетди.

Унинг қорайиб кўринган гавдаси зулмат ичида ғойиб бўлди. Фақат кавушларининг шипиллагани эшитилди. Бора-бора у ҳам жимиб қолди. Қишлоқнинг бир чеккасидан бақириб айтилган ашула овози келар эди.

Туни билан ухламаган Аксинья тонг отарда Дроздиханинг деразаси остига келди.

— Бувижон!

— Ким у?

— Менман, бувижон. Тур.

— Ҳозир, кийиниб олай.

Иккиси тор кўча билан юриб, Дон бўйига тушишди. Пристань олдидаги тахта сўри ёнида, сувга ташланган аравaнинг олдинги тегарачиги ивиб ётар эди. Сув бўйидаги муздек қум оёққа тикандек қадалар, Дондан совуқ туман кўтариларди.

Дроздиха қоқшол қўли билан Аксиньяни қўлидан ушлаб, уни сувга томон тортади.

— Туз опкелдингми? Менга бер. Кун чиқарга қараб чўқиниб ол.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аксинья чўқинади, кўтарилиб келаётган қуёшга ғазабнок назар ташлади.

— Бир ҳовуч сув олиб ич,— деб буюрди Дроздиха.

Аксинья енгларини ҳўл қилиб сув ичиб олди. Дуохон Мома мавжланиб турган сув ёқасида қора ўргимчак сингари чўққайиб ўтириб олиб, шивиршивир дуо ўқий бошлади:

— Азим дарё остидан чиққан муздай булоқлар... куйган жисмини... ёнган юрагини... Балойи ногаҳондан... Муқаддас бут билан... ё Биби Марям, ё арвоҳлар... Ул бандаи худо Григорийни...— деган сўзлар Аксиньянинг қулоғига кирар эди.

Дроздиха туздан пичасини оёғи остидаги намиққан қум устига сочди, бир чимдимини сувга ва қолганини — Аксиньянинг қўйнига солди.

— Қифтингдан сув ўгириб соч. Тезроқ!

Аксинья унинг айтганини қилди, кўнгли ғаш бўлиб, Дроздиханинг қорамағиз юзларига хўмрайиб қаради.

— Бўлгани шуми?

— Бор энди, жонгинам, нонуштангни қил. Тамом.

Аксинья чопа-чопа халлослаб уйига қайтиб келди. Сигирлари қўрада маърашарди. Эндигина уйқудан кўзини очган қизил юзли Дарья Мелехова камондай қошларини ўйнатиб, ўз сигирларини подага ҳайдаб борарди. У ёнидан югуриб ўтган Аксиньяга кулиб қаради:

— Яхши ётиб турдингми, қўшни?

— Худога шукур.

— Саҳар туриб қаёқдан келяпсан?

— Ишим чиқиб, бир жойга борувдим.

Эрталабки ибодатга чорлаб черковда жом чалинди. Мис қўнғироқларнинг жаранглаган садоси тўлқинланиб, атрофга ёйиларди. Тор кўча ёқдан подачи бола қамчисини қарсиллатиб келарди.

Аксинья шошиб-пишиб, сигирларини подага ҳайдади-да, соққан сутини сузиш учун даҳлизга кирди. Тирсагигача шимарилган қўлларини фартуғига артди; хаёли қочиб, кўпириб тошган сузгичга қандай сут қуяётганини ҳам билмасди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўчадан гумбурлаган ғилдирак товуши эшитилди. Отлар кишнади. Аксинья челакни ерга қўйиб, деразага қаради.

Степан қиличини авайлаб ушлаб, эшик томон келмоқда эди. Қазаклар майдон томонга от чоптириб олдинма-кейин ўтиб туришарди. Аксинья фартуғини чангаллаб, скамейкага ўтириб қолди... Зинапоядан қадам товуши эшитилди... Оёқ товуши даҳлизга яқинлашди... Эшик олдига етиб келди...

Озиб кетган ва ранги ўчган Степан остонада пайдо бўлди.

— Хўш...

Тўлишиб етилган Аксинья гандираклаб унинг олдига борди ва:

— Мана, ур!— деди-да, ёни билан туриб берди.

— Хўш, Аксинья...

— Нимасини яширай,— мен гуноҳкорман, ур, Степан!

Аксинья бўйнини қисиб, ғужғунак бўлиб, унга юзма-юз тек турар, фақат қорнинигина қўли билан тўсиб олган эди. Қўрқанидан афт-ангори бутунлай ўзгариб, ранги қув ўчган, ости қорайиб кетган кўзларини юммай қараб турар эди. Степан гандираклаб кетиб, ўзини ўнглаб олди-да, хотини ёнидан ўтиб кетди. Степаннинг баданидан, йўлда чанг босган кир кўйлагидан аччиқ тер ҳиди келар эди. У шапкасини ҳам ечмай, каравотга бориб ётди. Бир оздан кейин кифтини кўтариб, ётган жойида шопшалопларини еча бошлади. Ҳар доим буралиб турадиган келишган мўйлови ҳозир осилиб қолган эди. Аксинья юзини ўгирмай, кўз қири билан унга қарабқараб қўяр, ора-сира сесканиб тушарди. Степан оёқларини каравот панжарасига қўйди. Этигига илашган лой осилиб турарди. У шипга қарар, қилич тасмасидаги шокилани бармоқлари билан титкиларди.

— Овқат қилганинг йўқми?

— Йўқ...

— Егани бирор нарса келтир.

Степан мўйловларини тегизиб косадан сут ичди. Нонни ҳам узоқ чайнади, қип-қизил лунжлари дўп-

www.ziyouz.com kutubxonasi

пайиб, нари бориб, бери келарди. Аксинья печь ёнида турарди; эрининг овқат еяётганда қимирлаб турган кемирчакли кичкина қулоқларига қараб ваҳм босарди.

Степан ўрнидан турди-да, чўқинди.

— Гапиринг, ойимтилла,— деди у.

Аксинья бошини қуйи солиб, стол устини йиғиштирар, дами ичига тушиб кетган эди.

— Қани, айт-чи, эрингни қандай кутдинг, эринг шаънини булғотадиган иш қилмадингми? Хўш?

Тўсатдан бошига тушган кучли мушт зарби Аксиньяни бўсаға томонга учириб юборди. Хотин орқаси билан эшикнинг кесакисига урилди-да, «уҳ» деб юборди.

Степан фақат нимжон ва хомсемиз аёлларнигина эмас, ман-ман деган азаматларни ҳам бошига бир уриб қулата оларди. Аксинья қўрққаниданми, ёки жони қаттиқлигиданми, бир оздан кейин ўзига келиб бошини кўтарди ва эмаклаб тура бошлади.

Степан уйнинг ўртасида тамакисини тутатиб, Аксинья ўрнидан тикка туриб олгунча қараб турди-да, тамаки халтасини стол устига ташлади, хотини эса пайт пойлаб туриб эшикни тарс этиб ёпди-да, ура солиб қочди.

Эри кетидан қувлади.

Қонга беланган Аксинья шамолдай учиб, Мелехов билан буларнинг қўрасини ажратиб турган четан девор томон югурди. Бироқ Степан четан олдида унга етиб олди. Унинг қора панжаси лочин сингари Аксиньянинг сочларидан чангаллаб, бир силкиб шўрликни ерга, кул устига ағнатди (печкадан чиққан кулларни Аксиньянинг ўзи ҳар куни четан девор тагига тўкар эди).

Эри, қўлини орқасига қилиб олиб, ўз хотинини этиги билан тепкилар экан, бу билан кимнинг иши бор дейсиз?.. Қўли чўлоқ Алёша Шамиль кўчадан ўтиб кетаётиб, буларга қараб кўзларини пирпиратиб қўйди, тиржайганида дукки соқоли тарвақайлаб кетди; Степаннинг нега бундай қилаётганини тушуниб, ичида: «Урса··· урибди-да, ўзининг никоҳлик хотини-ю», деб қўйди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лекин Шамиль тўхтаб, Степан хотинини уриб ўлдирадими, йўқми деб томоша қилмоқчи эди-ю (бунақанги томошани кимнинг кўргиси келмайди дейсиз), бироқ виждони бунга йўл қўймади. Бу — эркак кишига ярашмайди-ку, ахир.

Узоқдан қараган киши Степан ўйин тушяпти, деб гумон қилиши мумкин эди. Бошда Гриша ҳам, Степаннинг ирғишлашини деразадан кўриб, шундай деб ўйлаган эди. Лекин диққат қилиб қараб воқианинг нималигини тушунди ва югуриб уйдан чиқди. Маҳкам қисиб олган муштларини кўксига босиб, оёқ учида четан девор томон югурди; унинг кетидан этигини дўқиллатиб Петро ҳам чопиб етиб келди.

Баланд четан девор устидан Григорий қушдай учиб ўтди. Югура келиб Степаннинг орқасидан солиб қолди. У гандираклаб кетди, лекин орқасига бурилиб, Григорийга айиқдай чанг солди.

Ака-ука Мелеховлар жон-жаҳдлари билан муштлашар, Степанни қузғундай чўқишарди. Степаннинг қўрғошиндай оғир зарбидан Григорий бир неча марта ерга думалади. Туллак Степан қаршисида у жўжалик қилди. Аммо чайир, пакана Петро мушт еса, қамишдай эгиларди-ю, лекин йиқилмасди.

Степаннинг бир кўзи олхўридай кўкариб шишиб кетган эди, у соғ кўзини чақнатиб зинапоя томон тисарила бошлади.

Петродан юган сўрамоқчи бўлиб келган Христоня уларни ажратиб қўйди.

— Тарқалинг! — деб бақирди у қўл силтаб.— Бас қилинг, бўлмаса, атаманга хабар қиламан!

Петро қон аралаш яримта тишини авайлаб кафтига туфлаб тушурди.

— Кетдик, Гриша. Авлоқ жойда қўлимизга тушар...

Ҳамма ёғи кўкарган Степан зинапоядан:

— Сен қўлимга тушмайсан-а!— деб дўқ қилди.

— Майли, кўрарман!

— Кўрасан! Ичак-човоқларингни ағдариб ташларман!

— Ростингми, ё ҳазиллашяпсанми?

Степан зинапоядан сакраб тушди. Гриша ўқдай

www.ziyouz.com kutubxonasi

отилиб унинг олдига борди, бироқ, Христоня уни ушлаб қолди ва итариб, эшикдан чиқарар экан:

— Энди бас қилмасанг итнинг боласидай дўппаслайман,— деб қўйди.

Ўша кундан бошлаб, Мелеховлар билан Степан Астаховнинг ораларидаги кек ечилмас тугунга айланди.

Орадан икки йил ўтгандан кейингина Григорий Мелехов Шарқий Пруссияда, Столипин шаҳри ёнида бу тугунни ечишга муяссар бўлди.

XV

— Петрога айтгин, биз билан арғумоғини аравага қўшсин.

Григорий ҳовлига чиқди. Петро бостирма остидаги аравани судраб келаётган эди.

— Дадам бия билан арғумоқни аравага қўшинглар, деяпти.

Петро аравaнинг тоқа шотисини тўғрилар экан:

— Усиз ҳам биламиз. Овозини ўчириб, тек ўтираверсин! — деб жавоб қилди.

Пантелей Прокофьевич, ибодатга тайёрланган черков мутасаддисидай сиполик билан терлаб пишганига қарамай, карам шўрвани туширмоқда эди.

Дуняшка Григорийга зимдан қараб қўйди, лекин табассумини қайирма киприкларининг остига яширди. Ильинична калта кўйлак кийиб, яп-янги сарғиш шол рўмолини ўраб олган эди; ўғли учун ташвишланаётганини яшириб, лабларини қимтиб Григорийга қаради-да, чолга:

— Бас қила қол энди, Прокофьич, овқат ейиш ҳам эви билан-да. Ютоқиб қолдингми?— деди.

— Овқат егани ҳам қўймайди бу дардисар!

Эшик қия очилиб, Петронинг шопдай малла ранг мўйлови кўринди.

— Марр-ҳамат қилсинлар, файтон тай-ёр!

Дуняшка пиқ этиб кулиб юборди ва ўша ондаёқ оғзини енги билан тўсиб олди.

Дарья ингичка қошларини чимириб, куёв болага бошдан-оёқ тикила-тикила ўтиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Совчи қилиб Ильиничнанинг холаваччаси Василисани юбораётган эдилар. У қақилдоқ ва уддабурон тул хотин эди. Элдан бурун Василиса аравага чиқиб олди; у ўтирар экан, дум-думалоқ сой тошига ўхшаш бошини ҳар томонга буриб, илжайиб кулар, лаблари орасидан қорайган сўйлоқ тишлари кўриниб кетарди.

— Сен, Василиса, у ерда ҳам тиржайиб кулма тағин,— деб тайинлади Пантелей Прокофьевич,— оғзингни очаверсанг, ишни расво қиласан... Тишларинг тарвақайлаган: бири у ёққа қийшайган, бири бу ёққа...

— Ҳой, почча, қизини менга бераётгани йўқ-ку, куёв мен эмасман, ахир.

— Шундай-ку, ҳар қалай, кула кўрма. Тишларинг ҳалигидақа... Қоп-қора, киши кўрса кўнгли айнийди.

Василиса ранжиди; шу орада Петро дарвозани ланг очиб юборди. Григорий ўткир ҳидли қайиш тизгинни қўлига олиб, араванинг пештахтасига иргиб чиқди. Пантелей Прокофьевич билан Ильинична араванинг орқасида худди янги турмуш қурган эр хотиндай ёнма-ён ўтириб олишган эди.

— Бос қамчини! — деб бақирди Петро жиловни қўйиб юбориб.

Григорий лабини тишлаб туриб, қулоғини қимирлатаётган отга:

— Чу, ҳароми! — деб қамчи солди.

Постромкалар таранглашди, отлар сапчиб жойидан қўзғалди.

— Эҳтиёт бўл! Дарвозага уриб олма! — деб чийилларди Дарья, бироқ арава шартта бурилиб йўл ёқасидаги қатқалоқлар устида иргишлаб, катта кўчага тушиб олди-да, шалдираганча чопқиллаб кетди.

Григорий, қийшайиб ўтириб олиб, Петронинг аргумоғига қамчи ўхталиб, ўйноқлатарди. Пантелей Прокофьевич, соқолини шамол учириб кетадигандай, маҳкам тутамлаб олган эди.

Чол атрофига аланглаб қаранди-да, Григорийнинг елкасига энгашиб туриб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бияни урсанг-чи! — деб хириллади.

Ильинична шамолдан ёшланган кўзларини тўр уқа тутган енги билан артар, кўзларини тез-тез очиб юмиб, Григорийнинг эгнидаги кўк сатин кўйлаги шамолда ноғора бўлиб шишганини томоша қиларди. Йўлда учраган казаклар ўзини четга олар ва анчагача уларнинг орқаларидан қараб қолишарди. Қўралардан итлар чиқиб, от оёқлари тагида ўралашиб югуришарди. Янги темир қоқилган ғилдиракларнинг шалдирашидан итларнинг акиллагани эшитилмасди.

Григорий қамчини ҳам, отларни ҳам аямасди, орадан ўн минут ўтмай қишлоқ орқада қолди, энг четдаги қўраларнинг йўл ёқасидаги ям-яшил боғлари лип этиб ўтиб кетди.

Коршуновнинг қўрғони катта. Кўча девори тахтадан. Григорий тизгинни қаттиқ тортди, аравaнинг шалдираган овози бирдан ўчиб, сирланган, ўймакор дарвоза олдида таққа тўхтади.

Григорий арава ёнида қолди, Пантелей Прокофьевич оқсоқланиб зинапоя томон юрди. Унинг орқасидан, юбкасини шилдиратиб, лоладай қизарган Ильинична билан лабларини қимтиб олган Василиса эргашди. Йўлда ўзига далда бериб келган чол жасоратини йўқотиб қўйишдан қўрқиб шошиларди. У баланд остонага қоқилиб, чўлоқ оёғини лат едириб олди ва оғриқдан тишини-тишига қўйиб, топ-тоза зинапоядан босиб чиқа бошлади.

Ильинична билан чол олдинма кейин меҳмонхонага киришди. Хотини ундан бир қарич бўйдор бўлгани учун у билан ёнма-ён турса, хунук кўринишини ўзи балодай биларди, шунинг учун у бир қадам олдинроқ бориб, хўроз сингари оёқларини жуфтлаштирди-да, шапкасини қўлига олиб, қорайиб кетган хира иконага қараб чўқинди.

— Саломатмисизлар?

— Худога шукур,— деб жавоб берди уй эгаси ўрнидан қўзғалиб; у ўрта бўйли, юзларига сепкил тошган, қари казак эди.

— Меҳмонга келдик, Мирон Григорьевич!

— Меҳмон келса хурсанд бўламиз. Марья, курси қўй.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёши қайтган, кўкраги ботиқ бир аёл хўжа кўрсинга табуреткаларни артган бўлди-да, меҳмонлар олдига келтириб қўйди. Пантелей Прокофьевич рўмолчаси билан терлаган қизилмағиз пешонасини артиб курсининг бир четига ўтирди.

— Бир иш билан келувдик,— деди чол дангал.

Шу орада Ильинична билан Василиса ҳам юбкаларини сал кўтариб курсига ўтиришди.

— Хўш, нима иш билан? — деб кулимсиради хўжайин.

Григорий кириб келди. Атрофига аланглаб қаради.

— Яхши ётиб турдиларингми?

— Худога шукур,— деб чўзиб жавоб қилди уй бекаси.

— Худога шукур,— деб такрорлади уй эгаси. Унинг сепкил тошган юзи бўриқиб кетди; меҳмонларнинг нега келганини чол энди фаҳмлади.— Марья, чиқиб айт, меҳмонларнинг отларини қўрага олиб киришсин, пичан солиб қўйишсин,— деб буюрди хотинига.

Хотини чиқиб кетди.

— Сизга нозик бир иш хусусида келувдик...— деб давом этди Пантелей Прокофьевич. У, жингалак қора соқолини ўйнар, ҳаяжонидан қулоғидаги исирғалар силкинарди.— Сизда бўйи етган қиз бор, бизда — куёв бола... Бир-биримиз билан келишиб қуда бўлиб қўя қолсак девдим. Қизингизни таваккал қилиб узатаверасизми, ё йўқми, шуни билмоқчи эдик. Қудаанда бўлиб олсак, қандоғ бўларкин-а?

— Ким билсин...— чол сочи тўкила бошлаган бошини қашлади.— Ростини айтсам, ҳали бу йил кузакда уни эрга бериш хаёлимизда ҳам йўқ эди. Битмаган ишимиз, кам-кўстимиз бошимиздан ошиб ётибди, бир ҳисобда, қизимиз ҳали ёш. Эндигина ўн саккиз баҳор юзини кўрди. Шундайми, Марья?

— Шундай.

Василиса гапга аралашиб:

— Айни лоладай очилган маҳали экан, сақлаб нима қиласиз, ёши ўтган қари қизлар озмунчами?— деди табуретка устида безовталаниб ўтираркан (даҳ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лизда турган супургини ирим учун этаги ичига яшириб ола кирган, супурги баданини қичитарди, шундай қилинса, совчилар қуруқ қайтмайди деган эътиқод бор эди).

— Қизимизга эрта кўкламдан бери совчилар келади. Талабгор кўп, қизимиз ўтириб қолмайди. Ношукурчилик қилсак, худога ёзиқли бўламиз — қизимиз ҳар ишга чевар: уй иши ҳам, дала иши ҳам қўлидан келади...

— Тенги чиқса, текинга бер дейдилар,— деб хотинларнинг гапига аралашди Пантелей Прокофьевич.

— Эрга бериш қочмайди,— деб яна бошини қашиди уй эгаси,— истаган маҳалда узатса бўлади.

Пантелей Прокофьевич, бизга рад жавоби беряпти шекилли, деган хаёлга бориб, қизиша бошлади.

— Албатта шундай — ихтиёр сизларда... Зоримиз бор — зўримиз йўқ. Гапингизга қараганда, сизлар, бирор савдогарваччани ёки ундан ҳам йўғонроғинимни қидираётганга ўхшайсиз, гапимни маъзур тутинг...

Иш пачава бўлишга сал қолган эди: Пантелей Прокофьевич пишиллар, шолғомдай қизарган юзларидан тер оқиб турар, қайлиқнинг онаси бўлса, калхатнинг соясини кўрган товуқдай қақилларди, лекин хайриятки, ўз вақтида Василиса гапга аралашди. Овозини пасайтириб бидирлаб сайраб кетди, унинг гапи жароҳатга малҳам қўйгандай бўлди, бузилай деган ишни қайтадан ямаштирди.

— Садағанг кетайлар! Буни умр савдоси дейдилар, холис ният билан ишни бақамти қилиш керак, токи қизингиз бахтини топсин, увалик-жувалик бўлсин... Натальядай қиз оламда топилмайди! Унинг қўли гул: иш тикишини айтинг! Рўзғор тутишини айтинг! Ҳуснини мақтамай қўя қолай, мана, садағанг кетайлар, ўзингиз кўриб турибсиз, ойдай,— дўмбоққина қўлларини кериб қўйиб, Пантелей Прокофьевич билан қовоғи солиқ Ильиничнага қараб гапирди.— Йигит ҳам бекам-кўст. Худди раҳматлик Донюшкамнинг ўзгинаси-я, кўрсам юрагим жиз этиб кетади... Булар ҳаммаси уй ичиси билан меҳнатсевар одам-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар. Прокофьичнинг ўзини айтмайсизми, теварак-атрофга номи кетган, олий ҳиммат одам... Яхши ният билан битишганимиз маъқул, ёки ўз болаларимизга ёмонликни раво кўрадиган одамлармизми?

Совчи хотиннинг овози Пантелей Прокофьевичнинг қулоғига ёғдек ёқар эди. Кекса Мелехов унинг сўзларидан завқланиб: «Гапниям роса қияди бу қақилдоқ ўлгур,— деб ўйлади.— Пайпоқ тўқиётгандай ипи-ипига уланиб кетаверади, маъносини чақиб улгиролмайсан. Баъзи хотинлар ман-ман деган казакни ҳам гап билан мот қилади-қўяди... Балойи азим бу доғули!»— деб, қаллиқни ҳам, унинг ота-бобосини ҳам, етти пуштидан тортиб таърифлаётган совчига завқ билан тикилиб қараб турарди.

— Нимасини айтасиз, ким ўз боласига ёмонликни раво кўради?

Хўжайин бир оз юмшашгандай кулимсираб:

— Мундоғ ўйласам, эрга беришга ҳали ёшлик қилади,— деб қўйди.

— Ёш эмас! Айни вақти, худо ҳақи!— деб уни кўндирмоқчи бўлди Пантелей Прокофьевич.

Онаси ярми чин, ярми ёлғондакам йиғлаб:

— Кечми, эртами, ахир бир кун кетар экан-да...— деди.

— Мирон Григорьевич, қизингни чақир, бир кўрайлик.

— Наталья!

Қиз тортинчоқлик билан эшик оғзида тўхтади ва нима қилишини билмай, қизилмағиз бармоқлари билан юбкасининг бурмаларини ўйнай бошлади.

— Келавер, келавер! Мунча уялмасанг!— деб онаси унга далда берди ва кўз ёши аралаш кулимсираб қўйди.

Ранги ўнгиб кетган оғир кўк сандиқ ёнида ўтирган Григорий қизга қаради.

Қоп-қора тўр рўмоли остидан унинг ўткир қуралай кўзлари кўринарди. Уялиб кетган, табассумини зўрға тутиб турган қизнинг сўлқилдоқ бетидаги кичкина кулдиргичи ўйнаб турар эди. Григорий қизнинг қўлларига назар солди: қўллари катта-катта, иш билан пишган. Тор келиб қолган яшил кофтаси остида

www.ziyouz.com kutubxonasi

икки томонга қараб туртиб чиққан олмадай қаттиқ кўкракчалари диркиллаб турар, учлари эса бўртиб кўринар эди.

Григорий бир нафасда қизнинг бошидан тортиб бежирим оёқларигача кўз югуртириб чиқди. Бозорда асбжаллоб оладиган биясини олдин хўп текшириб кўргандек, у ҳам синчковлаб қараб, ичида «яхши экан» деб қўйди ва ўзига тикилиб қараб турган қиз билан кўз уриштириб олди. Қарашидан содда диллиги, ростгўйли ва бир оз тортинчоқ эканлиги сезилар, унинг кўзлари: «Мана мен, бўлган-турганим шу. Нима десанг — ихтиёр ўзингда» дегандай телмуриб турар эди. Григорий ҳам «жонона экансан» дегандай кўзи билан кулиб қўйди.

— Бора қол, қизим,— деди чол қўл силтаб.

Наталья эшикни ёпар экан, энди табассумини яширмай, Григорийга қизиқсиниб қараб қўйди.

— Гап шундай бўлсин, Пантелей Прокофьевич,— деди уй эгаси, хотини билан кўз уриштириб олиб,— сизлар ҳам маслаҳатлашиб кўринглар, биз ҳам кенгашиб олайлик. Ана ундан кейин, қуда бўламизми, йўқми — бир ёқлик қиламиз.

Зинапоядан тушаётиб, Пантелей Прокофьевич:

— Келаси якшанбага бир келиб кетамиз,— деб қўйди.

Дарвозагача кузатиб чиққан уй эгаси эшитса ҳам эшитмасликка олиб, индамай қўя қолди.

XVI

Степан лагерда Томилиндан Аксинья тўғрисидаги гапларни эшитгандан кейингина уни чиндан яхши кўрганини пайқади, юраги қайғу ва нафрат билан тўлганига, турмуши беҳаловат ўтганига, эски аламига қарамай, хотинини нафрат аралаш зўр муҳаббат билан севганини энди англади.

Кечалари аравада шинелини ёпиниб, бошини қўллари орасига олиб ётган маҳалларида « уйга қандай қайтиб бораман, хотиним қайси юз билан мени қаршилайди, деб ўйлар, кўксига чаён кириб олиб, тирмалаётганга ўхшарди. Хотинини минг бир хил қийноққа солиб азоблаш тўғрисида ўйлар, шу пайт назарида,

www.ziyouz.com kutubxonasi

тишлари орасига қум кириб қолгандай ғаши келаверарди. Йўлда Петро билан муштлашиб аламидан чиқди. Уйга келгунча ҳовуридан тушиб қолган, шунинг учун Аксинья осонгина қутулган эди.

Ўша кундан бошлаб Астаховнинг уйи ўлик чиққан жойга ўхшаб қолган эди. Аксинья оёқ учидагина юрадиган, шивирлаб гапирадиган бўлиб қолди, аммо Гриша ёққан ўтнинг кул босган чўғи ҳали сўнмаган эди.

Степан унга тикилиб туриб, буни кўрмаса ҳам, юраги сезар ва азобланарди. Кечалари ошхонадаги пашшалар уймалашиб уйқуга кирганда, бечора Аксинья даф-даф титраб ўрин соларди. Степан қадоқ босган қоп-қора панжаси билан унинг оғзини босиб туриб аямай урар, Гришка билан орада ўтган алоқаларининг тафсилотини уялмасдан суриштирарди. Аксинья пўстак ҳиди келиб турган тошдай каравот устида тўлғанар, оғир-оғир нафас оларди. Ниҳоят, Степан хотинининг хамирдай юмшаган баданини азоблашдан чарчар ва қўли билан унинг юзини сийпалаб, кўзларидан ёш излар эди. Бироқ Аксиньянинг ўтдай ёнган бетлари қуп-қуруқ, фақат бармоқлари билан унинг оғзи каппа-каппа очилиб юмулаётганини сезарди.

— Айтасанми?

— Йўқ!

— Ўлдираман!

— Ўлдир! Худо ҳақи, ўлдир... Азобдан қутуламан... Бундан кўра, ўлганим яхши.

Степан тишларини маҳкам қисиб, хотинининг терлаб музлаган кўксини чимчилар, юпқа терисини ўяр эди.

Аксинья сапчиб-сапчиб тушар, инграрди.

— Оғрийдими, а?— деб сўрарди Степан.

— Оғрийди.

— Менинг кўнглим ҳам шундай оғрийди, билдингми?

Степан анчагача ухлай олмасди. Уйқуси бетинч, ётган жойида тўлғаниб, бўғинлари шишган қоп-қора бармоқларини қимирлатаверарди. Ўшанда Аксинья тирсагига таяниб бошини кўтарар, уйқуда чеҳраси

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзгарган эрининг чиройли башарасига анча вақтгача тикилиб қолар эди. Сўнгра боши ёстиққа шилиқ этиб тушар, бир нималар деб пичирларди.

Гришкани у камдан-кам кўрарди. Бир куни Дон ёнида унга дуч келди. Григорий ҳўкизларини суғориб бўлиб, қўлида хипчин ушлаган ҳолда ерга қараб, қияликдан чиқиб келарди. Аксинья эса унинг рўпарасидан келиб қолди. Кўрди-ю, назарида, елкасидаги обкаш қўлига муздай теккандай бўлди, бетлари ловиллашиб кетди.

Аксинья кейинчалик бу учрашувни эслаганда, Григорийни ўз кўзи билан кўрганига ишонгуси келмасди. Бир-бирларига жуда яқин келганларидагина Григорий уни кўрди. Челакларнинг ғийчиллашини эшитиб бошини кўтарди, қошларини чимириб бемаъни илжайиб қўйди. Аксинья кўзларини унинг бошидан ошириб, тўлқинланиб ётган кўм-кўк Дон сувларига ва унинг нари ёғидаги қумлоқ дўнгларга қараганича ўтиб кетди.

Унинг юзлари қизариб, кўзларига ёш тўлган эди.

— Аксюша!

Аксинья яна бир неча қадам ташлади, калтак еяётган одамдай бош эгиб тўхтаб қолди. Григорий орқада қолган ҳўкизни хипчин билан аямай солдида, бурилиб қарамасдан:

— Степан буғдой ўроғига қачон жўнайди?— деб сўради.

— Ҳозир... аравасини қўшяпти.

— Жўнатгин-у, ўзинг сойликдаги кунгабоқар экилган жойга келгин, мен ҳам бораман.

Аксинья челакларини ғийчиллата-ғийчиллата Дон бўйига тушди. Қирғоққа йиғилган сарғиш кўпиклар мовий кўйлак этагига тутилган уқадек жим-жима қилар, илондай биланглар эди. Оппоқ балиқчи қушлар Дон устида чийиллаб учишарди.

Майда-майда балиқчалар сув бетини ёмғурдай жимирлатиб ўйнашар, дарёнинг нариги бетидаги қум тепалар орқасида осмонга қад кўтарган бўйдор оқ тераклар шамолда оғир-оғир тебранар эди. Аксинья сув олаётиб челагини тушириб юборди. Чап қўли билан юбкасини кўтариб, тиззасигача сувга кирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Болдирининг резинка қисган жойларини муздай сув қитиқлай бошлади. Аксинья Степан қайтгандан бери биринчи марта жилмайиб қўйди.

Аксинья ўгирилиб Гриша кетган томонга қаради: у эса, пашша қўриётган одамдай, ҳали ҳам чивиғини қимирлатиб, секин-аста тепага чиқмоқда эди.

Аксинья ёшдан хиралашган кўзларини узолмай, унинг мардона қадам ташлаб кетаётган оёқларига мўлтираб қарар эди. Гриша кенг чалварининг почасини оқ жун пайпоқ ичига тиқиб олган, қип-қизил ҳошиялари товланиб турарди. Қир кўйлагининг орқа томони, худди кураклари тагидан йиртилиб, бир парча латтаси осилиб тушган эди, уч бурчакли йиртиқ тагидаги қизилмағиз бадани кўриниб турарди; Аксинья бир вақтлар ўзиники бўлган севимли баданнинг ана шу бир парчасини ҳозир олисдан туриб, кўзлари билан ўпарди; илжайиб турган оппоқ лабларига кўз ёшлари тинмай томчиларди.

Аксинья челакларини ерга қўйиб, обкашига илмоқчи бўлиб энгашганда, қумга тушиб қолган чориқ изларига кўзи тушди. Атрофига қаранди — ҳеч ким йўқ, фақат узоқдаги пристанда болалар чўмилаётган эдилар. Аксинья чўнқайиб ўтирди-да, кафтини из устига қўйди, сўнгра обкашини елкасига олди, у ўз қилиғидан кулиб, тез-тез юриб уйига кетди.

Юпқа дока парда сингари хира нурга бурканган қишлоқнинг қоқ тепасида қуёш кезарди. Тўда-тўда оппоқ барра булутлар остида кўм-кўк ва салқин ўтлоқлар кўзга чалинарди, бироқ жазиллаган тунука томлар, чанг босган жимжит кўчалар, кўкатларини гармсел сарғайтириб кетган қўралар — бутун қишлоқ иссиқда ловиллар эди.

Аксинья қақраб ёрилган ерга сув сачратиб, соллона-соллона, зинапоя олдига етди. Сербар похол шляпа кийиб ўроқ машинага отларни қўшаётган Степан *унга қараб:*

— Сувдонга сув солиб қўй,— деди.

Аксинья челакдан сув солиб бўлгунча, сувдоннинг темир гардиши қўлини куйдираёзди.

— Ях солиб қўйиш керак экан,— деди эрининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

терлаган елкасига қараб туриб.— Бўлмаса, суви исиб қолади.

— Бор, Мелеховларникидан опкела қол... Тўхта, борма!..— деб бақирди Степан эс-ҳушини йиғиб.

Аксинья ланг очиқ қолган кўча эшикни беркитмоқчи бўлиб қўзғалган эди, Степан кўзларини олайтириб қамчисини олди:

— Қаёққа?..

— Кўча эшикни ёпиб келай...

— Қайт, манжалақи... айтдим-ку, борма деб!

Аксинья шошиб-пишиб, зинапоя олдига борди ва обкашни илиб қўймоқчи бўлган эди, қўллари бўшашиб, обкашни ташлаб юборди — обкаш зинапоядан ерга тушди.

Степан ўроқ машинанинг ўтирғичига брезент чакмонини ташлади, ўтираётиб тизгинларини тўғрилади.

— Дарвозани оч!

Дарвозани очар экан, Аксинья журъат қилиб:

— Қачон келасан?— деб сўради.

— Кечга қайтаман. Аникушка билан биргалашиб ўрадиган бўлдик. Овқатни ўшандан бериб юбор. Темирчидан қайтгач, далага боради.

Ўроқ машинанинг майда ғилдираклари ғийчиллаб, бахмалдай юмшоқ чанг устида из қолдириб, дарвозадан чиқди. Аксинья уйга кирди, қўлларини кўксига босиб, бирпас жим туриб қолди-да, сўнгра рўмолини бошига илиб, Донга қараб югурди.

«Қайтиб келиб қолса-я? Унда нима бўлади?»— деган фикр миясида ўтдай чақнаб кетди. Худди жар ёқасига бехосдан келиб қолган одамдай тўхтаб қолди, ўгирилиб орқасига қаради, кейин чопа-чопа Дон усти билан тиккасига сойликка тушди.

Четан деворлар... Боғчалар... Сап-сариқ бўлиб гуллаб, офтобга салом қилиб турган кунгабоқарлар. Ним ранг гулли кўм-кўк картошкалар... Ана, ака-ука Шомилларнинг хотинлари, вақтини ўтказиб, энди картошка чопиққа тушишибди; энгашиб олганлари учун пистоқи ранг кўйлакларининг орқасигина кўринади, кетмончалари гоҳ кўтарилади, гоҳ юмшоқ ерга тушади. Аксинья дам олмай, Мелеховларнинг полизига етиб борди. Атрофига қаранди; сўнгра, турмига

www.ziyouz.com kutubxonasi

суқиб қўйилган таёқни суғуриб, эшикни очди. Из тушган сўқмоқ йўлдан юриб бориб, кўкмак ва қалин кунгабоқар поялари орасига кирди. Энгашиб, энг қалин жойига етиб олди, юзи олтиндай гул кукунларига бўялди; юбкасини йиғиштириб, зарпечак босиб кетган ерга ўтирди.

Аксинья қулоқ солиб кўрди: ҳамма ёқ жимжит, фақат қулоғи шинғиллар эди. Қаердандир, юқорида бир қовоқари ғўнғиллайди. Тук босган йўғон-йўғон поялар томири билан ёпишиб ерни сўрмоқда.

Келадими, йўқми деган шубҳа ичида ярим соатча қийналиб ўтирди ва энди туриб кетмоқчи бўлиб, рўмолининг четидан чиқиб турган сочларини тузата бошлаганда — эшик «ғийқ» этиб очилгандай бўлди ва оёқ товуши эшитилди.

— Аксютка!

— Бу ёқдаман...

— Ҳа, келибсан-да.

Григорий баргларни шитирлатиб келиб ёнига ўтирди. Бирпас индамай қолишди.

— Юзингга нима ёпишди?

Аксинья юзидаги хушбўй сариқ кукунни енги билан суртиб ташлади.

— Кунгабоқардан ёпишгандир.

— Мана бу ерда, кўзинг тагида қолди.

Аксинья артиниб бўлди. Уларнинг кўзлари-кўзларига тушди. Григорийнинг сўзсиз саволига жавобан бечора Аксинья йиғлаб юборди.

— Тоқатим тоқ бўлди... Мен... Мен тамом бўлдим, Гриша.

— Нима қил дейди у?

Аксинья ғазаб билан кофтасининг ёқасини шартта очди. Қиз боланикидай тирсиллаган пушти ранг кўкраклари моматалоқ бўлган эди.

— Нима қилишини билмайсанми ҳали?.. Ҳар кун уради! Қонимни сўради!... Сенгаям балли... Итдай илиқиб, қилғиликни қилдинг-да, энди думингни тутқизмайсан... Ҳаммаларинг ҳам...— У қалтираган бармоқлари билан ёқасини тугмалар ва қўрқа-писа, тескари қараб олган Григорийга тикилар, гапим кўнглига қаттиқ тегдимикин, деб хавотирланарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Григорий бир чўпни тиши билан ўйнаб.

— Гуноҳкорни қидиряпсанми?— деди.

Унинг беғамлиги Аксиньяни ўртаб юборди.

— Бўлмаса ким гуноҳкор!— деб бақирди Аксинья.

— Ғунажин кўзини сузмаса, буқача ипини узмайди..

Аксинья кафтлари билан бетини беркитиб олди. Бу оғир гап унга жуда қаттиқ теккан эди.

Григорий пешонасини тириштириб, кўз қири билан унга қаради. Аксиньянинг бармоқлари орасидан кўз ёшлари тирқираб оқа бошлади.

Қалин ўсган чангли кунгабоқарлар орасидан қия тушган офтоб нури, унинг қатра-қатра ёшларини йилтиратар, юзидаги ариқчаларни қуритарди.

Григорийнинг кўз ёшига асло тоби йўқ эди. Безовталаниб, ўтирган жойида қимирлаб қўйди, чалварида ўрмалаб юрган сариқ чумолини жаҳл билан чертиб ташлади-да, яна Аксиньяга қараб қўйди. Аксинья боягича ўтирар, қўлининг орқа ёғида бир эмас, энди уч ердан ёш тирқираб оқарди.

— Нега дод-вой қиласан? Хафа қилдимми? Аксюша! Бўлди энди... Менга қара, сенга гапим бор.

Аксинья жиққа ҳўл бўлган юзидан қўлини олди.

— Мен, сендан маслаҳат сўраб келувдим... сен бўлсанг... Ўзим-ку бўлганимча-бўлганман... Бир қийнамаган сен қолувдингми?..

«Ўлганнинг устига кўмган қилибман...»— деб ўйлади Григорий ва қизариб кетди.

— Аксюша... билмасдан оғзимдан чиқиб кетибди, хафа бўлма...

— Сенга даҳмаза бўлмоқчи эмасман... Қўрқмай қўя қол!

Шу онда Аксинья, Григорийга даҳмаза бўлиш учун келмаганлигига ўзи ҳам ишонган эди; аммо боя Дон бўйлаб сойлик томонга чопиб келаётганида беихтиёр: «Уни йўлдан ураман, ишқилиб уйланмасин! Уйланса мен нима бўламан?» деб ўйлаган эди. Ўшанда бирданига Степан эсига тушган ва бемаҳал келган фикрдан қутулмоқ учун бошини чайқаб қўйган эди.

— Бундан чиқди, орамиздаги ишқ-муҳаббат та-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мом бўлибди-да?— деб сўради Григорий ва бағрини ерга бериб, тирсакларига суяниб ётиб олди, боядан бери чайнаб ўтирган ним ранг нечак-гул баргларини тупура бошлади.

— Нечук тамом бўлсин?— Аксинья қўрқиб кетди. Григорийнинг кўзларига қарагуси, кўнглида нима борлигини билгуси келиб турар эди.— Бу нима деганинг?— деб у сўради яна.

Қўкимтир кўз соққалари ғилт-ғилт қилиб айланиб турган Григорий четга қарарди.

Куннинг иссиғидан, шамолдан қақраган, чанқаган ердан чанг ҳиди келар, шамол гувиллаб, кўкмак кунгабоқар япроқларини алғоқ-далғоқ қиларди. Ҳурпайган булут бир лаҳзада қуёшни тўсиб қолди, ўша заҳотиёқ далаю дашт, қишлоқ, Аксиньянинг хам бўлган боши, қизғиш карнайгул устида булут соялари сузиб ўта бошлади.

Григорий хўрсиниб қўйди, унинг нафаси хириллаб чиқди.

Орқасига ўгирилиб, қайноқ ерга чалқанчасига ётиб олди.

— Гап шундай, Аксинья,— Григорий ҳар бир сўзини дона-дона қилиб шошмасдан гапирарди,— кўнглим алағда, кўксимни бир нима тирмалаётгандек. Мен шундай қарорга келдим...

Шу пайт:

— Хўш, ҳаром ўлгур! Хўш! Хўш-э!— деган овоз эшитилди. Полизлар устида араванинг ғичиллаган овози янгради.

Аксиньяга «хўш» деган овоз шундай қаттиқ эшитилдики, у ўша заҳоти муккасига ётиб олди. Григорий бошини кўтариб қаради-да:

— Рўмолингни ол, оқариб кўриняпти, кўриб қолмасин,— деб қулоғига шивирлади.

Аксинья рўмолини бошидан олди. Кунгабоқар тагида эсган иссиқ шамол, унинг бўйнида олтиндай товланган майин сочларини тўзғитар эди. Олислаб кетаётган араванинг ғичиллаган овози борган сари секин эшитиларди.

— Мен шундай қарорга келдим,— деб Григорий яна гап бошлади қизишиб,— ўтган ишга салавот, ба-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рибир қайтиб келмайди, гуноҳкорни қидиришдан нима фойда чиқади. Бундан буёғини ўйлаш керак.

Аксинья астойдил унга қулоқ солар, гапнинг кетини кутар ва чумолидан тортиб олган чўпни синдирарди.

Григорийнинг юзига қараб, кўзлари аланг-жаланг, ялт-юлт қилиб турганини кўрди.

— ...Фикрим шу, кел, бир ёқлик қилайлик...

Аксинья бир ирғиб тушди. Бармоқлари билан сертомир чирмовиқни чангаллаганча қотиб қолди. Бурнининг катакларини кериб гапнинг охирини кутарди. Қўрқув ва сабрсизлик юзларини ловиллаштирар, оғзини қақратар эди. У «... Степанни бир ёқлик қилиб қўя қолайлик», дермикин деб ўйлаган эди, бироқ Григорий қақраган лабларини жаҳл билан ялади (лаблари қовушмай қолган эди).

— ...Орамиздаги борди-келдини бир ёқлик қилиб қўя қолайлик,— деди.

Аксинья ўрнидан турди ва кунгабоқарнинг эгилиб қолган сап-сариқ бошига кўкрагини уриб олди-да, тўғри эшик томонга қараб кетди.

— Аксинья!— деб чақирди паст овоз билан Григорий.

Жавоб ўрнига эшикнинг ғичиллаганигина эшитилди.

XVII

Қора буғдойни хирмонга ташиб бўлар-бўлмас кетидан буғдой ўроғи ҳам етиб келди. Қақир жойлардаги ва тепаликдаги буғдойлар сарғайиб, барги найча бўлиб қолган, жонсиз пояси қуриб кетган эди.

Одамларнинг айтишига қараганда, ҳосил мўл-кўл бўлиши керак эди. Бошоқлар етилган, дони тўла ва оғир.

Пантелей Прокофьевич Ильинична билан маслаҳатлашиб, агар Коршуновнинг қизига унашсак, тўйни сўнгги Спасгача[1] тўхтатиб турамиз деган қарорга келдилар.

---

[1] Христиан динида учта Спас ҳайити бор, ҳаммаси ҳам август ойида ўтади; сўнггиси эскича ҳисоб билан 16 августда бўлади. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир ёқдан буғдой ўроғи, иккинчи ёқдан байрам келиб қолгани учун Коршуновларникига бориб, уларнинг нима қарорга келганини билиб келиша олмади.

Жума куни буғдой ўришга тушилди. Ўроқ машинага уч от қўшилган эди. Пантелей Прокофьевич аравaнинг ён қозиқларини йўниб, ғалла ташиш тайёргарлигини кўрмоқда эди. Буғдой ўроғига Петро билан Григорий кетди.

Григорий акаси минган машинанинг ўтирғичидан тутиб унинг ёнида яёв борар; қовоғи осилган эди. Пастки жағи билан ёноқ суягининг орасида бездай бир нима бориб-келиб турарди. Бу — Григорийнинг тутақиб зўрға турганини ва ҳозир ҳеч нарсадан тоймайдиган даражага етганини билдирувчи аломат эди; Петро буни билса-да, мийиғида кулиб, укасининг жиғига тегаверди:

— Худо урсин, ҳаммасини гапириб берди!

— Гапирса гапираверсин,— деб ғудранди Григорий мўйловининг бир толасини тишлаб.

«Полиздан келаётсам Мелеховларнинг кунгабоқарлари орасидан одам овози келади», дейди.

— Петро, бас қил!

— Ҳа... «ким экан деб четан орасидан астагина қарасам...»

Григорий кўзларини пирпиратиб:

— Бас қиласанми, йўқми?— деди.

— Вой тентак, гапириб бўлай, ахир!

— Уришиб қоламиз, Петро,— деб дўқ қилди Григорий орқада қолиб.

Петро қошларини ўйнатиб, отга орқа қилиб, Григорийга юзини ўгириб ўтириб олди.

«Четан орасидан мундоғ қарасам, дейди, икки ошиқ-маъшуқ қучоқлаше-еб ётибди» дейди,— Ким?— деб сўрадим, у бўлса: «Ахир, ким бўларди! Аксютка Астахова билан уканг-да», дейди. Мен унга...

Григорий ўроқ машинанинг кетига қистириб қўйилган калта паншаха дастасидан ушлаб Петрога ҳамла қилди. У эса тизгинни қўйиб юбориб, ирғиб ерга тушди-да, отларнинг олдига ўтиб олди.

— Вой кўппак!.. Қутурибсан-ку!.. Олкиш! Олкиш! Башарасини қара...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Григорий тишларини бўридек иржайтириб, паншахани отди. Петро қўлини ерга қўйиб энгашиб қолди, паншаха унинг устидан ошиб, қақраган бўз ерга тўрт энлик санчилди, ликиллаб зинғиллаган овоз чиқариб турди-да, сўнгра тўхтади.

Ранги қув ўчиб кетган Петро, шовқиндан ҳурккан отларни жиловидан ушлаб сўкинарди.

— Ўлдиришингга сал қолди-я, аблаҳ!

— Ўлдирардим ҳам!

— Аҳмоқ! Қутурган тўнғиз! Дадамнинг уруғига тортибсан-да, черкесвачча!

Григорий паншахани ердан суғуриб олди-да, ўроқ машина кетидан келаверди.

Петро қўли билан имлаб чақирди.

— Берироқ кел, паншахани менга бер-чи.

Тизгинни чап қўлига олиб, паншаханинг ялтираган найзалик томонидан ушлади. Бепарво келаётган Григорийнинг қоқ яғринига паншаха дастаси билан тушириб қолди.

— Сўйил билан солиш керак эди,— деди Петро ўзини четга олган Григорийга хўмрайиб қараб.

Орадан бир минут ўтар-ўтмас, ака-ука тамаки тутатаётиб, бир-бирлари билан кўз уриштириб хохолаб кулиб юборишди.

Нариги йўлда аравада кетаётган Христонянинг хотини, Гришанинг акасига паншаха отганини кўрган эди. У арава устида туриб, ҳарчанд қараса ҳам, ўроқ машина билан отлар тўсиб тургани учун, ака-ука Мелеховларнинг жанжали нима билан тугаганини билолмаган эди. Қишлоққа кирар-кирмас, у дарҳол ҳамсоясини чақирди:

— Климовна! Югур, Пантелей туркникига бор! Болаларинг Татар қўрғон ёнида бир-бирига паншаха санчяпти дегин! Григорий жувонмаргда эс борми?— Петронинг биқинига айри билан чунонам санчдики!.. У ҳам қараб турмай, уни... ҳамма ёқни қон босиб кетди, асти қўя қол!

Петро ҳолдан тойган отларга ҳайқиравериб овоздан қолган ва ҳозир ҳуштак чалиб бормоқда эди. Григорий чангу тупроқдан қорайган оёқларини машинанинг бел темирига тираб олиб, қанотига илашган

www.ziyouz.com kutubxonasi

чўп-чорларни итқитиб ўтирарди. Пашша чақиб ҳамма ёғини қонатиб юборган, отлар ҳадеб думини ликиллатишар ва ҳар қайсиси постромкасини пойма-пой тортиб борарди.

Мовий уфқларгача чўзилган дашт ғимирлаган одамлар билан тўлган. Ўроқ машиналарнинг шалдирагани, тишлари чиқирлагани эшитилар, ўрилган буғдойлар чўлда уйилиб ётарди. Юмронқозиқлар от ҳайдаган одамларни майна қилгандай инлари оғзида чийиллашарди.

Петро орқасига бурилиб қаради-да, машина чалғисининг така-туки, қанотларининг визиллаган овозини босиб:

— Яна икки айланиб ўриб келамиз-да, тамаки чекамиз,— деб бақирди.

Григорий бошини қимирлатиб қўя қолди. Шамолдан қуруқшаган, бир-бирига ёпишиб қолган лабларини очишга ҳоли қолмаган эди. Қучоқ-қучоқ ўрилган буғдойни улоқтириш осон бўлсин учун, паншаха дастасини калта ушлаб олган, ҳарсиллаб зўрға нафас оларди. Терлаб-пишиб кетган кўкраги қичишарди. Қалпоғи остидан тер қуяр, кўзларига тушиб совундай ачиштирарди. Ниҳоят, отларни тўхтатиб, сув ичишди, тамаки чекишди.

Петро кафтини пешонасига қўйиб:

— Катта йўлдан аллаким от чоптириб келяпти,— деди.

Григорий тикилиб туриб, қошларини чимирди-да:

— Дадам бўлмасин тағин,— деди.

— Эсингни едингми? Отлар ҳаммаси шу ерда-ку, нимани минади?

— Худди ўзи.

— Танимаяпсан, Гришка!

— Худо урсин, ўзи!

Орадан бир минут ўтмай, йўртиб келаётган от ҳам, устидаги отлиқ ҳам аниқ кўринди.

— Дадам...— деб қўрқиб кетди Петро ва турган жойида типирчилаб қолди.

Григорий акасининг кўнглига келган гапни топиб:

— Уйда бир гап бўлганга ўхшайди...— деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юз саржинча масофа қолганда Пантелей Прокофьевич отнинг жиловини тортиб елдириб келаверди.

— Тилка-тилка-анг-ни чиқарама-а-ан... итваччалар!..— деди у олисдан шовқин солиб, тасма қамчисини боши устида айлантириб.

— Унга нима бўлдийкин?— Петро анқайиб қолди, малла ранг мўйлови ярмигача оғзига кириб кетди.

Григорий мийигида кулиб, ҳар эҳтимолга қарши ўзини ўроқ машинанинг орқасига олаётиб:

— Машина орқасига беркин! Ўлай агар, қамчиси билан солиб қолади. Нималигини билгунимизча дабдала қилади...— деди акасига.

Кўпириб кетган от буғдойзор ичи билан лўкиллаб келарди, чол оёғини ликиллатар (у отни яйдоқлигича миниб олган эди), қамчисини боши устида айлантирарди.

— Бу ерда нима аҳмоқчилик қиляпсиз, шайтонлар?!

— Ўряпмиз...— деди Петро қўлларини кериб ва ҳадиксираб кўз қири билан қамчига қараб қўйди.

— Ким-кимга паншаха санчди? Нимадан уриш чиқди?..

Григорий орқасини отасига ўгириб, осмондаги парча-парча булутларни шивирлаб санарди.

— Нима деяпсан? Қанақа паншаха? Ким уришибди?..— деди Петро кўзларини пирпиратиб, у отасининг бошидан-оёғигача қарар ва депсиниб турарди.

— Бўлмаса, ҳалиги шум хотин, оёғи куйган товуқдай: «Болаларинг бир-бирига паншаха санчишди», деб нега бақиради? А? Бу қандоғ гап?..— Пантелей Прокофьевичнинг боши қалт-қалт титрарди, у тизгинни қўйвориб, халлослаб турган отдан ирғиб тушди.— Мен бўлсам, Федька Сёмишкиннинг отига миниб, чоп-а!.. Бу нима деган гап, а?

— Ахир, ким айтди сенга?

— Бир хотин!..

— Ёлғон айтибди, дада! Нахс босиб арава устида ухлаб қолган бўлса, тушида кўрганини гапиргандир.

— Вой хотин ўлгир-эй!— деб чийиллади Пантелей Прокофьевич соқолини селкиллатиб.— Климовна бўл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

май ўл! Худоё тавба!.. Бу нима деган гап-а? Мен у қанжиқни шундай савалайки!..— деди у чап оёғини силтаб депсинар экан.

Григорий ерга қараб олиб, овоз чиқармасдан кулар, елкалари қимирлаб турар эди. Петро отасидан кўзини олмай, терлаган бошини ҳадеб силар эди.

Пантелей Прокофьевич ахийри ҳовуридан тушди. Ўроқ машинага миниб, уни икки марта айлантириб келиб, сўнгра сўкина-сўкина отига минди. Қатта йўлга чиқиб, ғалла ортилган иккита аравадан ўзиб кетди-да, кўчани чангитиб қишлоққа жўнаб қолди. Майда ўрилган шокилдалик қамчиси уватда қолиб кетди. Петро уни қўлида салмоқлаб кўрди-да, бошини чайқади, Гришага қараб:

— Иккимизни ҳам роса боплар экан-а, ука,— деди.— Буни қара, қамчи ҳам шунақа бўладими? Бу қамчи эмас — сўйил. Одамнинг бошини учириб юбориши мумкин!

XVIII

Коршуновлар Татарск қишлоғида энг биринчи бой деб танилган одамлар эди. Уларнинг ўн тўрт жуфт ҳўкизи, бир уюр йилқиси, Провальск от заводидан сотиб олинган биялари, ўн бешдан ортиқ сигири, далада қанчадан-қанча қора мол, қўтонда бир неча юз қўйи бор эди. Иморатидан бойлигини билиш мумкин, уйи Моховникидан қолишмасди: олти хонали, тунука томли, ҳамма ёғи мустаҳкам, часпак қоқилган. Ҳовлидаги омборхоналарнинг томига черепица ёпилган, ҳаммаси яп-янги, ярқираб турибди; боғи-чорбоғи билан қўшилиб бир ярим десатина келади. Инсонга бундан ортиқ тағин нима керак?

Шунинг учун ҳам, Пантелей Прокофьевич дастлаб совчиликка кетаётганида кўнгли унчалик чопмаган эди. Албатта, Коршунов ўз қизи учун Григорийдан кўра тузукроқ куёвни ҳам топа оладиган одам. Пантелей Прокофьевичнинг бунга ақли етар ва илтимоси ерда қолишини ўйлаб қўрқарди, шу сабабдан ҳам, қайсар Коршуновнинг олдига бўйин эгиб боргуси келмасди; бироқ Ильинична бормаганига қўймай ҳадеб эговлайверди ва ахийри чолнинг ўжарлигини енгди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пантелей Прокофьевич унинг гапига кириб, ноилож йўлга чиққан, бироқ ичида Гришани ҳам, Ильиничнани ҳам, бу дунёни ҳам тоза сўккан эди.

Энди жавобини олиш учун яна иккинчи марта бориш керак эди; улар якшанбани кутишарди, лекин ҳозир у ёқда, Коршуновнинг қизил мисдай, бўялган тунука томли уйида, эр-хотин ўртасида киши билмас жанжал чиқиб қолган эди.

Совчилар кетгандан кейин онанинг саволига қизи:

— Кўнглим фақат Гришкада, ундан бошқага сира тегмайман,— деб жавоб берди.

— Танланган куёвингга балли, тентак,— деб кўнглини совутмоқчи бўлди отаси,— мақтайдиган жойи йўқ, лўлидан ҳам қора экан — шуниси бор, холос. Бундан тузукроқ, келишган бир куёвни топиб беролмайманми, эркатойим?

— Дадажон, менга бошқаси керак эмас...— Наталья қизариб, кўзларига ёш олди.— Бошқасига тегмайман, унашаман деб овора бўлмасинлар. Айтганим бўлмаса, мени Усть-Медведицкийдаги монастирга элтиб қўя қолинглар...

— Ахир у саёқ, хотинбоз-ку, эри солдатга кетган хотинларнинг кетидан юргани-юрган,— деди отаси сўнгги далилни пеш қилиб,— бутун қишлоққа бадном бўлди.

— Майлига!

— Сенга майлига бўлса, менга сатқаи сар! Қўлимни юваман — қўлтиққа ураман.

Наталья — тўнғич қиз, отасининг эркаси эди, шунинг учун чол куёв танлашда унга эрк бериб қўйди. Ўтган кузакдаёқ қизга олисдан, нақ Цуцкан дарёси бўйидан жуда бой ва ўтакетган тақводор казаклар совчи бўлиб келган эдилар; Хопер ва Чир[1] томондаги казаклар ҳам кўп овора бўлишган эди, бироқ бирон-таси ҳам Натальяга ёқмаган, совчиларга берилган зиёфат бекорга кетган эди.

Мирон Григорьевич Гришканинг жасурлигини, рўзғорпараст ва меҳнатсевар эканини билар, шунинг учун уни ёқтирар эди. Ўтган пойгада Гришканинг бир

[1] Хопер ва Чир Донга қуйиладиган ирмоқлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

гада станица йигитларидан ўзиб, чавондозликда биринчи мукофот олганини чол кўрган, ўшандаёқ уни кўз тагига олиб қўйган эди; бироқ давлати йўқ, номи булғанган одамни куёв қилишга ори келар эди.

— Ғайратли йигит, афти-башараси ҳам бинойидай...— дерди хотини ётганларидан кейин, кампир эрининг сепкил тошган ва сап-сариқ тук босган қўлини силаб, аврашга тушарди,— ахир, Григорьич, Натальянг ўша йигитнинг ишқида чўпдай озиб кетди... Жуда яхши кўриб қопти.

Мирон Григорьевич жаҳл билан хотинининг муздай ва қоқ суяк кўксига орқасини ўгириб оларди-да, тўнғиллаб берарди:

— Бас қил энди, шунғия! Истасанг Паша девонага бермайсанми, менга нима? Ақлларинг калталиги ҳаққас рост!— Афти-боши бинойидай...— деб майна қилди хотинини. Ҳуснига нон ботириб ейсанми?

— Нон ботириб эмиш...

— Тушуняпман, лекин афтини бошингга урасанми? Ўзи одам бўлсин. Ростини айтсам, мен ўз қизимни туркларга бергани ор қиламан. Қошки, улар одам сиёқ бўлса...— деб Мирон Григорьевич кибрланар, ётган жойида ирғиб-ирғиб тушарди.

— Ҳаммаси меҳнаткаш одамлар, оиласи ўзига тўқ...— деб шивирларди хотини, яна эрига яқинроқ келиб. Ҳовуридан тушсин деб қўлини силарди.

— Уҳ, дардисар-эй, нарироқ ётсанг-чи, ахир! Пинжимдан бошқа жой қуриб кетганми?.. Мен бўғоз сигир эмасман-ку, мунча силайверасан? Наташкани истасанг пишириб егин. Менга деса чувриндига бермайсанми!..

— Ўз қизингга жавр қилма. Бойлигини нима қиласан, худо кўтарсин бойликни...— деб шипширди Лукинична Мирон Григорьевичнинг жун босган қулоғига.

Эри уни оёғи билан тепар, деворга ёпишиб олар ва ўзини ухлаганга солиб, хуррак отарди.

Совчиларнинг келиши буларни шошириб қўйди. Тушги ибодатдан кейин совчиларнинг тарантаси дарвоза олдига келиб тўхтади. Ильинична оёғини босқичга қўйиб тушаётганда тарантас қийшайиб, ағдарилиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

кетишига сал қолди, лекин Пантелей Прокофьевич жўжа хўраздай сакраб ерга тушди; оёғи оғриганини билдирмай, шахдам қадам ташлаб, оқсаганича тўғри қўрага кириб бораверди.

Мирон Григорьевич деразадан қараб:

— Ана кўзинг учиб турган бўлса!.. Бало-қазодек етиб келишди,— деб юборди.

— Вой шўрим қурсин! Боя овқат пиширгандаги кир юбкам билан юрибман-а!— деб қақиллаб қолди уй бекаси.

— Шу кийимда ҳам бинойидайсан! Сени келин қилишармиди? Чалпакка ўраб ташласа, ит емайди.

— Оғзинг шалоқ эди, қариганингда бадтар бўпсан.

— Бас қил, овозингни ўчир!

— Тоза кўйлагингни кийиб олсанг бўларди, Григорьевич, йиртиғидан умиртқанг кўриниб турибди, уялмайсанми ахир? Вой исқирт-эй!— деб жаврар, қудалар қўра саҳнидан юриб келар экан, эрининг устбошини кўздан кечирарди.

— Қўявер, шундоғ ҳам таниғлиқман. Чипта қоп кийсам ҳам булардан қутулмайдиганга ўхшайман.

— Ассалом!— деб қичқирди Пантелей Прокофьевич остонага қоқилиб кетиб ва шанғиллаб гапирганидан уялиб, образга қараб тўрт марта чўқиниб қўйди.[1]

— Салом,— деб сўрашди уй эгаси ва хўмрайиб қудаларни кўздан кечириб чиқди.

— Ҳавонинг келишини қаранг, худонинг марҳамати-да.

— Худога шукур, ҳозирча тузук.

— Одамлар ишини битказиб олади.

— Албатта.

— Шундоғ.

— Ҳм.

— Шундай қилиб, мана биз ҳам келдик, Мирон Григорьевич, ўша гап хусусида ўзаро нима қарорга келдинглар: қуда бўла оламизми, ёки йўқми, шуни билсакмикан девдик...

---

[1] Аслида уч марта чўқинилади. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қани, тўрга ўтинглар. Ўтиринглар, марҳамат қилинглар,— деб уй бекаси таъзим билан манзират қилар, бурма юбкасининг этаги эса гишт терилган полда судралиб юрарди.

— Кўп овора бўлманг, айланай.

Ильинична ипак кўйлагининг этакларини шитирлатиб жойлашиб ўтириб олди. Мирон Григорьевич яп-янги клеёнка солинган столга тирсагини тираб чурқ этмай ўтираверди. Клеёнкадан ҳўл резинка ва яна ниманингдир ҳиди келарди; ҳошиядор клеёнканинг тўрт бурчагига ўлиб кетган подшо ва малика ойимларнинг суратлари чизилган: ўртасида эса оқ шляпали шаҳсувор маликалар билан император Николай Александровичнинг пашша ўтириб кетган расми кўринарди.

Мирон Григорьевич ниҳоят гапга кириб:

— Шундай... Қизимизни беришга қарор қилдик. Агар келиша олсак, қуда бўламиз, албатта...— деди.

Гап шу ерга етганда, Ильинична бурма енгли ялтироқ жун кофтасининг ичидан, каттакон бир каравай нонни, худди ғойибдан олгандай чиқариб, дўқ эткизиб столга қўйди.

Пантелей Прокофьевич, негадир, чўқинмоқчи бўлиб қўлини кўтарганда, қадоқ босган чангак панжалари беихтиёр букила бошлади ва пешонасига етмасдан ярим йўлда қолиб, тирноғи кир бош бармоқ ўзидан-ўзи ўртанча ва кўрсаткич бармоқларининг орасига кириб қолди-да, шу шарманда ҳолича, кўк чакманнинг қаппайиб турган барини очиб, қизил тамғалик бир шишани олди.

— Қани энди, азиз қуда-андаларим, худога сиғиниб, болаларимизнинг соғлиғи учун ичишайлик, олиқ-солиқ тўғрисида гаплашиб олайлик...

Пантелей Прокофьевич эриб кетиб, кўзларини пирпиратиб, қудасининг сепкил тошган юзига тикилар ва туя товон кафти билан шишанинг тагига уриб очмоқчи бўларди.

Орадан бир соат ўтар-ўтмай, икки чол бир-бирига шу қадар яқин келиб ўтириб олган эдики, Мелеховнинг қоп-қора жингалак соқоли билан Коршуновнинг диккайган малла соқоли бир-бирига туташиб кетган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Пантелей Прокофьевич тузлаган бодрингни завқ билан искар ва қудасини аврарди.

— Садағанг кетай, қуда,— чол гапни шивирлаб бошлади,— азиз қуда жоним!— дарров овози очилиб, шанғиллай бошлади,— қуда!— деб қоп-қора сийқа тишларини кўрсатиб бақирди.— Бу шартларинг менга жуда-жуда оғирлик қилади, ахир! Қимматли қудажон, шунча нарсаларни талаб қиладиган бўлсанг, мени қийнаб қўясан, бундоғ бир ўйлаб кўргин: қўнжлик батинка калоши билан — бир дегин, поча пўстин — икки, иккита жун кўйлак — уч, шойи рўмол — тўрт. Мени хонавайрон қиласан-ку!..

Пантелей Прокофьевич қўлларини кериб қўяр, лейб-казакча мундирининг чоклари тирсиллаб, орасидан чанг кўтариларди. Мирон Григорьевич бўлса, бошини қуйи солиб, бодринг намакоби билан ароқ тўкилган клеёнкага тикилаб қолган эди. У клеёнканинг юқори томонидаги ғалати қилиб ёзилган шикаст ёзувни ўқиди: «Умумроссия подшоҳлари». Сўнгра пастроғига қаради: «Император ҳазрат олийлари Николай подшоҳ...» У ёғини картошка пўчоғи тўсиб қолган эди. Суратга зеҳн солиб қаради: подшоҳнинг бапараси кўринмади, бўшаган ароқ шиша нақ бети устида турарди. Мирон Григорьевичда эҳтиром ҳисси қўзиб, кўзлари пирпираб кетди ва оппоқ камарбанд шоҳона мундирини томоша қилмоқчи бўлди, бироқ мундирига бошдан-оёқ шилимшиқ бодринг уруқлари туфлаб ташланган эди. Бир-биридан бадтар рангсиз қизларнинг ўртасидаги кенгбар шляпа кийган мағрур малика ойим бақрайиб турар эди. Мирон Григорьевичнинг хўрлиги келиб йиғлаб юборгудай бўлди. Ичида: «Бунча димоғингдан эшак қурт ёғилиб, бурнингни кўтармасанг? Сен ҳам мана бу қизларингни эрга бериб кўр, мен бир томоша қилай, ўшандаям гердаярмикансан?» дерди.

Қулоғи тагида Пантелей Прокофьевич ҳали ҳам қовоқ аридай ғўнғиллар эди.

Коршунов ёшланган хира кўзларини унга тикиб қулоқ солди.

— Биз агар сенинг қизингга, мана энди у бизнинг ҳам қизимиз бўлди... иккимизнинг қизимизга биз,

www.ziyouz.com kutubxonasi

агар шунча нарсани... ҳалиги қўнжлик ботинка калошу, поча-пўстинларни берадиган бўлсак, унда қўрадаги молларимизни обориб сотишга тўғри келади.

— Молингни аяйсанми?— деб Мирон Григорьевич муштини столга урди.

— Гап аяганликда эмас, ахир...

— Аяябсанми?

— Шошма, қуда...

— Аяйдиган бўлсанг, мана!..

Мирон Григорьевич тарвақайлаган, терлаган панжаси билан стол устидаги рюмкаларни суриб ерга тушириб юборди.

—Ахир ҳаммаси сенинг қизингга қолади, ўша қий налмасин деяпман!

— Майли! Маҳрига тушадиган сепни белгилаб қўй, йўқса қуда бўлмаймиз!..

— Оғилхонадан молларни опчиқиб сотаман шекилли...— дерди Пантелей Прокофьевич бошини қалтиратиб. Қулоғидаги исирғаси қимирлаб, билинар-билинмас йилтирар эди.

— Маҳрига тушадиган молини беришинг шарт!.. Қизимнинг ўз кийим-кечаги сандиқ-сандиқ, лекин агар сенга қизим ёққан бўлса, иззатини жойига келтир!.. Биз казакларнинг расми — шу. Қадимдан қолган одат, биз ҳам қадимнинг расм-русумини қилмоғимиз керак...

— Сийлайман!..

— Сийла!

— Сийлайман!..

— Мол-ҳолни ёшлар ўзи ортдирсин. Биз хўп мол топдик, турмушимиз ҳеч кимникидан кам эмас, улар ҳам энди ўзи топиб кўрсин!..

Икки қуда қора ва малла соқолларини бир-бирига чирмаштириб, оғиз ўпишди. Пантелей Прокофьевич бўса устидан суви қочган, сўлган бодрингни чайнаб еди, алланималар эсига тушиб, ҳислари хуруж қилиб йиғлаб юборди.

Қуда кампирлар эса сандиқ устида ўтириб, бирибиридан қолишмай, бараварига чуғиллашарди. Ильинична олча вино ичавериб роса қизарган, қизнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

онаси бўлса ароқдан, худди аёзда узилиб тушган ёввойи нок сингари кўкариб кетган эди.

— ...Ҳали ёш, бундай қиз оламда топилмайди! Келин деган гапга кирадиган, иззат қиладиган бўлсин, қизим изингдан чиқмайди. Гапингга гап қайтармайди, истиҳола қилади, айланай қуда.

— Ҳа-а-а, айналай қудажон,— деб Ильинична унинг гапини бўлди ва чап қўлини жағига тираб, ўнг қўли билан чап қўлининг тирсагидан ушлаб олди.— Бир неча марта у итваччани койидик! Ўтган якшанба куни кечқурун кўчага чиқмоқчи бўлиб ясанаётган, халтачасига тамаки солаётган экан, фигоним чиқиб: «Сен касофат қачон бас қиласан?— дедим.— Қариган чоғимда бундай маломатга қачонгача чидайман? Биласанми, ёлғиз жойда Степаннинг қўлига тушсанг, бўйнингни узиб ташлайди-я!..» дедим.

Митька ошхонадан туриб, эшикнинг устки тирқишидан меҳмонхонага мўралаб қаради, паст томонини Натальянинг икки синглиси банд қилишиб, шивирлашар эди.

Наталья нариги бурчакдаги хонада ўтирар ва кўз ёшларини кофтасининг торгина енгига суртарди. Янги турмуш сари қадам қўйишга, ҳаттоки унинг бўсағасидан ҳатлаб ўтишга юраги дов бермас, кўнгли эзиларди.

Учинчи бутилка ароқ бўшай деб қолган эди; қудалар қиз билан куёвни биринчи Спас[1] куни бир-бири билан қовуштириб қўйишга жазм қилдилар.

XIX

Коршуновнинг қўрасида тўйга тайёргарчилик қизиб кетди. Қизнинг баъзи бир битмай қолган кийимлари шошилинч тикилмоқда. Наталья қадимги расмга мувофиқ куёвга тортиқ қилинадиган тивит шарф билан тивит қўлқопни тўқимоқда.

Онаси Лукинична саҳардан кечгача тикув машинаси устида икки букилиб ўтирар, станицадан келган машиначи хотинга қарашарди.

Митька отаси ва хизматкорлар билан даладан

---

[1] Биринчи август куни. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

қайтиб, ювинмасдан, қадоқ бўлган оёғидаги қўпол дала чориғини ечмасдан, тўғри меҳмонхонага, Наталья ёнига бориб ўтирарди. У доим синглисининг жиғига тегаверар ва шундан завқланарди.

— Тўқияпсанми?— деб сўрарди у момиқ шарфнинг шокиласига имо қилиб.

— Тўқияпман, сенга нима?

— Тўқи, тўқийвер, аҳмоқ, у раҳмат дейиш ўрнига тумшуғингга туширади.

— Нега энди?

— Бекордан-бекорга; Гришкани мен яхши биламан, иккимиз қалин дўстмиз. Бу шундай бир кўппакки, қопиб олиб, нега қопганини айтмай, қараб тураверади.

— Ёлғонни тўқийверма! Кошки мен уни билмасам...

— Сендан кўра мен яхшироқ биламан. Мактабга бирга бориб, бирга келардик.

Митька паншаха тирнаган кафтларига тикилиб, риёкорона хўрсиниб қўяр, ерга энгашиб олар эди.

— Эҳ, Наташка, адойи тамом бўласан! Яхшиси, куёвга чиқмай ўтиравер. Унинг нимасига учасан? Хўш? Девга ўхшайди — одам ёнига боргани қўрқади, ўзи бир оз овсарроқ... Яхшироқ назар сол: ҳароми бола!..

Натальянинг жаҳли чиқар, хўрлиги келиб ютунар, шарф устига энгашиб оларди.

— Ҳаммасидан ҳам совуқлигини айтгин...— деб аямай калака қиларди уни Митька.— Нега бақирасан? Эс йўқ сенда, Наташка. Ундан кеч! Мен ҳозир отни эгарлайман-у, бориб айтаман: бизникига қадам босманглар дейман...

Натальянинг жонига бобо Гришак оро кирарди; у сербутоқ ҳассаси билан полни пайпаслаб, тахтаси бўш ё маҳкамлигини билмоқчи бўлгандай дўқ-дўқ уриб, меҳмонхонага кирарди, сўнгра бир боғ пичандай осилган малла соқолини силаб, Митькани ҳассаси билан туртиб:

— Бу ерга нега кирдинг, ҳароми, а?—деб сўрарди.

— Бир кўриб, ҳолини сўрай деб кирувдим, буважон,— деб баҳона қиларди Митька.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳолини сўрай деб? Нима? Кет бу ердан, ҳароми! Шагом-арш!

Бобо чўпдай озиб кетган оёқларини зўрға босиб, ҳассасини ўхталиб, Митьканинг устига бостириб келарди.

Гришак бобо олтмиш тўққиз йил умр кўрган, 1877 йилги турк муҳорибасида иштирок этган, генерал Гурконинг мулозими бўлган ва унинг назаридан қолиб, полкка қайтарилган эди. Плевна ва Рошич яқинидаги жангларда қаҳрамонлик кўрсатгани учун икки Георгий ордени ва битта Георгий медали билан мукофотланганди; ҳозир ўғлининг уйида турар, қариса ҳам ақли расо, ростгўй, ҳалол, меҳмондўст одам бўлгани учун бутун қишлоқ аҳли уни ҳурмат қиларди; бобо қолган умрини ўтган кунларини хотирлашга бағишлаган эди.

Ёзда кун чиққанда то кун ботар маҳалгача супачада ҳассаси билан ер чизиб, бошини қуйи солиб ўтирар, хаёлидан кўтарилаёзган ўтмиш хотиралари миясида ғира-шира жонланар, айрим манзаралар, яримёрти фикрлар эсига келар эди...

Кўзлари юмуқ Гришак бобонинг қорамтир қовоқларига ўнгиб кетган казакча фуражкасининг четнаган соявонидан соя тушиб турарди; бу соя бетларидаги ажинларни яна ҳам чуқурроқ қилиб кўрсатар, оқарган соқолига кўкимтир тус берарди. Ҳасса устида бир-бири билан чалмашган бармоқлари ва қўлларида, бўртиб чиққан қора томирларида тим-қора қон зўр-базўр айланиб турарди.

Йилдан-йилга қони қочиб, совуққа чидай олмай қолган эди. Гришак бобо суйган набираси — Натальяга:

— Жун пайпоқ ҳам оёқларимни исита олмайди. Сен менга, жигаргинам, қўшқаватини тўқиб бер,— деб ялинарди.

— Вой, буважон, ҳозир ёз-ку!— деб куларди Наталья ёнига ўтириб ва унинг сап-сариқ, бужмайган каттакон қулоқларини томоша қиларди.

— Ҳе, жигар порам, ёзликка ёз-ку, бироқ қоним ер тагидаги лойдан ҳам совуқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Наталья, бобосининг тарам-тарам қўл томирларига тикилиб туриб, болалик маҳалида бир куни ҳовлида қудуқ қазишганини, ўшанда у челакда чиққан лойдан қўғирчоқ ва ўйинчоқ сигирлар ясаганини, бироқ сигирларнинг шохи ушалиб тушиб кетаверганини эслади. Ҳозир у, яна ўша беш саржин чуқурликдан тортиб олингган лойнинг қўлига нақадар муздай текканини эслаб, бадани сесканиб кетди, бобосининг қариликдан сепкил тошган қўнғир қўлларига қўрқа-писа қаради. Назарида, бобосининг қўл томирларида қизил қон эмас, балки қорамтир суюқ лой оқаётгандек эди.

— Ўлимдан қўрқасанми, бува?— деб сўради у.

Гришак бобо эскирган мундирининг қотирма ёқасидан ажин босган, серпай ва ингичка бўйнини зўрга бўшатиб олиб, бошини чайқар, кўкимтир бўлиб оқарган мўйловларини қимирлатарди.

— Ажални азиз меҳмондай кутаман. Вақт келди... дунёни кўрдим, подшолар хизматини ўтадим, ароқни ҳам беармон ичдим,— деб кулиб қўйди оппоқ тишларини кўрсатиб. Кўзлари атрофидаги ажинлар жимирлаб кетди.

Наталья бобосининг қўлларини силар, сўнгра ўрнидан туриб кетарди, лекин чол ўша алфозда букчайганича супачада ўтирар, дастаси ейилиб кетган ҳассаси билан ер чизарди, ранги ўнгиган қирқ ямоқ мундирининг қотирма ёқасидаги қизил боғичлар товланиб, кулиб тургандек эди. Чол, Натальяни унашиб қўйдилар, деган хабарни эшитгач, қайғурган ва ғазабланган бўлса-да, бироқ сир бой бермай, парвойи-фалак юраверди. Дастурхон устида Наталья уни энг яхши овқатлар билан сийлар, кийим-кечакларини ювар, пайпоқ тўқиб берар, йиртиқ-ямоқларига қарарди. Шу хабарни эшитгандан кейин Гришак бобо икки кундан бери набирасига хўмрайиб қарайдиган бўлиб қолди.

— Мелеховлар — номдор казаклар. Раҳматлик Прокофий азамат казак эди. Неваралари қанақа экан? А?

— Неваралари ҳам чакки эмас,— деб мужмалроқ жавоб қилди Мирон Григорьевич.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Гришкаси жуда беадаб чиқибди, ҳароми. У куни черковдан келаётсам, олдимдан чиқиб, салом бермади. Энди қарияларни ҳеч ким назарига илмай қўйди...

— Ўзи жуда хушмуомала йигит,— деди Лукинична куёвига ён босиб.

— Нима? Хушмуомала дейсанми? Илоё айтганинг рост бўлсин. Ишқилиб, Наташкага ёқсин...

Маҳр устидаги маслаҳат вақтида Гришак бобо мум тишлаб ўтирди: ҳужрасидан чиқиб бирпасгина кириб, оғзи тор рюмкадан ароқни бир амаллаб ичди-да, сал-пал қизишиб олиб, маст бўла бошлаганини сезгач, дарҳол чиқиб кетди.

Икки кунгача, у саросимага тушиб, бахтиёр Натальяга индамай назар ташлаб юрди, у оқариб кўкиш тусга кирган мўйловини қимирлатар, тишлар, тамшанар эди, бироқ кейинчалик ҳовуридан тушиб анча бўшашди.

— Наташка!— деб чақириб қолди бир куни у.

Наталья ёнига келди.

— Сен ўзинг хурсандмисан ахир, болам? А?

— Ўзим ҳам билмайман, буважон,— деб ростини айтди Наталья.

— Ҳаҳ-ҳа... шундай дегин... Майли, Исо мададкор бўлсин. Худога топширдим,— деди-ю, лекин аламига чидай олмай, гинахонлик қилди:— Бувам ўлгунча кутиб турай ҳам демадинг, ҳароми, кўзим юмилгандан кейин тегаверардинг-да... Сен кетсанг, ҳолим хароб бўлади.

Буларнинг гапига ошхонадан қулоқ солиб турган Митька:

— Бува, сен ҳали яна юз йил умр кўришинг мумкин, ахир у қараб ўтираверардими?— деди.— Меҳрибонлигингни қара-ю...

Гришак бобо бўзариб кетди, нафаси тиқилиб қолди. Ҳассасини ерга дўқ-дўқ уриб бақирди:

— Ба-а-ас, ҳароми, итвачча! Йўқол!.. Кет, йўқол кўзимдан!.. Вой, касофат шайтон-эй!.. Қулоқ солиб турган экан бу ғаламис!..

Митька чопганича қўрага чиқиб кетди, бироқ Гришак бобо анчагина тутақиб Митькани қарғади;

www.ziyouz.com kutubxonasi

калтагина жун пайпоқ кийган оёқларининг тиззаси дағ-дағ қалтирар эди.

Натальянинг икки синглиси: ўн икки яшар — Маришка билан саккиз яшар шўх эркатой Грипка — тўй кунини сабрсизлик билан кутишарди.

Коршуновникида турадиган хизматкорлар ҳам суюнишган эди. Улар хўжайиннинг зиёфатини ейишдан, икки кун ишдан бўшаб, беармон ўйнаб олишдан умидвор эдилар. Булар орасида бўйи теракдек новча, Геть-Баба деган ғалати фамилияли, Богучардан келган украинлик бир хизматкор бор эди. У олти ойда бир марта томоқ ҳўлларди-ю, лекин расвоси чиққунча ичарди. Бутун уст-бошини, топган пулини ичиб тамомларди. Ичадиган вақт-соати яқинлашиб, анчадан бери томоғи тақиллаётган бўлса ҳам, Геть-Баба тўйгача бир амаллаб сабр қилишга аҳд қилди.

Иккинчи хизматкори, Мигулинский станицасидан келган, қотма ва қорача юзли казак Михей эди. У Коршуновникига яқиндагина келган эди; уйига ўт тушиб, хонавайрон бўлгандан кейин у ёлланиб ишлай бошлади ва бу ерда Гетько билан (Геть-Бабани қисқача шундай аташарди) топишиб олиб, ора-сира ичишга ўрганди. Ўзи отга ўлгудай ишқивоз эди; бир оз ичиб олгандан кейин дарров йиғлашга тушар ва кўз ёшларини қотма, қошсиз юзига ишқалаб, Мирон Григорьевичга ёпишиб оларди:

— Хўжайин! Жон хўжайин! Қизингизни эрга берганда извош ҳайдашни Михейкага топширасиз. Мен шундай ҳайдайинки, ҳамма қойил қолсин! Аланга орасидан от чоптириб ўтиб кетаман, лекин биронта мўйига ўт теккизмайман. Ўзимнинг ҳам отларим бўларди... Эҳ!..

Ҳамиша одамни ёқтирмай, қовоғини солиб юрадиган Гетько, негадир, Михейга ўрганиб қолган эди, доим уни бир гап билан эрмак қиларди:

— Михей, эшитяпсанми? Сен ўзинг қайси станицаликсан?— деб сўрарди, тиззасигача тушадиган узун қўлларини бир-бирига ишқалаб, овозини ўзгартириб: «Мигулевскийликман» деб ўзи жавоб берарди.— «Нега мунчалик ношудсан?— Зотимиз ўзи шунақа»,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар доим такрорланадиган бу ҳазил Гетьконинг ўзига наша қилар, хириллаб кулар, узун қоқшол болдирига қўлини уриб хохоларди, лекин Михейнинг аччиғи келиб, унинг соқоли қирилган юзига, қимирлаб турган кекирдагига тикилар: «калхат», «қўтир» деб сўкарди.

Тўйни кузда қиладиган бўлишди. Тўйгача ҳали уч ҳафта қолган. Успенье куни Григорий қаллиғини кўргани келган эди. Меҳмонхонада қизнинг дугоналари билан тўгарак стол ёнида писта, ёнғоқ чақишиб ўтирди, сўнгра жўнаб кетди. Наталья уни кузатгани чиқди. Гришканинг янги эгар урилган арғумоғи турган бостирма тагидаги охур ёнида Наталья қўлини қўйнига суқиб бир нимани олди-да, Григорийнинг кўзларига ошиқона тикилиб, кўксининг ҳароратидан илиган кичкина бир тугунчани унинг қўлига тутқазди. Григорий бу ҳадяни қабул қилаётганда оппоқ тишларини кўрсатиб илжайиб қўйди.

— Бу нима?— деб сўради Григорий.

— Кейин кўрарсан... тамаки халта, ўзим тикканман.

Григорий иккиланиб туриб, Натальяни ўз бағрига тортиб, ўпмоқчи бўлди, бироқ қиз икки қўлини унинг кўксига тираб, новдадай букилиб ўзини орқага ташлади ва қўрқув аралаш дераза томонга қаради.

— Кўриб қолишади!

— Кўрса — кўрар!

— Юзим чидамайди...

— Дастлаб шунақа кўринади,— деб тушунтирди Григорий.

Наталья от жиловини тутиб турди, Григорий кўзларини қисиб, оёғи билан узангини изларди. У эгар кўрпачасига ўрнашиб ўтириб олди-да, қўрадан чиқди. Наталья дарвозани очиб берди ва кафтини пешонасига қўйиб, унинг кетидан қараб қолди: Григорий эгарда қалмоқчасига, чап ёнига қийшайиброқ ўтирар, қамчисини ҳам чавандозчасига ўйнатиб борарди.

«Ўн бир кун қолди»— деб ҳисоблади хаёлан Наташа, сўнгра чуқур нафас олиб, кулиб юборди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

XX

Буғдой ингичка қиёқ барг чиқариб ердан униб чиқади ва ўса бошлайди; бир ярим ойдан кейин орасига захча кирса кўрилмайди; буғдой ернинг шарбатини сўра-сўра, бошоқ чиқаради, сўнгра гуллайди, бошоқларни олтиндай кукун босади; кейин хушбўй ва ширин сутга тўлишиб, шиша бошлайди. Эккан одам далага чиқиб буғдойзорга қарайди, қараган сари қарагиси, томоша қилгиси келаверади. Аллақайси гўрдан буғдойзорга бир гала мол тушади: ҳамма ёқни пайхонлаб, бўлиқ бошоқларни қийратиб, ер билан яксон қилиб кетади. Мол ағнаган жойларда буғдой доира шаклида топталиб ётиб қолади... одам ачинади, йиғлагуси келади.

Аксиньянинг бошига ҳам худди шундай кун келди: қип-қизил бўлиб, барқ уриб гуллаган муҳаббатини Григорий қўпол чориғи билан босиб поймол қилди.

Мелеховлар кунгабоқар эккан ўша ердан қайтгач, Аксиньянинг кўнгли, худди бурган ўт ва шўра босиб кетган ташландиқ хирмон сингари ҳувиллаб, ўксиб қолди.

Уйга қайтиб келаётганда, у ҳадеб рўмолининг учини тишлар, томоғига бир нима тиқилиб, додлагуси келарди. Даҳлизга кирди-ю, ўзини полга ташлади, хунибийрон йиғлаб, ўпкаси шишиб кетди, чироқ ёқса ҳам кўнгли ёришмас эди... Кейин ўзига келди. Бироқ қалбининг энг чуқур жойида бир нима ҳали ҳам жаз-жаз қилиб турарди.

Мол пайхонлаган экин қайта тикланади-ку. Ер билан яксон бўлиб ётган поялар шудринг ва қуёшдан баҳра олиб, яна қаддини кўтаради; олдин у юки оғирлик қилган одам сингари букилиб, кейин гавдасини ростлаб, бошини кўтариб олади, яна қадимгисидай офтоб нурини эмиб, яна шамолда тебраниб яйрай бошлайди...

Кечалари Аксинья эрига ҳаддан ташқари эркаланса-да, хаёли бошқа ёқда, қалбида нафрат туйғуси билан улуғ муҳаббат ҳисси бир-бирига чирмашиб кетган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хаёлан бу хотин яна аввалгисидай шармандагарчилик кўчасига кириш орзусида эди. У, ўн гулидан бир гули очилмаган бахтиёр Наталья Коршуновадан Гришани тортиб олишга жазм қиларди. Туни билан минг турли фикрларни ўйлаб, қуруқ кўзларини қоронғиликка тикиб чиқарди. Ўнг қўли устида данг қотиб ухлаган Степаннинг чиройли боши ётар, унинг жингалак узун кокили бир ёққа осилиб тушган эди. У сал очилиб қолган оғзи билан нафас олар, қоп-қора қўлини хотинининг кўксига қандай қўйган бўлса, ўшандоғлигича қолган, тарс ёрилган темирдай бармоқлари қимирларди. Аксинья ўйланар, чамалаб кўрарди. Қайта-қайта ўйлаб, шу қатъий қарорга келиб қўйди: Гришани ҳаммадан ажратиб олади, ўзига шайдо қилиб, илгаригидай унга ёлғиз ўзи эга бўлади.

Лекин қалбининг энг чуқур бир жойида ари нишига ўхшаган бир нарса қаттиқ азоб берарди.

Кечалари аҳвол шундай эди, кундузлари бўлса, рўзғор ташвиши, уй ишлари билан овунарди. Баъзан унда-мунда Гришани учратиб қоларди, шунда Гришага муштоқ бўлган Аксинья ранги ўчиб, келишган қадди-қоматини кўз-кўз қилиб, уялмай, унинг қоп-қора кўзларига тикила-тикила, ёнидан ўтиб кетарди.

Ҳар учрашувдан кейин Гриша уни қаттиқ соғинганлигини сезарди. Гриша бекордан-бекор ғазабланар, заҳрини Дуняшкага, онасига сочарди, лекин кўпинча қилични олиб, қўра орқасига чиқиб кетар, ўша ерда терга ботиб, тишларини маҳкам босиб, ерга қадаб қўйилган йўғон-йўғон новдаларни чопаверарди. Бир ҳафтада бирталай новдани кесиб ташлади. Пантелей Прокофьевич исирғасини ликиллатиб, кўзларини олайтириб сўкинарди:

— Бекорга чопиб, нобуд қилди, лаънати шайтон, икки четанга етарди-я! Билдик, роса қиличвоз йигит экансан. Онанг ўлсин сени туғмай. Қўлинг қичиса, тўқайга бориб чопавермайсанми... Шошма сен ҳали, аскарликка боргин — қиличбозликни ўшанда кўрасан!.. Бирпасда сендақаларнинг танобини тортиб қўйишади...

www.ziyouz.com kutubxonasi

XXI

Куёв новкарга тўртта қўш отлик арава ясатилди. Байрамдагидек ясанган-тусанган одамлар Мелеховнинг қўрасида, аравалар атрофида уймалашиб туришарди.

Куёв жўраси — Петро, қора камзул, ҳошиядор ҳаво ранг чалвар кийган, чап енгига иккита оқ рўмолча боғлаган, малла ранг мийиғи остида кулиб, куёв ёнида турарди.

— Сен, Гришка, дадил бўл! Куёв деган хўроздай қаққайиб туриши керак, мунча шалвиллайсан?

Аравалар олдида ғовур-ғувур гап, ким нима деятганини билиб бўлмайди.

— Тўй боши қайси гўрга кетди? Жўнайдиган вақт бўлди, ахир.

— Бўла!

— Хўш?

— Бўла, сен иккинчи аравага ўтир. Эшитяпсанми, бўла?

— Ўтирғичларни маҳкамладингларми?

— Ўтирғич бўлмаса, жин урмайди. Ўзиям юмшоқ!

Қизғиш жун юбка кийган Дарья сандип новдасидай эгилиб, илондай бураларди; у бўялган камон қошларини чимириб, Петрони туртарди.

— Жўнайдиган вақт бўлди, дадангни чақир. У ёқдагилар кутиб қолишади, ахир.

Аллақаёқдан диканглаб келаётган отаси билан Петро шивирлашиб олди-да:

— Аравага чиқинглар!— деб буюрди.— Менинг аравамга куёв билан беш киши минсин. Аникей, сен арава ҳайдайсан,— деди.

Ҳамма аравага чиқиб ўрнашиб олди. Қизарган, серсовлат Ильинична дарвозани очди. Тўрт арава кўчада бир-биридан ўзиб, олдинга ўтиб олиш учун уринарди.

Петро Григорийнинг ёнида ўтирарди. Уларнинг рўпарасида ўтирган Дарья четига тўр тутилган рўмолчасини елпитиб борарди. Ўнқир-чўнқир жойларда ашула садоси бирдан бўлиниб қоларди. Казакча фуражкаларнинг қизил гардишлари, кўк ва қора

www.ziyouz.com kutubxonasi

мундирлар, курткалар, оқ лента боғланган енглар, хотинларнинг рангба-ранг товланган шол рўмоллари, гулдор юбкалар... Ҳар аравaнинг кетидан кўтарилган дока сингари оппоқ чанг булути... Куёв новкар...

Григорийнинг бўласи Аникей арава ҳайдарди, у Мелеховларнинг қўшниси. Аникей шу қадар энгашиб олганки, ўтирғичдан тушиб кетишига сал қолган, қамчини қарсиллатади, визиллатиб ўйнайди, терга пишган отлар постромкасини узиб юборгудек бўлиб, учиб боришади.

— Савала! Саваласанг-чи!— деб бақиради Петро.

Ҳезалакнамо, кўса Аникей Григорийга кўз қисар, хотинчалиш афтини бужмайтириб тиржаяр ва қамчисини визиллатиб отларни саваларди.

— Пўшт, пўшт!..— деб бақирди улардан ўзиб келаётган аравакаш, бу — куёвнинг тоғаси Илья Ожогин эди. Григорий тоғасининг орқасида ўтирган қувноқ Дуняшкани кўриб қолди; унинг қорачадан келган икки бети дир-дир ўйнарди.

— Йўқ, ўзиб бўпсан!— деб қичқирди Аникей ва тикка туриб олиб, қаттиқ ҳуштак чалди.

Отлар пишқиришиб ўқдек учиб кетдилар.

— Йи-қи-ла-сан!.. деб чийиллади ўтирган жойида ирғиб-ирғиб тушаётган Дарья Аникейнинг американ этигини маҳкам қучоқлаб.

— Ҳушёр бўл!..— деб бўкиради бир чеккадан Илья тоға. Унинг овози шалдир-шулдур ғилдирак садолари орасида кўмилиб кетди.

Қолган икки арава йўлда ёнма-ён келар, улар ранг-ба-ранг кийинган, бўкирган одамларга лиқ тўла эди. Устига қизил, кўк ва пушти ранг ёпқичлар ёпилган, ёл ва кокилларига қоғоз гул, лента тақилган отлар қўнғироқларини жингирлатиб, совундек кўпириб, қатқалоқ йўлда учиб боришарди, шамол отларнинг кўпирган сағрилари устидаги ола-була ёпқичларни ҳилпиратарди.

Коршуновнинг дарвозаси олдида бир гала бола куёв новкарни пойларди. Болалар йўлда чанг пайдо бўлганини кўриб, ҳовлига чопиб киришди.

— Келишяпти!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Роса ҳайдаб келишяпти!

— Кўриниб қолишди!

Улар Гетькони ўраб олишди.

— Нега чуғиллашасиз? Кет, шумтакалар! Ваҳиллаб қулоқ-мияни едиларинг-ку!

— Хохол, исқирт хохол! Қорамойчи хохол!..— деб чинқиришарди болалар. Улар Гетьконинг қопга ўхшаш кенг чалвари атрофида чувиллашиб ирғишлашарди.

Лекин у, қудуққа энгашиб қараган одамдай, бошини эгиб, шўхлик қилаётган болаларни томоша қилар, қаппайган қорнини силаб, мулойимгина куларди.

Аравалар тасир-тусур ҳовлига кириб келди. Петро Григорийни зинапоя томон бошлади, куёв новкарга келганлар улар орқасидан эргашди.

Даҳлиз билан емакхона орасидаги эшик берк эди. Петро тақиллатди.

— Ё ҳазрати Исо, умматим дегин.

— Омин,— деган овоз эшитилди эшик орқасидан.

Петро уч марта эшикни тақиллатди, уч марта *ҳалиги сўзларни такрорлади,* ичкаридагиларнинг жавоби зўрга эшитиларди.

— Кирсак мумкинми?

— Бош устига.

Эшик ланг очилди. Натальянинг энагаси ва ҳозир янгаси бўлган чиройлигина бир тул хотин Петрога жилмайиб таъзим қилди.

Янга бир стакан тинмаган лойқа квас тутиб:

— Жўра йигит, соғлик учун кўтар,— деди.

Петро мўйловини силаб олди-да, симирди, кўпчиликнинг кулгисини қистатиб, томоғини қириб қўйди.

— Янгажон, сийлайман деб мени бопладинг-ку!.. Шошмай тур, ойимтилла, ҳали сенга мен ҳам шундайини тутайки, кўзларингдан ўт чақнаб кетсин.

— Кечирасиз, айланай,— деб таъзим қилди янга ва Петрога қараб айёрларча кулиб қўйди.

Петро билан янга аския айтишиб бўлгунча, куёвнинг қавм-қариндошларига, тўй шартига мувофиқ, уч рюмкадан ароқ тутилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўйга келган кўйлагини кийиб, дока рўмол ўраган Натальяни стол ёнида қўриқлашарди. Маришка қўлини чўзганича ўқлоғи ушлаб турар, Грипка ошпичоқни ойболтадай қимирлатиб қўярди.

Ароқдан боши айланган, терлаб-пишган Петро қизчаларга рюмкада ярим сўмдан пул узатди. Янга Маринага имлаб қўйди, қиз ўқлоғини столга уриб:

— Оз! Бу пулга келинни сотмаймиз!..— деб бақирди.

Петро бир сиқим жаранглаган тангани рюмкага солиб яна узатди.

— Сотмаймиз!— деб Натальянинг сингиллари чуғуллашди ва ерга қараб турган опаларини тирсаклари билан туртишди.

— Бўлди-да энди! Жудаям нархи ошиб кетди.

— Рози бўла қолинглар, қизлар,— деб буюрди Мирон Григорьевич, жилмайиб стол ёнига бориб. Унинг саримой суртиб таралгаг малла сочларидан чириган гўнг, тер ҳиди келарди.

Стол атрофида ўтирган қизнинг қариндош-уруғ ва яқинлари ўринларидан туриб, жой бўшатишди.

Петро рўмолнинг бир учини Григорийга тутқизиб, ўзи скамейка устига чиқди-да, икона тагида ўтирган келин ёнига уни бошлаб борди. Уялганидан қўлларигача терлаб кетган Наталья рўмолининг бир учидан ушлади.

Дастурхон атрофидагилар яхна товуқ гўштини чапиллатиб чайнашар, қўлларини сочларига суртишарди. Аникей товуқ тўшини кемирар, сап-сариқ ёғи ияги ва бақбақасидан оқиб ёқасига тушарди.

Григорий рўмолча билан боғлаб қўйилган келин билан куёвнинг қошиқларига, норин товоқдаги буғи чиқиб турган уграга суқланиб қararди. Унинг қорни оч, ичи қулдурар эди.

Дарья Илья тоғанинг ёнида ўтирар, оғзи тинмасди. Илья тоға сўйлоқ тишлари билан қўй қовурғасини тозалар, афтидан Дарьяга беҳаё гап гапираётганга ўхшарди — Дарья кўзларини қисиб, қошларини чимириб, ўзидан-ўзи қизариб куларди.

Меҳмонлар бошларини кўтармай тўйгунча еди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар. Эркакларнинг қўланса тер ҳидига хотинларнинг ўткир ва хушбўй ҳидлари аралашиб кетди. Сандиқдан чиққан скртуклар, юбка ва шол рўмоллардан нафталин ва қандайдир оғир бўйлар анқир, худди момалар кўҳна мурсагининг ҳиди келарди.

Григорий кўз қири билан Натальяга қараб қўйди. Натальянинг устки лаби бир оз қалинроқ эканини, қуйи лаби устидан осилиб тушганини эндигина пайқади. Яна ўнг бетининг ёноқ суяги остида жигар ранг холи борлигини, холидан икки дона тилла ранг мўй ўсиб чиққанини ҳам кўрди ва бундан, негадир, кўнгли ғаш бўлди. Бирданига Аксиньянинг келишган бўйни ва гарданига тушиб турган жингалак сочлари эсига тушиб кетди, назарида, кўйлак ёқасидан терлаган яғринига биров арпа сомон солиб юборгандай бўлди. Бадани жунжикиб, хаёли паришон бўлиб, чапиллатиб чайнаётган, қултиллатиб ичаётган, ютоққан одамларга нохушланиб назар ташлади.

Столдан турганларида, оғзидан ачиган буғдой нон билан бўза ҳиди келиб турган бир одам энгашиб, куёвнинг қўнжига бир сиқим сўк солди: бу куёвга кўз тегмасин учун қилинган ирим эди. Қайтиб кела-келгунча ҳалиги сўк Григорийнинг оёғига ботиб кетди, кўйлагининг тор ёқаси бўйнини қисди. Тўй расм-русмларидан безор бўлган Григорий жиғибийрони чиқиб ўзидан-ўзи сўкинарди.

XXII

Коршуновникида дам олган отлар чираниб, Мелехов қўраси томон чопишар, қуюшқон қайишлари тердан кўпириб кетган эди.

Ширакайф аравакашлар отларни ўлганига қарамай савалашарди.

Куёв новкарни қариялар кутиб олишди. Пантелей Прокофьевич оқ оралаган соқолини йилтиратиб, қўлида икона ушлаб турарди. Ильинична унинг ёнида, юпқа лаблари қимтинган эди. Уст-бошларига буғдой, май ачитқиси сочилган Григорий билан Наталья фотиҳа олгани уларнинг ёнига боришди. Пантелей Прокофьевич фотиҳа бераётганда кўзидан ёш

www.ziyouz.com kutubxonasi

оқиб кетди ва одамлар олдида ўзининг кўнгли бўшлигини билдириб қўйганидан хафа бўлиб, қовоғини солиб олди.

Келин билан куёв уйга кирдилар. Ароқ кайфидан, йўл азоби ва офтоб иссиғидан қизариб кетган Дарья зинапояга чиқар-чиқмас, ўчоқ бошидан шошиб келаётган Дуняшкага ўдағайлади:

— Петро қани?..

— Қўрганим йўқ.

— Дарров попга хабар бериш керак эди, у ер юткурдан дарак йўқ.

Чамасидан ортиқроқ ичиб қўйган Петро, олдинги тегарчиги олиб ташланган аравада инграб ётарди. Дарья унга бургутдай чанг солди.

— Ўлгудай ичибсан-а, аблаҳ! Попга бориш керак!.. Тур!

Эри эса:

— Йўқол-э! Сени танимайман! Сени ким хўжайин қилиб қўйди?— деб катталик қилар ва қўллари билан ер титкилаб, товуқ гўнгини, нишхўрдларни бир жойга уяр эди.

Дарья йиғламоқдан бери бўлиб, икки бармоғини унинг оғзига суқди, биланглаган тилини босиб туриб, енгилланиб олишига ёрдамлашди. Бехосдан бошига бир челак қудуқ сувини қуйиб юборганда, Петро энтикиб кетди, сўнгра қўлига дуч келган от ёлпечи билан афт-башарасини артиб қуритди-да, попни олиб келгани жўнади.

Бир соатдан кейин Григорий черковда, шамлар нурида яна ҳам ҳусни очилган Натальянинг ёнида турар, қўлидаги мум шамни сиқимлаб эзар, шивиршивир қилаётган зич оломон сафига лоқайд назар ташлар ва ичида «ўйин-кулги тамом бўлди...» дер эди. Орқа томонида юзи салқиган Петро йўталарди. Оломон орасида, қаердадир Дуняшканинг йилтираган кўзлари кўзига чалинарди, аллақандай таниш ва нотаниш башаралар кўринарди; носоз хор садоси, чўзиб дуо ўқиган дьяконнинг овози қулоғига аранг эшитиларди. Григорийнинг вужудини бепарволик ҳисси чулғаб олган. У минбар атрофидан айланар экан, манқа поп Виссарионнинг майишган этик ўкчасини

www.ziyouz.com kutubxonasi

босиб олар, Петро унинг этагидан астагина тортгандагина таққа тўхтаб қоларди; Григорий жимирлашган шамчироққа қараб, ўзини босиб келаётган мудроқ билан курашарди.

Поп Виссарион Григорийнинг кўзига мулойимгина тикилиб:

— Узукларингизни алмаштириб олинг,— деди.

Келин билан куёв узукларини алмаштирдилар. «Қачон тугайди?»— деб сўради Григорий кўзи билан имо қилиб, ёнидаги акасидан. Петро илжайиб, лабини қимирлатиб: «Оз қолди», дегандек бўлди. Сўнгра, Григорий хотинининг чучмал ҳўл лабларидан уч марта ўпди, ўчирилган шамларнинг қўланса иси черков ичини босиб кетди, одамлар эшикка тиқилишиб, вағир-вуғур қилиб, кўчага чиқа бошладилар.

Григорий Натальянинг беўхшов қадоқ қўлидан ушлаб черков олдига чиқди. Аллаким бошига фуражкасини бостириб кийгизиб қўйди. Жануб томондан илиқ шамол аралаш бурган ҳиди келарди. Даштдан шабада эсарди. Доннинг нари томонида чақмоқ чақар, ёмғир ҳиди келарди; оқ панжаралар орқасида турган отлар типирчилар, қўнғироқларининг майингина жингирлаган садоси оломон шовқинига қўшилиб кетар эди.

XXIII

Куёв билан келинни черковга олиб кетишгандан кейин Коршуновлар етиб келишди. Ўшангача Пантелей Прокофьевич бир неча бор дарвозага чиқиб кўчага қаради, бироқ, янтоқ босиб кетган бўз тупроқ йўлда одам боласи кўринмасди. Чол Дон томонга кўз ташлади. У ёқдаги тўқайзор сарғайиб, қамишлар тамакидай пишган, бошини кўтара олмай, Доннинг нари ёғидаги кўл ва қиёқ ўтлар устида бош эгиб турарди.

Эрта кузнинг оромбахш салқини кўкиш шом қоронғилигига қўшилиб бутун қишлоқни, Дон дарёсини, бўр тоғининг этакларини, Дон ортида қизариб товланган тўқайзорни, даштни чулғаб ёлган.. Катта кўчага бурилаверишдаги чорраҳада қўнқайган черков мезанасининг учи найзадай товланиб турарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пантелей Прокофьевичнинг қулоғига арава ғилдиракларининг эшитилар-эшитилмас шалдирагани, итлар вовиллагани эшитилди. Майдон томондан икки арава ўқдай учиб кўчага чиқди. Биринчи аравада болиш ўриндиқда Мирон Григорьевич билан Лукинична чайқалиб келишарди, рўпараларида янги мундир кийган, георгий орденларини ва медалларини тақиб олган Гришак бобо ўтирган эди. Аравани Митька ҳайдар, у олифтачасига ўтириб олган, йўлда чопавериб қутурган семиз, қора отларни янада қизитмаслик учун қамчисини остига қистириб қўйган эди. Иккинчи аравани ҳайдаган Михей ўзини орқага ташлаб, кучи борича тизгинини тортар, чопиб кетаётган отларни тўхтатиб, йўртдириб кетмоқчи бўларди. Михейнинг чўзиқ ва қошсиз башараси шолғомдай қизариб кетган, фуражкасининг букчайиб қолган соявони тагидан тўхтовсиз тер қуйиб турарди.

Пантелей Прокофьевич дарвозани ланг очди, аравалар бирин-кетин қўрага кирди.

Ильинична ғоз сингари талтайиб зинапоядан тушди ва ерда йиғилиб қолган ахлатларни этаги билан супуриб қудалар қошига етиб борди.

— Марҳамат, қилинглар, азиз қудажонлар! Бизнинг кулбамизга қадам ранжида қилингиз!— деди-да, барваста қоматини букиб таъзим қилди.

Пантелей Прокофьевич бошини ёнига қийшайтириб, қўлларини кериб қўйиб:

— Қадамларингизга хасанот, қудажонлар! Қани, кирсинлар!— деди. У отларни аравадан чиқаришга буюрди-да, қудасининг ёнига борди.

Мирон Григорьевич чалварига ўтирган чангни кафти билан қоқиб ташлади. Қудалар кўришиб, зинадан чиқа бошладилар. Аравaнинг бунчалик қаттиқ ҳайдалганидан беҳол бўлган Гришак бобо орқароқда қолди.

— Марҳамат қилинглар, қудажонлар, киринглар!— деб қистарди уни Ильинична.

— Ҳечқиси йўқ, ташвишланмасинлар... кирамиз.

— Сизни роса кутдик, кира қолинг. Ҳозир, қуданинг мундирини тозалаш учун супурги бераман. Чанг-тўзондан нафас олиб бўлмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Рост гап, қурғоқчилик... шу туфайли чанг кўп! Кўп овора бўлманг, қудабуви, мен бирпасга... — Гришак бобо фаҳми калта Ильиничнага таъзим қилиб, орқаси билан тисарила-тисарила бостирма тагига етиб борди-да, бўялган шамол машинанинг панасига ўтди.

Пантелей Прокофьевич зинапояда Ильиничнага йўлиқиб:

— Чолга мунча тирғиласан, аҳмоқ?— деб сўка кетди.— Чол бечораники қистаб зўрға турса, бу тавия... туфей, тавба, фаросат бўлмаса қийин-да!..

— Мен қаёқдан билай?— деб хижолат бўлди Ильинична.

— Билишинг керак. Ҳа, майли. Бор, қудабувини уйга олиб кир!

Ясалган дастурхон устида ширакайф меҳмонлар чулдураб ўтиришар эди. Қудаларни меҳмонхонага олиб кириб, стол ёнига ўтиргизишди. Сал ўтмай ёшлар черковдан қайтиб келди. Пантелей Прокофьевич чирпит шишадан ароқ қуяр экан, кўзи ёшланиб кетди.

— Қани, қудалар, болаларимиз учун кўтарайлик. Улар ҳам бизлар сингари тотув бўлиб, қўша қаришсин... Иккиси ҳам дард кўрмасин, бахтини топсин, увалик-жувалик бўлишсин...

Гришак бобо бақалоқ рюмкани тўлғазиб, ярмини кўкиш соқол-мўйлов қоплаб олган оғзига, ярмини мундирининг қотирма ёқасига қуйиб юборди. Рюмкаларни уриштиришиб ичишди. Уриштирмай ҳам ичишди. Ғовур-ғувур ярмаркадагидан қолишмасди. Столнинг энг чеккасида ўтирган Коршуновларнинг узоқ қариндоши бўлган, илгари атаман полкида хизмат этган Никифор Коловейдин қоқшол қўлини кўтариб:

— Горька![1]— деб бақирди.

— Го-о-рь-ко-а!...— деб стол ёнида ўтирганлар унга қўшилди.

---

[1] *Горько* — аччиқ демак. Тўйда винони қўлга олиб: «горько!.. деб қичқирадилар, куёв билан қаллиқ ўпишиб, винони ширин қилиб берсин деб сўрайдилар. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Оҳ, горька!....— деб бақиришди ошхонага лиқ тўлган одамлар.

Григорий пешонасини буриштириб, хотинининг чучмал лабларидан ўпар, кўз олайтириб ёни-верига қараб қўярди.

Қип-қизариб кетган башаралар, мастликдан сузилиб қолган уятсиз кўзлар, ҳаёсиз илжайишлар... Чалпчулп этиб кавшаган, гул тиккан дастурхонларга сўлакларини оқизган оғизлар... Хуллас, тўй-томоша...

Никифор Коловейдин кемшук оғзини очиб, қўлини кўтарар ва:

— Горька!— деб бақирарди. Ҳаво ранг атаманча мундирнинг енгига уч қатор жияк тикилган, бу — аскарликда муддатидан узоқ хизмат қилганлигининг нишони эди.

— Го-о-рь-ка!..

Григорий Коловейдиннинг ўпирилган даҳанига нафратланиб қарар эди. Чол ҳар гал «горько» деб бақирганда, кемшук тишлари орасидан қип-қизил тили тарнов сингари чиқиб турарди.

Петро ароқда ивиган мўйловининг учларини қимирлатиб, шивирлаб:

— Ўпишинглар ахир, вой ношудлар-э...— дер эди.

Лоладай қизарган ширакайф Дарья ошхонада ашула бошлади. Ёнидагилар жўр бўлишди. Ашулага меҳмонхонадагилар ҳам қўшилди.

Ана кўприк, ана сув,
Ўтадиган жойи шу..

Овозлар бир-бирига аралашиб кетди. Христонянинг овози ойналарни зириллатиб, ҳамманинг товушини босиб кетди.

Бизга ароқ тутиб кўр,
Ичишимизни шунда кўр...

Ётоқхонадаги хотин-халаж бараварига:

Мен созимдан, овозимдан,
Овозимдан айрилдим.

деб чийиллар эди.

Аллақандай бир чолнинг, бочка темирига ухшаш дириллаган овози хотинлар жонига оро кирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Созингдан, ҳей, овозингдан, ҳей,
Овозгинангдан айрилдинг.
Юришларинг боғма-боғ,
Еганинг аччиқ ёнғоқ.

— Ўйнаб қолинг, яхшилар!..

— Қўй гўштидан еб кўр.

— Қўлингни олсанг-чи, эрим қараб турибди.

— Горь-ка-а-а!

— Куёв жўранинг шилқимлигини қара, янга билан ўйнашяпти-я.

— Йўқ, йў-ў-ўқ, сен бизни қўй гўшти билан сийлама... Балки, мен стерлядь ерман... Еявераман. Ўзиям ё-ёғ-лик экан.

— Прошка оғайни, қани... жиловбардорлар учун бир уриштирайлик.

— Тилимнинг остини ловиллатиб юборди-ку...

— Семен Гордеевич!

— Ҳа?

- Семен Гордеевич!

— Тур, йўқол-э!

Ошхона поли дукурлаб, лопиллай бошлади, пошналар тапир-тупур ер тепинди, столдан стакан тушиб кетди, унинг жаранглаган овози ғовур-ғувур ичида эшитилмай қолди. Григорий стол атрофида ўтирганларнинг тепасидан ошхона томонга қаради: хотинлар қий-чув кўтариб, айланиб ўйинга тушган эдилар. Уларнинг дўппайган сэмиз беллари билтанглар эди (ориғи йўқ, чунки, ҳаммаси беш-олтитадан юбка кийиб келган эди), четига тўр тутган дастрўмолларини ўйнатишар, билакларини ликиллатишарди.

Уч қатор тугма пардалик гармонь садоси қулоқларда жаранглади, гармончи бас пардаларига рез бериб, казачок рақсини чалди.

— Ўртани оч! Давра қуринглар!

— Сал сурилинг, меҳмон опалар!— деб Петро хотинларнинг рақс тушавериб терлаган қорнига туртиб, жой бўшатарди.

Григорийга энди жон кирди, у Натальяга кўз қисиб:

— Петро ҳозир казачокни қийиб юборади, қараб тур,— деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ким билан тушмоқчи?

— Кўрмаяпсанми? Сенинг онанг билан.

Лукинична қўлларини биқинига тиради, рўмолчаси чап қўлида эди.

— Қани, туш, йўқса ўзим бошлаб юбораман!..

Петро майда рез билан унинг олдига борди ва усталик билан тизаларини букиб чўққайди-да, яна ўз жойига қайтди. Лукинична, худди кўлмак сув устидан ҳатлаб ўтмоқчидай, этагини йиғиб олди-да, оёқларининг учлари билан тез-тез босиб, офарин садолари остида эркакчасига оёқ ташлаб ўйинга тушиб кетди.

Гармончи пастки пардаларни, энг майда рез билан чалганда Петро жойида туролмай, «уҳ» деб, тиз букиб, чўккалаб ўйнаб кетди, у мўйловининг учини тишлаб олган, этигининг қўнжига кафти билан шапатилар, оёқлари кўз илғамайдиган даражада пириллаб ўйнар эди; терга пишган кокили оёғига монанд силкинмай, пешонасида у ёқдан-бу ёққа ташланарди.

Эшик олдига уюлишган одамлар Петрони тўсиб олганидан Григорий акасини кўра олмас эди. У фақат, нағал пошналарнинг тапир-тупурини, ҳайбаракаллачи меҳмонларнинг маст-аласт қийқириғини эшитарди, холос.

Пировардида Мирон Григорьевич Ильинична билан бирга рақсга тушди, сипогарчиликни қўлдан бермай, жиддийлик билан ўйин қилди, у ҳар бир ишни шундай пухта бажарар эди.

Пантелей Прокофьевич табуретка устида туриб, чўлоқ оёғини ликиллатар, томоғини тақиллатарди. Оёғи ўрнига лаблари ва исирғаси ўйин тушарди.

Энг эпчил рақкослар ҳам, оёғини эплаб бука олмаган ношудлар ҳам казачок ўйинига тушиб, хумордан чиқишди.

Ҳаммалари бараварига қичқиришарди:

— Бўш келма!

— Майдароқ ол! Қойил!

— Оёғи енгилу, қуйруғи оғирлик қиляпти.

— Ташлаб қол!

— Бизнинг қишлоқ енгадиган бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шарбатдан қуй, кўнглим ғалати бўлиб кетяпти.

— Ичим ўртар демадинг, аблаҳ. Тур, ўйна, йўқса, бутилка билан солиб қоламан

Маст-аласт Гришак бобо ёнидаги суяги бузуқ кишини қучоқлаб олиб, қулоғига чивин сингари ғинғилларди:

— Қайси йили қасам ичгансиз?[1]

Унинг ёнидаги киши, кекса эман дарахтига ўхшаш тўнкадай бир чол эди; у қўлини силтаб, дўнғилларди:

— Ўттиз тўққизинчи йили, болам.

— Қайси йили? А?— Гришак бобо ажин босган қулоғини тутиб, эшитмоқчи бўларди.

— Ўттиз тўққизинчи, деяпман сенга.

— Ўзингиз ким бўласиз? Аслингиз кимлардан?

— Бакланов полкининг вахмистри Максим Богатиревман. Қишлоқда туғилганман.... Қизил Жар қишлоғида.

— Мелеховларга қариндошмисиз?

— Нима?

— Қариндошмисиз, дейман?

— Ҳа, бобоси бўламан.

— Бакланов полкидан-а?

Чол хира кўзларини тикиб Гришак бобога боқар, чайнай олмаган луқмасини милклари орасида нарибери думалатиб, бош ирғаб, «ҳа» дегандай қиларди.

— Бундан чиқди, Кавказ кампаниясида қатнашган экансиз-да?

— Раҳматлик Бакланов билан бирга хизмат қилганман, жойи жаннатда бўлсин. Кавказни олганмиз... Бизнинг полкимизга унча-мунча казакни олвермас эдилар.... Гвардиячилардай бўйдор, лекин сал-пал энкайган, қўллари узун-узун, яғрини кенг бўлганларнигина олишарди, уларнинг ҳар кифтига эндиги казакдан иккитаси жойланади. Илгариги одамлар шунақа бўларди, болам... Раҳматлик генерал жаноби олийлари бир куни Челенжи овулида мени қамчи билан савалатганлар...

— Мен Туркия кампаниясида бўлганман... А?— Ҳа, бўлганман ..— Гришак бобо қоқ суяк кўкрагини

---

[1] Қайси йили аскарликка олинган эдинг демоқчи. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

кериб, георгий орден ва медалларини шилдиратиб қўйди.

— Ўша овулни биз тонг маҳалида ишғол қилдик, туш пайтида трубачи тўсатдан тревога чалиб қолди...

— Биз ҳам оқ подшонинг хизматини ўтаганмиз. Рошич шаҳрининг ёнида бир жанг бўлди, ўшанда бизнинг ўн иккинчи Дон казаклар полки туркларнинг яничарлари билан жанг қилди...

Баклановчи чол Гришак бобога қулоқ солмай, гапида давом этади:

— Трубачи тревога чалиб қолса бўладими...

— Уларнинг яничари бизнинг атаманликларга ўхшаш, ҳа, шундоғ...— Гришак бобо қизишади, жаҳли чиқиб қўлини силкитади.— Улар доим ўз подшоларининг хизматида турар экан, лекин ҳаммасининг бошида каттакон оқ қоп. Лаббай? Бошларига оппоқ қоп ўраб олишган.

— Мен полкдошимга: «Ҳой Тимоша, чекинадиганга ўхшаймиз, девордаги анови гиламни ўмариб қол, бўктармага боғлаб олиб кетамиз...» дедим.

— Иккита георгийим бор! Жангда ботирлик қилганим учун мукофотланганман!.. Турк майорини тириклайин тутиб келтирганман...

Гришак бобо йиғламоқдан бери бўлиб баклановчи чолнинг айиқникидай кифтига мушти билан уради; лекин у бир тўғрам товуқ гўштини хрен ўрнига адашиб ölча киселга ботиради, угра тўкилган дастурхонга ожиз кўзларини тикади, ўпирилган тишсиз оғзидан гапи тушиб кетай дейди.

— Ана, болам, шайтон кишини шунақа васваса қилади...— Чолнинг нурсиз кўзлари оппоқ дастурхоннинг ғижимларига шу қадар қаттиқ тикиладики, у, ароқ ва угра тўкилган дастурхонни эмас, гўё қорли Кавказ тоғларининг чўққиларини кўраётгандай бўлади.— Ўшангача мен бировнинг молига қўл узатган эмасдим... Черкас овулларини ишғол қилганимизда ҳам, тоғ ораларида якка-ёлғиз уйларни кўрганимизда ҳам, мен бирортасига кўз олайтирган эмасман... Бировнинг мулкига қўл чўзиш — шайтондан... Нима бўлди-ю... кўзимга ўша пат гилам яхши кўриниб кетибди... Отимга гажим топилди деб суюндим...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Оламда биз кўрмаган ажойибот-ғаройиботлар қолмади. Денгизнинг нари ёғидаги юртларда ҳам бўлдик.— Гришак бобо чолнинг кўзларига тикилиб қарамоқчи бўлади, лекин кўзининг атрофини тук босиб чакалакка айланиб кетган оппоқ қош ва соқол мўйлари ажриқдай чирмашиб кўзини тўсиб қолган; Гришак бобо унинг кўзини кўра олмайди, тикандай ҳурпайган жун кўринади, холос.

Гришак бобо қувлик ишлатмоқчи бўлади; у чолнинг диққатини ўзига жалб этиш учун ҳикояни чўзиб ўтирмай, шартта ўртасидан — энг қизиқ жойидан бошлайди.

— Бирданига ясовул Терсинцев: «Взводлар саф-саф бўлиб, от қўйинг, арш-арш!» деб команда берди.

Баклановчи чол карнай садосини эшитган арғумоқ сингари, бошини ғоз кўтаради; пайдор муштини столга қўйиб:

— Баклановчилар, қиличлар қиндан суғурилсин, найзалар жангга ҳозирлансин!..— деб шивирлайди. Сўнгра, бирданига овози кучаяди, хира кўзлари чақнаб, қариликдан сўнган ўти яна алангаланади.— Азамат баклановчилар!..— деб бўкиради у сап-сариқ тишсиз милкларини кўрсатиб.— Ҳужумга... марш-марш!..

Шуни деб Гришак бобога, маънодор ва ёшлар сингари дадил назар ташлайди, иягига оқиб тушиб, ғашини келтирган кўз ёшларини, чакмонининг кир енги билан артмайди ҳам.

Гришак бобо ҳам қизиша бошлайди:

— Бизга шундай команда берди-ю, қиличини силкитиб юборди. Отларни ҳайдадик, яничарлар худди мана шундай саф тортиб туришган эди,— бармоғи билан дастурхонда эгри-бугри тўрт бурчак шаклини чизади,— бизни ўққа тутишди. Биз икки марта ҳамла қилдик — икки марта даф қилишди. Қўққисдан ён томондаги дарахтзор орасида уларнинг отлиқлари пайдо бўлди денг. Юзбошимиз команда берди. Бизлар дарҳол ўнг қанотни буриб, сафни ўзгартириб олдик-да, уларга човут солдик. Бир ҳамлада янчиб ташладик. Қазакларга бардош берадиган отлиқ аскар қайда? Булар ҳам шу-да. Ўрмонга қараб бир қочиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилишди, додлашади... Қарасам, рўпарамда тўриқ от минган бир офицери қочиб кетяпти. Ўзиям келишган офицер экан, қоп-қора мўйловлари осилган. Орқасига бурилиб, ҳадеб менга қарайди, тўппончасини қинидан олмоқчи бўлади. Тўппонча қини эгарга қўшиб тикилган экан... Ўқ узди-ю, лекин тегиза олмади. Мен бўлсам устига от қўйиб етиб бордим. Қилич билан чопиб ташламоқчи бўлдим-у, бироқ ўйланиб қолдим. У ҳам бир инсон-ку. Ўнг қўлим билан белидан ушлаб, эгаридан шартта кўтариб олдим. Қўлимни тишлаб ташлади, барибир, қутула олмади — тириклайин тутиб келтирдим.

Гришак бобо мағрурланиб чолга қаради: лекин у, каттакон бесўнақай бошини кўксига осилтириб, ғовур-ғувур таъсиридан ухлаб қолган, бемалол хуррак отар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИККИНЧИ ҚИСМ

I

Сергей Платонович Моховнинг насл-насаби олисдан бошланади.

Пётр I ҳукмдорлик қилган йиллари, кунлардан бир кун, қоқ нон ва ўқ-дори ортган подшолик кемаси Дон дарёси бўйлаб Азов томонга кетаётган экан. Доннинг йўқорисида «қароқчи» деб номи кетган Чигонаки шаҳрининг казаклари, худди Хопер дарёсининг қуйилишига яқин жойда, кечаси кемани босишади, ухлаб ётган соқчиларини ўлдириб, қоқ нон билан ўқдориларни талон қилишади, кемани ботиришади.

Подшонинг буйруғи билан Воронеждан аскар келади, «қароқчи» Чигонаки шаҳрига ўт қўяди, кемага босқинчилик қилишда аралашган казакларни жангда тормор қилишади, солга дор қуриб, асир олинган ясовул Якирка билан қирқ казакни осишади-да, дарёнинг паст томонларидаги ғалаён кўтарган станицаларга ибрат бўлсин учун, солларни оқизиб юборишади.

Орадан қарийб ўн йил ўтгач, қадимги Чигонаки станицасининг ўрнига келгинди казаклар ва ўша нотинч вақтда омон қолган одамлар келиб ўрнашади. Станица яна қайтадан обод бўлиб, тевараги қўрғон билан ўралади. Ўша кезларда Мохов Никишка деган мужик ҳам Воронеж ёрлиғи билан бу ерга кўчиб келади; у подшонинг кўз-қулоғи, даракчиси эди. Мохов казакларга қўл келадиган ҳар хил буюмларни: пичоқ даста, тамаки, чақмоқ тош сингари балойи-бадтарни сотиб юрар эди; ўғирлик молларни олиб пуллар, мол олиб келиш баҳонаси билан йилига икки марта Воронежга қатнар, лекин ҳақиқатда эса, ста-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ницада ҳозирча аҳвол тинч, казаклар яна бош кўтариш ниятида эмас, деган мазмунда маълумот бериб келиш учун борар эди.

Ана ўша Мохов Никишкадан ҳозирги савдогар Моховлар авлоди тарқалди. Булар казаклар юртида мустаҳкам ўрнашиб олган эдилар. Шу авлод уваликжувалик бўлиб, станицада ажриқ сингари томир отиб кетди: юлган билан тугамасди. Воронеж ҳокими қўзголончи станицага Моховларнинг бобо калонини юбораёганда берган ёрлиқ титилиб кетган бўлса ҳам, уйи кўз қорачиғларидай асрашарди. Агар Сергей Платоновичнинг бобоси замонида уйларига ўт тушиб, иконалар ёнидаги ёғоч қутичада турган бу ёрлиқ ёниб кетмаганда, балки, ҳозиргача ҳам сақланган бўлармиди! Бобоси хонавайрон бўлди, топган-тутганини батамом картага ютқизиб, эндигина ўнгланиб келаётганда, ёнғин уни яна хонавайрон қилди. Сергей Платонович рўзғорни қайтадан тиклашга киришди. Фалаж касалига мубтало бўлган отасини кўмгандан кейин, бир сўмгина йиртиқ пулни дастмоя қилиб ишга киришди. Қишлоқма-қишлоқ юриб, қил ва пар харид қила бошлади. Беш йилгача қаттиқчилик тортди, атрофдаги казакларни алдаб, ҳар бир тийинига тирриқлик қилиб юриб, Серёжка-девона бирданига Сергей Платонович бўлиб қолди, станицада атторлик дўкони очди, овсар бир попнинг қизига уйланиб, қайнатасидан анчагина сеп пули ўмарди, газмол магазини очди. Сергей Платонович айни вақтини топиб, газламафурушликка киришган эди. Доннинг чап қирғоғида ерлари тошлоқ, қумлоқ бўлган унумсиз станицалардаги казаклар қўшин маҳкамасининг буйруғига мувофиқ дарёнинг ўнг томонига қишлоқ-қишлоқ бўлиб кўчиб ўта бошлади. Сал орада ёшгина Краснокутская станицаси барпо топиб, тезда обод бўлди; собиқ помешчик ерлари чегарасида Чир, Чёрная, Фроловка ирмоқларининг бўйларида, дара ва жарлар атрофида, украинлар слободаси билан ёнма-ён янги-янги қишлоқлар пайдо бўлди. Илгари казаклар мол сотиб оладиган бўлишса, эллик-олтмиш чақирим йўл босишарди, энди магазин олдиларида — янги қарағай тахтадан қилинган токчаларга ранг-баранг

www.ziyouz.com kutubxonasi

газмоллар уюб ташланган. Сергей Платонович ишни катта қилиб юборди, газламадан ташқари деҳқонлар рўзғорида зарур бўлган нарсаларни: чарм буюмлар, туз, керосин, атторлик моллари келтириб сота бошлади. Сўнгги вақтларда хўторга, ҳатто қишлоқ хўжалик машиналарини ҳам етказиб бериб турди. Ёз кезлари салқин кўк панжарали дўкон олдида, Оқсой заводидан чиққан ўроқ машиналари, сеялкалар, плуглар, шамол машина, пичан ўрадиган машиналар қатор тизилиб турарди. Бировнинг ҳамёнидаги пулнинг қанчалигини билиш қийин, лекин уддабурон Сергей Платоновичга бу савдо-сотиқдан катта фойда тушаётгани маълум эди. Уч йил деганда у ғалла сотиб олиш пункти очди ва биринчи хотини ўлгандан бир йил ўтгач, буғ тегирмон қуришга киришди.

У бутун Татарск қишлоғини ва теварак-атрофдаги қишлоқларни йилтироқ сийрак қора жун ўсган қўлига киргизиб олган эди. Ўроқ машина ёки қизига кийим-кечак ва бошқа нарсалар олганлиги учун Моховга тўқ-сариқ ҳошияли кўк қоғоз — вексель бермаган биронта ўй қолмади (қизни узатадиган вақти келганда Парамоновск харид пункти буғдой нархини пасайтириб юборади,— шунда «Қарз бериб туринг, Платонич», деб унинг олдига бормай илож йўқ). Моховнинг тегирмонида тўққизта ишчи, магазинда еттита гумашта, уйида тўртта малай — ҳаммаси бўлиб йигирма жон ишлайди, ҳаммаси ҳам бойга қарам — берса ейди, урса ўлади. Биринчи хотинидан икки бола: қизи Лиза билан ўғли Владимир қолган; ўғли опасидан икки яшар кичик, шалвиллаган, ширинча касалига мубтало бола. Иккинчи хотини—қирра бурун, қотмадан келган Анна Ивановна бола туғмади. Сергей Платоновичга ёши ўттиз тўртдан ошиб теккан, оналик муҳаббати нима эканини билмаган бу хотин бутун заҳрини икки етимчага сочарди. Ўгай онанинг бадфеъллиги болалар тарбиясига ёмон таъсир этарди. Отаси эса ўз болаларига тузукроқ эътибор бермас — ошпаз хотин билан отбоқар Никитага қандай қараса, ўз болаларига ҳам шундай қарар эди. Бутун вақти иш билан, югур-югур билан банд: гоҳ Москвага, гоҳ Нижнийга, гоҳ Урюпинскаяга, гоҳ ста-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ница ярмаркаларига кетиб қолар эди. Опа-ука қаровсиз ўсди. Бефаҳм Анна Ивановна болаларнинг юрак сирларини билгуси ҳам келмас, катта рўзғор ишидан қўли ҳам тегмас эди, шунинг учун опа-ука бир-бирига бемеҳр ўсди, уларнинг феъли бир-бириникига ва ота-онасиникига ўхшамас эди. Владимир одам ёқтирмас, лапашанг, ер остидан қарайдиган ва катталардек жиддий бола. Лиза эса, доим оқсоч билан ва кўпни кўрган бузуқи ошпаз хотин билан ҳамсуҳбат бўлиб, ёшлигиданоқ турмушнинг авра-астарига ақли етадиган бўлиб қолди. Хотинлар унда номатлуб ҳисларнинг барвақт уйоғинишига сабаб бўлишди, натижада, ҳали кўзи очилмаган, қаровсиз ташлаб қўйилган уятчан ва ёшгина бу қизча — ўрмондаги ёввойи дўлана сингари ўз бошига ўсаверди.

Йиллар имиллаб ўтиб борарди.

Лекин, қарилар кексайиб тўзади, ёшлар яшнаб ўсади, деган гап бор.

Бир куни кечқурун чой маҳалида Сергей Платонович қизига қараб, анқайганча қотиб қолди (Лиза ўша кезларда гимназияни битирган ва кўзга яқин бўлиб етилган эди); қаради-ю, унинг каҳрабодек аччиқ чой тўла ликобчани ушлаган қўли қалтираб кетди: «Раҳматлик онасига ўхшайди. Худоё тавба, худди ўзгинаси-я!»— Лиза, қани, бундай бурилгин-чи!— Ота ўз қизининг болалик чоғидаёқ худди онасига ўхшашлигини сезмай, ғафлатда қолган эди.

...Гимназиянинг бешинчи класс ўқувчиси, касалмандликдан сарғайиб кетган ингичка ўспирин бола Владимир Мохов, тегирмон ҳовлисида айланиб юрар эди. Опаси билан иккови яқинда каникулга келган эдилар; Владимир эски одати бўйича, тегирмонни борриб кўргуси, оппоқ ун гардига беланган одамлар орасида туртиниб юргуси, машина валец ва шестерналарининг бир меёрда гулдирашини, қайишларининг визиллашини эшитгуси келиб, уйдан чиққан эди. Тегирмон тортгани келган казакларнинг:

— Хўжайиннинг меросхўри...— деб шивирлашганини эшитса, яйраб кетар эди.

Владимир ҳовлида уюлиб ётган ҳўкиз тезаклари ва аравалар орасидан эҳтиёт билан ўтди-да, дарвоза

www.ziyouz.com kutubxonasi

томон юрди, бироқ машинахонани бориб кўрмагани эсига тушиб, яна орқасига қайтди.

Машинахонага кираверишдаги эшик олдида турган қизил нефть цистернасининг ёнида вальцовкачи Тимофей, Валет лақабли тарозибон ҳамда вальцовкачининг ёрдамчиси Давидка деган тишлари оппоққина йигитча,— почаларини тизагача шимариб, бирталай лойни пишита ётган эдилар.

— Ҳа-аа, хўжайин!...— истеҳзоли кулиб, у билан саломлашди Валет.

— Ҳорманглар!

— Бор бўлинг, Владимир Сергеевич!

— Нима қиляпсиз?

Давидка гўнг ҳиди бурқсаган елимдай қуюқ лойдан оёғини зўрға суғуриб олиб:

— Лой қоряпмиз,— деб заҳарханда қилди.— Даданг бир сўлкавойнинг устида ўлади — мардикор сола қолса-ку бўлади, бизни ишлатгани ишлатган. Даданг ўлгудек зиқна,— деб чапиллатиб, лойдан бир оёғини зўрға тортиб, иккинчисини босди.

Владимир қизариб кетди. У, ҳамиша кулиб турувчи шу Давидкадан, унинг менсимай гапиришидан, ҳатто оппоқ тишларидан ҳам нафратланарди.

— Нега зиқна дейсан?

— Дейман-да. Ўлгудай қурумсоқ. Шундай. Ахлатини ейишдан ҳам қайтмайди,— деб пўскалласини айтди-қўйди Давидка кулиб.

Валет билан Тимофей унинг сўзини маъқуллаб кулишди. Владимирга бу гап ханжардай санчилган эди. У Давидкага хўмрайиб қаради.

— Бундан чиқди, сен... норозимисан?

— Сен ҳам тушиб, лой тепиб кўргин, ўшанда биласан. Қайси аҳмоқ рози бўлади? Даданг ўзи қорнини селкиллатиб лой тепса бўларди!

Давидка оёқларини баланд кўтариб, гир айланиб юриб лой тепар ва хандон ташлаб беғараз кулар эди. Владимир унинг адабини бериш тўғрисида ўйлар ва бундан завқланарди. Дарров жавоб ҳам топила қолди.

— Яхши,— деди у дона-дона қилиб,— Давидка хизматдан норози экан, деб дадамга айтиб қўяман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У Давидкага кўз қири билан қаради, гапи қандай таъсир қилганини пайқаб ҳайрон қолди: Давидканинг лаблари бурилиб, зўрма-зўраки жилмаяр, шерикларининг қовоғи осилиб кетганди. Учови ҳам бирпас чурқ этмай, қуюқ лойни тепавердилар. Ниҳоят, Давидка лой оёқларига тикилган кўзларини кўтариб, жаҳл аралаш хушомадгўйлик қилишга ўтди:

— Мен ҳазиллашдим, Володя... Ҳазиллашиб айтдим, ахир...

— Айтган гапингни дадамга етказаман.

Владимир ҳам ўзи учун, ҳам отаси учун хафа бўлганини, Давидканинг аянчли кулишини кўриб кўзига ёш келганини пайқади, цистерна ёнидан ўтиб кетди.

— Володя!.. Владимир Сергеевич!..— деб қўрқув аралаш чақирди Давидка ва лойдан чиқиб, тизагача булғанган оёқларига шимининг почасини тушириб юборди.

Владимир тўхтади. Давидка халлослаб унинг олдига етиб борди.

— Дадангизга айтманг. Ҳазиллашувдим... Мен аҳмоқни кечиринг, энди... Худо урсин, беғараз гапирдим!.. Анчайин ҳазил...

— Хўп. Айтмайман!..— деди қовоғини солиб Владимир ва эшик томонга қараб юрди.

Давидкага нисбатан рахмдиллиги устун чиқди, бир оз енгил тортиб, қозиқлар ёнидан ўтиб кетди. Тегирмон қўрасининг бир бурчагига жойлашган темирчилик устахонасидан болғаларнинг тарақ-туруқи эшитиларди: болға бир марта «гуп» этиб темир устига тушса, икки марта жаранглаб сандон устига тушиб сакраб кетарди. Владимир сал нарироққа боргандан кейин Валетнинг:

— Нега тирғиласан?— деган бўғиқ овозини эшитди.— Сен тегмасанг, у ҳам сасимасди.

«Вой аблаҳ-эй,— деб ғазабланди Владимир,— тилини тиёлмайди-я... Айтсаммикан ё айтмасаммикан?»

Кетига қараб бурилган эди, яна боягидай оппоқ тишларини кўрсатиб кулиб турган Давидкага кўзи тушди-да: «Айтаман!» деган қатъий қарорга келди.

Майдонда, магазин олдидаги сим ёғочга аравага қўшиғлик от боғланиб қўйилган эди. Ўт ўчириш ас-

www.ziyouz.com kutubxonasi

боблари турган бостирманинг томида болалар чирқиллашган гала-гала чумчуқларни ҳайдашарди. Айвон томондан студент Бояришкиннинг ширали товуши ва яна аллақандай хириллаган хастароқ овоз эшитиларди.

Владимир зинапояга қадам қўйди, зинапоя ва пешайвонга чирмашиб ётган аймоқи ток барглари боши устида тебраниб кетди; пешайвон томининг ўймакор пирамонидан кўм-кўк ток новдалари осилиб тушган эди.

Бояришкин сочи қириб олинган гунафша ранг бошини қимирлатиб ёнида ўтирган, лекин ўзи ёш бўлса ҳам соқол қўйган муаллим Баландага гап уқтирарди:

— Мен ўзим деҳқон-казакнинг ўғли бўлганим, учун бойлар синфига нисбатан адоватим табиий, кучли бўлишига қарамай, ўша китобни ўқиганимда кўнглим юмшаб, ўлиб бораётган табақаларга жуда раҳмим келиб кетди. Гўё ўзим ҳам ўша дворян ва помешчиклар сафига кириб қолгандай бўлдим, уларнинг хотинлар тўғрисидаги идеаллари завқимни келтирди, мен уларнинг манфаатлари учун қайғурдим — қисқаси, менга нима бўлганини ўзим ҳам билмайман. Мана, азизим, гений деган нарса шунақа бўлади. Киши динидан қайтиши ҳеч гап эмас.

Баланда ипак бел тасмасининг шокиласини мижиғлар ва истеҳзо билан илжайиб, кўйлагининг этагидаги қизил ироқи гул нақшларни томоша қиларди. Лиза креслода талтайиб ўтирар, афтидан, суҳбат уни ҳеч қизиқтирмаганга ўхшар эди. У ҳар вақтдагидай, бир нима қидирган одам сингари аланглай берар, Бояришкиннинг тирналган кўкиш бошига қарабқараб қўярди.

Владимир уларга таъзим қилиб, ёнларидан ўтиб кетди ва бориб отасининг кабинетини тиқиллатди. Сергей Платонович муздаккина чарм кушетка устида «Русское богатство» журналининг июнь сонини варақлаб ётар эди. Сарғайиб кетган суяк пичоқ полда ётарди.

— Нима гап?

Владимир бўйнини қисиб, ўзини йўқотиб қўйиб, кўйлагини тузатди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен тегирмондан келаётувдим...— деб бошлади у бўшашиброқ, лекин Давидканинг масхараомуз кулгиси эсига тушди-да, отасининг жужун нимчасини таранг қилиб тортиб турган думалоқ қорнига тикилиб туриб, дадилланиб гапирди,—...Давидканинг гапини эшитдим...

Сергей Платонович унинг гапларига диққат билан қулоқ солиб:

— Ишдан ҳайдаймиз. Бор,— деди ва инқиллаб. ердаги пичоқни олиш учун энгашди.

Кечқурунлари Сергей Платоновичникига қишлоқ зиёлилари йиғилишарди: бири — Москва техника мактабининг студенти Бояришкин, иккинчиси — ўлгудай манманликка кетган нимжон ва сил муаллим Баланда, унинг ўйнаши, ички кўйлагини доим уялмай кўрсатиб юрадиган ва қаримайдиган дум-дамалоқ қари қиз — муаллима Марфа Герасимовна, ниҳоят, учинчиси усти бошидан сурғуч билан арзон атир ҳиди анқиб турадиган бўйдоқ, овсарнамо почта мудири эди. Аҳён-аҳёнда, помешчик ва дворянин Листницкийнинг ўғли — юзбоши Евгений ҳам меҳмон бўлар эди. Шу кунларда у отасиникига келган эди. Кечқурунлари булар айвонда чой ичишар, мазасиз-матрасиз гапларни гапиришиб ўтиришар, агар гап қовушмай қолса, хўжайиннинг қиммат баҳо сернақш граммофонини қўйиб эшитишарди.

Сергей Платонович аҳён-аҳёнда бир марта, ном чиқариш учун катта байрам кунлари зиёфат беришни яхши кўрарди: меҳмон чақириб, шу зиёфат учун Батайскдан олдирилган қиммат баҳо виноларни, осетр икрасини тўкиб ташларди. Лекин бошқа вақтларда пулни авайлаб сарфлар, фақат китоб учун пул аямас эди. Ўлгудай тиришқоқ одам бўлган Сергей Платонович китоб ўқишни, ўткир ақлини ишлатиб, ҳар бир нарсани ўзи тушуниб олишни яхши кўрар эди.

Моховнинг шериги — чўққи соқол, ўғри кўз, малла ранг Емельян Константинович Атепин бўлса, уникига камдан кам келарди. Усть-Медведицкийлик монах қизга уйланган, ўн беш йил орасида ундан саккиз бола кўрган бу одам кўпинча остона ҳатлаб уйидан кўчага чиқмас эди. Илгари у полк мирзаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб, зўрға одам қаторига кирган, лекин полкда лаганбардорлик, хушомадгўйлик каби ярамас одатларини ортдирган эди. Унинг ҳузурида болалари оёқ учи билан юришар, шивирлашиб гаплашар эди. Улар ҳар куни эрталаб ювиниб бўлгандан кейин, емакхонага, тобутга ўхшаш осма соат тагига тизилишар, оналари орқароқда турарди, ётоқ бўлмаси томондан оталарининг «ўҳў» деган қуруқ йўталини эшитар-эшитмас, хилма-хил овоз билан: «Худоё, ўз паноҳингда асра», сўнгра «э, бор худоё» дуоларини пойма-пой чувиллашиб ўқий бошлар эдилар.

Ибодат тугашга яқинлашганда Емельян Константинович ҳам кийиниб бўлар ва кўк кўзларини қисиб, енгсиз қўлини архирейчасига чўзиб чиқиб келарди. Болалари бирин-кетин келиб, қўлини ўпишарди. Емельян Константинович хотинининг чаккасидан ўпар ва «ч» ҳарфини тўғри айтолмай:

— Полицка, цой дамладингми?— деб сўрарди.

— Дамладим, Емельян Константинович.

— Аццифроқ қилиб цой қуйиб бер.

Магазиннинг ҳисоб-китобини Атепин олиб борар эди. Дафтар саҳифаларига йўғон ҳарфлар билан чиройли қилиб, «Дебет», «Кредит» деб сарлавҳа қўярди. Ўқигани «Биржа ведомостлари» газетаси эди, холос; керак бўлмаса ҳам, олтин гардишлик пенснэни сўғалдор бурнига қистириб оларди. Хизматчилар билан хушмуомала эди.

— Иван Петровиц, мана бу одамга таврица'н цитдан ўлцаб беринг.

Хотини уни Емельян Константинович деб атар, болалари — дадацон, магазиндаги гумашталар — Цаца дейишарди.

Поп Виссарион билан тақводор Панкратийнинг Сергей Платонович билан борди-келдиси йўқ; кўпдан бери уларнинг ораларига адоват тушган эди. Лекин попларнинг ўзлари ҳам бир-бирлари билан тотув эмасдилар. Ғийбатчи Панкратий ҳазрат усталик билан яқин одамларининг пайини қирқар эди. Ўзининг украинлик чўриси билан алоқа қилиб, сифлисдан панг бўлиб қолган поп Виссарион мулойим

www.ziyouz.com kutubxonasi

табиат одам эди, у ҳаддан ташқари такаббур ва чақимчи Панкратийни ёқтирмас, яқинига йўламас эди.

Муаллим Баландадан бошқа қишлоқда ҳаммапинг ўз ҳовли-жойи бор эди. Майдонда Моховнинг кошинкор, кўк бўёққа бўялган иморати қад кўтариб турарди. Рўпарасида, майдоннинг қоқ ўртасида ойнаванд эшикли магазин жойлашган; ранги ўнгиб кетган вивескасида қуйидаги сўзлар ёзилган эди:

МОХОВ С. П. ВА Е. К. АТЕПИНЛАР ДЎКОНХОНАСИ.

Магазинга пастак ва узун, ости подвалли омборхона туташган, ундан йигирма саржин чамаси нарироқда черковнинг ғиштин девори ва пиёзга ўхшаш кўм-кўк гумбази кўринади. Черковнинг нари томонида хазинага қарашли иморатлар услубида хунук қилиб ишланган мактаб биносининг оппоқ деворлари, иккита чиройли уй кўзга чалинади: олдида ғулзори бўлган ҳаво ранг уй — поп Панкратийники, жигар рангли (уникига ўхшамасин деб шундай рангга бўялга эди), ўймакор панжара деворли, кенггина пешайвонли уй — поп Виссарионники эди. У муюлишдан бу муюлишгача чўзилган икки қаватли энсиз иморат — Атепинники, унинг орқаси — почтахона, казакларнинг томига похол ёпилган, тунука қоплангган уйлари кўринади, томи устига занглаган тунука хўроз қоқилган тегирмон қад кўтариб турадi.

Бу ернинг одамлари ёруғ дунёдан қочиб, дераза қопқоқларини ичкари-ташқари томондан беркитиб олишар эди. Агар бирон ерга меҳмонга боришмаса, кеч кириши билан эшик ҳалқаларига қулф солиб, итларини ечиб юборишарди, ўшанда жимжит қишлоқда қоровулнинг шақилдоғигина эшитиларди, холос.

II

Августнинг охирларида Митька Коршунов Дон дарёси бўйида Сергей Платоновичнинг қизи Елизаветага тасодифан дуч келиб қолди. Доннинг нари ёғидан эндигина келиб, қайиғини тўнгакка боғлар экан, дар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёда енгил сузиб кетаётган, сирти бўялган ихчамгина қайиққа кўзи тушди. Қайиқ тоғ таги билан пристань томонга сузиб келар, уни Бояришкин ҳайдарди. Бояришкиннинг яп-яланг боши тердан йилтираб, пешона ва чакка томирлари бўртиб кетган эди.

Митька олдин Лизани танимай қолди. Похол шляпасидан тушган соя кўзларини тўсиб турарди. У офтобда қорайган қўллари билан бир кучоқ нилуфарни кўксига босиб олган эди.

Лиза Митькани кўриши билан бош ирғаб:

— Коршунов!— деб чақирди.— Мени алдаб кетдинг-а?

— Алдадинг дейсанми?

— Эсингдами, балиқ овига олиб бораман, деб ваъда қилганинг?

Бояришкин эшкакларни қўйиб, керишди. Қайиқ зарби билан келиб қирғоққа урилди ва дарё четидаги бўр тошларини ғижирлатиб юборди.

— Эсингдами?— деб кулди қайиқдан сакраб тушган Лиза.

— Фурсатим бўлмади. Иш кўп,— деб ўзини оқламоқчи бўлди Митька; у нафасини ичига ютиб, яқинлашиб келаётган қизга тикиларди.

— Йўқ! Тоб-тоқатим қолмади! Мен бош тортаман, Елизавета Сергеевна. Мени бу хизматдан озод этинг, ўзингизга бошқа малай топинг! Бу лаънати сувда сайр қиламан деб роса адабимни едим. Эшкакка ишқаланиб қўлларим қавариб кетди. Қуруқлик бўлса ҳам гўрга эди.

Бояришкин панжаси узун яланг оёқларини уваланган чақир тошлар устига қўйиб, мижиғланган студентча фуражкаси билан пешонасини артди-да, унинг йўлини тўсди. Бироқ Лиза унга қулоқ солмай, Митьканинг олдига борди. Митька бесўнақайлик билан қизнинг қўлини сиқиб кўришди.

— Балиқ овига қачон борамиз?— деб сўради қиз бошини орқага ташлаб, кўзларини қисиб.

— Эртага десанг ҳам тайёрман. Буғдойни янчиб бўлдик, энди қўлим бўш.

— Алдамайсанми?

— Йўғ-э!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Барвақт келасанми?

— Тонг ёришмасдан.

— Кутаман.

— Келаман, худо урсин, келаман!

— Қайси деразани тиқиллатиш керак, эсингда борми?

— Топиб оламан,— деб илжайди Митька.

— Мен яқин орада жўнаб кетсам керак... Кетмасдан бурун балиқ овласам девдим.

Митька индамай қайиқнинг занглаган калитини қўлида ўйнатар, қизнинг лабларига тикиларди.

— Бўлдингизми?— деб сўради, жимжимадор чиғаноқни қўлига олиб томоша қилаётган Бояришкин.

— Ҳозир жўнаймиз.

Қиз сукут қилиб турди, кейин негадир кулимсираб:

— Сизларникида тўй бўлди шекилли?— деб сўради.

— Ҳа, опамни эрга бердик.

— Кимга бердинглар?— Лиза жавобини кутмай ғалати қилиб кулиб қўйди.— Албатта келгин!— Моховнинг уйида Лизани биринчи марта кўрганда унинг табассуми Митьканинг юрагини қандай ўртаган бўлса, бу гал ҳам шундай ўртаб юборди.

Қиз то қайиққа етиб боргунча Митька кўз узмай қараб турди. Бояришкин қулочкашлаб қайиқни итарарди; Лиза унинг боши устидан қараб, калит ўйнаб турган Митькадан кўзини олмас, имлаб унга бош ирғатар эди.

Беш саржинча узоқлашганларидан кейин Бояришкин секин сўради:

— Бу қандай йигит?

— Танишим.

— Жазманингизми?

Уларнинг гапини эшитиб турган Митька, эшкак ҳалқасининг ғижир-ғижиридан қизнинг нима жавоб берганини пайқай олмади. У зўр бериб эшкак босаётган Бояришкиннинг кулиб юборганини эшитди, бироқ Лизанинг юзини кўрмади, чунки у Митькага орқа қилиб ўтирган эди. Шляпасининг пистоқи ранг лентаси яланғоч кифтига тушиб, шамолда аста ҳил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

пиллар, Митьканинг хиралашган кўзларини ўйнатар эди.

Умрида камдан-кам қармоқ кўтариб балиқ овига чиққан Митька, бу сафар кеч кириши биланоқ астойдил тайёргарлик кўра бошлади. Чорбоғда таппи ушатиб ўт ёқиб, жовдар пиширди, чириб қолган қармоқ ипларини олиб ташлаб, бошқатдан ип тақди.

Михей унинг тайёрланаётганини кўриб:

— Мен ҳам бирга борай,— деб ялинди.— Ёлғизлик қилиб, қийналиб қоласан.

— Бир ўзим ҳам эплайман.

Михей хўрсиниб қўйди.

— Кўпдан бери сен билан овга чиққаним йўқ. Ярим пудча келадиган сазанни ушлаб кўргим келувди-да.

Митька бўтқа пишаётган декчадан вишиллаб чиққан буғдан юзини бужмайтириб, индамай қўя қолди. Ҳамма керакли нарсани тахт қилиб, уйга кириб кетди.

Гришак бобо дераза ёнида, кўзига мис гардишлик кўзойнак тақиб олиб, инжил тиловат қиларди.

Митька дераза кесакисига суяниб:

— Буважон!— деб чақирди.

Гришак бобо кўзойнак устидан қараб:

— Хўш?— деди.

— Хўроз бир чақиргандан кейин мени уйғотиб қўйгин.

— Саҳар туриб қаёққа бормоқчисан?

— Балиқ овига.

Гришак бобо балиқни яхши кўрса ҳам, жўрттага қаршилик қила бошлади:

— Даданг эртага зиғир янчамиз, девди. Саёқлигингни қўйсанг-чи! Балиқ овлайман дейди-я!

Митька ўзини орқага олиб, айёрлик билан:

— Менга барибир. Бувамга балиқ тутиб келай девдим-да, зиғир янчадиган бўлсам, овга бормас эканман-да,— деди.

— Шошмасанг-чи, мунча ошиқасан?— деб қўрқиб кетди Гришак бобо кўзидан ойнагини олиб,— мен Мирон билан гаплашиб қўяман, борсанг ҳам бўлади. Балиқ гўшти — луқмаи ҳалол, эртага табаррук,

www.ziyouz.com kutubxonasi

чоршанба куни экан. Уйғотиб қўяман, бор ухла, тентак! Нега ишшаясан?

Ярим кечаси Гришак бобо бир қўли билан бўз шимини ушлаб, бир қўлига ҳасса олиб, пайпаслаб зинадан тушди. Қалт-қалт қилиб, ҳовлидан соядек сузиб ўтиб, омбор олдига борди ва ҳассасининг учи билан шолча устида пишиллаб ухлаб ётган Митькани туртди. Омборхонадан янги янчилган дон ҳиди, сичқон тезаги ва одам турмаган жойлардан келадидиган ўргумчак ини ва мағор иси анқирди.

Митька омбор ёнидаги шолча устида ётган эди. Ҳадеганда уйғонавермади. Олдин Гришак бобо уни ҳассаси билан секин туртиб кўрди.

— Митюшка! Митька!.. Ҳой ҳароми, Митька!..— деб шивирлади.

Пишиллаб ухлаб ётган Митька оёқларини йиғиштириб олди. Бобонинг жаҳли чиқиб ҳасса дастасини унинг қорнига тираб, пармадай айлантира бошлади. Митька уйғониб кетиб, «вой» деб ҳассани чангаллаб олди.

— Уйқунг жуда қаттиқ экан! Одам ҳам шунақа данг қотиб ухлайдими?— деб сўкинди бобо.

— Жим, жим, шовқин солма!— деб шивирлади Митька, уйқу аралаш чориғини қидириб.

Митька майдонга жўнади. Қишлоқда хўрозлар иккинчи марта қичқира бошладилар. Кўчадан, Виссарион попнинг уйи ёнидан ўтар экан, каталакдаги хўроз қанот қоқиб, протодьякончасига йўғон овоз билан қичқирди, товуқлар чўчиб, қу-қулашиб қўйди.

Магазин олдидаги зинапоянинг энг пастки поғонасида тумшуғини пўстин ёқасига буркаб олган қоровул мудраб ўтирарди. Митька Моховнинг девори тагига келиб етди, қармоқ билан лаш-луш солинган халтани ерга қўйди, итларга сездирмаслик учун оёқ учида аста-аста юриб, зинапоядан чиқди. Муздек эшик тутқичидан тортиб кўрди, эшик берк эди. Панжарадан ошиб, дераза ёнига келди. Дераза қия очиқ. Қорайиб кўринган тирқишдан қиз боланинг хушбўй ҳиди, уйқудаги илиқ баданнинг ва алланечук нозик атирларнинг иси келар эди.

— Лизавета Сергеевна!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Митька назарида қаттиқ чақиргандек бўлди. Бирпас кутиб турди. Жимжит. «Тағин, бошқа деразани чақираётган бўлмай! Дадаси шу уйда бўлса-я! Шармандам чиқади!.. Шартта отади-ташлайди»,— деб ўйланиб қолди дераза тутқичини маҳкам ушлаб олган Митька.

— Лизавета Сергеевна! Тур, балиқ овига борамиз.

«Агар адашган бўлсам — ана унда кўр балиқ овини!»

— Турсанг-чи, ахир!— деди у зардаси қайнаб, бошини деразадан суқиб.

— А? Ким?— чўчинқираган овоз эшитилди қоронғилик ичидан.

— Балиқ овига борасанми? Менман, Коршунов.

— Ҳа-а-а, ҳозир.

Уй ичидан шитирлаган овоз эшитилди. Қизнинг иссиқ нафасидан ялпиз ҳиди келгандай бўлди. Митька қоронғида фақат оппоқ бир гавданинг уй ичида шитир-шитир қилаётгани, қимирлаганини пайқади.

«Оҳ, тонг отгунча ёнида маза қилиб ётсанг... Балиқ ови нимаси... Шумшайиб совқотишдан бошқа гап йўқ...»— деб ўзича хаёл сурарди, ётоқ бўлманинг ҳидига маст бўлган Митька.

Оқ рўмолча ўраган, кулиб турган қиз дераза олдида пайдо бўлди.

— Деразадан туша қолай. Қўлингни бер.

— Туш,— деди Митька қизга ёрдамлашиб.

Қиз унинг қўлини ушлаб, кўзига тикилди.

— Кечикмадикми?

— Зарари йўқ, улгурамиз.

Иккови Донга йўл олди. Қиз пушти ранг кафти билан шишинқираган қовоқларини аста ишқалади-да:

— Ширин уйқуда эканман. Яна бирпас ухласам бўларди. Жуда эрта чиқдик,— деди.

— Айни ов маҳали.

Майдон ёнидаги биринчи тор кўчага бурилиб, Дон бўйига тушишди. Кечаси сув кўпайган, кеча қуруқ тўнгакка боғлаб қўйилган қайиқ ҳозир сув устида чайқаларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Туфлини ечиш керак,— деди Лиза хўрсиниб, қирғоқ билан қайиқ орасидаги масофани кўзи билан чамалаб.

— Кўтариб ўта қолай?— деб таклиф этди Митька.

— Яхши бўлмас... Оёғимни еча қолай.

— Яхши бўлади.

— Қўй-э,— деди Лиза хижолат чекиб.

Митька чап қўли билан унинг тизасидан йўқорироқ жойидан қучоқлади ва даст кўтариб, қайиқ томон юрди. Қиз беихтиёр унинг қорайган бақувват бўйнига чирмашиб олди, ҳиринглаб аста кулди.

Агар Митька, қишлоқ хотинлари кир чайқайдиган тошга қоқилмаганда — тасодифий ўпишиш рўй бермаган бўлар эди. Лиза «аҳ!» деб юзини Митьканинг қовжираган лабларига ёпиштирди. Митька ҳам қайиққа икки қадам қолганда тўхтаб қолди. Чориқларига сув кириб, оёғи музлаганини ҳам сезмади.

Митька қайиқни ечиб, кучи борича уни тўнгакдан итариб юборди-да, ирғиб чиқиб олди, тикка туриб, қисқа-қисқа эшкак солди. Қайиқ атрофида сув шилдириб, нола қилгандай бўларди. Қайиқ тумшуғини кўтариб, дарёнинг тезоқар еридан ўтди-да, нари томондаги қирғоққа қараб суза бошлади. Қармоқ ёғочлари визиллар, ликиллар эди.

— Қаёққа ҳайдаяпсан?— деб сўради Лиза ўгирилиб қараб.

— Нари ёққа.

Қайиқ тик тушган қумлоқ соҳилга келиб тақалди.

Митька, сўрамай-нетмай, Лизани даст кўтардида, қирғоқдаги дўланазор ичига олиб кириб кетди. Қиз унинг юзини тишлар, тимдалар эди, икки марта бўғиқ овоз чиқариб бақирди, лекин мадори қуриганлигини сезиб, аламидан ҳиқиллаб йиғлади...

Соат тўққизларда қайтишди. Осмонни сарғиш хира парда қоплаган. Донда шамол қутуриб, сувни алғоқ-далғоқ қиларди. Қайиқ қатлам-қатлам тўлқинлар устида рақс этар, дарё қаъридан кўпириб чиққан муздай сув ранги ўчган Елизаветанинг юзларига сачрар, қош-киприкларидан, рўмоли остидан чиқиб қолган сочларидан мунчоқдек томчилар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Елизавета ҳорғин кўзларини қисиб, аллақаёқдан қайиққа келиб қолган гул шохини бармоқлари орасида мижиғларди. Митька унга қарай олмай, қайиқ ҳайдар, оёғи остида кичкина зоғора балиқ билан тилло балиқ ўлар ҳолатда оғизларини каппа-каппа очиб, қизғиш жиякли кўзларини чақчайтириб ётарди. Митьканинг хижолат бўлаётганлиги, чеҳраси очиқ бўлса ҳам кўнгли безовталиги кўриниб турарди.

— Сени Семеново пристанига элтиб қўяман. У ер *уйингга яқин,— деди Митька қайиқни сувнинг оқиш* томонига ҳайдаб.

— Яхши,— деди шивирлаб Лиза унинг гапига кўниб.

Дарё бўйи кимсасиз, Дон устидаги бўр чангидан оқарган чорбоғларнинг четанлари иссиқ шамолдан қувраб шитирлар, ҳаводан куяётган хас-чўп ҳиди анқир эди. Кунгабоқарларнинг чумчуқ чўқиб кетган катта-катта бошлари пишиб ўтиб кетганидан ерга энкайиб қолган, донлари тўкилиб турарди. Сойлиқни янгидан кўм-кўк майса қоплаган. Олисда ўйноқилаган тойчалар кўринар ва бўйинларига тақилган қўнғироқларнинг жангир-жунгири эшитилар, жануб томондан Донга қараб гаримсел эсар эди.

Митька балиқни олиб, қайиқдан тушаётган Елизаветага узатди.

— Овни олакет. Ма!

Қиз чўчиб тушгандай киприкларини пирпиратиб, балиқни олди.

— Хайр, мен кетдим.

— Майли...

Тол новдасига тизилган балиқни кўтариб, қиз йўлга тушди; унинг кўриниши аянчли, илгариги шўхлик ва шахдамлигини дўланазор ичида йўқотган эди.

— Лизавета!

У бурилиб қаради: чимрилган қошларида афсус-надомат ва ҳайрат аломатлари акс этиб турарди.

— Бери кел-чи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қиз қайтиб келди, Митька тортиниб зўрға гапирди:

— Икковимиз ҳам кўрмай қолибмиз... Юбканг орқаси... доғ... унча катта эмас...

Қиз шошиб қолди ва қулоқларигача қизариб кетди.

Митька бир оздан сўнг:

— Орқа кўчадан кет,— деб маслаҳат берди.

— Барибир майдондан ўтаман. Қора юбкамни кийиб чиқай девдим-а,— деб шивирлади қиз пушаймон бўлиб; у Митьканинг башарасига нафрат билан қаради.

— Кел, барг билан ишқалаб кўкартириб қўяй!— деди Митька, лекин Лизанинг кўзлари ёшланганини кўриб ҳанг-манг бўлди...

...Қишлоққа дув-дув гап ёйилди, ҳамма: «Митька Коршунов Сергей Платоновичнинг қизини ўйнаб қўйибди», дер эди. Хотин-халож эрталаб подага сигирларини ҳайдаб чиққанларида, сояси ерга тушиб лопиллаб турган қудуқ ҳавозаси тагида челакка сув олаётган пайтларида, ювилган кирларини Дон бўйидаги харсанг тош устида чайқатаётганларида шу тўғрида гаплашарди, холос.

— Ўз онаси бўлмагандан кейин аҳвол шу-да.

— Отасининг бош қашишга қўли тегмайди, ўгай она парвойи фалак...

— Тунови куни қоровул Давидка Беспалий гапириб берди: «Ярим кечаси, қарасам, энг четдаги деразага биров тармашади. Бу албатта, Сергей Платоновичга келган ўғри бўлса керак, деб ўйладим.— Бу ким бўлдийкин? Полиция, қайдасан? — деб югуриб борсам, Митька экан»,— дейди.

— Балога йўлиққур эндиги қизлар ҳаммаси расво...

— Менинг Микишкамга Митька ўз оғзи билан: «Энди совчи юбораман», деган эмиш.

— Олдин мишиғини артиб олсин!

— Қизни мажбур қипти, деб эшитдим, зўрлаган эмиш...

— Вой ўлай!..

Кўча-кўй миш-мишларга тўлди. Янги эшикка

www.ziyouz.com kutubxonasi

қорамой чаплагандай, қизнинг номини роса булғашди...

Сергей Платоновичнинг қартайган боши бу тоғдай исподни кўтаролмай, хам бўлиб қолди. У икки кунгача магазинга ҳам, тегирмонга ҳам бормади. Пастда турувчи хизматкори фақат овқат маҳалидагина ёнига кирар эди.

Учинчи куни Сергей Платонович учун кўк чипор арғумоқни икки ғилдиракли енгил аравага қўшиб беришди. У дуч келган казакларга такаббурлик билан бош қимирлатиб саломлашиб, станицага жўнаб кетди. Унинг кетидан локланган ялтироқ Вена коляскаси визиллаганча ҳовлидан чиқди. Кучер Емельян, оқ оралаган соқолига тегиб турган эгри трубкасига сўлагини оқизиб, кўк ипак тизгинни қўлига олди. Зулукдай пар от кўчада ўйноқилаб, тасирлатганича йўртиб кетди. Емельяннинг орқасида ранги қумқут ўчган Елизавета ўтирарди. Унинг қўлида енгилгина чамадонча, маъюс кулимсираб, дарвоза олдида турган Владимир билан ўгай онага қўлқопини қимирлатиб хайрлашди. Дўкондан билтанглаб чиққан Пантелей Прокофьевич қизиқсиниб, хизматкор Никитадан сўради:

— Меросхўр қиз қаёққа кетяпти?

У ҳам ҳар нарсани билгуси келган чолнинг шаштини қайтармади:

— Москвага, ўқигани, курсини тамомлагани кетяпти,— деб жавоб берди.

Эртаси куни шундай бир ҳодиса юз бердики, бу Дон бўйида ҳам, қудуқ ёнида ҳам, подага сигир ҳайдаб чиқиладиган жойда ҳам одамлар оғзида достон бўлди. Пода даштдан қайтиб, говгум бўлган маҳалда Митька одамларга кўринмаслик учун атайлаб кечқурун Сергей Платоновичнинг олдига, анчайин иш билан эмас, қизи Елизаветага уйланиш ниятида унинг розилигини сўраш учун борган эди.

Ўшангача Митька қизни тўрт марта кўрган эди, холос. Сўнгги, учрашувда ораларида шундай гап ўтган эди.

— Менга тега қолгин энди, Лизавета-а?

— Бўлмағур гап!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Асло хафа қилмайман, эркалатаман... Бизда ишлайдиган одам кўп, сен дераза ёнида китоб ўқиб ўтираверасан.

— Аҳмоқсан.

Митька ранжиди, лекин индамай қўя қолди. Ўша куни кечқурун уйига барвақт қайтди, эртасига эрталаб Мирон Григорьевични ҳайратда қолдириб:

— Дада, мени уйлантир! — деди.

— Алжиллама.

— Рост айтяпман, ҳазили йўқ...

— Уйлангинг кеп қолдими?

— Нима десам экан...

— Қайси қизга жигар сўхта бўлдинг, Марфушка-жиннигами?

— Сергей Платоновичникига совчи юбор!

Мирон Григорьевич от абзалини ямаётган эди, тахта эшак устига косибчилик асбобларини эҳтиётлик билан қўйиб, хохолаб кулиб юборди:

— Болам, дейман, бугун кайфинг борга ўхшайди-я, ўзи тинчликми?

Лекин Митька, оёғини тираб, ўз гапида туриб олди; *отасининг жаҳли чиқди.*

— Аҳмоқ! Сергей Платоновичнинг юз мингдан ортиқ дастмояси бор, ўзи катта савдогар, сен-чи?.. Қани, туёғингни шиқиллат, жиннилик қилма, бўлмаса, мана бу қайиш билан сендақа куёв болани...

— Бизда ҳам ўн тўрт жуфт ҳўкиз бор, молмулкимиз бор, минг қилганда ҳам у мужик, биз казакмиз.

— Йўқол! — деб бақирди гапни чўзишни ёмон кўрадиган Мирон Григорьевич.

Митьканинг дард-ҳасратига ёлғиз Гришак бобо қулоқ бериб тинглади. Чол ҳассасини дўқиллатадўқиллата, ўғли ёнига қилтиллаб етиб келди.

— Мирон!

— Хўш?

— Нега қаршилик қиласан? Боланинг кўнглига ёққандан кейин...

— Дада, худо ҳақи, сиз ҳам ёш бола бўп қопсиз! Митькада-ку, эс деган нарса йўқ, лекин сизга ҳайронман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бас!— деб ҳассасини дўқиллатди Гришак бобо.— Нима, биз унга тенг эмасми? Унинг қизига бир казак совчи бўлиб, ўғлига олиб бермоқчи экан, жон десин-да. Бизга қизини икки қўллаб беради. Биз бутун атрофга маълум ва машҳур одамлармиз, ялангоёқ эмас, хўжайинмиз. Ҳа-а!.. Дарров боргин, Мирошка, тортинадиган жойи йўқ! Сепига тегирмонини қўшиб берсин. Сўрайвер!

Мирон Григорьевич тутақиб, ҳовлига чиқиб кетди, лекин Митька кеч кириши билан ўзи боришга қарор қилди, чунки у, дадасининг ўжарлигини, ўлгудай қайсар, бир сўзли одам эканини биларди.

Митька йўлда ҳуштак чалиб, бемалол келаётиб, Сергей Платоновичнинг кўча эшигига етганда, юраги пўкиллаб қолди. Бир оз депсиниб турди, кейин ҳовлидан ўтиб, зинапоя олдига борди, крахмалланган шалдирама фартуқ таққан оқсочдан:

— Ўзи уйдами? — деб сўради.

— Чой ичяптилар. Бирпас кут.

Ўтириб, махорка чекди, сўнгра туфуги билан ўчириб, қолдиғини оёғи билан полга ишқалаб ташлади. Сергей Платонович нимчасига ёпишган нон ушоқни қоқиб, уйдан чиқди, Митькани кўргач, қошлари чимирилиб кетди.

— Ичкарига киринг.

Китоб ва тамаки ҳиди анқиган салқин кабинетга биринчи бўлиб, Митька кирди, у уйидан хезланиб чиққан бўлса-да, лекин кабинет остонасида шахтидан қайтди.

Сергей Платонович стол ёнига келиб, этик пошнасини ғарчиллатиб, бурилди.

— Хўш? — деди у. Орқасига қилиб турган қўли ёзув столининг тахтасини тирмалар эди.

— Мен билмоқчи эдим...— Митька уй эгасининг тикандай қадалган совуқ кўзларидан кўзини олиб қочди, бадани жимирлашиб кетди, елкасини учириб —...Лизаветани менга берасизми, йўқми? — деди. Ноумидлик, жаҳолат ва қўрқоқликдан Митьканинг юзида, қурғоқчилик маҳалида тушадиган шабнамдек, тер пайдо бўлди.

Сергей Платоновичнинг чап қоши учар эди, устки

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаби кўтарилиб, қип-қизил милки кўриниб кетди. Бўйнини чўзиб, гавдасини энгаштириб:

— Нима?.. Нима-а-а?.. Аблаҳ!.. Йўқол!.. Сени атаманга обориб топшириш керак! Ҳа, итвачча! Ҳаромн!..— деди.

Унинг бақириғи Митькани қўрқитмади, у ўзини тутиб олиб, Сергей Платоновичнинг бетлари моматалоқ бўлиб кетганини томоша қилиб тураверди.

— Мен сизни ранжитмоқчи эмасдим... Қилган гуноҳимни ювиб ташласам девдим...

Сергей Платонович қонга тўлган ва ёшланиб турган кўзларини ўқрайтириб, оғир чўян кулдонни улоқтирди, кулдон Митьканинг оёғи остига тарақлаб тушди, сакраб кетиб чап тизасининг кўзига тегди, лекин Митька тишини-тишига қўйиб оғриққа чидади, сўнгра эшикни шартта очди-да, аламига чидай олмай:

— Ихтиёр ўзингизда, Сергей Платонович, мен кўнглимдагини айтдим-қўйдим...— деди сурбетларча.— Бу аҳволда қизингизни ким олади? Бу гапни ўзим босди-босди қилиб юборсам девдим... Бировнинг салқити кимга керак? Чарвига ўраб итга ташласангиз ҳам емайди.

Сергей Платонович мижиғланган рўмолчани лабига босиб, Митьканинг кетидан бостириб келаверди ва кўчага чиқадиган эшик томонни тўсиб олди, Митька ҳовлига қочиб чиқди. Шунда Сергей Платонович, қаққайиб турган Емельян кучерга кўз қисиб қўйди. Митька дарвозанинг маҳкам тамбасини очгунча, ечиб юборилган тўртта ит омборхона орқасидан чиқиб қолди ва бегона одамни кўриши биланоқ супурилган ҳовлида ирғишлашиб югура бошлади.

1910 йилда Сергей Платонович Нижнийдаги ярмаркадан битта эркак, битта урғочи кучук бола олиб келган эди. Иккиси ҳам қора, жуни жингалак, оғзи катта кучуклар эди. Бир йилдан кейин ҳар бири ёши тўлган бузоқдай келадиган бўлди; кучуклар Моховнинг қўраси ёнидан ўтган хотинларнинг этагини тишлаб йирта бошлашди, бора-бора хотинларни йиқитиб, сонидан тишлашни ўрганишди, поп Панкратийнинг бузоғини ва Атепиннинг иккита чўч-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қасини талаб ўлдиргандан кейин, Сергей Платонович уларни занжирга солдирди. Итларни фақат кечаси ечишар ва йилда бир марта, баҳор кези уюрга қўйишарди.

Митька қайрилиб қарагунча, Баян деган ит оёқларини унинг елкасига қўйиб, пахталик курткасидан тишлаб олди. Қоп-қора итлар ирғишлашиб, Митькани талаб, тортқилашар эди. У қўллари билан ўзини ҳимоя этар, йиқилиб тушмаслик учун ҳаракат қиларди. Митька кўз қири билан Емельяннинг трубка чекиб, ошхонага кириб кетганини, бўялган эшигини тарақлатиб ёпиб олганини кўрди.

Зинапоянинг четидаги тарновга суянган Сергей Платонович, ялтироқ жун ўсган оппоқ муштларини дўлайтирар эди. Митька гандираклай-гандираклай бир амаллаб тамбани суғуриб олди ва қонаган оёқларига тармашиб хириллашган сассиқ итларни кўчага судраб чиқди. Баянни у бўғиб ўлдирди, қолган итлардан ўткинчи казаклар зўрға ажратиб олишди.

III

Наталья Мелеховлар оиласига, узукка кўз қўйгандек ярашган эди. Мирон Григорьевич болаларини гаҳ деганда қўлга қўнадиган қилган. Бойлигига ва хизматкорлари кўп бўлишига қарамай, болаларини ишлатар, меҳнатга ўргатар эди. Шунинг учун меҳнатсевар Наталья қайната билан қайнананинг кўнглига жуда ёқди. Катта келини — олифта Дарьяни ёқтирмайдиган Ильинична, биринчи кунларданоқ Натальяга меҳр қўйган эди.

— Ухла, бирпас ухлаб ол, болагинам! Нега ваҳлик турдинг? — деб ширин гапирарди ошхонада депсиниб турган Ильинична,— кириб бирпасгина тонг уйқусини олгин, иш бўлса, ўзимиздан ортмас.

Чой қўйгани саҳардан туриб олган Наталья яна ухлагани кириб кетарди.

Ҳатто, уйда қаттиқ қўлли бўлган Пантелей Прокофьевич ҳам хотинига:

— Ҳой, хотин, Наташкани уйғотма,— деб тайинларди.— Бечора, кун бўйи тинмайди. Гришка билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ер ҳайдагани бормоқчи. Дарьяни юмушга сол, Дарья... ўлгудай дангаса, бемаза келин чиқди... Юзини бўяйди, қошини қора қилишнигина билади, манжалақи.

Ильинична иш билан адо бўлган ўз ёшлигини эслаб:

— Бирор йил яйраб олсин бола фақир,— дерди.

Бўйдоқлик даври тугаб, хотинли бўлганига Григорий бир оз кўникиб, ҳовуридан тушди, лекин орадан уч ҳафтача ўтгандан кейин, Аксинья билан алоқаси батамом узилмаганини, қалбида зирапчадай бир нарса қолганини сезди-да, қўрқиб кетди. Бу — юрагидан ҳаливери кетмайдиган дард эди. У томир отиб қолган, Григорий эса куёвлик даврининг ғуруриґа берилиб, эскирса унутилиб кетар, деб ўйлаган эди... Бироқ уни унутиб бўлмас, эсга тушган сари дарди зўрайиб, яраси янгиланарди. Тўй бўлишидан олдинроқ, бир куни Петро ундан:

— Гришка, Аксиньяни нима қиласан? — деб сўраган эди.

— Нима қилардим?

— Уни ташлаб кетишга кўзинг қиядими?

— Мен бўлмасам, бошқаси-да! — деб кулган эди ўшанда Гриша.

Петро ўз одатича мўйловини ямлаб:

— Ишқилиб ҳушёр бўл, ука, уйланганингдан кейин, тағин бир бало бўлмасин...— деди.

— Қор ёғади, излар босилади,— деб гапни ҳазилга айлантирди Гришка.

Бироқ, иш бошқачароқ бўлиб чиқди. Кечалари Гриша ўз бурчини адо этиш учун хотинини эркалатган, шўхлик қилган маҳалда хотини совуққонлик ва уятчанлик билан таслим бўларди. Наталья эрнинг эркалатишига ўч эмас; онасига тортиб, совуққон бўлиб туғилган эди, Григорий Аксиньянинг қилиқларини эсига тушириб, хўрсиниб қўярди.

— Сени, Наталья, онанг муз устида туққанми дейман... Жудаям совуқсан-а!

Аммо Аксинья у билан учрашиб қолган пайтда хумор кўзларини ўйнатиб, Григорийга жилмайиб қўяр, икки оғиз нордонгина гап ташларди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Салом, Гришенька! Хотинча билан яхши турибсизми? Апоқ-чапоқ бўлиб кетдингми?

— Ҳа-да...—деб мужмал жавоб берар ва Аксиньянинг кулиб турган кўзларидан ўзини тезроқ олиб қочишга ҳаракат қиларди Григорий.

Степан хотини билан тотув бўлиб қолди. Қовоқхонага камдан-кам борадиган бўлди; бир куни кечқурун хирмонда дон совура ётиб, оралари бузилгандан бери биринчи марта унга рўйхуш бериб:

— Ксюша, кел, ашула айтайлик! — деди.

Иккиси чўп-чор аралаш янчилган буғдой ғарамига суяниб ўтиришди. Степан солдатча қўшиқни бошлади. Аксинья кўкракдан чиқариб, ингичка овоз билан унга жўр бўлди. Турмушларининг дастлабки йилларидагидай, баҳамжиҳат қўшиқ айтишди. Ўша йиллари, рангбаранг товланиб ботаётган қуёш нурига чўмган даштдан иккиси қайтар экан, Степан аравада чайқалиб, ёввойи ўт босиб кетган кимсасиз дашт йўлига ўхшаш узундан-узун ва мунгли, қадимги ҳазин бир ашулани бошларди. Аксинья бошини эрининг гўштдор кўксига қўйиб олиб, унга қўшиларди. Отлар аравани ғичиллатиб судраб келаверарди. Қишлоқдаги қари-қартанглар олисдан ашулага қулоқ солиб:

— Степанга заб овоздор хотин учрабди-да,— дейишарди.

— Қойил қилиб айтишяпти...

— Степаннинг овози қўнғироқдай!

Чанг аралаш қизариб ботаётган қуёшни кузатиш учун супачага чиқиб ўтирган чоллар кўчанинг у бетидан туриб бу бетига гап отишар эди.

— Низов қўшиғини айтишяпти.

— Бу қўшиқни Грузияда бизнинг полкимиз тўқиган.

— Ҳа-а, марҳум Кирюшка шу ашулани яхши кўрарди!

Қечқурунлари Григорий Астаховларнинг ашула айтганини эшитиб қоларди. Буғдой янчишга борганда (уларнинг хирмони Астаховларники билан ёнма-ён эди) Аксиньянинг қадимгисидай дадил ва бемалол юрганини кўрар ва ўзича: «Бахтли экан» деб

www.ziyouz.com kutubxonasi

гумон қиларди. Ҳар ҳолда Григорийга шундай туюлар эди.

Степан Мелеховлар билан саломлашмасди. У паншаха ушлаб хирмонда айланиб юрар, ҳар биттасига бир одам сиғадиган кифтларини ўйнатиб қўярди; ора-сира ҳазиллашиб, хотинига гап отар ва ўшанда Аксинья рўмол остидаги қора кўзларини чақнатиб кулиб юборар эди. Григорий кўзларини юмиб олса ҳам, Аксиньянинг яшил юбкаси кўз ўнгида ҳилпираб тургандек бўлар эди. Аллақандай номаълум бир куч унинг бўйнини буриб, Степаннинг хирмони томонга қарашга мажбур этарди. Лекин буғдой боғларини ёйишиб Пантелей Прокофевичга қарашиб турган Натальянинг ҳар сафар, эри беихтиёр ўша томонга боққанини кўриб маъюсланганини, рашки келганини Григорий сезмасди; отларни айлантириб, хирмон янчаётган Петронинг дамба-дам қараб, юзини буриштириб, мийиғида кулаётганини ҳам кўрмас эди.

От судраб айлантирган увал-тошнинг дукур-дукури таъсирида Гриша ноаниқ ўйларга чўмар, фикрлари тутқич бермас, калаванинг учини яна йўқотиб қўярди.

Олис ва яқиндаги хирмонлардан дўпир-дўпир буғдой янчаётган, от етаклаган кишиларнинг ҳайқириғи, қамчилар визиллагани, шамол-машина паррагининг тарақлагани эшитилар, бу садолар бора-бора сойликда йўқ бўлиб кетарди. Бу йилги ҳосилдан тўлиб-тошган қишлоқ — Дон устидан елган сентябрь шабадасида, оқ илондай маҳлиё бўлиб чўзилиб ётарди. Четан билан тўсилган ҳар бир қўрада, ҳар бир уйда бир-бирига ўхшамаган аччиқ-чучук, тўла-тўкис ҳаёт қайнар, ҳар ким ўз бошига яшарди: Гришак бобо шамоллаб, тиш оғриққа йўлиққан эди; Сергей Платонович тарвақайлаган соқолини ҳадеб силайверар, якка қолган маҳалларида, иснодга чидой олмай тишини ғижирлатар ва йиғларди; Степан юрагида Гришага кек сақлар, тушида темир панжалари билан қуроқ кўрпани тирнаб чиқарди; Наталья бостирмага кириб, ўзини таппи устига ташлар, ғужғанак бўлиб, титраб-қақшаб йиғлар, ўз қора бахти учун кўз ёши қиларди. Ярмаркада ғунажин пулини

www.ziyouz.com kutubxonasi

ичиб қўйган Христоня виждон азобида қийналарди, ҳамиша алланимадан қўнгли ғаш бўлган, эски дарди қўзиган Гриша тинмай уҳ тортар эди; Аксинья ноиложликдан эрини эркалатар экан, унга нисбатан юрагида сақланиб қолган битмас-туганмас нафратини кўз ёшлари билан кўмиб ташларди.

Тегирмондан ҳайдалган Давидка тун бўйи Валетнинг ҳужрасида ўтирарди; Валет кўзларини чақнатиб:

— Йў-ў-ўқ, ҳали шош-май-тур! Яқинда ҳаммасининг пайи қирқилади! Уларга битта революция камлик қилади,— дерди.— Бир минг тўққиз юз бешинчи йил яна қайтиб келар, ўшанда аламдан чиқамиз! А-лам-дан чи-қа-миз!..— деб мертик бармоқлари билан таҳдид қилар ва кифтига ташланган пиджагини тўғрилаб қўярди.

Аммо қишлоқда кунлар кетидан тунлар, ҳафталар кетидан ойлар бирин-кетин ўтиб турар, шамол эсганда ғувиллаган тоғ—ҳавонинг яхши келишидан дарак берар, Дон эса шишадек мусаффо ва тиниқ сунбула сувларини шошилмай денгиз томон оқизиб борарди.

IV

Октябрь ойининг охирларида, якшанба куни Федот Бодовсков станицага жўнади.

Боқиб семиртирган тўрт жуфт ўрдакни қопга солиб олиб, бозорга элтиб сотди; дўконга кириб хотинига гулдор чит олди-да, эндигина жўнамоқчи бўлиб турганда (бўйинчага оёғини тираб, бўйинча боғни тортаётган маҳалда), ёнига нотаниш, бегона бир одам келди.

— Саломатмисиз? — деб сўрашди у қорайган бармоқларини қора шляпасига тегизиб.

— Шукур,— деди Федот қисқагина қилиб, қийиқ кўзларини қисиб.

— Сиз қаердан бўласиз?

— Қишлоқдан, бу ерлик эмасман.

— Қайси қишлоқдан?

— Татарскдан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бегона одам, устига қайиқ сурати солинган кумуш портсигарини чўнтагидан олди-да, Федотга папирос тутиб, суриштира бошлади:

— Қишлоғингиз каттами?

— Раҳмат, ҳозир чекувдим. Бизнинг қишлоқми? Ҳа, жуда катта. Камида, уч юз уй бор чиқар.

— Черков борми?

— Бўлмасам-чи.

— Темирчилар борми?

— Тақачиларни айтасизми? Тақачилар ҳам бор.

— Тегирмонда слесарлик устахонаси борми?

Федот типирчилаб турган отининг сувлиғини солди, бегона одамнинг қора шляпасига ва ажин босган оппоқ юзини қоплаган қоп-қора соқолига нохушлик билан қаради.

— Сизга ўзи нима керак?

— Мен сизнинг қишлоғингизга кўчиб бораётибман, ўша ерда турмоқчиман. Ҳозир станица атамани олдидан чиқдим. Аравангиз бўш қайтадими?

— Бўш қайтади.

— Мени ола кетмайсизми? Лекин ёлғиз эмасман, хотиним бор, саккиз пуд келадиган икки сандиқ юкимиз ҳам бор.

— Ола кетсам бўлади.

Федот икки сўлкавойга байлашиб, аравани ҳайдаб, Фроська бўлкапазникига борди, гаплашган одам унинг уйига тушган экан. Нозикдан келган малла соч хотинини аравага ўтирғизди, сандиқларини орқа томонга жойлаштирди.

Арава станицадан чиқди. Федот лабларини қимтиб, пакана чайир отига ўрма қамчисини ўхталар, ясси энсалик бошини буриб қарар; сўз сўрагуси келар эди. Эру хотин унинг ортида камтарлик билан индамай ўтиришарди. Олдин Федот папирос сўради, сўнгра:

— Бизнинг қишлоққа қаердан кўчиб келяпсиз? — деди.

— Ростовдан.

— Ўшоғлиқ бўласизми?

— Нима дедингиз?

— Асли қаерликсиз деб сўраяпман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳа-ҳа, ўшоғлик, ростовлик.

Федот бошини кўтариб, олисдаги бурганзорга қаради: Гетман йўлининг этаги адирга туташиб кетган, йўлдан ярим чақирим четроқда, адирнинг энг дўнг жойидаги қовжираган бурганзор ичида қимирлаб юрган тувалоқларнинг бошларини унинг ўткир қийиқ кўзлари кўриб қолди.

— Милтиғимиз йўқ-да, бўлмаса, аравани ўша томонга бурардим. Ҳув ана, юришибди...— деб бармоғи билан кўрсатиб, хўрсиниб қўйди.

— Кўрмаяпман,— деб иқрор бўлди кўзлари жимирлашиб кетган йўловчи.

Тувалоқлар жарга тушиб кетгунча Федот тикилиб турди, сўнгра орқасида ўтирган одамларга бурилиб қаради. Эри ўрта бўйли, қотмадан келган одам бўлиб, бурнининг гўштдор қаншарига яқин кўзлари чақнаб турарди. Гапирганда тез-тез кулиб қўярди. Хотини жун рўмолга ўралиб олиб мудрарди. Федот унинг юзини кўра олмади.

— Бизнинг қишлоққа кўчиб келишга сизни нима мажбур қилди?

— Мен слесарман, устахона очсам дейман. Дурадгорлик ҳам қўлимдан келади.

Федот ишонқирамай, унинг хапқат қўлларига кўз ташлади. Йўловчи ҳам буни пайқаб:

— Бундан ташқари, «Зингер» ширкатининг агентиман, тикув машиналарини тарқатаман,— деб қўшиб қўйди.

— Исми насабингиз ким бўлади?— савол берди Федот қизиқсиниб.

— Менинг фамилиям Штокман.

— Мундан чиқди, рус эмас экансиз-да.

— Йўқ, русман. Бобом латишлардан экан.

Орадан сал ўтмай, Федот, слесарь Штокман Иосиф Давидовичнинг аввал «Оқсой» заводида ишлаганини, сўнгра қаердадир Кубанда, ундан сўнг шарқи-жанубий темир йўл устахонасида ишлаганини билиб олди. Бундан ташқари, сўраганнинг айби йўқ дегандек, унинг ҳаётидаги анчагина икир-чикирлардан хабардор бўлди.

Хазинага қарашли ўрмонга етганларида гаплари

www.ziyouz.com kutubxonasi

тугади. Йўл ёқасидаги чашма-қудуқдан Федот отини суғорди, араванинг тақир-туқуридан, йўл азобидан чарчаб, мудрай бошлади. Қишлоққа беш чақиримча қолган эди.

Федот тизгинни аравага боғлаб қўйди-да, оёқларини осилтириб, жойлашиб ётиб олди, бироқ ухлай олмади.

Ўтирган ўрнида сакраб-сакраб тушаётган Штокман:

— Қишлоқда тирикчилик қалай?—деб сўраб қолди.

— Ёмон эмас, кунимиз ўтяпти.

— Умуман, казаклар турмушидан розими?

— Баъзиси рози, баъзиси йўқ. Беш қўл баравар эмас.

— Шундоғ, шундоғ...— деб маъқуллади слесарь. Бир оздан кейин у яна оғиз очиб, тагдор қилиб, ғалати-ғалати саволлар бера бошлади:

— Демак, казаклар ўзига тўқ дегин?

— Ҳа, тўқ.

— Аскарий хизмат оғирлик қилмайдими?

— Хизматми?.. Ўрганиб қолганмиз, бироқ, энди яйрайман деганингда хизматга бориш керак бўлади.

— Ҳамма нарсани казаклар ўз ёнидан қилишади, шуниси ёмон.

— Нимасини айтасиз...— Федот қизиша бошлади ва ҳадиксирагандай, юзини ўгириб олган аёлга қараб қўйди.— Бу бошлиқлар бошга битган бало... Хизматга бораман деб, ҳўкизларимни сотиб, битта яхши от олувдим, уни ярамайди дейишди.

— Ярамайди дейишди? — деб ёлғондакам таажжубланди слесарь.

— Бутунлай ярамасмиш! Оёғи майиб эмиш. У деб кўрдим, бу деб кўрдим: «Ахир ўйласангиз-чи, оёғи пойгачи арғумоқнинг оёғидек, фақат бу от хўрозчасига йўрғалашга ўрганган... Хўрозчасига қадам ташлайди», деб худонинг зорини қилдим. Йўқ, тан олишмади. Бу аҳволда хонавайрон бўламиз-ку...

Суҳбат қизиб кетди. Федот аравадан ирғиб тушди-да, қишлоқ аҳолисининг аҳволидан ҳасрат қила бошлади, пичанзорни нотўғри тақсимлагани учун

www.ziyouz.com kutubxonasi

қишлоқ атаманини сўкди, аскардалик вақтида уларнинг полки Польшада турганини айтиб, у ернинг тартибларини мақтаб кетди. Слесарь бир-бирига яқин кўзларини қисиб, арава ёнида юриб бораётган Федотга разм солиб қарар, ҳалқа ўрнатилган суяк мундштукдан тамаки чекар ва дам-бадам кулимсираради; аммо оппоқ пешонасининг бурушиқлари ўйнаб турар, гўё аллақандай яширин фикрлар уни ҳаракатга келтираётгандай бўларди.

Кечга яқин қишлоққа кириб келишди.

Федотнинг маслаҳатига кўра Штокман, тул хотин Лукешка Поповага йўлиқди-да, унинг хонасини ижарага олди.

Федотнинг чиқишини дарвоза олдида кутиб турган қўшни хотинлар:

— Станицадан кимни олиб келдинг?— деб сўрашди.

— Агентни.

— Агетинг нимаси?

— Вой эси пастлар-эй! Агент деяпман, машина сотар экан. Чиройлиларга текинга берар экан, лекин Марья хола, сенга ўхшаш хунукларга нақд пулга сотар экан.

— Ўзинг-чи, кана боскан рўдапо, ўзинг чиройлимисан? Қалмоқ башара тавия!.. Афтингни олисдан кўриб қолса, от ҳуркиб кетади.

Федот уларнинг ёнидан кетар экан, ҳазиллашиб:

— Қалмоқ билан татар даштнинг ҳусни бўлади, хола, кўп тил тегизаверма!..— деди.

Слесарь Штокман тили узун ва ғилай Лукешканинг уйига жойлашди. У бошини ёстиққа қўймай туриб қишлоқдаги хотинларга гап топилиб қолди.

— Эшитдингми овсин?

— Нимани?

— Федот-қалмоқ бир немисни обкепти.

— Йўғ-э!

— Биби Марям урсин, рост! Шляпа кийиб опти, фамилияси Штопол ё Штокал...

— Миршаб бўлсамикан?

— Ширкатдан эмиш, ўргилай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўғе-е-е, бекор гап, овсинлар. Ўзи булгахтерлик қилармиш, Панкратий ҳазратнинг ўғлидай.

— Пашка, югуриб бориб, «хола, келган одам ким?» деб Лукешкадан сўрагин-чи.

— Дарров бориб кел, қўзичоғим?

Эртаси куни янги келган одам қишлоқ атаманига бориб учрашди.

Уч йилдан бери атаманлик чўқморини қўлдан бермай келган Федор Маницков, унинг қора клеёнка қоплаган паспортининг орқа-ўнгини айлантириб, синчковлаб қараб чиқди, ундан кейин мирзаси Егор Жарков ҳам олиб кўрди. Иккиси бир-бирига қараб олгандан кейин, атаман эски вахмистрлик одати бўйича қўлини пахса қилиб:

— Майли, юравер,— деди.

Келган одам таъзим қилиб чиқиб кетди. Бир ҳафтагача қорасини кўрсатмади, худди инига беркинган юмронқозиқдай, уйидан бош суқиб кўчага чиқмади. Тарақ-туруқ болта чопиб, ёзги бостирма остига устахонасини қура бошлади. Хотинлар илгариги ҳовуридан тушиб, унга қизиқмай қўйишди, фақат болалар ҳар куни саҳардан кечгача четанга осилиб олиб, бегона одамни томоша қилганлари қилган эди.

V

Покров ҳайитидан уч кун бурун Григорий хотини билан қўш ҳайдагани кетди. Пантелей Прокофьевич бетоб эди; бел оғриқ дардидан оҳ-воҳ қилиб, ҳассага суяниб, қўшчиларни кузатгани чиқди.

— Гришка, Қизил жарнинг орқасидаги ўша икки тахта шудгорни ҳайдагин, болам.

— Хўп бўлади. Толзорнинг остидаги анави бир бўлак ерни нима қилай?— деб шивирлаб сўради бўйни боғланган Григорий; балиқ овида томоғи шамоллаб хириллаб қолган эди.

— У ер Покровдан кейин ҳайдалади. Ҳозирчалик шу ёғи етади. Қизил жарнинг ости беш-олти ботмон келади, ҳазилми, болам?

— Петро келиб қарашадими?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Петро Дашка билан тегирмонга боради. Бугун-эрта ун тортиб олмасак, кейин навбат тегмай қолади.

Ильинична Натальянинг қўйнига янги пиширилган бўғирсоқларни солиб шивирларди:

— Дуняшкани ҳам ола кетасизларми? Ҳўкиз етаклашарди.

— Икковимиздан иш ортмайди.

— Ўзингга эҳтиёт бўл, болам. Худога топширдим.

Дуняшка икки букилиб, бирталай ҳўл кирни кўтариб, Донда чайқаш учун кетаётган эди.

— Наташка, барака топкур, менга Қизил жардан чумчуқ тили териб ола кел!— деди у.

— Хўп, хўп, опкеламан.

— Бас, овозинг ўчкур!— деб Пантелей Прокофьевич ҳассасини Дуняшкага ўқталди.

Уч жуфт ҳўкиз тескари осилган омочларни судраб, кузги гаримселдан ва қурғоқчиликдан қақраб қотиб кетган ерни чизиб борар эди. Григорий бўйнини қисган рўмолчани дамба-дам тузатар, йўталайўтала йўл ёқасидан борарди. Наталья тўрвага солинган овқатларини орқалаб, унинг ёнида келарди.

Қишлоқнинг у ёғидаги даштда ажойиб сукунат ҳукм сурар, сайхонликнинг нари ёғида, дўнг орқасида одамлар «чув-чув» деб, плуг билан ер ҳайдар эди. Йўл бўйларида эса пастаккина ўсган кул ранг шувоқвор, қўйлар каллаклаб кетган ёввойи беда, таъзим қилгандай энгашиб қолган какра ўсиб ётар, шишадай мусаффо салқин осмон қўйнида рангба-ранг мезон иплари учиб юрарди.

Қўшчиларни жўнатгандан кейин, Петро билан Дарья тегирмонга бориш тараддудига тушиб қолдилар. Омборхона шипига чош-ғалвирни илиб қўйиб, Петро буғдой элашга тушди. Дарья тозаланган донни қопга солиб, аравага чиқариб турди.

Пантелей Прокофьевич аравани қўшди, от абзалларини тузатиб қўйди.

— Бўлай дедиларингми?

— Ҳозир,— деб жавоб берди Петро омборхонадан туриб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Тегирмон тирбанд, ҳовли аравага лиқ тўлган. Тарози олдида ур-йиқит. Петро тизгинни Дарьяга бериб, аравадан сакраб тушди.

— Менинг навбатим яқинлашдимми?— деб сўради у тарози ёнидаги Валетдан.

— Ҳовлиқма ҳали.

— Нечанчи номер тортяпти?

— Ўттиз саккизинчи

Петро қопларини олиб келгани эшикка чиқиб кетди. Шу пайтда тарозихонада жанжал чиқиб қолди. Аллақандай хириллаган бир одам заҳрини сочиб:

— Навбатингни ўтказиб юбориб, энди келдингми? Қоч, хохол, йўқса солиб қоламан!— деб акиллар эди.

Петро сўкинаётган одамнинг Яков Тақачи эканини овозидан таниб, қулоғи диккайди. Тарозихонада борган сари шовқин зўрайиб, эшикдан бемалол эшитиларди.

Тарс этган овоз келди, сўнгра, қора шапкаси қийшайиб кетган ўрта яшар, сергоқол тавричан[1] эшикдан отилиб чиқди.

— Нега урасан?— деб чинқирди у чаккасини ушлаб.

— Кекирдагингни суғуриб оламан!..

— Ҳап сенимм, шошмай тур!

— Микихвор, баққа кел!..

Яков Тақачи (аскарий хизматда юрганда от тақаларди; бир куни от ўйноқилаб, башарасига тепган, ўшанда бурун кемирчаги синиб, лаби ёрилган, бетига тақа изи тушиб қолган эди; яраси битиб кетса-да, лекин ўрни кўкариб, мих излари қора-қора хол бўлиб қолди, шу воқиадан кейин унга «Тақачи» деган лақаб қўйилган эди), чорпахилдан келган мард тўпчи—енгларини шимариб, югурганича ҳовлига

---

[1] Дон атрофидаги казаклар украинларни тавричанлик деб аташарди, уларнинг ота-боболари Екатерина II нинг буйруғига мувофиқ Қримга, яъни Таврияга яқин жанубий ерлардан кўчириб келтирилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиқди. Пушти ранг кўйлак кийган новча тавричанлик орқадан келиб туширди. Тақачи гандираклаб кетди, лекин йиқилмай туриб қолди

— Биродарлар, казакларни дўппослашяпти!

Тегирмон эшигидан казаклар ҳамда бутун бошлиқ қишлоғи билан келган тавричанлар бир-бирини итариб, аравалар тирбанд бўлган ҳовлига югуриб чиқаверди.

Қатта эшик олдида муштлаш бошланди, ёпирилиб чиқаётган одамларнинг зарбидан эшик қарсиллаб кетди. Петро қопни ташлади-да, бир йўталиб олиб, тегирмон томон бедана юриш қилиб кетди. Арава устидаги Дарья бўйнини чўзиб қаради: Петро ўзига дуч келганларни йиқитиб, тўполоннинг қоқ ўртасига кириб кетганини кўриб қолди; уни одамлар муштлай-муштлай, деворга тираганларини, сўнгра ерга ётқизиб тепкилай бошлаганларини пайқагач, Дарья «оҳ!» деб юборди. Митька Коршунов машина хонанинг муюлишидан билакдай темирни салонглатиб югуриб чиқиб қолди.

Тақачини орқадан келиб урган ҳалиги тавричан оломон орасидан отилиб чиқди, йиртилган пушти ранг енги синган қанотга ўхшаб, елкасида пириллаб учиб турарди. Тавричан икки букчайиб, биринчи араванинг ёнига етиб борди-да, от ёғочни шартта суғуриб олди. Тегирмон қўраси устида хириллаган овозлар сузиб юрарди.

— Ҳа-ҳа-а-а-а...

— Ху-у-у-у...

— Ва-а-а-ай-я!..

Қарс-қурс. Тарақ-туруқ. Дод-вой. Шов-шув...

Уч оға-ини Шумилинлар уйларидан чопиб келишди. Қўли чўлтоқ Алексей, эшик олдида аллаким ташлаб кетган тизгинга ўралишиб йиқилиб тушди; кейин ирғиб турди-ю, чап қўлини қорнига маҳкам босиб, зич турган аравалларнинг от ёғочлари устидан сакрай-сакрай ўтиб олди. Укаси Мартиннинг оқ пайпоқ ичига суқилган чалвар почаси чиқиб кетган эди; эчгашиб чалварини тузатмоқчи бўлди-ю, лекин шу пайт тегирмон томондан чинқириқ овози эшитилди. Аллакимнинг фарёди томдан ошиб тутундай кўкка кўта-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рилди. Мартин қаддини ростлаб, Алексейнинг кетидан чопди.

Дарья арава устида нафаси тиқилиб, тоқатсизланиб қараб турарди; ҳамма ёқни хотинларнинг қийчуви босиб кетган, отлар қулоқларини чимирар, ҳўкизлар аравага суйканиб бўкиришарди... Ранги ўчган, қони қочган Сергей Платонович лабларини қимтиб ўтиб кетди, унинг дум-думалоқ қорни нимчаси остида селкилларди. Дарья Митька Коршуновни дабдаласи чиққан пушти ранг кўйлакли тавричан от ёғоч билан уриб қулатганини кўриб турди. Тавричаннинг ўзи ҳам қўли чўлтоқ Алексейнинг зарбига бардош беролмай чалқанчасига қулаб, ажралиб кетган ёғочни қўлидан тушириб юборди. Алексей қўрғошиндек мушти билан гарданига бир уриб уни сулайтирди; жангда йиртилган ранг-баранг кийимлар Дарьянинг кўз ўнгидан лип-лип ўтиб турарди. Митька Коршунов чўккалаб туриб, ёнидан ўтиб бораётган Сергей Платоновични темир болт билан тушириб қолганда ҳам Дарья ҳеч таажжубланмади; хўжайин қўлларини кериб қулади-да, эмаклаб, орқасига, тарозихонага тислана бошлади; лекин уни чалқанчасига ётқизиб, роса тепкилашди... Дарья жинни сингари хохолаб кулар, қоп-қора бўялган камон қошларини ўйнатарди. Петрога кўзи тушиб, кулишдан тўхтади; эри гандираклаб, ҳайқирган, чайқалиб турган оломон орасидан зўрға чиқиб олди-да, қон туфлаб, арава тегига ўзини ташлади. Дарья дод-вой солиб, унинг ёнига югурди. Қишлоқ томондан таёқ кўтарган казаклар чопиб келишаверди, биттаси узун ломни дастасидан ушлаб олган эди. Ур-йиқит овжига чиқиб, борган сари зўраяр эди. Бу тўполон маст одамларнинг қовоқхона олдидаги ёки масленица байрамидаги муштлашига сира ўхшамасди. Тарозихона эшиги олдида боши мажақланган ёшгина бир тавричан ётарди; унинг оёқлари чўзилиб қолган, боши қоп-қора қонга беланган, қон қотиб қолган, сочлари юзига ёпишган, ёруғ дунё билан видолашаётгани кўриниб турарди...

Қўй сингари ғужжа бўлиб олган тавричанларни казаклар донхонагача суриб боришди. Агар бир тавричан чол орага кирмаганда иш пачава эди: у чопиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

бориб, донхонага кирди-да, чала ёнган ўтинни печдан олиб, ҳовлига чиқди. Югурганича омборхона томонга қараб юрди; омборхонада минг пуддан ортиқ тортилган ун турарди. Унинг қўлидаги ўтиндан тутун бурқсаб, кун ёруғида ҳам дуд орасидан учқун сачрагани кўринарди.

— Ўт қўйворама-а-а-ан!— деб ҳайқирди чол овози борича, шатирлаб ёнаётган ўтинни қамиш ёпилган томга чўзиб.

Қазакларнинг капалаги учиб, турган жойларида қотиб қолишди. Шарқдан эсган қуруқ шамол тутунни омборхона томидан орқага, тўпланиб турган тавричанлар томонга учирарди.

Қоқ қуриб ётган томдаги қамишга биттагина учқун тушса, бутун қишлоқ ўт ичида қолиши турган гап эди...

Қазаклар орасидан ғўнғирлаган бўғиқ овозлар эшитилди. Баъзилари орқаси билан юриб, тегирмонга тислана бошлади, лекин чол ёниб турган ўтинни салонглатар, кўм-кук тутун ичидан ўт сачрар эди.

— Ўт қўяман! Ёндирама-а-а-ан! Ҳозир ҳовлини бўшат!— деб бақирди чол.

Дастлаб, тўполоннинг бош сабабчиси, юзи мўматалоқ бўлган Яков Тақачи тегирмон ҳовлисидан чиқиб кетди. Унинг кетидан бошқа казаклар ҳам шошиб-шошиб чиқа бошладилар.

Тавричанлар қопларини ташлаб, отларини қўшишди ва аравада тикка туриб, тизгинларини силкитиб, отларини қамчилашди, тегирмон ҳовлисидан чиқиб, аравалари шалдиратганича жўнаб қолишди.

Қўли чўлтоқ Алексей ҳовлининг ўртасида турар, учи тугилган енг ичидаги чўлтоқ қўли қорни устида қалт-қалт қилар, чап кўзи билан чап бети учиб турарди:

— Казаклар отланинглар!..

— Орқаларидан қувиш керак!..

— Дўнгдан ошиб ўтиб кетолмайди!

Митька Коршунов якка кифт бўлиб ҳовлидан чиқди. Тегирмон олдига тўпланган казаклар орасида яна олаговур кўтарилди, лекин шу пайтда, илгари ҳеч ким кўрмаган, қора шляпа кийган нотаниш бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

одам машинахона томондан тез-тез юриб етиб келди; ўткир, синчков кўзларини оломонга югуртиб, қўлини кўтарди:

— Шошманглар!

— Кимсан ўзинг?— деб сўради Тақачи қошларини пирпиратиб.

— Қайси гўрдан келдинг?

— Уни қара-я!

— Ие!

— Хо-о-о?..

— Сабр қилинг, оғайнилар!..

— Сенинг оғайнинг ит — итнинг оғайниси бит.

— Мужик!

— Чипта кавуш!

— Яша, тумшуғига тушир!

— Кўзига ур!.. Чақчайган кўзларига!..

Нотаниш одам дўқлардан қўрқмай, уялган кишидай жилмайди, шляпкасини олиб пешонасини артди, ҳаммани кулгу билан енгди...

Икки букланган шляпаси билан у, тарозихона эшиги олдидаги қоп-қора қонга бўялган ерни кўрсатиб:

— Ўзи нима гап?— деб сўради.

— Хохолларни дўппосладик,— деб мулойим жавоб қилди қўлсиз Алексей; унинг юз-кўзи яна пирпираб кетди.

— Нима учун урдингиз?

— Навбат талашиб. Олдинга ўтмасин-да,— деди Тақачи олдинроққа чиқиб ва бурнидан оққан қон аралаш мишиғини енги билан суртди.

— Умрбод эсларидан чиқмайдиган қилдик!

— Эҳ, кетларидан қувиб бориш керак эди-да... Даштда ўт қўядиган нарса йўқ.

— Бекорга чолдан қўрқиб юрибмиз, балки ўт қўймас эди, а?

— Чолнинг авзойи бузуқ эди, шартта ўт қўйиб юбориши ҳам турган гап.

— Хохоллар ўлгудай баджаҳл бўлади,— деб мийиғида кулди Афонька Озеров.

Нотаниш одам шляпаси билан унга имлади:

— Ўзинг кимсан?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Афонька жиркангандай, кемшук тишлари орасидан «чирт» эткизиб туфурди ва тупуги бориб тушган ерга қараб турди-да, кейин оёғини кериб:

— Мен-ку казакман, сен ўзинг лўлилардан эмасмисан?— деб сўради.

— Йўқ. Сен билан мен — иккимиз ҳам рус бўламиз.

— Бекор айтибсан!— деди Афонька чертиб.

— Казаклар руслардан тарқаган. Биласанми буни?

— Сен менга ўргатма, казаклар — казаклардан тарқаган.

— Қадимги замонда крепостнойлар помешчиклардан қочиб, Дон бўйига келиб жойлашган, ана шуларни казак деб атаганлар.

Чўлтоқ Алексей ўзини зўрга босиб, шишган панжаларини қисиб, жаҳл аралаш:

— Қани, йўлингдан қолма, биродари азиз, дарров туёғингни шиқирлатиб қол,— деди кўзларини пирпиратиб.

— Кўчиб келган дейди-я, аблаҳ!.. Вой, ҳароми-э, казакларни мужикка қўшиб қўяяпти-я!

— Бу ўзи ким? Афанасий, сен биласанми уни?

— Ким билади дейсан, қайси куни кўчиб келувди. Лукешка ғилайникида ижарага ўтирибди.

Тавричанларни кетидан қувиб бориш пайти қўлдан кетган эди. Казаклар ҳозиргина рўй берган тўполон тўғрисида баҳслашиб, уй-уйларига тарқала бошладилар.

* * *

Кечаси қишлоқдан саккиз чақрим наридаги даштда қалин жун чакмонга ўралиб олган Григорий диққат бўлиб, Натальяга дер эди:

— Сен худди етти ёт бегонага ўхшайсан, Наталья! Худди анави ой сингари одамни на совутасан, на иситасан. Сени севмайман. Наташа, хафа бўлма! Мен бу тўғрида оғиз очмоқчи эмасдим, ростини айтсам, бирга туришимиз қийинга ўхшайди. Сенга ачинаман, холос, чунки шу кунларда бир-биримизга анча ўрганиб қол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дик, лекин кўнгилсизман... кўнглим мана шу даштдай бўм-бўш...

Наталья юлдузлар чароқлаган поёнсиз осмонга, хаёлот сингари сузиб ўтаётган булутга тикилар, чурқ этмасди. Зулмат ичидаги ҳавода баландлаб учган турналар қўнғироқдай овозлари билан кейинда қолган шерикларини чақиришарди.

Қовжираган ўтлардан кўнгилни ғаш қиладиган қўланса ҳид келарди. Аллақайси адир тепасида қўшчилар қалаган гулхан олови йилтираб кўринарди...

Григорий тонг қоронғисида уйғониб кетди. Чакмони устига тўрт энлик қор тушган эди. Бутун дашт янги ёққан оппоқ қор кўрпасига бурканган, арава атрофидаги қор устига қуён излари тушиб қолган эди.

VI

Агар бирор казак Миллерово йўлида ёлғиз-якка, йўлдошсиз кетаётган бўлса-ю, дуч келган украинларга йўл бўшатмаса, украинлар уни дўппослашарди (украинларнинг қишлоқлари Нижне-Яблоновскийдан то Миллеровогача чўзилган етмиш беш чақирим келадиган жойни эгаллаган эди). Шунинг учун ҳам, казаклар станцияга бормоқчи бўлишса, бир неча киши тўпланиб, бамаслаҳат жўнашарди ва даштда учраган украинларни тап тортмай сўкаверишарди. Қадимдан аҳвол шу эди.

— Ҳой, хохол, йўлни бўшат! Казаклар юртида яшайсан-у, тағин йўл бергинг келмайди-я, падар лаънат!

Дон ёнидаги Парамонов ғалла пунктига буғдой ортиб келган укаринларнинг шўри қурур эди. Бу ерда бекордан-бекорга муштлаш бошланарди, чунки у «хохол», «хохол» бўлгандан кейин уни дўппосламаса, казакнинг хумори босилмайди.

Бир эмас, бир неча аср муқаддам устомон бир қўл казаклар юртига қабилавий низо уруғини сочган, уни ундириб, хўб парвариш қилган эди, натижада бу уруғ мўл-кўл ҳосил берди: ур-йиқитларда казак-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар қони ва кўчиб келган руслар, украинларнинг қони тўкиларди.

Тегирмондаги муштлашишдан икки ҳафта ўтгач, пристав билан терговчи қишлоққа кириб келишди.

Дастлаб Штокманни сўроққа чақиришди. Асл-насаби казак дворянларидан бўлган ёшгина терговчи портфелини титкилаб сўрай бошлади:

— Бу ерга келмасдан бурун қаерда турардингиз?

— Ростовда.

— Бир минг тўққиз юз еттинчи йилда нима учун турмада ўтириб чиққан эдингиз?

Штокман олдин терговчининг портфелига, сўнгра қасмоқ босган сочининг қия очилган фарқига кўз ташлади.

— Тартибсизликлар учун.

— Ҳм... Ўша вақтда қаерда ишлардингиз?

— Темир йўл устахонасида.

— Касбингиз?

— Слесарь.

— Жуҳуд эмасмисиз? Ёки чўқинганларданмисиз?

— Йўқ. Менинг фикримча...

— Сизнинг фикрингиз билан ишим йўқ. Сургунда бўлганмисиз?

— Ҳа, бўлганман.

Терговчи портфелдан бошини кўтарди, мўйлови олинган, иссиғлик тошган лабларини қимирлатиб тамшаниб:

— Сизга бу ердан жўнаб кетишни маслаҳат бераман...— деди, кетидан:— Бу ишни ўзим бир ёқлик қиламан,— деб ўзича минғиллаб қўйди.

— Сабаби нима, жаноби терговчи?

Лекин терговчининг ўзи савол бериб қолди.

— Тегирмонда тўполон бўлган куни казаклар билан нима тўғрисида гаплашдингиз?

— Ҳақиқатда мен...

— Бас энди, сизга жавоб.

Штокман Моховлар уйининг айвонига чиқди (келган амалдорлар қўшхонага бормай, ҳамиша Сергей Платоновичникига тушарди), кифтини қисиб, сирланган, ўймакор эшикка қаради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

VII

Қиш кеч кирди. Ёққан қор Покров байрамидан кейин эриб кетди, яна подалар далага қўйиб юборилди. Бир ҳафтагача жанубдан ел туриб, кун илиди, ер бўшашди, ях қайтди; далани яна майса қоплай бошлайди.

Ҳаво шу илиганча, Михаил байрамигача туриб берди, кейин бирданига қор ташлаб, қаттиқ совуқ тушди; аёз кундан-кунга кучайди, кейин яна бир қарич қор ёғди; Дон ёқасидаги ҳувиллаб қолган полизларнинг четан деворлари қорга кўмилиб, қор устида қизлар тиккан санама гулга ўхшаш қуён излари тушиб қолди. Кўчалар кимсасиз, танҳо эди.

Қишлоқ устида тезак тутуни сузиб юрар, йўл бўйидаги кул тепалар атрофида захчалар уймалашарди. Кўча бўйлаб қор устида, ранги ўнгган кўкиш лентага ўхшаш, чана изи тушган эди.

Бир куни майдонда йиғин бўлди: ўтин кесиш, тўқайни тақсимлаш пайти келган эди. Пўстинга ўралган одамлар қор босиб, пиймаларини ғарчиллатиб, маҳкама зинапояси олдида тўпланишиб турар эди. Аёз ҳаммани маҳкама ичкарисига ҳайдаб киргизди. Атаман билан мирзанинг икки ёнига, стол атрофига оппоқ, кумуш соқол муътабар қариялар жойлашди, мошкичири соқол ва ёшроқ казаклар пойгакда тиқилишиб турар, қўсқа пўстинларининг иссиқ ёқалари орасидан ғўнғиллаган овозлари эшитиларди. Мирза катта-катта қилиб ёзар, атаман унинг елкасидан қоғозга қараб турар эди. Совиб қолган маҳкама ичи гувур-гувур:

— Бу йилги пичан...

— Ҳа, рост... ўтлоқ — баҳарнав, лекин даштдаги қашқабедадан наф йўқ.

— Қадимлари моллар Рождествогача ўтлаб юраверарди.

— Қалмоқларга худо берди!

— Ҳа-я.

— Атаманнинг бақбақасига қарагин, семизлигидан бўйнини буролмайди!

— Тўнғиз тош ютса — ош бўлаверади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳой қуда, қишни ҳуркитмоқчимисан? Пўстинингни қара-ю!

— Лўли пўстинини сотган.

— Лўли деганинг қантароқда ҳам даштда тунайверади, устига ёпадиган нарсаси йўқ — тўрга ўралиб ухлайверади, кечаси совқотиб уйғонади, тўр катагидан секин бармоғини чиқариб кўрайди-да, онасига: «Ҳу, энажон-эй, ҳовли бирам совуқ экан-ки!..»— дейди шўрлик.

— Худо асрасин, тайғоқчилик бўладиган кўринади.

— Ҳўкизларни тақалашга тўғри келади.

— Анави куни Алвасти чакалакда сандип тол кесувдим, заб етилибди-да.

— Захар, иштонбоғингни боғлаб ол, совуқ уриб кетса, хотинингдан балога қоласан.

— Менга қара, Авдеевич, жамоа буқасини ҳалиям сен боқяпсанми?

— Боқишдан бош тортдим. Буқа Паранька Мрихинага ўтиб кетди... «Мен беваман, овуниб юрай» дейди. Олақол, дедим, агар бола бўлиб қолса...

— *Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!*

— Хо-хо-хо!

— Жаноб қариялар! Ўтин кесиш хусусида нима дейсиз?.. Жим!

— Мабодо, бола бўлиб қолса, доялиққа мени чақирарсан, дедим...

— Жим! Илтимос қиламиз, жим бўлинглар!

Йиғилиш бошланди. Атаман тер босган чўқморини силаб, рўйхатдагиларнинг фамилиясини бақириб ўқир, соқолида қотиб қолган яхларни жинжилоғи билан кўчирар, аъзойи-баданидан буғ кўтариларди. Орқа томондаги очилиб-ёпилиб турган эшикни буғ ўраб олган, одамлар ғуж бўлиб олиб чуғиллашар, қаттиқ бурун қоқишарди.

— Пайшанба куни ўтин кесишга тушолмаймиз!— деб бақирди Иван Томилин, атаманнинг товушини босиб тушишга уриниб. Иван артиллеристча кўк фуражкали бошини бир ёққа қийшайтириб олиб, қизарган қулоғини ишқалай бошлади.

— Сабаб?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳой, тўпчи, қулоғингдан ажраласан!

— Ҳўкизнинг қулоғини улаб берамиз.

— Пайшанба куни қишлоқнинг ярми қирдаги пичанга жўнамоқчи. Топган вақтларингни қара-я!..

— Пичанга якшанба куни борасан.

— Жаноби қариялар!..

— Бу нимаси!

— Айни пайти-да!

— Хо-хо-хо-ооо!..

— Хе-е-е!..

Матвей Кашулин деган чол, лиқилланган стол устидан энгашиб, силлиқ сандип ҳассасини Томилинга нуқиб, тутақиб чинқирарди:

— Пичан қочмас!.. Сени қара-ю!.. Жамоат бир иш қилмоқчи бўлса, сен доим қарши чиқасан. Ҳали ёшлик қиласан, ука, тентаксан!.. Ҳа!.. Билиб қўй!.. Сени қара-ю!..

Қўли йўқ Алексей орқадаги сафдан бошини чиқарди ва кўзини учириб, тиртиқ бетини пирпиратиб:

— Ўзинг-чи? Қарисанг ҳам шу вақтгача қўшниларнинг ақли билан иш қиласан...— деди.

Бир парча ер учун Алексей билан Кашулин чол олти йилдан бери ит-мушук эдилар. Ҳар йили кўкламда Алексей уни тутволиб урарди, ваҳолонки чолнинг қўшиб олган ери бир қулоч келмас эди.

— Овозингни ўчир, тиртиқ!

— Аттанг-ки, узоқдасан — бу ердан қўлим етмайди-да, бўлмаса, бир уриб оғиз-бурнингни қопқора қон қилардим-қўярдим.

— Вой, сени қара-ю! Вой чўлтоғ-э!..

— Бас қилинглар ҳой, мунча ғижиллашасиз?..

— Кўчага чиқиб уришинглар. Нафсиламр...

— Қўй энди, Алексей, чолга қара, сочлари ҳурпайиб кетди, телпагини ҳам кўтариб юборди.

— Тўполон қилганларни турмага жўнатаман!..

Атаман мушт билан столни урди.

— Ҳозир миршаб чақираман! Овозингни ўчир!..

Ғовур-ғувур товушлар охирги қаторгача етиб бориб, кейин тинди.

— Пайшанба куни тонг отди деганда, ҳамма ўтин кесишга чиқади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сиз нима дейсиз, қариялар?

— Жуда соз!

— Худо ёр бўлсин!

— Эндиги ёшлар кексаларга унча қулоқ солишмайди.

— Қулоқ солмай кўрсинлар-чи. Ё, адабини беришга кучимиз етмайдими?.. Менинг Алексашкам, рўзғорини бўлак қилиб қўяман десам, муштлашмоқчи бўлди, ёқамдан бўғиб олди. Мен тўсатдан тушириб қолдим. «Ҳозир атаманга айтаман, қарияларга арз қилиб, ўлгудай савалатаман...» дедим. Бирпасда ойим супургидай мулойим бўлди-қолди.

— Бундан ташқари яна бир масала бор, жаноби қариялар: станица атаманидан буйруқ келди,— атаман нафасини ростлаб олди, сўнгра бўйнини чўзиб, илон сингари бошини тўлғади, чунки мундирининг қотирма ёқаси томоғига ботиб, бўғиб қўйган эди.— Мана шу шанба куни ёшлар қасамёд этмоқ учун станицага боришлари керак. Кечқурун ҳаммаси станица маҳкамасига етиб борсин.

Эшик томондаги энг четки дераза олдида Пантелей Прокофьевич, лайлак сингари оқсоқ оёғини букиб, қудаси ёнида турар эди. Мирон Григорьевич пўстинининг олдини очиб ташлаб, дераза токчасига жойлашиб ўтириб олиб, ҳадеб мийиғида куларди. Қисқагина малла киприкларини қиров қоплаган, совуқдан юзидаги сўгалларининг қони қочиб бўзарган эди. Уларнинг ёнида бир гала ёшроқ казаклар бирбирларига имлашиб кулишарди. Тепасига зар уқали кўк мовут қопланган папахини бошига дол қўйиб кийиб олган Авдеич оёқ учида босиб ўртароқда турарди; лофчи деб лақаб олган бу одам Пантелей Прокофьевич билан тенгқур бўлса ҳам, сира қаримас, олмадай қип-қизил юзидан қон томиб турарди.

Авдеич бир вақтлар лейб-гвардия атаман полкида хизмат этган эди. Хизматга боришда фамилияси Синилин эди, қайтишда «лофчи» лақабини ортдириб келди...

Қишлоқдан дастлаб Атаман полкига олинган казак шу эди. Ёшлигида эл қатори туппа-тузук йигит эди, фақат болалигидан қолган қитдай тентаклиги

www.ziyouz.com kutubxonasi

бор эди, холос; аммо кейин унга бир бало бўлдими, хизматдан қайтгандан сўнг, биратўла ақлини еб қўйди. Келган кунлариёқ, ўзининг подшо саройида кўрсатган ажойиб-ғаройиб хизматларини, Петербургда кечирган ғалати-ғалати саргузаштларини гапириб бера бошлади. Одамлар бошда ҳанг-манг бўлиб, унинг гапларига иноний оғизларини очиб қулоқ солишди, бироқ, кейин қишлоқ бино бўлгандан бери Авдеичдай лофчини ҳеч ким кўрмагани маълум бўлди; ҳамма рўй-рост уни масхара қилиб куларди, тўқиган уйдирмаларининг миси чиқиб шарманда бўладиган хонаси келганда ҳам қизармас эди (қизарса ҳам, юзи қип-қизил бўлгани учун билинмасди), лекин шунга қарамай ёлғон гапиришини қўймасди. Еши қайтгандан кейин эс-ҳушидан батамом ажради. Айбини бўйнига қўйсанг, жаҳли чиқади, мушт кўтаради, индамай кулиб тураверсанг олиб қочаверади, калака қилганингни сезмайди.

У ўз ишига пишиқ, меҳнатчан казак эди, ҳар бир нарсага кўзи балодай етади, кези келганда қувлик ҳам ишлатади, бироқ атаман полкидаги хизматлари тўғрисида гап очилса борми, худо берди унга... эшитган одам қотиб-қотиб кулади, ичаги узилади.

Авдеич ялпайиб кетган пийма кийган, қоқ ўртада депсиниб турар эди; атрофига тўпланган казакларга разм солиб қарар ва дўриллаган овоз билан:

— Эндиги казакларнинг ҳаммаси пачоқ,— дер эди.— Жуда ушоқ, ҳеч балога ярамайди. Ҳар қанақасини пуф деб учириб юбориш мумкин. Номигагина казак...— шуни деб, жиркангандай тупуриб илжаяр, тупуги тушган ерни пиймаси билан босиб қўярди,— мен Вёшенская станицасида ўликлар суягини кўрганман, қадим ўтган казакларга қойил қолади киши!..

Аникушка кўса жўрттага ёнидаги казакни тирсаги билан туртиб қўйиб:

— Бу суякларни сен қаердан кавлаб топдинг, Авдеич?— деб сўради.

— Ҳой жўра, улуғ айём куни яқин, ёлғон гапирма — гуноҳкор бўласан.— Пантелей Прокофьевич қирра бурнини жийирди, қулоғидаги исирғасини ишқалаб қўйди. Чол бу лофчини ёқтирмасди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Биродар, мен ахир бинойи умр ёлғон гапирган эмасман,— деди Авдеич баланд келиб, кейин пиқирлаб-қотиб кулаётган Аникушкага таажжубланиб қараб қўйди.— Қайнимга уй солаётганимизда ўликларнинг суягини кўрган эдим. Пойдеворини қазётганимизда гўр чиқиб қолди. Демак, қадимги замонда ана шу черков атрофидаги, Дон яқинидаги ерлар қабристон бўлган..

— Хўш, қанақа суяклар экан?— деб рўйхуш бермай сўради, Пантелей Прокофьевич кетишга хезланаркан.

— Қўл деганинг — мана бундай,— деб узун қўлларини кериб кўрсатди Авдеич,— боши, сизга ёлғон, худога чин, дошқозондай келади.

— Сен, Авдеич, ундан кўра, Санкт-Петербургда қандай қилиб қароқчи тутганингни ёшларга сўзлаб бер,— деди Мирон Григорьевич пўстинига ўралиб деразадан тушар экан.

— Нимасини гапирай?— деб ноз қила бошлади Авдеич.

— Гапириб бера қол!

— Сўраймиз.

— Шундай бўлсин, Авдеич.

— Бўлмаса, бу воқиани бир бошдан гапириб бера қолай,— Авдеич йўталиб қўйди-да, чалваридан тамаки халтасини олди. Бужмайган кафтига бир чеким тамаки солди, кафтига тушган иккита чақани қайтариб ҳамёнга ташлади ва кулимсираб тингловчиларга назар солди.— Қалъага қамалган бир қароқчи қочибди. У ёқни қидиришибди, бу ёқни қидиришибди — топишолмабди. Излайвериб ҳукумат одамларининг оёғида оёқ қолмабди. Ерга кирдими, осмонга учдими — ҳеч ким билмайди! Кечаси мени қоровул боши офицер чақиртирди, бордим... Ҳа... «Дарров инператор ҳазратларининг ҳузури олийларига борғин,— дейди,— сени... подшойи аъзам — инператор ўзлари чақиряптилар»— дейди. Юрагим шиғ этиб кетди, олдиларига кирдим. Честь бериб, қотиб турдим, олий ҳазрат ўз қўллари билан кифтимга қоқиб: «Гап шундай Иван Авдеич,— дедилар,— инпериямизнинг энг биринчи душмани қалъадан қочибди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ер остидан бўлса ҳам топиб келасан, топмасанг — кўзимга кўринма!»— дедилар.— «Бажонидил инператор олий ҳазратлари»,— дедим. Ҳе-е-ей, биродарлар, мушкул иш бошимга тушди денг... Подшо отхонасига кириб, аслзод арғумоқлардан учтасини танлаб олдим-да, хайт деб жўнаб қолдим.— Авдеич тамакисини тутатиб, тингловчиларнинг энгашган бошларига кўз қирини ташлаб қўйди, сўнгра қизишиб, афт-башарасини чулғаган тутун орасидан варанглаб гапирди.— Бир кун қувдим, икки кун қувдим, учинчи куни Москвага сал қолганда етиб олдим. Азаматни фаэтонга босдим-у, дарров изимга қайтдим. Ярим кеча деганда қайтиб келдим, ҳамма ёғим лой, тўғри ўзларининг олдиларига жўнадим. Князлар, графлар киргани қўймай, йўлимни тўсишди, уларга қулоқ солиб бўпман... Эшикни тақиллатдим. «Киришга рухсат этинг, инператор олий ҳазратлари,»— дедим.— «Ўзинг кимсан деб сўрадилар.— Менман дедим,— Иван Авдеич Синилинман». Ичкарида у ёқдан-бу ёққа югуришиб қолишди, қулоқ солсам ўзлари: «Мария Фёдоровна, Мария Фёдоровна! Тезроқ туриб, самовар қўй, Иван Авдеич келди!» деб хотинларини чақиряптилар.

Орқадагиларнинг қаҳқаҳаси уйни бошига кўтаргудек бўлди. Йўқолган ва адашган молларнинг рўйхатини ўқиётган мирза: «чап туёғида оқи бор» жумласида тўхтаб қолди. Атаман ғоз сингари бўйнини чўзиб, хохолашаётган оломонга кўз югуртирди.

Авдеич папахини шартта қўлга олиб, қовоғини солиб, гоҳ унга, гоҳ бунга аланглаб қарарди.

— Шошманглар ахир!

— Хо-хо-хо-хо-ҳа!

— Вой, ўлмагур-эй!..

— Хи-хи-хи-хи!..

— Авдеич, тулаган кўппак! х-хо-ҳо!..

— «Самоварни қўй-во-ор. Авдеич келди эмиш!» Ўлма шоввоз!

Йиғин тарқала бошлади. Эшик олдидаги музлаган тахта зина одамлар оёғи остида ғарчиллар, нола қилаётгандай бўларди, маҳкама атрофидаги тапталган қор устида Степан Астахов билан новчадан

www.ziyouz.com kutubxonasi

келган лайлакдек бир казак курашарди, бу — шамол тегирмонининг эгаси эди.

— Бошингдан ошириб от тегирмончини!— деб маслаҳат беришарди, уларни қуршаган казаклар.— Степка, кўтариб ур, кепаклари бурнидан чиқсин!

— Пинжига кириб олма, ҳой муғомбир! Тирриғлигингни қара-я!— деб куюнарди Кошулин; чол полвонлар атрофида чумчуқ сингари ирғишлаб югурар, курашга астойдил берилиб кетганидан, кўкариб кетган бурнининг учида осилиб, қотиб қолган нарсани сезмасди.

VIII

Пантелей Прокофьевич йиғиндан қайтган заҳотиёқ, тўғри чол-кампир турадиган ёнбошдаги хонага кириб кетди. Шу кунлари Ильинична бетоб эди. Салқиган юзларидан чарчагани ва дарди зўрлиги кўриниб турарди. Кампир қалин парқу тўшакда, тиккасига қўйилган ёстиққа суялиб ётарди. Ўзига таниш оёқ товушини эшитган заҳоти бошини буриб, эски одати бўйича қовоғини солиб эрига қаради: Прокофьевичнинг оғзини ўраб олган, нафасининг бўғидан ҳўлланган жингала соқолига, соқолига қўшилиб кетган ҳўл мўйловларига назар ташлади, бурнини чимириб искаб кўрди, бироқ эридан қўсқа пўстин ҳиди билан қор ҳидидан бошқа нарсанинг иси келмасди. «Бугун ичмабди» деб қўйди ичида кўнгли тинчиб, сўнгра ишини қўлга олиб, пайпоқнинг чала қолган товонини тўқий бошлади.

— Ўтин кесиш нима бўлди?

— Пайшанбага қарор қилишди.— Прокофьевич мўйловини силаб қўйди.— Пайшанба куни азонда жўнаймиз,— деб такрорлади каравот ёнидаги сандиққа ўтирар экан.— Аҳволинг қалай? Енгил тортдингми?

Ильинична қовоғини солиб, қимтиниб:

— Боягисидай... Суякларим зирқираб турибди, қақшатиб оғрияпти... — деди.

— Кузда сувга тушма, дедим, сен аҳмоққа. Дардинг борлигини билганингдан кейин — қимирламай ўтир!— деди тутақиб Прокофьевич, сўнгра ҳассаси билан полга катта доиралар шаклини чизди.— Ёки

www.ziyouz.com kutubxonasi

сендан бошқа одам қуриб кетганмиди? Падарига минг лаънат ўша зиғирпояларингни: ивитаман дединг, ана энди нима бўлди?.. Худоё тав-ба-эй, кўргиликда... Уҳ!

— Зиғирпоя қолиб кетса ҳам увол-да, ўша кезда келинлар йўқ эди: Гришка хотини билан қўшда, Петро билан Дарья ҳам аллақаёққа кетишган эди.

Чол қўлларини иситмоқ учун кафтларини жуфтлаб ҳуҳлади-да, каравот устига энгашди.

— Наташка қалай?

Ильинична ташвиш ичида:

— Нима қилишимни билмай қолдим,— деди.— Боя яна йиғлади. Қўрага чиқувдим, қарасам — омборхонанинг эшиги очиқ. Ёпиб кела қолай деб бордим. Ичкарисига кирдим, хамбанинг ёнида қаққайиб турибди. «Сенга нима бўлди, нима гап, болам?» деб сўрасам: «Бошим оғрияпти, ойижон»,— дейди, холос. Ростини айтармиди?

— Балки, тоби йўқдир?

— Йўқ, суриштириб кўрдим... Ё битта-яримтаси амал қилган, ё Гриша билан ораларида гап ўтган...

— Ўғлинг анави касофатга... яна айланишган бўлмасин?

— Йўқ-э, дадаси! Йўқ!— Ильинична чўчигандай қўл силтади.— Степанни аҳмоқ деб ўйлайсанми? Ҳеч пайқаганим йўқ.

Чол бирпас ўтириб, кейин чиқиб кетди.

Григорий ўз бўлмасида эгов билан қармоқ учларини эговлаётган эди. Наталья қармоқларни эритган чўчқа ёғи билан мойлаб, ҳар қайсисини алоҳида латтага ўрарди. Пантелей Прокофьевич оқсоқланиб уларнинг ёнидан ўтаётганида Натальянинг юзига синчковлаб назар ташлади. Натальянинг юзлари сўлган, ранги сомондай сарғайиб кетган эди. У кейинги ой ичида анча озган, кўзларида аллақандай аянчли, маъюслик аломати пайдо бўлган эди. Чол эшик олдида тўхтади. «Ҳей, хотиннинг уволига қолибсан», деб қўйди ичида; курси устига энгашган Натальянинг бошига, силлиқ таралган сочига яна бир карра қараб чиқди.

Григорий дераза олдида эговни қиртиллатиб ўти-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рар, қоп-қора жингалак сочлари пешонасига тушиб селкилларди.

— Йиғиштир ашқал-дашқалингни, аблаҳ!..— деб бақирди чол жони ҳалқумига тиқилгандай қизариб, қўли қичиб турса ҳам, лекин ҳассасини маҳкам сиқимлаб, ўзини босди.

Григорий сапчиб тушди, ҳанг-манг бўлиб отасига қаради.

— Манави икки учли қармоқни қайраб олмоқчи эдим, дадажон.

— Йиғиштир дейман сенга! Ўтин кесишга тайёргарлик кўр.

— Ҳозир.

— Ченанинг сўлоғи ўйнаб ётибди, бу бўлса, қармоқ билан овора,— деб пўнғиллади чол анча шаштидан тушиб; у эшик олдида бирпас деспиниб турди, яна бирон гап айтмоқчи бўлди-ю, лекин индамай чиқиб кетди. Қолган аламини Петродан олди.

Григорий калта пўстинини кияр экан, отасининг ҳовлида бақирганини эшитди:

— Шу вақтгача моллар суғорилмабди, ўзинг нима қилиб юрибсан, фалону пистовон?.. Четан деворнинг тирговичини ким суғуриб олиб кетди? Энг четдаги тирговичга тегманглар, деб сенга айтмовдимми?.. Аяб қўйган шу пичанни ҳам мол топтаб кетса, баҳорда ҳўкизларга нимани едириб қўш ҳайдайсиз?

Пайшанба куни тонг отардан икки соат бурунроқ Ильинична Дарьяни уйғотди.

— Тур, печни ёқ.

Дарья тура солиб, кўйлакчан печь ёнига югурди. Пайпаслаб, токчадан гугуртни топди, ўт ёқди.

Тамаки чекиб йўтали тутган, сочлари ҳурпайган Петро:

— Тезроқ пишир,— деб хотинини шоширарди.

— Наташкани уйғотишга кўзлари қиймайди, инсофи йўқ данг қотиб ётибди, мен нима, қўлим тўртта бўлмаса нима қилай, ахир?— деб пўнғилларди уйқуси чала қолиб, зардаси қайнаган Дарья.

— Бор, уйғотиб чиқа қол,— деди Петро.

Наталья ўзи уйғонди. Қофтасини елкасига ташлаб, тезак олиб келгани оғилхонага чиқиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тутантуруқ ҳам ола кел!— деб буюрди катта келин.

— Дуняшкани сувга юбор, эшитяпсанми Дашка?— деди Ильинична; кампир оёқларини зўрға судраб босар ва хириллаб гапирарди.

Ошхонадан янги ачитқининг ҳиди, қайиш абзаллар ва илиққина бадан ҳиди келарди. Дарья пиймасини дўпиллатиб у ёқдан-бу ёққа югурар, қозон-товоқларни тақирлатарди; енгигача шимарилган пушти ранг кўйлаги остидан дўппайган кўкракчалари селкилларди. Эрга текканданкейин ҳам унинг рангрўйи ўзгармаган, озмаган ҳам, тўзмаган ҳам: баланд бўйли, хипчабел Дарья, тол новдасидай эгилиб-буралиб турар, худди қиз болага ўхшарди. Қифтларини қимирлатиб, билтанглаб юрар, эрининг дўқларига кулибгина қўярди; юпқа ва заҳар лаблари орасидан майда ва зич тишлари кўриниб турарди.

— Кечқурун тезакларни печкага қалаб қўйилсаку, эрталабгача қуриб қоларди,— деб пўнғиллади Ильинична аччиғланиб.

— Эсимга келмабди, ойижон. Айб бизда,— деб ҳаммадан олдин жавоб қилди Дарья.

Овқат пишгунча тонг отди. Пантелей Прокофьевич оғзи куйганига қарамай суюқ бўтқани тушурар, тезроқ нонушта қилиб олишга ошиқар эди. Қовоғи осилган Григорий лунжини дўппайтириб, шошмасдан овқатини чайнарди. Петро, тиши оғриб жағини тангиб олган Дуняшкани, отасига сездирмай, масхара қилар эди.

Қишлоқ кўчаларидан қорни ғарчиллатиб чаналар ўта бошлади. Ғира-шира тонг отар маҳалда ҳўкиз аравалар Дон томонга йўл солишди. Григорий билан Петро чана қўшгани чиқишди. Григорий қайлиғи совға қилган юмшоқ шарфни йўл-йўлакай бўйнига ўраб, муздай қуруқ ҳавода энтикиб нафас оларди. Ҳовли устидан учиб ўтган қарға, овози борича «қағ» деди. Аста-секин қимирлатган қанотларининг шувиллагани қаҳратон аёзда равшан эшитиларди. Петро қарғанинг учишига қараб:

— Кун юриш томонга учди, ҳаво исийди,— деди.

Қизлар табассумидай шўх булут парчаси ораси-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан ойнинг ингичка бир учи йилтираб кўринарди. Мўрилардан бурқсиб чиққан тутун тикка кўтарилар, поёнсиз осмонга, чархланган олтин ўроққа ўхшаш ойга қараб юксаларди.

Мелеховлар қўрасининг рўпарасида Дон музламаган. Дарё бўйларини қор аралаш муз қоплаган, четдан оққан сув кўпикланиб, ўзини музга уради, чап қирғоғида сув тагидан қайнаб чиққан чашмалар ваҳималик гирдоблар ҳосил қилади, сув музламаган жойларда қишлаб қолган ўрдаклар қоп-қора хол сингари сузиб юришади.

Кечувга майдондан тикка тушилар эди.

Пантелей Прокофьевич болаларини кутмасдан қари ҳўкизларни қўшиб, олдин жўнаб қолди. Петро билан Григорий бир оз кейинроқ йўлга чиқишди. Жар тепасида Аникушкага етиб олдилар. Кўк белбоғ боғлаб олган Аникушка янги сопланган болтасини чанага қистириб қўйган, ҳўкизларининг қаватида пиёда борарди. Паканагина, касалманд хотини арава ҳайдаб келар эди. Петро олисдан Аникушкага гап ташлади:

— Қўшни, хотинингни ҳам судраб опкетаяпсанми дейман-а?

Қизиқчи Аникушка лапанглаб чаналар ёнига келди.

— Ола борганим яхши-да, совқотсам — иситади-ку!

— Гўрда иситадими, қуп-қуруқ суяк-ку!

— Сули бериб боқсам ҳам семирмайди.

Григорий ченадан сакраб тушди-да:

— Чекимиз бир жойдан тушганми?— деб сўради.

— Агар тамакингдан чакдирсанг айтаман: ҳа, бир жойдан тушган.

— Сен, Аникей, доим бировникига шериксан.

— Ўғирланган, тилаб олинган нарса жуда ширин бўлармиш,— деб хохолади Аникушка, ҳезалакчалиш кўса башарасини буриштириб.

Учови бирга кетишди. Дарахтларни қиров қоплаган, ҳамма ёқ оппоқ қор. Аникушка олдинги чанада, йўл устига эгилиб тушган дарахт шохларини қамчи билан саваб борарди. Игнасимон юмшоқ қор дув

www.ziyouz.com kutubxonasi

этиб тўкилар ва Аникушканинг бурканиб олган хотини устига ёғилар эди.

— Жиннилик қилма, шайтон!— деб бақирарди хотини уст-бошидан қорни қоқиб.

Петро ҳўкизларини чоптириш учун, қорнига қамчисини ниқтар ва:

— Хотинингни қорга бос!— деб ҳазиллашарди шанғиллаб.

Алвасти чакаллакка бурилаверишда рўпарадан келаётган Степан Астаховга дуч келиб қолишди. У бўйнига бўйинтуруқ осилган бир жуфт ҳўкизни қишлоқ томонга ҳайдар, ямалган пиймасини катта-катта босиб келарди. Пешонасига дол қўйиб кийиб олган папахи остидан қиров боскан сочи бир бош оқ узум сингари осилиб турарди.

Аникушка унга яқинлашиб:

— Ҳой, Стёпа, адашиб қолдингми?— деб сўради.

— Адашиш ҳам гапми, падарига лаънат!.. Қияликдан тушишда чана тўнкага бориб урилса бўладими — қўшқароғи чўрт синиб кетди. Ноилож қайтдим.—Степан сўкиниб, узун киприклари остидаги ўғри кўзларини чақчайтириб, Петронинг олдидан ўтиб кетди.

— Чананг қолдими?— деб сўради бурилиб Аникушка.

Степан қўл силтади, шудгорга бурилган ҳўкизларини қамчи билан қайтарди ва чана кетида келаётган Григорийдан кўз узмай, анчагача тикилиб қаради. Чакалакка етмасдан, йўлнинг ўртасида ётган чанага Григорийнинг кўзи тушиб қолди. Аксинья чана ёнида турар эди. Аксинья поча пустиннинг этагини чап қўл билан ушлаган ҳолда рўпарадан келаётган чаналарга тикиларди.

— Четга чиқ, бостириб юбораман. Эҳ, менинг хотиним эмассан-да!— деб хириллади Аникушка.

Аксинья кулимсираб четланди ва бир томонга қийшайиб қолган чанага ўтириб қолди.

— Ўзингники ёнингда ўтирибди-ку.

— Тўнғиз тароқдай думимга ёпишиб олган бўлса нима қилай, бўлмаса сени чанага солиб ола кетардим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Раҳмат-э!

Петро Аксиньянинг ёнига етганда укасига кўз қирини ташлади. Григорий алангланиб кулимсираб келарди; унинг ҳар бир ҳаракатидан бир нарсани кутиб, безовталанаётгани билиниб турарди.

— Яхшимисан, қўшни?— деб сўрашди Петро қўлқоп кийган қўлини чаккасига қилиб.

— Худога шукур.

— Чанани синдирибсиз шекилли?

Аксинья Петровга қарамасдан, чўзиб:

— Синдирдик,— деди ва яқин келиб қолган Григорийга ўгирилиб қаради.— Григорь Пантелевич, сизга икки оғиз гапим бор эди...

Григорий Аксинья томонга бурилди ва ўз йўлида кетаётган Петрога:

— Менинг ҳўкизларимга ҳам қараб бор,— деб тайинлади.

— Ҳа-ҳа! — деб мийиғида кулди Петро ва тамаки тутунидан сарғайиб кетган мўйловининг учини тишлади.

Улар индамай бир-бирларига қараб туриб қолишди. Аксинья хавотирланиб атрофга қаранар, қоп-қора намли кўзларини Григорийга тикарди. Уялганидан, севинганидан юзлари ловиллар, лаблари қақрарди. Энтикиб, калта-калта нафас оларди..

Аникушка билан Петронинг чаналари сарғайган эман буталари ёнидан ўтиб, кўздан ғойиб бўлди.

Григорий рўй-рост тикилиб Аксиньянинг кўзларига қаради, Аксиньянинг кўзлари ўйнар, ўтдек чақнар эди.

— Гриша, нима қилсанг қил, лекин мен сенсиз яшай олмайман,— деди у қатъий қилиб ва лабларини қимтиб, жавоб кутди.

Григорий индамай турар эди. Ўрмонни сукунат босган, жимжитликдан қулоқлар шанғиллар эди. Чана излари тушиб қолган силлиқ йўл, эски бўз тўнига бурканган осмон, сукут ичидаги ўрмон — ҳамма ёқ уйқу оғушида. Оғир хаёлга чўмган Григорий яқинорада бирдан қағиллаб юборган қузғун товушидан дарҳол ўзига келди. Бошини кўтариб қаради: қорайиб кўринган қузғун оёқларини жуфтлаб олган, хайрла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаётгандай қанотларини қоқиб учиб кетаётган эди. Григорий беихтиёр, ўзидан-ўзи:

— Кун илир экан. Иссиқ томонга учиб кетди...— деб қўйди, сўнгра сесканиб кетиб, пиқирлаб кулди...— Хўш...— Қонга тўлган ўғри кўзларини аланглатиб, Аксиньяга кўз югуртирди-да, уни шартта пинжига олиб, бағрига босди.

IX

Ғилай Лукешканинг уйида ижара ўтирган Штокманнинг хонасига кечқурунлари ҳар тоифа одам тўпланарди: мойга беланган пиджагини елкасига ташлаб, тегирмондан Валет, уч ойдан бери бекор юрган тили заҳар Давидка, машинист Иван Алексеевич Котляров, Христоня келишарди; онда-сонда Филька ямоқчи ҳам келиб турарди; ҳали аскарлик хизматини кўрмаган ёш казак Мишка Қошевой ҳар куни шу ерда эди.

Дастлаб булар беш кўтарар ўйнашар эди, бир куни Штокман Некрасовнинг китобчасини секингина чиқариб қўйди. Биттаси овозини чиқариб ўқий бошлади — китоб ёқиб қолди. Некрасовдан Никитинга ўтишди; Рождество байрами яқинлашганда Штокман муқоваланмаган, титилиб кетган бир дафтарни ўқиб чиқишни таклиф этди. Бир замонлар черков мактабини томомлаган саводхон Қошевой ёғи чиқиб кетган дафтарни назарга илмай:

— Буни кесиб угра қилса бўлади. Жудаям ёғлиқ экан,— деди.

Христоня қиқирлаб кулди, Давидка оппоқ тишларини кўрсатиб илжайди, лекин Штокман кулги тўхтагунча кутиб турди.

— Ўқиб кўр-чи, Миша. Бу — казаклар тўғрисида ёзилган. Қизиқ нарса.

Қошевой, малла сочларини стол устига осилтириб, дона-дона қилиб сарлавҳасини ўқиди:

— «Дон казакларининг қисқача тарихи».— У кўзларини қисиб, ҳаммага савол назари билан қаради.

— Ўқи,— деди Иван Алексеевич.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уч кеча қунт қилиб ўқишди. Пугачев тўғрисида, эркин ҳаёт тўғрисида, Степан Разин ҳамда Қондратий Булавин тўғрисида ёзилган эди.

Сўнгги даврларга етишди. Номаълум ёзувчи казакларнинг муҳтожлик ичида ўтаётган ҳаётини содда тил билан киноямуз тасвирлаган, усули идора ва тартибларни, подшо ҳоқимиятини ҳамда подшога посбон бўлиб ёлланган казакларни қаттиқ масхара қилган эди. Ҳаммалари ҳаяжонланди. Мунозара бошланди. Христоня бошини шипга осилган бордонга тираб вағиллар эди. Штокман эшик олдида, халқали суяк мундштугини тутатиб ўтирар, ёлғиз кўзларигина куларди, холос.

— Тўғри! Ҳақ гап!— деб дўрилларди Христоня.

— Казаклар гуноҳкор эмас, уларни шундай шармандагарчиликка солганлар.— Қошевой ҳайратга тушиб, қўлларини кериб қўяр, чиройли юзини бужмайтирарди.

Қошевой тўлагина, елкалари кенг, сонлари йўғон чорпахил йигит эди; чўяндай кифтларига қип-қизил йўғон бўйни ярашган эди, лекин кичкина боши, хотинларникига ўхшаган жилоли бетлари, қимтиниб турган кичкина оғзи, ҳурпайган жингалак олтин сочлари остидаги қора кўзлари, қандай қилиб, шу гавдасига ярашганига киши ҳайрон бўларди. Суяги бузуқ казак — новча машинист Иван Алексеевич қаттиқ тортишарди. Казаклик анъаналари унинг суяксуякларигача сингиб кетган. У бодраган кўзларини чақнатиб, Христоня билан ғижиллашар, казаклар томонини олар эди.

— Сен мужиклашиб кетибсан, Христан, тортишиб ўтирма... Сенда казаклик қонидан бир челакка бир томчи ё топилади, ё йўқ. Онанг сени Воронежлик тухумфурушдан ортдирган.

— Сенда эс деган нарса йўқ!.. Қип-қизил аҳмоқсан, биродар,— деб ғўнғилларди Христоня.— Мен ҳақиқат учун жон куйдираман.

— Мен атаман полкида хизмат қилган эмасман, аҳмоқнинг кони ўша полк экан...— деб ачитарди Иван Алексеевич, Христонянинг атаман полкида хизмат этганига шама қилиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Армияда ҳам гоҳо шундай бемаза одамлар бўладики, кўрсанг кўнглинг айнайди,— деди Христоня.

— Овозингни ўчир, мужик!

— Ҳа, нима, мужик одам эмасми?

— Мужик нима бўларди: пўстлоғдан ясалган, новда билан тўналган бир махлуқ-да.

— Мен, биродар, Петербургда хизмат этганимда ҳар тоифа одамни кўрганман. Бир куни шундай бир ҳодиса бўлди: подшо саройида соқчилик қилиб, ҳарамни сирт томондан қўриқламоқда эдик. Сиртқи девор устида икки отлиқ у ёққа, иккитаси бу ёққа қараб юриб турарди. Орқага қайтиб бир-бирларига рўпара келганларида «Ҳамма ёқ тинчми? Ҳеч қандай исён йўқми?»— деб сўрашарди. «Йўқ, тинчлик»,— дейишарди-ю, яна икки ёққа қараб кетаверишарди, тўхтаб гапиришишга йўл қўйилмас эди. Соқчиларнинг туси, афт-ангори бир-бирига мос бўлиши шарт эди: эшикка икки посбон қўйиладиган бўлса, бир-бирига ўхшаш икки одамни қидиришарди. Қора бўлса — иккиси ҳам қора—оқ бўлса иккиси ҳам оқ бўлиши шарт эди. Сочларигина эмас, ҳатто турқи ҳам бир-бирига мос келсин, дейишарди. Мана шу бемазагарчилик туфайли бир куни сартарош менинг соқолу мўйловимни бўяган эди. Тепикинская станицалик Никифор Мешчеряков деган бир казакка жуфт бўлиб, посбон турсам бўладими? Қургур қўнғир соч экан. Икки чаккасини худди олов ялаб кетганга ўхшайди. Қидиришибди, қидиришибди, мунақа рангли одамни сира топиша олмабди; ноилож, юз бошимиз Баркин менга: «Сартарошга бор, дарҳол соқолу мўйловингни чиройли қилиб бўясин»,— деб қолди. Бордим, бўяб қўйишди... Мундоғ ойнага қарасам — юрагим ёрила ёзди: ёнянпан! Қип-қизил олов ичида! Соқолимни тутамласам — кафтим куяди. Ана аҳвол!..

— Аравани қуруқ олиб қочавер, азамат! Гапни нимадан бошлаб эдинг, ахир!— Иван Алексеевич унинг сўзини бўлди.

— Халқ тўғрисида гап очган эдим.

— Шу тўғрида гапиргни-да, ахир. Боядан бери соқолингни гапирасан, холос, соқолингни биз бошимизга урамизми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Менам шуни айтяпман-да: бир куни отлиқ қоровул туришга навбат келди. Шеригим билан от миниб кетятган эдик, муюлишдан студентлар чиқиб қолса бўладими! Сони-саноғи йўқ! Бизни кўриши билан «Ҳа-ҳа-а-ааа!» деб устма-уст қичқиришди. Эсҳушимизни йиғиштириб олгунимизча, бизни ўраб олишди. «Хўш, казаклар, нима учун айланиб юрибсиз?» дейишди. Мен: «Соқчилик қилиб юрибмиз, отнинг жиловини ушлама, яхшиликча қўйвор?» деб қиличга ёпишдим. У бўлса: «Ҳой казак, мен ўзим Каменская станицасида туғилганман, мендан хавотир бўлма, бу ерда мен ниверси... ниворсетутдами аллақайси гўрда, ўқияппан»,— дейди. Биз ўз йўлимизга кетавердик, бурни каттаси ҳамёнидан ўн сўмлик қоғозни чиқариб: «Мана буни олиб, раҳматлик дадамнинг соғлигига ичинглар», дейди. Пулни бизга бериб, сумкасидан битта сурат олди-да: «Мана, бу дадамнинг расмлари, эслаб юрарсиз», деб бизга узатди. Уни ҳам олдик, олмасак уят бўлади. Студентлар нарироқ бориб яна: «Ҳа-а-а-а!» деб бақиришди ва ўшанақасига Невский прошпектга қараб кетишди чоғи. Саройнинг орқа дарвозасидан юзбоши бир взвод одам билан от чоптириб чиқди. Тўғри бизнинг олдимизга келди: «Нима гап бўлди?» дейди. Мен: «Студентлар бизни ўраб олиб, гапга солишган эди, биз уставга мувофиқ энди қилич соламиз деганимизда, улар бизни қўйворишган эди, биз ҳам ўз йўлимизга кетавердик», дедим. Навбатчиликни олмаштирдик; шундан кейин биз вахмистрга: «Мана, Лукин, ўн сўлкавой ўлжа пул топдик, шу пулни манови бобонинг арвоҳини хушнуд қилиш учун ичмоғимиз керак», дедик ва суратни унга кўрсатдик. Кечқурун вахмистр ароқ опкелди, икки суткагача роса кайфу сафо қилдик, лекин пировардида ишнинг пачаваси чиқди: ҳалиги палакат студент, дадамники деб, немислар юртидаги энг катта қўзғолончининг суратини бизга бериб кетган экан. Мен уни ваъдага мувофиқ хотира учун каравотимнинг тепасига осиб қўйган эдим, соқоли оппоқ, савдогарларга ўхшаш нурони бир одам, лекин юзбоши дарров таниб: «Бу суратни қаёқдан олдинг, фалону пистовон?» деб су-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риштириб қолди.— «Воқиа шундай, шундай».— дедим. Сўкиниб юзимга шапалоқ билан тортворди, яна бир марта тушириб қолди... «Биласанми,— деб бақирди у,— бу ахир анавиларнинг атамани Карла...» ҳаҳ, фамилиясини унутибман... ҳалиги... нимаям эди, эсим қурсин-эй...

— Карл Марксми?— деб луқма солди кулгисини тўхтата олмай Штокман.

— Ҳа, ҳа!.. Худди ўша, Карла Маркс...— деб суюниб кетди Христоня,— Сал қолса, бадарға бўлувдим-а... Баъзан бизнинг қоровулхонамизга шаҳзода Алексей ўз мураббийлари билан кириб турар эди. Кўриб қолса нима қилардик?

— Сен бўлсанг, тағин мужикларни мақтаганинг мақтаган. Кўрдингми, улар сени боплаб кетишибдику,— деб куларди Иван Алексеевич.

— Лекин ўн сўмни ичганимиз қолди. Серсоқол Карланинг соғлиги учун ичдикми — ишқилиб, ичиб олдик-ку.

— Карл Маркс учун ичсанг арзийди,— деб кулимсиради Штокман суяк мундштугининг ҳалқасини чертиб.

— Бирон яхши иш қилганми ўзи?— деб сўради Кошевой.

— Буни келаси гал сўзлаб бераман, ҳозир вақт кетди.— Штокман кафти билан мундштукни қоқиб, сўнган тамаки қолдиғини чиқара бошлади.

Лукешка-ғилайнинг уйига тўпланадиган казаклардан сараланиб-сараланиб ўнтачаси қолди; жўра боши бўлган Штокман, уларни ёлғиз ўзига аён бўлган бир мақсад томон етаклар эди. Қурт ёғочни кемиргандай, у ҳам тескари тушунча ва одатларни коралаб, усули-идорага қарши нафрат уйғотарди. Бошда қаттиқ ишончсизликка дуч келса ҳам, лекин у асло чекинмади, тап тортмай, мақсад сари боравердi...

X

Вёшенская станицаси Доннинг устида, чап қирғоқ ёнбағридаги қумлоқ жойга ўрнашган. У Дон юқорисидаги станицаларнинг энг кўҳнаси: Пётр I

www.ziyouz.com kutubxonasi

замонида вайрон қилинган Чигонаки станицасининг аҳолиси шу ерга кўчириб келтирилган ва унга Вёшенская деб ном берилган эди. Бу ер — бир вақтлар Воронеж билан Азов орасида сув йўли устидаги бекат бўлган.

Дон шу станица олдидан камон сингари букилиб ўтади ва ўнг томонга бурилаётгандай бўлиб кўринади-ю, Базки қишлоғининг рўпарасида азим дарё яна қаддини ростлаб олади-да, ўнг қирғоқдаги бўр тоғларининг этагидан, ўнг ёқдаги сидирғасига кетган қишлоқлар ёнидан, чап томонда онда-сонда учрайдиган станицалар ёнидан ўтиб, зилолдай тиниқ сувларини кўм-кўк Азов денгизига обориб қуяди.

Усть-Хоперскаянинг рўпарасига борганда Дон Хопер ирмоғи билан қўшилади, Усть-Медведицкаяда — Медведица сойини бағрига олади-да, тўлиб-тошиб, гуллаб яшнаган қатор-қатор қишлоқлар, станицалар ёнидан оқиб ўтади.

Вёшенская сариқ қум тепалар устига жойлашган. На боғи бор, на роғи, қуп-қуруқ хунук станица. Майдоннинг ўртасида ранги оқариб кетган кўҳна бир черков қаққайиб туради. Станицанинг Дон бўйлаб узунасига чўзилган олтита кўчаси бор. Дон дарёси станицани айланиб ўтиб, Базки томонга бурилган жойида теракзор ичига кириб кетган қўлтуқ бор, унинг эни — камсув маҳалдаги Доннинг энига тенг келади. Қўлнинг этагига етар-етмас, станица ҳам тамом бўлади. Чакиртиканак босиб кетган кичкина майдончада иккинчи черков бор, унинг яшил гумбази, кўм-кўк томлари кўлнинг нариги бетидаги кўк теракларнинг рангига жуда мос тушган.

Станицанинг шимол томонида сап-сариқ қум тепалар уйилиб ётади, нимжон қарағайларни, чакалакзорларни қизил тупроқдан чиққан қизғиш ранг сув босиб кетган. Этаги олисларгача чўзилган қум тепалар орасида онда-сонда қишлоқлар, чорбоғлар, ё сарғайган толзорлар учрайди, холос.

Декабрь ойи, якшанба куни эски черков рўпарасидаги майдонда станицага қарашли барча қиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лоқлардан келган казак йигитларидан ярим мингтачаси тўпланган. Черковда тушки ибодат тугагандан сўнг занг чалинди. Серсовлат кекса офицер: «Сафга!» деб команда берди; унинг енгига муддатидан ортиқ хизматда эканлигини кўрсатувчи белгилар тақилган эди. Чувиллашган оломон ҳаракатга келди, икки қатор бўлиб, эгри-бугри саф тортди. Урядниклар қатор ораларидан югуришиб, илон изи сингари қийшайган сафни тўғрилай бошладилар.

— Ряди-и-и!— деб бақирди урядник, қўлини қимирлатиб.— Взводвой!

Эгнига ҳарбий форма, яп-янги офицерча шинель кийган атаман шпорларини жингирлатиб, панжара девор ичкарисига кирди; ҳарбий пристав унинг кетидан эргашди.

Григорий Мелехов билан Митька Коршунов сафда ёнма-ён туриб шивирлашарди.

— Оёғимни этик қисяптики, ҳеч сабр-тоқатим қолмади,— деб нолирди Митька.

— Сабр қилсанг, ғўрадин ҳалво битар.

— Ҳозир юрамиз, чоғи.

Офицер, худди Митьканинг гапини қувватлагандек, тисланиб туриб, пошнасида бурилди.

— Напра-а-во!

Беш юз жуфт этик баб-баравар «гуп-гуп» этиб ўнгга бурилди.

— Левое плечо вперед, ша-гом-арш!

Колонна черков панжара деворининг дарвозасидан кира бошлади. Бошдан олинган папахлар липиллаб кўринар, тапир-тупир оёқ товушлари черков гумбазигача кўтариларди.

Григорий поп ўқиб эшиттираётган қасамёд сўзларига қулоқ солмай бемалол турар, Митьканинг юзига тикиларди; у бўлса, оёғининг оғриғига чидамай ижирғанар, типирчиларди, холос. Григорийнинг қасамёд учун кўтарилган қўли толган, мияси пойма-пой хаёллар билан банд эди. Ҳамма лабини тегизавериб, сўлак босган кумуш бутни ўпаётганда Аксинья тўғрисида, хотини тўғрисида ўйлар эди. Хотиралар чақмоқ сингари ялт-юлт қилиб миясидан ўтар: ўрмон, жимжимадор кумуш либос кийган оп-

www.ziyouz.com kutubxonasi

поқ дарахтлар хаёлидан кетмас; тивит рўмол ўраган Аксиньянинг мўлтираган қоп-қора жонсўз кўзлари кўз олдида турарди.

Йигитлар майдонга чиқиб, қайтадан саф тортдилар. Урядник бурнини қоқди ва қўлини астагина мундир астарига суртиб, нутқ сўзлади:

— Энди сиз ўспирин эмас, казак бўлдингиз. Қасам ичгандан кейин ўйлаб қадам босадиган бўлишингиз лозим. Энди сиз казаклик номига муяссар бўлдингиз, шунинг учун шаънингизга доғ туширманг, ота-оналарингизнинг гапидан чиқманг ва ҳоказо. Шу дамгача бола эдингиз — жинниликдан қўлингиз бўшамасди, кўча чангитиб, таёқ ўйнаб юрар эдингиз, эндиликда келаси хизмат тўғрисида мундоғ ўйлаб қўйиш лозим. Бир йилдан кейин ҳаммангиз аскарлик хизматига чақириласиз,— гап шу ерга етганда урядник бурнини қоқди ва қўлини силкитиб, қуён момиғидан тўқилган майин қўлқопини кия бошлади.— Эндиликда ота-оналарингиз сизга керакли нарсаларнинг тадоригини қилсин. От ва бошқа анжомларни тахт қилиб қўйишсин... Эндиликда сизларни худога топширдим, азаматлар, уй-уйга!— деб у гапини тамомлади.

Григорий билан Митька кўприк олдида ҳамқишлоқ йигитларни кутиб туришди, улар тўплангач, биргалашиб йўлга чиқишди, дарё бўйи билан кетишди. Базки қишлоғи устида мўрилардан чиққан тутун сузиб юрар, черков қўнғироқларининг жангир-жунгур садоси эшитиларди. Митька йўлда синдириб олган ғадир-будур таёққа суяниб, ҳамманинг кейинида, оқсоқланиб келарди.

— Этигингни ечиб ташла,— деди йигитлардан бири.

— Оёғимни совуқ олади,— деди Митька тўхталиб. У иккиланиб қолган эди.

— Пайпоғинг билан юраверасан.

Митька қорга ўтирди-да, зўр-базўр этигини ечди. Этик қисган оёғини авайлаб босиб юра бошлади. Қалин тўқилган жун пайпоқ излари қор устига тушиб қолар эди.

— Қайси йўлдан юрамиз?— деб сўради пакана бўйли, гирдғумдан келган Алексей Бешняк.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Дон ёқалаб,— деди Григорий ҳамманинг кўнглидагини топиб.

Ҳамқишлоқлар гурунглашиб, бир-бирларини турткилашиб борар эдилар.

Ўзаро келишиб, навбати билан бир йигитни қорга босишар, унинг устига бир-бирларини «тоғора» қилишарди. Базки билан Громовский қишлоқлари орасида Митька Дондан ўтиб кетаётган бўрини кўриб қолди.

— Болалар, қашқир, ҳув ана!.. Ҳай-ю!..

— Ҳай-ю, Ҳай-ю-ю-ув!..

— Аттанг!..

Бўри ҳафсаласи келмагандек бир неча саржин жойгача лўкиллаб борди-да, нариги қирғоққа яқинлашганда, ёнини бериб тўхтади.

— Ушла!..

— Ҳай-ю!..

— Вой, ҳароми!..

— Митрий, пайпоқ кийиб келятганингга ҳайрон бўлиб, сени томоша қиляпти.

— Уни қара, ёнбоши билан турибди, сиртмоқ солдира қолмас.

— Тутқич бериб бўпти.

— Туришини қара, кет!

Мармар тошдан йўниб ясалгандек кўк қашқир думини хода қилиб туриб олган эди. Кейин бир сакраб четга чиқди-да, дарё бўйидаги толзор ичига кириб кетди.

Йигитлар қишлоққа етганда қош қорайган эди. Григорий муз устидан юриб бориб, ўз кўчасига кирди, қияликдан чиқиб, дарвозаси олдига келди. Ҳовлида ётган чанага кўзи тушди, четан олдига уйиб қўйилган шохлар орасида чумчуқлар чирқиллашарди. Иссиқ уй бағрига тортар, аччиқ қоракуя ва молхонанинг ҳиди димоққа урилларди.

Григорий зинапоядан чиқиб келаётиб, деразадан ичкарига қаради. Осма чироғ сарғиш нур сочиб, ошхонани ёритар, Петро деразага орқасини ўгириб тик турар эди. Григорий этигини супурги билан тозаладди-да, буғ боскан ошхонага кирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ана, биз ҳам келдик. Қалай, тинч-омон ўтирибсизми?

— Тез қайтдинг. Совқотгандирсан?— деб сўради шошиб-пишиб Петро.

Пантелей Прокофьевич икки тирсагини тиззасига қўйиб, бошини қуйи солиб ўтирган эди. Дарья оёғи билан ғижиллатиб чархни айлантирарди. Стол ёнида орқасини ўгириб турган Наталья бурилиб ҳам қарамади. Григорий ошхонани бошдан-оёқ кўздан кечириб чиқди-да, Петрога тикилиб қолди. Акасининг юзидаги саросималикни кўриб, уйда бир гап бўлганлигини тушунди.

— Қасам ичдингми?

— Ҳа!

Григорий атайин имиллаб, шошмасдан ечинар, булар мени нега индамай, совуққина қарши олишди экан, деб бош қотирар эди.

Нариги хонадан Ильинична чиқиб келди, унинг юзида ҳам саросималик аломати кўринарди.

Григорий отаси ёнига ўтираётиб: «Наталья туфайли бўлса керак» деб ўйлади.

Ильинична Дарьяга:

— Овқатини келтириб бер,— деди кўзи билан Григорийни кўрсатиб.

Дарья чарх айлантиришни тўхтатди-да, кифтларини қоқиб, қизларникидек нозик белини билтангглатиб, печь ёнига борди. Ошхона сув қуйгандек жимжит эди. Печь ёнида, яқинда туққан эчки улоғи билан исиниб, пишиллаб ётарди.

Григорий карам шўрвани ичаётиб, ора-сира Натальяга қараб қўяр, бироқ унинг юзини кўролмасди: хотини унга тескари ўтириб энгашиб пайпоқ тўқимоқда эди. Чурқ этмай ўтираверишдан зериккан Пантелей Прокофьевич сукунатни бузди, у хириллаб йўталди, сўнгра ясама овоз билан:

— Наталья кетмоқчи бўляпти,— деди.

Григорий нон ушоқларни йиғиштирар, чурқ этмасди.

— Нима сабабдан?— деб сўради отаси; унинг қуйи лаби қалтирай бошлади (бу — ғазабланаётганининг аломати эди).

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сабабини билмадим,— деди Григорий кўзларини қисиб, сўнгра косани нарироқ суриб қўйди-да, чўқиниб ўрнидан турди.

Чол шанғиллаб:

— Сабабини мен биламан!..— деди.

— Шовқинлама, секинроқ,— деб гапга аралашди Ильинична.

— Мен сабабини яхши биламан!

— Секинроқ, шовқин кўтаришнинг ҳожати йўқ,— деди Петро дераза олдидан уйнинг ўртасига келиб.— Ихтиёр ўзида: истаса турсин, истамаса — катта кўча!

— Натальяда айб йўқ. Худодан қўрқиш, бандадан уялиш керак, ахир, Наталья гуноҳкор эмас, унда айб йўқ, ҳамма касофат манави итваччада!..— Пантелей Прокофьевич печга суяниб турган Григорийни нўқиб кўрсатди.

— Нима гуноҳ қилибман?

— Қилғиликни қилиб қўйиб, энди билмайсанми?.. Билмайсанми, аблаҳ?..

— Билмайман.

Пантелей Прокофьевич ирғиб ўрнидан турди, курсини ағдариб юборди, Григорийнинг устига бостириб келаверди. Наталья тўқиётган пайпоғини қўлидан тушириб юборди, темир илмоқ ерга тушиб, жаранглаб кетди; печь устида ётган мушук бола «дўп» этган овозни эшитиб, сакраб ерга тушди-да, бошини қайириб, оёғи билан коптов ипни туртиб, сандиқ томон думалатиб олиб кетди.

— Сенга шуни айтиб қўяйки,— чол ўзини босиб, дона-дона қилиб гапира бошлади:— Наталья билан турғинг келмаса уйимизни бўшатиб қўй, бошинг оққан томонга кетавер! Гап шу! Тўрт томонинг очиқ! Гап шу!— деб такрорлади одатдагича оҳиста гапириб; сўнгра йиқилган курсини турғизиб қўйди.

Дуняшка чўчиган кўзларини жовдиратиб каравотда ўтирарди.

— Мен ҳам гапирай, дада, лекин жаҳлингиз чиқмасин,— Григорийнинг овози қалтираб кетди,— ўзим уйланмадим, мени сиз уйлантирдингиз. Натальяга

www.ziyouz.com kutubxonasi

зорманда эмасман. Истамаса — майли, отасиникига кетсин!

— Сен ҳам бу ердан кет!

— Кетаман.

— Кет дейман, қоранг ўчкур!..

— Кетаман, кўп шоширманг, кетаман!— Григорий каравот устига ечган калта пўстинининг енгидан тортар, бурун катакларини керар, худди отаси сингари ғазабига чидолмай титраб турарди.

Иккисининг ҳам томирларидаги турк қони жунбушга келган, иккиси ҳам шу топда бир-бирига жуда ўхшар эди.

Ильинична Григорийнинг қўлига ёпишиб:

— Қаёққа бора-са-ан?— деб фарёд кўтарди, бироқ Григорий онасини итариб ташлади-да, каравотдан тушиб кетган папахини лочиндай илиб олди.

— Қўявер, кетсин, дайди кўппак! Оқ қилдим! Кет, йўқол кўзимдан!..— деб бақирди чол эшикни ланг очиб қўйиб.

Григорий юлқиниб даҳлизга чиқди ва сўнгги дамда Натальянинг чирқираб йиғлаганини эшитди.

Қишлоқни қаҳратон қиш кечаси ўз қучоғига олган эди. Қовоғи солиқ осмондан игнасимон қиров ёғарди, Донда, тўп сингари гумбурлаб муз ёриларди. Григорий халлослаганича дарвозадан чиқди. Қишлоқнинг у бурчида итлар акиллашар, зим-зиё, тумонли қоронғилик орасидан сарғиш чироқ нурлари милтиллаб кўринарди.

Григорий, қайга боришини билмаса ҳам, кўча бўйлаб кетаверди. Степаннинг дераза ойналари қоронғида олмосдай ялтираб турарди.

— Гриша!— деган фарёд эшитилди дарвоза томонда. Бу — Наталья эди.

«Овозинг ўчсин, сохтинг қурсин!..»— деб тишларини ғижирлатди Григорий қадамини тезлатиб.

— Гриша, қайт!

Григорий гандираклаб, биринчи дуч келган тор кўчага бурилди. Натальянинг фарёди олисдан сўнгги марта қулоғига чалинди:

— Гришажон, жигар порам!..

Григорий майдонни кесиб ўтди, чорраҳада тўх-

www.ziyouz.com kutubxonasi

талди ва кечаси қаерда тунасам экан, деб ўйлаб, ҳамма ўртоқларини бирма-бир хаёлидан ўтказди.

Ниҳоят, Михаил Қошевойникига боришга қарор қилди. У энг четда, тоғ этагида турарди; онаси, Михаилнинг ўзи, бўйи етган синглиси ва икки укаси — уларнинг оиласи шулардан иборат эди. Михаилнинг ҳовлисига кирди, лойсовуқ уйнинг бир парча ойнасини тиқирлатди.

— Ким у?

— Михаил уйдами?

— Уйда. Ўзинг кимсан?

— Менман, Григорий Мелеховман.

Бирпасдан кейин, ширин уйқуси бузилган Михаил эшикни очди.

— Гришамисан?

— Ҳа.

— Кечаси нима қилиб юрибсан?

— Уйга кирайлик, кейин гаплашамиз.

Григорий даҳлизда Михаилнинг тирсагидан ушлаб тўхтатди; оғзига тузукроқ бир гап келмагани учун ўзидан-ўзи хуноб бўлиб:

— Мен сеникида тунамоқчиман... Уйдагилар билан урушиб чиқдим,— деб шивирлади.— Жой топиладими, уйинг торлик қилмасмикан? Ҳа, бир бурчакка жойлашарман.

— Жой бемалол, киравер. Нега ғижиллашиб қолдинг?

— Эй, биродар... кейин айтиб бераман. Эшигинг қаерда? Тополмаяпман.

Григорийнинг ўрнини тахта устига солиб беришди. Григорий ухлагани ётди, қизи билан бир каравотда ётган онанинг шивир-шивирини эшитмаслик учун, бошини пўстинга буркаб олди.

«Ҳозир уйда нима гап бўлаётган экан? Наташка кетармикан, кетмасмикан? Хуллас, турмушим янги изга тушадиган бўлди. Бошимни олиб, қаерга борсам экан?» Жавоби ҳам лаббай деб кела қолди: «Эртага Аксиньяни чақираман, иккимиз Кубанга жўнаймиз, узоқ... жуда узоқ ерга жўнаймиз...»

Григорийнинг юмулган кўзлари олдидан, умрида кўрмаган, қалбига ёт, ғалати-ғалати тепаликлар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қишлоқлар, станицалар ўта бошлади. Қарлар ортида, бўз йўлнинг нариги чеккасида эртаклардаги ажойиб ўлкани кўради, Аксинья билан қовушади, унинг кечикиб гуллаган жўшқин муҳаббатига эришади.

Григорий оқибат нима бўлишини билмай, нотинч хаёллар ичида уйқуга кетди. Кўзи юмулар чоғда юрагини ғаш қилган, миясига михдай қадалган ноаниқ фикрнинг нималигини билмоқчи бўлиб кўп қийналди. Ўйқу элтар экан, уни оқимга қараб сузган қайиқдай силлиқ ва бир текис хаёл суриб кетар, гоҳ алланимага туртиниб, бирданига тўхтаб қолгандай бўларди; дили ғаш, кўнгли безовталанарди, бир у ёнбошига, бир бу ёнбошига ағдарилар ва: «Бу нима экан? Йўлимни тўсган нарса нима экан?» деб хуноб бўлар эди.

Эрталаб уйғонган заҳотиёқ бунинг нималигини топди: «Аскарлик хизмати! Аксюша билан қаерга ҳам бора оламиз? Баҳорда — лагерь, кузда — аскарлик хизмати... Ҳамма иллат шунда!»

Нонуштадан кейин Михаилни даҳлизга чақирди.

— Миша, Астаховнинг уйига бориб, Аксиньяга айт: қош қорайган заҳоти шамол тегирмон ёнига келсин.

— Степан уйда бўлса-чи?—деди Михаил дудмолланиб.

— Бирон ишни баҳона қилиб борасан-да

— Майли, бораман.

— Бор. Албатта келармишсан деги н.

— Хўп.

Кечқурун Григорий шамол тегирмон ёнида енг ичида тамаки чекиб ўтирар эди. Тегирмон орқасидаги қуруқ жўхорипоялар орасида шамол гувилларди. Қаққайган тегирмон қанотига илинган бир парча латта ҳадеб лопиллар эди. Григорийнинг назарида, худди катта бир қуш учиб кетолмай тепасида айланиб юргандай туюларди. Аксиньядан дарак йўқ. Ғарбда уфқ қизариб нури кетган зар сингари йилтиллар, шарқдан эсган шамол борган сари кучайиб борар, толзор ичида қотиб қолган ойни қора булут босиб келмоқда. Қўкариб, ўзгариб кетган осмон

www.ziyouz.com kutubxonasi

тегирмон устини буркаб олган, қишлоқ томонда серташвиш куннинг сўнгги ғовур-ғувури эшитилади.

Григорий кетма-кет уч марта чекди, папирос қолдиғини қорга санчиб қўйди-да, хуноб бўлиб атрофга қаранди. Қишлоқ билан тегирмон ўртасидаги ёлғизоёқ йўл қорайиб кўринарди. Қишлоқ томонда ҳеч ким кўринмади. Григорий ўрнидан турди, кифтларини қисирлатиб керишиб олди-да, Михаилнинг деразасида милтиллаб кўринган чироқ томон юрди. Астасекин ҳуштак чалиб келаётган Григорий Михаилнинг ҳовлисига етай деганда Аксинья рўпарасидан чиқди. Чопиб келганиданми, ё эса, ҳовлиққаниданми, у харсиллар, муздек лабидан шамол ёки даштдаги янги ўрилган пичан ҳиди келарди.

— Роса кутдим, келишингдан умид узган эдим.

— Степанни уйдан жўнатгунча ўлиб бўлдим.

— Мени совуқда қотирмоқчи экансан-да, доғули!

— Бағрим қайноққина, ўзим иситиб қўяман.— Аксинья поча пўстинининг барларини очиб, Григорийни чирмовуқдай ўраб олди.— Нега чақирдинг?

— Шошма, қўлингни ол... одамлар юрибди.

— Уйдагилар билан уришдингми дейман?

— Уйимни ташлаб кетдим. Бир суткадан бери Мишаникидаман... Адашган итдай юрибман.

— Бу ёғи нима бўлади?— Аксинья Григорийни қучоқлаган қўлларини қўйиб юборди, совқотиб, пўстинига ўралиб олди.— Гриша, юр, четан тагига борайлик. Йўлнинг қоқ ўртасида нима қилиб турибмиз?

Улар четга ўтишди. Григорий уюлиб қолган қордан кечиб, музлаб қотиб қолган четанга суянди.

— Билмадингми, Наталья отасиникига кетдимикан?

— Билмадим... Кетса керак. Ҳаммани қўйиб, энди бу ерда тура олармиди?

Григорий Аксиньянинг совқотган қўлини ўз енги ичига олди; бармоқлари билан нозик билагини қисиб:

— Энди нима қиламиз?— деб сўради.

— Мен билмайман, жонгинам. Сен нима десанг, мен розиман.

— Степандан кечасанми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кечиш ҳам гапми? Ҳозир ташла десанг, хозир тайёрман.

— Иккимиз бир амаллаб тирикчилик қилармиз.

— Молхонада ишлашдан ҳам қочмайман, Гриша... Менга сен бўлсанг бас.

Улар бир-бирининг пинжида исиниб олишди. Григорийнинг кетгуси келмас, юзини шамолга ўгириб, бурнини чимириб турар, юмуқ кўзларини кўтариб қарамас эди. Аксинья унинг пинжига бошини тиқиб ўзига таниш маст қилувчи тер ҳидини искаб хумордан чиқарди, унинг суқатой лаблари орзусига етгани учун титраб жилмайиб турганини Григорий пайқамас эди.

— Эртага Моховга учрашиб кўраман, балки ишга олар,— деди Григорий кафти орасида терлаган Аксиньянинг билагини юқорироқдан тутиб.

Аксинья индамади. Бошини кўтармади. Лабларидан ҳалиги севинч ва табассумни шамол ялаб кетган, ғамнок бўта кўзларини ваҳима босган эди. «Айтсаммикан ёки айтмаганим тузукми?»— деб ўйлар эди Аксинья, оғироёқ эканини эслаб. «Айтиш керак»,— деган қарорга келди-ю, лекин ўша заҳотиёқ сесканиб тушиб, бу даҳшатли фикрни ўзидан ҳайдади. Ёлғиз хотинларга хос сезгирлик билан, ҳозир бу гапни айтадиган вақт эмаслигини, айтса, Григорийдан умрбод ажраб қолиши мумкинлигини пайқади, юраги остида типирчилаган боланинг қайси биридан бўлганига шубҳаси борлиги учун ҳам айтмай қўя қолди.

— Нега сескандинг? Совқотдингми?— деб сўради Григорий уни пўстинга ўраб.

— Ҳа, бир оз совқотдим... Энди кетай, Гриша. Степан келиб қолса, уйда мен йўқ бўлсам...

— У қаёққа кетди?

— Аникейникига бориб карта ўйнаб кел деб, зўрға жўнатувдим.

Иккиси икки ёққа кетди. Григорийнинг оғзида Аксинья лабларининг лаззати қолди; бу лаблардан қишки шамолнингми, ё эса, май ойида ёмғир сепалаган даштдаги барра пичаннингми — ниманингдир ҳиди келарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аксинья тор кўчага бурилди; энгашиб олиб, тез-тез қадам ташлаб кетди. Аллакимнинг қудуғи рўпарасига етганда, кузда моллар босиб, билчиллатган жойдаги қатқалоққа бехосдан қоқилиб, оёғи тойиб кетди, бирданига қорнига оғриқ келиб, четанни ушлаганича суяниб қолди. Оғриғи босилди, лекин жонли бир нарса биқини остида қимирлаб ағдарилди, бир неча марта ғазаб билан устма-уст, қаттиқ-қаттиқ тепинди.

XI

Эрталаб Григорий Моховнинг уйига борди. Сергей Платонович чой ичгани магазиндан келган эди. Атепин билан иккиси, деворларига қиммат баҳо, кўк гулқоғоз ёпиштирилган емакхонада аччиқ-аччиқ чой ичиб ўтиришарди. Григорий шапкасини даҳлизга қўйиб, емакхонага кирди.

— Мен сизга келувдим, Сергей Платонович.

— Пантелей Мелеховнинг ўғлимисан дейман.

— Ҳа.

— Нима иш билан?

— Мени бирон ишга олармиксиз, деб келувдим.

Григорий ғичиллаган эшик томонга юзини ўгирди. Кўк китель кийган, юзбошилик погони таққан ёшгина офицер газета ушлаб, залдан чиқди. Григорий уни таниди: бултур пойгада Митька Коршуновга етолмаган офицер шу эди.

Сергей Платонович офицерга курси тўғрилаб қўйди.

— Отанг қашшоқ бўп қолдими дейман, нега сени хизматкорликка бермоқчи?

— Мен бошқа турибман.

— Остонангни бўлак қилдингми?

— Ҳа.

— Жон деб олардим, оилангизни биламан — бари меҳнаткаш одамлар, аксига бўш ўрин йўқ-да.

Юзбоши курсига ўтираётиб:

— Нима гап?— деб сўради-да, Григорийга назар ташлади.

— Манави йигит иш сўраб кепти.

— От боқишга қалайсан? Арава ҳайдашни била-

www.ziyouz.com kutubxonasi

санми?— деб сўради юзбоши қошиқча билан стакандаги чойни чайқалтириб.

— Биламан. Ўзимиз ҳам олтита от боққанмиз.

— Менга извош ҳайдовчи керак. Қанча сўрайсан?

— Кўп сўрамайман...

— Ундай бўлса, эртага отамнинг қўрғонига боргин, Николай Алексеевич Листницкийнинг қўрғонини биласанми?

— Ҳа, биламан.

— Бу ердан ўн икки чақирим келади. Эрта эрталаб бор, отам билан келишиб оласан.

Григорий жойида депсиниб турди-да, эшик тутқичини ушлаб:

— Жаноб олий, сизга бир оғиз гапим бор эди...— деди.

Юзбоши Григорийнинг кетидан қоронғи йўлакка чиқди. Айвоннинг жилосиз ойнасидан бу ерга ғирашира лола ранг нур тушиб турарди.

— Нима гап?

— Мен ёлғиз эмасман...— Григорий лоладай қизариб кетди.— Ёнимда бир аёл киши ҳам бор. Унгаям бирон иш топилмасмикан?

Юзбоши кун нуридан қизарган қошларини чимириб кулимсиради:

— Хотинингми?

— Бировнинг хотини...

— Ҳа, бундай дегин. Ҳай, майли унга ҳам ўчоқ бошидан иш топиб берамиз. Эри қаерда?

— Шу ерда, шу қишлоқлик.

— Сен нима, бировнинг хотинини ўғирлаб қочмоқчимисан?

— Ўзи илакишди.

— Ажойиб ҳодиса. Ҳай, майли, эртага кел. Энди сенга жавоб, ука.

Григорий Ягодное қишлоғига — Листницкийларнинг қўрғонига эрталаб соат саккизда етиб келди. Нўраган ғишт девор билан қуршалган катта ҳовлида бетартиб солинган бинолар кўринарди: ёнбошдаги уйнинг томига черепица ёпилган ва ўртасига черепица билан 1910 йил — деб ёзилган, қўрада яна хизмат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

корлар турадиган уй, ҳаммом, ошхона, оғилхона, паррандалар учун каталак, узун кетган омборхона, извош турадиган бостирма бор эди. Боғ ичида катта бир кўҳна уй қад кўтариб турар, уйнинг саҳни гулзор, орқа томонида барглари тўкилган қатор-қатор тераклар, толлар қаққайиб турар, дарахтларнинг шох-шаббаларида эгасиз қолган заҳча уялари қорайиб, телпакка ўхшаб кўринарди.

Қўрада Григорий бир гала зотли қора тозиларга дуч келиб қолди. Дастлаб, кўзлари шилпиқ қари, чўлоқ қанжиқ келиб Григорийни искаб кўрди-да, бошини қуйи солиб, унга эргашди. Хизматкорлар турадиган уйда ошпаз хотин юзига сепкил тошган ёшгина чўри қизни койиётган эди. Лаблари қалин, ваҳималик бир чол тутун бурқсатиб бўсағада ўтирарди. Чўри қиз Григорийни уйга бошлаб кирди. Даҳлиздан ит ҳиди, ошланмаган тери ҳиди анқирди. Стол устида қўштиғ милтиқнинг жилди ва ипак шокилали яшил тўрва ётарди.

Ёнбошдаги эшикдан чўри қиз бошини чиқариб:

— Ёш хўжайин чақиряптилар,— деди.

Григорий хижолат чекиб лой этикларига қарадида, ичкари кирди.

Дераза олдига қўйилган каравотда юзбоши ётарди; кўрпа устида тамаки билан гильзалар солинган қутича турарди. Юзбоши қўлидаги папиросни ўраб бўлгач, оппоқ уст кўйлагининг ёқасини тугмалади-да:

— Эрта келибсан, кутиб тур, ҳозир отам келади,— деди.

Григорий эшик олдида қаққайиб турди. Бир минутдан сўнг, даҳлизнинг пол тахтаси ғижирлаб, қадам товуши эшитилди. Дўриллаган бир овоз эшик тирқишидан:

— Уйғоқмисан, Евгений?— деб сўради.

— Киравернг.

Қавказча қора чакмон кийган чол кириб келди. Григорий унга кўз қирини ташлаб қўйди ва дастлаб кўзига чалинган нарса — чолнинг бир оз қийшиқ ингичка бурни билан тамаки тутунидан сарғайган шопдай мўйлови бўлди. Чолнинг бўйи бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

саржин, кифтлари кенг, ўзи қотмадан келган эди. Эгнидаги туя жун мовутдан тикилган узун камзули шалвиллаб қолган, серажин сарғиш бўйнини ёқаси сиртмоқдай сиқиб турарди. Нурсиз кўзлари қаншарига жуда яқин эди.

— Мана бу йигитни сизга кучерликка мўлжалловдим, дада. Яхши одамларнинг боласи.

— Кимнинг ўғлисан?— деб шанғиллади чол.

— Мелеховнинг.

— Қайси Мелехов?

— Пантелей Мелеховнинг ўғлиман.

— Прокофийни билардим, Пантелейни ҳам танийман. Черкаслардан тарқаган анави чўлоқми?

— Шундай, жаноби олийлари, чўлоқ.— Григорий қоматини тик тутиб турарди.

Истеъфога чиққан, Рус-турк уруши қаҳрамонларидан бири бўлган генерал Листницкий тўғрисида дадаси айтган гаплар Григорийнинг эсида эди.

— Нима учун хизматга киряпсан?— эшитилди варанглаган овоз юқоридан.

— Отамдан бошқа турибман, жаноби олийлари.

— Бировларга ёлланиб юрадиган бўлсанг, казаклигинг қаёқда қолди? Отанг сени ажратганда ҳеч нарса бермадими?

— Шундоғ, тақсир, бермади.

— Ундай бўлса, гап бошқа. Хотининг билан бирга ёлланмоқчимисан?

— Шундоғ, жаноби олийлари.

— Жаноби олий деяверма. Ёқтирмайман! Ойига — саккиз сўм. Икковингизга берадиганим шу. Хотининг хизматкорлар билан мардикорларга овқат пиширади. Розимисан?

— Хўп бўлади.

— Эртадан қолмай келинглар. Қўшхонада илгариги кучер ўтирган ҳужрада турасиз.

— Кеча ов қалай бўлди?— деб сўради ўғли отасидан ва ингичка сертук оёқларини каравотдан осилтириб гиламга қўйди.

— Гремячий чакалакзоридан тулки қувдик, ўрмонгача ҳайдаб кетидан бордик. Тулаги экан — итларни адаштириб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Казбек ҳалиям оқсаяптими?

— Оёғи чиққан экан. Тезроқ бўл, Евгений, овқат совиб қолди.

Чол Григорийга бурилиб қаради-да, ингичка бармоқларини қарсилатди.

— Шагом-арш! Эртага соат саккизда шу ерда бўл!

Григорий дарвозадан чиқди. Омборхонанинг орқа томонида, қори эриб қуриган жойда тозилар исинишарди. Кўзи шилпиқ қари қанжиқ Григорийнинг ёнига лўкиллаб келди, этагини искади, бошини қуйи солиб, кетидан қолмай жаргача эргашиб борди. Сўнгра изига қайтди.

XII

Аксинья кечки овқатдан барвақт қутулди, печнинг чўғини тортиб, трубасини беркитиб қўйди, сўнгра идиш-товоқларни ювиб бўлди-да, ҳовлига қараган деразадан мўралади. Степан Мелеховлар кўраси томондаги четан ёнига тахлаб қўйилган ёғочлар олдида турарди. Лабининг бир бурчида ўти ўчган папирос осилиб қолган; ходалар орасидан у учи айри ёғоч танламоқда эди. Бостирманинг чап қаноти қийшайиб қолган, унга иккита айри тиргович қўйиб устини эски қамиш билан ёпиш керак эди.

Эрталабдан бери Аксиньянинг икки бетига қон югурган, кўзлари ёниб турарди. Унда рўй бераётган ҳол Степандан пинҳон қолмади; нонушта қилар экан:

— Сенга нима бўлди?— деб сўраб қолди.

— Менга нима бўпти?— Аксинья бир сесканиб тушди.

— Юзинг худди зиғир ёғ суркагандай ялтирайди.

— Печнинг тафти... бошимни оғритиб юборди.— Шуни деб у, юзини ўгириб деразага ўгринчи бир қараб қўйди: Мишка Кошевойнинг синглиси келиши керак эди.

Лекин у кеч кирганда келди. Кутавериб хуноб бўлган Аксинья типирчилаб қолди.

— Менга келдингми, Машутка?

— Бу ёққа чиқинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Степан оппоқ печга қўшиб шувалган синиқ ойнага ўзини солиб, сочларини силар, чўлтоқ мугиз тароқ билан малла мўйловини тарарди.

Аксинья қўрқа-писа эри томонга назар ташлади.

— Сен тағин қаёққа бормоқчисан?

Степан дарров жавоб бера қолмади, тароқни шошилмай чалварининг чўнтагига солди, сўнгра печь токчасидан бир даста карта билан тамаки халтасини олди.

— Аникушканикига бораман, бирпас ўтириб келаман.

— Тентиращдан қачон тўясан-а? Карта бир бало бўлди: ҳар кеча буларга карта ўйини бўлса. Бир хўроз ўтгунча ўтиришади.

— Ҳа, бўлди, бас қил.

— Тағин йигирма бир ўйнайсанми?

— Оббо, бўлди-да! Биров келиб қараб турибди, чиқсангчи, ахир.

Аксинья якка кифт бўлиб даҳлизга чиқди. Эшик олдида юзига сепкил тошган лоладай Машутка кулиб турар эди.

— Гришка келди.

— Хўш?

— Қоронғи тушиши билан бизникига борармишсан.

Аксинья Машутканинг қўлларидан ушлаб, эшик томон тортди.

— Секинроқ, секинроқ гапир, айналай. Тағин нима деди у? Балки, бошқа гап ҳам айтгандир?

— Ўз нарсаларини, дейди, кўтарганича ола чиқсин, дейди.

Аксиньянинг аъзойи-бадани ўтдай ёниб қалтирар, дамба-дам бошини буриб, уй томонга қарар, оёғини қўйгани жой тополмас эди.

— Худоё, энди нима қиламан?.. А?.. Мунчалик тез бўлишини... Менга нима бўлди? Шошма, бориб айт, ҳозир бораман... Мени қаерда кутмоқчи бўлди?

— Тўғри уйимизга киравер!

— Э, йўқ!

— Бўлмаса, мен айтаман, эшикка чиқиб туради.

Степан камзулини кийди, осма лампага чўзилиб, тамакисини тутатиб олди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нимага келган экан?— деб сўради тамакисини бир тортиб.

— Ким?

— Ҳалиги Маша Қошевой-чи.

— Ҳа, у ўз иши билан келибди... юбкамни бичиб бер, дейди.

Степан тамакининг кулини пуфлаб туширди-да, эшикка қараб юрди...

— Сен ухлайвер, мени кутма!

— Ҳо-о!

Аксинья курси ёнида чўккалаб, музлаган дераза ойнасидан мўралаб қаради. Кўча эшик томонга тушган ёлғизоёқ йўлда кетаётган Степаннинг ғарч-ғурч қадам товуши эшитиларди. Шамол тамакисининг учқунини деразагача учириб келди. Аксинья ойнанинг эриган жойидан йилт этиб ёнган тамаки ёруғида эрининг папахи остида букланиб қолган қулоғини, қизилмағиз юзини кўриб қолди.

Аксинья сандиқдан юбка, кофта, рўмолларини — ўзининг сепини — шошиб-пишиб олди ва катта шол рўмол устига ташлади, унинг кўзлари жавдирар, нафаси тиқиларди; сўнгги марта ошхонани айланиб чиқиб чироқни ўчирди-да, югурганича зинапояга чиқди. Мелеховлар уйидан аллаким молларини қарагани қўрага чиқди. Аксинья оёқ товуши босилгунча кутиб турди-да, эшикни занжирлади ва тугунини қўлтиқлаб, Дон бўйига қараб чопди. Тивит рўмоли остидан чиқиб қолган соч толалари юзини қитиқларди. Орқа кўча билан юриб Қошевойнинг ҳовлисига етгунча дармони қуриган, оёғи зилдай бўлиб, ҳолдан тойган эди. Григорий дарвоза ёнида кутиб турарди. У Аксиньянинг қўлидан тугунини олди-да, олдига тушиб, индамай дашт томон юриб кетди.

Хирмондан ўтгач, Аксинья юришини секинлатиб, Григорийнинг енгидан тортди.

— Бирпас тўхта.

— Нега энди? Ҳали-бери ой чиқмайди, қоронғида етиб олиш керак.

— Шошмагин, Гриша,— Аксинья букчайиб қолди.

— Нима бўлди?— деб сўради Григорий энгашиб.

— Ўзим... юрагимга бир бало бўлди. Боя оғир

www.ziyouz.com kutubxonasi

нарсани кўтарувдим.— Аксинья қақраган лабларини ялар, оғриғининг зўридан кўзларидан ўт чақнар эди. Бир нафас икки букчайиб, тумтайиб турди-да, сўнгра тўзғиган сочларини рўмоли остига қистириб, ўрнидан қўзғалди.

— Бўлди, қани кетдик!

— Қаёққа бошлаб кетаётганимни сўрамайсан ҳам, Аксинья, дуч келган биринчи жарга итариб юборсам нима қиласан?— деди илжайиб қоронғида Григорий.

— Менга барибир. Ўйин соб бўлди...— деб маъюсгина кулиб қўйди Аксинья.

Степан ўша кечаси, ҳар сафаргисидай, уйига жуда кеч қайтди. Олдин отхонага кирди, от чочиб оёқ ости қилган пичанни охурига солиб қўйди, нўхтасини ечиб олди, сўнгра зинапоядан чиқиб, эшик олдига келди. «Қўшниларникига ҳангамалашгани кетган бўлса керак»,— деб ўйлади, эшикнинг занжирини очаётиб. Ошхонага кириб, эшикни маҳкамлаб ёпдида, гугурт чақди. Бугун гугурт отиш ўйинида Степан ютган, шунинг учун кўнгли равшан, ширин уйқу элитаётган эди. Чироғни ёқди ва ошхонада чочилиб ётган нарсаларга кўз ташлади, лекин кўнглига ҳеч гап келмади. Ҳанг-манг бўлиб, ичкари уйга кирди. Сандиқ оғзини очганча қоронғида ҳувиллаб турар, хотининнинг шошиб унутиб қолдирган эски кофтаси ерда ётарди. Степан калта пўстинини елкасидан улоқтириб ташлади, югурганича ошхонага бориб, чироқ олиб келди. Уйни бошдан-оёқ кўздан кечириб, нима ҳодиса бўлганини тушунди. Лампани отиб юборди-да, нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, деволда осиғлиқ турган қиличини шартта олди, дастасидан шу қадар маҳкам ушлаган эдики, панжалари кўкариб кетди, Аксинья эсдан чиқариб қолдирган ҳаво ранг, малла гул кофтани қилич учига илиб ҳавога ирғитди, кофта ерга тушгунча уни бир зарб билан икки нимта қилди. Ўзини йўқотган, ранги қув ўчиб кетган Степан, ҳаво ранг кофтанинг бурдаларини ҳадеб шипга улоқтирар, ўткир, олмос қиличи билан уларни тўғраб ерга тушираради.

Ниҳоят, тасмасини узиб, қилични бурчакка улоқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тириб юборди-да, ошхонага чиқиб стол ёнига бориб ўтирди. Бошини эгиб, артилмай қолган столни қалтираб турган темирдай бармоқлари билан анча вақтгача силаб ўтирди.

XIII

Бало бир тикилса, устма-уст келаверади: Гетьконинг бепарволигидан, тонг отар пайтда Мирон Григорьевичнинг наслдор буқаси энг яхши бияни сузиб, бўйнини ёриб ташлади. Рангида қони қолмаган. Гетько ҳовлиқиб югурганича уйга кирди, аъзойи-бадани безгак тутгандай қалтирарди.

— Иш пачава, хўжайин! Ҳаром ўлгур буқа, лаънати буқа...

— Буқага нима бўлди? Хўш?— деб ташвишланди Мирон Григорьевич.

— Бияни майиб қилди... Сузиб олди... Мен десангиз...

Мирон Григорьевич кўйлакчан қўрага чопиб чиқди. Қудуқ ёнида Митька беш яшар қизил буқани таёқ билан урмоқда эди. Лекин буқа тисарилиб, қатлам-қатлам тўшини қорга тегизиб, бошини чайқатар, думини гажжак қилиб, оёғи билан қор сочар, атрофга кумушдай қиров ёғиларди. Буқа калтакдан қочмас, фақат калта-калта бўкирар ва кетинги оёқларини ерга тираб, ҳамлага тайёрланар эди.

Унинг овози тобора кучайиб, ғарғарали бўкиришга айланди. Митька хириллаб оғзига келганини айтиб сўкар, буқанинг тумшуғига, биқинига туширар, камаридан ушлаб, орқага тортаётган Михейига эътибор бермасди.

— Бас энди, Митрий!.. Худо ҳақи, ўтинаман, қоч!.. Сузиб ўлдиради сени, ахир!.. Ҳой Григорич, нима қилиб қараб турибсан?

Мирон Григорьевич қудуқ бошига чопиб келди. Четан олдида бия бошини энгаштирган ҳолда турарди. Ичига тортиб кетган, қоп-қора тер босган биқини кириб-чиқиб турар, бўйнидан оқаётган қон сермушак тўшига ва ерга томар эди. Сирти ва биқинларидаги қўнғир жунлари билинар-билинмас титрар, бутлари қалтирар эди...

Мирон Григорьевич биянинг олдига ўтди. Бўйни-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг қоқ ўртасидаги қип-қизил жароҳатдан буғ кўтариларди. Суқса — қўл сиғадиган даражада чуқур ва катта жароҳат пайдо бўлган, кекирдаги ҳам очилиб қолган, энтикиб зўрға нафас олаётгани кўриниб турар эди. Мирон Григорьевич отнинг кокилидан ушлаб, биянинг энкайган бошини баланд кўтарди. Жонивор, мўлтираган, қорачиғи гунафша ранг кўзларини хўжайинига тикиб: «Энди нима бўлади?» деб савол бераётгандай эди, Мирон Григорьевич ҳам бу унсиз саволга жавоб қилаётгандай:

— Митька! Эман пўстлоғини қайнатишсин! Қани, тезроқ қимирла!— деб бақирди.

Гетько, кир босган кекирдагини ўйнатиб, югурганича эман пўстлоғини шилгани кетди. Митька ҳовлида гир айланиб юрган буқага қарана-қарана, отаси ёнига келди. Қизил буқа эса, қутуриб, оппоқ қорни тўзитиб овози борича тинмай бўкирар, гир айланиб қўрада югурар эди.

— Отнинг кокилидан тутиб тур,— деб буюрди Мирон Григорьевич Митькага.— Михей, чоп, чилвир келтир! Тез кел, бўлмаса, тумшуғингга соламан!..

Бия оғриқни сезмасин учун унинг сийрак тукли духобадай юмшоқ устки лабини чилвир билан сириб танғидилар. Бобо Гришак ҳам етиб келди. Гулдор косада қаҳва ранг пўстлоқ қайнатмасини олиб келишди.

— Совутгин, қайноқ бўлса керак. Эшитяпсанми йўқми, Мирон?

— Худо хайр берсин, дада, уйга киринг! Бу ерда шамоллаб қоласиз!

— Мен сенга, совут деяппан. Бияни ўлдирмоқчимисан?

Жароҳатни ювдилар. Мирон Григорьевич совқотган бармоқлари билан жуволдизга каноп ўтказди. Ярани ўзи усталик билан тика бошлади. Мирон Григорьевич ҳали қудуқ бошидан кетмай туриб, уйдан Лукинична югуриб чиқди. Унинг ранги ўчган, салқиган юзларида ташвиш аломати кўринарди. Кампир эрини бир четга чақириб:

— Наталья келди, Григорьич!.. Шўрим қуриб қолди! Эй худойим!— деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тағин нима гап?..— Мирон Григорьевичнинг сепкил тошган сарғиш афти оқариб, авзойи бузилди.

— Григорий... куёвинг уйдан кетиб қопти?!— Лукинична учишга ҳозирланган заҳчадай, қўлларини кериб сонига урар, чийиллаб:— Бутун қишлоққа шарманда бўлдик!.. Ё парвардигор, бу нима деган кўргилик-а!..— деб, оҳ-воҳ қилар эди.

Бошига рўмол, эгнига калтагина қишқи кофта кийган Наталья ошхона ўртасида турарди. Икки кўзи жиққа ёш, икки бети бўриқиб кетган эди.

— Нега келдинг?— деб ўдағайлади, эшикдан кириб келаётган отаси.— Эринг урдими? Муросангиз тўғри келмадими?

— Уйдан кетиб қолди,— деди йиғламоқдан бери бўлиб Наталья, сўнгра гандираклаб бориб отасининг оёғига йиқилди.— Дадажон, умрим барбод бўлди?.. Мени у ердан кўчириб келинг! Гришка ўйнаши билан кетди!.. Ёлғиз қолдим! Дадажон, умрим хазон бўлди!..— деб валдирар эди у. Наталья, ўпкаси тўлганидан ҳар сўзнинг охирини айтолмас, кўзларини кўтариб, ялиниб-ёлвориб, отасининг малла ранг соқолига телмурарди.

— Шошма, шошма дейман!

— У уйда қандай қилиб тураман ахир! Мени у ердан кўчириб келинг!..— Наталья эмаклаб сандиқ ёнига борди, юм-юм йиғлаб, қалт-қалт қилган бошини икки қўли билан чангаллаб олди. Рўмоли елкасига сирғилиб кетди, силлиқ таралган қора сочлари тўзиб қулоқлари устига тушди. Оғир дақиқада келган кўз ёши май ойидаги қурғоқчиликда ёққан ёмғир билан баравар; она шўрлик Натальянинг бошини бағрига босиб, бир-бирига қовушмаган гапларни айтиб йиғлай бошлади: Мирон Григорьевич бўлса, ўтдай тутақиб зинапояга чиқди.

— Икки отли чанани қўш... Ҳайдамани қўш!..

Зинапоя олдида товуқ босаётган хўроз, хўжайиннинг дўриллаган товушидан чўчиб, товуқни ташлади-ю, зинапоядан нари қочди ва қақилаганча тўғри омборхона томон кетди.

— Тезроқ қўш!— Мирон Григорьевич зинапоянинг ўймакор панжарасини этиги билан тепар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ниҳоят, Гетьконинг отхонадан бир жуфт қора тўриқ отни етаклаб, йўл-йўлакай хомут солиб елдириб келаётганини кўргач, кўнгли тинчиб, синган панжара олдидан уйига кириб кетди.

Натальянинг сепини олиб келмоқ учун Митька билан Гетько жўнади. Украин хизматкор: «Энди хўжайин, шу жанжал туфайли бияни ҳам эсидан чиқариб юборса ажаб эмас!» деган хаёлга бориб, йўлда юрган чўчқа болани чанага бостириб юборай деди. У ўзидан-ўзи суюнар, тизгинини бўшатарди.

— Бундай золими-бадтарин хўжайин эсидан чиқариб бўпти!..— деган хаёл Гетьконинг кўнглига келиб, қовоғи осилиб, лаблари бурилиб кетди.

— Чу, ҳароми!.. Чу, солиб қоламан!— деб қора отнинг қоқ биқинини мўлжаллаб қамчи билан урмоқчи бўларди.

XIV

Юзбоши Евгений Листницкий лейб-гвардия Атаман полкида хизмат этарди. У офицерлар пойгасида отдан йиқилиб чап қўлининг билак суяги синган эди. Лазаретдан чиққач, бир ярим ойлик отпуска олиб отаси ёнига — Ягодноега келди.

Хотини ўлиб сўққабош бўлиб қолган чол генерал Ягодноеда ёлғиз ўзи турарди. Хотини ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Варшава ёнида ҳалок бўлган эди. Казак генералига отилган ўқлар унинг хотинига ва кучерига теккан, извошини кўп жойидан илматешик қилиб юборган, бироқ генерал соғ қолган эди. Ўшанда Евгений икки ёшга кирган эди. Шу воқиадан сал кейин генерал истеъфо бериб, Ягодноега кўчиб келди ва қаттиқчилик билан умр кечира бошлади. (Унинг Саратов губерниясида тўрт минг десятина ери бор эди, бу ерни 1812 йилги Ватан урушда иштирок этган бобокалони ҳадя тариқасида олган эди).

Евгенийни ўспиринлигидаёқ кадетлар корпусига берди, ўзи рўзғор ишига киришиб кетди: наслдор моллар тўплади, императорга қарашли от заводидан насл олиш учун пойгачи югурук айғирлар сотиб олди, буларни энг яхши инглиз бияларига ҳамда Дон-

www.ziyouz.com kutubxonasi

даги Провальск заводининг бияларига қўйиб янги зот отлар пайдо қилди. Хизмати учун теккан ва ўзи сотиб олган ер-ларда уюр-уюр йилқилари ўтлар, бировларнинг кучи билан дон экарди, қиш ва куз маҳалларда този солиб ов қилар, аҳён-аҳёнда оқ залга кириб олиб ҳафталаб сурункасига ичарди. Ёмон ич оғриқ дардига гирифтор бўлган эди: докторлар овқатини чайнаб ютишга сира рухсат этишмасди; овқатни чайнаб, сувини шимиб ютар, гурпини эса кумуш тарелкага туфлаб ташларди; Вениамин деган мужик малайи бу тарелкани ушлаб доим тайёр турарди.

Вениамин бир оз овсарроқ, қорачадан келган йигит эди, дум-думалоқ бошидаги сочи — қора кийгиз сингари пахмоқ бўлиб кетганди. У олти йилдан бери пан Листницкийда хизматкорлик қиларди. Дастлабки кунлари, генералнинг ёнида кумуш тарелка ушлаб туриш вазифаси гарданига тушганда, паннинг чайнаб сўриб ташланган турпларни туфлаганини кўриб, ўқчиғиси келиб қийналган бўлса ҳам, бора-бора кўникиб кетди.

Қўрғонда Вениаминдан бошқа яна ошпаз хотин Лукерья, кекса отбоқар Сашка, чўпон Тихон ва яқинда кучерлик вазифасига олинган Григорий ҳамда Аксинья турар эдилар. Ошмаган хамирга ўхшаган хом семиз чўтир Лукерья, дастлабки кунданоқ Аксиньяни ўчоқ бошига йўлатмай қўйди.

— Пан ёзда мардикор ишлатганда қозон-товоққа уринарсан, овқат пишириш ҳозирчалик ўзимдан ортмайди.

Ҳафтада уч марта полларни юзиб чиқиш, гала-гала паррандаларни боқиш, паррандахонани супуриб-сидириб туриш Аксиньяга юкланган эди. Ўз вазифасига у астойдил киришди, ҳаммага ва шу жумладан Лукерьяга ёқиш учун ҳаракат қила бошлади. Григорий аксари вақтини катта отхонада, отбоқар Сашка олдида ўтказарди. Бечора чолнинг сочу соқоллари оқариб кетган бўлса ҳам, исми Сашкалигича қолган эди. Бирон киши, лоақал кўнгил учун, отасининг отини тилга олиб чақирмасди, фамилиясини бўлса, Сашка йигирма йилдан ортиқ эшигида юрганига қарамай, эҳтимол, генерал Листницкийнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзи ҳам билмасди. Ёшлигида Сашка кучерлик қиларди, бироқ ёши қайтиб, кучдан ва кўздан қолгач, отбоқарликка ўтди. Бўйи пак-пакана, болалигида чўқмор тегиб бурни пучуқ бўлиб қолган, соч-соқоли оқарган (ҳатто қўлларининг жуни ҳам оқ эди), доим болалар сингари илжайиб кулиб турар, жияклари қизарган кўзларини тез-тез юмиб, теварак-атрофига қаранаверарди. Лекин нуроний юзининг ҳуснини фақат курак нусха бурни билан пастки лабидаги тиртиғи бузарди, холос. Солдатликка кетар олдида мастлик билан (аслида Сашка боғучарлик москаллардан эди) ароқ ўрнига, адашиб косадаги туз кислотасини ичиб юборган; кислота оғзидан оқиб тушган-у лабини иягига ёпиштириб қўя қолган. Кислота оқиб тушган жой, қайтиб соқол чиқмайдиган тиртиқ бўлиб битган, гўё Сашканинг соқолини аллақандай бир махлуқ ўткир заҳар тили билан ялаб кетгандай, қизариб қолган. Сашка кўпинча ароқ ичиб қўрғон ҳовлисида ўзи бек, ўзи хон, алпон-талпон қадам ташлаб санқиб юрар, пан ётган бўлманинг деразаси рўпарасида туриб олиб, пучуқ бурни атрофида бармоғини ғалати қилиб айлантираверарди.

— Миколай Лексеич! Ҳой Миколай Лексеич!— деб ўдағайлаб қаттиқ-қаттиқ чақирарди.

Шу дақиқада агар пан ўз бўлмасида бўлса, дераза олдига келарди-да:

— Заҳрингга тағин ичиб олдингми, аблаҳ?— деб деразадан вағилларди.

Сашка тушиб кетаётган шимини ҳадеб кўтарар, кўз қисар, маккорона кулимсирарди. Илжайганда оғзи қулоғигача етиб, қисинқираган чап кўзидан то лабининг ўнг бурчидаги қизарган тиртиққача ёришиб кетарди. Кулиши беўхшов бўлса ҳам ёқимли эди.

— Миколай Лексеич, хўжайин, мен сени яхши била-ма-ан!..— Сашка ер тепиниб ўйин тушар, ингичка ва кир бармоғи билан таҳдид қиларди.

— Бор, кириб ухла,— дерди пан уни риоя қилиб ва тамакидан сарғайган беш панжаси билан салқи мўйловини бурарди.

— Сашкани шайтон ҳам алдал-май-де-е!— деб

www.ziyouz.com kutubxonasi

куларди Сашка гулзорга яқинлашиб.— Миколай Лексеич, сен... сен ҳам мендақасан. Иккимиз ҳам сувдаги балиқдай нарсамиз. Лекин балиқ сув остида, сен билан биз... хирмон устида. Сен билан мен бадавлат одамлармиз!.. Мана бундай,— деб Сашка қизишиб, қўлларини кериб қўярди.— Бизни ҳамма билади, Дон вилоятида бизни танимаган одам йўқ. Биз...— Сашканинг овози қайғурган, ўз дардини айтмоқчи бўлган кишининг овозидек эшитиларди,— бизнинг, жаноб олий, ҳамма нарсамиз жойида, фақат бурнимиз нобоп!

— Нега?— деб суриштирган бўларди пан, лекин ўзи, соқол-мўйловларини селкиллатиб, кулгисини тўхтатолмай бўзариб кетарди.

— Ароқнинг касри урган!— деб жавоб берарди Сашка дона-дона қилиб; у ҳадеб кўзини пириллатар, лабидаги тиртиғининг ариқчасидан оқиб тушаётган сўлагини ялар эди.— Сен-чи, Миколай Лексеич, ичмагин. Бўлмаса, икковимиз ҳам адойи тамом бўламиз! Бор-йўғимиздан ажраб қоламиз!..

— Бор, мана бунн ол, бош оғриғига ич!

Пан деразадан бир танга ташларди, Сашка уни ерга туширмай илиб олар ва шапкасининг астарига яшириб қўярди.

— Хайр энди, генерал,— деб хўрсинарди кетаётиб Сашка.

Генерал кулар:

— Отларни суғордингми?— деб сўрарди унинг жиғига тегиб.

— Вай кал-эй! Вай итвачча-эй!— овозини ўзгартириб, қизариб-бўзариб бақирарди Сашка. Жаҳли чиқиб, безгаги тутаётгандай қалтирарди.— Сашканинг от суғормай қолган вақти бўлганми? Мен-а? Ўлаётган бўлсам ҳам, эмаклаб бориб, отларга челакда сув тутарман! Бунинг топган гапини қара-я!.. Ўлма-эй!..

Хўжайиннинг ноўрин гапидан кўнгли оғриган Сашка мушт ўхталиб, сўкина-сўкина кетарди. Унинг ароқхўрлигига, панга чапанича муомала қилишига кўп аҳамият беришмасди, чунки, отни парвариш қилишда унга тенг келадиган одам йўқ эди. Сашка қи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шин-ёзин отхонадаги бўш ҳужрада ётарди; ҳеч ким унингдек от боқа олмасди, у, ҳам отбоқарлик, ҳам от табиблик қиларди: кўклам келди дегунча, май ойида гулга кирган баъзи гиёҳларни юлиб келар, даштдан, қурғоқ ва захоб жарлардан доривор илдизларни ковлаб топарди. Отхона деворининг баланд жойларида қуритилган хилма-хил ўтлар: иссиқлашга қарши — қўзиқорин, илон чаққанга — илон ўт, оёғига ем тушса — от қулоқ, зўриққанга — чорбоғларда тол томири ёнида ўсадиган пастгина оқ гиёҳ ва шунинг сингари йилқи касалига даво бўладиган яна бирмунча номаълум доривор ўтлар осиғлик турарди.

Отхонадаги Сашка ётган ҳужрада қишин-ёзин нозик ва хушбўй доривор ўтларнинг ҳиди димоққа урилиб турарди. Тахта каравотга тўшалган бичан тошдай қотиб кетган, устига тўқим ташлаб қўйилган; от тери уриб қолган чакмон ҳам шу каравот устида ётарди. Сашканинг бисотида шу чакмон билан калта пўстиндан бошқа ҳеч нарсаси йўқ эди.

Норғилдан келган, эси пастроқ, лаблари қалин казак Тихон эса Лукерья билан бирга турар ва ўзидан-ўзи, уни Сашкадан қизғанарди. Ойда бир марта у Сашканинг яғири чиққан кўйлагининг тугмасидан ушлаб, том орқасига судрарди.

— Чол, мен билан юрган хотинга сен кўз олайтирма!

Сашка кўзини қисиб:

— Кўрамиз-да...— дерди тагдор қилиб.

— Бу йўлингдан қайт, чол!

— Мен чўтир хотинларни яхши кўраман, биродар. Менга ароқ берма, лекин чўтири бўлса обкелавер. Қанчалик чўтир бўлса, шунчалик жоним киради.

— Сенинг ёшингдаги одамга бу ярашмайди, гуноҳ бўлади, чол... Тағин сени табиб, отни даволайди дейишади-я, дуо ўқишни билади дейишади...

— Мен ҳамма нарсага ҳам табиблик қилавераман,— деб ўжарлигини қўймасди Сашка.

— Қайт бу йўлингдан, чол! Яхши эмас ахир.

— Мен шу Лукерьяни авраб оламан. Сен у доғулидан умидингни узавер! Ўзиям жиззалик кулчага ўхшайди. Фақат жиззасини чумчуқ чўқиб кетибди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

шунинг учун чўтирроқ кўринади. Шунисига ишқа-возман-да!

— Ма, ол... лекин қорангни кўрсатма, худди ўлдираман,— дерди Тихон хўрсина-хўрсина ҳамёнидан бир неча чақа олиб.

Ҳар ой аҳвол шу эди.

Ягодноедагилар карахт бўлган пациша сингари ивирсиб умр кечиришарди. Серқатнов катта йўллардан олис, сув чиқмайдиган ерга жойлашган бу қўрғон куз кириши биланоқ атрофидаги станица ва қишлоқлар билан алоқасини узиб қўяр эди. Қиш келса, Қора ўрмонда бола очган бўрилар чорбоққа тақалган қумтепа устида туни билан увиллаб, отларни ҳуркитишарди. Тихон паннинг қўштиғ милтиғини олиб, бўри отгани чорбоққа чиқарди, тўнкага ўхшаган бақалоқ Лукерья эса, орқасига эски-туски ташлаб, чўтир юзларидаги шира босган икки кўзини қоронғиликка тикканича, ўқ товушини кутарди. Шу чоқда кал ва овсар Тихон унинг назарида чиройли, ниҳоятда мард йигит бўлиб кўринарди, ҳужранинг эшиги очилиб, буғ аралаш Тихон кириб келгач, у дарҳол сурилиб, каравотдан жой берарди-да, ширин гапириб, совқотган ўйнашини бағрига оларди.

Ёзда Ягодноеда ишчиларнинг ғовур-ғувури то ярим кечагача эшитилиб турарди. Пан қирқ ботмон ерга ҳар хил дон экар, экини пишганда мардикор солиб, ўрдирар-янчдирарди. Ёз кунлари аҳён-аҳёнда Евгений қўрғонга келар, боғ ва чорбоғларни айланар, дарров зерика бошларди. Ҳар куни эрталаб ҳовузга қармоқ солиб, балиқ овлаш билан вақт ўтказарди. Евгений ўрта бўйли, кўкракдор йигит эди. Сочларини казакчасига ўстириб, ўнг томонга тараб қўяр, офицерча сюртюги қаддини ихчам қилиб кўрсатарди.

Григорий, Аксинья билан шу қўрғонга кўчиб келган кунлари, ёш хўжайиннинг олдига тез-тез кириб турарди. Хизматкорлар турадиган уйга Вениамин кириб, пахмоқ сочли бошини энкайтириб илжаяр:

— Григорий, ёш паннинг олдига бораркансан, сени чақиряпти,— дерди.

Григорий кириб эшик оғзида тўхтарди. Евгений

www.ziyouz.com kutubxonasi

Николаевич сийрак тишларини очиб илжаяр, қўли билан стулни кўрсатиб:

— Ўтир,— дерди.

Григорий омонатгина ўтирарди.

— Хўш, бизнинг отлар қалай, сенга ёқадими?

— Яхши отлар. Кўки жудаям ўткир экан.

— Сен уни тез-тез миниб совут. Тағин, чоптириб юрмагин.

— Сашка бобо менга пишиқтирган эди.

— Чайир қалай?

— Тўриқни айтасизми? Бебаҳо от. Фақат туёғи ейилибди, бошқатдан тақалатиш керак.

Ёш пан ўткир кўкиш кўзларини қисиб сўрар эди:

— Май ойида сен лагерга боришинг керак-а?

— Шундай.

— Атаман билан ўзим гаплашаман, бормайсан.

— Мингдан-минг раҳмат.

Иккиси жим бўлиб қолишарди. Юзбоши мундирнинг ёқасини ечиб, хотинларникидек оппоқ кўкрагини қашлар эди.

— Бу дейман, эри келиб, Аксиньяни олиб кетар, деб қўрқмайсанми?

— Обкетмайди, аллақачон кечворган.

— Ким айтди сенга?

— Мих олиб келгани станицага борганимда, ҳамқишлоқларимиздан бирини кўрдим. Степан ароқдан бошини кўтармай қолди, дейди. «Менга Аксютка энди текингаям керак эмас, юраверсин, мен ўзимга ғалатисини топиб оламан» деганмиш.

Юзбоши Григорийга бош оша қараб, ўйланқираб:

— Аксинья — чиройли хотин,— деди. У фосиқона илжаярди.

— Ёмон аёл эмас,— деб унинг гапини маъқуллади Григорий, лекин қовоғи солиниб кетди.

Евгенийнинг отпускаси тугашига оз қолган эди. У энди қўлини боғламасдан бемалол юрар, тирсагини букмасдан қўлини кўтара оларди.

Сўнгги вақтларда у кўпинча Григорийнинг ҳужрасига келиб ўтирадиган бўлиб қолди. Аксинья моғорлаб кетган бу ҳужрани оппоқ қилиб оқлаган, дераза қопқоқларини тозалаб ювган, полларини ғишт

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан ишқалаб чиққан эди. Бу қуппа-қуруқ ҳужрача аёл қўлида яшнаб, кулиб турганга ўхшар эди. Ертўладан иссиқ ҳовур чиқиб турарди. Юзбоши кўк мовут сирилган калта пўстинини кифтига ташлаб, хизматкорлар хонасига югурарди. Атайлаб, Григорий отхонада банд бўлган вақтини пойлар эди. Олдин ошхонага кириб Лукерья билан ҳазиллашар, у ердан ҳужрача томонга бурилларди. У ертўла оғзидаги табуреткага ўтирар, энгашиб олиб, уялмай-нетмай, Аксиньянинг юзига илжайиб қararди. Унинг олдида Аксинья ўзини йўқотиб қўяр, пайпоқ тўқиётган илмалари қўлида қалтирай бошларди.

— Ҳол-аҳвол қалай, Аксинюшка?— деб сўрарди юзбоши, ҳужрани кўм-кўк папирос тутунига тўлдириб.

— Чакки эмас.

Аксинья кўзларини кўтариб қарар, юзбошининг ёмон ният билан тикилган ўткир кўзларини кўриб, лоладай қизариб кетарди. Евгений Николаевичнинг беҳаё, кўкиш кўзларига кўзи тушганда юраги сиқилиб, бўғилиб кетарди. Унинг устма-уст берган бемаъни саволларига пойма-пой жавоб берар ва бир амаллаб чиқиб кетишнинг пайига тушарди.

— Мен борай. Ўрдакларга дон сочишим керак.

— Ўтира тур. Улгурасан,— деб илжаярди юзбоши; унинг тор шим кийган оёқлари титрай бошларди.

Евгений Аксиньянинг илгариги турмуши тўғрисида узоқ суриштирар, дадасиникига ўхшаш йўғон овозини ҳар мақомга солар, булоқ сувидай тиниқ кўзлари ўйнар эди.

Григорий ишини битириб қайтарди. Юзбоши кўзларини опқочиб, унга папирос тутар, сўнгра чиқиб кетарди.

— Нима қилиб ўтирибди?— деб аста сўрарди Григорий Аксиньянинг юзига қарамасдан.

—Мен қаёқдан билай?— Аксинья юзбошининг қарашларини эсига тушириб куларди.— Ўзи келди, мана бу ерга, Гришенька, буни қара, мундоғ қилиб ўтириб олди (у юзбошининг букчайиб ўтиришини кўрсатарди) — ҳали ўтирибди, ҳали ўтирибди, кўнглим хира бўлиб кетди, тиззаси қозиққа ўхшайди-я.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ёки, ўзинг имлаб чақирганмидинг?— дерди Григорий жаҳл билан кўзларини қисиб.

— Менга зарил кептди-да!

— Кўзингга қараб юр, бўлмаса, бир кун эмас — бир кун мен уни зинапоядан итариб юбораман.

Аксинья кулимсираб Григорийга боқар, бу гапни у чиндан айтяптими ёки ҳазиллашяптими, тушуна олмасди.

XV

Рўзанинг тўртинчи ҳафтасига бориб, қиш ҳам шахтидан қайтди. Доннинг қирғоқларидаги яхлар осилиб қолди, усти эриган муз бўзариб илматешик бўлиб кўтарила бошлади. Оқшомлари тоғдан ғувиллаган овоз эшитилар, чолларнинг гапига қараганда қора совуқ бўлиши керак, бироқ, кундан-кунга ҳаво илимоқда эди. Эрталаб аёз, яхмалак бўлар, лекин тушга келиб ер эрир, баҳор иси келар, совуқ урган олча дарахт пўстлоғи ҳамда моғорлаган сомон ҳиди анқирди.

Мирон Григорьевич аста-секин қўшга тайёргарлик кўрарди; узун кун бостирма тагида ивирсиб, молаларга сих тайёрлар, Гетько билан бирга иккита янги тегарчик ясарди. Бобо Гришак тўрт ҳафтадан бери рўза оғиз эди. У черковдан уйга кўкариб совқотиб келарди-да, келинига шикоят қиларди:

— Поп тинкамни қуритди, бирам чўзадики... худди тухумфурушнинг аравасидай имиллайди. Поп эмас — бир бало.

— Сиз, ахир, дада, рўзани муқаддас ҳафтада тутсангиз ҳам бўларди, у вақтгача кун ҳам анча илиб қоларди.

— Менга Наташкани чақириб кел. Қалинроқ қилиб пайпоқ тўқиб берсин, бунақангги товони юпқа пайпоқда одам тугул, бўри ҳам совуққа чидолмайди.

Наталья ота уйида ўзини мусофирдек сезар, сиғиндидай сиқилиб яшарди; назарида, Григорий қайтиб келадиганга ўхшар, ақли бунга бовар қилмаса ҳам, умидини узолмай, уни кутарди; кечалари ўт ичра куйиб ёнар, бегуноҳдан-бегуноҳ поймол қилинган бах-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ти учун йиғларди. Ўз дарди камлик қилгандай, яна бир фалокат унга кўз тика бошлади; Наталья энди кечалари тонг отгунча ўз ҳужрасида тинч ухлай олмас, уни ваҳима босиб, худди ўқ еган чурак сингари безовталаниб чиқарди. Опаси келган биринчи кундан бошлаб Митька унга бошқача кўз билан қарай бошлади; бир куни даҳлизда унга дуч келганда тўғридан-тўғри:

— Гришкани соғиняпсанми?— деб сўради.

— Соғинсам сенга нима?

— Дардингга малҳам бўлсам дейман.

Наталья укасининг кўзига бир қаради-ю, ниятини билиб, капалаги учиб кетди. Митька мушукникига ўхшаш кўм-кўк кўзларини ўйнатар, қоронғиликда қорачиқлари йилтирарди. Наталья шартта эшикни очиб, бобо Гришак турадиган ёнбошдаги ҳужрага кириб кетди ва анчагача қинидан чиқаёзган юрагининг дукиллашига қулоқ солиб туриб қолди. Шу воқианинг эртаси куни ҳовлида Митька унинг ёнига келди; Митька молга чўп солаётган эди; унинг диккайган сочларига, барра папахига кўм-кўк чўп-чор илиниб қолганди. Наталья чўчқанинг ем тоғорасига ёпирилган итларни қувламоқда эди.

— Қовоғингни солма, Наташка...

— Ҳозир дадамни чақираман!— деб бақирди Наталья қўли билан юзини тўсиб.

— Вой, жинни-эй!

— Йўқол, аблаҳ!

— Ҳей, нега бақирасан?

— Кет, дейман! Ҳозир дадамга бориб айтаман!.. Менга қайси бет билан қарай оласан? Ҳу-у-ув, инсофсиз!.. Тағинам сени ер ютмайди-да!

— Мени ер ютмайди, мана, бемалол кўтариб турибди,— Митька гапини тасдиқлаш учун этиги билан ер тепинди ва қўлини биқинига тираб олди.

— Менга яқинлашма, Митрий!

— Ҳозир яқинлашмайман, лекин кечаси ёнингга келаман. Худо урсин, келаман.

Наталья қалтираб, уйга кириб кетди. Кечқурун тўшагини сандиқ устига солди, синглисини ҳам ёнига слиб ётди. Кечаси ухлай олмай, у ёнидан бу ёнига ағ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дарилар, ўтдай ёнган кўзларини қоронғиликка тикарди. У тиқ этган овозни кутиб, уйни бошига кўтариб додлашга тайёр турар, бироқ, девор орқасида ётган бобо Гришканинг хурраги-ю, ёнидаги синглисининг пишиллашидан бошқа ҳеч нарса эшитилмас, ҳамма ёқ жимжит эди.

Илгари бир карра шармандаси чиққан Митька анчадан бери аламзода бўлиб, қовоғини солиб юрарди. Кеч кириши билан у сайилгоҳга кетар, кўпинча уйга жуда кеч қайтар, аксари тонг отар қилиб келарди. Енгил оёқ тул хотинларга айланишар, Степанникига бориб-йигирма бир ўйнарди. Мирон Григорьевич анча вақтгача индамай, уни назаридан қочирмай, кўз остига олиб юрарди.

Кунлардан бир куни пасхадан сал олдин Пантелей Прокофьевич Моховнинг магазини олдида Натальяга дуч келиб қолиб, уни чақирди.

— Шошмай тур, Наталья.

Наталья тўхтади. Қайинотасининг Григорийникига ўхшаш юзини, қирра бурнини кўриб, кўнгли бузилиб кетди.

Чол Наталья олдида айбдор бўлган одамдай кўзларини жавдиратиб гап бошлади:

— Биз қариялардан нега хабар олмай қўйдинг? Кампир сени жуда соғинибди: ҳоли нима кечди деб ташвиш қилади... Хўш, турмушинг, ҳол-аҳволинг қалай?

Бекорга хижолат тортаётган Наталья, ўзини ўнглаб олиб:

— Тузукман, раҳмат...— деб тутилиб қолди (дада демоқчи эди), қизариб зўрғатдан:— Пантелей Прокофьевич деб қўя қолди.

— Хўш, нега бизникига бормайсан?

— Рўзғордан қўлим бўшамайди... иш кўп.

— Гришка тушмагур...—чол қайғуриб бошини чайқади,— юрагимизга доғ солиб кетди, жувонмарг...

Наталья қалтираган жарангли овоз билан:

— Иложимиз йўқ, дада... тақдир шу экан,— деди.

Пантелей Прокофьевич Натальянинг жиққа ёш кўзларига боқди-ю, кўнгли бузулиб, гангиб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Натальянинг лаблари қалтирар, кўз ёшларини зўрғатдан тийиб турарди.

— Хайр, қўзичоғим!.. Сен уни деб, ҳадеб куюнаверма, у итвачча, ҳароми сенинг тирноғингга ҳам арзимайди. Балки, қайтиб келар. Бир кўрсам-ку, унинг додини берардим-а!

Наталья бўйнини қисиб, калтак еган одамдай унинг олдидан кетди. Пантелей Прокофьевич чопишга шайланган отдай анчагача депсиниб бир жойда туриб қолди. Наталья муюлишга етганда орқасига бурилиб қаради: қайнотаси ҳассага таяниб, майдон ўртасида оқсоқланиб кетиб борарди..

XVI

Штокманникига одамлар ҳар замонда бир келадиган бўлиб қолишди. Баҳор яқинлашган эди. Қишлоқ аҳли кўклам ишларига тайёрланарди; фақат тегирмондан Валет билан Давидка ҳамда машинист Иван Алексеевич келиб туришарди. Рўзанинг бошида бир пайшанба куни булар кечқурун устахонага тўпланишди. Штокман дастгоҳ устида ярим сўмлик тангадан ясалган узукни эговлаб ўтирарди. Ботаётган куннинг шуъласи деразада яллиғланар, тўрт бурчак ойнадан ерга сарғиш нур тушиб турарди. Иван Алексеевич қўлидаги омбирни ўйнаб ўтирар эди.

— Яқинда хўжайинга учрашиб, поршень хусусида гаплашдим. Поршенни Миллеровога олиб бориш керак, ўша ерда эпини қилишмаса, бизнинг қўлимиздан келмайди! Мана шунча жойи дарз кетибди,— Иван Алексеевич жинжилоғи билан ёрилган жойнинг қанчалигини кимгадир кўрсатган бўлди.

Штокман, кумуш узукнинг қипиғини тўзитиб эговлар экан:

— У ерда завод бўлса керак, а?— деб сўради.

— Мартен заводи бор. Бултур ишим тушиб борган эдим.

— Ишчилари кўпми?

— Ачиб ётибди. Тўрт юзтача келар.

— Хўш, ишчилар қалай?— Штокман ишлаётиб бошини силкитар, шунинг учун дудуқникига ўхшаб, сўзлари бўлиниб-бўлиниб чиқарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Маза-маза ўшаларники... уларни ҳеч пролетар деб бўлмайди, шундай бир... мол табиат одамлар.

— Нега ундай?— деб қизиқсинди Штокманнинг ёнида ўтирган Валет чўлтоқ бармоқларини тиззаси устида чалиштириб.

Сочларига қўнган ун гардидан оқариб кетган вальцовкачи Давидка устахона ичида у ёқдан-бу ёққа юрар, чориғи билан ёғоч қириндиларини тўзғитиб, қоқ-қуруқ, хушбўй пайраханинг шитирлашига илжайиб қулоқ соларди. Назарида, у, хазон резги маҳалида олтин япроқларга тўлган жарда кетаётгандай бўлар, худди юмшоққина баргларни босиб, остидаги захоб тупроқнинг билқиллаганини сезаётганга ўхшарди.

— Чунки, улар ҳаммаси ўзига тўқ. Ҳар қайсисининг ўз уйи, ўз хотини, ўзига яраша ҳузур-ҳаловаті бор. Бунинг устига ярмидан кўпи баптистлар мазҳабида. Хўжайин ўзи шу мазҳабнинг пешвоси, шундай бўлгандан кейин, албатта, бир-бирини қўллайди-да, лекин ниҳоятда ифлос одамлар: қирғич билан қирсанг, кири кетмайди.

Давидка қулоғига нотаниш сўз чалинганидан:

— Иван Алексеевич, баптистлар қанақа одам?— деб сўради.

— Баптистларми? Уларнинг эътиқоди бошқачароқ. Полипонларга[1] ўхшаган одамлар.

— Тентак ўз билганидан қолмайди, деган гап ҳақ-рост экан,— деб қўшиб қўйди Валет.

Иван Алексеевич бошлаган гапини давом этдириб:

— Шундай қилиб, Сергей Платоновичнинг олдига кирсам — Атепин — цаца ҳам шу ерда экан,— деди.— «Шошма, даҳлизда кутиб тура тур» — деди. Кутиб ўтиравердим. Эшик орқасидан гапларини эшитиб қолдим. Хўжайин Атепинга ўз гапини маъқуллатиб: яқинда немислар билан уруш бошланармиш, мен китобдан аниғини ўқидим дейди; Цаданинг қанақа гапиришини эшитганмисан? «Бекорци гап, яқинда

---

[1] Полипонлар — эски мазҳабдагиларнинг лақаби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

уруш чиқади деган гапингизга мен ҳец қўшила олмайман»— дейди. Иван Алексеевич Атепиннинг гапиришини шу қадар ўхшатиб тақлид қилдики, ҳатто Давидканинг оғиз таноби қочди, пиқ этиб кулмоқчи бўлганда, Валетнинг хўмрайиб қўйганидан дами ичига тушиб кетди.

— «Россияга қарши ҳец қацон Германия уруш оцмайди, цунки у бизнинг донимиз билан тирик» — деб, Иван Алексеевич эшитган гапини сўзлаб берди.— Гапга яна бир одам аралашди, лекин кимлигини овозидан таний олмадим, кейин билсам, пан Листницкийнинг офицер ўғли экан: «Германия билан Франция ўртасида узумзор ерлар учун уруш бўлади, лекин бунинг бизга ҳеч алоқаси йўқ» деди у.

— Хўш, Осип Давидович, сен нима дейсан?— деб сўради Иван Алексеевич Штокмандан.

Қўлидаги тайёр узукни кўздан кечирар экан, Штокман мужмал қилиб:

— Мен башорат қилишни билмайман,— деб қўя қолди.

— Агар улар урушадиган бўлса, биз ҳам ўша ерда бўламиз. Истасанг — истамасанг боришга мажбурсан, судраб оборишади,— деди Валет.

Штокман Иван Алексеевичнинг қўлидан омбирини мулойимлик билан олиб қўйди-да:

— Мен сизга айтсам, йигитлар, масала...— деб гап бошлади.

Афтидан у, ўтирганларга ўз фикрини атрофлича тушунтириш ниятида эди, шунинг учун жиддий гапирарди. Валет дастгоҳ устидан ҳадеб сирғилиб тушаётган оёқларини йиғиштириб олди, Давидканинг лаблари чўччайиб, зич қатор тишларининг оқи кўриниб кетди. Штокман ўзига хос иборалар билан равшан, қисқа, ҳамда лўнда қилиб, капиталистик давлатлар орасида бозор ва мустамлакалар учун бораётган курашни тасвирлаб берди. Гап пировадига келганда Иван Алексеевич тутоқишиб, уни тўхтатди:

— Шошма, бизга бунинг нима алоқаси бор?

— Ароқни биров ичади, сен билан сендақаларнинг боши оғрийди,— деб кулди Штокман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бола бўлма,— деб пичинг қилди Иван Алексеевичга Валет,— қадимдан «Ҳолвани ҳоким ер, калтакни етим»— деган мақол бор.

— Ҳа, ҳа,— деб қўйди Иван Алексеевич. У қошларини чимириб, мияга сиғмаётган аллақандай фикрнинг мағзини чақар эди.

— Листницкийнинг ўғли Моховникига нега мунча пашшахўрда бўлиб қолди? Ё, қизи билан донлашмоқчимикан?— деб сўради Давидка.

— Коршуновнинг ўғли аллақачон у билан донлашган...— деб аския қилди Валет.

— Эшитяпсанми, Иван Алексеевич? Офицер уникида нима қилиб юрибди?

Иван Алексеевич, худди қамчи билан биров сийрағига солиб қолгандай, сесканиб тушди.

— А? Нима дейсан?

— Мудроқ босдими дейман, амаки!.. Листницкий ҳақида сўраяпмиз.

— Станцияга кетаётган экан. Яна бир янгилик: уйдан чиқсам, зинапоя олдида — биласизми кимни кўрдим? Гришка Мелеховни. Қўлида қамчин.— Бу ерда нима қилиб турибсан, Григорий?— деб сўрасам, «Пан Листницкийни Миллеровога олиб кетяпман» дейди.

— Ўшаникида у кучерлик қиляпти,— деб тушунтирди Валет.

— Паннинг салқитини еб юрибди.

— Ўзинг ҳам дейман, Валет, занжирдаги кўппакка ўхшаб, суриштирмай акиллайверасан.

Суҳбат бир лаҳза тўхтаб қолди. Иван Алексеевич ўрнидан туриб кетмоқчи бўлди.

— Мунча шошиляпсан, биров кутиб қолдими?— деб аския қилди Валет.

— Ҳа, мени ҳар куни биров кутади.

Штокман кунда келадиган меҳмонларни кузатиб қўйди; устахонани беркитиб уйига кирди.

Пасха арафа кечаси осмонни қоп-қора булут қоплаб, ёмғир томчилай бошлади. Қишлоқни рутубат ва зулмат чулғаб олди. Қош қорайганда момоқалдироқдай қарсиллаб Донда муз ёрилди, унинг остида сиқилиб ётган каттакон муз палахсаси шувиллаб сув

www.ziyouz.com kutubxonasi

бетига чиқди. Муз узунасига тўрт чақирим жойгача, дарё бурилиш ясаган жойгача ёрилиб кетди. Муз қўзғалди. Черков қўнғироғининг бир меёрдаги садоси остида муз дарё бўйларини ларзага солиб, парчапарча уваланиб, бир-бирига урилиб оқа бошлади. Дон дарёси чап томонга бурилган жойда музлар тиқилишиб қолди. Устма-уст келиб, бир-бирига мингашаётган муз палахсаларининг қасир-қусури қишлоқдан эшитиларди. Қор эриб, йилтиллаган кўлмак сувлар пайдо бўлган черков қўрасига йигитлар тўпланишган эди. Черков ичкарисида бўлаётган хониш садолари ланг очиқ эшик бўсағасидан, ҳовли саҳнидан барала эшитилиб турарди, панжарали деразаларда байрам чироғларининг шуъласи акс этарди; девор орқасида эса, йигитлар қизларни ўпар, чимчилаб чийиллатишар, уларга беҳаё гаплар отишарди.

Черков жиловхонаси яқин ва олис қишлоқлардан бомдод ибодати учун келган казакларга лиқ тўлган эди. Йўл азобидан ҳамда ҳужранинг димиққан ҳавосидан бўшашган одамлар скамейкаларда, дераза олдиларида, полда ётиб ухлашарди.

Баъзилар синиқ пиллапоя устида туриб олиб тамаки чекишар, ҳавонинг келиши кузги буғдой тўғрисида гурунглашарди.

— Сизнинг қишлоғингиздагилар қўшга қачон чиқишмоқчи?

— Байрамдан кейин чиқишса керак.

— Ҳа, соз бўлади, сизларнинг ерингиз қумлоқ.

— Тўғри қумлоқ, лекин жардан бу ёғи — шўр ерлар.

— Ер ҳам хўп намга қонадиган бўлди.

— Бултур ҳайдаганимизда, заранг эди, қаерга омоч солсанг — берч.

Жиловхонанинг зинапояси ёнида аллаким ингичка овоз билан чақиради:

— Дунька, қаёқдасан?

Черков дарвозаси томондан хириллаган йўғон бир овоз эшитилди:

— Топган жойларингни қара: шу ерда ўпишасизми? Балли-эй... Йўқолинглар бу ердан, ҳаромилар! Қўнгилларинг сус кетмай ўлсин!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сенинг тенгинг йўқми? Йўқ бўлса — бизнинг қанжиқни бориб ўп!— деган аллақандай йигитнинг овози қоронғидан эшитилди.

— Нима-нима? Қанжиғингни кўрсатиб қўярман...

Ура солиб қочганларнинг дупури, қизларнинг қиқирлагани, юбкалари шитирлагани эшитилди.

Бўғотдан сув томчилари чак-чак қилиб ерга тушади; яна ҳалиги йўғон, варанглаган овоз эшитилади:

— Боя Прохорнинг плугига харидор бўлдим, ўн икки сўлкавой бериб кўрдим — сира унамайди. Ўлсаям арзонга бермайдиган кўринади.

Дондан шувиллаган, шитирлаган, қисирлаган овозлар эшитилади. Гўёки, бўйи теракдай, ясанган барваста бир хотин мисли йўқ кенг этакларини шитирлатиб, қишлоқ ёнидан ўтиб кетаётганга ўхшайди.

Зим-зиё қоронғилик босиб, вақт ярим кеча бўлганда яйдоқ от минган Митька Коршунов черков панжараси ёнига келиб тўхтади. Отдан тушди, жиловини ёлига тортиб танғиди ва қизишган отни кафти билан қоқиб қўйди. Бирпасгача туёқларнинг чапиллаганига қулоқ солиб турди, сўнгра, камарини тузатиб, ичкари кирди. Бўсағага етганда папахини қўлга олди, эгри-бугри қилиб гир айлантириб олинган сочли бошини эгди ва хотин-халажни турта-турта, меҳроб тагига етиб олди. Чап томонни, бир уюр қора йилқи сингари казаклар эгаллаган, ўнг томонда рангбаранг кийим кийган хотинлар турар эди. Митька кўз югуртириб биринчи қаторда турган одамлар орасидан отасини топди-да, унинг олдига борди. Мирон Григорьевичнинг чўқинишга кўтарилган қўлини тирсагидан тутиб, сер тук қулоғига:

— Дада, бу ёққа чиқ,— деб шивирлади.

Митька қўланса ҳидларга чидай олмай, бурнини жийриб, оломон орасидан зўрға ўтиб келарди: ёнган мўм шам иси димоғини ёрар, хотинлар баданидан тарқаган ўткир тер ҳиди, бисотдан чиққан кийимликларнинг ҳиди кўнглини айнитарди (бу кийимлар йилда икки мартагина: Рождество ҳамда Пасхада сандиқдан чиқарди), нафталиннинг сассиғига, ивиган чарм пойафзалнинг қўланса исига, рўза тутиб очиқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қан одамларнинг ичи қулдураганига тоқат қилиб бўлмасди.

Остонага келгач, Митька кўксини отасининг кифтига тираб туриб:

— Наталья ўлар ҳолатда!— деди.

XVII

Григорий Евгенийни Миллеровога элтиб ташлаб, пасха байрамидан бир ҳафта илгари якшанба куни қайтиб келди. Ҳаво илиб, қор эриган, икки кун орасида йўл билчиллаб кетган эди.

Станциядан йигирма беш чақирим берироқдаги, Ольхови Рог деган украинлар қишлоғининг рўпарасида дарёдан ўтаётганда, Григорийнинг отлари чўкиб кета ёзди. Ольхови Рог қишлоғига Григорий кечга яқин етиб келди. Ўтган кечаси муз қўзғалди, қор суви қўшилаверганидан дарё лойқаланиб, кўпириб-тошиб, кўчаларни сув босиб кетишига сал қолди.

Станция йўлида тўхтайдиган, отларга ем бериб оладиган карвон сарой ҳам, аксига, дарёнинг нариги бетида эди. Кечаси билан сув яна кўпайиш эҳтимоли бор эди, шунинг учун Григорий дарёдан дарҳол ўтишга жазм қилди.

Кечагина ўзи муз устидан ўтган жойга келди; ўзанидан чиққан дарёнинг лойқа сувлари бешик-бешик бўлиб оқмоқда, бир бўлак четанни, яримта арава тўғинини чирпирак қилиб олиб кетмоқда эди. Қори эриб кетган қум устида янги ўтган чаналарнинг изи кўринарди. Григорий тер босган, чов ораларигача кўпириб кетган отларни тўхтатиб, чанадан ирғиб тушди-да, чана изларини кўздан кечира бошлади. Чанадан қум устига ингичка из тушган, дарё бўйидаги излар сал-пал чапга бурилиб, сув ичида ғойиб бўлган эди, Григорий дарёнинг энини кўзи билан чамалаб кўрди: кўп бўлса — йигирма саржин келарди, холос. Отларнинг ёнига бориб, абзалларини кўздан кечира бошлади. Шу пайт энг четки ҳовлидан тулки телпак кийган украин чол чиқиб, Григорий томон келаверди.

— Бу ердан ўтяптиларми?— деб сўради Григорий,

www.ziyouz.com kutubxonasi

тизгини билан кўпириб оқаётган лойқа сувни кўрсатиб.

— Ҳа, ўтаётирлар. Шу бугун эрталаб ўтишди.

— Чуқурми?

— Йўғ-е. Лекин чанани кўмса кўмади.

Григорий тизгинини тортди, қўлига қамчи олиб, «чув» деб отларни ниқтади. Отлар пишқириб, сув искаб, истар-истамас қадам ташлади.

Григорий тик туриб олиб:

— Чув!— деб қамчилади.

Чап ёқдаги сағриси кенг тўриқ от, бўлганича бўлди, дегандай қилиб бошини бир силкитди-ю, постромкасини юлқиниб тортди. Григорий кўз қири билан оёқ остига қараб қўйди: сув чананинг четидан келган, қайнаб-тошар эди. Олдин сув отларнинг тиззасига, кейин кўкрагига чиқди. Григорий эндигина орқасига қайтмоқчи бўлганда отлар пишқирганича сузиб кетишди. Чананинг кетини сув буриб юборди, отларнинг бошлари оқим томонга ўгирилиб қолди.

—«Вой-бў-ў-ўй!.. Вай-бў-ў-ўй, тўғри ҳайда!..»— деб қирғоқда у ёқдан-бу ёққа югуриб бақирарди ҳалиги украин ва негадир, тулки телпагини бошидан олиб силкитарди.

Григорий дарғазаб бўлиб, ҳадеб чу-чулаб отларни ҳайдар эди. Сувга чўккан чананинг кетидан гирдоблар ҳосил бўлди. Чана сув оқизиб кетган кўприкнинг диккайиб турган қозиғига бориб қаттиқ урилдида, тўнтарилиб қолди. Григорий «воҳ» деб боши билан шўнғиб кетди, бироқ шунда ҳам тизгинни қўйиб юбормади. Сув пўстинининг этакларидан, оёқларидан тортар, қалқиб турган чана ёнида айлантирар эди. Григорий бир амаллаб чап қўли билан чананинг қўшқорағидан ушлади. Тизгинни қўйиб юбориб, ҳарсиллаб сурила-сурила, от ёғочга бориб етди. Эндигина от ёғочнинг учидаги темирга қўли етганда, оқим билан олишаётган Тўриқ, кейинги оёғи билан унинг тиззасига тепди. Григорийнинг нафаси қайтиб, постромкани ушлаб қолди. Сув уни отлар ёнидан улоқтириб ташлар, қўли постромкадан чиқиб кетай-кетай дер эди. Бутун баданини сув ке-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сиб кетган Григорий Тўриқнинг бошига тармашди; от жонивор жонсарак бўлиб қонга тўлган кўз қорачиғларини аланглатиб, Григорийнинг қинидан чиқаёзган кўзларига тикилди.

Григорий бир неча марта силлиқ қайиш жиловни қўлидан чиқариб юборди; сузиб бориб уни қайта ушлади, бироқ, жилов қўлидан сирғаниб чиқиб кетаверди; пировардида бир амаллаб жиловдан ушлаб олди, ўша заҳоти оёқлари ҳам ерга тегди.

— Но-о-о!!!— Григорий кучининг борича бўйнини чўзиб, ўзини олға ташлади, бироқ от уни кўкси билан бир уриб кўпикли саёз жойга йиқитиб юборди.

Отлар уни босиб-янчиб, ўқдай отилиб чанани сувдан олиб чиқди-да, бир неча қадам ерга бориб тўхтади, титраб турган ҳўл сиртларидан ҳовур чиқиб турарди.

Григорий оғриқни сезмай, ўрнидан ирғиб турди; совуқ баданини худди чаёндек чақиб олди. У энди отлардан ҳам бадтарроқ қалтирар, оёқ устида туришга чақалоқчалик мажоли йўқлигини сезарди. Эсини йиғиб олиб, чанани ағдариб тўғрилади-да, отларни қизитиш учун чоптириб кетди. Қишлоқ кўчасига худди қуюндай учиб кириб отларни биринчи дуч келган очиқ дарвозага бурди.

Уй эгаси хушфеъл одам экан. Ўғлини отларни қарашга юборди, ўзи Григорийни ечинтирди ва қатъий қилиб хотинига:

— Печга ўт қала!— деб буюрди.

Григорий печь устида ётиб ўзига келди, кийимлари қуригунча, у уй эгасининг шимини кийиб турди, кейин ёвғон карам шўрвани тамадди қилиб, ухлагани ётди.

Григорий тонг қоронғисида йўлга тушди. Ягодноегача бир юз ўттиз беш чақирим йўл босиш керак, шу сабабдан ҳар бир минут ғанимат эди. Баҳорги эрувгарчиликда дашт йўлларига ишониб бўлмайди; ҳар бир жарда, ҳар бир сойда қор суви қутуриб оқади.

Қори эриб кетган қора ерда чана судраш отларга ниҳоятда зўр келарди. Эрталабки яхмалакда, йўлдан тўрт чақирим четроқда бўлган тавричанлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

участкасига бир амаллаб етиб олди-да, айрилишда тўхтади. Отлар терга пишган, орқада чана излари йилтираб кўринарди. Григорий чанани участкада қолдирди, отларнинг думини тугиб олди-да, бирига миниб, бирини етаклаб йўлга чиқди. Пасха байрамидан олдинги якшанба куни эрталаб Ягодноега етиб келди.

Пан Листницкий йўлда воқи бўлган гапларни батафсил эшитиб, отларни кўргани чиқди. Сашка уларни ҳовлида совутиб юрар, қовоғини солиб, отларнинг қапишиб кетган биқинларига қараб-қараб қўярди.

— Отлар қалай?— деб сўради пан унинг олдига келиб.

Сашка отларни тўхтатмасдан:

— Кўриниб турибди-ку,— деди пўнғиллаб, оқарган соқолини селкиллатиб.

— Қаттиқ ҳайдаб койитмабдими?

— Йўғ-е. Тўриқнинг тўшини бўйинча урибди, холос. Ҳеч бокиси йўқ.

— Бориб дамингни ол,— деди пан кутиб турган Григорийга қўли билан ишора қилиб.

Григорий хизматкорлар қўшхонасига кириб кетди, лекин бир кечагина дам олди, холос. Эртасига эрталаб Вениамин кириб келди; у янги кўк сатин кўйлак кийган, ҳар доимгисидай тиржайиб кулиб турарди.

— Григорий, пан чақиряпти. Дарров!

Генерал кийгиз ковушини шалоплатиб, зал ичида юриб турган эди. Григорий залнинг эшиги олдига келиб бир йўталди, депсиниб туриб иккинчи марта йўталганда пан бошини кўтариб қаради.

— Хўш, нима гап?

— Вениамин чақирди.

— Ҳа-я. Бор, арғумоқ билан Чайирни эгарла. Лукерьяга айт: итларга овқат бермасин. Овга борамиз!

Григорий кетмоқчи бўлиб бурилганда, пан уни яна чақириб олди.

— Эшитдингми? Мен билан бирга борасан.

Аксинья Григорийнинг пўстини чўнтагига тўқоч солаётиб:

— Овқатини еб олганиям қўймайди, имонсиз!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шайтон васвасасига йўлиққан бу чол,— деб шивирларди.— Гриша бўйнингга шарфни боғлаб олсанг-чи, ахир!

Григорий эгарлоғлиқ отларни гулзор олдига етаклаб келди, ҳуштак чалиб, итларни чақирди. Эгнига кўк мовут сирилган белбурма калта пўстин кийган, белига нуқрадор камар боғлаган пан уйидан чиқди. Оғзига пробка тиқилган никель сувдон елкасида осиғлиқ эди; қўлидаги камчини илон сингари кетида судралиб келарди.

Жиловдорлик қилган Григорий пандан кўз узмай қараб турарди, қоқ суяги қолган бу чолнинг лип этиб эгар устига чиқиб олганига ҳайрон қолди.

Генерал қўлқоп кийган қўли билан жиловни ўнглар экан:

— Кетимдан юравер,— деб буюрди.

Григорийнинг остидаги дўнан айғир, хўроз сингари бошини қийшайтириб олиб, ёндамасига ўйноқлаб юрарди. Унинг кетинги оёқлари тақаланмаган, шунинг учун яхмалакни босса — тийғаниб кетар, оёқлари букилиб қоларди. Пан сал букчайиб эгарга мустаҳкам ўрнашиб олган, сағриси кенг Чайирнинг устида тебраниб борарди.

— Қаерга борамиз?— деб сўради Григорий унга етиб олиб.

Пан дўриллаб:

— Ольшанский жарига,— деб қўйди.

Отлар илдам юриб борарди. Арғумоқ калта бўйнини оққуш сингари эгиб, жиловни қўйиб юбор дегандай юлқинар, Григорийга кўзини олайтириб боқар, тиззасидан тишламоқчи бўларди. Пан тепанинг устига чиқиб олгандан кейин, Чайирни йўртдириб кетди. Итлар Григорийнинг орқасидан қатор тизилишиб келишарди. Қариган қора қанжиқ тумшуғининг учини от думига тегизиб, изма-из чопарди. Арғумоқнинг ғаши келиб, кейинги оёқларини букиб, хира қанжиқни тепмоқчи бўлди, у эса тўхтаб қолди-да, Григорийнинг кўзига ожиз кўзларини тикиб қаради.

Ольшанский жарига ярим соатда етиб бордилар. Пан бултурги бурган ўтлар сарғайиб кетган жар ёқасидан от солдириб борарди. Григорий сув ювиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

кетган ўнқир-чўнқир жарга авайлаб от солди. Орасира у панга қараб қўярди. Онда-сонда ўсган ялангоч сандипларнинг кул ранг шохлари орасидан чол худди суратдагидек кўзга чалинарди. У эгар қошига энгашиб, узангига босиб сал кўтарилганда, бели казакча камар билан сиқилган кўк бурма пўстинининг орқаси пуфак бўлиб кетарди. Итлар тўпланишиб, баланд-паст тепаликлар устидан чопиб келишар эди. Сув ювиб кетган чуқурликдан ўтар экан, Григорий энгашиб: «Бир чекиб олиш керак. Кел, жиловни қўйиб юбориб, тамаки халтани олай»,— деб ўйлади қўлқопини ечар экан. Чўнтагидан шитирлатиб қоғоз олаётганда жар тепасида:

— Олкиш!..— деган ҳайқириқ милтиқ овозидек янгради.

Григорий бир ирғиб тушиб, бошини кўтариб қаради; дўнгнинг ўркачсимон сиртидан пан пайдо бўлди; қамчини баланд кўтариб, Чайирни олатасир чоптириб кетди.

— Олкиш!

Туламаган, қорнидаги жунлари осилган қўнғир бўри қўға ва қамиш босган жар тагидаги ботқоқдан, ер бағирлаб чопганича ўтиб кетди. Чуқурдан сакраб ўтиб тўхтади ва шартта ёнига бурилиб, итларни кўрди. Итлар ёпирилиб, жар этагидаги ўрмонга қочадиган йўлни кесиб, уни ёй шаклида қуршаб келмоқда эди.

Бўри коптокдай сапчиб, дўнг бағридаги юмрон қозиқ инга оёқ қўйиб, ўшанақаси ўрмон томонга тумтарақай бўлиб қочди. Қари қанжиқ ўқдай учиб, унинг рўпарасидан чиқди, бўрига кушанда бўлган энг ўткир новча оқ кўппак — Лочин, сал орқароқда келарди.

Бўри нима қилишини билмай, бирпас довдираб қолди. Григорий жардан чиқаётиб жиловни силтади ва шу орада бўрини йўқотиб қўйди, бироқ дўнг устига чиққач, олисда унинг липиллаб кетаётганини кўрди. Даштдаги қорайган сийрак чўплар орасидан, бурганзор ичидан ер бағирлаб қора итлар учиб борарди, ундан нарироқда ён томонда пан Листницкий, Чайирни қамчи дастаси билан савалаб, тик тушган жар устидан сакратиб ўтди. Бўри иккинчи жарни

www.ziyouz.com kutubxonasi

мўлжаллаб қолди. Итлар унга яқинлашиб ўраб олишди. Бўрининг қорнидаги жунларига тармашган оқ кўппак Григорийга олисдан оқ латтага ухшаб кўринди.

— Олкиш! Бо-о-с!..— деб чинқирган овоз Григорийнинг қулоғига чалинди.

У арғумоқнинг жиловини биратўла қўйиб юбориб, олдинда нима бўлаётганини билмоқ учун рўпарасига тикилиб қаради; лекин кўзлари ёшланган, қулоғида шамол ғувиллаб эшитгани қўймасди. Овга қизиқиб кетган Григорий арғумоқнинг бўйнига энгашиб олиб, қуюндай учиб борарди. Жар ёқасига етиб борганда бўридан ҳам, итлардан ҳам асар қолмаган эди. Бир лаҳзадан кейин пан ҳам чопиб келди. Чайирни таққа тўхтатиб:

— Қаёққа кетди?— деб бақирди.

— Жарга қочган чиқар.

— Чапдан тўсиб чиқ!.. Ҳайда!..

Пан, олдинги оёқларини кўтариб, ўйноқлаб турган отининг биқинига пошнаси билан ниқтади-да, ўнг томонга чоптириб кетди. Григорий жарга тушаётиб, жиловни тортди; «чу» деб нари томонга ўтиб олди. Бир ярим чақирим жойгача кўпириб кетган арғумоқни қамчилаб, ҳайқирганича чоптириб кетди. Лой от туёғига ёпишар, шаталоқ отганда — юзига сачрарди. Тепаликка илон изи бўлиб чиқиб кетган узун жар ўнгга бурилди ва уч бўлак жилғага ажради. Григорий кўндаланг тушган жилғани кесиб ўтди-да, дашт этагида бўри қувиб кетаётган итларни кўриб, қияликнинг ёнбағридан от солдириб кетди. Итлар бўрини жар ўртасидаги эман ва ольха дарахтлари ўсган чакалакдан қувиб чиқаргани маълум бўлди. Жар учга бўлиниб уч жилға ажралиб оқаётган жойдан бўри текис далага чиқди ва итлардан юз саржин чамаси ўзиб олиб, қадимдан бурганзор, чангалзор бўлиб ётган қақир даштга ўтиб олди.

Григорий узангига оёқ тираб, унинг кетидан қарар, шамолдан ёшланган кўзларини енги билан артарди. Чап томонга кўз қирини ташлаб, ўз ерини, кузда Наталья билан шудгор қилган чор бурчак ерини таниди. Григорий жўрттага арғумоқни шудгорга сол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди; арғумоқ қоқилиб-суқилиб шудгор ичидан чиққунча, Григорийнинг овга бўлган ишқивозлиги сўниб қолди. У энди харсиллаган арғумоқни истар-истамас нўқиб, пан бурилиб қарамаётганмикан, деган хаёлда унинг кетидан тикилиб, отини йўртдириб кетди.

Олисда, Қизил жар ёнида қўшчиларнинг бўш қолган капалари кўринарди. Четроқда, бахмалдай товланган шудгорда уч-жуфт ҳўкиз плугини судраб бораради.

— Бизнинг ҳамқишлоқлар. Бу кимнинг ери экан?.. Аникушканики-ку.— Григорий кўзларини қисиб тикилди: ҳўкизларни, қўш ҳайдаётган одамни таниди.

— Ушла-а-а!..

Григорий жарга уриб кетмоқчи бўлган бўрининг йўлини кесиб чиқиш учун икки казакнинг югуриб кетаётганини кўрди. Казакча қизил гардишли фуражка кийган, тасмаси ияги остидан тортилган новча бир казак бўйинтуруқдан суғуриб олган темирни қўлида ўйнатиб келарди. Бўри бирданига чуқур эгатга чўнқайиб ўтириб қолди. Оқ кўппак Лочин, қуюндай учиб келиб, эпкини билан бўри устидан ошиб ўтди ва олдинги оёқлари букилиб йиқилиб тушди, қари қанжиқ ўзини тўхтамоқчи бўлиб, шудгорга кетинги оёқларни тираса ҳам, ўзини тута олмай, бўри устига келиб тушди. Бўри уни боши билан қоқиб юборди, қанжиқ бир ёнга чалпакдай чўзилиб қолди. Қорайган бир гала ит ғужжа бўлиб бўрига тармашиб, шудгор устида бир неча саржин жойгача коптокдай думалашди. Григорий пандан ярим минут олдин уларнинг тепасига етиб келди, отдан ирғиб тушди-да, овчи пичоқни орқасига қилиб, гурс этиб чўккалаб олди.

— Мана, бу ёқда!.. Остида ётибди!.. Кекирдагидан сол!..— деб бақирди темир кўтариб чопиб келган казак; унинг ҳансираган овози Григорийга таниш туюлди. Казак пишиллаб Григорийнинг ёнига ўзини ташлади ва бўрининг қорнидан тишлаб олган Лочинни бўйнидан ушлаб, панжаси билан бўрининг оёқларини маҳкам қисиб олди. Григорий, бўрининг ҳурпайган, тикандай жунларини пайпаслаб, кекирдагини топди, пичоқни тортиб юборди.

— Итларни... Итларни ҳайда!..— деб хириллаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

бақирди ранги бўзариб кетган пан титраб-қақшаб. У ўзини отдан ташлади, юмшоқ шудгор устига келиб тушди.

Григорий итларни зўрға ҳайдаб юбориб панга қаради.

Бир чеккада казакча фуражка кийган, амиркон тасмасини ияги остидан тортиб олган Степан Астахов турарди. У қўлидаги темирни ўйнар, оқариб кетган қуйи жағи ва қошлари титрарди.

— Сен қаерликсан, йигит?— деб сўради пан.— Қайси қишлоқдан бўласан?

— Татарскдан,— деб жавоб қилди Степан, сўнгра Григорий томон бир қадам ташлади.

—Кимсан?

—Астахов.

— Яхши йигит, сен қачон уйга қайтмоқчисан?

— Қош қорайганда.

— Мана буни бизникига элтиб берсанг,— Пан оёғи билан бўрини кўрсатди; жон талвасасида бўри ўхтин-ўхтин тишларини тақиллатар, тирноғига бир парча жун илиниб қолган оёғини осмонга кўтарарди,— хизматига яраша ҳақ тўлайман,— деб ваъда қилди-да, бўриққан юзидаги терни шарфига артиб, бир четга чиқди, сўнгра, ёнига қийшайиб, тасмаси калта сувдонни елкасидан зўрға олди.

Григорий арғумоқ олдига борди. Оёғини узангига қўяётиб, бурилиб қаради. Бутун вужудини титроқ босган Степан, бўйнини чўзиб, оғир муштларини кўксига маҳкам босиб, тўғри келар эди.

XVIII

Коршуновларнинг қўшниси Пелагеяникида пасхадан бир ҳафта илгари, жумадан шанбага ўтар кечаси хотин-халаж тўпланди. Пелагеянинг эри — Гаврила Майданников Лодздан юборган хатида, Пасхада отпускага бораман, деб ёзган эди. Пелагея уй ичини душанба куниёқ оқлаб, супуриб-сидириб, пайшанбадан бери, ана келади, мана келади деб, дарвозага чиқиб қарар, сочлари тўзган, озиб кетган, юзлари бўзарган қолда четан девор ёнида узоқ туриб қоларди; зора келаётган бўлса. деб кафтини пешонасига

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўйиб, олисларга тикиларди. Унинг ойи куни яқинлашган, қорнидаги бола—ҳароми эмас, ўз эридан бўлган эди: бултур ёзда Гаврила полкдан келган, хотинига Польшадан совғага чит келтирган эди; ўшанда уйда кўп турмай, хотини билан тўрт кечагина ётган, бешинчи куни ичиб маст бўлиб, полякчасига, немисчасига сўкинган, 1831 йили Польша ҳақида тўқилган казакча қўшиқни йиғлай-йиғлай айтиб безор қилган эди. Уни кузатишга келган оғайнилари, укалари стол теварагига жойлашиб олиб, таомдан олдин ароқ ичиб, ашула қилишган эди:

Польша бой деб айтар эдилар бурун,
Билсак, ҳаммаси оч, усти юпун,
Польшада бор экан битта майхона.
Полякча майхона, соз қовоқхона.
Майхонада учта довкар азамат:
Ароқ ичиб ўтирар ҳар вақт!
Поляк-у немис ва донли бир казак.
Немис ароқ ичиб, танга ташлайди,
Поляк ароқ ичиб, червонс тўлайди.
Казак ичади-ю, пул тўламайди.
Ўзига зеб бериб юраверади,
Майфуруш хотинга кўз қисиб дейди:
«Ҳой жонон, кел, сен-ла бирга кетайлик,
Тинч Донга иккимиз сафар этайлик.
Ажойиб ҳаётни кўрасан Донда,
Сиздаги қашшоқликдан асар йўқ унда.
Бизнинг эл на ер ҳайдар, на экин қилар,
На мато тўқир улар, на ип йигирар,
Ҳамма яхши кийинар, озода юрар.

Таомдан кейин Гаврила хайр-хўшлашиб кетаверган эди. Ўша кундан бошлаб Пелагея ҳам дам ўтмай қорнини силаб кўрадиган бўлиб қолди.

Натальяга у оғир оёқ бўлиб қолганининг сабабини шундай тушунтирди:

— Гаврила келишидан олдинроқ мен бир туш кўрдим, айналай. Мен сойлиқдамишман, Спассдан бурунроқ сотиб юборган қари сигиримиз олдимда кетаётганмиш; эмчакларидан сути тирқираб ерга оқармиш... «Худоё, тавба-эй,— дейман ўзимдан-ўзим,— нега буни чала соғибман-а?» Шундан кейин хамиртуруш сўраб Дроздиха мома кириб келди, мен унга тушимни гапириб бердим. «Мум шамдан қитдек

www.ziyouz.com kutubxonasi

синдириб олиб, думалоқ қилиб оғилхонага элтиб қўй, сигир гўнгига кўмиб ташла, шундай қилмасанг, деразангдан бало тикилибди — бирон фалокатга учрайсан» деди. Қарасам, аксига шам йўқ, биттагина шам бор эди — униям болалар олишибди, ўргумчак бийни инидан чиқариш учун ишлатишибдими, билмадим. Шу орада Гаврюша кириб келди — ана тикилган бало! Ўшангача уч йил кўйлак алмаштиравериб, эсим кетган эди, мана энди кўр...— Пелагея дўппайган қорнини бармоғи билан нўқиб кўрсатарди.

Пелагея эрини кута-кута хуноб бўлди, якка ўзи зерикди, шунинг учун жума оқшом қўшни хотинларни гаплашиб ўтирайлик деб уйга чақирган эди. Тўқилиб битмаган пайпоқни кўтариб, Наталья келди (баҳор яқинлашган сари бобо Гришакнинг оёғи совуққа чидамай қолди), бугун унинг димоғи чоғ кўринар, жойи келмаса ҳам салгина ҳазил гапга кулаверарди, лекин аслида, эрини соғинганлигини хотинларга кўрсатмаслик учун жўрттага шундай қиларди. Пелагея, кўк томирлари бўртиб чиққан пайпоқсиз оёғини печдан осилтириб, гап кўтармайдиган ёшгина Фросянинг жиғига тегарди.

— Фроська, сен эрингни нега урдинг?

— Бир гап ўтди-да,— деб, жавоб берди Фрося рўйхуш бермасдан.

Қашулин Матвейнинг келини — хода ютгандай қаққайиб юрадиган новча хотин, ҳар бир сўзини дона-дона қилиб, шошилмасдан:

— Эрингни бегона хотин билан тутиб олсанг, индамасмидинг?— деб сўраб қолди.

— Айта қол, Фросинья.

— Бўлди-да, ахир!.. Бошқа гап қуриб кетдими?..

— Ноз қилмай гапиравер-да, бу ерда бегона одам йўқ.

Фрося семичка пўчоғини кафтига туфлади-да, кулди.

— Кўпдан бери мен бир балоси борлигини сезиб юрардим, бунинг устига одамлардан: эринг тегирмонда нари томонлик бир тул хотин билан донлашиб юрибди, деган гапларни эшитдим... Тегирмонга бордим, қарасам иккови сўкжувоз ёнида...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қашулиннинг келини гапини бўлиб:

— Айтгандай, Наталья, эрингдан хабар борми?— деб сўради.

— Ягодноеда юрибди,— деб секингина жавоб берди Наталья.

— Бирга туриш хаёлингда борми, ё бас қилдингми?

— Натальянинг хаёлида бордир-ку, бироқ ановининг хаёли бошқада,— деб гапга аралашди Пелагея.

Наталья, юзига гуп этиб қон тепканини, кўзи ёшланаётганини сезди. У дарҳол бошини тўқиётган пай поқ устига энгаштириб кўз қирида хотинларга қараб қўйди, ҳамманинг ўзига тикилиб турганини кўрди, қизарганини улардан яшира олмаслигига ақли етди-да, тиззасидаги ип коптокни жўрттага ерга тушириб юборди ва энгашиб, бармоқлари билан муздай полни титкилай бошлади. Унинг жўрттага шундай қилганини ҳамма пайқаган эди.

— Садқайи садаганг кетсин, кеч ўшандан-эй. Бош омон бўлса, тақия топилади,— астойдил ғамхўрлик билан маслаҳат берди бир аёл.

Натальянинг бояги ёлғондакам вақти чоғлиги шамол ўчирган учқундай сўнди-қолди. Хотинлар янги миш-миш гаплар, ғийбатларга ўтиб кетди. Наталья чурқ этмай пайпоғини тўқир эди. Бир амаллаб суҳбат охиригача чидаш берди-да, сўнгра чиқиб кетди; шу кетишида ўзича ноаниқ бир қарорга келган эди. Ғалати аҳволга тушиб аросатда қолиши (Григорийнинг бутунлай кетганлигига кўнгли ишонмас, гуноҳидан ўтиб уни кутарди), қуйидагича иш кўришга уни мажбур этди: Наталья Ягодноедаги Григорийга, биратўла кетганинг ростми, ёки қайтиш ниятинг борми деган мазмунда хат ёзишга қарор қилди. Пелагеяникидан у кеч қайтди. Ҳужрачада бобо Гришак чарм муқовалик, шам томган, мижиғланган инжилни ўқиб ўтирган эди. Ошхонада Мирон Григорьевич балиқ тўр четларини тўқиб бўлаёзган, қулоғи Михейда эди; у аллақачон ўлдирилган одам тўғрисида ҳикоя қиларди. Натальянинг онаси, болаларни ётқизган, қорайиб кетган оёғини эшик томон узатиб печь устида уйқуга кетган эди. Наталья ечинди, ни-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ма қилишни билмай, уйни айланиб чиқди. Катта уйнинг тахта билан тўсилган бурчагида,— уруғлиққа қолдирилган бир уюм зиғир орасидан сичқонларнинг чийиллашгани эшитилади.

Наталья бувасининг ҳужрасида бир лаҳза тўхтаб қолди. Бурчакдаги стол ёнига келиб, иконалар остига териб қўйилган бир даста диний китобларга анқайиб қаради.

— Буважон, қоғозинг борми?

Чол пешонасини буриштириб, кўзойнак тепасидан қаради:

— Қанақа қоғоз?

— Хат ёзадиган қоғоз.

Бобо Гришак бир диний китоб орасидан мижиғланган, тутатки ва буҳўр ҳиди келган бир варақ қоғоз топиб берди.

— Қалам-чи?

— Дадангдан сўра, бор, қўзим, миямни ачитма.

Наталья дадасидан чўлтоқ қалам олди. Стол ёнига ўтириб, кўпдан бери ўйлаб қўйилган, юрагини мушук сингари тирнаган ўйларини азоб ичида яна бир бошдан ўйлаб чиқди.

Эрталаб Гетькога ароқ пули ваъда қилиб, қуйидаги хат билан уни Ягодноега жўнатди:

«Григорий Пантелевич!

Хат билан менга хабар бер: мен нима қилай, умрим хазон бўлиб кетаверадими ё йўқми? Сен уйдан чиқиб кетаётиб, менга бир оғиз сўз айтмадинг. Мендан ҳеч қандай ёмонлик кўрганинг йўқ, то шу дамгача мен, измимни қўлимга берарсан, ёки келиш-келмаслигингни айтарсан деб кутдим, бироқ, қишлоқдан четга чиқиб олиб, на ўлигингни, на тиригингни билдирмайсан. Олдин мен, жаҳолат билан чиқиб кетди, қайтиб келар деб кутган эдим, лекин эндиликда сизларни бир-бирингиздан жудо қилмоқчи эмасман. Икки одам баравар хор бўлгунча — бир ўзим хок-туроб бўлганим яхши. Қандай бўлмасин, мунчалик бераҳм бўлма—ёзиб юбор. Жавобингни билсам кўнглим алағда бўлмас эди, ҳозир эса мен аросатда қолганман.

Гриша, хатимга хафа бўлиб юрма, Исо ҳурмати учун сўрайман: мендан хафа бўлма.

Наталья».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ичиш маҳали келганини сезган Гетько, отни секин-аста хирмон тепасига элиб чиқди: Мирон Григорьевичга билдирмай нўхта солди-да, йўрттириб кетди. От устида у казаклардай ихчам ўтира олмас эди, от елганда енги йиртиқ тирсагини ликиллатаверарди; тор кўчада ўйнаётган бир гала хира казаккаччанинг қийқиришган садолари остида отини қаттиқ чоптириб кетди.

— Хохол!.. Хохол!..

— Ифлос хохол!

— Ҳой, йиқиласан!..

— Деволга чиқиб олган кўппакка ўхшайди!..— деб болалар унинг кетидан бақириб қолишди.

Қечга томон Гетько жавоб келтирди. Бу қанд ўрайдиган бир парча кўк қоғозга ёзилган хат эди; қўйнидан уни чиқараётиб, Натальяга кўз қисиб қўйди:

— Йўл юриб бўладиган эмас, ойим бека! Ўнқирчўнқир, нах Гетьконинг ичаги узила ёзди!

Наталья хатни ўқиди-ю, бўзариб кетди. Юрагига тўрт ханжар санчилгандай бўлди.

Хатда тўрттагина сўз бор эди: «Ёлғиз туравер. Мелехов Григорий».

Наталья ўзини тута олишига кўзи етмади шекилли, ҳовлидан уйга кириб, каравотга ўзини ташлади. Лукинична эртароқ уруниб, куличларни[1] барвақт пишириб қутулиб олиш учун печни кечасиёқ қизитиб қўйиш тараддудида эди.

— Наташка, кел, қарашиб юбор, — деб чақирди у.

— Бошим оғрияпти, онажон. Бирпас ётай.

Лукинична эшикдан мўралади:

— Тузлаган бодринг суви ичсанг бўларди, а? Дарров тарқайди.

Наталья қақраган тили билан муздай лабларини ялади, чурқ этмади.

Қечгача у иссиқ тивит рўмолга бурканиб ётди. Ғужғунак бўлиб қолган аъзойи бадани уюшиб қалтирарди. Ўрнидан туриб, ошхонага чиққанда Ми-

[1] Пасха ҳайитида пишириладиган балиш нон. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

рон Григорьевич билан бобо Гришак черковга отланишган эди. Натальянинг икки чаккасини, текис таралган қора сочлар остини тер босган, йилтираб турар, кўзлари дардмандликдан нурсизланган, киртайиб қолган.

Мирон Григорьевич чалварининг энлик камаридаги қатор-қатор тугмаларини солаётиб, қизига хўмрайиб қаради.

— Аксига шу бугун касал бўлганингни қара, қизим. Юр, муқаддас тонг ибодатига борамиз.

— Боравергинлар, мен сал туриб бораман.

— Одамлар тарқагандами?

— Йўқ, кийиниб оламан, холос... Кийинаману жўнайман.

Казаклар чиқиб кетишди. Уйда Лукинична билан Наталья қолди. Наталья бўшашиб, сандиқ ёнидан каравот ёнига борар, сандиқдаги бир уюм бисотига нурсиз кўзларини тикар, лаблари шивирлар, қаттиқ азоб ичида ниманидир ўйларди. Лукинична, қайси кийимини кийишни билмай турибди, деб гумон қилди-да, оналик меҳри тутиб:

— Қўзим, менинг кўк юбкамни кия қол,— деди.— Сенга жуда ярашади-да.

Бу йил пасхага Наталья учун янги кийим тиктирмаган эдилар, қизи эрга тегмасдан олдин, ҳар ҳайит этаги тор кўк юбкасини яхши кўриб кийгани Лукиничнанинг эсига тушди-да, Натальянинг кўнгли ўксимасин деб, ўз бисотини унга сўна қила қолди.

— Киясанми, ҳозир олиб бераман.

— Йўқ. Шу кийимимда кетавераман.— Наталья ўзининг яшил юбкасини сандиқдан авайлаб олдида, бирданига, тўйдан олдин Григорий юзкўрарга келганда шу юбкани кийиб чиққани, ўшанда салқин бостирма тагида биринчи марта бўса олиб уялтиргани эсига тушди-ю, ўпкаси тўлиб, ҳиқиллаб йиғлаб юборди, қия очилган сандиқ қопқоғи устига кўкси билан йиқилди.

— Наталья, сенга нима бўлди?..— Она ҳовлиқиб қолди.

Наталья, сал бўлмаса, додлаб юборар эди, би-

www.ziyouz.com kutubxonasi

роқ, ўзини босиб олди-да, ёлғонакамига қиқирлаб кулди.

— Бугун менга бир бало бўлди... мазам йўқроқ.

— Ҳой, Наталья, пайқаб юрибман...

Наталья панжаси билан яшил юбкани ғижимлаб:

— Нимани пайқадингиз, ойи?— деб зарда билан бақириб юборди.

— Кундан-кун мазанг қочяпти... сени эрга бериш керак.

— Тегиб кўрдим!.. Бўлди!..

У кийингани ўз бўлмасига кириб кетди-да, бирпасда қайтиб чиқди; ясанган-тусанган, хипча бел Натальянинг ранглари ўчган, юзининг қизили кетган эди.

— Бир ўзинг бора тур, мен ҳали тайёр бўлганим йўқ,— деди онаси.

Наталья дастрўмолини енгига қистириб, зинапояга чиқди. Шамол Донда оқаётган музларнинг шувиллаган овозини ҳамда эриган қор сувининг шифобахш ҳидини келтирарди. Наталья чап қўли билан юбкасининг этагини кўтариб, кўчада садафдай йилтираб ётган кўлобчаларни четлаб ўтиб, черковга жўнади. Йўл-йўлакай ўзини босиб олиб, оғир бўлишга шунчалик ҳаракат қилса ҳам, ҳайит тўғрисида ўйлаб ўзини чалғитмоқчи бўлса ҳам, хаёли барибир, қўйнида сақланган ўша кўк қоғозга кетаверарди, кўз олдига Григорий ва ўзини масхара қилиб кулаётган, балки раҳми келиб, ачинаётган анови бахтиёр хотин келаверарди...

Наталья черков панжарасидан кирди. Йигитлар йўлини тўсишди. Наталья четлаб ўтаётиб, уларнинг гапини эшитиб қоли:

— Бу ким? Танидингми?

— Коршуновнинг қизи Наташка-ку.

— Қулғуна касали бормиш. Шунинг учун эри ташлаб кетган, дейишади.

— Бекор айтибсан! У ўз қайнотаси Пантелей чўлоқ билан юради.

— Э... гап бу ёқда эка-а-ан! Гришка шунинг учун ҳам уйдан қочган экан-да?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бўлмаса нега қочсин? Ўзи ҳозир ҳам...

Наталья нотекис ётқизилган тошларга қоқилақоқила черков остонасига етиб олди. Кетидан секин айтилган беҳаё ярамас бир сўз унга қаттиқ ботиб кетди. Остона ёнидаги қизларнинг қиқирлаб кулишлари остида, Наталья гандираклаб нариги эшикдан чиқди-да, уйига қараб чопди. Дарвозаси олдига келганда у нафасини ростлаб олиб, этакларига ўрала-ўрала, ичкарига кирди; тишлайвериб қонаган, шишган лабларини қайта-қайта тишларди. Ҳовлини босган зангори қоронғиликда, омборхонанинг қия очиқ эшиги қорайиб кўринарди. Аламзада Наталья охирги кучини тўплаб, эшик ёнига чопиб бориб, шошганича остонадан ҳатлаб ўтди. Омборхона — салқин, қайиш абзаллар, моғорлаган похол ҳиди анқирди. Бадномлик, хўрликдан кўнгил шишаси чилпарчин бўлган Наталья, эс-ҳушини йўқотиб, пайпаслаб бурчакка етди. Чалғи ўроқни қўлига олиб, дастасини суғуриб ташлади (у шошмасдан, адашмасдан, дадил ҳаракат қиларди), сўнгра, бошини орқага ташлаб, ўз қароридан, дадиллигидан мамнун бўлгандек, ўроқ дамини томоғига солиб тортиб юборди. Жазиллатган даҳшатли оғриққа чидолмай, зарб еган кишидек қулади, бироқ, қасд қилган иши чала қолганлигини сал пал пайқади, эмаклаб бориб, тиз чўкиб олди; энди шоша-пиша (чунки у, тирқираб оқаётган қондан қўрқиб кетган эди), кофта ёқасидаги пистон тугмаларни қалтираган бармоқлари билан ечди. Диркиллаган кўкрагини бир қўли билан тортиб туриб, иккинчи қўли билан чалғининг учини ўзига рўпара қилди. Тиззалаб девор ёнига борди, ўроқнинг даста турадиган тўмтоқ томонини деволга тиради-да, орқага қайрилган бошини қўллари билан ушлаб, кўкси билан олға ташланди... Кўкси карам тўғрагандай ғирч-ғирч этаётганини ўзи аниқ эшитарди; оғриқ борган сари ўртаб, кўксидан томоғига келди, қулоқ-миясини шанғиллатиб юборди...

Уй эшиги ғичирлаб очилди. Лукинична оёқ учи билан зинани пайпаслаб тушмоқда эди. Черков жомхонасидан вазмин занг садолари эшитиларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Донда муз палахсалари минди-минди бўлиб, қисирлашиб оқарди. Сувга лиқ тўлган Дон, музлар жабридан қутулганига суюна-суюна, ўзини асир этган музларни Азов денгизи томон ҳайдаб борарди.

XIX

Степан Григорийнинг ёнига келди-да, узангисидан ушлаб, терлаб-пишган арғумоқнинг биқинига тиралиб олди.

— Хўш, аҳвол қалай, Григорий?

— Худога шукур.

— Сен нимани ўйлаб юрибсан? А?

— Нимани ўйлардим?

— Бировнинг хотинини йўлдан оздириб... роҳат қилмоқчимисан?

— Узангини қўйиб юбор.

— Қўрқма... Мен сени урмайман.

— Мен қўрқмайман, хотиржам бўл!— деди Григорий овозини баландроқ чиқариб, унинг бетлари қизариб кетган эди.

— Бугун сен билан муштлашмайман, муштлашгим ҳам йўқ... Лекин, Гришка, шу гапим қулоғингда бўлсин: бир кунмас, бир кун сени ўлдираман!

— «Қўрамиз» деган экан бир кўр.

— Буни яхши билиб қўй. Мени оёқ ости қилдинг!.. Турмушимни расво қилдинг, сўққабош қилиб қўйдинг... Буни қара,— Степан қоп-қора кафтларини очиб, қўлини чўзиб кўрсатди,— ер ҳайдаётману, нега ҳайдаганимни ўзим билмайман. Ёлғиз бошим оч қоладими? Бекор юрсам ҳам бемалол қишни чиқараман. Лекин халоватим йўқ, зерикиб ўлиб бўлдим... Мени қаттиқ хафа қилдинг, Григорий!..

— Ҳасратингни менга айтма, барибир тушунмайман. Қорни тўқнинг қорни очдан не хабари бор, деганлар.

Степан пастдан Григорийга тикилиб:

— Шундоғ,— деб унинг гапини маъқуллади ва бирданига болалар сингари соддадиллик билан илжайиб қўйди, кўзларининг четларини ажин босиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

кетди.— Битта пушаймоним бор, йигит... аттанг дейман, холос... Эсингдами, ўзоғи йил масленицада муштлашганимиз?

— Қачон?

— Ҳув анови қоровул ўлдирилган йил-чи. Бўйдоқлар уйланганлар билан муштлашгани эсингдами? Эсингдами, кетингдан қувлаганим? Ўша кезда сен менга қараганда кучсизроқ эдинг, думбул эдинг. Раҳмим келиб сени аёвдим, бўлмаса югура келиб бир урганимда — икки нимта қилардим қўярдим! Сен, камон сингари таранг бўлиб чопиб кетаётган эдинг, агар қулочкашлаб биқинингга солиб қолганимда тил тортмай ўлардинг!

— Хафа бўлма, яна тўқнашиб қолармиз.

Степан яна алланималарни эсламоқчи бўлиб, пешонасини ишқалади.

Чайирни етаклаб келаётган пан Григорийни чақирди:

— Юр, кетдик!

Степан яна боягидай узангидан ушлаб, арғумоқ ёнида келарди. Григорий сергак бўлиб, унинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб борарди. Степаннинг осилиб тушган малла мўйловини, кўпдан бери олинмаган тикандек соқолини баланддан кўриб турарди. Степаннинг ияги остидан тортилган амиркон тасма кўп еридан ёрилган эди. Ариқ-ариқ бўлиб оққан тер лой сачраб кирланган юзларида из қолдирган,— афти ўзгача ва нотанишдек кўринарди. Григорий унинг юзига тикиларкан, назарида тоғ устида туриб, ёмғир булути қоплаган олисдаги даштни кўраётандай бўлди. Степаннинг ранги-рўйи бир ҳолатда, ҳорғин эди. У хайрлашмай орқада қолди, Григорий эса отини секин ҳайдаб кетди.

— Ҳой, шошма. Айтгандай... Аксютка қалай?

Григорий этигига ёпишган бир парча лойни қамчи билан уриб тушираркан:

— Тузук,— деб жавоб берди.

Григорий арғумоқни тўхтатиб, орқасига қайрилиб қаради. Степан оёқларини кериб шувоқ чўпчакни тиржайган тишлари билан чайнаб турарди. Григорийнинг беихтиёр раҳми келди, бироқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

рашки раҳмдилликни босиб кетди, ғарчиллайдиган эгар кўрпача устида бурилаётиб:

— Сени соғиниб ориқлагани йўқ, ғам емай қўя қол!— деб бақирди.

— Ростданми?

Григорий арғумоқнинг бошига қамчи урди-да, жавоб қилмай, йўртдириб кетди.

XX

Бола олти ойлик бўлиб, ҳомиладорлигини яширишнинг иложи қолмагандан кейин, Аксинья ҳамма гапни Григорийга айтишга мажбур бўлди. Шу дамгача, у қорнимдаги бола ўзиники эканига Григорий инонмас, деб қўрқар ва шунинг учун буни яширарди, ўқтин-ўқтин хафақонлиги тутиб, ваҳима босиб, сарғайиб кетар, ниманидир кутарди.

Биринчи ойлари гўштлик овқатни кўрса, Аксиньянинг кўнгли айнайдиган бўлди, лекин Григорий буни сезмас, сезса ҳам, сабабини билмас, бунга аҳамият бермасди.

Гап кечқурун очилди. Аксинья воқиани ҳаяжон ичида сўзлаб берди ва Григорийга қандай таъсир этганини билмоқчи бўлиб юзига тикилиб қаради, бироқ у деразага ўгирилиб олиб, жаҳл аралаш йўталарди, холос.

— Шу вақтгача нега индамадинг?

— Юрагим бўлмади, Гриша... мени ташлаб кетасан деб қўрқдим...

Григорий каравот панжарасини чертиб туриб сўради:

— Яқинми?

— Спас кунларига борар дейман...

— Степанникими?

— Сеники.

— Ана, холос.

— Ҳисоблаб кўр ахир... Ўша ўтин кесиш вақтида бўлиб қолган.

— Бўлмаган гапни қўйсанг-чи,. Ксюша! Степандан бўлгандаям илож тополмаймиз! Мен очиғини билмоқчиман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аксинья аччиқ кўз ёшларини оқизиб, курсида ўтирар, ўпкаси тўлиб шивирларди:

— Унинг билан шунча йил туриб бола кўрганим йўқ! Узинг ўйлаб кўр!.. Мен ахир соппа-соғ хотин бўлсам... Сендан бўлмай кимдан бўлсин? Сен бўлсанг...

Григорий бу тўғрида қайтиб гап очмади. Ораларига совуқчилик тушган, у энди Аксиньяга бегона кишидек муомала қиладиган ва ачинган одамдай истеҳзо аралаш кулиб гапирадиган бўлиб олди. Аксиньянинг дами ичига тушиб, қадимгидай эркаланишни ҳам йиғиштириб қўйди. Ёз ичи ранг-рўйи анча ўзгарган, лекин ҳомиладорлиги—келишган қоматига унча таъсир этмаган: гавдасининг тўлалиги қорни дўппайганлигини билдирмас эди, сўлинқираган юзлари, қайтага, икки кўзини яна ҳам чиройлироқ қилиб кўрсатарди. Ошхонадаги ишлар қўлининг учи билан осонгина битаверарди. Ўша йили ишчилар оз бўлгани учун, овқат ҳам кам пишириларди.

Сашка бобо, инжиқ қарияларга хос меҳр билан Аксиньяга боғланиб қолган эди. Аксинья уни ўз отасидай кўриб, уст-бошларини ювиб тургани, кўйлакларини ямаб бергани, овқат маҳалида оғзига ёқадиган луқмаларни узатиб тургани, эҳтимол, бунга сабаб бўлган чиқар; Сашка бобо отлар ёнидан бўшади дегунча, ошхонага сув ташир, чўчқаларга пиширилган картошкани эзиб берар, ишқилиб, ҳар доим қарашиб турарди, хурсандлигидан ўйин тушиб, қўлларини кериб қўяр, милкларини кўрсатиб:

— Сенки менга раҳм қилдинг, мен ҳам қараб турмасман,— дерди.— Сенга мен, Аксинюшка, анқонинг тухуми десанг — топиб келаман. Аёл киши хабар олиб турмаса, ҳолим нима кечарди? Битлаб кетувдим! Нима керак бўлса, айтавер.

Григорий, Евгений Николевичнинг воситачилиги туфайли лагерга боришдан қутулиб, далада пичан ўрар, аҳён-аҳёнда кекса панни станцияга олиб борар, қолган вақтини хўжайинга қўшилишиб, базғалдоқ отиш ёки от солиб тувадоқ овлаш билан ўтказар эди. Енгил меҳнат, тўқ турмуш уни бузди. Григорий семириб, ялқов бўлиб, анча ёшга кирган

www.ziyouz.com kutubxonasi

сдамга ўхшаб қолган эди. Фақат бир нарса — аскарлик хизматига бориш ғами уни безовта қиларди. Унда на от ва на аслаҳа бор, отадан ҳам умид йўқ эди. Григорий ўзиничг ва Аксиньянинг ойликларини тўплар, ҳатто тамаки олиб чекишга ҳам зиқналик қилар, отасига ялинмасдан пул жамғариб, от сотиб олишни мўлжаллар эди. Пан ҳам ёрдамлашаман деб ваъда қилди. Григорийнинг, отам ҳеч нарса бермас, деган фикри тўғри чиқди. Июнь ойининг охирларида Петро укасини кўргани келди; гап орасида, отасининг ҳали ҳам жаҳлдан тушмаганини, бир куни, мен от олиб бермайман, пиёда аскар бўлиб кетаверсин, деганини гапириб берди.

— Бекорга вақиллай бермасин! Мен пиёда бориб бўпман: от топилади менга.— (Григорий «от» сўзини чертиб айтди).

— Қаёқдан оласан?— Петро мўйловини чайнаб кулди.— Қошингни учирасанми?

— Қош учираманми, тилаб оламанми — отсиз қолмайман, зўр келса, от ўғирлашдан ҳам тоймайман.

— Баракалла!

— Ойлигимга оламан,— деди жиддий қилиб Григорий.

Петро зинада ўтириб, ишини, оладиган ойлиги ва овқатларини суриштирди; Григорийнинг ҳамма гапларига «ҳаҳ-ҳа» деб, мўйловини чайнаб туриб қулоқ солди, ҳамма нарсадан хабардор бўлгандан кейин, хайрлаша ётиб:

— Уйга қайтсанг бўларди, жудаям оёғингни тираб олма,— деди.— Одам ҳам шунчалик пул шайдоси бўладими?

— Мен пул учун юрганим йўқ.

— Хотининг билан турмоқчимисан?— деб гапни бошқа ёққа бурди Петро.

— Қайсисини сўраяпсан?

— Мановисини.

— Ҳозирча айнаганим йўқ, нимайди?

— Ўзим, билгим келиб сўрадим-да.

Григорий акасини кузатгани чиқди. Қетар олди:

— Уйдагилар қалай?— деб сўраб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зинапоя ёнидаги панжарадан отини ечаётган Петро кулди:

— Сенга уй керак эмас, қайга борсанг — битбилдиқ, юраверасан. Ёмон эмас, бир амаллаб тирикчилик ўтяпти. Онанг сени кўп йўқлайди. Бу йил пичанни роса йиққанмиз, уч жойга ғарам қилиб қўйибмиз.

Григорий, Петро миниб келган қари чиноқ бияга ҳаяжонланиб тикиларди.

— Қулунладими?

— Йўқ, қисир чиқди, ука. Христонядан айрибошлаб олган анови тўриқ биямиз қулунлади.

— Қулуни нима?

— Эркак. Шундай қулунки — баҳоси йўқ! Оёқлари узун-узун, тўши келишган, ҳамма ёғи жойида. Аломат бир арғумоқ бўлади.

Григорий хўрсиниб қўйди.

— Қишлоқни соғиняпман, Петро. Донни соғиндим, бу ерда оқар сув деган нарса йўқ. Ёмон жой экан!

Петро қорни билан эгарга ёпишиб, ўнг оёғини отдан ошираркан:

— Соғинсанг, бориб тур,— деди.

— Мавруди келса, бораман.

— Хайр бўлмаса!

— Ой бориб, омон етгин!

Петро ҳовлидан чиққандан кейин бир нарса эсига тушиб, дарвоза олдида турган Григорийга овоз қилди:

— Айтгандай, Наталья... сенга айтмабман... Иш чатоқ...

Ҳовли устида калхатдай айланган қуюн гапнинг охирини Григорийга эшитдирмай қўйди: Петро отпоти билан чанг ичида қолиб кетди, Григорий унинг нима деганини тушунмай, қўл силтади-да, отхонага кириб кетди.

Ёз қурғоқ келган эди. Ёғингарчилик жуда кам бўлганидан ғалла тез етилди. Қора буғдойдан қутулар-қутулмас арпа пишди, сомони сарғайиб, қилтаноқли бошоқлари ерга салом қилиб қолди. Тўртта келгинди мардикор билан Григорий арпа ўроғига жўнади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аксинья ўчоқ бошидан барвақт қутулди-да, Григорийга, мени ҳам ўзинг билан бирга ола кетгин, деб ялинди.

— Уйда ўтирсанг-чи, сенга нима зарил келди?— деди Григорий уни йўлдан урмоқчи бўлиб, лекин, Аксинья ўз гапида маҳкам туриб олди, кейин нарибери кийиниб, дарвозадан чиқди-да, мардикорлар тушган арава кетидан югурди.

Аксинья кўпдан бери гоҳ ташвиш билан, гоҳ суюниб сабрсизлик билан кутган, Григорийнинг кўнглига ғулғула солган нарса ўроқ маҳалида рўй берди. Аксинья ўрилган арпани йиғнаётиб, бир хил бўла бошлаганини сезди, дарҳол ишни йиғиштириб, ғарам ёнига бориб ётди. Салгина вақт ўтар-ўтмас тўлғоқ бошланди. Қўкарган тилини тишлаб, Аксинья чалқасича ётарди. Ўроқ машинада арпа ўраётган ишчилар отларига қийқириб, унинг ёнидан тез-тез айланиб ўтиб туришарди. Бурни тушиб кетган, сариқ юзлари буришиб кетган бир ишчи, ёнидан ўтаётиб Аксиньяга гап қотди:

— Ҳой, ётган жойингни қара-я, бошқа жой қуриб кетдими? Тур, офтобда эриб кетасан, ахир!

Машинани бошқа бировга топшириб, Григорий унинг ёнига келди.

— Нима қилиб ётибсан?

Аксинья зўрға лабларини буриб бўғиқ овоз билан:

— Тўлғоқ келди,— деди.

— Уйда ўтир, девдим-ку, арвоҳ ургур! Энди нима қиламиз?

— Сўк-ма, Гриша... Вой!.. Вой!.. Гриша, аравани... қўш! Уйга борайлик... Бу ерда қандай қилиб?.. Казаклар юришибди...— деб ингради Аксинья; унинг дарди қаттиқ тутиб қолган эди.

Григорий пичанзорда ўтлаб юрган отни олиб келиш учун югурди. Аравани қўшиб етиб келгунча, Аксинья эмаклаб бир четга ўтган, чанг-тўзон босган бир уюм арпа орасига бошини тиқиб, икки қўли ва икки тиззасини ерга тираганча қолган эди, дарди зўрлигидан ҳадеб қилтаноқли бошоқни чайнаб тупурарди. Югуриб келган Григорийдан ётсирагандай анқовсираб, шишинқираган кўзларини унга тикди-да,

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирданига қичқириб юборди, бу хунук ҳайвоний овозни ишчилар эшитиб қолмасин деб, ўша заҳотиёқ этагини маҳкам тишлаб олди.

Григорий уни аравага ётқизиб, қўрғон тарафга отини ҳайдади.

— Вой, секинроқ ҳайда!.. Вой, ўлдим!.. Шалди-ра-ат-ма-а-а!..— деб бақирарди хириллаб Аксинья, сочлари тўзиган бошини қаерга қўйишини билмай.

Григорий чурқ этмай отни савалар, тизгинни бош устида айлантирар, хириллаб бақирган овоз томонга бурилиб қарамасди. Аксинья бошини чангаллаб олган, қинидан чиқаёзган кўзларини телбалар сингари аланглатар, сапчиб-сапчиб тушарди, арава эса, из тушмаган ўнқир-чўнқир йўл устида чайқалиб келарди. От учиб борарди; Григорийнинг рўпарасидаги дуга бир меёрда тебранар, унинг тепа томони, осмонда муаллақ турган биллурдай тоза, қиррадор булутни тўсиб қолган эди. Аксинья чийиллаб чинқириб юборди-да, бирданига овози ўчди. Ғилдираклар шалдирар, Аксинья шалвиллаган бошини араванинг ён тахтасига дук-дук уриб олар эди. Григорий унинг нега тўсатдан жимиб қолганини тушунмай, хавотирланиб орқасига қаради: афти ниҳоятда хунуклашиб, буришиб кетган Аксинья, чаккасини ён тахтага тираб сувсиз қолган балиқдай оғзини каппа-каппа очарди. Ичига тушиб кетган кўз косаларига пешонасидан тер қуярди. Григорий унинг бошини кўтариб, остига ғижимланган фурашкасини қўйди. Аксинья кўзларини ола-кула қилиб қатъий гапирди:

— Гриша, мен одам бўлмайман. Хей... ана тамом!

Григорий сесканиб тушди. Тўсатдан бадани увишиб, тер босган оёқларининг панжаларигача музлаб кетди. Григорий қаттиқ ҳаяжонга тушиб, далда бериш учун, кўнглини кўтариш учун шунча ўйласа ҳам, тузукроқ сўз топа олмади; қовжираган лаблари орасидан:

— Бекор айтибсан, эси паст!— деган сўз чиқиб кетди. У бошини бир силкитиб, икки букилиб энгашди-да, Аксиньянинг оёғидан ушлади.— Аксютка, жонгинам, нима бўлди?..

Бир лаҳза босилган оғриқ, ўн баравар зўрайиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

яна қаттиғидан ушлади. Аксинья қорни пасайиб, ичида бир нима узилгандай бўлганини сезар, камондай эгилиб буралар, борган сари жон-жаҳди билан қаттиқроқ чинқирарди, товуши Григорийнинг қулоқларини тешиб юборгудек бўлди. Григорий эсини йўқотиб, отни ҳайдагани ҳайдаган эди.

Ғилдиракларнинг шалдир-шулдури орасидан:

— Гри-и-ша!— деган ингичка нола қулоғига чалинди.

Григорий тизгинини тортиб, кетига бурилиб қаради: Аксинья қонга буланиб, қўлларини икки ёққа ташлаб ётарди. Этаги остида бир нима қимирлади, «биғ» этган овоз чиқди... Эсанкираб қолган Григорий, сакраб ерга тушди-да, оёғи тушовлангандай ғандираклаб, аравaнинг орқасидан келди. Аксиньянинг жизғин ҳиди келиб турган оғзига тикилиб қолди, нима деяётгани қулоғига кирмаса ҳам, лабларининг қимирлашидан:

— Қиндигини қирқ... тишинг билан... кўйлагингдан ип олиб боғла...— деганини фаҳмлади.

Григорий қалтираган бармоқлари билан бўз кўйлагидан ип чуватди, кўзларини чирт юмиб, боланинг киндигини тишлаб узди, сўнгра қон сирқиган учидан яхшилаб боғлаб қўйди.

XXI

Листницкийнинг Ягодноедаги ер-сув, мулки кенг чўл орасига суқилиб кирган. Шамол ўзгариб, гоҳ жанубдан, гоҳ шимолдан уриб турар; кўкиш осмонда қуёш сузиб юрар эди; куз ёзнинг ёқасига ёпишди, хазонрезгилик бошланди, унинг кетидан қаҳратон қиш келди, совуқ тушди, қор, бўрон бошланди. Бироқ, Ягодноеда кечаги кунни бугунгисидан ажратиб бўлмасди, оламдан бехабар, четда қолган бу қўрғонда хунобгарчилик ҳукм сурарди.

Қўзларининг жияги қип-қизил ғиқилдоқ қора ўрдаклар ҳовлида лапанглаб юргани-юрган эди, тарғил чипор сесарка товуқлар доим куркиллашар, патлари рангба-ранг товланган товуслар отхона томида мушук сингари миёвлаб безор қилишарди. Кекса гене-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рал паррандани яхши кўрарди, ҳатто, ўқ теккан турнани ҳам боқиб асрарди; ноябрь ойида бу турна осмонда учиб кетаётган эркин шерикларининг чулдураб чақирган овозини эшитиши билан, нола қилавериб, одамнинг юрак-бағрини эзарди. Бироқ, турна уча олмас: бўғинидан синган қаноти шалвайиб қолган; генерал эса турнанинг бош эгиб, ердан кўтарилмоқчи бўлиб талпинаётганини деразадан томоша қиларди,— атрофини оппоқ мўйлов қоплаб олган катта оғзини очиб кулар, бўм-бўш оқ залда унинг қаҳқаҳа садоси янгларди.

Вениамин ҳам пахмоқ сочли бошини ғоз кўтариб юрар, совуққа чалинган оёғини қалтиратиб, кун бўйи даҳлиздаги сандиқ устида ўтириб, ўзи билан ўзи қарта ўйнагани-ўйнаган эди. Тихон бўлса ҳали ҳам ўша чўтир хотинни Сашкадан, қароллардан, Григорийдан, Листницкийдан, қўйингчи, турнадан ҳам қизғанарди. Лукерья эса, бева хотинларга хос, чексиз меҳрибонлик билан шу турнага кўнгил қўйган эди. Сашка бобо ора-сира маст бўлиб, дераза тагига келиб тиланишини қўймас, хўжайин йигирма тийин ташламагунча кетмасди.

Григорий келгандан бери мудроқ босган қўрғонни алғоқ-алғоқ қилган икки ҳодиса рўй берди, бири — Аксиньянинг туғиши, иккинчиси — наслдор эркак ғознинг йўқолиши эди. Аксинья туққан қизалоққа тез орада ҳамма ўрганиб қолди, йўқолган ғознинг патини чорбоғдаги жардан топишди (афтидан тулки олиб кетган бўлса керак), шундан кейин яна тинчиб қолишди.

Пан эрталаб кўзини очар-очмас Вениаминни чақирарди:

— Бирон туш-пуш кўрдингми?

— Бўлмаса-чи, ғалати туш кўрибман.

— Гапир,— деб буюрарди хўжайин папирос ўраётиб.

Вениамин тушини гапириб берарди: Агарда туши қизиқ бўлмаса, ёки ваҳимали бўлса, пан Листницкийнинг жаҳли чиқарди:

— Вой, эси паст, ҳайвон! Аҳмоқнинг тушига аҳмоқона нарсалар киради-да!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Вениамин кўнгил очадиган, ажойиб-ғаройиб тушларни ўйлаб топишга уста бўлиб олган эди. Фақат доим мияни ишлатиш, туш ўйлаб топиш унга малол келадиган бўлиб қолди; олди-қочди тушларни тўқимоқ учун бир неча кун олдиндан сандиққа ўтириб, гиламча устида қарта очарди, қарталари ҳам худди Вениаминнинг афти сингари ҳўппайиб, ёғ босиб кетган эди. У кўзларини бақрайтириб бир нуқтага тикиб ўйланиб қоларди; бора-бора Вениамин ҳеч туш кўрмайдиган бўлиб қолди. Уйқудан туриб, нима кўрганини эсламоқчи бўлар, аммо ўзини қанчалик қийнамасин, қоп-қора бўшлиқдан бошқа ҳеч нарсани кўз олдига келтира олмас, туш у ёқда турсин — биронта инсон башарасини кўрганлигини билмасди.

Вениаминнинг оддий тўқима гаплар ўйлаб чиқаришга ақли етмай қолди, баъзи «тушларини» иккинчи марта такрорлаганини пан сезиб:

— Ҳой, исқирт, пайшанба куни ҳам менга от ҳақидаги шу тушингни гапирган эдинг. Бу нимаси ахир, арвоҳ ургур?..— деб ўшқирарди.

— Шу тушни яна кўрдим, Николай Алексеевич! Худо ҳаққи, иккинчи марта кўрдим,— дер эди Вениамин безрайиб.

Декабрь ойида Григорийга одам юбориб, уни Вешенскаядаги станица маҳкамасига чақиртирдилар. Григорий от учун юз сўм пул ва Рождественинг иккинчи куни Маньково слободасидаги ҳарбий участкага бориш тўғрисида чақирув қоғози олди.

Григорий станицадан калласи ғовлаб қайтди: Рождество яқин, ҳали ҳеч нарсаси тайёрланмаган. Хазинадан олган ҳамда ўзи тўплаган пулга Обривский қишлоғидан от сотиб олди. Отни кўриб-билиб олиш учун Сашка бобо билан борган эди, юз қирқ сўмга бопта бир отни савдо қилишди: туси тўриқ, олти яшар, сағриси кенг эди; фақат киши билмас бир иллати бор эди.

Сашка бобо соқолини силаб:

— Бундан арзонини тополмайсан, бошлиқлар айбини пайқашмайди, бунга фаросатлари етмайди,— деди.

Григорий сотиб олган отини миниб қайтди, йўл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да уни йўртдириб, елдириб кўрди. Рождествога бир ҳафта қолганда Пантелей Прокофьевичнинг ўзи Ягодноега кириб келди. Чаначага қўшилган бияни қўрага олиб кирмай, четан деворга боғлади-да, хизматкорлар турадиган уйга томон чўлтонглаб келаверди; чол пўстин ёқаси устига тушган қоп-қора соқолидаги яхларни бирма-бир узиб ташларди. Григорий деразадан отасини кўриб, гангиб қолди.

— Ана холос!.. Дадам...

Аксинья негадир, беланчак олдига югуриб бориб, чақалоқни йўргай бошлади.

Пантелей Прокофьевич, ичкарига ўзи билан совуқ ҳаво олиб келди; телпагини олиб, иконага қараб чўқинди-да, деворларга секин назар солиб чиқди.

— Саломатмисиз?

Григорий саломлашгани ўрнидан туриб:

— Салом, дада!— деди ва бир қадам ташлаб, уйнинг ўртасида тўхтаб қолди.

Пантелей Прокофьевич музлаган қўлини Григорийга узатди, скамейканинг бир четига ўтириб, пўстин этакларини йиғиштирди, лекин, беланчак ёнида қотиб қолган Аксиньяга қарамади.

— Хизматга борадиган бўлдингми?

— Бормаса бўладими?

Пантелей Прокофьевич индамай Григорийга синчиклаб узоқ тикилди.

— Ечиниб ўтир, дада, йўлда совқотгандирсан?

— Ҳечқиси йўқ, ўрганганмиз.

— Самовар қўяйлик.

— Раҳмат.— Чол пўстинига ёпишган лойни тирноғи билан кўчирар экан, деди:— Сенга кийим-кечак, жабдуқ олиб келувдим,— иккита шинель, эгар, чалвар... Ҳаммаси чанада турибди, бориб ол.

Григорий бош яланг чиқиб, чанадаги икки қопни олиб келди.

Пантелей Прокофьевич ўрнидан тураётиб:

— Қачон жўнайсан?— деб сўраб қолди.

— Рождественинг иккинчи куни. Бу нимаси, дада, кетмоқчимисан?

— Тезроқ қайтмасам бўлмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У Григорий билан хайрлашди, яна боягидай Аксиньяга қайрилиб ҳам қарамасдан, эшик томон юрди. Эшикнинг занжиридан ушлаб, беланчак томонга бир қараб қўйди.

— Онанг салом айтгин деган эди, оёғ оғриқ...— Чолнинг дами ичига тушиб кетди, сўнгра, оғир нарсани кўтараётган одамдай ижирғаниб:— Мен ҳам бораман, Маньковогача сени кузатиб қўяман. Шайланиб тур,— деди.

Чол қўлларига иссиқ жун қўлқоп кийиб, уйдан чиқиб кетди. Лоақал одаммисан, итмисан демаганига Аксиньянинг хўрлиги келиб, ранги ўчиб, индамай қолаверди. Григорий, унга ҳадеб кўз қирини ташлар, уйнинг бу бошидан у бошига бориб келар ва атайин ғижирлаган битта тахтани босар эди.

Рождественинг биринчи куни Григорий пан Листницкийни Вешенскаяга олиб борди.

Пан черковда тушки ибодатдан кейин ўша ердаги холаваччаси — помешчик хотинникида овқатланди, сўнгра чана қўшишни буюрди.

Григорий бир коса чўчқа гўштлик, ёғлик карам шўрвани ичиб улгуролмай, ўрнидан туриб, отхонага жўнади.

Шаҳарга бориладиган енгил чанага кўк ола-чипор отни, Шибайни қўшар эдилар. Григорий унинг жиловидан маҳкам ушлаб, отхонадан олиб чиқди ва шоша-пиша чанага қўшди.

Шитирлатиб нинадай қор ёғар, шамол уни ҳовлининг бу бошидан у бошига қувалаб юрарди. Гулзорнинг нари ёғидаги дарахтзор устига тушган қиров шокила-шокила бўлиб осилиб турарди. Шамол дарахтларни силкитар, ерга сочилиб тушаётган қиров, офтобда камалак сингари ажойиб рангба-ранг тусга кириб товланарди.

Том тепасида, қийшайиб тутун чиқаётган қоп-қора мўри ёнида совқотган захчалар чағиллашарди. Ғарчиллаган оёқ товушидан ҳуркиб, ҳаммаси ҳавога кўтарилди, кўкимтир қанотларини лопиллатиб уй устида бирпас айланишди-да, эрталабки гунафша ранг осмон бағрида жавлон қилиб, кун ботишга, черков томонга учиб кетишди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Григорий зинапояга югуриб чиққан чўри қизга:

— Кириб айт: чана тайёр!— деб тайинлади.

Пан оғиз-бурнини ёнут пўстинининг ёқасига ўраб, уйдан чиқди. Григорий уни чанага ўтқазиб, оёқларини ўраб, бўри терисидан қилинган духоба авралик пўстакни тиззаси устига ташлади.

Пан кўзи билан арғумоқни кўрсатиб:

— Ҳайда-чи, бир қизишиб олсин,— деди.

Григорий ўтирғич устида ўзини орқага ташлаб, тизгинни таранг тортиб ҳайдар ва қўрқа-писа йўлнинг баланд-пастига зеҳн солиб борарди, чунки дастлабки қорда чана сал-пал туртингани учун пан чўяндай мушти билан елкасига тушириб қолгани ҳали эсида эди. Қияликдан тушиб, кўприк орқали Дондан ўтар экан, Григорий тизгинини бўшатди, совуқдан ловиллаган бетини қўлқопи билан ишқалай бошлади.

Икки соат елдай учиб, Ягодноега кириб боришди. Пан йўлда чурқ этмас, фақат аҳён-аҳёнда жунжиккан бармоғи билан Григорийнинг елкасига туртар ва: «Тўхтат» дерди, сўнгра шамолга орқасини ўгириб тамаки ўрарди.

Тепаликдан тушиб, қўрғонга кираверишда:

— Эртага қай вақт жўнайсан?— деб сўради.

— Саҳаллаб,— деди Григорий «Саҳарлаб» дейиш ўрнига, унинг совуқдан тили қотиб, назарида шишганга ўхшар ва зўрға қимирларди.

— Пулларингни батамом олдингми?

— Олдим.

— Хотинингдан кўнглинг тўқ бўлсин: шу ерда тураверади. Яхшилаб хизмат қил. Бобонг азамат казак эди. Сен ҳам,— паннинг товуши аранг эшитилди. (Шамолдан юзини тўсиб, пўстин ёқасига бурканиб олган эди),— сен ҳам бобонг билан отанг шаънига доғ туширма. Император кўригида чавандозликда биринчи мукофотни сенинг отанг олган-а?

— Шундай: отам олган.

— Ҳа, шундоғ,— деди пан танбиҳ бераётгандай, сўнгра юзини биратўла пўстинга буркаб олди.

Григорий арғумоқни Сашка бобонинг қўлига тутқизди-да, қўшхонага кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сашка бобо арғумоқ устига ёпқич ташлар экан, унинг кетидан:

— Даданг келди! — деб бақирди.

Пантелей Прокофьевич стол ёнида ўтириб овқатланарди. Григорий дадасининг салқи юзига кўз ташлаб: «Шира кайф экан»— деб қўйди.

— Келдингми, аскар йигит?

Григорий қўлларини бир-бирига ишқалаб:

— Тоза совқотдим,— деди, сўнгра Аксиньяга бурилди:— Бошлиғимни ечиб қўй, қўлларим қовушмай қолди.

Пантелей Прокофьевич кавшанаркан, қулоғи билан соқоли қимирлар эди:

— Манглайингдан шамол уриб, роса кўрадиганингни кўрибсан,— деб ғўнғилларди у.

Бу сафар чол мулойимроқ эди. Ўз уйида ўтиргандай, Аксиньяга буюрди:

— Нондан яна тўғра, зиқналик қилма.

Чол стол ёнидан туриб, тамаки чекмоқ учун эшик томонга қадам ташлар экан, бехосдан қўли тегиб кетгандай икки марта беланчакни тебратиб, говрапўш остидан бошини суқиб:

— Ўғилми?— деб сўради.

— Қиз,— деб жавоб қилди Аксинья Григорийдан олдин, лекин чолнинг юзи бужмайиб кетганини сезди-да:— Худди Гришанинг ўзгинаси,— деб қўшиб қўйди.

Пантелей Прокофьевич қизчанинг йўргак орасидан чиқиб турган қорача бошини кўздан кечириб, мағрурланиб:

— Бизнинг зуриёт...— деб қўйди.— Ҳм... вой шайтон-э...

— Дада, нимада келдинг?— деб сўради Григорий.

— Чанада. Қўш от қўшганман, бия билан Петронинг арғумоғини.

— Биттаси ҳам бўларди-да, ёнига меникини қўшардик.

— Уни чанага қўшиш дуруст эмас, салт боргани маъқул. Яхши от экан.

— Кўрдингми?

— Ҳа, кўрдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ото-боланинг хаёли фақат бир нарса билан банд бўлса ҳам, лекин у ёқдан-бу ёқдан, арзимаган нарсалардан гаплашиб ўтиришди. Аксинья гапга аралашмас, сувга тушган мушукдай, каравотда шумшайиб ўтирарди. Икки кўкси тирсиллаб, кофтасининг бурмаларини туртиб чиққан эди. Туққандан бери у анча тўлишган, кўнгли тўқлиги, бахтиёр эканлиги авзоидан сезилиб турарди.

Эру хотин кеч ётишди. Аксинья ҳадеб Григорийнинг пинжига суқилар, кўз ёши ва кўксидан тирқираб оқаётган сути билан унинг кўйлагини ҳўллар эди.

— Сенсиз ҳолим нима кечади? Соғиниб ўларман...

— Албатта қийин,— деб шивирлади Григорий.

— Кечалари узун... бола кам уйқу... Сени деб сарғайиб сомон бўламан... Гриша, ўзинг бир ўйлаб кўр: тўрт йил-а!

— Қадимда йигирма беш йил хизмат қилишаркан.

— Қадимги гаппнинг менга нима ҳожати бор?

— Кел, бўлди қил!

— Эрни хотиндан айирадиган мунақа хизматга минг лаънат!

— Отпускага келаман.

— Отпуска...— деб унинг сўзини такрорлади Аксинья, уҳ тортиб. Сўнгра кўйлагининг этагига бурнини қоқди,— сен келгунча неча ёзу қиш ўтиб кетар...

— Кўп ҳиқиллама... Кўз ёшингни ҳадеб оқизаверасанми?

— Менинг ўрнимда бўлсайдинг!

Тонг отарга яқин Григорий уйқуга кетди. Аксинья боласини эмизди, сўнгра, тирсагига суяниб олиб, мижжа қоқмай Григорийнинг қизил мағиз юзига тикилиб қолди.

Аксинья хаёлан Григорий билан видолашарди. Уз уйида, Кубанга кетайлик, деб унга ялиниб ёлворгани эсига тушди, ўшанда ҳам ҳозиргидай осмонда ой сузиб юрар, ҳамма ёқ сутдек ойдин эди.

Григорий ўша Гриша-ку, лекин энди қадимгидек эмас. Орадан талай вақт ўтиб кетган.

Григорий бу ёнбошига ўгирилаётиб уйқусида:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ольшанский қишлоғида...— деб алаҳлади ва жим бўлиб қолди.

Аксинья ухлай олмай қийналар, хаёл уйқусини шамолдай тўзитарди. Тонг отгунча у, алаҳлаб айтилган икки оғиз сўзни ўйлаб чиқди, ўзича унинг маъносини топмоқчи бўлиб кўп уринди. Киров босган деразалардан ғира-шира ёруғ тушар-тушмас, Пантелей Прокофьевич уйғонди.

— Григорий тур, тонг ёришди.

Аксинья чўккалаб олиб, юбкасини кийди; уҳ тортиб анчагача гугурт ахтарди.

Нонушта қилиб, йиғиштирингунларича тонг отди. Субҳидам кўкиш нур сочиб товланарди. Четанлар қор ичида қаққайиб турар, отхона томи пистоқи ранг осмон қўйнида қорайиб кўринарди.

Пантелей Прокофьевич чана қўшгани кетди. Григорий жон-жаҳди билан қучоқлаб ўпаётган Аксиньядан ўзини зўрга қутқазиб, Сашка бобо ва бошқалар билан хайрлашгани чиқиб кетди.

Аксинья ҳам чақалоқни ўраб, эрини узатгани чиқди.

Григорий қизининг ҳўл пешонасидан ўпди-да, отхона томон юрди.

— Чанага чиқ!— деди отаси отларни ҳайдаб.

— Йўқ, мен салт бораман.

Григорий жўрттага ивирсиб отнинг айилини тортди, шошмасдан отга минди ва тизгинни ўнглаб олди. Аксинья бармоқлари билан унинг оёғини силар ва ҳадеб:

— Гриша шошма... бир нима демоқчи эдим...— дер эди. Сўнгра, пешонасини буриштириб, ўйга толар, саросималикка тушиб даг-даг қалтирар эди.

— Хайр, хўш! Болага яхши қара... Мен борай энди, дадам узоқлаб кетди...

— Шошмай тур, жонгинам!..— Аксинья чап қўли билан муздай узангига осилиб, ўнг қўли билан барига ўралган болани бағрига босиб Григорийга суқланиб қарар, катта очилган кўзларидан дувиллаб оқаётган ёшларини артишга қўли тегмас эди.

Зинапояда Вениамин пайдо бўлди.

— Григорий, пан чақиряпти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Григорий сўкинди, отига қамчи босиб ҳайдаганича ҳовлидан чиқиб кетди. Аксинья унинг кетидан югурди, у ховлида уюлиб қолган қорларга қоқилар, пийма кийган оёқларини зўрға судраб босарди.

Григорий дўнг устида отасига етиб олди. Ўзини босиб олиб орқасига қайрилиб қаради. Дарвоза олдида Аксинья боласини этагига ўраб, бағрига босиб турар, қизил шол рўмолининг учлари шамолда ҳилпираб ўйнар эди.

Григорий чана ёнига етиб келди. Отларнинг юришини секинлаштирдилар. Пантелей Прокофьевич ўгирилиб:

— Бундан чиқди, хотининг билан тургинг йўқ!— деди.

— Тағин ўша эски гап... гапни тамом қилганман...

— Бирга туриш хаёлимда йўқ дегин.

— Йўқ.

— Хотининг ўзини ўлдирмоқчи бўлганини эшитмадингми?

— Эшитдим.

— Кимдан?

— Панни станицага олиб борганимда, ҳамқишлоқ йигитлар билан кўришган эдим.

— Худодан қўрқмайсанми?

— Нима қил дейсан энди, дада... ўтган ишга салавот-да...

— Сен кўп жикиллама! Мен сен билан яхшиликча гапиришяпман.— Пантелей Прокофьевичнинг зардаси қайнаб, тез-тез гапира бошлади.

— Болам бор, энди нима қилай? Оёқ-қўлим боғлиқ.

— Ҳушёр бўл... тағин бировнинг боласини боқаётган бўлма!

Григорийнинг ранги қув ўчиб кетди: отаси битмаган ярасини янгилаган эди. Бола туғилгандан бери Григорий кўнглидагини Аксиньядан яширар, ўзини алдар, лекин шубҳа ичида қаттиқ изтироб чекиб юрарди. Кечалари Аксинья уйқуга кетган маҳалда, кўпинча у беланчак олдига бориб, боланинг қизил мағиздан келган юзларига узоқ тикилар ва ўзига

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўхшаган жойларини топмоқчи бўларди, лекин кўнгли тасалли топа олмай, яна шубҳа ичида ўрнига келиб ётарди. Степан ҳам қизил мағиздан келган, қорача йигит эди,— боланинг териси остидаги кўкимтир томирларда кимнинг қони айланганини қайдан билиш мумкин? Баъзан, қизи ўзига ўхшашдай кўринарди, баъзан, уни худди Степанга ўхшатиб, юраги ўртаб кетарди. Григорийда болага нисбатан ҳеч қандай муҳаббат йўқ эди, тўлғоқ азобида қийналган Аксиньяни аравада олиб келаётган маҳали эсига тушса, боладан кечиб юборгуси келарди. Бир куни иттифоқо, Аксинья ошхонада овқат пишираётган маҳалда, Григорий қизини беланчакдан олиб, ҳўлланган йўргагини алмаштираётганда, юраги жиз этган, ўшанда тарвайган оёқ панжаларини киши билмас, ўпиб қўйган эди.

Отасининг гапи ярадор кўксига ханжардай санчилди; Григорий икки қўлини эгар қошига қўйиб, совуққина жавоб қайтарди:

— Қимники бўлса ҳам, боладан кечмайман.

Пантелей Прокофьевич бурилиб қарамади, отларга қараб қамчисини ўйнатиб қўйди.

— Ўшандан бери Наталья ногирон бўлиб қолди... Худди палаж теккан одамдай бошини тўғри тутолмайди. Пайини кесган бўлса керак, шунинг учун бўйни қийшайтиб қолган.

Чол жим бўлди. Чана ғирчиллаб, қор ёриб борар; ўхтин-ўхтин Григорийнинг оти қоқилиб, тақалари шиқиллаб кетарди.

Григорий от ёлига ёпишган қўй тиканни ҳафсала билан терар экан:

— Аҳволи ёмон эмасми?— деб сўради.

— Ахир ўзига келди. Етти ой ётди. Троица кунлари ўлиб-ўлиб қайтди. Панкратий ҳазрат келиб қайтариқ қилди... Шундан кейин тузалди. Дуонинг шарофати билан ўрнидан турди-ю, юриб кетди. Чалғини худди юрагига мўлжаллаб солган экан, ҳайтовур, қўли қалтираб, ёнидан ўтиб кетибди, йўқса, куни битган эди...

— Тепаликнинг ёнбағридан ҳайда. — Григорий отига қамчи босди-да, узангида тик туриб олиб, йўрт-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дириб отасидан ўзиб кетди, от туёқларидан чанага қор аралаш лой сачради.

Пантелей Прокофьевич чанани ҳайдаб, унга етиб олиб, бақириб гапирди:

— Натальяни уйга кўчириб келамиз! Отасиникида турғиси йўқ. Анови куни мен кўриб қолиб, уйга бор деб тайинладим.

Григорий индамади. Биринчи қишлоққа етгунча чурқ этмай келдилар, Пантелей Прокофьевич ҳам бу тўғрисида оғиз очмади.

Бир кунда етмиш чақирим йўл босишди. Эртаси куни кечга яқин (уйларда чироғ ёқилган эди) Маньково слободасига етиб келдилар.

— Вешенскаялик казаклар қайси маҳаллага тушишди?— деб сўради Пантелей Прокофьевич биринчи йўлиққан кишидан.

— Катта кўчадан борсанг топасан.

Мелеховлар тушган уйда аскарликка чақирилган беш йигит билан ўғилларини кузатиб келган оталар турар эди.

Пантелей Прокофьевич отларни бостирмага олиб кирар экан:

— Қайси қишлоқдан бўласиз?— деб сўради.

— Чир бўйидан,— деган овозлар эшитилди қоронғилик ичидан.

— Қайси қишлоқдан?

— Каргиндан ҳам бор, Наполоводан, Лиховидоводан ҳам бор, ўзингиз қаердан?

— Қўқуйдан,— деб кулди Григорий эгарни олиб, терлаган отнинг сиртини силар экан.

Вешенская станицасининг атамани Дударев вешенскаялик йигитларни медицина комиссиясига бошлаб борди. Григорий тенгқур ҳамқишлоқларини кўрди; эрталаб Митька Коршунов яп-янги эгар урилган, серҳашам юган ва ўмилдириқ тақилган бўйдор жийрон арғумоқ миниб қудуқ томонга от чоптириб борар экан, дарвоза олдида турган Григорийни кўрган ҳамон отига қамчи босиб, чаккасидаги фуражкасини чап қўли билан ушлаганича, сўрашмасдан ўтиб кетаверган эди.

Волость маҳкамасининг совуқ ҳужрасида йигит-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар навбат билан ечинишарди. Уларнинг ёнларидан пристав ноиби, ҳарбий мирзалар ҳамда округ атаманининг адъютанти дамба-дам ўтиб туришарди; калта қўнжли амиркон этик кийган адъютантнинг қора тош қадалган узуги ҳамда соққаси қизарган қоп-қора чиройли кўзлари унинг оппоқ юзи ва аксельбантларини[1] равшан қилиб кўрсатарди. Ичкаридан докторларнинг ўзаро гаплашгани, чалакам-чатти сўзлари эшитилиб турарди.

— Олтмиш тўққиз .

Эшик орқасидан биров:

— Павел Иванович, кўк қаламингизни узатинг,— деб хириллади.

— Кўкрагининг кенглиги...

— Ҳа, ҳа, наслий касалликнинг яққол намунаси.

— Сифилис, ёзиб қўйинг.

— Қўлинг билан нега тўсасан? Қиз бола эмассан-ку.

— Қадди-қоматига қаранг..

— ...Қишлоқни шу касал босиб кетибди. Фавқулодда чора кўриш лозим. Мен жаноби олийларига аллақачон бу ҳақда рапорт берганман.

— Павел Иванович, мана бу шахсни томоша қилинг. Гавда ҳам шундай бўладими?

— Тов-ба-а...

Григорий чукаринскийлик новча, малла йигит ёнида туриб ечинди. Ичкаридан уст кўйлагининг елкалари ғижимланган мирза чиқиб, дона-дона қилиб:

— Панфилов Севостьян, Мелехов Григорий!— деб чақирди.

— Тез бўл!— деб ҳовлиқиб қолди Григорийнинг шериги, қизариб, бўзариб пайпоғини ечар экан.

Григорий ичкарига кирди. Чумоли талагандай орқаси жимирлашар, қизил мағиз бадани эман пўстлоғининг рангига ўхшаб товланарди. У қоп-қора жун босган оёқларига қарар ва хижолат чекарди. Бурчакдаги тарозу устида яп-яланғоч чорпахл бир йи-

---

[1] Аксельбант — чор офицерларининг елкаларига тақиладиган зар чилвир. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

гит турар эди. Кўринишидан фельдшерга ўхшаган бир одам тарозу посонгисини суриб қўйди-да:

— Тўрту ўн. Туш,— деди.

Бу қадар шармандаларча кўрикдан ўтиш Григорийни қаттиқ ҳаяжонга солган эди. Оқ соч, оқ халатли доктор уни трубка билан тинглаб кўрди, яна битта ёшроғи кўз қовоқларини қайириб, тилларини чиқартириб кўрди, кўзойнак таққан учинчиси — қўлларини тирсагигача шимариб олиб, сиртини кўздан кечирди.

— Тарозига.

Григорий муздай ғадир-будир тарози устига чиқди.

— Бешу олти ярим,— деди тарозибон тарозининг лўкидонини тарақлатиб кўтариб қўйиб.

Мўйсафид доктор Григорийни қўлидан ушлаб, айлантириб кўрди-да:

— Ўзи унчалик новча эмас-ку, салмоғини қаранг,— деб пинғиллади.

— Та-аж-жуб! — деди дудуқланиб иккинчи ёшроғи.

— Қанча?— деб сўради ҳайрон бўлиб ўтирганлардан бири.

Мўйсафид доктор камон қошларини чимириб:

— Беш пуд, олти ярим қадоқ,— деб жавоб берди.

Округ ҳарбий пристави силлиқ таралган қора сочли бошини ёнида ўтирган кишига яқинлаштириб:

— Гвардияга юборамизми?— деб сўради.

— Афти-ангори қароқчиникига ўхшайди... Важоҳати хунук.

— Менга қара, орқангни ўгир-чи! Сиртингга нима тошган?— деб сўради полковник погони таққан офицер; у тоқатсизланиб, бармоғи билан ҳадеб столни чертарди.

Мўйсафид доктор алланима деб пўнғиллади, Григорий стол томонга ўгирилиб, жимирлашган баданининг қалтироғини зўрға босиб жавоб қилди:

— Қўклам кези шамоллаб эдим. Чипқон чиққан.

Кўрик тамом бўлгандан кейин стол атрофида ўтирган амалдорлар ўзаро маслаҳатлашиб:

— Армияга,— деган қарорга келдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўн иккинчи полкка, Мелехов. Эшитдингми?

Григорийга жавоб беришди. Эшик олдига етганда аллакимнинг жирканиб:

— Ас-ло мумкин эма-ас!.. Императорнинг назари унинг башарасига тушиб қолса, унда нима бўлади? Кўзидан одам қўрқади,— деди.

— Дурагайга ўхшайди. Шарқ томонли бўлса керак.

— Бунинг устига баданининг яра-чақа босиб кетганини айтмайсизми?

Навбат кутиб турган ҳамқишлоқлари Григорийни ўраб олишди.

— Хўш, нима бўлди, Гришка?

— Қаерга тайин бўлдинг?

— Атаман полкига ёзишгандир?

— Неча пуд келдинг?

Григорий бир оёғида ҳакалаб оёғини зўрға шим почасига суқаркан, тишини ғижирлатиб жавоб қайтарди:

— Қўйсаларинг-чи, нима қиласанлар суриштириб? Қаёққа-қаёққа? Ўн иккинчи полкка.

Мирза яна эшикдан бошини чиқарди:

— Коршунов Дмитрий, Каргин Иван.

Григорий йўл-йўлакай нимча пўстинини тугмалаб, зинапоядан чопиб тушди.

Ҳаво илиган, ер ҳам илиқ шабададан баҳраманд бўлиб нафас ола бошлаган, ҳар жой-ҳар жойдан қори эриб очилган йўлнинг ҳовури кўтариларди. Кўчада товуқлар қақиллашиб югуришар, ғозлар жимирлаб турган кўлмак сувларда чўмилишарди. Уларнинг оёқлари сув остидан худди совуқ чалган кузги япроқ сингари қизариб кўринарди.

Эртасига отлар кўриги бошланди. Майдонда офицерлар у ёқдан-бу ёққа югуришарди: шинелларининг этакларини ҳилпиллатишиб, ветеринар врач билан от ўлчовчи фельдшер ўтиб кетди. Турли тусдаги отлар панжара бўйлаб тизилишди. Майдоннинг ўртасига стол қўйилган, стол ёнида ўтириб отларни кўрикдан ўтказиш ва ўлчаш натижаларини ёзаётган мирза олдига тарози томондан Вешенская станицасининг атамани Дударев тайғалоқлаб чопиб келди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳарбий пристав келиб ер тепиниб жаҳл билан ёшгина юзбошига алланимани тушунтирарди.

Григорий, бир юз саккизинчи бўлиб, отини тарози ёнига етаклаб борди. Отнинг аъзойи-баданини ўлчаб чиқишди, тарозига чиқариб тортишди, лекин от тарозидан тушиши билан ветеринар врач эпчиллик ила яна отнинг юқори лабидан ушлаб, оғзига қаради; тўшини қаттиқ босиб кўрди, сўнгра бармоқлари ўргумчак сингари ўрмалаб оёқларига тушди.

Врач отнинг тизза бўғинларини букар пайларига дук-дук урар, илик суякларини сиқиб кўрарди...

Қулоқлари чимирилган отни анчагача пайпаслаб, қулоқ солди, кейин оқ халатининг этакларини ҳилпиллатиб, карбол кислотанинг ўткир ҳидини бурқситиб четга чиқди.

От яроқсиз топилди. Сашка бобонинг умиди пучга чиқди: туллак доктор «фаросатли» экан, Сашка бобо олиб берган отнинг айбини топди.

Григорий ташвишга тушиб қолди, отасидан маслаҳат сўради ва ярим соатдан кейин Петронинг аргумоғини тарози олдига олиб келди. Доктор бу отни кўрмасданоқ маъқул топди.

Григорий сал нарироқ бориб, қуруқроқ бир жой топиб, ўрамани ерга ёйди-да, эгар жабдуқ ва анжомларини унинг устига қўйди; Пантелей Прокофьевич орқада отни ушлаб, ўғлини кузатиб келган бир чол билан гаплашиб турди.

Оч-кўк шинель ва шерози қоракўл папах кийган новча бўйли кекса генерал уларнинг ёнидан ўтиб кетди. Генерал чап оёғини бир оз силтаб ташлар, оқ қўлқоп кийган қўли силкиниб борарди.

— Округ атамани шу,— деб шивирлади Пантелей Прокофьевич Григорийни туртиб.

— Генералми дейман?

— Генерал майор Макеев. Баджаҳл одам.

Полклар ва бетареялардан келган бир гала офицер атаманнинг кетидан эргашиб боришарди. Япалоқдан келган тўпчи формасидаги подъесаул, ёнидаги лейбгвардия Атаман полклик чиройли ва новча офицер ўртоғига шанғиллаб гапирарди:

— Таажжуб! Эстон қишлоғининг аксарият одам-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари малла ранг бўлади, лекин у қиз тамоман бошқача: ҳаммадан ажралиб туради, шунақасини кўп учратдик! Нега бундай деб хўп ўйлаб, сўроқлаб кўрдик, кейин билсак, йигирма йил муқаддам ўша қишлоқда...— Офицерлар, тўқим устига анжомларини тахлаётган Григорийдан узоқлашиб ўтиб кетишди, Григорий тўпчи подъесаулнинг сўнгги сўзларини офицерларнинг кулгиси босиб кетганидан шамол аралаш зўрға эшитди:—...кейин билсак, ўша қишлоқда сизнинг Атаман полкингиздан юз йигит қўнган экан.

Мирзабоши кўк сиёҳга булғанган қалтироқ панжалари билан курткасининг тугмаларини сола-сола, югурганича ўтиб кетди, округ приставининг нобиби унинг кетидан жон-жаҳди билан бақириб қолди:

— Уч нусха деяпман сенга! Абжағингни чиқараман!

Григорий офицер ва чиновникларнинг нотаниш башараларини қизиқсиниб томоша қиларди. Ёнидан ўтиб кетаётган адъютант нурсиз кўзларини унга бир тикди-ю, ўткир кўзларнинг қарашига бардош бера олмай, юзини ўгириб олди; негадир ҳовлиққан кекса юзбоши сап-сариқ тишлари билан устки лабини тишлаб олганича, унга етиб олмоқчи бўлиб, елиб борарди. Григорий юзбошининг малла қошлари устидаги томири лип-лип уриб, қовоғи учаётганини пайқади.

Григорийнинг оёғи остида ҳали тутилмаган ўрама ётарди, унинг устига яшил рангга бўялган, чега қопланган эгар, бўктарма, тўрва, икки шинель, икки чалвар, мундир, икки жуфт этик, кўйлак-иштон, бир қадоғу эллик тўрт мисқол қоқ нон, бир банка консерва, сўк ва отлиқ аскарга рухсат этилган миқдорда озиқ-овқат батартиб териб қўйилган эди.

Оғзи очиқ тўрваларда отнинг тўрт оёғига — тўртга тақа, ёғ босган латтага ўралган чегалар, жуволдиз, иккита игна билан ип, сочиқ ётарди.

Григорий охирги марта ўз буюмларини кўздан кечирди, чўккалаб ўтириб, бўктарма чилвирининг кирланган учларини артиб чиқди. Майдоннинг у бошида комиссия пайдо бўлиб, ўрамалари олдида саф

www.ziyouz.com kutubxonasi

тортиб турган казаклар ёнидан секин-аста ўта бошлади. Офицерлар билан атаман, казакларнинг аслаҳаларини синчиклаб текширар, ҳаво ранг шинелларининг этагини йиғиштириб ўтириб олиб, халталарни титкилашар, игна-ип, жуволдизларни кўздан кечирар, қоқ нон солинган халталарнинг оғирлигини қўллари билан чамалаб кўрар эдилар.

Григорийнинг ёнида турган новча йигит бармоғи билан округ ҳарбий приставини кўрсатиб:

— Анови новчани қаранглар, болалар, худди тулкининг инини ковлаётган кўппакдай титкиланяпти,— дерди.

— Вой ит-эй!.. Халтани ағдариб кўраяпти-я!

— Бирор камчилик топган бўлса керак, бўлмаса мунчалик титкиламасди.

— Тақа михларини санаяптими дейман!

— Вой кўппак-э!

Ғовур-ғувур секин-аста жимиди, комиссия яқинлашиб келмоқда, Григорийнинг олдига етишига бир неча киши қолган эди. Округ атамани чап қўлида қўлқоп ушлаган ҳолда, ўнг қўлини букмай салонглатиб келарди. Григорий тик туриб қотиб қолди, отаси орқадан йўталиб қўйди. Шамол шиптир ва эриган қор ҳидини олиб келди. Офтоб хумор кишидай нохушланиб назар ташлар эди.

Бир тўп офицер Григорийнинг ёнидаги казак олдида бир оз тўхтаб қолди-да, бирин-кетин унинг ёнига келишди.

— Фамилиянг, отинг?

— Мелехов Григорий.

Пристав Григорийнинг шинелини бел боғичидан ушлаб кўтариб қаради, астарини ҳидлаб кўрди, боғичларини наридан-бери санаб чиқди; хорунжий погони таққан иккинчи офицер, асл мовутдан тикилган чалварини ғижимлаб кўрар, учинчиси, энгашиб олиб, халтасини титкилар, шамол шинелининг этакларини орқасига қайирарди. Пристав жинжилоғи ва бош бармоғи билан, худди олов ушлаётгандай тақа михлари ўралган латтани авайлаб ушлаб, лабларини қимирлатиб санарди.

— Нима учун мих йигирма учта? Бу қандай

www.ziyouz.com kutubxonasi

гап?— деди ва жаҳл билан латтанинг учидан тортди.

— Ундай эмас, жаноби олий, йигирма тўртта.

— Мен нима, кўрманми?

Григорий пайпасланиб, латтанинг қайрилиб қолган четини ёзиб, йигирма тўртинчи михни кўрсатди, унинг қадоқ босган қора бармоқлари приставнинг сутдек оппоқ бармоқларига тегиб кетди. Пристав игна киргандай қўлини тортиб олди ва кул ранг шинелининг барига артди; ижирғаниб, қўлқопини кийди.

Григорий буни пайқаб қолиб, қаддини ростлаб заҳарханда қилди. Иккисининг кўзлари бир-бириси билан тўқнашди, приставнинг чаккалари қизариб кетди.

— Мунча ўқраясан!—деб бақирди пристав.—Нега кўзларингни чақчайтирасан, казак?— Унинг устара тилиб қони қотиб қолган бети шалғамдек қизариб кетди.— Бўктарма боғлари нега чувалиб ётибди? Бу нима деган гап? Казакмисан ёки исқирт мужикмисан? Отанг қани?

Пантелей Прокофьевич от жиловини силтаб, оқсоқ оёғини шиқиллатиб, бир қадам олға чиқди.

Картада ютқизгани учун эрталабдан бери кимга заҳрини сочишини билмай юрган пристав, чолга ёпиша кетди.

— Сен, нима, аскарий хизмат нималигини билмайсанми?

Шу орада округ атамани келиб қолди, приставнинг дами ичига тушди. Атаман этигининг тумшуғи билан эгар кўрпачани туртиб кўрди,— хичоғи тутиб, нари кетди. Григорий тайинланган полкнинг эшелон офицери мулойимлик билан ҳамма нарсаларини ипидан-игналаригача титиб кўрди ва шамол келаётган томонга орқа ўгириб тисарилиб, папиросини ёндирди-да, ҳаммадан кейин қолди.

Орадан бир кун ўтгач, Чертково станциясидан чиққан поезд қизил вагонлар тиркаб казакларни, оту ем-ҳашакларни Лиски — Воронеж томонга судраб борарди.

Вагонларнинг бирида, Григорий тахта охурга суяниб турарди. Вагоннинг очиқ эшигидан — нотаниш теп-текис далалар лип-лип этиб кўз ўнгидан ўтар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

йироқдаги бир парча кўм-кўк ўрмон от ўйиндек айланаётганга ўхшарди.

Отлар қитирлатиб пичан кавшар, омонат тахта устида турганларини сезиб безовталанишарди.

Вагон ичида шувоқ ўт ҳамда отларнинг тер ҳиди анқир, баҳор иси келарди, уфқда эса, бир парча кўм-кўк хазин ўрмон, кечқурунги хира юлдуз сингари милтиллаб кўринар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЧИНЧИ ҚИСМ

1

1914 йил март ойида, ҳаво очиқ бўлган кунларнинг бирида Наталья қайнотасиникига келди. Пантелей Прокофьевич буқа синдирган четан деворни попук чиқарган кўм-кўк новдалар билан тўқиб, тузатаётган эди. Тарновдан сув томчилар, сумалаклар кумушдай ялтирар, бўғотда аллақачон эриб оққан сувларнинг изи қорайиб кўринарди.

Қори эриб кетган дўнглик устига сарғиш қуёш заррин нурини сочиб турар, ер ҳам семирган, Дон бўйидаги тепаликлар, бўр тоғларининг ёнбағрини бахмал ўт қоплаган эди.

Ранг-рўйи кетиб, озиб қолган Наталья орқа томондан келиб, қийшайиб қолган бўйнини эгиб қайнотасига салом қилди:

— Эсон-омон юрибсизми, дада.

— Натальюшкамисан? Ҳа, соғ-саломат юрибмиз, болам!— Пантелей Прокофьевич шошиб қолиб, новдаси қўлидан тушиб кетди, буралган новда яна тўғриланиб олди.— Нега қорангни кўрсатмайсан? Қани, юр, уйга кирайлик, кампир сени кўрса бирам суюниб кетадики, асти қўявер.

— Келдим, дада...— Наталья қўлини ғалати қилиб қимирлатиб қўйиб, орқасини ўгириб турди.— Агар қувиб юбормасангиз умрбод сизникида қоламан...

— Бу нима деганинг, болам? Сен ахир ўз боламизсан-ку! Григорий ҳам хатида сени йўқлабди... Ҳолидан хабар олиб турингглар деб ёзибди, болам.

Иккиси уйга кирди. Пантелей Прокофьевич шошиб, диконглаб юрар, ўзида йўқ суюнарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ильинична Натальяни қучоқлаётиб кўз ёшини тиёлмади; этагига бурнини артар экан:

— Бола кўрсанг бахтинг очиларди... У ҳам инсофга келарди,— деб шивирлади.— Қани ўтир. Юпқақатлама билан сийлай.

— Худо хайрингизни берсин... онажон. Мана, келдим...

Лоладай қизарган Дуняшка югурганича ошхонага кириб, Натальяни тиззасидан қучоқлаб олди.

— Ҳа уятсиз! Бизларни унутиб юбординг-а!

— Ҳой қутурган қизалоқ!— деб бақириб қўйди чол ёлғондакасига қизига дўқ қилиб.

Наталья Дуняшканинг қўлларини ёзиб, унинг юзига тикилиб:

— Катта қиз бўп қобсан-а...— деди.

Ҳаммалари бараварига чулдурашиб, бир-бирларига сўз бермас, гоҳ бирданига жимиб қолишарди. Ильинична чаккасига қўлини тираб Натальяга тикилар, унинг бутунлай ўзгариб кетганини кўриб юраги эзилар эди.

Дуняшка Натальянинг қўлларини сиқиб:

— Бутунлай келдингми?— деб қайта-қайта сўрарди.

— Қайдам...

— Қайдами нимаси, наҳотки, ўз келиним ўз уйимга сиғмаса! Шу ерда қоласан!— деб гапни битта қилди Ильинична ва юпқа тўлдирилган сопол товоқни келинининг олдига суриб манзират этди.

Наталья узоқ мулоҳаза ва тараддуддан кейин қайнотасиникига келган эди. Отаси уни кетгани қўймас, йўлдан урар, дўқ қилар, уялтириб кўрарди, бироқ Наталья тузалгандан буён ўз туғишганларининг юзига тикка қарай олмас, униб-ўсган ўз уйида бегона одамга ўхшаб қолган эди. Ўзини ўлдиришга қасд қилганлиги сабабли ундан ота-онанинг кўнгли совиганди. Пантелей Прокофьевич Григорийни аскарий хизматга жўнатгандан кейин Натальяни бир неча бор ўз уйига чақирган эди. Чол уни уйига кўчириб олиб келиш ва Григорий билан иккисини яраштириб қўйишга жазм қилди.

Ўша кундан бошлаб Наталья Мелеховларникида

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолиб кетди. Дарья ғаши келганлигини сира сездирмасди; Петро унга ўз акасидек меҳрибон эди, Дарьянинг ора-сира хўмрайиб қарашлари Натальяни хижил қилса-да, лекин Дуняшканинг апоқ-чапоқлиги ҳамда чолу кампирнинг ота-оналарча муҳаббати унинг кўнглидаги ғашликни ювиб кетарди.

Наталья қайнотасиникига келган куннинг эртасигаёқ, Пантелей Прокофьевич Дуняшкага айтиб туриб, Григорийга хат ёздирди:

«Қадрдон ўғлимиз Григорий Пантелеевич! Ассалому алайкум! Сенга кўпдан-кўп салом юборамиз. Волидаий меҳрибонинг Василиса Ильинична билан иккимиз ҳамиша дуодамиз. Аканг Петр Пантелеевич билан хотини Дарья Матвеевнадан сенга салом, улар сенга соғ-саломатлик ҳамда хотиржамлик тилайдилар; сўнгра синглинг Евдокиядан ва ҳамма уй ичидагилардан ҳам кўпдан-кўп салом. Бешинчи февралда жўнатган хатингни олдик ва ниҳоятда хурсанд бўлдик.

Хатингда отим қоқинади дебсан, чўчқа чарвисини суркайвер, сўнгра, агарда, ер тойғоқ бўлмаса кетингги оёқларини тақалатма. Хотининг Наталья Мироновна бизникига келиб қолган, ўзи соғ-саломат, туппатузук юрибди.

Онанг сенга олча қоқи, бир жуфт жун пайпоқ ҳамда сур мой ва ҳар хил совғалар юборди. Ҳаммамиз соғ-саломатмиз, лекин маълуминг бўлсинким, Дарьянинг боласи қазо қилди. Қайси куни Петро билан бостирма томини тузатдик, аканг, отга яхши қарасин, эҳтиёт қилсин дейди. Сигирларимиз туғди, қари бия қорин солиб қолди, елини ҳам тўлишган, қорнида боласи қимирлагани кўриниб турадн. Станицадаги йилқилардан «Донец» деган бир айғирдан қочган эди; рўзанинг бешинчи ҳафтасида қулунласа керак деб ўйлаймиз. Бизлар сенинг хизматингдан ҳамда бошлиқларнинг сендан хурсанд эканидан қувонамиз. Сен вазифангни яхшилаб адо этгин, подшоҳ учун қилган хизматинг зое кетмайди. Наталья энди бизникида турадиган бўлди, сен шу хусусида бир ўйлаб кўр. Тағин бир чатоқ иш бўлди: масленицада уч қўйни бўри бўғиб кетди. Хайр, соғ-саломат бўл, худо

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўз паноҳида асрасин. Хотинингни унутма, сенга айтадиган сўзим шу. Ўзи ниҳоятда хушфеъл хотин ҳамда сенинг никоҳингда. Жудаям қайсарлик қилаверма, отанинг гапига кириш керак.

Сенинг даданг, старший урядник
Пантелей Мелехов».

Григорийнинг полки Австрия билан Россия чегарасидан тўрт чақирим берида Радзивиллово деган жойда турарди. Григорий аҳён-аҳёнда уйига битта хат ёзиб қўярди. Наталья кўчиб келди деган хабарга совуққина жавоб қайтарди ва хатида унга салом айтиб қўйишни топширди. Григорийнинг хатлари дудмол ва мужмал бўларди. Пантелей Прокофьевич унинг хатларини Дуняшкага ёки Петрога қайта-қайта ўқитиб кўрар, нима демоқчи бўлганини англаш учун бош қотирарди. Чол пасхадан олдин Григорийга хат юбориб, аскарлик хизматдан қайтгач, хотининг билан турасанми ёки боягидай Аксинья билан юраверасанми деб, масалани кўндаланг қўйди.

Григорий ҳадеганда жавоб қайтара қолмади. Троицадан кейин ундан қисқача бир мактуб келди. Дуняшка сўз охирларини ямлаб тез-тез ўқий бошлади.

Пантелей Прокофьевич сон-саноқсиз саломларга, саволларга эътибор бермас, хатнинг мазмунини зўрба-зўр илиб оларди. Хатнинг охирида Григорий Наталья масаласи устида тўхталган эди:

«Сиз мендан, Наталья билан турасанми, йўқми — шуни ёзиб юбор дебсиз, лекин сизга айтсам, дадажон, кесилган бармоқни қайтадан улаб бўлмайди. Эндиликда мен Натальяни нима деб юпата оламан, дада, болам борлигини ўзингиз биласиз-ку! Бу тўғрида ҳеч ваъда қилолмайман ва бу хусусда гапиришнинг ҳожати ҳам йўқ. У куни чегарада контрабанда мол билан бир одам қўлга тушди, ўз кўзимиз билан кўрдик, ўша одам: яқинда австраликлар билан уруш бўлади дейди, уларнинг пошшоси чегарага келиб, қаердан уруш бошлашни ва қайси ерларни босиб олишни кўриб чиққан эмиш. Уруш бўлиб қолса, балки мен тирик қолмасман, лекин олдиндан бир гап айтиш қийин».

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Наталья қайнотасиникида турар ва эрим қайтиб келади деб умид қилар ва шу билан кўнглини кўтариб, ўзини овутиб юрарди. Ўзи Григорийга хат ёзмаса ҳам, Мелеховлар оиласида Григорийнинг хатини Наталья сингари сарғайиб кутган одам йўқ эди.

Қишлоқда ҳаёт аввалгисидек, бир маромда борар: хизмат муддатини тамомлаган казаклар қайтиб келишар, одамлар кундалик иш билан овора бўлиб вақтнинг қандай ўтганини сезишмас, якшанба кунлари эса ҳар оила тўп-тўп бўлиб черковга йўл оларди; казаклар мундирларини, янги чалварларини кийиб олишарди; гул солиб тикилган бурма енгил кофталари тор келиб қолган хотин-халаж рангба-ранг шилдирама юбкаларининг узун этагини судратиб, кўча чангини супуриб боришарди.

Тўрт бурчак майдон шотилари лайлак қилиб қўйилган араваларга лиқ тўла, отлар кишнар, халойиқ у ёқдан-бу ёққа юриб турарди; ўт ўчириш асбоблари турган бостирманинг олдида булғор деҳқонлар узун тахтасўри устига сабзавот териб савдо қилишар, уларнинг орқасида гала-гала болалар тўпланишиб, аравадан чиқарилган туяларни томоша қилишар, туялар ҳам бўйинларини чўзиб бозорни, қизил гардишли фуражка кийиб юрган эркакларни, рангбаранг рўмол ўраган хотин-халажни томоша қилаётгандай бўларди. Тўхтовсиз чиғириқ айлантирган туялар оғиз кўпайтириб шувоқ ўт кавшаб, ҳордиқ чиқаришар, яшил кўзларини юммай мудрашарди.

Оқшомлари дўпир-дўпир этган товушларга кўчалар тўлар, сайилгоҳ жойларда ашулалар янграр, гармонлар чалинар, рақс бошланарди. Вақт ярим кечадан ўтгандагина илиқ туннинг бағрида чеккачеккадан сўнгги қўшиқ садолари эшитиларди.

Наталья сайилгоҳга боғмай, Дуняшканинг содда ҳикояларига завқ билан қулоқ солиб ўтирарди. Ҳадемай, Дуняшка ҳам қадди-қомати келишган қиз бўлиб, кўзга кўриниб қолди. Чиллаки олма сингари эрта етилди. Қиз болалик даври орқада қолди, бўй етган катта қизлар ўша йили уни ўзларига улфат қи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

либ олишди. Дуняшка отасига тортган паст бўйли, қорачадан келган эди.

Дуняшка ўн бешга тўлди, лекин хипча, бесўнақай гавдаси ҳали тўлишмаган, бир қарасанг, у болалардек содда ва ожиз, бир қарасанг бўйи етиб қолгандек кўринарди: кофтаси остидан муштдай-муштдай кўкраклари туртиб чиқиб турар, елкалари борган сари тўлишарди, кўкимтир қийиқ кўзларининг қорачиғи уялинқирагандай кулимсирарди. Сайилгоҳдан қайтгач, у ўз сирларини ёлғиз Натальяга сўзлаб берар эди.

— Наташка, жоним, сенга бир нарса айтмоқчиман...

— Қани айт.

— Кеча Мишка Кошевой билан тонг отаргача магазин ёнидаги ёғоч устида ўтирдик.

— Нега қизариб кетдинг?

— Ҳеч-да!

— Ойнага қара — юзинг ловиллашяпти.

— Қўйсанг-чи, одамни мунча уялтирасан...

— Гапиравер, уялтирмайман.

Дуняшка қорача қўллари билан ўтдай ловиллаган бетларини ишқалар, чаккаларини ушлаб, ўзидан-ўзи куларди:

—«Сен,— дейди,— худди лолага ўхшайсан...—» — дейди.

Наталья унга далда бериб:

— Хўш, ундан кейин-чи?— дерди, у бировнинг қувонганини кўриб суюнар, ўзининг поймол бўлган бахтини унутарди.

— Мен унга: «Ёлғонни қўйсанг-чи, Мишка!»— десам, «рост» деб қасам ичади.— Дуняшка қаҳ-қаҳ уриб кулар, унинг қўнғироқдай жаранглаган овозига уй ичи тўларди. У бошини чайқар, майда ўрилган қора сочлари орқасида илондай жилпангларди.

— Яна нималар деди?

— Эсдалик учун дастрўмолингни менга бер,—дейди.

— Бердингми?

— Йўқ, бермайман дедим.— Ойимтиллангдан бориб сўра, дедим.— У ахир Ерофеевнинг келини билан ҳалигидақа... эри аскарликда, ўзи юрадиган хотин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сен Мишкани ўзингга яқин йўлатма.

— Ҳалиям йўлатаётганим йўқ.— Дуняшка кулгисини аранг босиб гап бошлади:— учта қиз сайилгоҳдан уйга қайтиб келаётсак, Михей бобо маст-аласт, кетимиздан етиб олди. «Мени ўпинглар, жажжи қизлар, икки тийиндан бераман»,— деб валдиради. Бизга ёпишмоқчи бўлганда, Нюрка чивиқ билан пешонасига солиб қолди. Зўрға қочиб қутулдик.

Ёз бўйи қурғоқчилик бўлди. Қишлоқнинг рўпарасида Дон жуда саёзланиб қолди, илгари сув қутуриб оққан жойларда кечув ерлар ҳосил бўлди, ҳўкизлар орқаларини ҳўл қилмай, бемалол нариги қирғоққа ўтаверишарди. Кечалари тоғдан иссиқ чиқиб, қишлоқни дим қилиб юборар, шамол қовжираган ўтларнинг ўткир ҳиди билан ҳавони тўлдирарди. Партов ерлардаги қуриган бурганзорларга ўт тушиб кетар, теварак-атроф кўзга чалинмас пардага буркангандай бўларди. Кечалари Дон устини қора булут қуршаб момоқалдироқ қасира-қусурга олар, лекин қақраб ётган иссиқ ерга ёмғир ёғмасди, осмонга қинғир-қийшиқ кўм-кўк из солиб, беҳудага чақмоқ чақарди, холос.

Кечалари черков жомхонаси устида бойқуш сайрарди. Қишлоқ ваҳимали, ғалати овозларга тўлар, бойқуш жомхонадан учиб бузоқлар топтаб пайхон қилган қабристонга қўнар ва ўт босиб кетган қўнғир гўрлар устида нола қиларди.

— Бу яхшиликка эмас, дерди қариялар, қабристон ёқда сайраган бойқушнинг овозини эшитишиб.

— Уруш бўлмасайди.

— Туркия билан уруш бошланмасдан олдин ҳам худди шу хилда сайраган эди.

— Ёки, тағин вабо тарқармикан?

— Ишқилиб, яхшиликка эмас: черковдан тўғри ўликлар ёнига учиб ўтди.

— Ё балогардон, ҳазрати Микола...

Қўли чўлтоқ Алексейнинг укаси Мартин Шумилин бу бадбахт паррандани икки кеча тонг отгунча қабристонда пойлаб чиқди, бироқ у кўзга кўринмасди. Сирли бойқуш бутга бориб қўнар ва мудроқ босган қишлоққа ваҳима соларди. Мартин беҳаё сўзлар би-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лан сўкинар, сузиб ўтаётган қора булутга қаратиб ўқ узиб уйига қайтарди. Мартин қабристоннинг ёнгинасида истиқомат қиларди. Унинг қўрқоқ ва дардманд хотини бўлиб, қуён сингари йил сайин туғарди.

— Аҳмоқ, қип-қизил аҳмоқсан!— деб кутиб оларди эрини у.— У сенга нима қилди, золим! Худонинг ғазаби келмайдими ахир? Ой-куним яқинлашиб, ўзим аранг юрибман, касрингга туғолмай қолсам нима бўлади, жин ургур!

— Бас қил! Туғишга туғасан! Индамаса — роса вайсайсан-а! У бадбахт тинчлик бермаса, нима қилай ахир? Бу касофат бирон офат бошлаб келади. Худо кўрсатмасин, уруш бўлса — мени олади-кетади, манови туғиб ташлаган бир гала кучукларингга нима бўлади?— Мартин қўлини бигиз қилиб бурчак томонни кўрсатарди. Бурчакда сичқондай чийилашган, хуррак отиб ухлаган болалар пўстак устида чўзилишиб ётардилар.

Пантелей Мелехов майдонда қариялар билан суҳбатлашар, уларга гап уқдирар эди:

— Бизнинг Григорий ўз хатида, Австрия пошшоси чегарага келибди, тамомий аскарни бир жойга тўплаш, Москва билан Петербургга юриш бошлаш тўғрисида буйруқ берибди, деб ёзади.

Қариялар ўтган урушларни эсга олишар, ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашар эдилар.

— Уруш бўлмайди, бу йилги ҳосилдан қиёс қилавер.

— Ҳосилни бунга дахли йўқ.

— Студентлар ғавғо чиқараётган бўлса керак.

— Нималигини биз ҳаммадан кейин эшитамиз.

— Япон урушида ҳам шунақа бўлган-ку.

— Ўғлингга от олиб бердингми?

— Ҳалитдан нима қиламан ошиқиб...

— Ҳаммаси бекорчи гап!

— Ким билан уруш бўлармиш?

— Турклар билан, денгиз талашиб. Денгиз ўлгурни сира бўлиб олишолмайди.

— Шу ҳам қийин гап эканми? Бизлар пичанзорни улуш-улуш қилиб тақсимлагандай бўлиб олишаверсин-да!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Суҳбатнинг кети ҳазил-мутойибага айланиб кетар, қариялар тарқалишарди.

Сал ўтса ўти қувраб кетадиган дашт пичанини ўриб олиш пайти келган, бундан ташқари, Доннинг нариги ёғидаги ўтлар дашт пичани сингари бўлиқ ва хушбўй бўлмаса ҳам, гулини тўка бошлаган, одамлар ташвишга тушиб қолган эди. Ер бир хил бўлса ҳам гиёҳлар ҳар турли шарбатларни сўриб, бири-бирига ўхшамай ўсади; дўнг орқасидаги даштнинг қора тупроқ ери заранг: бир уюр йилқи ўтса — туёқ изи кўринмайди; қақир ерда барқ уриб хушбўй ўт ўсади, отнинг қорнига чиқади, лекин, Дон бўйида ва Доннинг нариги бетидаги захкаш, юмшоқ тупроқда ўсган ўтлар бемаза ва бебарака бўлади, баъзи йили уни мол ҳам емай қўяди.

Қишлоқ аҳли чалғиларни чархлаш, паншахаларни соплаш билан овора, хотинлар ўроқчиларга атаб квас пиширишга киришган эди, шу орада бутун қишлоқни алғоқ-далғоқ қилган бир ҳодиса рўй берди: станица пристави билан терговчи ҳамда тишлари қорайиб кетган ва шу дамгача ҳеч ким кўрмаган, ғалати форма кийган озғин бир офицер кириб келишди; улар қишлоқ атаманини чақиртиришди, сўнгра бирмунча холис одамларни эргаштириб, тўғри ғилай Лукешканикига жўнашди.

Терговчи жез томғали ёзлик фуражкасини қўлига олган эди. Улар кўчанинг чап томонидан четан деворлар ёни билан боришарди, йўлда ола-чалпак соя титраб турар, терговчи чанг босган ботинкаси билан уни боса-боса, хўроз сингари югуриб олдинга ўтиб олган атамандан гап сўрарди:

— Келгинди Штокман уйидами?

— Ҳа, тақсир.

— Нима иш билан шуғулланади?

— Ҳаммага маълум, ҳунарманд одам... ранда қўлидан тушмайди.

— Ҳеч нарса пайқамадингми?

— Йўқ.

Пристав юриб кетатуриб қошлари орасига чиққан ҳуснбузарни бармоқлари билан ситиб чиқарар; мовут мундирда терга ботиб пишилларди. Тишлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

қорайган офицер ҳадеб чўп билан тишини ковлар, салқиб қизариб кетган остки қовоқларини бужмайтирарди.

Терговчи олға югуриб ўтган атаманни қўли билан тўхтатиб яна сўради:

— Олдига одамлар кириб турадими?

— Кириб туришади. Баъзан карта ўйнашади.

— Кимлар?

— Кўпи тегирмонда ишлайдиган ишчилар.

— Аниқроқ айт, кимлар?

— Машинист, тарозибон, вальцовкачи Давидка, бизнинг казаклардан баъзи бировлар тез-тез кириб туради.

Терговчи кейинда қолган офицерни кутиб тўхтади, бурун қаншаридаги терни фуражкаси билан суртди. Офицернинг тугмасини ўйнаб туриб, унга бир нима деди-да, бармоғи билан имлаб атаманни чақирди. Атаман нафасини чиқармай оёқ учида дарҳол етиб борди. Унинг бир-бири билан чирмашиб кетган бўйин томирлари шишиб, қалтираб турарди.

— Иккита одам билан кириб ҳаммасини қамоққа ол. Тўғри маҳкамага олиб кел, биз ҳозир борамиз. Тушундингми?

Атаман гавдасини тиклаб қотиб қолди, мундирининг қотирма ёқаси кўк лента сингари йўғон томирининг тагидан бўғиб олган эди. Атаман ғиқ этдию, орқасига бурилиб жўнади.

Штокман ёқаси очиқ ич кўйлакда эшикка орқасини ўгириб, даст арра билан фанерадан гул кесиб ўтирган эди.

— Ўрнингиздан туринг. Сиз қамоққа олиндингиз.

— Ўзи нима гап?

— Икки хонани эгаллаганмисиз?

— Ҳа.

— Уйингизни тинтамиз,— деди офицер.— Остона тагига тўшалган гиламчага унинг шпори илиниб қолди, у стол олдига борди-да, кўзини қисиб туриб биринчи дуч келган китобни олди.

— Мана бу сандиқнинг калитини беринг.

— Нима гап ўзи, жаноби офицер?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Иккимиз кейинчалик гаплашаверамиз. Шоҳид, қани бошла!

Иккинчи хонадан Штокманнинг хотини эшикни қия очиб қараб турарди. Олдин терговчи, кетидан мирзабоши ўша хонага киришди.

Офицер сариқ муқовалик китобнинг четидан ушлаб:

— Бу нима?— деб астагина сўради.

— Китоб.— Штокман кифтини қисиб қўйди.

— Аскиябозликни бошқа жойда қиласан. Менинг саволларимга бошқачароқ жавоб беришингни сўрайман.

Штокман печга суяниб, ўзини истеҳзоли кулгидан аранг тўхтатиб турарди. Пристав бошини ўгириб офицерга қаради, сўнгра Штокманга тикилди.

— Шу китобни ўқияпсизми?

— Китобга ишқивозман,— деб совуққина жавоб берди Штокман ва кичкина тароқ билан соқолини тенг ярмидан иккига бўлиб таради.

— Ҳаҳ-ҳа.

Офицер китобни варақлаб-варақлаб, стол устига ташлади; иккинчи китобни наридан-бери кўриб чиқди; уни ҳам бир четга қўйиб, учинчисининг номини ўқиб кўрди-да, Штокманга бурилиб қаради.

— Шунақа китобларингни тағин қаерга яширгансан?

— Бори шу, холос.

— Ёлғон!— деб чўрт кесди офицер китоб билан ўхталиб.

— Талаб этаман!..

— Тинтинг!

Пристав бир қўли билан қиличини ушлаб сандиқ ёнига борди; сандиқдаги кийим-кечакларни бир чўтир казак титмоқда эди, бўлаётган ҳодисалардан унинг қўрқиб кетганлиги афтидан билиниб турарди.

Штокман кўзларини қисиб офицернинг қаншарига тикилиб туриб:

— Талаб этаман, назокатли муомалада бўлинг,— деб гапини тамомлади.

— Овозингизни ўчиринг, азизим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Штокман хотини билан ижарага ўтирган уйда титилмаган бирон жой қолмади. Устахонада ҳам тинтув ўтказилди. Ғайрати қистаган пристав ҳатто деворларни ҳам бармоғи билан дукиллатиб кўрди.

Штокманни маҳкамага олиб кетдилар. У шоҳид казакнинг олдига тушиб эскирган курткасининг пешига қўлини суқиб олиб, кўчанинг ўртасидан борарди; иккинчи қўлини, худди панжасига ёпишган лойни туширмоқчи бўлгандай, силкитарди; қолганлар четан девор бўйлаб, танга-танга эфтоб тушган йўлдан борар эдилар. Терговчи боягидай ажриқ босган йўл устидаги офтоб тангаларини ботинкаси билан топтар, фақат бу сафар фуражкаси қўлида эмасди — уни, оқариб кетган қулоғигача бостириб кийиб олган эди.

Штокманни ҳаммадан кейин сўроқ қилишди. Сўроқдан ўтганлар, қоровул назорати остида даҳлизда тиқилишиб ўтиришарди; булар — қора мойга булганган, қўлларини ювиб улгурмаган Иван Алексеевич, тиржайиб турган Давидка, елкасига пиджак ташлаган Валет ва Михаил Қошевой эди.

Терговчи пушти ранг папкани титкиларкан, столнинг нари ёғида турган Штокманга савол берди:

— Тегирмондаги хунрезлик тўғрисида сизга савол берганимда, нима учун РСДРП аъзоси эканлигингизни яширдингиз?

Штокман терговчининг бошидан юқори бир нуқтага қараб индамай тураверди.

Терговчи унинг индамаганидан тутақишиб:

— Бу аниқланди. Сиз ўз қилмишингизга яраша жазоланасиз,— деди.

— Сўроқ бошлашингизни илтимос қиламан,— деди Штокман зериккан кишидай, сўнгра бўш турган табуреткага кўз қирини ташлаб ўтиришга ижозат сўради.

Терговчи индамади; қоғозларни шитирлатиб титаркан бемалол ўтираётган Штокманга ер тагидан қараб қўйди.

— Бу ерга қачон келгансиз?

— Бултур.

— Ўз ташкилотингизнинг топшириғи биланми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳеч қандай топшириқсиз.

— Ўз партиянгизда қайси вақтдан бери аъзосиз?

— Нима гап ўзи?

— Мен,— терговчи «мен» сўзини чертиб гапирди,— қачондан бери РСДРП аъзоси эканлигингизни сўраяпман.

— Мен ўйлайманки...

— Нимани ўйлаганингизни мутлақо билгим келмайди. Саволга жавоб беринг. Тонгандан наф йўқ. Қайтага зарари бўлади.

Терговчи қоғозлар орасидан биттасини ажратдида, уни стол устига қўйиб, бош бармоғи билан босиб турди.— Мана, Ростовдан келган справка, сизнинг шу партияда аъзо эканлигингизни тасдиқловчи далил.

Штокман бир парча оппоқ қоғозга кўз ташлаб, бир лаҳза тикилиб қолди, сўнгра қатъий жавоб берди:

— Бир минг тўққиз юз еттинчи йилдан бери.

— Хўп. Сизни бу ерга ўз партиянгиз юборганига инкор бўлмоқчимисиз?

— Ҳа.

— Ундай бўлса, бу ерга нимага келдингиз?

— Бу ерда слесарлар керак экан.

— Бошқа ёққа бормай шу районни танлаб олганингизнинг сабаби нима?

— Сабабини ҳали айтдим-ку.

— Шу ерга келгандан бери ўз ташкилотингиз билан алоқада бўлдингизми?

— Йўқ.

— Сизнинг бу ерга келганингизни улар билишадими?

— Эҳтимол.

Терговчи лабини чўччайтириб, садаф сопли пакки билан қаламини тарошлар, Штокманга қарамасди.

— Бирон таси билан хат ёзишиб турасизми?

— Йўқ.

— Тинтув вақтида топилган мана бу хат-чи?

— Бу бир ўртоқдан келган хат, ҳеч қандай революцион ташкилотга унинг алоқаси йўқ.

— Ростовдан бирон дастуриламал олганмисиз?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўқ.

— Тегирмондаги ишчилар сизникига нима мақсадда тўпланишарди?

Штокман, саволнинг бемаънилигидан таажжубланганда, кифтларини қисиб қўйди.

— Қиш кечалари ўзлари анчайин йиғилишарди... Шунчаики вақт ўтсин учун. Карта ўйнашарди...

— Қонун ман этган китобларни ўқишарди,— деб луқма солди терговчи.

— Йўқ. Улар ҳаммаси чала савод...

— Бироқ тегирмон машинисти ва бошқалар буни инкор этишгани йўқ.

— Бу ёлғон гап.

— Қараб турсам, сизда оддий тушунча ҳам йўқ-ка ўхшайди деди...— терговчи. Штокман кулимсиради, терговчи гапнинг учини йўқотиб қўйди ва ғазабланганлигини сездирмай:— Қисқаси соғлом фикрга эга эмассиз!— деб давом этди.— Тонганингиз билан барибир ўзингизга жавр қиласиз. Партиянгиз сизни бу ерга казаклар орасида бузғунчилик ишлари юргизиш, уларни ҳукуматдан юз ўгиртириш мақсадида юборганлиги ойнадек равшан. Тушунаолмай қолдим: бекинмачоқ ўйнашнинг нима ҳожати бор? Барибир, бунинг билан жиноятингиз енгиллашмайди.

— Бу гаплар ҳаммаси сизнинг гумонингиз. Чекишга рухсат этсангиз! Раҳмат. Ҳаммаси ҳам асоссиз, қуруқ гумон.

— Менга қаранг, мана бу китобчани сиз, уйингизга келган ишчиларга ўқиб берганмисиз?— Терговчи кичикроқ бир китоб устига кафтини қўйди. Оқ муқовасининг устида: «Плеханов» деган ёзув равшан кўриниб турарди.

— *Биз шеър ўқир эдик,*— Штокман ҳалқадор суяк мундштугини бармоқлари билан маҳкам қисиб, қаттиқ папирос тортди.

Эртаси куни эрталаб, осмонни булут қоплаб, ҳаво айниган пайтда қўш от қўшилган почта арава қишлоқдан жўнади. Ёғ босган калта пальтосининг ёқасига соқолини буркаб олган Штокман аравaнинг кетида ўтирарди. Унинг икки ёнида қилич тақинган навбатчилар қўриқлаб боришарди. Уларнинг бири чўтир ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

жингалак соч эди, у ғадир-будур, ифлос бармоқлари билан Штокманнинг тирсагидан маҳкам қисиб олган, малла киприкли кўзларини унга тикиб, чап қўли билан сири кўчган қилич қинини ушлаб борарди.

Арава тасира-тусур кўча чангитиб кетаётган эди. Пантелей Мелеховнинг қўраси орқасида, рўмолига бурканиб олган жиккак бир аёл ғарам четанига суяниб, шу аравани кутарди.

Арава унинг олдидан ўтиб кетди, хотин, қўлларини кўксига босганича орқасидан югурди.

— Ося!.. Осип Давидич! Вой, нима қиламан?

Штокман қўл силкитиб хайрлашмоқчи эди, бироқ чўтир навбатчи ирғиб турди-ю, унинг қўлини ифлос панжаси билан омбирдай қисиб олди, хириллаб бақирди:

— Қимирлама! Чопиб ташлайман!..

У подшога қарши чиққан одамни умрида биринчи кўриши эди.

II

Маньково — Қалитвенская қишлоғидан то Радзивилловогача чўзилган йўл кўкиш туман ичида қаердадир, орқада қолиб кетган эди. Григорий йўлда кўрган нарсаларни эсламоқчи бўлар, бироқ, аниқ бир манзарани кўз олдига келтиролмас эди, қизғиш рангга бўялган станция иморатлари, омонат тахта пол тагида тарақа-туруқ қилаётган ғилдираклар, от гўнги ҳамда пичан ҳиди, паровоз остидан чўзилиб чиқаверадиган поёнсиз темир излар, ўхтин-ўхтин вагон эшигидан кириб келадиган тутун, ё Воронеж вокзалида, ё Киевда рўпара келган мўйловдор жандарманинг башараси...

Поезддан аскар туширилган ярим станцияда офицерлар ҳамда соқоллари қирилган, кул ранг фуфайка кийган аллақандай одамлар гала-гала бўлиб юришар, тушуниб бўлмайдиган ёт тилда сўзлашардилар. Вагонларга тахта қўйиб эран-қаран отларни ерга туширишди. Эшелон командирининг муовини отларни эгарлатди, уч юздан ортиқ казакни ветеринария пунктига бошлаб борди. Отларни кўрикдан ўтказишга анча вақт кетди. Казакларни юзта-юзтадан қилиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ажратишди. Вахмистр ва урядниклар югур-югурга тушиб қолишди. Биринчи сотняга оч-тўриқ отлар, иккинчисига — бўз ва жийрон отлар, учинчисига — қора тўриқлар ажратилди; Григорий тўртинчи сотняга тушди, бунда жийрон ва анчайин тўриқ отлар терилган эди; бешинчи сотняга — саман, олтинчисига — қора отлар... Вахмистрлар казакларни взводларга ажратиб, қўрғонча ва қишлоқчаларга жойлашган қисмларга бошлаб кетдилар.

Муддатидан ортиқ хизмат қилганлигини кўрсатувчи белги таққан, кўзи чақчайган, барваста вахмистр Каргин Григорийнинг ёнидан ўтиб бораётиб:

— Қайси станицадансан?— деб сўраб қолди.

— Вёшенскаядан.

— Чиноқларданмисан?[1]

Григорий бошқа станицалик казакларнинг қиқирлаб кулишганини эшитди, лекин бу ҳақоратни индамай ютиб юборди.

Йўл тошкўчага олиб чиқди. Умрида биринчи марта тош кўчани кўрган Дон отлари қулоқларини чимириб, худди музлаган дарёга тушаётгандай, пишқира-пишқира, зўрға қадам қўйишар эди; ҳадисини олгандан кейин, ейилмаган янги тақаларини тарақлатиб, бемалол юриб кетишди. Теварак-атрофни хазон урган сийрак ўрмончалар босиб кетган: бу ёт ер поляклар ўлкаси эди. Кун илиқ, дим, офтоб ҳам Дон офтобига ўхшамас, пардадай тўсиб олган қалин булутлар ортида дайдиб юрарди.

Радзивиллово қўрғони ярим станциядан тўрт чакирим нарида эди. Эшелон командири ўз ординари билан от солдириб келиб, казакларни ярим йўлда қолдириб кетди. Қўрғонга ярим соат деганда етиб борилди.

Митякинская станицалик бир йигитча шип-шийдам бўлиб қолган боғни кўрсатиб вахмистрдан сўради:

---

[1] Ҳар бир станицанинг лақаби бир эди, масалан, вёшенскаяликларни — кўппак деб чақиришарди (*Авторнинг изоҳи.*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу қанақа қишлоқ?

— Қишлоқ? Қишлоқ деган гапни ёдингдан чиқариб ташла, каллаварам! Бу ер сенга Дон вилояти эмас.

— Анови нима, тоғажон?

— Нега мен сенга тоға бўлай? Сендақа жиянни қара-ю! Биродари азиз, бу княгина Урусованинг мулклари бўлади. Бизнинг тўртинчи сотня казаклари шу ерга жойлашган.

Григорий, юраги сиқилганлигидан отининг бўйнини силар, оёқларини узангига тирар, беўхшов солинган икки қаватли уйни томоша қилар, тахтадан ишланган қўрғон деворларига қарар, қўрадаги ғалати иморатлардан кўз узмас эди. Казаклар боғ ёни билан кетишди, бу ердаги шип-шийдам дарахтлар ҳам худди олисда қолган Дон дарахтлари сингари шамол билан бир тилда ҳасратлашарди.

Ниҳоятда ёқимсиз ва жонга тегадиган ҳаёт бошланади. Ишсиз қолиб ўрганмаган ёш казаклар дастлабки кунлари жуда зерикишар ва бўш соатларда ўзаро суҳбат билан кўнгил очишарди. Томига черепица ёпилган ёнбошдаги кенг-кенг ҳужраларда юз казак жойлашган эди. Улар деразалар тагига қўйилган тахта сўриларда ётишарди. Деразанинг кўзига ёпиштирилган қоғоз жойидан кўчиб, кечаси билан йироқда чалинаётган подачи найининг овозига ўхшаб визиллаб чиқарди, Григорий унинг шитирлашига, хилма-хил хуррак овозларига қулоқ солар экан, кўнглини ғам босар, дириллаган ингичка овоз юрагини омбир билан тишлаётгандай бўларди; шундай пайтларда Григорийнинг ўрнидан тура солиб отхонага боргиси ва Тўриқни эгарлаб уйига етгунча совундай кўпиртириб чоптиргиси келарди.

Отларни қашлаш, тагини тозалаш учун ҳар куни соат бешда уйғотишар эдилар. Отлар охурга солинган сулини еб бўлгунча, ярим соатлик қисқа вақт ичида казаклар бир-икки оғиз гаплашиб оларди:

— Ҳосияти йўқ жой экан!

— Бу ерда туришга тоқатим қолмади.

— Вахмистрни қара — мунақангги қанжиқни ҳеч кўрмовдим. Отнинг туёғини ювасан дейди-я!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳозир уйдагилар ёғлиқ юпқа пиширишаётгандир...

— Шу топда бир қиз бўлса-ю, орқасини силаб ўтирсанг...

— Мен бугун ғалати туш кўрибман, оғайнилар, дадам билан даштда пичан ўраётганмишмиз, ҳамма ёқни тумонат одам босиб кетганмиш,— дерди бўта кўзларини аланглатиб ювошгина Прохор Зиков деган йигит.— Ҳар ўроқ солганда бир қучоқ пичан уюлиб қолади... Бирам суюнаманки, юрагим чиқиб кетай дейди!..

— Хотининг:—«Бечора Миколушкам қаерда экан?» деб ўйлаётган чиқар.

— Ўйлаб бўпти! Хотини тушмагур қайнотаси билан бекинмачоқ ўйнаётгандир.

— Оғзингга қараб гапир...

— Хотин зоти борки, эри кетгандан кейин бошқа билан юрмаса туролмайди.

— Бунинг нимасига хафа бўласиз? Хотин деган нарса соғин сигир, соққан билан соб бўлмайди, бизга ҳам қолади.

Юз казак ичида энг шўхи, энг оғзи бузуқ, беҳаёси, безбет Егорка Жарков гапга суқилар, кўзларини қисиб, хунук илжаяр ва дерди:

— Масала равшан: даданг келинини тинч қўя қолмас. Ғар кўз одам. Бир пайт шундай воқиа бўлган эди...— У кўзларини ўйнатиб, тингловчиларга қараб-қараб қўярди.— Ўшанга ўхшаш қайноталардан биттаси ўз келинининг пайига тушиб, қўярда қўймас экан-у, бироқ, эри халақит берар экан. Биласизми, чол нима найранг ишлатибди? Кечаси қўрага чиқиб, молхонанинг дарвозасини очиб қўйибди, ҳамма мол ҳовлига чиқиб кетибди: «Ҳой, қорабоскур, молхонанинг эшигини яхши бекитсанг ўлармидинг? Уни қара, ҳамма мол чиқиб кетибди-ку, тур, бориб қамаб кел!» деб бақирибди чол ўғлига. Ўғли мол қамагани кетса, дарров келинининг қўйнига қирмоққа қасд қилган экан, лекин ўғли эриниб, хотинига: «Сен бориб, қамаб кела қол» деб шивирлабди. Хотини чиқиб кетибди. Ўғил қулоқ солиб ётса, отаси печь устидан аста тушибди-да, эмгаклаб каравот то-

www.ziyouz.com kutubxonasi

монга келаверипти. Ўзи ҳам чакана бола эмас экан, токчадан жўвани олипти-ю писиб ётаверипти. Ота эмаклай-эмаклай, каравотга етиб келиб тармашибди, ўғли жўва билан отасининг ярғоқ бошига чуно-о-о-нам солибдики! «Хўш-э, ҳаром ўлгур! Доим келиб, чойшапни чайнагани чайнаган!..» дебди. Кечаси бузоқни уйга киргизиб қўяр экан, бузоқ бўлса, кийим-кечакни ямлаб кетаркан. Ўғил, гўё, ҳеч нарсадан бехабар, бузоқни урган киши бўлиб тек ётаверибди... Чол эмаклаганича зўрға печь устига чиқиб ётибди, шишган жойини ушлаб-ушлаб қўйибди, боши ғоз тухумидай ғурра бўлиб қолибди. Ётиб-ётиб: «Иван, ҳо Иван?» деб чақирибди.—«Нима дейсиз, дадажон?»—«Сен ҳали кимни урдинг?»—«Бузоқни». Чол йиғламсираб: «Аблаҳ, ахир, мол деганни шунчалик қаттиқ урасанми? Бу аҳволда сен одам бўлмайсан, молсиз ўтиб кетасан» дебди.

— Ёлғонни ҳам қийиб юборасан-а!

— Сен чўтир, занжирбоп кўппак бўлибсан.

— Бу нима ғалва? Тарқал!— деб бақирди устларига келиб қолган вахмистр. Қазаклар кула-кула, қочирим қилишиб отлари ёнига кетишди.

Чойдан кейин саф машғулотига чиқишарди. Уйда еган-ичганларини урядниклар бурунларидан чиқаришарди.

— Қорнингни тортиб тур, ҳой чўчқа!

— Равнение на-пра-во, ша-а-гом...

— Взвод, стой!

— Арш!

— Ҳой, чап томондаги йигит, бу нима туриш, онангни?..

Жаноб офицерлар кенг қўрада казакларнинг у ёқдан бу ёққа югуришини томоша қилиб бир чеккада туришар, папирос чекишар, баъзан урядникларнинг буйруғига аралашиб қўйишарди.

Оч-кўк шинель ва чиройли мундир кийган, келишган олифта офицерларни кўриб, Григорий, улар билан ўзи орасида ер билан осмонча фарқ борлигини сезди: уларнинг ҳаёти казакларникидан бутунлай бошқача, батартиб ва саришта, уларда бит-мит деган

www.ziyouz.com kutubxonasi

нарса йўқ, вахмистрлар тумшуғимга солиб қолади деб қўрқмайдилар.

Қўрғонга келганларидан уч кун ўтгач, рўй берган бир ҳодиса Григорийга ва бошқа ҳамма казак йигитларга ёмон таъсир қилди. От билан саф тортиш тартибини ўрганишаётганда, тушида ҳамиша соғинган қишлоғини кўрадиган, мултайган бўта кўз Прохор Зиковнинг асов оти вахмистрнинг отини тепиб олди, лекин қаттиқ шикаст етказмади,— чап оёғининг сон териси сал қирилган эди, холос. Вахмистр қулочкашлаб қамчи билан Прохорнинг юзига солиб қолди.

— Кўзинг қаёқда?.. Нега анқаясан?— деб бақирди у.— Сен итваччани мен ҳали!.. Сени ҳали уч кечакундуз қимирлатмай қоровул турғизарман...

Взвод офицерига қандайдир буйруқ бераётган юзбоши, воқиани ўз кўзи билан кўриб турса ҳам, тескари қараб қиличининг дастасини ўйнаб, зериккан одамдай эснаб тураверди. Прохор шишган бетидаги моматалоқ қамчи изини шинелининг енги билан суртди, лаблари қалтираб кетди.

Григорий отини сафга тўғрилаётиб, офицерлар томонга қаради, лекин улар ҳеч нарсадан хабари йўқ одамдай бемалол гаплашишарди. Орадан беш кун ўтгач, Григорий от суғораётиб қудуққа челакни тушириб юборди; вахмистр калхатдай учиб келиб, чанг солмоқчи бўлди.

Григорий қудуқда жимирлаган сувга тикилиб:

— Қўл текизма!..— деди бўғиқ овоз билан.

— Нима дединг? Туш, аблаҳ, обчиқ! Тумшуғингни қоп-қора қон қиламан!..

— Обчиқаман, лекин сен менга тега кўрма!— деди бошини кўтармасдан, дона-дона қилиб Григорий.

Агар қудуқ олдида казаклар бўлганда, ишнинг пачаваси чиқарди: вахмистр Григорийни уриши турган гап эди, бахтига от етаклаганлар ҳаммаси панжара ёнида турар, буларнинг гапини эшитмасди. Вахмистр Григорийнинг устига бостириб келар экан, улар томонга қараб-қараб қўяр, ғазабини босолмай, ваҳшиёна кўзларини ола-кула қилиб, хириллар эди:

— Сен ўзинг кимсан? Ўз бошлиғингга мунча биди-биди қиласан?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сен, Семён Егоров, унчалик ҳовлиқма!

— Дўқ қилмоқчимисан?.. Сендақа зўрни зах хонага тиқиб қўярман!..

— Ҳой, менга қара,— Григорий бошини қудуқдан кўтарди,— менга қўл тегизадиган бўлсанг барибир, тирик қўймайман! Тушундингми?

Вахмистр ҳанг-манг бўлиб, карракдек оғзини очиб, ҳадеб эснар, лекин нима жавоб қайтаришни билмасди. Жазо бериш пайти ўтган эди. Григорийнинг докадек бўзариб кетган рангги шу топда ундан яхшилик чиқмаслигини кўрсатиб турарди, шунинг учун вахмистр эсанкираб қолди, ёғоч охурга сув келадиган тарнов ёнидаги лойга тайғаниб, қудуқ олдидан кетди. Нарироққа боргандан кейин кетига бурилди-да, муштини чўкич сингари салонглатиб:

— Юзбошига айтаман! Устингдан юзбошига рапорт бераман!— деб дўқ қилди.

Лекин, негадир юзбошига ҳеч нима демади, бироқ, икки ҳафтагача Григорийни роса қийноққа солди; арзимаган нарсани баҳона қилиб тирғилар, навбатдан ташқари қоровул турғизар, лекин унга бетмабет бўлишдан ўзини опқочарди.

Кундалик тартибнинг бир хиллигидан, хунобгарчиликдан юраклар қон бўларди. Қош қорайгунча, кечқурунги труба чалингунча казаклар пиёда ва отлиқ машғулот ўтказиб тоза чарчашар, отларни охурга боғлаб тагларини тозалашар, қашлашар ва хашаклатишар, сўнгра бемаъни ибораларни ҳижжалаб, ёд олишарди, соат ўн бўлганда йўқлама, қоровул ажратиш тамом бўлгандан кейингина ибодат учун саф туришарди. Сўнгра вахмистр қўрғошин соққага ўхшаган кўзларини чақчайтириб, сафни қараб чиқар ва хириллаган овози билан «Эй бор худоё» дуосини бошларди.

Эрталабдан туриб кечаги майнабозчилик яна бошланар, кунлар ҳар хил-у, лекин эгизак сингари бир-бирига ўхшар, кечани бугундан, бугунни эртадан ажратиб бўлмасди.

Бутун бошлиқ қўрғонда бошқарувчининг кекса хотинидан ташқари яна биттагина аёл бор эди, холос; бошқарувчининг уй хизматкори бўлган бу ёшги-

www.ziyouz.com kutubxonasi

на поляк қизи—ёқимтой Франяга офицерлардан тортиб юз йигитнинг бариси шайдо эди. У дам ўтмай уйдан чиқар ва югуриб-югуриб, қоши йўқ кекса ошпаз ёнига, ошхонага бориб-келиб турарди.

Взвод-взвод бўлиб юришни машқ қилаётган казаклар бир-бирига кўз қисар, уҳ тортар, унинг кетидан тикилиб, шитирлаган кўк юбкасини томоша қилиб қолаверишарди. Қазакларнинг ҳамда офицерларнинг доим тикилиб қарашларини, шаҳвоний назар ташлашини сезган Франя талтайиб кетиб, жўрттага белларини қимирлатиб юрар, уйдан ошхонага, ошхонадан уйга бориб келаверар, ҳар қайси взводга навбати билан бир кулиб қўяр, жаноби офицерларга эса ўзгача ноз-таманно билан илтифот кўрсатарди. Унинг *илтифотига сазовор бўлмоқни ҳамма орзу* қилиб кўп уринарди-ю, бироқ, миш-миш гапларга қараганда, ёлғиз бир одам: жингалак сочи пахмоқ бўлиб кетган юзбошигина бунга муваффақ бўлган.

Баҳор олдида мана шундай бир ҳодиса рўй берди. Уша куни Григорий отхонада навбатчилик қилмоқда эди. У ҳадеб офицерлар оти турган бурчак томонга югурар ва байтал талашиб тепинишаётган отларни тинчитиш билан овора эди. Тушки овқат маҳали, Григорий эндигина ясовулнинг оқ туёқли отини қамчилаб тинчитди-да, ўз Тўриғининг охурига қаради. Арғумоқ шитирлатиб пичан чайнар, қизғич кўзларини аланглатиб эгасига қарар, қиличбозлик машқи маҳалида лат еган кейинги оёғини қисарди. Григорий унинг нўхтасини тўғрилар экан, отхонанинг қоронғи бурчагидан тапир-тупур овоз ва кимнингдир бўғилиб қичқирганини эшитди. У бир оз ҳайрон бўлиб, охурлар ёни билан ўша томонга юрди. Отхона йўлаги зим-зиё қоронғи эди. Бирданига эшик очилдида, аллаким:

— Тезроқ бўлинглар, ҳой йигитлар!— деб қаттиқ шивирлади.

Григорий юришини тезлатди.

— Ким у?

Эшикдан пайпаслаб кириб келаётган урядник Попов унга туртиниб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Григориймисан?— деб шивирлади у, Григорийнинг кифтларидан ушлаб.

— Шошма! Бу ерда нима бўляпти ўзи?

Урядник ўғри кишидек пиқирлаб кулиш қилди-да, Григорийнинг енгидан ушлади.

— Бу ерда... Шошма, қаёққа борасан?

Григорий қўлини тортиб олди-да, эшикни ланг очиб юборди. Ҳовлида одам боласи кўринмасди, думи кесилган бир чипор товуқ, эртага ошпаз уни сўйиб бошқарувчи пан жанобларига шўрва қилиб беришидан бехабар, пинагини бузмай юрар, айланиб келиб ғўнг титар ва қаерга тухум қўйсам экан дегандек қақиллар эди.

Бирданига тушган ёруғликдан Григорийнинг кўзлари қамашиб, бирпасгача ҳеч нарсани ажратолмай қолди, Григорий кўзларини кафти билан тўсди ва отхонанинг қоронғи бурчаги томонда ғовур-ғувур кучайганини эшитиб шартта бурилди. Деворни ушлай-ушлай, ўша томонга юрди; эшик рўпарасидаги девор ва охурларда танга-танга офтоб шуъласи ўйнарди. Григорий кўзларини қамаштирган шуълага тикка боқа олмай зўрға қадам қўярди. Шу аснода Жарков деган масхарабоз йигит унинг олдидан чиқди. У тушиб кетаётган чалварини тугмалаб, бошини чайқатиб келмоқда эди.

— Бу ерда нима қилиб юрибсан? Нима қиляпсизлар?

— Тезроқ бор!— деб шивирлади Жарков, сасиган оғзини Григорийнинг юзига яқинлаштириб.— у ерда... у ерда ғалати иш бўляпти!.. Йигитлар Франяни судраб олиб киришган... Бурчакка жой қилишган...— Жарков хахолаб кулди, лекин Григорий уни итариб юборди, Жарков орқаси билан деворнинг қиррасига бориб урилди-да, нафаси ичига тушиб кетди. Григорий овоз келган томонга югурди, унинг катта-катта очилган кўзларига ваҳима чўккан эди. От ёпиқлари турадиган бурчак одамга тўлган — бутун биринчи взвод казаклари шу ерда эди. Григорий индамай, казакларни итариб-итариб ташлади-да, олға ўтиб олди. Ерда, қоронғи бурчакда Франя оппоқ оёқларини шармандаларча кериб, қимир этмай ётарди, бо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шига от ёпиқ ташланган, йиртилган юбкаси кўкрагидан юқорироқ кўтариб қўйилган эди. Қазаклардан бири шерикларига қарамай қийшайиб кулди-да, навбатдаги одамга жой бўшатиб, девор ёнига ўтди. Григорий шартта орқасига бурилиб эшик томонга чопди.

— Ва-а-ахмистр!..

Эшик олдида унга етиб олишди, орқага судраб йиқитишди, оғзини кафтлари билан маҳкам босишди. Григорий биттасининг кўйлагини ёқасидан этагигача йиртиб юборди, иккинчисининг қорнига тепди, бироқ, уни йиқитиб Франя сингари бошини ёпиқ билан буркашди, қўлларини боғлашди ва овозимиздан таниб қолмасин деб, индамай, бўш охурга элтиб ташлашди. Сассиқ жун ёпиқ ҳидидан Григорийнинг нафаси қайтар, бақирмоқчи бўлар, ғовни тепар эди. Ётган жойидан бурчакда бўлаётган шивир-шивирни, казакларнинг бирин-кетин кириб чиқаётганини, эшикнинг ғижирлаганини эшитарди. Йигирма минутлардан кейин унинг қўлларини ечишди. Эшикнинг бу томонида вахмистр ҳамда бошқа взводлик икки казак турарди.

Вахмистр ҳадеб кўзларини пирпиратар, тик қарай олмасди.

— Тағин, овоза қилиб юрма!— деди у.

— Туя кўрдингми — йўқ, бўлмаса... қулоқларинг кесилади,— деб кулди ўзга взводлик Дубок деган казак.

Икки одам тугунчакка ўхшаган бир нарсани ердан кўтариб олди, бу — Франя эди (юбкаси остидан унинг оёқлари шалвираб осилиб турарди). Уни охур устига олиб чиқишди ва омонатгина тахта билан тўсиб қўйилган девор туйнугидан тушириб юборишди. Деворнинг орқаси боғ эди. Ҳар бир охурнинг тепасида ис босган кичкина туйнукча бўларди. Девор орқасидаги боққа бориб тушган Франянинг нима қилишини кўрмоқчи бўлган казаклар ғовлар устига ёпирилишиб чиқишди; баъзилари шоша-пиша отхонадан жўнаб қолишди. Григорий ҳам қизиқиб, уни кўргиси келди. Шипдаги тўсинни ушлаб бўйнини чўзди, оёғини ўрнаштириб олгач, энгашиб пастга қаради. Франя чалқасига тушиб ётар, оёқларини

www.ziyouz.com kutubxonasi

қайчи сингари очиб ёпар ва девор тагидаги эрий бошлаган қорни чангаллар эди. Григорий унинг юзини кўролмас, лекин туйнуклар ёнида биқинишиб мўралашаётган казакларнинг пишиллаганини, хушбўй майин пичаннинг шитирлаганини эшитарди.

Франя анчагача чўзилиб ётди, ниҳоят, қўллари ва тиззаларини ерга тираб, бошини кўтарди. Унинг қалтираган қўллари букилиб кетар эди. Григорий буни аниқ кўриб турарди... Франя гандираклай-гандираклай бир амаллаб оёққа турди; сочлари тўзган, таниб бўлмас даражага етган Франя туйнукларга қараб узоқ тикилиб қолди.

Ниҳоят, у бир қўли билан дарахт шохларини ушлаб, иккинчи қўлини деворга тираб, зўрға қадам ташлаб кета бошлади.

Григорий охурдан ирғиб тушиб кафти билан томоғини ишқалай бошлади: унинг нафаси бўғилиб қолган эди.

Қимлиги эсида йўқ, эшик олдида турганлардан бири унга пишиқтирди:

— Бировга айтсанг — азбаройи худо, ўлдирамиз! Тушундингми?

Взвод офицери машғулот вақтида Григорийнинг шинель тугмаси узилганлигини кўриб:

— Сени ким дўппослади? Бу нимаси?— деб сўраб қолди.

Григорий тугманинг тўгарак изини кўрди; ўтган воқиа эсига тушиб кўнгли бузилди ва шу узоқ давр ичида биринчи марта хўрлиги келиб, ўзини зўрға босиб олди.

III

Дашт — жазирама офтоб ҳароратида ўртанмоқда. Пишиб етилган ва ҳали ўроқ тушмаган олтиндай буғдойзорлар сарғиш чанг ичида яллиғланаётгандек кўринади, ўроқ машиналарга қўл тегса куяди.

Бош кўтариб осмонга қараб бўлмайди. Сарғиш тўзон пардаси қоплаган кўкнинг қайноқ нафаси келиб туради. Буғдойзорнинг этагида қашқа беда сап-сариқ бўлиб гулга кирган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бутун қишлоқ даштга кўчиб чиққан, ғалла ўришга тушишган. Одамлар чанг ютиб, жазирамада отларни аямай ўроқ машина ҳайдашади, иссиқдан нафаслари бўғилиб хириллашади. Аҳён-аҳёнда Дон томондан турган шамол чанг-тўзонни осмонга кўтаради; қуёш эса олов пардаси билан ҳамма ёқни ўраб олган.

Ўроқ машинада ишлаётган Петро эрталабдан бери икки челаклик кўзадаги сувнинг ярмини ичиб қўйди. У ҳадеб илиқ бемаза сувни симирар, лекин орадан бир лаҳза ўтмай, яна томоғи қақрар, кўйлагу пайтаваларигача ивиб, юзидан тер қуяр, қулоқлари тўхтовсиз шанғиллаб безор қилар, гапирай деса — тили калимага келмасди. Дарья юзини рўмолга буркаб, кўйлагининг ёқасини очиб, ўрилган ғаллани тўплар, икки кўкси орасидаги чуқурчани дона-дона тер босган эди. Ўроқ машинага қўшилган отларни Наталья ҳайдарди. Унинг икки бети лавлагидай қизариб кетган, кўзлари ёшланар эди. Пантелей Прокофьевич, шалаббо бўлиб қатор ораларини йиғиб борарди. Ивиб кетган кўйлаги баданини ачитарди. Чолнинг кўксига тушиб турган соқоли худди эриган қора сақичга ўхшар эди.

Рўпарадан арава ҳайдаб келаётган Христоня:

— Совундек кўпириб кетибсан, Прокофьич!— деб бақирди.

— Ҳа, ивиб кетдим!— Прокофьевич қўл силтади-ю, тер босган қорнини кўйлак этаги билан артиб диконлаганча юриб кетди.

— Петро,— деб бақирди Дарья — уҳ, бўлди қил!

— Шошма, бир айланайлик.

— Бир оз салқин тушсин. Мен ҳозир ишни йиғиштираман!

Наталья отларни тўхтатди, гўё ўроқ машинани от эмас, ўзи тортгандай ҳаллосларди. Дарья кавуш ғажиган қоп-қора оёқларини авайлаб босиб, экинзор ичидан аста-секин улар томон келарди.

— *Петюшка, ахир яқин жойда ҳовуз бор-ку!*

— Яқинмиш-а, уч чақирим келар!

— Чўмилиб келар эдик.

— Ҳовузга етгунча...— деб хўрсинди Наталья.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Пиёда юрадиган аҳмоқ борми? Отларни чиқарамиз-да, миниб ҳайдаймиз!

Петро ўрилган ғаллани тўплаётган отаси томонга ҳадиксираб қаради-да:

— Отларни чиқаринглар!— деб қўл силтади...

Дарья постромкаларни ечди-да, бир сакрашда бияга миниб олди. Наталья қовжираган лабларини қийшайтириб илжайди, отни ўроқ машина ёнига етаклаб келди: у машина ўтирғичига оёқ қўйиб минмоқчи эди.

— Оёғингни бер!— Петро жонига оро кириб уни отга миндириб қўйди.

Жўнаб кетишди. Рўмоли бўйнига тушган, болдири очилиб қолган Дарья отни илгарироқ қамчилаган эди. От устида у чавандоз казаклар сингари ўтириб олган эди, кетидан келаётган Петро қочириқ қилиб:

— Ҳэй, эҳтиёт бўл, чақа қилиб қўймагин, тағин! — деб бақирди.

— Бало ҳам урмайди!— деди Дарья писанд қилмасдан.

Қатта йўлни кесиб ўтганларидан сўнг, Петро чап томонга қаради. Олисдаги қишлоқ томондан зиғирдай хол пайдо бўлиб, катта бўз тупроқ йўл бўйлаб учиб келаверди.

— Аллаким от чоптириб келяпти,— деди кўзини қисиб қараган Петро.

— Роса ҳайдаяпти! Чангитишини қара!— деб таажжубланди Наталья.

— Нима гап бўлди экан? Дарья!— деб чақирди олдинда елиб кетаётган хотинини Петро.— Шошма, анави отлиқни кўрайлик.

Зиғирдай нарса тепанинг орқасида кўринмай қолди, кейин каттакон чумолидай бўлиб кўзга чалинди.

Чанг орасидан отлиқ одамнинг қораси аниқ кўринарди. Беш минутлардан кейин янада аниқроқ кўзга чалинди. Петро ишга киядиган похол шляпасининг четига кирланган кафтини қўйиб олисга тикиларди.

— Бу чопишда отни расво қилади, қаттиқ ҳайдаяпти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Петро қўлини шляпасидан олди, юзида саросималик аломати пайдо бўлиб, икки қоши чимирилиб қолди.

Отлиқни энди бемалол кўриш мумкин эди. У чап қўли билан фуражкасини эҳтиёт қилиб, отини учирар, ўнг қўлида эса чанг босган қизил байроқча ҳилпилларди.

У оғзини карракдек очиб:

— Шум хабар!— деб жар солди-да, йўл бўшатиб берган Петронинг олдидан шу қадар яқин ўтиб кетдики, қайноқ ҳаводан ўпкаси тўлиб нафас олган отининг бўғилиб хириллагани аниқ эшитилди.

Чанг устида қолган туёқ изига сарғиш кўпик томган эди. Петро отлиқнинг орқасидан қараб қолди. Чопавериб чарчаган отнинг оғир-оғир ҳансираши қулоғидан кетмас, бурилиб қараганида кумушдай товланиб кўринган, терга ботган сағриси кўз ўнгида турар эди.

Тоғдай бахтсизлик бошга тушишини ҳали у қадар тушуниб етмаган Петро, гоҳ чангда жимирлашаётган кўпикка, гоҳ қишлоққа довур чўзилган баланд-паст даштга бақрайиб қолган эди.

Ўрилган олтин буғдойзорни пайхонлаб қишлоқ сари от қўйган казаклар кўзга чалинарди. Узоқдан зўрға кўринган тепагача даштни чанг-тўзон кўтарган отлиқлар босиб кетган; булар катта йўлга чиқиб олгач, тўдаланишиб чопишарди, чанг-тўзон булути йўл устини қоплаган эди. Ҳарбий хизмат рўйхатида бўлган казаклар даладаги ишларини йиғиштиришар, отларини ўроқ машинадан чиқазишар ва миниб олиб, қишлоқ сари чопишарди. Христоня ўзининг гвардиячи отини аравадан чиқарганини ва от устида узун-узун оёқларини буклаб, унга тикила-тикила жўнаб қолганини Петро кўриб қолди.

— Нима гап ўзи?— Наталья қинидан чиқаёзган кўзларини Петрога тикиб қараб қолди. Петро милтиқ рўпарасида қотиб қолган қуён сингари мўлтираб турган Натальяни кўриб бир сесканиб тушди.

У отини аравалар олдига чоптириб келди; ерга сакраб тушди, иш қизиғида ечиб ташлаган чалвари-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни топиб кийди ва отасига қўл силтади-да, ловиллаб ёнаётган дашт устида ранг-баранг хол сингари қимирлашган отлиқлар орасида, чанг булути ичида ғойиб бўлиб кетди.

IV

Майдон оломонга лиқ тўлган. Саф-саф отлар, казакларнинг аслаҳалари, хилма-хил номерлик погонлар... Оддий казаклардан бўйлари бир қариш баланд бўлган кўк фуражкали атаманлилар майда паррандалар орасида адашиб қолган наслдор ғозлар сингари бошларини кўтариб юрадилар.

Қовоқхона берк. Ҳарбий приставнинг қовоғи солиқ, таъби хира. Кўча-кўйда, четан деворлар олдида ясанган-тусанган хотинлар. Ҳамманинг оғзида битта сўз. «Мобилизация». Биров маст, биров тутақишган. Одамларнинг безовталиги отларга ҳам ўтган, улар тепинишар, чинқириб кишнашар эдилар. Майдон устини чанг булути қоплаб олган, ҳамма ёқни бўшаган ароқ шишалари, арзон баҳо конфет қоғозлари босиб кетган.

Петро эгарланган арғумоғини етаклаб келарди. Қорачадан келган барваста атаманли казак девор ёнида бесўнақай кенг чалварини боғлар ва оппоқ тишларини кўрсатиб ишшаярди, унинг ёнида паканагина бир аёл — ё хотини, ё ўйнаши бўлса керак — беданадай шақиллар:

— Шу мочағор билан юрадиган бўлсанг, додингни бераман! — деб писанда қиларди.

Хотин маст, хурпайган сочларига писта пўчоқлари ёпишган, гулдор дуррачасининг учи ечилиб кетган эди. Атаманли казак тиззаларини букиб, камарини боғлади, илжайиб кулди; бурма чалвари остидан бир яшар бузоқ бемалол ўтиб кетаоларди.

— Кўп қақиллайверма, Машка!

— Ҳув кўппак! Ғар кўз, хотинбоз!

— Хотинбоз бўлсам нима қипти?

— Кўзларингда шарм-ҳаё йўқ!

Уларнинг ёнида малла соқол вахмистр тўпчи-казак билан баҳслашмоқда:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳеч нима бўлмайди! Бир сутка турамиз-у, уй-уйга тарқаламиз.

— Мабодо, уруш бўлса-чи?

— Қўйсанг-чи, дўстим! Дунёда бизга бас келадиган давлат қаёқда дейсан?

Ёниверидагилар орасидан пойма-пой гаплар эшитилади; ёши хийлага борган чиройли казак қизишиб гапиради:

— Улар билан ишимиз йўқ. Ўзлик-ўзи уришаверсин, ҳали биз дон-дунларимизни йиғиштириб бўлганимизча йўқ!

— Бу — балойи-офат! Буни қара, дунёнинг одамини тўплаб ўтиришибди, ҳозир вақт ғанимат; бир кун ишлаган — йил ўн икки ой роҳатини кўради.

— Ғарамларни мол пайҳонлаб кетадиган бўлди.

— Бизникилар арпа ўроғига тушишган эди.

— Австрия пошшосини ўлдиришибди-да, а?

— Валиаҳдини.

— Сен қайси полкдансан?

— Ҳой ҳамқишлоқ, бойиб кетдингми дейман, онангни кўргур!

— Баҳай, Стешка, қайси шамол учирди?

— Атаман, ҳар эҳтимолга қарши одамларни тўпладик, дейди.

— Ишқилиб, казаклар бўш келмайди!

— Яна бирон йил сабр қилишганда-ку, учинчи навбатдан ўтиб олардим.

— Бобо, сен нимага келдинг? Ҳалиям хизматдан қутулганинг йўқми?

— Ёшлар қирилаверса, чолларга ҳам навбат келади.

— Ароқхонани беркитиб қўйишди-я!

— Вой лапашанг! Марфутканикига киргин — бочкалаб топилади.

Комиссия кўрик бошлади. Қоп-қора қонга бўялган маст казакни уч казак маҳкамага судраб келтирди. Маст казак ўзини орқага ташлаб эгнидаги кўйлагини йиртар, қийиқ кўзларини олайтириб бўкирарди:

— Мен бунақа мужикларни қонга булайман! Дон казагини билиб қўй!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Одамлар ўзини четга олиб унга ачинар, гапини маъқуллаб кулар эдилар.

— Бўш келма, шоввоз!

— Уни нега дўппослашибди?

— Аллақандай бир мужикни урган экан.

— Мужикни урса савоб бўлади.

— Уларнинг адабини берамиз ҳали.

— Мен, оғайни, минг тўққиз юз бешинчи йилдаги қўзғолонни тинчитишда қатнашганман. Ана томоша!

— Уруш бошланса, яна бизларни қўзғолон бостиришга жўнатишади.

— Етар! Энди ўзи хоҳлаб борадиганларни ёллаб олишсин. Полициясини юборсин, бизлар учун бу иш уят.

Мохов магазинининг пештахтаси олдида итаритар, сур-сур, тўполон. Ширакайф Иван Томилин хўжайинларга тиқилинч қиларди. Сергей Платонович қўлларини кериб унга насиҳат қилар; унинг шериги Емельян Константинович Цаца бўлса, эшикка томон тисланар ва:

— Бу қанақа цўцқа ўзи... Цинини айтсам, ўзбошимцаликдан боцка нарса эмас! Бола, цоп, атаманни цақириб кел!..— дер эди.

Томилин терлаган кафтларини чалварига суртар, хўмрайган Сергей Платоновичнинг устига кўкрак кериб бостириб келарди:

— Векселга қўл қўйдиришга-ку устасан, нега энди қўрқиб қалтирайсан, аблаҳ? Шошма! Шу топда оғиз-бурнингни қоп-қора қон қилсам, қўлингдан ҳеч нима келмайди! Қазаклик ҳуқуқларимизни талон-торож қилдиларинг-а! Ҳа, итвачча! Аблаҳ!

Қишлоқ атамани атрофни ўраб олган казакларга сариғ мойдай ёқадиган гап гапирар эди:

— Урушми? Йўқ, уруш бўлмайди. Ҳарбий пристав жаноби ҳазратлари, бу ўзи бамисоли намойишдай бир гап, дедилар. Хотиржам юраверинглар!

— Хайрият-эй! Уйга қайтган заҳотиёқ далага чиқаман.

— Ҳамма иш қолиб кетди, ахир!

— Бошлиқлар ўзи ҳеч нимани ўйлайдими, йўқми? Юз ботмондан ортиқ дон-дун экканман...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тимошка! Бизникиларга айтиб қўй, эртага қайтиб келишармиш, дегин!

— Ановилар афиша ўқишяптими дейман? Юринглар ўша ерга.

Майдонда алламаҳалгача ғовур-ғовур тинмади.

* * *

Тўрт кундан кейин қизил вагон тиркаган поездлар полк-полк казакларни тўп-замбараклари билан ортиб, Русия — Австрия чегарасига жўнаган эди.

Уруш...

Ғов билан тўсилган катаклар ичидаги охурлар ёнида отларнинг пишқиргани эшитилар, бурқсиган гўнг ҳиди келарди. Вагонларда яна ўша гап давом этар, ашула садолари янграр эди.

Тебранди, тўлқинланди,
Православ тинч Дон;
Бўйсуниб, лаббай деди,
Подшо чақирган замон.

Станциялар — казакча чалварларнинг ҳошиясига таажжубланиб томоша қилаётган одамлар, юзларидаги қора мой доғларини артишга қўли тегмаган ишчиларга тўлган.

Уруш...

Оғиз кўпиртириб чувиллашган газеталар...

Эшелонлар станциялардан ўтаётган маҳалда, хотинлар даструмолларини силкитиб, казаклар билан хайрлашар, кулиб боқишар, уларга ҳар хил ширинлик ва папирос ташлашарди. Воронеж яқинидаги бир станцияда ширакайф темир йўлчи бир чол, Петро Мелехов билан яна ўттиз казак жойлашган вагонга мўралаб қаради: чол ингичка бурнини чимириб:

— Кетяпсизми?— деб сўради.

Казаклардан биттаси:

— Сен ҳам биз билан юрақол, бобо,— деб жавоб қилди.

— Ҳей, болам-а... ғўр экансан!— Чол ўпкалагандай анча вақтгача бошини чайқаб турди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

V

Июнь ойининг охирги кунларида полк маневрга чиқди. Дивизия штабининг буйруғига мувофиқ полк Ровно шаҳригача саф тортиб борди. Иккита пиёда аскар дивизияси, ҳамда суворийлар қисми шаҳар атрофларига, тўртинчи сотня Владиславка деган қишлоққа жойлашган эди.

Орадан икки ҳафтача вақт ўтгач, узоқ маневрлар давомида роса чарчаган тўртинчи сотнядаги казаклар Заборон деган жойда ўрнашганларида, полк штабидан юзбоши Полковников от чоптириб келиб қолди. Григорий ўз взводидаги казаклар билан чодирда ётган эди. Юзбошининг торгина кўчанинг қоқ ўртасидан кўпириб кетган от устида ўтганини кўриб қолди.

Ҳовлидаги казаклар типирлаб қолишди.

— Яна қўзғаламиз шекилли-а?— деди Прохор Зиков тусмоллаб, сўнгра қулоғини диккайтириб тинглай бошлади.

Йиртилган чалварини ямаётган взвод урядниги қўлидаги игнани фуражкасининг астарига қадаб:

— Рост, қўзғаладиганга ўхшаймиз,— деди.

— Дам олганиям қўйишмайди бу аблаҳлар.

— Вахмистр ҳали бригада командири келади деган эди.

«Та-та-та-три-три-та-ти-та!..» — Трубкачи тревога чалди. Казаклар ирғиб ўринларидан туришди.

— Тамаки халтам қайси гўрда қолди?— деб типирчиларди Прохор.

— Э-гар-ла-а-а!

— Халтангни ер ютсин-эй!— деб бақирди Григорий чопиб кетаётиб.

Вахмистр югурганича ҳовлига кирди, бир қўли билан қиличини авайлаб ушлаб отхона томон кетди. Отлар уставда белгиланган муҳлат ичида эгарланиб тахт қилинди. Чодир қозиқларини суғураётган Григорийнинг қулоғига урядник шивирлади:

— Уруш бошланибди, ука!

— Бекор айтибсан!

— Худо ҳаққи, рост, вахмистр ўзи айтди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чодирлар йиғилди. Кўчада казаклар саф торта бошлади.

Асов от минган юзбоши саф олдида айланиб юрарди.

— Взвод-взвод бўлиб саф торт! — Ҳавода унинг овози янгради.

От туёқлари тапир-тупур овоз чиқарди. Казаклар қишлоқдан катта йўлга чиқди. Кустень қишлоғидан станция томон биринчи ва бешинчи сотня казаклари ҳам от қўйиб келмоқда эди.

Бир кундан кейин бутун полк чегарадан ўттиз беш чақирим берироқдаги Верба станциясида поезддан тушди. Станция атрофини ўраган қайинзор орқасида тонг ёришар, ажойиб кун бўлишидан дарак берарди. Темир йўллардан гулдираб паровозлар ўтиб турарди. Шабнам тушган излар лак сурилгандай йилтирарди. Отлар пишқиришиб тахта зиналар орқали вагонлардан тушарди. Водокачканинг орқасидан бир-бирини чақиришган овозлар, команда берган йўғон товушлар эшитиларди.

Тўртинчи юз казаклари темир йўлнинг нари ёғига отларини етаклашиб ўтмоқда эди. Кумуш ранг тонг қоронғисида ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитиларди. Одамларнинг афт-башараси кўкариб кетганга ўхшар, отлар ҳавога сингиб кетгандек ғира-шира кўринар эди.

— Нечинчи сотня?

— Ўзинг кимсан, адашиб қолдингми?

— Оғзингга қараб гапир, аблаҳ! Офицерга қандай муомала қилишни билмайсанми?

— Кечиринг, жаноби олий!.. Танимабман.

— Йўлингдан қолма!

— Мунча ағраясан, ҳой? Паровоз келяпти, қимирласанг-чи.

— Вахмистр, учинчи взводинг қаерда?

— Сотня, илдамроқ!

Колонна орасида биров эшитилар-эшитилмас пичинг қилади:

— Илдамроқ эмиш-а, вой хонасаллот! Икки кечадан бери мижжа қоққанимиз йўқ, тағин илдамроқ дейди-я!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сёмка, бир тортиб берай, кечадан бери чекканим йўқ.

— Айғирингни тортсанг-чи...

— Сувлиқ боғини чайнаб узибди, бу ҳаром ўлгур.

— Меникининг олдинги оёғидаги тақаси тушиб қопти.

Четга бурилиб ўтаётган бир тўп казаклар тўртинчи сотнянинг йўлини тўсиб қўйди.

Қалам билан чизилган суратга ўхшаш отлиқларнинг қораси зангори осмон ёруғида аниқ кўриниб турарди. Улар тўрттадан саф бўлишган. Қунгаборнинг яланғоч поясига ўхшаш найзалар ҳавода чайқалиб борарди. Аҳён-аҳёнда узангиларнинг жаранглагани, эгарларнинг ғарчиллагани эшитиларди.

— Ҳой, биродарлар, қаёққа кетяпсиз?

— Холамизникига, бешик тўйига.

— Хо-хо-хо-хо!

— Жим! Овозларингни ўчир!

Қуйма эгар қошини тутамлаб олган Прохор Зиков Григорийнинг юзига тикилиб астагина сўради:

— Сен қўрқаётганинг йўқми, Мелехов?

— Нимасидан қўрқади?

— Эҳтимол, шу бугуноқ жангга кирсак...

— Майлига.

— Аммо мен қўрқяпман,— деб гапнинг очиғини айтди Прохор ва шабнамда ивиган қайиш жиловни қалтироқ бармоқлари билан ўйнади.— Тун бўйи вагонда ухлай олмадим. Кўзимга сира уйқу келмаса бўладими...

Тўртинчи сотнянинг бош томони қимирлади ва жойидан силжиди, унинг кетидан учинчи взвод қўзғалди; отлар бир маромда қадам ташлаб юриб кетди, узанги боғига қадаб қўйилган найзалар ялписига тебраниб ҳавода сузиб кетди.

Григорий жиловни қўйиб юборган, мудраб борарди. Назарида уни эгар устида чайқаб кетаётган от эмас, балки ўзи бир маромда қадам ташлаб кетаётгандай, қора тупроқ йўллардан аллақаёқларга бораётгандай эди, юрган сари баҳри очилиб, енгил тортарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қулоғи тагида Прохор алланима деб минғиллаб гапирар, унинг товуши, эгарнинг ғирчиллаши, тақаларнинг тарақлашига қўшилиб кетар, лекин хаёл суриб мудрашига халақит бермасди.

Дала йўлидан боришарди. Ажойиб жимжитликнинг аллаловчи оҳанги қулоқларда жаранглагандек туюларди. Йўл бўйидаги пишиб етилган, шабнам тушган сулилардан буғ кўтариларди. Отлар казаклар қўлидан жиловини юлқиб, бошоқли сулиларга бўйин чўзишарди. Григорийнинг уйқусизликдан салқиган қовоқлари ости йилт-йилт қилиб турарди; Григорий бошини кўтарар ва тўхтамай шалоқ арава сингари бир меёрда минғиллаётган Прохорнинг овозини эшитарди, холос.

Йироқдаги сулизорнинг нариги ёғидан қўққисдан гумбурлаб чиққан даҳшатли садо уни уйғотиб юборди.

— Отишяпти!— Прохорнинг бақириб юборишига сал қолди.

Унинг бўта кўзларини ваҳм босган эди. Григорий бошини кўтарди: олдиндаги взвод уряднигининг кўк шинели от сағриси билан бир маромда тебраниб борар, ёнбош томонда ҳали ўрилмаган парча-парча экинзорлар жимирлашар, симёғоч бўйи баравар жойда пириллаб туриб қолган тўрғайлар кўринарди. Казаклар жонланди, гумбурлаган тўп овозлари ҳаммага электр токидай таъсир этди. Тўп овозидан ғайрати қўзиган ясовул Полковников отларни елдириб кетди. Кишлоқ йўллари чорраҳасида эгасиз қолган ошпазхона олдида қочоқлар тушган аравалар кўринди. Ясанган драгунлар эскадрони казаклар ёнидан от қўйиб ўтиб кетди. Наслдор саман от минган малла соқол ротмистр менсимагандай қилиб казакларга назар ташлади-да, отини чоптирганича кетди. Сойликдаги ботқоқликда гаубица тўпи тиқилиб қолган эди. Чопарлар отларни қамчилашар, атрофида тўпчилар ивирсиб юришарди. Новча бўйли, чўтир тўпчи ошхона ёқдан бир қучоқ тахта кўтариб келмоқда эди, буни у, тахта девордан суғуриб олганга ўхшарди.

Тўртинчи сотня пиёда аскарлар полкига етиб ол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Шинелларини ешиб, бўйинларига солиб олган солдатлар шитоб билан йўл босишарди, ишқалаб ялтиратган котелокларида қуёш экс этар, найза тиғларида йилтираб ўйнарди. Энг кейинда келаётган ротанинг ўлгудай шўх, паканагина ефрейтори Григорийга лой отди.

— Ушлаб ол, австрияликларга отарсан!

— Жиннилик қилма, онаси байтал!— Григорий учиб келаётган лойни қамчи билан уриб, икки бўлак қилди.

— Казакваччалар, биздан уларга салом айтиб қўйинг!

— Ўзингиз кўришганда айтарсиз.

Олдинда кетаётган колоннадагилар беҳаё бир қўшиқни бошладилар; қуйруғи катта, хотинчалиш бир солдат колоннанинг ёнида этигининг калта қўнжини шапатилаб, кети билан юриб борарди. Офицерлар мийиқларида кулиб қўйишарди. Хавф-хатарнинг олис эмаслиги уларни солдатларга яқин ва мулойим бўлишга мажбур этарди.

Ошпазхонадан то Горовишук қишлоғига қадар пиёда қисмлар, аравалар, тўплар, лазаретлар чумолидай тизилиб боришарди. Жанг пайти яқинлашгани сезилар, ўлимнинг нафаси келиб турарди.

Берестечко қишлоғининг олдида полк командири Каледин тўртинчи сотняга етиб олди. Унинг ёнида қўшин старшинаси ҳам бор эди. Григорий полковникнинг келишган қоматини томоша қилар экан, старшинанинг унга ҳовлиқиб айтган гаплари қулоғига чалиниб қолди:

— Уч чақиримлик харитада бу қишлоқ кўрсатилмаган, Василий Максимович. Бирон касофатга учрашимиз мумкин.

Полковникнинг нима жавоб берганини Григорий эшита олмади. Уларнинг кетидан адъютант от чоптириб келиб қолди. Унинг оти чап оёғини аяб босарди. Григорий бир қарашдаёқ оти аслзод эканини пайқади.

Узоқда, ясси тепалик остида бир қишлоқ чолдеворлари кўринди. Полк гоҳ йўртиб, гоҳ елдириб ке-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаётганидан отлар хийла терлаган эди. Григорий ўз тўриғининг терда қорайган бўйнини силаб кўрар, атрофга қаранарди. Қишлоқнинг орқа томонида, учлари кўм-кўк осмонга найзадай қадалган яшил ўрмон дарахтлари кўринарди. Ўрмоннинг нариги ёғида тўплар гумбурларди; ҳозир бу овоз отлиқларнинг қулоғини битирар, отлар ҳуркар, қулоқларини чимирарди; ора-сира бараварига отилган милтиқ садоси қасирлаб эшитиларди. Портлаган тўп ўқларининг тутуни узоқ жойларгача чўзилиб борар, сўнгра тарқаларди. Милтиқ овози гоҳ сусайиб, гоҳ кучайиб ўрмоннинг ўнг томонидан эшитила бошлади.

Ҳар бир ўқ товуши Григорийнинг қулоғини бигиздай тешар, асабини қўзғатарди. Прохор Зиков эгарда бир дам тинч ўтиролмас, оғзи гапдан тўхтамасди.

— Григорий, отишяпти, худди болаларнинг тартарагига ўхшайди. Тўғрими?

— Тилингни тий, мижғов.

Тўртинчи сотня қишлоққа етди. Ҳовлилар солдатга тўлган; уй ичлари ивирсиган, бесаранжом: эгалари йўл тараддудида. Қаттаю кичик — ҳамманинг ваҳимага тушгани, эсанкираб қолгани юзидан кўриниб турарди. Григорий бир ҳовлининг ёнидан ўтиб кетаётиб, бостирма остида гулхан қалаб ўтирган солдатларни кўрди, эгаси бечора — қартайган, новчагина белорус, қўққисдан бошига тушган мусибатдан букчайиб қолган, парвойи-фалак, шу ерда ивирсиб юради. Унинг уй ичидагилари қизил жилдлик ёстиқларни, қақир-қуқурларини аравага ортаётганини, чол эса, ҳеч кимга керак бўлмаган, балки ертўлада ўн йил бекор ётган, синиқ тўғинни кўтариб келаётганини Григорий томоша қилиб турди.

Григорий хотинларнинг бефаҳмлигига ҳайрон қолди: улар гултувак, икона сингари қақир-қуқурни аравага ортишар, бироқ, энг зарур ва қимматбаҳо буюмларни уйда қолдиришарди. Аллакимнинг парқу тўшаги ёрилиб кетиб, патлари оппоқ қор сингари кўчада тўзиб юрарди. Ҳамма ёқдан жизғин иси, димиққан ертўлаларнинг сасиган ҳиди келарди. Қишлоқдан чиқаверишда уларнинг рўпарасидан бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

яҳудий чопиб келаверди. Яҳудий худди қилич билан тилиб қўйгандек кичкина оғзини очиб боқирарди:

— Жанобий козак! Жанобий козак! Вой, худойим-э-э-эй!

Паканагина каллахум казак отини елдириб борар, қамчилар, унинг додига қулоқ солмас эди.

— Тўхта!— деб буюрди казакка иккинчи сотня ясовули.

Казак эгар қошига энгашиб, тор кўчага кириб кетди.

— Тўхта! Муттаҳам! Қайси полкдансан?

Казак хумдай бошини от бўйнига энгаштириб олди. Пойгадагидай, отини чоптириб баланд девор тагига етди, бедовини гижинглатиб девор устидан сакратиб, нари ёққа ўтиб кетди.

— Бу ерда тўққизинчи полк тўхтаган, жаноби олий. Худди ўша полкнинг казаги бу,— деб рапорт берди вахмистр ясовулга.

— Сатқан сар.— Ясовул афтини бужмайтириб, узангисига тармашган яҳудийдан:— Нимангни олди?— деб сўради.

— Жанобий офицер... Соатимни олди, жанобий офицер!— Яҳудий яқин келган офицерларга чиройли юзини буриб тикилар, кўзлари мўлт-мўлт қилиб турарди.

Ясовул оёғини қимирлатиб, узангини унинг қўлидан чиқарди-да, жўнаб қолди, нарироқ бориб:

— Немислар келса, барибир, тўнаб олади,— деди мийиғида кулиб.

Яҳудий нима қилишини билмай кўчанинг қоқ ўртасида қаққайганича қолаверди. Унинг бетлари пир-пир учар эди.

— Йўлни бўшат, жаноби жуҳут!— деб дўқ аралаш бақирди юзбоши ва қамчиси билан ўхталди.

Тўртинчи сотня отларининг туёқларини шиқирлатиб, эгарларни ғарчиллатиб, яҳудий ёнидан ўтиб кетавердилар. Казаклар гап ташлашар, уни масхара қилиб илжайишарди.

— Бизнинг болалар ўғирламаса, тинч ухлай олмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бизнинг казаклар, кўзига кўринган нарсани ташлаб кетмайди.

— Буюмини аяган киши яшириб қўйсин.

— Ҳалиги йигит ҳам жуда олғир...

— Девордан ирғиб ўтишини қара, худди този итга ўхшайди-я!

Вахмистр Каргин бир оз кейинроқ қолди, сафдаги казакларнинг кулги садолари остида яҳудийга найза ўхталиб:

— Қани, чоп, йўқса санчиб оламан!..— деди.

Яҳудий, ўтакаси ёрилиб, қочиб қолди. Вахмистр кетидан қувиб бориб, қамчи билан туширди. Григорий яҳудийнинг қоқилиб кетганини, сўнгра икки кафти билан юзини тўсиб вахмистрга бурилиб қараганини кўрди. Ингичка бармоқлари орасидан тирқираб қон оқарди.

— Нега урасиз? Айбим нима?— деб йиғламсираб гапирди у.

Вахмистр жўнаб кетаётиб, жез тугмага ўхшаш юмалоқ кўзларини чақчайтириб:

— Минбаъд оёқ яланг юрма, аҳмоқ!— деб жавоб қилди.

Қишлоқдан нарироқда, қиёқ ўт билан сарғиш нилуфар ўсиб ётган жарликка сапёрлар кенггина кўприк солиб бўлаёзган эдилар. Кўприк олдида дириллаб автомобиль турарди. Ёнида шофери типирчиларди, машина ичида чўққи соқол, бетлари салқиган, хўппа семиз мўйсафид генерал ясланиб ўтирарди. Унинг қаршисида 12-полк командири полковник Каледин билан сапёрлар батальонининг командири қўлларини чаккаларига қўйиб қотиб қолишган эди. Генерал ҳарбий сумкасининг қайишини мижиғлар ва сапёрлар офицерларига бақириб заҳрини сочарди:

— Сизга кеча битказиш керак деб буйруқ берилган. Гапирманг! Бинокорлик материаллари хусусида олдинроқ ўйлашингиз лозим эди. Гапирманг!— деб дағдаға қиларди генерал. Офицер чурқ этмай, титраган лабларини маҳкам юмиб турса ҳамки, ҳадеб:— Гапирманг,— дерди.— Мана энди нариги томонга қандай ўтаман?.. Мен сиздан сўраяпман, капитан, хўш, энди қа-а-ан-дай ўтаман?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Унинг чап ёнида ўтирган ёшгина, қора мўйлов генерал кулимсираб гугурт чақди ва тамаки тутатди.

Сапёрлар капитани икки букилиб, кўприк томондаги алланимани кўрсатди. Тўртинчи сотня машина ёнидан ўтди, кўприк олдига етгач, тўғри жарга от солди. Қоп-қора балчиқ отларнинг тиззасидан юқори чиққан эди, устларидаги кўприкдан казакларнинг бошига оппоқ қарағай пайрахалар ёғиларди.

Айни туш маҳалида чегарадан ўтилди. Отлар қулаб ётган йўл-йўл чегара ғовларининг устидан ирғиб ўтишарди. Ўнг томонда тўп овозлари гумбурлар эди. Йироқдан аллақандай бир ферманинг черепица билан ёпилган томи қизариб кўринарди. Офтоб тик тушиб турар, аччиқ чанг-тўзон булути ёғилар эди. Полк командири эҳтиёт учун олдинга дозор юборишга буйруқ берди. Тўртинчи сотнядан учинчи взвод ўз взвод офицери — юзбоши Семёнов бошчилигида дозорга жўнади. Юзтадан бўлиб келаётган полк чанг булути ичида, хийла ортда қолди. Йигирмадан ортиқ казакдан иборат отряд ферманинг ёнидан ўтиб қатқалоқ йўлдан от солдириб кетди.

Уч чақиримча йўл босилгандан кейин юзбоши тўхтади ва харитага қараб, турган жойини аниқлашга киришди. Казаклар тамаки чекиб олиш учун тўпландилар. Григорий айилни бўшатмоқчи бўлиб эндигина отдан тушай деганида, вахмистр унга ўқрайиб қаради.

— Дабдалангни чиқараман!.. Отга мин!

Юзбоши папиросини тутатиб, ғилофидан олган дурбинини анчагача артиб турди. Унинг кўз ўнгида жазирама иссиқда қизиган яланглик чўзилиб ётарди. Ўнг томонда саф-саф ўрмон дарахтлари кўринар, ўқдай адил йўл шу ўрмон ичига кириб кетган эди. Бир ярим чақирим нарироқда мўъжазгина қишлоқча, унинг ёнида илон изи бўлиб оққан сойининг ўпирилиб тушган жарлари, шишадай тиниқ ва салқин сув кўринарди. Юзбоши анча вақтгача дурбиндан қараб эгасиз қолган қишлоқнинг ҳувиллаган кўчаларини бирма-бир кўздан кечирди, лекин ҳамма ёқ қабристон сингари жимжит, тирик жон кўринмасди. Кўм-кўк пояндозга ўхшаб оққан сув имлаб чақираётгандай бўларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Королевка шу бўлса керак-а?— Юзбоши кўзи билан ишора қилиб, рўпарадаги қишлоқчани кўрсатди.

Вахмистр индамай юзбошининг олдига келди. Унинг афт-башараси: «Ўзингиз биласиз. Биз кичкина одаммиз» деятгандай бўларди.

Юзбоши дурбинни ғилофига солди ва тиш оғриги қўзигандай афтини бужмайтириб, ланжлик билан:

— Ўша ёққа борайлик,— деди.

— Бирданига душманга тўқнаш келиб қолмасмиканмиз, жаноби олий?

— Эҳтиётини қиламиз-да. Қани, жўнадик.

Прохор Зиков Григорийга яқинроқ келиб олди. Отлари ёнма-ён қадам ташлаб борарди. Кимсасиз жимжит кўчага ҳадиксираб кириб боришди. Ҳар бир деразадан ажал пойлаб турганга ўхшар, ланг очиқ қолган омбор эшикларини кўрганда ёлғиз қолгандагидак, кишини ваҳима босар, аъзойи-бадани дирдир титрай бошларди. Девор ва зовурларга киши беихтиёр қаранаверарди. Казаклар, худди қаҳратон қиш кечаси уйлар ёнида пайдо бўлган бўрилар сингари қишлоқда изғишар, бироқ кўчалар бўм-бўш эди. Қишининг юрагини сиқувчи жимжитлик ҳукм сурарди. Деразаси очиқ қолган бир уйдан, худди ўқ отгандек, бир девор соати занг ура бошлади. Григорий олдида кетаётган юзбошининг чўчиб тушганини, қўли қалтираб тўппонча ғилофига ёпишганини кўриб қолди.

Қишлоқда ҳеч зоғ йўқ эди. Казаклар сойдан ўта бошлади; сув отларнинг қорнидан келарди, лекин улар ўзлари юлқиниб сувга тушишар ва эгаларининг чуҳ-чуҳлаб, жилов силтаганларига қарамай, йўл-йўлакай сув ичишарди. Григорий лойқаланган сувдан кўзини ололмас эди; сув яқин-у, унга қўл етмас, жозибаси зўр эди. Иложи бўлса-ку, у эгардан сакраб тушарди-ю, ечинмасданоқ, шу жилдираган оқим қўйнига кириб, орқаларидан ва тер қуйган кўкракларидан совуқ ўтгунча, аъзо-баданини қалтироқ босгунча ётаверарди.

Қишлоқ орқасидаги тепаликдан шаҳар манзараси очилди: чорбурчак кварталлар, ғиштин иморатлар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўм-кўк боғлар, черков мезаналари кўзга ташланарди.

Юзбоши дўнг сиртига чиқиб, дурбинни кўзига тутди.

— Ҳув ана улар!— деди чап қўлининг бармоқларини қимирлатиб.

Олдин вахмистр, унинг кетидан казаклар офтобда қақраб ётган дўнг устига чиқиб, шаҳар томонга тикила бошладилар. Бу ердан кичкина бўлиб кўринган шаҳар кўчаларида одамларнинг у ёқдан бу ёққа югуришгани, аравалларнинг тиқилишгани, отлиқларнинг чопишгани кўринарди. Григорий кўзларини қисиб, кафт остидан қараб томоша қиларди; ҳаттоки у душман мундирларининг кул ранг тусда эканини ҳам аниқ кўрар эди. Шаҳар четидан янги қазилган окоплар кўринар, атрофида чумолидай одам қайнарди.

— Вой бўй...— деб чўзди Прохор ҳайрат ичида.

Бошқаларни ҳам ваҳима босган, чурқ этмай турар эдилар. Григорий, борган сари тез-тез ураётган юрагининг гурсиллашига қулоқ соларди (кўксининг чап томонида кичкинтой, *лекин оғир бир нарса* турган жойида чопаётганга ўхшарди). Шунда Григорий, бу ёт кишиларни кўрганда сезган туйғуси маневр пайтларида ёлғондакам душманни учратган пайтдаги ҳислардан бошқачароқ эканини пайқади.

Юзбоши дафтарчасига алланималарни қалам билан ёзиб қўйди. Вахмистр казакларни тепадан қувиб туширди, юзбошининг ёнига қайтди. Юзбоши Григорийни бармоғи билан имлаб чақирди:

— Мелехов!

— Мен.

Григорий увишиб қолган оёқларини қаттиқ босиб тепа устига чиқди. Юзбоши унга тўрт букланган қоғоз берди.

— Сенинг отинг бошқаларникидан илдам. Ўқдек учиб бориб полк командирига топширасан.

Григорий қоғозни кўкрак чўнтагига жойлади-да, тепадан тушди ва фуражка тасмасини томоғи остига тушириб от ёнига келди.

Григорий то отига миниб бўлгунча юзбоши уни кузатиб турди, сўнгра қўл соатига қараб қўйди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Григорий маълумот олиб келганда, полк Королёвка қишлоғи томон силжий бошлаган эди.

Полковник Каледин ўз адъютантига буйруқ берди, у кўча чангитиб, биринчи сотня томон от солдириб кетди.

Тўртинчи сотня Королёвка бўйидан юриб, қишлоқдан чиқди-да, тезлик билан худди машқ пайтидагидай ёйилиб кетди. Юзбоши Семёнов тепаликдан от қўйиб, учинчи взвод казаклари қошига етиб келди.

Казаклар тақа шаклида саф тортмоқда эдилар. Отлар бошларини чайқашар, сўлиқларни чайнашар эди: уларни сўна таларди. Қишлоқнинг энг четки қўралари ёнидан ўтиб кетаётган биринчи сотня отларининг тапир-тупури қоқ туш пайтидаги сукунат ичида эшитиларди.

Ясовул Полковников арғумоғини ўйноқлатиб саф олдига чиқди; жиловни маҳкам тортиб қўлини қилич боғидан ўтказиб олди. Григорий нафас олмай командани кутарди. Чап қанотдаги биринчи сотня казаклари ёйилиб, тапира-тупур, ҳужумга ҳозирланар эди.

Ясовул қиличини қинидан суғурди, кўкиш-тоб пўлат ялт этиб кетди.

— Со-о-от — ня--а-а-а-а!— Қиличи олдин ўнг, кейин сўл томонга эгилиб, диккайган от қулоқлари устида бир лаҳза тўхтади-да, олға ташланди. Григорий бу сўзсиз командани «Чап ва ўнг томонга ёйилиб, кейин олға томон от қўй»— деб тушунди. Ясовул:— Найзаларни жангга тайёрла, қиличларни яланғочла, ҳужум сари марш-марш!— деб команда берди-да, жиловини қўйиб юборди.

Бир неча юз туёқларнинг зарбидан ер гурсиллаб кетди. Григорий найзасини ўнглаб бўлар-бўлмас (у биринчи қаторда эди), остидаги арғумоқ ёппасига қўзғалган отларнинг олатасиридан ҳуркиб бир юлқинди-да, суриб кетди. Ясовул Полковников олдинда, бўз далалар бағрида ўқдек учиб борарди, қора тупроқ шудгорлар рўпарадан чопиб келаётганга ўхшарди. Биринчи сотня казаклари ҳай-ҳайлаб сурон кўтардилар, тўртинчи сотня устида ҳам ҳайқириқ овози янгради. Отлар тўрт оёғини бир ерга тўп-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаб олға сапчир ва ҳар сафар бир саржин масофани орқада қолдириб кетарди. Григорий қулоқни тешиб юборгудай сизғирган шамол орасидан узоқдаги ўқ товушларини илғади. Баландлаб учиб ўтган биринчи ўқ визиллаб кўм-кўк осмон шишасини олмос билан чизгандай бўлди. Григорий жони оғриганига қарамай, қизиб кетган найза дастани маҳкам тутамлаб биқинига босар, кафти терлаб шилимшиқ бўлиб кетган эди. Визиллаб учиб ўтаётган ўқлар, уни терлаб-пишиб кетган от бўйнига бош эгишга мажбур қилар, бурнига аччиқ тер ҳиди келиб урилларди. Григорий худди терлаган дурбин ойнасидан қарагандай бўлди: қорайиб кўринган қатор-қатор окоплар, шаҳар томонга қочаётган ғалати одамлар бирма-бир кўзига чалинди. Пулемётлар казаклар бошига тўхтовсиз ўқ ёғдирар, визиллаб келган ўқлар елпуғич шаклида сочилиб, отларнинг олдига, туёғи остига келиб тушар ва тупроқнинг титиғини чиқариб чанг кўтарар эди.

Боя атака бошлангунча, Григорийнинг кўксида дукурлаб уриб турган юраги ҳозир бутунлай тошга айланган, у энди ҳеч нарсани эшитмас, қулоғининг шанғиллаши билан чап оёқ панжаларининг оғришидан бошқа ҳеч нарсани сезмасди.

Қўрққанидан фикр калаваси чигиллашиб кетган эди.

Бошлаб хорунжий Ляховский отдан қулади. Прохорнинг оти унга қоқилиб кетди.

Григорий ялт этиб қаради: Прохорнинг оти, ерда чўзилиб ётган хорунжининг устидан сакраб ўтаётиб, жағларини бир қариштирди-ю, йиқилиб, бўйни остида қолди. Прохор эгардан учиб кетди. Григорий Прохорнинг жағи қаришган отининг қатор-қатор тишларини, пушти ранг милкларини, чалпак бўлиб ётган ва кетма-кет келаётган казакларнинг оти тагида қолган Прохорни не вақтгача эсидан чиқара олмади; бу манзара унинг миясида, худди шишани тилган олмос изидай из қолдирган эди. Григорий ерга қапишиб қолган Прохорнинг додлаганини эшитмади, лекин оғзи қийшайиб, бўтакўзлари қинидан чиқиб кетганидан, унинг овози борича бўкирганини англади. Казаклар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам, отлар ҳам кетма-кет қулар эди. Григорий шамолдан ёшланган кўзларини йириб-йиртиб олға тикилар: окопларини ташлаб, гала-гала бўлиб қочаётган австрияликларни кўрарди.

Қишлоқдан саф-саф бўлиб қуюндай от қўйиб чиққан сотня бўлина-бўлина, сочилиб кетди. Олдиндаги бир тўп казак окоплар устига етиб олган (Григорий ҳам шулар ичида эди), қолганлари қайси гўрдаям қолиб кетганди.

Новча, малла қош, кепкасини бостириб кийган австриялик бир тиззасини ерга қўйиб Григорийга ўқ узди. Қўрғошин ёлқини юзини ялаб ўтиб кетди. Григорий кучи борича жиловни таранг тортиб, найза солди. Зарба шу қадар кучли эдики, ўрнидан сапчиб турган австрияликнинг баданига найзанинг дастаси ярмигача кириб кетди. Григорий санчган заҳоти суғуриб олмагани учун гавданинг оғирлигидан найза қўлини пастга торта бошлади, австрияликнинг типирчилагани, жон талвасада икки букилиб, чангакдай панжалари билан найза дастасини тирнаганини сезар, лекин афтини кўрмас, ёлғиз соқоли, қирилмаган няги кўзига чалинарди, холос. Григорий панжасини ёзиб юборди, увишиб қолган қўли қилич дастасига маҳкам ёпишди.

Австрияликлар тумтарақай бўлиб, шаҳарнинг энг четидаги кўчаларга уриб кетдилар. Кул ранг мундирлар тепасида от ўйнатган казаклар кўринарди.

Григорий найзани қўйиб юборгандан кейин сал ўтмай, отининг бошини бурди, лекин нега бундай қилганини ўзи билмасди. Оғзи иржайган вахмистр унинг ёнидан от қўйиб ўтиб кетди. Григорий қиличнинг ён томони билан отини урди. Жонивор гижинглаб кўча томон суриб кетди.

Эси чиқиб кетиб, кепкасини чангаллаб олган, милтиқсиз бир австриялик, шаҳар боғининг темир панжараси ёнидан гандираклаб чопиб борарди. Григорий унинг селкиллаган семиз гарданини, ивиб кетган ёқасининг зеҳини кўриб, кетидан етиб борди. Теварак-атрофида авжига чиққан ваҳшатнинг таъсирига берилиб, Григорий унга қилич ўхталди. Австриялик панжара бўйлаб қочиб бораётгани учун

www.ziyouz.com kutubxonasi

тиккасига қилич солиш қийин эди; у энгашиб олдида қилични ёндамасига ушлаб, чаккасига солиб қолди. Австрияликнинг додламади, чаккасига кафтини маҳкам босиб, лип этиб орқасини панжарага ўгириб олди. Григорий отини тўхтатолмай ўтиб кетди; отини қайтариб, яна йўртиб келаверди. Австрияликнинг чорбурчак юзи қўрққанидан чўзилиб, қорайиб кетган эди. У қўлларини ёнига қилиб турар, оқарган лаблари қимирларди. Чаккасига тегиб кетган қилич, бир парча терисини шилиб юборган, териси латта сингари осилиб қолган эди. Сизиб оққан қон илон изи бўлиб мундири устига қуюларди.

Иккиси бир-бири билан кўз уриштириб қолди. Ўлим ваҳмидан олайган кўзлар Григорийга қаттиқ тикиларди. Австрияликнинг секин-аста тиззаси букила бошлади, томоғига ғарғара келди. Григорий кўз юмиб туриб, қулочкашлаб қилич солди. Австрияликнинг боши иккига ажралиб кетди. У худди тойиб кетгандай, қўлларини кериб қулади, бош суяк паллалари тош кўчага тарақлаб тушди. Арғумоқ пишқириб бир сакради-ю, Григорийни кўчанинг ўртасига олиб қочди.

Кўча-кўйларда янграган қарс-қурс ўқ товуши борган сари сийрак эшитила бошлади. Кўпирган бир от ўлик казакни судраганича Григорийнинг ёнидан олиб ўтиб кетди. Бир оёғи узангида қолган, дабдаласи чиққан, ним яланғоч жасадни от тош устида ирғитиб-ирғитиб опқочмоқда эди.

Григорий фақат чалварининг қизил ҳошияси билан бошига ўралиб қолган йиртиқ, кўк кўйлагини кўрди. Миясига биров қўрғошин қуйиб қўйгандек оғирлашган эди. Григорий эгардан тушиб, бошини силкитди. Ҳозир етиб келган учинчи сотнянинг казаклари унинг ёнидан от чоптириб ўтмоқда эди. Шинелга ётқизилган ярадорни олиб ўтишди, асир тушган бир тўда австрияликни чоптириб ҳайдаб кетишди. Улар худди пода сингари галалашиб чопишар, нағал қоқилган ботинкаларининг дукиллагани ниҳоятда хунук эшитилар эди. Григорийнинг кўзига уларнинг юзлари худди ҳўл гувалага ўхшаб кўринарди. У жиловни қўйвориб нега бундай қилаётганини тушунолмай, ўзи

www.ziyouz.com kutubxonasi

чопиб ташлаган австриялик солдатнинг тепасига борди. Ўлик ўша жойда — жимжимадор панжара девор тагида, сарғиш кафтини садақа тилаган гадой сингари чўзиб ётар эди. Григорий унинг юзига тикилди. Оғир ҳаёт кечирганиданми, ёки кўп азоб чекканиданми, негадир, австрияликнинг оғзи қийшайиб қолган эди, мўйлови солқи бўлса ҳам юзи худди ёш боланикидай бир бурда бўлиб кўринди.

— Ҳой, казак!— деб чақирди кўчанинг ўртасидан ўтиб келаётган нотаниш офицер.

Григорий унинг чанг босган оппоқ кокардасига қаради-да, қоқилиб кетиб оти томон юрди. Оёқлари зилдай оғир, тегирмон тош орқалаган одамдай зўрға қимирларди: у ўзининг бу жирканч ишидан азоб чекарди.

Григорий узангини ушлади, лекин зилдай оёғини кўтара олмай, анча вақтгача туриб қолди.

VI

Татарск қишлоғидан, ҳамда теварак атроф қишлоқлардан чиққан иккинчи навбатдаги казаклар эртасига Ея қишлоғига келиб қўндилар. Қишлоқнинг қуйи томонидаги казаклар юқорининг одамларига аралашмасди. Шунинг учун Петро Мелехов, Аникушка, Христоня, Степан Астахов, Иван Томилин ва бошқалар бир уйга тушдилар. Уй эгаси — Туркия урушининг қатнашчиси, қариб-чириган новча бир чол — казакларни гапга солди. Казаклар ошхона ва меҳмонхонага шолча тўшаб, ётиб олишган эди; уйқу олдидан ёппасига тамаки чека бошладилар.

— Хўш, шундай қилиб, урушга кетяпмиз денглар!

— Урушга кетяпмиз, бобо.

— Бу галги уруш Туркия урушига ўхшамасмикин дейман-а? Эндиги яроғ-аслаҳа буткул бошқача.

— Фарқи йўқ. Барибир! Туркия урушида ҳам халқ қирилган, бунисида ҳам қирилади,— деб тўнғиллади Томилин; унинг кимга аччиқ қилаётгани маълум эмасди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Эй, боласи тушмагур, гапга тушунмай чулдирайсан, холос. Бу уруш бошқачароқ бўлади.

Христоня эснади-да, тамаки чўғини тирноғи билан ўчираётиб истар-истамас:

— Шундоғ,— деб чолнинг гапини тасдиқлади.

— Урушиб ҳам кўрармиз,— деб эснади Петро Мелехов; у оғзини чўқинтирди-ю, шинелини ёпиниб, оёғини чўзди.

— Сизлардан бир илтимосим бор, болаларим. Чолнинг гапларини ерда қолдирманг.

Петро шинелининг этагини қайириб қулоқ сола бошлади.

— Шу гап ҳар вақт қулоғингизда бўлсин: тирик қолайин, қирғинбарот жангдан бутун чиқайин десанг, одамгарчиликни қўлдан берма, тўғри йўлдан озма.

— Қанақа йўл?— деб сўради энг четда ётган Астахов. Степан чолнинг гапига ишонқирамагандай кулимсирарди. Уруш хабарини эшитгандан бери у кулимсирайдиган бўлиб қолган эди. Уруш уни ўз оғушига тортар, кўпчиликнинг ташвиши, ўзгаларнинг изтироби дардига малҳам бўлгандай эди.

— Урушда бировнинг нарсасига қўл тегизма — бир, Хотин зотига кўз олайтира кўрма — икки, бундан ташқари баъзи дуоларни ҳам билиш лозим.

Казаклар бир аганаб олиб гапга тушиб кетишди.

— Урушда ўз буюмингни олдирмасанг ҳам катта гап, бировникини бошга урадими?

— Хотинларга кўз олайтирса нима қилади? Зўравонлик қилиш мумкин эмас, албатта, бунисини мен ҳам тушунаман, лекин ширин гап билан йўлга солинса-чи?

— Чидаб бўладими, ахир?

— Рост, шу ёғи ҳам бор!

— Хўш, дуоси қайси экан?

Бобо кўзларини ола-кула қилиб, ҳаммага жавоб қайтарди:

— Хотин кишига қўл тегизиш жоиз эмас. Мумкин эмас — вассалом! Чидай олмасанг — бошинг кетади ёки ярадор бўласан, кейин аттанг дейсан-у,

www.ziyouz.com kutubxonasi

нафи йўқ. Энди дуони айтиб бераман. Мен Туркия урушида бошидан охиригача бўлдим, ажал ёқамга ёпишиб кўрди, лекин мана шу дуо шарофатидан тирик қолдим.

Чол меҳмонхонага чиқди, бурчакдаги иконалар тагидан бир варақ қувраган, ётавериб сарғайиб кетган қоғозни олиб келди.

— Мана. Турингглар, кўчириб олинглар. Эрта саҳар хўроз қичқирмай жўнарсиз ҳали?

Бобо шилдироқ қоғозни стол устига қўйиб, кафти билан текислади-да, ўзини четга олди. Энг аввал Аникушка ўрнидан турди. Унинг тап-тақир хотинчалиш башарасида дераза ёриғидан кирган шамолдан липиллаб турган чироқнинг кўланкаси ўйнарди. Ёлғиз Степандан бошқа ҳамма казак ўтириб олиб, дуони кўчирди. Ҳаммадан олдин кўчириб бўлган Аникушка, дафтардан йиртиб олинган бир варақ қоғозни тахлаб, бўйнидаги крестнинг устроғига, тумор боғига тугиб қўйди. Степан бош чайқаб уни масхара қиларди:

— Битларнинг дуосини оладиган бўлдинг. Туморбоғда бит турмасди, энди уларга қоғоз ҳужра ясаб бердинг. Ўлма шоввоз!

Бобо уни жеркиб ташлади:

— Сен-чи, яхши йигит, ихлос қилмасанг қилма, лекин тек ўтир! Одамларнинг йўлини тўсма, динни масхара қилма. Уят бўлади, гуноҳга ботасан!

Степан индамай кулимсираб қўйди: орага тушган ўнғайсиз аҳволга хотима бериш учун Аникушка:

— Бобо, бу дуода шамшир, ўқ-ёй тўғрисида ҳам ёзилган. Бу нимага керак?— деб сўради.

— Ҳужум пайтида ўқиладиган дуо бизнинг замонамизда битилган эмас. Раҳматлик бобомга боболари бериб кетган экан. У ёғини суриштирсанг, бу дуо бобо калонимизданам илгари битилган бўлиши мумкин. Қадимгилар урушга шамшир, ўқ-ёй кўтатариб чиқишаркан.

Кимга қайси дуо ёққан бўлса ўшани кўчириб ёзар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МИЛТИҚ ЎҚИДАН САҚЛАНМОҚ ДУОСИ

Худоё, даргоҳингда қабул этгайсан Тоғда от калласидек оппоқ тош ётади. Ул тошга сув кор қилмайди. Мен бандангни ҳам, ўртоқларимни ҳам, отимни ҳам тошдай мустаҳкам этгил, тиғу ўқлар асло кор қилмасин. Менга отилган ўқлар сандондан сапчиган болғадай қайтиб кетаверсин, тиғипаррон менга етолмай тегирмон тош сингари гир айланаверсин. Офтобу маҳтоб нурлар макони, мен бандангни ҳам шу нурдан бенасиб қилма. Тоғлар ортида бир қаср бор, қулфланган; мен калитини денгизга ташлай, сеҳиргару жодугарларга кўринмайдиган оппоқ Алторнинг тагига жойла. Океан суви оқмагандек, сарғиш қуми битмагандек, мен бандангга ҳеч балони раво кўрма. Руҳи муқаддас ва ҳазрати Исо ҳурмати учун, омин.

ЖАНГ ДУОСИ

Дарёйи шўр — денгиз бор, ул денгизда Алтор отлиқ оқ тош, Алтортошнинг устида ўттиз тўққиз бўғинли тош бор. Худоё, ман бандангга ва менинг ўртоқларимга мағриб билан машриқ, ер билан осмон баравар тошдин совут кийгизгайсан, ўткир қиличу ханжарлардан, пўлат найзаю шамширдан, тиғипарронлардан, пичоқдан, ойболтадан ва замбарак ўқларидан асрагайсан; қўрғошин питраларидан ва мерган милтиғидан сақлагайсан; бургут пати, оққу пати, ғозу турна пати, қарғаю, мошак пати қадалган тамомий тиғлардин сақлагайсан; турклар билан қримликлар ва австрияклилар билан жанг қилганда ўзинг мадад бергайсан; татар ва литва, немис ва шилин ғанимлардан, қалмоқ зулмидан асрагайсан. Е авлиёю анбиёлар, мен бандаи худони ўз паноҳингизга олғайсиз. Омин.

ҲУЖУМ ВАҚТИДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

Эй поку муқаддас Биби марьям, парвардигоримиз ҳазрат Исо. Худоё, жангга отланган мен бандангни ва менинг қаватимда бўлган ўртоқларимни ўз қудратинг-ла булутлар орасига, муқаддас тошқўрғон ичига пинҳон этгайсан. Солунли Дмитрий ҳазрат, сиз ҳам мен бандаи худога ва тўрт томонимдаги ўртоқларимга ўзингиз қалқон бўлғайсиз: маккор душман бизга ўқини узмасин, ойболта, гурзи солмасин, қилич билан чопмасин, пичоқ билан тилмасин, чўқмор билан урмасин; на ёшию қариси, на оқию қораси, на доғули даҳриси, на жодугар париси, бизга захмат бермагай. Мен каби етимча ва осий бандага тамомий сиру асрор энди аён бўлди. Шўр дарёда, денгизда, Буян отлиқ оролда темир устун бор экан. Ул устуннинг устида темир ҳасса ушлаган темир паҳлавон тураркан: темирдан, пўлатдан, қалайдан, қўрғошиндан ҳар хил тиғ ясаркан. «Темир, темир, мен бандаи худодан, отимдан ва ўртоқларимдан қоч, сен бориб, ўз она зотинг ерга киргин. Найза дасталари — ўрмонга қайтсин, қуш патлари — паррандаларга, елим балиққа ёпишсин». Мен бандаи худони қилич зарбидан, милтиқ, замбарак ўқидан, найзадан, пичоқдан олтин қалқон ҳимоя қилсин. Танам совутдан ҳам мустаҳкам бўлсин. Омин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Казаклар кўчирилган дуоларини ич кўйлаклари остига яшириб йўлга тушдилар. Улар бу дуоларни кресть боғларига, оналари берган тумор бандларига, туғилган жойларининг табаррук тупроғи солинган латталарга тугиб олган эдилар, бироқ, ажал дуо тақканларни ҳам аямади.

Галиция, ҳамда Шарқий Пруссия далаларида, Карпат ва Руминияда уруш олови алангаланган, казак отларининг туёқ излари тушган ерларнинг барисида казакларнинг жасадлари қолиб кетди.

VII

Одатда Дон округининг юқори томонидаги Еланская, Вешенская, Мигулинская ва Казанская станицаларидаги казакларни 11—12-армия казак полкларига, ҳамда лейб-гвардия Атаман полкига олар эдилар.

1914 йилда эса, ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилган вешенскаялик казакларнинг бир қисмини негадир, Уст-Медведицкая округи казакларидан ташкил топган Ермак Тимофеевич номидаги 3-Дон казак полкига қўшиб юборган эдилар. Бошқалар қаторида Митька Коршунов ҳам шу 3-полкка тушиб қолди.

3-кавалерия дивизиясининг баъзи қисмлари билан бирга бу полк ҳам Вильно шаҳрида турар эди. Июнь ойида казаклар шаҳардан яйловга чиқдилар.

Кун иссиқ, ҳаво булут эди. Булутлар тўда-тўда бўлиб изғишар, қуёшнинг юзини тўсар эди. Полк саф тортиб йўлга чиққан. Оркестр янграйди. Ёзлик фуражка ва енгил китель кийинган офицерлар бир тўп бўлиб олишган. Бошлари устида кўм-кўк папирос тутуни сузиб юради.

Йўлнинг икки томонида эркаклар, ҳамда ясангантусанган хотинлар пичан ўрмоқда, кафтлари остидан казаклар колоннасига тикилиб қарайдилар.

Отлар терлай бошлади. Чов ораларини сарғиш кўпик босган, лекин шарқ-жанубдан эсган гарим-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сел терни қуритолмас, димиққан ҳавони бадтар оғирлаштирар эди.

Йўлнинг ярмига борилганда, аллақандай бир қишлоқчанинг ёнида, бешинчи сотняга қулун эргашди. Қишлоқнинг бир чеккасидаги кўчадан чопиб чиққан қулун зичлашиб кетаётган отларни кўриб кишнаб юборди-да, йўлни кесиб ўтди. Майин тук босган думи бир ёққа қийшайган, унинг ширингина ўткир туёқчалари остидан кўтарилган чанг топталган майсалар устига қўнарди. Қулун олдинги взвод ёнига чопиб келди, тушмуғини чўзиб, вахмистр минган отнинг човини искади. От чўчонглаб тушди-ю, бироқ, аяди шекилли, тойчани тепмади.

— Чу-эй, эси паст!— деб вахмистр қамчи ўхталди.

Уйларида доим кўриб юрган манзарани эсларига туширган жажжи қулуннинг қилиғини кўриб, казаклар кулиб юбордилар. Шу орада кутилмаган ҳодиса рўй берди: қулун ҳаддидан ошиб, взвод қаторлари орасига суқилиб кирди, саф тортиб келаётган взводнинг тартиби бузилиб, ораси очилиб қолди. Казакларнинг чу-чулаганидан отлар саросималикка тушиб депсина бошладилар. Йилқилар орасида қисилиб қолган қулун эса гижингланар, яқинидаги отни тишламоқчи бўлар эди.

Юзбоши қамчисини кўтариб, от қўйиб келди.

— Нима гап ўзи?

Ношуд қулун кириб қолган жойдаги отлар ўзини ёнга ташлар, пишқиришарди, казаклар кулишар, уни қамчилашарди; взводнинг сафи бузилиб, шовшув кўтарилган эди; орқадагилар сур-сур қилиб итаришар, орқароқда йўл ёқалаб чопиб келаётган взвод офицерининг фиғони чиқар эди.

Юзбоши ғуж бўлиб қолган казаклар орасига от солиб кириб:

— Нима бўлди, ахир?— деб ўшқирди.

— Манови қулун...

— Орамизга кириб қолди. . .

— Ҳайдасак ҳам кетмайди бу шайтон!..

— Қамчи билан тушир! Нимасини аяйсан?

Казаклар ўсал бўлиб кулимсирашар, қизишган отларнинг жиловларини тортишарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Вахмистр! Жаноби юзбоши, бу нима майнавозлик? Дарҳол взводингизни тартибга солинг, бир камимиз шу эди!..

Юзбоши от чоптириб йўл ёқасига чиқди. Унинг оти қоқилиб кетди, йўл чеккасидаги зовурга кейинги оёқлари тушиб қолди. Юзбоши шпорлари билан отини ниқтаб, зовурнинг нариги бетига, шўра билан сарғиш заҒзаҒ ўт босиб кетган дўнг устига чиқиб олди. Бир тўда офицер олисроқда тўхтади: Қўшин старшинаси бошини орқага ташлаб сувдондан сув шимирар, сернақш эгар қошини бир қўли билан силар эди.

Вахмистр сўка-сўка қулунни взвод орасидан қувиб чиқарди. Взвод яна жипсланиб олди. Юз эллик жуфт кўз, узангида тик туриб олган вахмистрнинг қулун қувишини томоша қиларди. Қулун эса, гоҳ шалтоқ ёпишиб қотиб кетган ифлос ёни билан вахмистрнинг уч вершоклик отига суйканиб туриб қолар, гоҳ шаталоқ отиб, думини хода қилиб қочарди. Вахмистр пайт пойлаб унинг орқасига урмоқчи бўлса ҳам, қамчиси фақат думи устига келиб тушарди. Қамчи теккан заҳоти думи пастга тушар, лекин сал ўтмай яна диккайиб, шамолда ҳилпирарди.

Бутун сотня маза қилиб куларди. Офицерлар жилмайишарди. Ҳатто, доим қовоғи солиқ ясовулнинг юзи ҳам тиржайиб, қийшайиб кетди.

Митька Коршунов, Вешенская станицасига қарашли Каргин қишлоғидан чиққан Михаил Иванков, ҳамда Усть-Хоперлик Козьма Крючков билан бирга олдинги взводнинг учинчи қаторида борарди. Юзи кепчикдай, чорпахилдан келган Иванков чурқ этмас, лекин, «Туя» лақабли, чўтир башара, букчайган казак Крючков Митьканинг жиғига тегарди. Крючков «эскилардан» яъни, ҳақиқий ҳарбий хизматнинг охирги йилини ўтаётган казак эди; полкдаги ёзилмаган қонунга мувофиқ, бошқа «эскилар» қатори бу ҳам, «янгиларни» югуртиришга, машқ қилдиришга, арзимаган нарса учун қайиш билан савашга ҳақли эди. Шундай тартиб бор эди: айбдор 1913 йили чақирилган казаклардан бўлса — ўн уч дарра, 1914 йилги бўлса,— ўн тўрт дарра ури-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларди. Вахмистрлар, ҳамда офицерлар бу қоидани қувватлашар ва бу нарса, катталарнинг амалинигина эмас, ёшини ҳам ҳурмат қилиш лозим деган тушунча туғдиради, деб ўйлашарди.

Яқинда ефрейторлик нишонига эришган Крючков эгар устида букчайиб, қаноти синган қуш сингари кифтларини қисиб ўтирарди. У кўзини қисиб, кул ранг булут парчаларига боқар, шу сотнянинг командири ясовул Поповга тақлид қилиб Митькага савол берди:

— Э... менга эйт-чи, Кэршунов, бэзненг кэмэндиримэзнэнг ати нэма?

Итоатсизлиги ва ўжарлиги туфайли бир неча марта дарра еган Митька юзига жиддий тус берди:

— Оти — Ясовул Попов, жаноби кекса казак!

— Нэма?

— Ясовул Попов, жаноби кекса казак!

— Мен унэ суроятканим йўқ. Сэн менга кэзэклэр қўйгэн лэқэбини этиб бэр!

Иванков «эҳтиёт бўл» дегандай Митькага кўз қисиб, лабларини чўччайтириб кулиб қўйди. Митька орқасига бурилиб қараб, отлиқ келаётган ясовул Поповни кўриб қолди.

— Хўш гэпир!

— Отлари ясовул Попов, жаноби кекса казак.

— Ўн тўрт дарра: Гэпир, ҳейвон!

— Билмайман, жаноби кекса казак.

Крючков ўз овози билан:

— Яйловга етгандан кейин дабдалангни чиқараман! Яхшиликча саволга жавоб бер!— деди.

— Билмайман.

— Сен, нима одамлар унга лақаб қўйганини билмайсанми, аблаҳ?

Митька орқа томонда ясовул отининг ўгринчи қадам ташлашини эшитар, гиринг дея олмасди.

— Хўш?— Крючковнинг жаҳли чиқиб қош-қовоғи чимирилиб кетди.

Орқа қатордагилар пиқирлаб кулиб юбордилар. Кулгининг сабабини англамаган Крючков, ўзидан бад олиб тутақишиб кетди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қоршунов, билиб кўй! . Яйловга етганимиздан кейин эллик дарра ургизаман!

Митька кифтларини қисиб қўйди-да, ниҳоят, айтишга мажбур бўлди.

— Қора тулки!

— Ҳа, мана шуни сўраётувдим.

— Крю-ю-уч-ков! — деб чақириб қолди биров орқадан.

Жаноби кекса казак чўчиб кетиб, тарашадай қотиб қолди.

— Сен бу ерда шунақа лўттибозлик қиляпсанми, эблэҳ?— деб Ясовул Попов отини ниқтаб, Крючковнинг ёнига борди.— Ёш кэзэкка шунэқэ тэълим бэряпсэнми-а?

Крючков бит кўзларини ҳадеб пир-пиратарди. Бетлари шолғомдай қизариб кетган эди. Орқадаги казаклар қиқирлаб кулишарди.

— Мэн ўткэн йили сэнгэ нимэ дэгэн эдим? Кимнэнг тумшуғигэ уриб, манови тирноғэмнэ синдиргэн эдим?— Ясовул жинжилоғининг узун ва ўткир тирноғини Крючковнинг бурнига тақади-да, мўйловларини ликиллатди.— Минбэъд мэн буни эшитмэйин! Тушундингмэ, биродэри эзиз?

— Тушундим, жаноби олийлари, тушундим!

Ясовул шошмасдан четга чиқди, казакларга йўл бериб отини тўхтатиб турди. Тўртинчи ва бешинчи сотня казаклари отларини йўртдириб кетишди.

— Сэтня, йўртдириб хэйдэ!..

Крючков найза қайишини тузатаркан, орқада қолган ясовул томонга бурилиб қаради, найзасини ўнглаётиб бошини телбанамо чайқади.

— Мана, тулкилиги шу-да! Қаёқдан пайдо бўлди?

Кулавериб терлаб кетган Иванков гапириб берди:

— У боядан бери кетимиздан келаётувди. Ҳаммасини бемалол эшитган. Гап ким устида кетаётганини дарров пайқаган-да.

— Менга кўз қисиб қўймайсанми, аҳмоқ!

— Менга зарил кептими?

— Шундайми ҳали? Яланғочлаб ўн тўрт дарра урилсин!

Казаклар шу атрофдаги помешчикларнинг қўр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғонларига жойлашди. Кундузлари помешчикларнинг йўнғичқаси ва пичанини ўришар, кечалари бўлса ўзлари учун ажратилган бедапояларда отларини тушовлаб боқишар, гулхан ёруғида карта ўйнашар, чўпчак айтишар, жиннилик қилишарди.

Олтинчи сотня Шнейдер деган катта бир поляк помешчиги ерларида ишлар эди. Офицерлар ёнбошдаги уйда туришар, карта ўйнашар, ичкилик ичишар, гумаштанинг қизига айланишарди. Қазаклар эса қўрғондан уч чақирим нарироққа жойлашган эди. Ҳар кун эрталаб улар олдига пан гумашта пойга арава миниб келарди. Хўппа семиз муҳтарам пан увишган оёқларини ишқалаб аравадан тушарди, сўнгра соявони амиркон чармли оқ фуражкасини ликиллатиб, «козакларни» табрикларди. Оқ кўйлак кийган казаклар:

— Қани, қаватимизга кириб пичан ўриш, пан!— дер эдилар.

— Ёғларинг пича эрисин!

— Чалғини ол, йўқса палаж бўп қоласан!..— деб пичинг қилар эдилар казаклар.

Пан совуққонлик билан илжаяр, ҳошиядор рўмолчаси билан қизарган тақир бошини артар, сўнгра, вахмистрни ёнига олиб ўриладиган ерларни кўрсатиш учун кетарди.

Туш пайтида овқат келарди. Қазаклар ювиниб, тамадди қилиш учун тўпланишарди.

Таом устида чурқ этган овоз эшитилмасди, аммо овқатдан кейинги ярим соатлик дам олиш маҳалида гап қизирди.

— Бу ернинг пичани бир пулга қиммат. Бизнинг қир пичанига тўғри келмайди.

— Ширали ўт йўқ.

— Бизнинг Донда шу топда пичан ўриб бўлишгандир.

— Яқинда биз ҳам қутуламиз. Кеча ой янги бўлди, ёғингарчилик бошланади.

— Ўлгудай зиқна поляк экан. Меҳнатимиз учун киши бошига лоақал ярим бутилкадан берса экан.

— Бериб бўпти! Бир бутилка учун имонини сотар..

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қизиқ-а, бирадарлар: одам қанчалик бойиса, шунчалик зиқна бўлади, нега ундай экан?

— Буни подшодан сўра...

— Помешчик қизини ким кўрган?

— Нима эди?

— Биққа гўшт экан!

— Бўрдоқ дегин?

— Ҳа-ҳа...

— Қани энди чалпакка ўраб туширсанг...

— Шу қизга подшо авлодидан биттаси совчи юборибди дейишади, ростмикин?

— Шундай нарсани фуқарога беришармиди?

— Айтгандай, у куни мен ғалати гап эшитдим: бизларни ҳазрат олийлари кўрикдан ўтказармишлар.

— Мушукнинг қиладиган иши бўлмаса...

— Ҳой, қаттиқ кетма, Тарас!

— Бир чектирсанг-чи!

— Бировникига тикилганинг-тикилган, хумпар, қўлинг узун, черков ёнида тиланчилик қилсанг эплайсан.

— Буни қаранг, оғайнилар, Федотка чапиллатиб чекади-ю, тутуни ўлгур сира чиқмайди.

— Ёлғиз кули қопти, холос.

— Ҳой, бирадар, кўзингни йириброқ қарагин, папиросингнинг бир ўчоқ чўғи бор.

Қазаклар бағрини ерга бериб, тамаки чекишарди. Орқалари офтобда куйиб қизариб кетган эди. Четроқда бештача кекса казак ёшлардан бирини ўртага олиб гапга соларди:

— Қайси станицадансан?

— Еланскаядан.

— Такалардан экансан-да?

— Ҳа, шундай.

— Сизлар тузни қандай ташийсизлар?

Нарироқда ёпқич устида ётган Козьма Крючков, зерикканидан нима қилишини билмай, сийрак мўйловини зўр бериб бармоғига ўрарди.

— Отга ортиб ташиймиз.

— Яна-чи?

— Ҳўкиз қўшиб.

— Хўш, Қримдан устига торон ортиб келинади-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган махлуқни нима дейдилар? Ҳалиги, орқасида ўркачи бор, янтоқ ейдиган ҳўкиз-чи, оти нима?

— Туя.

— Ҳа-ҳа-ҳа-ооо-о!

Крючков ҳафсаласи келмай ўрнидан туради ва кекирдаги туртиб чиққан, сарғайиб кетган бўйнини чўзиб, туя сингари қадам ташлар экан, камарини ечади:

— Ёт!

Ажойиб июнь кунлари, далада казаклар гулхан атрофида қўшиқ айтишади:

Қора тўриқ тулпор минган бир казак
Ёт элларда тентирайди бедарак,
Уз юртини ташлаб чиққандир казак...

Тенор овоз кумушдай жаранглаб нидо қилади, басларнинг мунгли садоси нола этади:

Уз уйига энди қайтмас умрбод.

Тенор борган сари кўтарилиб авжига чиқади:

Ёш хотини эртаю кеч кутади,
Келади деб йўлига кўз тикади.
Шимол ёқда, олисларда эри бор,
Шул казакнинг келишидан умидвор.

Бирталай овоз бирга қўшилиб кетади. Шунинг учун қўшиққа жон кириб, ҳаммага ўткир бўзадай кайф қилади.

Тоғлар ортида изғийди бўрон,
Ёзи бебарака, қиши қаҳратон:
Қарағайзор ва арчазор ичида
Қор тагида қолди қуруқ устухон.

Бу қўшиқ казаклар ҳаётидан олинган оддий бир воқиани ҳикоя қилади. Ингичка овозли яккахон казак илиқ апрель кунлари ҳавода муаллақ туриб сайраётган тўрғай сингари, нола қилади:

Жон бераркан казак ялинди:
«Қабримни баландроқ кўтаринг» деди.

Бас овозлар унга қўшилиб фиғон этади:

«Мозорим ранг-баранг гулларга тўлсин,
Бошимда дўлана соявон бўлсин».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иккинчи гулхан ёнида одам кам, ашула ҳам бошқачароқ:

Шўх денгиздан, Азовдан
Кема келар Дон томон.
Ўз уйига қайтмоқда,
Сафар кетган атаман.

Сал нарироқда, учинчи гулхан ёнида, сотнянинг энг сафсатабоз казаги тутундан йўтала-йўтала гапга тўн кийгизиб эртак айтади. Ҳамманинг қулоғи унда, фақат аҳён-аҳёнда, ҳикоя қаҳрамони москаллар ёки дев, жинларга фириб бериб энг мушкул аҳволдан эсон-омон қутулиб чиққан пайтлардагина, суюнчидан этик қўнжига уриб қўйган бирорта казакнинг кафти гулхан шуъласида ялт этиб кетади, тутундан бўғилган бир овоз йўтала-йўтала завқ билан:

— Оббо фалокат-эй, хўп қойил қилибди-да!— деб қўяди.

Ҳикоячи булбулигўё сингари яна гапга тушиб кетади...

...Полк яйловга чиққандан сўнг, орадан бир ҳафта ўтгач, ясовул Попов тақачи билан вахмистрни ёнига чақириб олди.

— Отлэр қэлэй?— деб сўради вахмистрдан.

— Чакки эмас, жаноби олий, биноидай. Сағрисига тухум қўйса туради. Ҳаммаси семириб қолди.

Ясовул тим қора мўйловини бураб диккайтиради (шунинг учун ҳам унга Қора тулки лақаби берилган эди).

— Полк кэмэндиридэн буйруқ бор,— деди,— ўзэнгэ ва сувлиқлэргэ сэйқал бэрилсин. Ҳэзрет олийлэри полкнэ кўрикдэн ўткэзэр экэнлэр. Тэмомий нэрсэ ярқирэб турсин: эгэру жэбдуқ, тэмомий энжом. Қэзэклэрни кўргэн одэм қоэл қолэдигэн бўлсин. Хўш, укэ, қэчон бэжэрилэди?

Вахмистр тақачига, тақачи вахмистрга қарадн. Иккиси ясовулга қарадилар.

Вахмистр эҳтиром билан:

— Якшанбагача тайёр бўп қолармиз, жаноби олий,— деди-да, тамаки тутунидан сарғайиб кетган мўйловини силаб қўйди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Гэпим қулоғингда бўлсин!— деб танбиҳлади ясовул.

Шу гапдан кейин вахмистр билан тақачи кетишди.

Ўша кундан эътиборан подшоҳ кўригига тайёргарчилик кўрила бошланди. Каргинлик тақачининг ўғли Михаил Иванков уста тақачи эди,— узанги ва сувлиқларга сайқал беришда қарашиб турди, қолган казаклар зўр бериб от қашлашар, юганларини тозалашар, от абзалнинг жез тўқаларини ғишт билан ишқалашарди.

Бир ҳафтадан кейин бутун полк янги тангадай ярқираган эди. Ҳамма нарса: отларнинг туёғидан тортиб то казакларнинг бетигача йилтирарди. Шанба куни полк командири полковник Греков полкни кўздан кечириб чиқди-да, тайёргарчилик пухта, казаклар мардонавор қиёфада бўлганлари учун жаноби офицерларга ҳамда казакларга ташаккур билдирди.

Июнь кунлари узун калава ип сингари чувалашиб ўтаверди. Ем-хашак кўп, отлар семириб кетди, ёлғиз, казаклар тинчий олмас, ўйлайвериб гапнинг тагига ета олмасди, ҳамма ҳайрон: подшоҳ кўриги деган нарсадан ҳеч дарак йўқ... Бир ҳафта олди-қочди гаплар, югур-югур, ҳозиргарлик билан ўтди-кетди. Томдан тушган тарашадай, тўсатдан: «Вильнога жўналсин», деган буйруқ келди.

Кечқурун Вильнога етиб бордилар. Яна, казаклар ўз қақир-қуқурини складга топширсин, ҳар эҳтимолга қарши, сафарга тайёр бўлишсин, деган иккинчи буйруқ келди.

Казаклар хуноб бўлиб:

— Жаноби олий, бунинг сабаби нима?— деб взвод офицерларига савол беришар, ҳақиқий аҳволни билмоқчи бўлар эдилар.

Офицерлар елкаларини қисишарди. Уларнинг ўзлари ҳам бундан бехабар эдилар.

— Билмайман.

— Подшоҳ ҳузурида маневр бўладими?

— Ҳозирчалик маълум эмас.

Офицерларнинг жавобларидан казакларнинг кўнг-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ли тўлмас эди. Ўн тўққизинчи июль куни кечга томон, полк командирининг югурдаги отхонада навбатчилик қилган ошнаси — олтинчи сотня казаги Мрихиннинг қулоғига.

— Уруш бошланди, амаки! — деди.

— Бекор айтибсан!

— Худо урсин рост. Дамингни чиқарма!

Эртаси эрталаб полк дивизион тартибда саф тортди. Казарма деразаларининг чанг босган хира ойнаси милтирар эди. Бутун полк от устида командирни кутарди.

Олтинчи сотня олдида — аслзод от минган, оқ қўлқоп кийган ясовул Попов, чап қўли билан тизгинни маҳкам тортиб туради. Арғумоқ бошини буриб, бўйнини гажжак қилиб, ўмровига тумшуғини ишқаларди.

Казарма иморатининг бурчагидан полковник чиқиб келди, отини сафга кўндаланг қилиб тўхтатди. Адъютант олифтачасига жинжилоғини букиб, чўнтагидан дастрўмол олди, бироқ, бурнини қоқишга улгура олмади. Полковник сукунатни бузиб:

— Казаклар!..— деди-ю, ҳаммани ўз оғзига қаратиб қўйди.

«Ана холос»,— деб ўйлар эди тоқати тоқ бўлган казаклар. Митька Коршунов типирчилаган отини жаҳл аралаш пошнаси билан ниқтаб қўйди. Унинг ёнида эгар устида ихчам ўтирган Иванков беўхшов оғзини очиб, қорайган эгри-бугри тишларини кўрсатиб анқайганича қулоқ соларди. Унинг орқасида букчайган Крючков, яна нарироқда — қулоғини от сингари диккайтириб олган Лапин, унинг кетидан Шчеголковнинг устара билан қирилган, бурушиқ кекирдаги кўринарди.

— ...Германия бизга уруш эълон қилди.

Текис турган қаторлар, худди пишиб етилган арпазор орасидан шамол ўтгандай, бирданига шитирлаб кетди. Қўққисдан қулоқни тешиб юборгудай қилиб бир от кишнади. Чақчайган кўзлар, карракдек очилиб қолган оғизлар биринчи сотня турган томонга бурилди: кишнаган товуш чап қанотдан келган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Полковник узоқ гапирди. Ҳар бир сўзни ўйлаб, жой-жойига қўйиб ишлатар, казаклар кўнглида миллий ифтихор туйғусини уйғотмоқчи бўларди, бироқ мингларча казаклар кўзига шу топда, ўлжа олинган душман байроқларининг оёқлари остига эгилиб тушиши эмас, ўз уйи, ўлан тўшаги, оиласи: хотини, боласи, севганлари, ўриқсиз қолган экинзор, етим қолган қишлоқ, станицалар кўринарди, назарида ҳаммаси фарёд кўтариб чувиллагандай бўларди...

«Икки кундан кейин эшелонга чиқилади».— Казаклар миясида фақат шу гап қолган эди.

Бир гала офицер хотинлари нарироқда рўмолча тутиб йиғлашар, тўда-тўда казаклар казарма ҳовлисига от чоптириб киришарди. Юзбоши Хапров оппоқ-қина ҳомиладор поляк хотинини аранг суяб олиб кетди.

Полк қўшиқ айтиб вокзал томон жўнади. Овозлар баланд келиб оркестрни босиб кетди, оркестр хижолат тортгандай жимиб қолди. Офицерларнинг хотинлари извошга тушиб олишган, тротуар рангбаранг кийинган оломонга лиқ тўлган эди, туёқлар кўча чангини тўзитиб борарди; яккахон ашулачи, кўк погон тақилган чап кифтини ўйната-ўйната, ўзи ва ўзгаларнинг толеини масхара қилгандай, уят сўз аралашган беҳаё қўшиқни бошлади.

...Девица красная щуку я поймала...

Казаклар ҳам ашуладаги сўзларни жўрттага бирбирига улаб, янгитдан тақаланган туёқларнинг тақира-туқурига жўр бўлиб, то вокзалга, қизил вагонларга етгунча қўшиқ айтиб боришди.

Щуку я, щуку я, щуку я поймала,
Девица красная, уху я варила.
Уху я, уху я, уху я варила

Кулавериб қизариб кетган, хижолат тортган полк адъютанти яккахон томонга орқа томондан от қўйиб келарди. Яккахон эса от жиловини силкитар, йўлкаларда туриб казакларни узатиб қолаётган тўп-тўп

www.ziyouz.com kutubxonasi

хотинларга уялмай қошини қоқар, кўз қисарди, лекин мисдай қизарган ёноқларидан қорамтир майса мўйлов устига аччиқ шувоқ сиркасидай тер томчиларди.

Девица красная, сваху я кормила.
Сваху я, сваху я, сваху я кормила.

Изда турган паровоз уларни огоҳлантиргандай оламга жар солиб қичқирар эди.

* * *

Эшелонлар... Эшелонлар... Эшелонлар... Эшелонларнинг сон-саноғи йўқ!

Ҳаловатини йўқотган Россия кўк шинелли азиз фарзандларини мамлакат томири — темир йўллар орқали ғарбий чегарага жўнатмоқда эди.

VIII

Торжок деган жойда полк сотняларга бўлинди. Олтинчи сотня дивизия штабининг буйруғига мувофиқ, учинчи армия пиёда аскарлар корпус ихтиёрига юборилган эди. У саф тортиб Пеликалие деган жойга етиб келди, атрофга соқчилар қўйилди.

Чегара ўша вақтгача бизнинг чегарачи қисмларимиз томонидан қўриқланарди. Пиёда аскарлар, ҳамда артиллерия чегара томон силжимоқда эди. Йигирма тўртинчи июль куни кечқурун Пеликалиега 108-Глебов полкининг батальони ҳамда тўплари келиб тушди. Шу яқин орадаги Александровский фермасида взвод уряднигн бошлиқ тўққиз казакдан иборат пост жойлашган эди.

Йигирма еттинчи июлга ўтар кечаси ясовул Попов вахмистр билан Степан Астаховни чақиртирди.

Астахов унинг олдидан жуда кеч чиқди. Митька Коршунов эндигина отини суғориб қайтган эди.

— Астаховмисан?— деб сўради у.

— Мен. Крючков билан йигитлар қани?

— Қулбада.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Астахов, барвастадан келган, йўғон, қорамағиз казак чироғ шуъласидан кўзини қисиб, чайлага кириб келди. Стол устидаги қора чироғ ёнида Шчегольков узилган айилни жуволдиз билан тикмоқда. Крючков қўлини орқасига қилиб печь ёнида турар ва Иванковга кўз қисиб, каравотда ётган уй эгасини — гупчакдай шишиб кетган полякни кўрсатарди. Булар ҳозиргина кулгидан тўхтаган, Иванковнинг икки бети қизариб, липиллаб турарди.

— Йигитлар, эртага тонг отар-отмас соқчиликка борамиз.

— Қаерга?— деб сўради Шчегольков, у анқайганидан, жуволдизга ўтказилмаган тасмани тушириб юборди.

— Любов деган жойга.

Эшикдан кириб келган Митька Коршунов остона ёнига челакни қўяётиб сўради:

— Кимлар боради?

— Мен билан Шчегольков, Крючков, Рвачев, Попов ва Иванков.

— Мен-чи, Павлич?

— Сен қоласан, Митрий.

— Ҳа, майли борсаларинг бораверинглар!

Крючков печь ёнидан нарироққа бориб суяк-суякларигача қисирлатиб керишди-да, уй эгасидан:

— Ўша Любов деган жой бу ердан неча чақирим келади?— деб сўради.

— Тўрт миль.

— Яқин экан,— деди Астахов, сўнгра курсига ўтириб этигини ечди.— Пайтавани қаерда қуритсам экан?

Тонг маҳали йўлга чиқдилар. Қишлоқдан чиқаверишда оёқ яланг бир қиз қудуқдан сув олмоқда эди. Крючков отини тўхтатди.

— Сувингдан бер, ойимқиз, бир тўйиб ичай!

Қиз бўз юбкасининг этагини бир қўли билан авайлаб ушлади-да, қизғиш оёқлари билан кўлоб сувни сачратиб унинг олдига келди; узун киприклари остида кулиб турган қуралай кўзларини тикиб челакни узатди. Крючков сув шимирар, челакнинг оғирлигидан қўли қалтирарди; чалварининг қизил

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳошиясига чак-чак сув томчилар, сачраб ерга тушарди.

— Худоё бахтли бўл, ойимқиз!

— Сенга ҳам худо ёр бўлсин.

Қиз челакни қайтиб олди, кета туриб орқасига бурилиб қаради-да, жилмайди.

— Нега куласан? Юр, бирга ола кетай! — Крючков қўзғалиб, эгардан жой бўшатгандай бўлди.

— Бўлди қил! — деб бақирди олисдан Астахов.

Рвачев истеҳзо билан Крючковга хўмрайиб қўйди:

— Мунча тикиласан?

— Оёқлари қип-қизил экан, худди қўғирчоқникига ўхшайди,— деб кулди Крючков. Ҳаммалари бараварига орқаларига қайрилиб қарадилар.

Қиз қип-қизил тирсиллаган болдирларини кериб, таранглашган юбкаси остидан билиниб турган икки паллага ажралган орқасини ўгириб, қудуққа энгашди.

— Шунақасига уйлансанг...— деб хўрсинди Попов.

— Қамчи билан соп қолайми? — деди Астахов.

— Қамчиси нимаси....

— Айғирлигинг қўзидими?

— Ахта қилиш қийин эмас!

— Буқани бичгандай, бичиб қўя қоламиз.

Қазаклар кула-кула, отларини елдириб кетдилар. Нарироқдаги тепа устидан, ён бағир билан сой орасига жойлашган Любов қишлоғи кўринарди. Тепанинг нариги ёғидан қуёш кўтарила бошлаган эди. Йўлдан четроқдаги симёғоч чиннисига тўрғай қўнмоқчи бўлиб, пириллаб турарди.

Яқиндагина ҳарбий таълим командасини тамомлаб келган Астахов соқчиларга бошлиқ қилиб тайинланган эди. Турар жой учун қишлоқнинг чеккасидаги, чегарага қараган қўралардан бирини танлади. Уй эгаси — оёғи қийшиқ, соқоли қирилган, кигиз қалпоқ кийган бир поляк казакларни бостирма томонга бошлаб олиб бориб от боғлайдиган жойни кўрсатди. Тўсиб қўйилган сийрак бордон ораларидан бостирма орқасидаги бир парча кўм-кўк бедазор кўринарди. Дўнглик ўрмонгача чўзилиб кетган, нари ёғи ўртасидан йўл тушган буғдойзор, ундан ҳам нарида

www.ziyouz.com kutubxonasi

яна кўм-кўк бедапоя кўзга чалинарди. Бостирма орқасидаги ариқ бўйида казаклар навбатма-навбат дурбин билан соқчилик қилардилар. Қолганлари салқин бостирмада дам олишарди. Бу ердан моғорлаган дон ҳиди, сомон чанги, сичқон тезаги ва захлаб кетган тупроқнинг иси келарди.

Иванков плуг турган қоронғи бурчакка жойлашиб олди-да, кечга қадар ухлади. Кун ботар маҳалида уни уйғотишди. Крючков унинг бўйин терисини чимчиллаб чўзиб:

— Текин овқатни еб тоза семирдинг, тоғоралаб еган томоғингни ҳазм қилгин-да! Тур, иш ёқмас, бориб, немисларни пойла! — деди.

— Жиннилик қилма, Козьма!

— Тур дейман!

— Бўлди энди! Жиннилик қилма дейман... ҳозир тураман.

Иванков ўрнидан турди: унинг қовоғи шишиб, юз-кўзлари қизариб кетган эди. Икки кифти ўртасига мустаҳкам ўрнашган калта бўйинли хумкалласини ўнг-сўлга буриб, бурнини торта-торта (зах ерда шамоллаб қолган эди), ўқдонни белига боғлади-да, милтиғини судраб эшикка чиқди. Шчегольковнинг ўрнига бориб турди, дурбинни кўзига қўйиб ғарбишимолга, ўрмон томонга узоқ тикилиб қолди.

У ёқда, шамолда чайқалаётган кумушсимон буғдойзор йилтирар, ботиб бораётган офтоб шуъласида ўрмон яшил тусда товланар эди. Қишлоқнинг нариги ёғидаги сойда (олисдан бу сой камалакка ўхшар эди) чуғурлашиб чўмилаётган болалар кўринарди. Аллақандай бир хотиннинг эркакча товуш билан «Стасю! Ста-а-асю! баққа ке!» деб чақиргани эшитиларди. Шчегольков тамаки ўради-да, кетаётиб:

— Офтоб роса қизариб ботди. Шамол тураді,— деди.

— Шамол тураді,— деб унинг гапини маъқуллади Иванков.

Кечаси отларнинг эгари олиб қўйилар эди. Қишлоқда чироғлар ўчар, товуш чиқарилмас эди. Эртаси куни эрталаб Крючков Иванковни бостирмадан чақириб чиқди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Юр, қишлоққа борамиз.

— Нима қиламиз?

— Бирон нарса топиб тамадди қиламиз, ичамиз.

— Бекорга овора бўламиз,— деди Иванков ишонқирамай.

— Мен айтгандан кейин хўп деявер. Уй эгасидан суриштириб кўрдим. Ҳув анови чолдеворни кўрдингми, анови черепица томлик уй-чи?— Крючков қопқора тирноғи ўсган бармоғи билан кўрсатди.— Ўша ерда майхонада пиво бор эмиш, борамизми?

Иккиси жўнаб қолишди. Лекин бостирма эшигидан мўралаган Астахов уларни чақирди:

— Қаёққа кетяпсиз?

Астаховдан кўра мартабаси каттароқ бўлган Крючков қўл силтаб:

— Дарров келамиз,— деди.

— Қайтинглар, йигитлар.

— Акиллайверма!

Икки чаккасидан соч қўйган, шилпиқ яҳудий чол казакларни таъзим билан кутиб олди.

— Пиво борми?

— Тамом бўлди, жаноби кóзак.

— Пулини берамиз, қўрқма.

— Ё биби Марьям, пиво бўлса мен сиздан... Воҳ, жаноби козак, ростгўй яҳудийга ишонинг, пиво йўқ!

— Ёлғон айтяпсан, жуҳут!

— Йўғ-э, пан козак! Тамом бўлди дедим, ахир...

— Менга қара, ҳой?..— Крючков аччиғланиб унинг гапини бўлди-да, чалварининг киссасидан тўзган ҳамёнини чиқарди.— Яхшиликча бергин, бўлмаса хафа қиламан!

Яҳудий жинжилоғи билан тангани кафтига қисиб олди-да, шилпиқ қовоғини осилтириб даҳлизга кириб кетди.

Сал ўтмай четларига арпа турпи ёпишган бир бутилка ароқ олиб чиқди.

— Тағин, йўқ дейсан... Сени қара-я, амаки!

— Мен пиво йўқ девдим.

— Тамаддисига бирон нарса бер, ахир.

Крючков бутилканинг тагига бир уриб пробкаси-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни чиқарди, қадаҳнинг зиҳигача тўлдириб ароқни қуйди.

Иккиси шира кайф бўлиб кўчага чиқди. Крючков юрган йўлида ўйин тушар ва бало-қазодай тикилган синиқ кўзли қоп-қора деразаларга мушт ўхталарди.

Астахов бостирмада эснаб ўтирар эди. Девор орқасидан отларнинг курсиллатиб пичан чайнагани эшитиларди.

Кечқурун Попов маълумот топширгани жўнади. Кунни бекорчилик билан ўтказишди.

Оқшом. Тун. Қишлоқнинг қоқ тепасида сарғиш ой.

Уй орқасидаги боғда, аҳён-аҳёнда пишган олманинг тап этиб ерга тушгани эшитилади. Ярим кечага яқин Иванков қишлоқ кўчасида от дўпирини эшитди. Зовурдан чиқиб қаради, бироқ, ойни булут тўсгани учун қоронғида ҳеч нарсани ажратиб бўлмасди.

Иванков бостирмага кираверишда ухлаб ётган Крючковни туртди.

— Козьма, отлиқлар келяпти! Тур!

— Қаёқдан?

— Қишлоқдан.

Ташқарига чиқишди. Кўчада эллик саржин нарироқда келаётган отлиқларнинг дупур-дупури эшитиларди.

— Боққа кирамиз. У ердан аниқроқ эшитилади.

Лип этиб уй ёнидан ўтишди-ю, боққа тушишди. Четан девор остига биқинишди. Ғўнғир-ғўнғир овоз, узангиларнинг жангир-жунгури, эгарларнинг ғирчиллаши эшитилар, борган сари яқинлашарди. Отлиқларнинг ғира-шира қораси кўрина бошлади.

Тўрттадан бўлиб саф тортган отлиқлар келар эди.

— Ким бу?

— Сенга ким керак? — деган ингичка овоз чиқди олдинги сафдан.

— Кимсан? Гапир, отаман! — Крючков милтиқ затворини шарақлатди.

— Дррр,— деб биттаси отини тўхтатди-да, четан девор олдига келди,— постда турибсизми?

— Ҳа.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қайси полкдан?

— Учинчи казаклар полкидан.

— Ким билан гаплашяпсан, Тришин? — деб сўради қоронғилик ичидан бир овоз.

Ҳалиги одам жавоб берди:

— Бу ерда казаклар пости бор экан, жаноби олий.

Четан девор ёнига яна биттаси келди.

— Салом, казаклар!

— Салом,— деди бир оз туриб Иванков.

— Бу ерга қачон келдингиз?

— Кечадан бери шу ердамиз.

Кейин келган отлиқ гугурт чақиб, папирос тутатганда, Крючков унинг формасидан чегарачи қисмлар офицери эканини пайқади.

— Бизнинг полкимиз чегарадан олинди,— деди папиросини чекиб ҳалиги офицер.— Ҳушёр бўлинг, рўпарада турибсиз. Эртагаёқ душман шу томонга силжиса ажаб эмас.

— Сизларга йўл бўлсин, жаноби олий?— деб сўради Крючков, бармоғини тепкидан олмай.

— Биз икки чақирим нарироқдаги ўз эскадронимизга бориб қўшилишимиз керак. Қани, чу денглар, йигитлар! Яхши қолинг, казаклар!

— Яхши боринглар!

Шамол ой юзини қоплаган булут пардасини очиб юборди, бутун қишлоқ, боғдаги дарахтлар, бостирманинг чўққайган томи, тепаликка чиқа бошлаган ҳалиги отряд устига мурда ранг сарғиш нур ёғилди.

Эрталаб юзбошига маълумот бергани Рвачев жўнади. Астахов уй эгаси билан гаплашиб, пича пул тўлаш шарти билан отларга беда ўриб олишга уни рози қилди. Кечалари ҳам отлар эгарлоғлиқ турарди. Казаклар душман билан бетма-бет қолганларини англагач, юраклари пўкиллай бошлади. Илгари улар олдиларида чегара соқчилари борлигини билишар ва шу сабабдан ўзларини ёлғиз сезишмас, хавфсирамасдилар; чегара бўш қолди деган хабарни эшитганларидан кейин ваҳима кучайиб кетди.

Хўжайиннинг бедапояси бостирмага яқин жойда эди. Астахов беда ўришга Иванков билан Шчеголь-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ковни тайинлади. Хўжайин сербар оқ кигиз қалпоқни кийиб, уларни ўз бедапоясига бошлаб борди. Шчегольков ўришга тушди. Иванков ҳўл бедани тўптўп қилиб боғлай бошлади. Худди шу вақтда чегарага олиб борадиган йўлни дурбинда кузатиб турган Астахов, ғарби-жануб томондан дала бўйлаб чопиб келаётган бир болани кўриб қолди. Бола худди тўлламаган қўнғир қуён сингари, тепаликдан ўқдай учиб келар, олисдан узун енгини силкитар ва алланима деб бақирарди. У халлослаб етиб келди-ю, кўзини ола-кула қилиб, энтика-энтика, зўрға гапирди:

— Козак, козак, герман келяпти! Герман келди! Ҳув анёғда!

Бола хартумга ўхшаган узун енгини чўзиб кўрсатди. Астахов дурбин ойнасида зич бўлиб келаётган бир гала отлиқнинг қорасини кўрди. У кўзини дурбиндан олмай:

— Крючков!— деб чақирди.

Крючков така-пука бўлиб бостирманинг қийшиқ эшигидан чопиб чиқди.

— Югур, йигитларни чақир! Немислар! Немис разведкаси!

У Крючковнинг тапир-тупур чопиб кетаётганини эшитар, сарғайган ўтлоқ орқасидаги бир гала отлиқни энди дурбинда бемалол кўрарди.

Ҳаттоки у немисларнинг отлари жийрон, мундирлари тим кўк эканлигини ҳам ажрата олди. Улар йигирмадан ортиқ эди. Ғуж бўлиб олиб тартибсиз ҳолда келар эдилар. Пойлоқчилар душманни ғарби-шимол томондан кутар, бироқ булар ғарби-жанубдан келарди. Улар йўлни кесиб ўтди-да, қиялаб Любов жойлашган сойлиқнинг устидаги тепага чиқишди.

Қовжираган лаблари орасидан тилининг учини чиқариб олган Иванков пишиллаб, кучана-кучана, бир қучоқ йўнғичқани чилвирга боғлар эди. Оёғи маймоқ уй эгаси трубкасини сўриб, унинг ёнида қақайиб турарди. У қўлларини камарига қилиб, қошини чимириб, Шчегольковдан кўзини узмас эди.

— Шуям чалғи бўптими?— деб сўкинарди ўйинчиқдай кичкина чалғи билан беда ўраётган Шчегольков аччиғланиб,— Ўзинг шу билан ўрасанми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳа,— деб ғудраниб жавоб берди поляк мундштугини сўриб туриб, сўнгра битта бармоғини камаридан чиқарди.

— Сенинг бу чалғинг хотинларнинг оврат жойини ўришга ярайди, холос!

— Уҳу-м,— деб тасдиқлади поляк.

Иванков «пиқ» этиб кулди. У яна бир нима демоқчи эди, бироқ шудгорда чопиб келаётган Крючковни кўрди. Крючков бир қўли билан қиличини кўтаринқираб, серкесак шудгорда қоқилиб-суқилиб югуриб келар эди.

— Ишни йиғиштиринглар!

— Ўзи тинчликми?— деб сўради Шчегольков чалғини ерга санчиб.

— Немислар!

Иванков фуражкасини тушириб юборди. Хўжайин, худди тепасида ўқ визиллаётгандай, ер бағирлаб энгашиб уйга қараб чопди.

Қазаклар бостирмага етиб олиб шоша-пиша отланиб бўлган эдиларки, Пеликалие томондан қишлоққа келаётган бир рота рус солдатларига кўзлари тушди. Қазаклар от қўйиб уларнинг олдига бордилар. Астахов, қишлоқнинг сиртида немис разведкаси юрганини ва ҳозир тепа устида кетаётганини рота командирига маълум қилди. Капитан оппоқ чанг босган этигининг тумшуғига тикилиб қараб қолди.

— Нечта экан?— деб сўради у.

— Йигирматадан ортиқ.

— Сиз олдидан тўсиб чиқинг, биз бу ёқдан ўққа тутамиз.— У ротага бурилиб, саф тортишга команда берди ва жадаллик билан солдатларни бошлаб кетди.

Қазаклар тепаликка чиққан маҳалда немислар улардан ўзиб кетган ва отларини елдириб Пеликалиега борадиган йўлни кесиб ўтган эдилар. Думи калта саман от минган, олдинда кетаётган немис офицери аниқ-таниқ кўринарди.

Астахов команда берди:

— От солинглар! Биз уларни қувлаб иккинчи постга ҳайдаб юборамиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қишлоқда казакларга қўшилган чегарачи отлиқ аскар ажралиб қолди.

— Бу нимаси, биродар? Писиб қолмоқчимисан?— деб сўради кетига бурилиб Астахов.

Чегарачи қўл силтади-да, қишлоқ сари секин-аста кетаверди. Казаклар қушдай учиб боришарди. Немис драгунларининг кўк формаси борган сари аниқроқ кўринар, энди дурбинга ҳам ҳожат қолмаган эди. Улар қишлоқдан уч чақирим нарироқдаги фермага жойлашган иккинчи пост томон от елдириб боришар ва казакларга қараб-қараб қўйишарди. Немислар билан казаклар орасидаги масофа борган сари қисқарарди.

— Ўққа тутамиз!— деди Астахов эгардан сакраб тушиб.

Жиловни қўлга ўраб олган казаклар турган жойларидан бараварига ўқ узишди. Иванковнинг оти олдинги оёқларини кўтариб эгасини думалатиб юборди. Иванков йиқилар экан, немислардан биттасининг отдан қулаганини кўриб қолди: олдин немис секин-аста бир томонга қийшайди, сўнгра бирданига қўлларини кериб ағдарилиб тушди. Немислар тўхтамади, лоақал, карабинларини ҳам ғилофидан чиқармасдан, тумтарақай бўлиб қочишди, таралиб кетишди. Шамол найзаларига боғланган байроқчаларни ҳилпиратар эди. Бошлаб Астахов ўзини эгар устига олди. Казаклар қамчига зўр бердилар. Немис разведкачилари шартта чапга бурилди, казаклар қулаган немисдан қирқ саржин чамаси наридан от солдириб ўтдилар. У ёғи паст-баланд тепаликлар, унчалик чуқур бўлмаган жарлар, ўпирилиб тушган жойлар эди. Немислар жарнинг нариги бетига ўтган заҳоти казаклар дарҳол отдан тушиб, обоймадаги беш ўқни бараварига бўшатдилар. Иккинчи постнинг рўпарасида яна битта немисни ағдаришди.

— Қулади!— деб бақирди Крючков оёғини узангига қўяётиб.

— Фермадагилар ҳам ҳозир чиқишади!.. Иккинчи постимиз шу ерда...— деб ғулдуради Астахов, тамаки тутунидан сарғайиб кетган бармоқлари билан магазин коробкасига иккинчи обойма ўқни жойлар экан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Немислар отларини бир маромда чоптириб кетдилар. Ферма ёнидан ўтиб бораётиб, унга қараб-қараб қўяр эдилар. Лекин кимсасиз қўра иморатларнинг черепицали томлари устига офтоб ўз нурини тўкмоқда эди. Астахов от устида туриб ўқ узди. Сал кейинроқда қолган немис бошини бир силтади-ю, отини ҳайдаб қолди.

Иккинчи постдаги казаклар фермадан ярим чақирим нарироқда телеграф симларининг кесилганлигини билгач, шу кеча бу ердан кетиб қолишган эди, лекин бу нарса энди маълум бўлди.

— Биринчи пост томонга қувлаймиз!— деб бақирди Астахов орқасидаги казакларга қараб.

Иванков, Астаховнинг бурни пўст ташлаб, бир қават юпқа териси осилиб тушганини эндигина пайқади.

— Ҳайронман, булар нега ўзларини мудофаа қилмайди?— деб сўради хуноб бўлиб Иванков, елкасидаги милтиқни ўнглаб қўйиб.

— Шошма ҳали...— деб пўнғиллади Шчегольков, манқа отдай пишиллаб.

Немислар орқаларига қарамай биринчи дуч келган сойлиққа тушдилар. Сойнинг нариги томонида қорайган шудгор, бериги ёғида диккайган бурган ўт ва буталар кўринарди. Астахов отини тўхтатди, фуражкасини суриб қўйиб, қўлининг орқа томони билан маржондек тер босган пешонасини артди. Шерикларига кўз югуртириб чиқди-да, оғзини тўлдириб туфлади:

— Иванков,— деди у,— сойлиққа тушиб қара-чи, улар қаёқда?

Юзлари бўриқиб кетган, орқалари терлаб жиққа ҳўл бўлган Иванков қақраган лабларини энтикиб ялади-да, жўнади.

— Тамаки хумор қилди,— деб шивирлади Крючков қамчиси билан отнинг сўнасини қўрийётиб.

Иванков узангида тикка туриб олиб, секин-аста борар, сойлиққа кўз ташлар эди. Олдин у чайқалиб бораётган найза учларини, сўнгра тўсатдан отларини буриб сойлиқдан тиккасига ҳужумга ўтган немисларни кўрди. Суратдаги сингари қилич кўтарган офицер

www.ziyouz.com kutubxonasi

энг олдида от қўйиб келарди. Иванков отининг бошини бураркан, офицернинг хўмрайган мўйсиз башарасини, эгар устидаги ихчам қоматини аниқ кўриб қолди. Немис отларининг дўпир-дўпири кўксига ёқ-қан дўлдек туюларди. Орқалари музлаб кетаётганини сезган Иванковни ажал ваҳми босди. У отини шартта бурди-ю, дамини чиқармай изига қайтди.

Астахов тамаки халтасини тугиб олишга ҳам улгурмади, чўнтагига соламан деб ерга тушириб юборди.

Иванковнинг кетидан қувиб келаётган немисларни ҳаммадан бурун кўрган Крючков улар устига от солди. Ўнг қанотдаги немислар Иванковнинг йўлини тўсиб ўқдай учиб келар, етиб олишларига сал қолган эди. Иванков бўлса отини қамчилар, орқасига қайрилиб қараб-қараб қўярди. Унинг ранги қув ўчиб кетган, бетлари қалт-қалт титрар, кўзлари қинидан чиқишига сал қолган эди. Астахов эгар қошига энгашиб олганича, лочиндай учиб олдинда борарди, Крючков билан Шчегольковнинг кетидан қуюндай чанг-тўзон кўтарилган эди.

«Ана етди! Мана етди!»— деган фикр Иванковнинг миясидан кетмас, ўзини мудофаа қилишни ўйламасди; барваста, йўғон гавдаси ғужанак бўлиб, боши отнинг ёлига тегиб қолган эди.

Новча, малла бир немис унга етиб олиб орқасига найза санчди. Тиғ камарини тешиб ўтиб, сирғаниб кетди-да, баданига тўрт эллик кирди.

— Биродарлар, қайтинглар!..— деб бақирди эсанкираган Иванков, қиличини қинидан суғуриб. Биқинини мўлжаллаган иккинчи найзани қилич билан қайтарди, сўнгра чап ёғидан от солиб келган немисни чопди. Уни ўраб олдилар. Бир немиснинг бўйдор оти кўкси билан келиб, унинг отига туртинди ва уни йиқитиб юбораёзди. Шу аснода, кўзлари тинган Иванков ёвнинг даҳшатли башарасини яқиндан кўриб қолди.

Дастлаб Астахов етиб келди. Немислар уни четга суриб чиқаришди. У қиличи билан ҳамла қилар, эгарда гир айланар, оғзи очилиб, ранги мурдадай оқарган эди. Қилич учи тегиб кетган Иванков бўйнидан яра-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дор бўлди. Иккисининг чап ёғида бир драгун пайдо бўлди, ўткир қилич ҳавода йилтиради. Иванков қиличини қалқон қилиб тўсди; икки пўлат тиғ бир-бирига урилиб, шарақлаб кетди. Унинг погон қайиши орасига орқа томондан найза учи кириб қолган эди, зўр бериб уни елкасидан тортиб туширмоқчи бўлишарди. Бўйнини баланд кўтарган отнинг боши орқасидан кексароқ, сепкил башара немиснинг терлаган, бўриққан афти кўринарди. Немиснинг жағлари қалтирар, билар-билмас қилич солиб Иванковнинг кўксига тегизишга уринар эди. Қиличи етмаганидан кейин уни ташлади-да, эгарда осиғлиқ турган сариқ ғилофлик карабинга тармашди; немис пирпираган, така-пука тарғил кўзларини Иванковдан сира узмас эди. У карабинини ғилофидан чиқаргунича йўқ эди, Крючков отнинг устидан ошириб унга найза санчди, немис кўк мундирининг ёқасини йиртиб, чалқасига қулар экан:

— Майн готт!— деб фарёд қилди.

Крючковни бир четда саккиз драгун қуршаб олди. Уни тириклайин тутмоқчи бўлишарди, лекин у отини ўйноқлатиб, эгар устида ўнгу сўлига қилич солиб ўзини қўриқлади. Бироқ, қўлидан қиличи тушиб кетди. У яқинидаги бир немиснинг найзасини тортиб олди-да, машқ қилаётгандай ўйната бошлади.

Немислар тисарилиб, қилич билан ҳамла қилишга киришдилар. Бир бўлтак шудгор ёнида урйиқит авжида чиққан, одамлар бир-бирларининг устига от қўйишар, шамолда чайқалган тўлқин каби нари бориб, бери келишарди. Ўлим ваҳмига тушган казаклар ва немислар ваҳшийларча олишар, бир-бирининг елкасига, қўлига, отига, яроғига, дуч келган жойига солишарди... Отлар жон ҳалпида қутуришиб ирғишар ва бир-бирларига туртинишар эди. Иванков эсҳушнини тўплаб, бало-қазодай ёпишган юзи чўзиқ, малла немисни бир неча бор чопиб ташлашга ҳаракат қилди-ю, бироқ қилич касканинг пўлат ҳошиясига тегиб, сирпаниб кетаверди.

Аъзойи-баданидан тирқираб қон оққан Астахов, қуршовни ёриб чиқди. Немис офицери унинг кетидан қувди. Астахов милтиғини елкасидан шартта олди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да, уни яқиндан отиб ўлдирди. Жангдаги вазиятни тубдан ўзгаришига шу нарса сабаб бўлди. Палапартиш қиличбозликлар натижасида яраланган, қонга беланган немислар офицерларидан ажраганларидан кейин тумтарақай қочдилар. Уларни ҳеч ким қувламади. Лоақал, кетларидан ўқ ҳам отмадилар. Казаклар тўғри Пеликалие қишлоғига, ўз сотнялари олдига жўнадилар, немислар эгардан қулаган ярадор шеригини отга ўнгариб чегара томон қочдилар.

Ярим чақирим чамаси йўл юргач, Иванков гандираклаб:

— Соб бўлдим... Ҳозир йиқиламан!— деб отини тўхтатди, лекин Астахов жиловидан силтади.

— Юрасан!

Крючков юзидаги қонни ишқалар, кўксини тимискилаб кўрарди. Уст кўйлагини қон доғлари босган эди.

Иккинчи пост турган ферма ёнига етганда иккига бўлинишди.

Астахов уй орқасидаги чакалакзор ичида нилдай кўм-кўк товланган кўлни кўрсатиб:

— Ўнгга юрайлик,— деди.

— Йўқ, чапга!— деб туриб олди Крючков.

Шундай қилиб, иккига ажралишди. Астахов билан Иванков қишлоққа кейинроқ етиб келдилар. Қишлоққа кираверишда ўз сотняларидаги казаклар уларни кутиб турган эди.

Иванков жиловни қўйиб юборди-да, отдан тушди ва гандираклаб бориб йиқилди. Тарашадай қотиб қолган қўлидаги қиличини казаклар зўрға тортиб олдилар.

Орадан бир соат ўтгач, сотнядаги казакларнинг деярли ҳаммаси герман офицери ўлдирилган жойга жўнади. Казаклар унинг этигини, кийим ва яроғини ечиб олишди, ёш кетган офицернинг сарғайган, тумтайган юзини томоша қилишди. Устьхоперлик Тарасов эпчиллик қилиб, ўликнинг қўлидаги кумуш қопқоқли соатини ечиб олди ва ўша заҳотиёқ взвод уряднигига пуллади. Ҳамёнидан бир оз пул, хат, конвертга солинган бир тола новвот ранг кокил билан мағрурона кулиб турган қизнинг расми топилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

IX

Шу воқиага қаҳрамонлик тусини бердилар. Юзбошининг арзандаси — Крючков унинг тавсияси билан Георгий ордени олди. Шериклари қуруқдан-куруқ қолавердилар. Крючковни дивизия штабига жўнатишди, то уруш тамом бўлгунча у ўша ёқда санғиб юраверди. Петроградан ва Москвадан нуфузли хонимлар ҳамда муътабар офицерлар қаҳрамонни кўргани келавергани учун унга яна учта крест берилган эди. Хонимларнинг эслари кетиб Дон казагига хилма-хил ширинлик, қиммат баҳо папирос тутишарди: олдин у ҳаммасини болохонадор қилиб сўкар эди, бироқ кейинчалик, офицерларча погон таққан штаб лаганбардорларининг таъсири остида ўз мавқеидан фойдаланиш йўлига ўтди; у энди ўша қилган «қаҳрамонлиги» тўғрисида роса олиб қочар, жўрттага ваҳималироқ қилиб гапирар, уялмай-нетмай, йўқ нарсаларни тўқийверарди; хонимлар унинг гапларидан завқланишар ва бу ўғри башара чўтир қаҳрамон — казакнинг афтига тикила-тикила сира тўймасдилар. Ҳамманинг жони кириб, вақтичоғ бўлар эди.

Бир куни штаб қароргоҳига подшоҳ келди; унга ҳам Крючковни обориб кўрсатдилар. Малла башара хомуш император бамисоли от кўраётгандай, Крючковни бошдан-оёқ кўздан кечириб чиқди; буришган солқи қовоқларини лип-лип учириб, унинг елкасига қоқиб қўйди.

— Азамат казак! — деди ва ўша заҳоти мулозимларга бурилди: — менга сельтер суви келтиринглар!

Крючковнинг ҳурпайган сочли боши газета ва журнал саҳифаларидан тушмай қолди. Крючковнинг расми солинган папирослар ҳам чиққан эди. Нижегород савдогарлари унга олтин қилич тақдим этдилар.

Астахов ўлдирган немис офицерининг мундирини катта фанер тахтага кериб қоқиб қўйдилар, генерал фон Ренненкампф ҳар доим Иванковни ва шу тахтани ушлаган адъютантини машинага соларди-да, ол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

динги позицияга жўнаётган аскарлар олдига борарди ва саф олдида солдатларни руҳлантириш учун сийқа гапларни қўшиб нутқ сўзларди.

Лекин аслини суриштирилса, қаҳрамонликдан нишон ҳам йўқ эди: қонхўрликка ўрганмаган одамлар ажал даштида бир-бирлари билан тўқнашар, эсҳушларини йўқотиб, туртина-суртина, бир-бирларининг дуч келган жойига солишар, отларини ҳам, ўзларини ҳам майиб қилишар, ниҳоят, пақ этган ўқ овози чиқиб, биттаси ўлгандан кейин, тирақайлаб қочишар, ҳаммаларининг руҳи тушиб кетарди.

Шуни қаҳрамонлик деб атардилар.

X

Фронт ҳали бўйи бир неча чақирим келадиган илон изи окоплар шаклига кирмаган эди. Чегарада отлиқ аскарлар тез-тез тўқинишар, жанглар бўлиб турарди. Уруш эълон қилинган дастлабки кунларда Германия қўмондонлиги кучли отлиқ разведкасини ҳамма ёққа юбориб турарди; улар постларимизнинг кўзини чалғитиб, усталик билан орқага ўтиб олиб, қисмларимизни безовта қилишар ва қаерда қанча аскар жойлашганини билмоқчи бўлишарди. Генерал Каледин қўмондонлигидаги 12-отлиқ дивизия Брусиловнинг 8-армияси олдида борарди. Сал чапроқда 11-отлиқ дивизия Австрия чегарасидан ўтган эди. Бу дивизиянинг қисмлари Лешнюв ва Броди шаҳарларини жанг билан ишғол қилгандан кейин олга силжий олмай тўхтаб қолди, чунки австрияликларга жуда кўп мадад кучлари етиб келди, бундан ташқари Венгрия кавалерияси бизнинг отлиқ қисмларимизни тинчитмас, қўққисдан ҳамла қилиб, Броди томонга тисланишга мажбур этарди.

Григорий Мелехов Лешнюв яқинидаги жангдан бери ичини ит тирнаётгандай азоб чекар, кўнгли ғаш эди. У ориқлаб, ранги-рўйи кетиб қолди, сафарга чиққанида ёки дам олаётган маҳалида панжара ёнида ўзи чопиб ташлаган австриялик кўз ўнгидан кетмас, тушида ҳам, мудроқ босганда ҳам кўринарди. Ўша кунги биринчи жанг ҳар кеча тушига кирарди, бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

нарса унга шу қадар оғир таъсир этган эдики, ҳатто уйқусида ҳам ўнг қўли яна найза дастасини чангаллагандай, дир-дир қалтирай бошлаганини сезар; чўчиб уйғониб кетар ва ўзига келар-келмас, юмуқ кўзларини ишқалаб уйқусини қочирарди.

Пишиб турган ғаллалар от туёқлари остида пайхон бўлган, далаю даштларни тақа изи босиб кетган, гўё бутун Галицияни дўл уриб кетганга ўхшар эди. Солдатларнинг оғир этиги йўлларни шиббалар, тош кўчаларнинг чангини ўйнатар, август балчиғини пишитарди.

Уруш бўлаётган жойларда тўп ўқлари ер бетини чечак тошгандай чўтир қилиб юборган, одам қонига ташна бўлган чўян ва пўлат парчалари ҳамма ёқни босиб кетган эди. Кечалари уфқда қип-қизил алангалар кўтарилиб, яллиғи осмонга чўзилар, қишлоқлар, шаҳарлар куйиб кули кўкка совурилар эди. Август ойида мевалар пишиб, дон-дун етилган маҳалда осмон қовоғини солиб, бўз чодирини тўсиб олди, лекин онда-сонда бир очилган куннинг иссиғига, ҳавонинг димлигига чидаб бўлмасди.

Августнинг сўнгги ҳафтаси эди. Боғларда дарахт барглари заъфарон бўлган, баргларнинг банди қизариб қурий бошлаган, олисдан қаралса, дарахтларни яраю чақа босиб кетган, қонга беланганга ўхшарди.

Григорий ўз ўртоқларига разм солиб, уларда рўй берган ўзгаришларни диққат билан кузатиб юрарди. Яқиндагина госпиталдан чиққан, қуйма тақа изи тушиб бети тиртиқ бўлиб қолган Прохор Зиков доим лабини қимтиб, азоб ичида эканлигини, мияси қотганини яширишга уринар, бўта кўзларини пирпиратиб турарерарди; Егорка Жарков арзимаган нарсага адабсизларча сўкинаверар, илгаригисидан ҳам бадтар шармандавозлик қилар ва ҳамма нарсага тил тегизаверар эди: Григорийнинг ҳамқишлоғи бўлган, ўз ишига пухта, вазмин казак Емельян Грошев бўлса, кўмирдек қорайиб кетган, ўзидан-ўзи беҳудага хохолаб кулар, лекин қовоғи солиқ эди. Ҳар бир чеҳрада ўзгача ўзгариш рўй берган, уруш сочган уруғларни ҳар ким ўз қалбида ўзича ундириб ўстирмоқда эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жанг майдонидан олиб чиқилган полк уч кундан буён дам олмоқда, Дондан келган мадад кучлари қўшилиб, уларнинг сафини тўлдирмоқда эди. Қазаклар помешчик ҳовузига чўмилгани бормоқчи бўлиб, эндигина ҳозирланиб туришган пайтда қўрғондан уч чақирим наридаги станциядан катта бир отлиқлар отряди йўлга чиқди.

Тўртинчи сотня казаклари тўғонга етгунча станциядан чиққан отряд ҳам тепаликдан ошиб тушаверди, бу отлиқлар казаклар экани маълум бўлиб қолди. Тўғон устида энгашиб ечинаётган Прохор Зиков, кўйлак ёқасидан бошини чиқариб тикилди.

— Бизникилар, донликлар.

Григорий кўзини қисиб, қўрғонга яқинлашиб келган отрядга қаради.

— Запаслар ҳам йўлга чиқибди.

— Балки мададга келишгандир.

— Иккинчи навбатдагиларни ҳам ола бошлаганга ўхшайдилар.

— Ие, ановини қаранглар, болалар! Степан Астахов-ку! Ҳув, ана, учинчи қаторда!— деб ҳовлиқиб қолди Грошев хириллаб кулиб.

— Қатта ёшдагиларга ҳам гал келибди.

— Ҳов анови — Аникушка!

— Гришка! Мелехов! Аканг, ҳу ана. Танидингми?

— Ҳа, танидим.

— Суюнчи берасан, тентак, дастлаб мен кўрдим.

Григорий юзларини тириштириб астойдил тикилар, Петронинг остидаги отни кўрмоқчи бўларди. «Янгисини сотиб олишибди», деб ўйлади у кўзини отдан олиб, акасининг юзига қараб: сўнгги кўришганларидан бери анча вақт ўтгани учунми, унинг ўзгариб ғалати бўлиб қолганини кўрди; афти қорайган, саримағиз мўйлови калта қилиб қайчиланган, қошлари офтобда куйиб, сарғайиб кетган эди. Григорий фуражкасини қўлга олиб, ҳавода айлантириб, акасининг олдига борди. Уст кийимларини ечган казаклар сассиқалаф, отқулоқларни пайҳонлаб, дув этиб, унинг кетидан эргашдилар.

Запасдаги сотня боғни четлаб ўтиб, полк жойлашган қўрғон томонга қараб юрди. Ёши қайтган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўладан келган, соч-соқоли тақир қирилган, мўйловсиз лабларини қимтиб олган ясовул буларни бошлаб борарди.

Григорий акасига қараб илжаяр экан, ясовулнинг келишган қадди-қоматига, остидаги қалмоқи отга кўз қири билан назар солар ва: «Ўлгудай бақироқ, сержаҳл одам бўлса керак»,— деб ўйлар эди.

Ясовулнинг овози жаранглаб эшитилди:

— Сотня! Взвод-взвод бўлиб, ўнг томонга марш!

Григорий суюнчини ичига сиғдиролмасдан илжайиб:

— Саломат бормисан, акажон!— деб бақириб юборди.

— Худога шукур! Мана, биз ҳам келдик. Аҳвол қалай?

— Тузук.

— Тирикмисан?

— Ҳозирча тирик.

— Уйдагилардан салом.

— Аҳволлари қалай?

— Соғ-саломат.

Петро семиз саман отнинг сағрисига қўлини тираб, бутун гавдаси билан орқасига қайрилиб, кулиб турган кўзлари билан Григорийга тикилар эди. Узоқлашгандан кейин таниш ва нотаниш кишиларнинг чанг босган елкалари уни тўсиб қўйди.

— Яхшимисан, Мелехов! Қишлоқдагилар салом айтишди.

Григорий Мишка Кошевойни ҳурпайган олтин ранг сочидан таниди.

— Ие, сен ҳам келдингми?— деб тишининг оқини кўрсатди у.

— Ҳа-я! Тариққа ёпирилган товуқдай, келавердик.

— Чўқитиб бўпти! Қайтага ўзингни чўқиб қўйишади.

— Қўй-э!

Тўғон томонидан кўйлакчан Егорка Жарков бир оёғида ҳаккалаб келарди. У чалварини тўғрилаб кия олмай, бир ёғига оқсар, ликонглаб турган почасига оёғини суқолмасди.

— Яхшимисизлар, ҳамқишлоқлар?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ие! Анови — Егорка Жарков-ку!

— Ҳой, бедов, сени тушовлаб қўйишганми?

— Онам қалай?

— Тирик юрибди.

— Салом айтди, совғасини обкелолмадим, юким оғир эди.

Егорка унинг жавобини диққат билан эшитди-да, сўнгра яланғоч ҳолича кўкат устига ўтирди; хўрлиги келганини билдирмаслик учун юзини тескари ўгирди, қалтираб турган оёғи чалвар почасини тополмас эди.

Ҳаво ранг бўёқ билан сирланган панжара орқасида ярим белигача яланғоч бўлиб олган казаклар турардилар; Дондан мададга келган казаклар эса, икки четига каштан дарахтлари экилган йўлдан юриб қўрага кира бошладилар.

— Омонмисан, ҳамқишлоқ?

— Қудаваччамисан? Ҳой, сен Александрмисан?

— Худди ўзи.

— Андреян! Андреян! Ҳой, шалпанг қулоқ, танимаяпсанми?

— Хотинингдан салом, ҳой, аскар йигит!

— Худо ўзи паноҳида асрасин.

— Шу ерда Борис Белов борми?

— Қайси сотнядан экан?

— Тўртинчидан бўлса керак.

— Ўзи қаёғлик?

— Вёшенскаядан, дарё бўйидан.

— Нима қиласан уни?— деб гапга аралашди учинчи киши.

— Зариллиги учун сўраяпман-да. Унга хат бор.

— Эй, биродар, тунов куни у Майброда ёнида ҳалок бўлди.

— Йўғ-эй?..

— Худо урсин! Ўзим тепасида эдим. Чап эмчагининг остидан ўқ еб ўлди.

— Ораларингда қорадарёлик борми?

— Йўқ, ўтавур.

Колонна ичкари киргандан кейин қўра ўртасида саф тортди. Тўғон боши чўмилгани келган казаклар билан яна гавжум бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир оздан сўнг ҳозиргина келиб тушган казаклар ҳам уларга қўшилдилар. Григорий акасининг ёнига ўтирди. Тўғондан қўланса балчиқ ҳиди келарди. Ҳовуз четларини қалин ўт босиб, суви сарғайиб кетган эди. Григорий кўйлагининг чоклари орасидан бит топиб ўлдираркан, акасига ҳасрат қиларди:

— Жонимдан тўйдим, Петро. Худди ўласи қилиб калтакланган одамга ўхшайман... Назаримда тегирмонга тушиб чиққандайман, мажаг-мажаг бўп кетганга ўхшайман.— Унинг қалтираган овозида нола оҳанги эшитилар, пешонасида қиясига тушган чизиқ қорайиб кўринарди. Петронинг бунга энди кўзи тушган эди, укасида илгари бўлмаган бу ваҳимали ўзгаришни кўриб юраги орқасига тортиб кетди.

— Хўш, нима гап?— деб сўради Петро кўйлагини ёчаётиб; унинг бадани оппоқ, лекин ёқасидан юқориси қорайиб кетган эди.

— Нималигини ҳали кўрарсан,— деб шартта жавоб қилди Григорий; жаҳли чиққанидан бурро гапира бошлади,— одамларни ит-мушук қилиб қўйишди, ишқилиб рўпара бўла кўрма! Ҳаммаси аламзада. Бўридан бадтар. Назаримда агар мен ҳозир бирон кишини тишлаб олсам, қутурса керак деб ўйлайман.

— Одам ўлдирдингми ҳеч?

— Ўлдирдим!..— деб жекирди Григорий, сўнгра кўйлагини ғижимлаб, оёқ остига ташлади. Худди томоғига тиқилиб қолган сўзни сиқиб чиқармоқчи бўлаётгандай, анчагача бўйнини уқалади, юзини тескари қилиб олди.

— Гапир,— деб буюрди Петро, лекин укасига тик қарашдан қўрқиб кўзини опқочди.

— Мен виждон азобидан ўлиб бўлдим. Лешнюв ёнида биттасини найза билан санчиб ўлдирдим. Қизишиб кетган эдим... Бошқа иложим йўқ эди... Мен уни нега ўлдирдим, ахир?

— Хўш?

— Мана оқибат, хуни ноҳақ бир одамни ўлдириб азобини тортяпман. Кечалари ўша дардисар тушимга киради. Ёки мендами айб?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сенинг ҳали қитиқпатинг ўлмаган. Бошинг омон бўлса, кўраверасан ҳали.

— Сизларнинг сотнянингиз запасдаги қисмларданми?

— Нега? Йўқ, биз йигирма еттинчи полкданмиз.

— Мен, бизга мададга келгансиз,— деб ўйловдим.

— Бизнинг қисмни аллақайси бир пиёда дивизияга тиркашмоқчи, биз шунга етиб олиш ҳаракатидамиз, айтгандай, биз билан бирга запасдаги мададчи қисм ҳам келаётган эди, ҳаммаси ёш, сизга шуларни юборишибди.

— Хўп. Қани, юр, чўмилайлик.

Григорий шоша-пиша чалварини ечди-да, тўғоннинг устига чиқиб кетди; Петро унинг сал букчайган қоматига қараб қолди, назарида, қорачадан келган укаси, илгаригига қараганда хийла қаригандай бўлиб кўринди. Григорий қўлини чўзиб туриб, боши билан сувга шўнғиди; кўм-кўк сув кўпириб, уни кўмиб юборди, сўнгра, ҳалқа-ҳалқа бўлиб тарқалди. Григорий секин-аста кифтини қимирлатиб, кафти билан сувни шапиллатиб, ҳовуз ўртасида хохолашиб кулаётган казаклар томон сузиб кетди.

Петро шошмасдан, крестини ва онаси берган туморчани бўйнидан чиқариб олди. Туморбандни кўйлагининг тагига қўйди, сескана-сескана, зўрға сувга тушди, кўксини, елкаларини ҳўллади-да, «у-ув» деб бир шўнғиб олди-ю, сўнгра Григорийнинг кетидан эргашди; иккиси одамлардан ажралиб, чакалак бўлиб ётган нариги қумлоқ соҳилга сузиб кетишди.

Григорийнинг ҳовурини сув қайтарди, сузган сари кўнгли ҳам жойига тушди; у энди дадил-дадил қулоч отарди, сўзлари вазмин, боягидай тутақиб гапирмас эди.

— Ўлгудай битлаб кетганман. Ҳаммаси хафачиликдан. Уйни шунчалик соғинибманки, қанотим бўлса учиб кетардим. Бир кўрсам хуморим босилармиди... Хўш уйда нима гап?

— Наталья уйимизда.

— А?

— Бизникида туриб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ота-она бардамми?

— Тузук. Наталья сени кутяпти, қайтиб келади, яна бирга бўламиз деб хаёл қилса керак.

Григорий пишқириб, оғзига кирган сувни пуркаб ташлар эди. Петро бошини буриб укасининг кўзига қарамоқчи бўларди.

— Уйга хат ёзганингда ҳеч бўлмаса, унга ҳам бир оғиз салом деб қўйгин. Ахир, ўша бечора сени деб юрибди.

— Энди нима қилмоқчи... Узилган ипни уламоқчими?

— Нима десам экан?.. Одамзод умид билан тирик. Ҳар ҳолда яхши хотин. Ўзига мустаҳкам. Обрўй сақлашни билади. Шўхлик ёки бир хил хотинларга ўхшаб бачканалик қилганини сира кўрганимиз йўқ.

— Эрга тегиб кетаверса бўларди.

— Ғалати гап қиласан-а!

— Ҳеч ғалати эмас. Шундай бўлиши керак.

— Ихтиёр ўзларингда. Бу ишга аралашмаганим бўлсин.

— Дуняшка қалай?

— Бўйи етиб қолди, ука! Шу йил ичида бирам етилиб қолдики, кўрсанг таний олмайсан.

— Йўғе!— деб таажжубланди Григорий суюниб кетиб.

— Худо ҳақи! Эрга бериб юборишса тўйини ҳам кўрмаймиз, арағидан ҳам қуруқ қоламиз. Ишқилиб, аблаҳлар ёстиғимизни қуритишмасайди!

— Ўлиш — қийин гап эмас.

Иккиси қумлоққа чиқиб, ёнма-ён ётди, тирсакларига таяниб, орқаларини кунга бериб исита бошлади. Мишка Кошевой бел бўйи сув устида сузиб уларнинг рўпарасидан ўтди.

— Гришка, сувга туш!

— Шошма, бирпас чўзилиб олай.

Григорий кичкина қўнғизни қумга кўмаётиб:

— Аксиньядан ҳеч хабар борми?— деб сўради.

— Уруш эълон қилинишидан олдинроқ қишлоқда кўзим тушган эди.

— Қишлоқда унга пишириб қўйган эканми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Майда-чуйдасини олгани эриникига келган чиқар.

Григорий йўталди ва кафти билан қумни сидириб, қўнғизни биратўла кўмиб ташлади.

— Ўзи билан гаплашганинг йўқми?

— Саломлашдим, холос. Тирсиллаб кетган, вақти чоғ. Панникидаги текин овқат ёқибди шекилли.

— Степан нима дебди?

— Нима дерди? Нарсаларини бериб юборди. Индамабди ҳам. Лекин ундан ҳазир бўл! Ғафлатда қолма. Мен казаклардан бир гап эшитдим, Степан мастлигида: биринчи жангдаёқ ўқ билан жойлайман-қўяман деган эмиш.

— Ҳаҳ-ҳа!

— У гуноҳингни сира кечирмайди.

— Биламан.

— Ўзимга от олдим,— деди Петро гапни бошқа томонга буриб.

— Ҳўкизларни сотдингларми?

— Қариларини сотдик. Бир юз саксон сўмга. Отни юз элликка олдим. Ажабтовур чиқди. Цуцкан бозоридан олдик.

— Ғалла тузукми?

— Яхши. Лекин ўриб олгунимизча йўқ эди, ҳаммани бу ёққа ҳайдашди.

Суҳбат уй-рўзғор устига кўчгандан кейин бояги кескинлигини йўқотди, Григорий уйдаги ҳамма янгиликларни билгиси келиб, астойдил қулоқ соларди. У ҳозир аввалги серғайрат ва содда Григорийга ўхшар, шу топда кўзига уй-рўзғордан бошқа ҳеч нарса кўринмас эди.

Петро жунжикиб, қорнига ёпишган ҳўл қумни сидириб туширар экан:

— Қани тур, тағин бирпас чўмиламиз-да, бас қиламиз, чиқиб кийинамиз,— деб таклиф этди. Унинг орқаси ва қўлларининг териси ғудда-ғудда бўлиб, бир нима тошганга ўхшаб қолган эди.

Ака-ука бир тўда казакларга қўшилиб тўғондан қайтишди. Боғ билан қўрғон орасига тушган девор ёнида Степан Астахов уларга етиб олди. Бир ёққа

www.ziyouz.com kutubxonasi

осилиб тушган ўсиқ сочини йўл-йўлакай шапкаси остига қистира олмай, ҳадеб мугиз тароқ билан тараради.

— Ҳорма, ошна! — деди у Григорийга етиб олгач.

— Салом!— Григорий хижолат тортиб айбдор кишидек унга қараб қўйди-да, орқароқда қолди.

— Мени унутганинг йўқми?

— Унутиб юборишимга сал қолувди.

— Аммо мен сени унутганим йўқ,— деб истеҳзо билан кулди Степан. Шуни деб тўхтамай ўтиб кетди-да, олдидаги урядник погони таққан казакнинг елкасидан қучоқлади.

Қош қорайганда дивизия штабидан телефонограмма олинди: позицияга бориб жойлашилсин деган буйруқ келган эди. Чорак соат ўтар-ўтмас полк сафарга тайёр бўлди; янги келганлар билан сафини тўлдириб олган полк қўшиқ айтиб, мадьярлар кавалерияси ёриб ўтган жойни тўсмоқ учун йўлга чиқди.

Петро хайрлашаётиб тўрт букланган бир қоғозни укасининг қўлига тутқизди.

— Бу нима?— деб сўради Григорий.

— Дуо. Сенга атаб кўчириб олувдим. Ол.

— Нафи борми?

— Кулма, Григорий!

— Кулаётганим йўқ.

— Хайр энди ука. Соғ-саломат бўл. Одамлардан олдин югуриб ўзингни ўтга урма, биласанми, ажал ҳовлиқмаларнинг пайида юради. Ўзингга эҳтиёт бўл!— деб бақирди Петро.

— Дуо асрамасмикан?

Петро қўл силтаб қўйди.

Соат ўн биргача ҳеч нарсадан хавотирланмай бепарво кетавердилар. Ундан кейин вахмистрлар мумкин қадар жим юриш, папирос чакишни тўхтатиш тўғрисида командир буйруғини эшитдириб, ҳамма сотняларни огоҳлантириб чиқди.

Йироқдаги ўрмон устида бинафша ранг тутун орасидан чиққан мушаклар осмонга кўтариларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

XI

Саҳтиён муқовалик кичкинагина хотира дафтари. Четлари синиб, ейилиб кетган: эгасининг чўнтагида узоқ юрган бўлса керак. Варақлари қийшиқ ҳарфлик ёзувлар билан тўлган.

* * *

«...Анчадан бери мен қоғоз ва қалам билан дилкашлик қилишга хумор эдим. Мен институтдаги сингари кундалик дафтар тутмоқчиман. Аввало қиз тўғрисида гап бошлай: февраль ойида, қайси куни, экани эсимда йўқ, унинг ҳамқишлоғи — студент Бояришкин қизни мен билан таништириб қўйди. Мен уларга синематограф эшиги олдида тўқнаш келиб қолувдим. Бояришкин иккимизни таништирар экан: «Бу станицадан келган қиз, вёшенскаялик. Сен, Тимофей, уни иззат қил. Лиза — топилмайдиган қиз» деган эди. Ўшанда, қизга алланима деб мужмал гап қотганим ва терлаган юмшоқ қўлини бирпас ушлаб турганим эсимда бор. Менинг Елизавета Мохова билан бўлган ошналигим шундай бошланган эди. Бу қизнинг бузилганлигини мен биринчи кўришдаёқ пайқадим: одатда бу хил хотинларнинг кўзлари «мана мен» деб туради. Ростини айтсам, менга унчалик ёқинқирамади: ҳаммасидан ҳам кафтининг терлашини айтмайсанми? Одамзоднинг қўли бунчалик терлашини сира кўрган эмасман; кўзлари ҳам ёқмади: қуралай, чиройли бўлса ҳам, шу билан бирга жозибасиз, хунук.

Дўстим Вася, жумла тузилишларига алоҳида эътибор беришимнинг, ҳаттоки, ширали қилиб ёзишга уринганимнинг сабаби бор: вақти келиб ушбу «кундалик дафтар» Семипалатинскда сенинг қўлингга тушиб қолса, воқиадан батафсил хабардор бўларсан деб умид қиламан. (Чинини айтсам, Елизавета Мохова билан ошиқ-маъшуқлигимиз тамом бўлгандан кейин, буни сенга юбориш ниятидаман. Бу кундаликни ўқисанг, анча ҳузур қиласан). Хронологик тартибда бирма-бир ёзиб юраман. Шундай қилиб, мен у қиз билан танишганимдан сўнг-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ра учаламиз кинога кириб, аллақандай бир бачкана нарсани томоша қилдик. Бояришкин индамай ўтираверди («Озиқ тишим зирқираяпти», деди), гап-гапга сира қовушмади. Суриштириб қарасам, иккимиз бир ердан, яъни ёнма-ён икки қўшни станицадан эканмиз; гапимиз дашт манзарасининг гўзаллиги ва шу сингари умумий хотиралардан нарига ўтмади, мен жимиб қолдим. Агар шундай таъбир жоиз бўлса, мен бамайлихотир жим ўтирардим, тўрт оғиз сўз билан гапимиз тамом бўлиб, дамимиз ичимизга тушиб кетганига қиз парво қилмас эди. Унинг медицина билим юртининг иккинчи курсида ўқиётгани, савдогар оиласидан эканини, қуюқ чойни ва асмол тамакисини ниҳоятда яхши кўришини ўз оғзидан эшитдим. Мана, дўстим, менинг билганларим шугина холос ва бу маълумотлар қуралай кўзли қизни батафсил таниб олиш учун кифоя қилмайди. Қиз хайрлашаётиб (уни трамвайгача кузатиб қўйдик), бизникига келиб туринг, деб илтимос қилди. Мен адресини ёзиб олдим. 28 апрелда кириб чиқмоқчиман.

29 апрель.

Бугун уникига бордим, мени чой, ҳолва билан сийлади. Чинини айтсам — аломат қиз. Тили бийрон, эс-ҳуши эвида, бироқ, ундан арцибашевчиликнинг[1] ҳиди келади, олисдан ҳам билиниб турибди. Уникидан кеч қайтдим. Папирос ўрар экан, ман унга алоқаси бўлмаган баъзи бир нарсалар, чунончи, пул масаласи устида бош қотирдим. Костюмимнинг шарти кетиб парти қолган, «муллажиринг» йўқ, Умуман ишлар расво.

1 май.

Шу куни ғалати бир воқиа рўй берди. Бизлар ҳеч кимга халақит бермасдан, Соколникида беозор айланиб юрган вақтимизда, иттифоқо бир тўда полиция билан йигирма чоғлик казак, ишчилар маёвкасини тарқатаётгани устидан чиқиб қолдик. Бир маст одам таёқ билан казакнинг отини солиб қолди,

---

[1] Арцибашевчилик — шарм-ҳаёсизлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

казак уни қамчилаб кетди. Мен дарҳол бориб орага тушдим, олижаноблик ҳисси мени тек тургани қўймади — гапнинг очиғи шу. Бордим-у, казакнинг бетига: сен лайлаксан, фалону пиставонсан деб шартта айтдим. Казак қамчи ўхталган эди, бироқ, мен дадил туриб, ўзимнинг каменскаялик казаклардан эканимни, урсам сўлоғини ўйнатиб юборишимни билдириб қўйдим. Ҳартугур, хушфеъл, ёшгина казак экан; аскарий хизмат ҳали уни бузмаган экан, у ҳам усть-хоперскаялик эканини, муштбозликда яккаю ягоналигини айтди. Иккимиз яхшиликча ажрашдик. Борди-ю, менга қўл кўтарса борми, муштлашиб қолишимиз ва менга шикаст етиши турган гап эди. Аралашганимнинг сабаби шуки, орамизда Елизавета бор эди; у бор жойда доим болалигим тутиб, «ботирлигимни» кўрсатиб қўйгим келаверади. Назаримда, худди дакан хўрозга ўхшаб кетаман, ҳаттоки шапкам тагидан қизил тож ўсиб чиқаётгандай... Мана шу аҳволга тушиб қолдим!

3 май.

Ичкилик хумор қилиб зўрға юрибман. Ўлганнинг устига кўмган дегандай, аксига пул ҳам йўқ. Шимимнинг оғи сўтилиб, қоқ ўртасидан қовундай тарс ёрилиб кетган. Тикай десам чоки тутиб қолишига кўзим етмайди. Уни тикиш қовуннинг ёриғини ямаган билан баравар. Володька Стрежнев келиб кетди. Эртага лекцияга бораман.

7 май.

Отамдан пул келди. Ҳатида мени роса сўкибди, менга чивин чаққандай ҳам таъсир этмади. Дадам шўрлик бечора ўғлининг ахлоқ негизлари чириганлигини билса эди... Костюм сотиб олдим. Галстугимга, ҳатто извошчилар ҳам тикилиб қарашади. Тверская кўчасидаги сартарошхонага кириб, соқол олдирдим. У ердан атторнинг гумаштасидек топ-тоза бўп чиқдим. Садово-Триумфальная кўчасининг муюлишида городовой менга илжайиб қаради. Уччига чиққан доғули экан! Шу туришимга қаралса, иккимизнинг орамизда аллақандай ўхшашлик бор!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уч ой муқаддам-чи? Ўтган ишга салавот, тарихнинг йиртиқ варақларини титкилашнинг фойдаси йўқ. Тасодифан, Елизаветани кўриб қолдим, трамвайда кетаётган экан. Ойнадан менга кулиб қаради, қўлқопини силкитиб қўйди... Кўзига қалай кўриндим экан?

8 май.

«Ёш ҳам, қари ҳам ишқ-муҳаббатга итоатда». Татьяна эрининг катта очилган оғзи кўз олдимдан сира кетмайди. Театр галлереясидан туриб, оғзига тупургим келар эди. Шу жумла эсимга тушса, хусусан охиридаги «И-тоо-а-ат-да-а-а...» сўзи ёдимга келса, жағларим қаришиб эснагим келаверарди, асабийликдан бўлса керак.

Лекин гап менинг ўз маврудида ошиқи беқарор бўлганимда эмас. Шу сатрларни ёзаётибман-у, тепа сочим тикка бўлиб кетяпти... Елизаветаникида бўлдим. Дабдабали қилиб олисдан гап бошладим. Елизавета тушунмасликка олиб, гапни бошқа томонга буришга ҳаракат қилди. Тағин, шошаётган бўлмай? Ҳамма бало мана шу дардисар костюмда!.. Ўзимни ойнага солиб кўрдим, бекам-кўстман, шартта арз-ҳол қилавераман деган фикрга келдим. Умуман менда бир фазилат бор: ҳамма мулоҳазалардан кўра ўз манфаатимни кўзлаш хислати менда устунроқ туради. Агар ҳозир гапирмасам, икки ойдан кейин вақт ўтган бўлади: шимим эскириб, ҳалиги жойдан яна сўтилса, бу тўғрида оғиз очишга ҳеч қандай имконият қолмайди. Ёзиб ўтириб ўзим ҳайрон бўламан: давримиздаги энг яхши кишиларнинг энг яхши фазилат ва ҳислари менда бўлганлигига ўзим ҳам қойил қоламан. Энг нозик ва жўшқин муҳаббат ҳам мендан топилади, «ақлу идрок» ҳам. Қисқаси энг яхши хислатлар тўпланиб мошкичирига айланган.

Хуллас, муҳаббат изҳор қилиш учун замин ҳозирлай олмадим. Квартира эгаси — кампир келиб гапнинг белига тепди: Елизаветани чақириб олди, сўнгра, коридорда ундан қарзга пул сўраганини

www.ziyouz.com kutubxonasi

эшитдим. Қиз ёнида пули бўла туриб бермади. Пули борлигини мен аниқ билардим, лекин самимий овоз билан «йўқ» деганини эшитиб, дарҳол унинг юзини, самимийлик билан жавдираб турган қуралай кўзларини тасаввур этдим. Муҳаббат тўғрисида гап очишга тобим қолмади.

13 май.

Мен ошиқи шайдо бўлиб қолдим. Бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Эртага изҳор қиламан. Лекин ўз ролимни ҳозирча аниқлаб олганим йўқ.

14 май.

Ҳеч кутилмаганда иш ўнгидан келди. Одамга ёқадиган илиққина ёмғир ёғиб турарди. Биз Моховая кўчасидан бораётибмиз, шамол қиялаб келиб тротуарга ўзини уради. Мен гапираман, у бўлса бошини қуйи солиб худди хаёлга чўмган одам сингари, индамай қадам ташлайди. Ёмғир суви шляпасидан бетига оқиб тушади, ҳуснига ҳусн қўшади. Орамизда шундай гаплар бўлди:

— Елизавета Сергеевна, мен ўз ҳисларимни сизга изҳор қилдим. Гап сизда қолди.

— Ҳисларингиз чин эканлигига гумоним бор.

Мен аҳмоқона тарзда кифтларимни қисиб қасам ичишга тайёрлигимни ва шу сингари бемаъни гапларни айтиб чулдурадим.

— Менга қаранг,— деди у,— сиз Тургенев қаҳрамонларининг тили билан сўзлаётибсиз. Оддийроқ қилиб гапирсангиз бўлмайдими?

— Энг оддийсини айтсам: сизга ошиқман.

— Хўш, ундан кейин?

— Гап сизда қолди.

— Мен ҳам севаман деб айтгин демоқчимисиз?

— Мен жавобини истайман.

— Биласизми, Тимофей Иванович... Сизга нима десам экан? Сиз менга сал-пал ёқасиз... Бўйингиз баландгина.

— Яна ўсаман ҳали,— дедим мен.

— Танишганимизга ҳеч вақт бўлгани йўқ, синашта...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Насиб бўлса, нону туз бўлиб, бир-биримизни синаб оламиз.

Лиза ҳўл бўлган бетларини қип-қизил кафти билан суртди-да:

— Хўп, майли, битимга келдик. Бирга бўлсак у ёғини кўраверамиз. Фақат илгариги меҳрибоним билан алоқани тугатиш учун менга бир оз муҳлат беришингиз керак,— деди.

— Ким у? — билгим келиб сўрадим мен.

— Сиз уни танимайсиз. Битта доктор, венеролог.

— Қачон қутуласиз?

— Жумагача қутуларман деган умид бор.

— Иккимиз биргаликда турамизми? Яъни бир хонада яшаймизми демоқчиман?

— Ҳа, шундай бўлгани соз. Сиз меникига кўчиб ўтасиз.

— Нечук?

— Менинг квартирам жуда қулай. Озода жой, уй эгаси ҳам истараси иссиқ, бир хотин.

Мен эътироз билдирмадим. Тверская кўчасининг муюлишида хайрлашдик. Аллақандай бир хонимнинг таажжубланганига парво қилмай, иккимиз ўпишиб ҳам олдик.

— Қани, эртага тақдир нималар кўрсатар экан?

22 май.

Асалдай тотли кунларнинг кайфини суряпман. Аммо бугун Лиза: кўйлак-иштонингни ўзгартириб ол, деб кайфимни бузди. Дарҳақиқат, кўйлак-иштонимнинг дабдаласи чиқибди. Лекин пул масаласи чатоқ, пул... харажат мендан бўляпти, кошки дастмоянинг мазаси бўлса. Бирон иш қидиришга тўғри келади.

24 май

Бугун кўйлак-иштон сотиб олмоқчи эдим, бироқ, Лиза кутилмаганда чиқимдор қилиб қўйди. Яхши ресторанда овқатлангуси ва ипак пайпоқ олгуси келиб ўлиб турган экан. Овқатни ҳам едик, пайпоқ ҳам харид қилдик, бироқ, мен бошимни чангаллаганимча қолдим: кўйлак-иштондан маҳрум бўлдим!

www.ziyouz.com kutubxonasi

27 май.

У дармонимни қуритмоқда. Куч-қувватим кетиб, сўррайган маккапояга ўхшаб қолдим. Бу хотин эмас, тутун орасидан чиққан олов.

2 июнь.

Бугун биз соат тўққизда уйғондик. Оёқ панжаларимни қимирлатадиган ярамас бир одатимнинг касофатига қолдим: Лиза кўрпани очиб товонларимни роса текшириб кўрди. Сўнгра ўз мушоҳидасини шундай якунлади:

— Бу оёқ эмас, отнинг туёғи. Туёқдан ҳам бадтар! Панжаларингни жун босиб кетганига қара, фу! — деди-да, жирканганидан сесканиб тушди, сўнгра кўрпага бурканиб, тескари ўгирилиб олди.

Мен қаттиқ хижолат бўлдим. Оёқларимни йиғиб олдим-да, елкасига туртдим.

— Лиза!

— Қўйинг мени ўз ҳолимга!

— Лиза, бу ниҳоятда келишмаган бир гап. Оёғимнинг сиёғи шунақа бўлса — мен қандай қилай, ахир, уни мен буюртган эмасман, лекин жун масаласига келганда, жуннинг эси борми, дуч келган жойга чиқаверади. Ўзинг медицинадан таълим оляпсан, табиий тараққиёт қонунларини билмоғинг керак.

У менга юзини ўгирди. Қуралай кўзлари қаҳва ранг тусга кириб ўқрайди.

— Шу бугундан қолдирмай, терлашни йўқотадиган дори сотиб олинг, оёқларингиздан мурда ҳиди келади.

Мен жойи келгани учун, ўзининг кафтлари ҳам терлашини эслатиб ўтдим. У чурқ этмади, лекин кўнглим чироғ ёқса ёришмас, адабийроқ қилиб айтганда — зимистонга айланган эди. Гап на жунда, на оёқда, иллат бошқа ёқда...

4 июнь.

Бугун биз Москва дарёсида қайиқда сайр этдик. Дон дарёсини эсладик. Елизаветага бир бало бўлди; шаънимга доим тош отади, баъзан ачитиб-ачитиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

гапиради. Мен ҳам унга шу тарзда жавоб қайтарадиган бўлсам, орамиз бузилиши муқаррар, лекин мен буни истамайман. Аҳволини кўра-била туриб, борган сари мен унга кўнгил қўяяпман. У жуда эрка ўсган. Унинг феъл-атворини тубдан ўзгартиш учун менинг ҳаракат қилишим кифоя этмас деб қўрқаман. Ҳовлиқма ва ёқимтой бир қиз. Лекин қиз дейман-у, ўнта хотинни йўлда қолдирадиган қиз, мен бунақасини умримда кўрган эмасман. Қайтишда у мени аптекага судраб опкирди ва кула-кула, тер упа, ҳамда яна бир алланима балони сотиб олди.

— Мана буни терлаган оёғингга сепасан.

Мен одоб билан таъзим қилдим ва ташаккур билдирдим.

Кулгили нарса, бироқ гапнинг очиғи шу.

7 июнь.

Тариқча ҳам ақли йўқ экан. Қолган ҳамма соҳада устозига дарс бера олади.

Ҳар куни ётишдан олдин оёғимни иссиқ сув билан юваман, атир суртаман ва аллақандай бир упани сепаман.

16 июнь.

Кундан-кунга тоқатимни тоқ қиляпти. Кеча унинг тутқалоғи тутиб қолди. Бундай хотин билан яшамоқ жуда оғир гап.

18 июнь.

Юлдузимиз бир-бирига тескари, гапимиз гапимизга тўғри келмайди. Иккимизни боғлаб турган нарса каравот. Мазмуни пуч ҳаёт!

Бугун эрталаб, у нонвойхонага бормоқчи бўлиб, чўнтагимдан пул олаётганда ушбу кундалик дафтарни кўриб қолди. Чўнтагимдан олди.

— Бу нима?

Иситмам чиқиб кетди. Бир-икки варағини очиб қараса борми? Мен дарҳол:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Арифметика саноғлари ёзиладиган дафтарча,— деб жавоб бердим ва овозимнинг табийлигига ўзим ҳайрон қолдим.

У дафтарни бепарволик билан чўнтагимга солдида, чиқиб кетди. Минбад ҳушёр бўлиш керак. Ёзганларингни биров ўқийдиган бўлса иш пачава, бетма-бет гаплашган яхши.

Дўстим Вася ўқиб маза қиладиган бўлди.

21 июнь.

Мен Елизаветага ҳайронман. Ёши 21 да. Бу қадар айниганлигининг сабаби нимада экан? Оиласи қандай, қай хилда тарбияланган, кимлар уни ўстирган? Мана шу саволлар мени ниҳоятда қизиқтиради. Ўзи ғалати бир жонон. Қадди-қомати келишган, шунисига керилаверади. Ўзига жуда бино қўйган, ҳеч кимни менсимайди. Мен бир неча марта у билан жиддий гаплашмоқчи бўлиб кўрдим... сўфини худо йўқ деб ишонтириш мумкин, лекин уни тузатиш қийин.

Бирга турмоқнинг иложи ҳам қолмади, маъниси ҳам йўқола бошлади. Аммо мен алоқа узиш пайтини кейинга силтаяпман. Ростини айтсам, шунга қарамай, у менга жуда ёқади. Суяк-суякларимга сингиб кетган.

24 июнь.

Ғишт қолипдан осонгина кўчди. Бугун иккимиз кўнгил ёриб очиқ гаплашдик, уни қаноатлантира олмаслигимни бетимга айтди. Ҳозирча алоқа узилганча йўқ, лекин эрта ё индиндан нарига ўтмаса керак.

26 июнь.

Унга станица отхонасидаги айғир бас кела олади. Айғир!

28 июнь.

Ундан айрилиш мен учун жуда оғир. У мени ўз гирдобига тортиб кетган. Бугун Воробьев тепага

www.ziyouz.com kutubxonasi

бордик. У номернинг деразаси олдида ўтирарди, ўймакор часпак орасидан қуёш шуъласи кокилларига тушиб турарди. Сочлари тилладек товланарди. Мана, сенга бир чимдим поэзия!

4 июль.

Мен ишимни ташлаб қўйдим. Елизавета мени ташлаб кетди. Бугун Стрежнев билан бирга пиво ичдик. Кеча ароқ ичувдик. Елизавета билан мен маданий кишилар сингари, мулойимгина ажралишдик. Ҳеч қандай аччиқ ёки сучук гаплар бўлмади. Бугун мен Лизани Дмитровка кўчасида кўрдим, чавандозча этик кийган бир йигит билан кетаётган экан. Бош қимирлатиб берган саломимга илтифотсизгина жавоб қилди. Шу билан тугатсам ҳам бўлади, чунки, илҳом булоғи қуриди.

30 июль.

Қутилмаганда қўлимга қалам олишга тўғри келди. Уруш. Ҳаммада ҳайвоний иштиёқ қўзғалган. Ҳар бир калладан, қуртлаган итникидан бадтар қўланса патриотизм ҳиди келади. Шерикларимнинг фиғони чиқади, лекин мен суюнаман. Мен «жаннат роҳатларини» соғиниб... ўлиб бўлдим. Кеча тушимда Елизаветани кўрибман. Кўнглимга ғам-ғусса солиб кетди. Ғамларимни тарқатсам эди!

1 август.

Шов-шувлар жонимга тегди. Эски дардлар яна қўзғалди. Бола эмизугини сўргандай, мен ҳам дардғам заққумини сўраман.

3 август.

Иложи топилди! Мен урушга бораман! Тентакликми? Жуда-жуда. Уят эмасми? Майли.

Борарга жой, ўтирарга ўрин топмасам нима қилай? Кўнгил қитдай овунгиси, бошқа таассуротларга берилгиси келади. Икки йил аввал менда дунёдан тўйиш деган гап сира йўқ эди. Қарий бошладимми дейман?

www.ziyouz.com kutubxonasi

7 август.

Вагон ичида ўтириб ёзяпман. Ҳозиргина Воронеждан жўнадик. Эртага Каменскаяда поезддан тушаман. «Дин, подшоҳ ҳамда ватан учун» отланишга қатъий бел боғладим.

12 август.

Хайрлашиш маросими тантанали ўтди. Атаман ширакайф бўлиб олиб, алангали нутқ сўзлашга тушиб кетди. Кейин мен унинг қулоғига: «Роса аҳмоқ экансиз, Андрей Карпович!» — деб шивирладим. У ҳайрон қолди, гапимдан қаттиқ ранжиди, ҳаттоки, ранги ўзгариб, бетлари кўкариб кетди: «Ўқиган одамдан келадигани шу-да. Дарвоқе сиз, минг тўққиз юз бешинчи йилда биз қамчи билан савалаган ановиндақалардан эмасмисиз?» Мен унга, таассуфки, «ановиндақалардан» эмасман, деб айтдим. Отам йиглади, мени ўпа бошлади, бурнидан мишиғи оқиб турарди. Бечора меҳрибон ота! У ҳам менинг аҳволимга тушсайди. Мен унга ҳазиллашиб, бирга фронтга жўнашни таклиф этдим, унинг кайфи учиб кетди: «Сеники қизиқ-а, рўзғорга ким қарайди?»— деб ҳайқирди. Эртага станцияга жўнайман.

13 август.

Онда-сонда ўрилмай қолган буғдойзорлар. Тепачалар устида семирган юмронқозиқлар... Булар литографда босилган арзон баҳо суратдаги немисларга жудаям ўхшайди. Бундай суратларни Козьма Прутков масхара қилиб тоза боплаган эди. Буни қараки, дунёга келиб, математика ва бошқа аниқ фанларни ўқиб ўрганиб юраверибман-у, лекин бунчалик «шовинист» бўлишимни хаёлимга сира келтирмапман. Полкка етиб олай: казаклар билан бир гурунглашай.

22 август.

Аллақайси бир станцияда асирларнинг биринчи группасини кўрдим. Қадди-қомати келишган, спортсмен қиёфали австриялик бир офицерни соқчилар

www.ziyouz.com kutubxonasi

вокзалга ҳайдаб келдилар. Перронда санғиб юрган икки қиз офицерга кулиб боқди. У юриб кетаётган жойида эпчиллик билан уларга таъзим қилди ва учирма ўпиш юборди.

Асир тушиб ҳам соқол олишни тарк этмабди, қайтарма қўнжли сариқ кўн этиги йилтирайди, совлати жойида. Мен кетидан қараб қолдим: чеҳраси ёқимтойгина, келишган, чиройли йигит. Жангда шунақасига рўпара келсанг, қилич кўтаришга қўлинг бормас.

24 август.

Қочсқлар қочоқлар, сонсиз қочоқлар... Ҳамма йўллар қочоқлар ва солдатлар тушган поездлар билан банд.

Биринчи санитар поезди ўтди. Тўхтаган маҳалда вагондан ёшгина солдат сакраб тушди. Бетлари боғланган. Гаплашдим. Тўп ўқининг парчаси тегиб яраланган экан. Яна аскар бўлиб хизмат қилиши даргумон: кўзи шикаст ебди. Шу аҳволда кулади тағин.

27 август.

Мен ўз полкимдаман. Полк командири истараси иссиққина бир чол. Доннинг пастки ёғидан экан. Бу ерда қон ҳиди бемалол билиниб турибди. Миш-мишларга қараганда, индинга позицияга жўнасак керак. Учинчи сотняга қарашли менинг 3-взводимда Константиновская станицалик казаклар терилган. Ҳаммаси гўл. Биттагина аскиябоз ва ашулачи йигит бор, холос.

28 август.

Позицияга кетаётибмиз. Бугун ўша томондан гумбур-гумбур овоз келяпти. Гўёки, олисда момақалдироқ бошлангандек. Мен ҳатто, ёмғир ҳиди келмаяптими деб искаб ҳам кўрдим. Осмон тип-тиниқ, ойнадай мусаффо.

Кеча отим оқсаб қолди: ёнимиздан ўтиб бораётган кўчма ошхона ғилдирагига оёғини уриб олди. Ҳамма нарса бошқача, янги, нимадан бошлашни, нимани ёзишни билмай қолдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

30 август.

Кеча ёзишга вақт бўлмади. Ҳозир эгар устида ёзяпман. От қимирлаб чайқатавергани учун қаламим тойиб, ҳарфлар жудаям бесўнақай, ваҳимали бўлиб чиқяпти. Уч киши арқону чилвир олиб, йўнғичқа келтиргани боряпмиз.

Шу топда шерикларим йўнғичқа боғлашяпти. Мен эса бағримни ерга бериб, кечаги воқиаларни, кечикиб бўлса ҳам, «қайд» этяпман. Кеча вахмистр Толоконников олти кишини рекогносцировкага юборган эди. (У мени менсимай жўрттага «студент» деб чақиради! «Ҳой, студент, отингнинг тақаси кўчибди, шуни ҳам кўрмайсанми?».) Аллақандай чала куйган бир қишлоқчадан ўтдик. Кун иссиқ. Отлар ҳам терга пишган. Қазакларга ёзда ҳам мовут чалвар кийдирганлари яхши эмас-да. Қишлоқдан чиқаверишдаги зовур бўйида биринчи ўликни кўрдим. Немис экан. Оёғи тиззагача ариқда, ўзи чалқасига тушиб ётибди. Бир қўли қайрилиб тагида қолибди, иккинчи қўли билан бир обойма ўқни чангаллаб олибди. Ёнида милтиқ йўқ. Кўриниши жудаям ваҳимали. Ҳозир ўшани кўз олдимга келтирсам, аъзои-баданим жимирлашади... Уни кўрган киши: зовурга оёғини солиб, бир оз дам олмоқчи бўлиб ўтирган экан, кейин ётиб олибди, деб гумон қилади. Эгнида кул ранг мундир, ёнида каска. Касканинг чарм астари худди папирос қоғозининг тамакини тўсиб турадиган жойига ўхшаш жимжимадор. Умримда биринчи марта бундай манзарага рўпара бўлганлигим учун шу қадар эсанкираб қолибманки, ҳатто афтини ҳам эслай олмайман. Фақат сариқ пешонасида ва шишадек қотиб қолган қисиқ кўзлари устида ўрмалашиб юрган каттакон сариқ чумолиларни кўрдим, холос. Қазаклар чўқина-чўқина, мурда ёнидан ўтдилар. Мен мундирининг ўнг томонидаги қон доғига қарадим. Ўқ ўнг биқинига тегиб тешиб ўтибди. Ўқ ўпириб чиққан чап ёғига ўтганимда қон оқавериб, алламунча ер кўлоб бўлганини, мундирининг титиғи чиқиб кетганини кўрдим.

Сесканиб ёнидан узоқлашдим. Мана, уруш нималигини энди билдим...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Трундалей лақабли старший урядник, таъбимиз хира бўлганини пайқаб, руҳимизни кўтармоқ учун бемаза анекдот айта бошлади, лекин унинг ҳам лаблари қалтирарди...

Қишлоқдан ярим чақирим нарироқда аллақандай бир куйган заводни кўрдик, устлари қорайган ғишт деворлари қолибди, холос. Биз тиккасига кетаверишга қўрқдик, чунки йўл шу харобазор култепа ёнидан ўтарди, шунинг учун айланиб ўтишга қарор қилдик. Отларни четга бурдик, бирданига ўша томондан бизни ўққа тута бошладилар. Тарс этган биринчи ўқ овози сал бўлмаса мени эгардан учириб юборай деди (уят-э!). Эгар қошини маҳкам ушлаб, беихтиёр энгашиб олдим-да, жиловни силтадим. Биз ҳалиги немис ўлиги ётган зовур ёни билан келган томонмизга қараб қочдик, шошганимиздан қишлоғимиздан ҳам ўтиб кетибмиз. Сўнгра қайтдик. Отдан тушдик. Отларни икки кишига қолдириб, тўрттамиз ҳалиги зовур томон кетдик. Ҳаммамиз энгашиб олиб, зовур ичи билан юравердик. Олисданоқ ўлган немиснинг калта қўнжли сарғиш этик кийган оёқларига, букилган тиззаларига кўзим тушди. Мен, гўё, ухлаб ётган одам уйғониб қолмасин дегандай, нафасимни чиқармай, қўрқа-қўрқа ёнидан зўрға ўтдим. Остидаги кўм-кўк нам ўт топталиб қолибди...

Биз зовурга жойлашиб олдик; бир неча минутдан кейин куйган заводнинг харобалари орқасидан тўққизта немис отлиқ аскари тизилишиб чиқди... Мен уларни кийимидан билдим. Офицери олға ўтиб овози борича бир нима деб бақирди, отряд биз томонга от қўйди. Шерикларим мени, йўнғичқа боғлашга келиб қарашгин, деб чақиришяпти. Бориш керак.

30 август.

Мен қандай қилиб, умримда биринчи марта одамга қарата ўқ узганимни ёзиб тугатмоқчиман. Немис отлиқлари бизнинг устимизга от қўйган эдилар (ҳозир ҳам уларнинг кўкимтир мундирлари, ғадир-будур, ялтироқ мис тугмалари, воронка шаклидаги ялтироқ бош кийимлари, байроқча тақилган, лопиллаган найзалари кўз ўнгимдан кетмайди).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уланлар ҳаммаси қора тўриқ от минган. Мен, негадир, зовур бўйидаги дўнгликка қараган эдим, кичкина тилла қўнғизга кўзим тушди. Қўнғиз, назаримда ўсиб бора-бора баҳайбат махлуққа айланди Балои-азимдай ўрмалаб, чўп-чорларни ағдар-тўнтар қилиб, кесакка тиралган тирсагим ёнига келди, енгимга тармашди, бирпасда милтиқ устига ўрмалаб чиқди ва ундан қайиш тасмага ўтиб олди. Мен ундан кўзимни ололмай, анқайиб қолган эканман, Трундалейнинг: «Отмайсизми, бу нимаси?» деган овозидан чўчиб тушдим.

Мен тирсагимни ерга мустаҳкам тираб олдим, чап кўзимни қисдим, лекин юрагим ҳалиги тилла қўнғизга ўхшаб, борган сари шишиб кетаётганини сеза бошладим. Мўлжал рамасидаги кемтикдан кўкимтир кул ранг тусли мундирнинг қораси кўринар, милтиқ учидаги мушка дир-дир титрарди. Трундалей ёнимдан туриб ўқ узди. Мен тепкини босдим ва отган ўқимнинг визиллаганини эшитдим. Афтидан, мўлжални пастроқ олибман шекилли, ўқ сакраб-сакраб кесакларнинг чангини ўйнатиб юборди. Инсонга қарата отган биринчи ўқим шу эди. Мен мўлжалга олмасдан, олдимда нима борлигини кўрмасдан, обойманн батамом бўшатдим. Сўнгги марта затворни шарақлатиб кўрдим, ўқи тамом бўлгани хаёлимда ҳам йўқ, ана шундан кейингина немисларга қарадим. Улар бояги тартибни бузмай, кетларига қайтган эдилар. Энг кейинда офицер борарди. Тўққиз киши ҳаммаси бут, қора тўриқ офицер отининг сағриниси ҳамда бош кийимининг жездан қилинган ялтироқ учларини олисдан кўрдим.

2 сентябрь.

«Уруш ва тинчлик» романида шундай бир жой бор: Толстой бири-бирига ёв бўлган икки армия орасидаги чегара тўғрисида, яъни, тириклар билан ўликлар орасини ажратиб турган мажҳулият чизиғи тўғрисида гапиради. Николай Ростов хизмат этган эскадрон ҳужумга ўтиб от қўяди, ана ўшанда Ростов шу чизиқни фикран чамалаб кўради. Романнинг шу жойи бугун менга равшан бўлиб, қайта-қайта эсимга

www.ziyouz.com kutubxonasi

келаверди, чунки бугун тонг маҳалида биз немис гусарларига ҳужум қилган эдик... Уларнинг артиллерия билан яхши таъминланган қисмлари эрталабдан бери бизнинг пиёда аскарларимизни орқага суриб келмоқда эди. Мен солдатларимизнинг қоч-қочга тушганларини кўрдим, булар 241-ва 273-пиёда аскар полклари бўлса керак. Етарли даражада олдиндан артиллерия тайёргарлигини кўрмай туриб, икки полкни ноўрин ҳужумга солинганлиги натижасида, солдатлар душманнинг кучли ўқ бўронига дош беролмай, довдираб қолган-у, қарийб учдан бир қисмидан айрилиб қочган. Бизнинг пиёда аскарларимизни немис гусарлари қувиб келарди. Ана шу маҳалда ўрмонда, тор йўл бўйлаб жойлашган бизнинг резерв полкимиз ишга солинди. Тафсилоти худди шу бугунгидек эсимда. Биз саҳарда, соат иккидан ошганда Тишвичи қишлоғидан чиқдик. Тонг қоронғиси. Ҳамма ёқдан қарағай дарахтлари ва сули экинларининг ўткир ҳиди анқирди. Полк сотняларга бўлиниб борарди. Йўлдан чап томонга бурилиб экинзор орасидан кетдик. Отларимиз пишқириб қадам ташлашар, сулига тушган шудрингни туёқлари билан сачратишарди.

Устимизда шинель бўлса ҳам баданимиз увишарди. Полк далада узоқ сандирақлаб юрди, орадан бир соат ўтгандан кейин бир офицер от чопитириб келди-да, командирга штаб буйруғини топширди. Кекса командиримиз норози оҳангда команда берди, полк бурилиб, тўппа-тўғри ўрмонга кирди. Взвод колонналари тор йўлга сиғишмай тиқилиб қолган эди. Биздан чапроқда, қаердадир жанг бўлаётгани аниқ эшитиларди. Гумбурлашига қараганда, немислар бирталай тўпни ишга солганга ўхшарди. Тўп овозлари дамба-дам ўзгариб турарди; назаримизда худди шу тепамиздаги хушбўй қарағайнинг барглари ёнаётганга ўхшарди. Кун чиққунча қулоқларимиз диккайган эди. Сўнгра, «ура» деган бўшанг, аянчли бир овоз кўтарилди-ю, дарров жимиб қолди, тарилатиб кетма-кет ўқ чиқарган пулемётлар сукунат бағрини тешиб ўтди. Ўша дақиқада миям ғовлаб, нимани ўйлашни билмай қолган эдим; ўша онда кў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

зимга ҳалқа-ҳалқа саф тортиб ҳужумга кирган сонсиз-саноқсиз пиёда аскраларимиз равшан кўринди.

Чалпакнусха кўкимтир фуражка кийган, букчайган кул ранг гавдалар, оёқларидаги қўнжи калта солдатча қўпол этик билан кузакда ер шиббалаган бечоралар кўз олдимдан ўтар ва бу тер босган тирик одамларни қириб тутдек тўкаётган немис пулемётларининг хириллаган қаҳқасини эшитардим. Икки полк милтиғини ташлаб дув этиб қочган эди. Бир полк немис гусарлари уларни изма-из қувиб келарди. Биз немисларнинг ёнбош томонида, 300 саржин келадиган жойда эдик. Команда берилди. Кўз очиб-юмгунча сафдар-саф бўлдик. Инсонни жиловлаб олувчи «марш-марш!» сўзи қулоққа кирди-ю, ўқдек учиб кетдик. Отимнинг қулоғи чаккасига шу қадар қапишиб кетганки, назаримда қўл билан ажратиб бўлмасди. Қайрилиб қарадим — орқада полк командири билан икки офицер келяпти. Ана, тирик билан ўлик орасидаги чизиқ шу экан-да. Энг уччига чиққан телбалик мана шу экан!

Немис гусарларининг сафи бузилди, улар орқага қайтдилар. Юзбоши Черенцов менинг кўз олдимда немис гусарини қилич билан чопиб ташлади. Олтинчи сотнядан бир казак немисни қувлаганини, жазаваси тутиб унинг отига устма-уст қилич солганини кўрдим. Ҳар қилич солганда отнинг сағрисидан бир парча териси кўчиб тушарди... Йўқ, чидаб бўлмайди! Бунга нима деса бўлади! Қайтиб келганимиздан кейин, мен Черенцовни кўрдим: ҳозир у от устида эмас, одам ўлдириб келиб, мана энди бемалол преферанс[1] ўйнамоқда. Афт-ангори жойида, хаёли картада, димоғи чоғ. Юзбоши Черенцовдан ҳали кўп иш чиқади. Истеъдодли одам!

4 сентябрь.

Биз дам оляпмиз. 2-корпуснинг 4-дивизияси фронт томон силжимоқда. Кобилино деган жойда турибмиз. Бугун эрталаб 11-кавалерия дивизиясининг қисмлари, ҳамда урал казаклари биз турган

---

[1] Преферанс — карта ўйини. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

жойдан ўтиб кетдилар. Ғарб томонда жанг кетяпти. Узлуксиз гумбур-гумбур. Тушлик овқатдан кейин госпиталь ёнига бордим. Мен борган замон аравларда ярадорларни келтиришди. Санитарлар тўрт ғилдиракли бир аравадан ярадорларни олаётиб, бемалол кулишяпти. Яқинларига бордим. Новча, чўтир солдат санитар ёрдами билан аравадан тушаркан гоҳ додлайди, гоҳ илжаяди. «Мана, кўрдингми, казак бола,— деди менга у,— орқамнинг дабдаласини чиқаришди. Бир эмас, тўртта питра тегди-я». Санитар ундан «Тўп ўқи орқа томонингизда портладими?» деб сўради. «Орқа томонда эмас, ўзим орқамни қилиб ҳужумга кирган эдим». Уйчадан тиббий ҳамшира чиқди. Мен унга қарадим-у, аъзойи-баданим қалтираб аравага суяниб қолдим. Елизаветанинг худди ўзгинаси-я. Кўзу қош, юзу бурун, сочлар — ҳаммаси ўшаникидай. Ҳаттоки, овози ҳам ўхшайди. Ёки менга шундай туюлдимикин? Энди дуч келган хотинни Лизага ўхшатаверсам ажаб эмас.

5 сентябрь.

Куну тун отларни арқонлаб боқиб чиқдик, ҳозир мен яна от боқишга бораман. Шалоғим чиқиб, адойитамом бўлдим. Трубач от эгарлашга сурнай чаляпти. Шу топда трубачни жон деб отиб ташлардим-да!..»

* * *

Сотня командири полк билан алоқа боғлаш учун Григорий Мелеховни штабга юборди. Яқиндагина жанг бўлган жойдан ўтиб бораётган Григорий катта йўл бўйида ётган бир казакнинг ўлигини кўрди. Ўлик малла сочли бошини от туёқлари остида ўйилиб кетган тош йўл устига қўйиб ётар эди. Григорий отдан тушди, бурнини чирт юмиб (мурдадан димоғни ёрадиган даражада қўланса ҳид келарди), ёнларини кавлади. Чалварининг чўнтагидан мана шу дафтарча, сафсар қалам қолдиғи ва ҳамёни чиқди. Ўқдонини белидан ечиб олди, кўз қири билан оқарган юзига қараб қўйди; бетлари илвиллаган, ирий бош-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаган эди. Икки чаккаси ҳамда қаншар атрофи ҳўл, духоба сингари қорайиб кетган, пешонасидаги жонсиз ва ўйчан ажинлар қоп-қора чангга тўлган эди.

Григорий ўликнинг чўнтагидан чиққан батист дастрўмол билан юзини ёпди ва орқасига қараб-қараб штабга жўнади. Дафтарчани штабдаги мирзаларга топширди, мирзалар йиғилишиб уни қайта-қайта ўқидилар, бировнинг калта умри ва дунёвий завқларини майда қилиб тоза кулдилар.

XII

11-отлиқ дивизия Лешнювни ишғол этгандан кейин Станиславчик, Радзивиллов, Броди шаҳарларидан жанг билан ўтди ва 15 августда Каменка-Струмилово шаҳари ёнида ясов тортди. Унинг орқасидан армия келмоқда, энг муҳим стратегик участкаларга пиёда аскарлар тўпланмоқда, чорраҳа жойларга штаблар ўрнашмоқда ва аравалар тизилишмоқда эди. Фронт болтиқ денгизидан тортиб, худди сиртмоқ сингари чўзилган эди. Штабларда кенг миқёсда ҳужум бошлаш плани ишланмоқда, генераллар картадан бош кўтармас, ординарецлар жанг тўғрисидаги буйруқларни ташиб, отдан тушмасдилар, юз минглаб солдат ўз ажалини қидириб йўлга чиққан эди...

Душман отлиқ аскарларидан иборат йирик бир қисм шаҳар томон силжий бошлади, деган хабарни разведкачилар келтириб турарди. Йўл ёқасидаги дарахтзорларда отишмалар бўлар, посбонликда юрган казаклар душман разведкалари билан тўқнашиб жанг қилишарди.

Григорий Мелехов акаси билан хайрлашгандан бери хаёлпарастлик касалидан қутулиш ва аввалги димоғи чоғ ҳолатига қайтиш учун шунчалик ҳаракат қилса ҳам иложини тополмади. Запасдан келган сўнгги сотняни полкка қўшдилар: булар ҳаммаси учинчи навбатдаги казаклар эди. Шулардан бири — Казанская станицалик Алексей Урюпин деган казак Григорийнинг взводига қўшилди. Урюпин гавдаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

сал букчайган, остки жаги катта, қалмоқчасига мўйлов қўйган новча одам эди; унинг чақнаган, дадил кўзлари доим кулиб турар, қаримай туриб, тепа сочи тўкилиб, боши йилтираб қолган, тап-тақир дукки бошининг икки чаккасида сийраккина малла сочлари ҳурпайиб турарди, холос. Казаклар дастлабки кунданоқ унга Кокилдор деган лақаб қўйиб олишди.

Броди ёнида бўлган жангдан кейин полкка бир сутка дам берилди. Григорий Кокилдор билан бир уйга тушган эди. Иккиси гаплашиб қолдилар.

— Сен, Мелехов, қандайдир, ивиган латтага ўхшайсан.

— Латтага?— деб қовоғини солди Григорий.

— Касалманд одамга ўхшаб карахт бўлиб юрасан,— деб тушунтирди Кокилдор.

Иккиси отларига ем едираётиб, охур ёнида гурунглашар, кўҳна деворга суяниб тамаки чекишарди. Кўчада тўртта-тўрттадан бўлиб ўтаётган гусарлар кўринар, ҳали ташиб олинмаган ўликлар девор тагларида ётарди (австрияликларни суриб чиқилаётганда шу чет ёқа кўчаларда жанг бўлган эди), ўт кетган синагоганинг[1] харобалари остидан қўланса тутун бурқсаб чиқарди. Ранг-баранг тусга кириб товланган кун ботиш пайтида шаҳар харобалари хунук манзара ташкил қилган эди.

Григорий Кокилдорга қарамасдан:

— Мен касал эмасман,— деди-да, тупуриниб олди.

— Бекор айтибсан! Кўриб турибману!

— Нимани?

— Сени ваҳима босяпти, мишиқи? Ўлимдан қўрқяпсанми?

— Сенда эс йўқ,— деди Григорий киноямуз, сўнгра кўзларини қисиб тирноқларига қараб қолди.

Кокилдор ўсмоқчилаб Григорийнинг юзига қаттиқ тикилди-да, дона-дона қилиб:

— Айт-чи: сен одам ўлдирдингми?— деб сўради.

— Ўлдирдим. Хўш?

---

[1] Синагога — яҳудийлар ибодатхонаси. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қўнглинг беҳузурми?

— Беҳузур?—деб мийиғида кулди Григорий.

Қокилдор қиличини қинидан суғуриб олди.

— Бошингни шартта узиб олайми?

— Иннайкейин-чи?

— Ўлдираман ташлайман, пинагимни ҳам бузмайман, менда раҳмдиллик йўқ!— Қокилдорнинг кўзлари кулиб турарди, бироқ, Григорий унинг овозидан, бурун катакларининг йиртқич ҳайвонларникидай титраб туришидан жиддий гапираётганини тушунди.

Григорий Қокилдорнинг башарасига қаттиқ тикилиб:

— Сен ваҳший, тентак одамсан,— деб қўйди.

— Сенда юрак деган нарса йўқ экан. Баклановчасига қилич солишни биласанми? Қараб тур!

Қокилдор боғчада ўсган қайин дарахтлардан кексасини топди-да, кўзи билан мўлжалга олиб тикка бораверди. Ҳар кафти куракдай келадиган серпай ва узун қўллари қимир этмай осилиб қолган эди.

— Қара!

У қилични секин кўтариб, чўнқайиб олиб, хирсдай куч билан қиясига шартта қилич солди, ердан икки газ баландроқ жойидан чўрт кесилиб тушган дарахт қулар экан, шохлари билан ойнасиз дераза рамларига илина-илина, деворни тирнаб, ниҳоят, ерга йиқилди.

— Кўрдингми? Ўрганиб ол! Бакланов деган атаман ўтган, эшитганмисан? Қиличининг ариқчасига симоб қуйдирган, унча-мунча одам кўтариб бўпти, аммо бир ҳамла билан отни икки нимта қилиб ташлайверган. Ана!

Григорий қилич уришнинг мураккаб усулини анчагача ўргана олмади.

— Ўзинг бақувватсан-у, қилич солишга сира шудинг йўқ. Мана бундай қилиш керак,— деб ўргатарди Қокилдор. У нимани мўлжалласа, қиличи қиялаб бориб чўрт кесиб ташларди.

— Одамни тап тортмай чопавер. Эти юмшоқ бўлади, хамирдай,—деб ўргатарди Қокилдор кўзлари билан кулиб.— Сен, нега, нечук деган гапларни хаё-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лингга ҳам келтирма. Сен — казаксан, сенинг вазифанг суриштирмай чопиб ўлдиравериш. Жангда душманни ўлдирсанг ғози бўласан. Ҳар бир ўлдирган одаминг учун худо битта гуноҳингдан ўтади, илон ўлдириш ҳам савоб. Ҳайвонот жинсини айтайлик, бузоқни ёки бошқа жониворни бекордан-бекорга ўлдириб бўлмайди, лекин одамни қиравер. Энг ҳаром нарса — одам... Фалокатнинг нақ ўзи, ер юзини ифлос қилади, холос, шунғиядан бадтар.

Григорий эътироз билдирмай қовоғини чимириб, чурқ этмай туравердн.

Григорий отларнинг Кокилдордан ҳуркишини сезиб ҳайрон бўла бошлади. Агар у охур ёнига келса, отлар қулоқларини чимириб, гўёки одам эмас, бирон ҳайвон келаётгандай, бир ерга тўпланиб олишарди. Станиславчикнинг ёнидаги ўрмонзор ва ботқоқлик жойлардан ҳужумга ўтишда казаклар отдан тушишга мажбур бўлдилар. От етакловчилар отларни жиловидан ушлаб, панароқ жойга ўтдилар. Ўшанда Кокилдорга ҳам от етаклаш навбати келган эди, бироқ у бу ишдан бош тортди.

— Урюпин, бу нимаси, итвачча, нега қийшонглайсан? Нега отларни олмайсан?— деб ўдағайлади унга взвод уряднигн.

— Мендан от ҳуркади. Худо урсин!— деди у куланғич кўзларини опқочиб.

У бирон марта от етакловчи бўлган эмасди. Лекин ўз отига яхши қарар, ҳамиша силаб-сийпаб турарди, шунга қарамай, ҳар сафар у отининг олдига борганда, ҳатто, у икки қўлини икки ёнига қилиб қимирлатмаса ҳам оти типирчилай бошлар, сағрисию орқаларини титроқ босиб кетарди, бунга Григорий доим разм солиб юрарди.

— Ҳой, тавия, нега сендан отлар безиллайди?— деб сўради бир куни Григорий.

— Ким билсин;— Кокилдор кифтини қисди.— Отга жуда раҳмдилман.

— Маст одамнинг оғзидан ҳиди келиб туради, шунинг учун от қўрқади, сен соппа-соғсан.

— Мен тош юракман, отлар буни сезади.

— Сен бераҳм одамсан, бир ҳисобда, сенда

www.ziyouz.com kutubxonasi

юрак нима қилсин унинг: ўрнида тош бўлса, ажаб эмас.

— Балки шундайдир,— деб дарҳол кўна қолди Кокилдор.

Каменка-Струмилово шаҳри ёнида учинчи взводнинг барча казаклари взвод офицери билан рекогносцировкага чиқдилар: бир кун олдин душман тарафидан қочиб ўтган чех, австрия қисмлари қаерда жойлашганини, ҳамда Гороши-Ставинцкий линияси бўйлаб қарши ҳужум бошлашга мўлжалланганини қўмондонликка хабар қилди; шунинг учун душман қисмлари келадиган йўлни кечаю кундуз қаттиқ назорат остига олиш талаб этиларди: взвод офицери шу мақсадда взвод урядниги билан тўрт казакни ўрмон четига қўйди-да, ўзи қолган одамлар билан тепа орқасидан кўринган черепица томлик аллақандай якка иморат томон жўнади.

Ўрмон ёқасидаги мезанаси найзалик кичкина ибодатхона ёнида Григорий Мелехов, урядник, ёш казаклардан — Силантьев, Кокилдор ва Мишка Қошевойлар қолди.

— Йигитлар, отдан тушинглар,— деб буюрди урядник.— Қошевой, сен отларни ҳув анови қарағайлар орқасига олиб ўт, ҳа-ҳа, ўша қалин қарағайзорга.

Қуриб синган қарағай тагида казаклар ёнбошлашиб тамаки чакишар, урядник дурбинни кўзидан олмасди. Улардан икки юз қадам чамаси нарироқда ўриқсиз қолиб дони тўкилиб кетган буғдойзор тўлқинланарди. Донини шамол учириб кетган пуч бошоқлар букчайиб, ҳасратлашаётгандай шитирлашарди. Казаклар, гурунглашиб ярим соатча ётдилар. Тўхтовсиз отилаётган тўп овозлари шаҳарнинг ўнг томонидан гумбурлаб эшитиларди. Григорий ўрмалаб экинзорга кирди, дони тўлиқ бошоқлардан териб олди-да, увалади ва пишиб, тошдай қотиб кетган донларни чайнай бошлади.

— Австрийцлар!— деди шивирлаб урядник.

— Қани?— деб сўради Силантьев энтикиб.

— Ана, ўрмондан чиқишяпти. Ўнг томонга қара!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир тўп отлик бир чеккадаги ўрмончадан чиқиб келаверди. Улар тўхташиб, чакалакзор орасидаги кенг далани кўздан кечириб, сўнгра, казаклар томон келавердилар.

— Мелехов!— деб чақирди урядник.

Григорий қарағай тагигача эмаклаб борди.

— Яқинроқ келтириб туриб бараварига ўқ узамиз. Йигитлар, милтиқларингни шайлаб тур!— деб шивирлади ҳовлиққан урядник.

Отлиқлар ўнгроқдан от солиб секин-аста келишарди. Тўрт казак қарағай тагида нафас чиқармай тек ётарди.

— ...аухт, капрал!— деган қўнғироқдай товушни шамол учириб келди.

Григорий бошини сал-пал кўтариб қаради: кўксига шнур боғич тикилган, чиройли куртка кийган олтита венгр гусари зич бўлиб келмоқда эди. Катта қора от минган, карабин ушлаган энг олдиндаги гусар пастак овоз билан дўриллаб куларди.

— Бос!— деди урядник.

Пақ-пақ-пақ!— ўқлар бараварига отилди.

Тақ-туқ-тақ!— деган акс садо орқа томондан келди.

— Нима гап?— Чўчиб қичқириб юборди қарағайзор, орқасидаги Кошевой ва отларга ўшқирди.— Тррр, бадбахт! Қутурдингми? Так-э, ҳароми!— Унинг овози дадил, қаттиқ эшитиларди.

Гусарлар тўзишиб, экинзор ичи билан қочишга тушдилар. Ҳалиги семиз қора от миниб келаётган гусар осмонга ўқ узарди. Энг кейинда қолган биттаси отнинг бўйнига энгашиб, ҳадеб орқасига қаранар, чап қўли билан шапкасини ушлаб чопарди.

Энг аввал Кокилдор ирғиб турди, милтиқни ўрта белидан ушлаб буғдой поялари орасида туртина-туртина олға югурди. Юз саржин чамаси нарида йиқилган от, оёқларини типирлатиб, тепиниб ётарди, унинг олдида бош яланг венгр гусари лат еган тиззасини уқалаб турар эди. Казаклар тепасига келиб етмаёқ, у олисдан бир нима деб бақирди-да, қўлларини кўтариб тураверди, у узоқда кетаётган ўртоқларига қараб-қараб қўярди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу ҳодиса шу қадар тез рўй бердики, Кокилдор асирни қарағай тагига ҳайдаб келгандагина Григорий эс-ҳушини тўплаб олди.

Кокилдор қўполлик билан асирининг қиличини юлқиб:

— Қани, еч буни?— деди.

Асир шошиб қолганидан нима қилишини билмай илжаярди. У жон деб камарини еча бошлади, бироқ қўллари қалтираб камарбандини бўшатишга келмай қолди. Григорий авайлаб унинг камарини ечиб берди, ўшанда бўйдор, лўппи юз, мўйсиз лабининг бурчида зиғирдай сўгали бўлган ёшгина гусар унга миннатдорлик изҳор қилгандай бош қимирлатиб илжайди. У ўз яроғидан қутулгани учун суюнгандай бўлди, казаклардан кўзини олмай, чўнтагини кавлаб чармдан қилинган тамаки халтасини олди, бирнималар деб чулдураб, имо-ишора билан чекишга таклиф этди.

— Сийлаяпти,— деб кулди урядник, қоғоз ахтариб чўнтагига қўл суқар экан.

— Текин тамакини чекиб қол!— деб хохолади Салантьев.

Казаклар тамаки ўраб чекдилар. Трубкада чекиладиган ўткир тамакининг қора тутуни дарҳол мияга урди.

— Милтиғинг қаерда қолди?— деб сўради ютоқиб тамаки тортаётган урядник.

— Мана, милтиғи,— деди Кокилдор елкасига осиб олган милтиқнинг сариқ қайишини кўрсатиб.

— Буни штабга олиб бориш лозим. Штабдагилар учун «тилчи» жуда зарил бўлса керак. Ким ҳайдаб боради, йигитлар?— деб сўради йўтали тутган урядник, бақрайган кўзлари билан казакларга бир-бир қараб.

— Мен олиб бораман,— деди Кокилдор талабгор бўлиб.

— Ҳайда бўлмаса.

Авзойига қараганда асир тушунди шекилли, лабларини қийшайтириб аянчли тарзда илжайди; ўзини босиб олди, шошиб-пишиб чўнтагини ағдариб, эзил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган ҳўл шоколадни казаклар қўлига тутқиза бошлади.

— Русин их... русин... нихт австриц!— деб чулдурарди. Сўзларни бузиб-бузиб талаффуз этар, кулгили имо-ишоралар қилар, ҳамон казакларга эзилган хушбўй шоколадни узатиб турарди.

— Бошқа яроғинг борми?— деб сўради урядник.— Сен бекорга чулдурайверма, барибир гапингга тушунмаймиз. Ливорверт бор? Пақ-пақ бор?— Урядник бармоғи билан тепки босиш ҳаракатини қилиб кўрсатди.

Асир жон-жаҳди билан бош чайқади.

— Йўқ! Йўқ!

У ҳамма ёғимни тинтий беринглар дегандай ишора қилди. Унинг лўппи бетлари титрарди. Шимининг тиззасидаги йиртиқдан қон оқар, қизғиш баданининг шилинган жойи кўриниб турарди. У ҳадеб дастрўмолини жароҳатига босар, юзини буриштирар, лабини чапиллатиб тинмай гапирарди. Шапкаси ўлган отининг ёнида қолган эди, ўша ерга бориб кўрпача, шапка, ҳамда хотира дафтарини олиб келишга рухсат сўрарди, дафтарчада қариндош-уруғларининг сурати бор, ахир! Урядник унинг нима деяётганини тушунишга ҳарчанд уринса ҳам тушунолмади, кейин умидини узиб қўл силтади-да:

— Ҳайда!— деди.

Қокилдоқ Кошевойдан ўз отини олиб минди ва милтиқ қайишини тузатаётиб қўл билан имо қилди:

— Қани юр, аскар бола, сениям уришади деб юборишган-да, вой онайи-зор-эй!

Унинг кулганига эриб асир ҳам илжайди, ҳатто, от ёнида кетаётиб, Қокилдорни менсимагандай, болдирига хушомадгўйлик билан қоқиб қўйди. Лекин у жаҳл билан қўлини силтаб ташлади, от жиловини тортди-да, уни олдига солиб олди.

— Юр, доғули! Ҳали мен билан ўйнашмоқчимисан?

Асир ўз айбини сезгандай шошқалоқлаб қолди, ҳазилни йиғиштириб, орқада қолган казакларга дамба-дам қараб, йўлга тушди. Унинг оқ малла жингалак сочлари диккайиб турар эди. Қиёфа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

си — елкага ташлаган гусарча гулдор курткаси, ҳурпайиб турган оқ малла сочлари, дадил ва шахдам қадам ташлашлари — Григорийнинг миясига маҳкам ўрнашиб қолди.

— Мелехов, отнинг эгар-жабдуғини опкел,— деб буюрди урядник ва бармоқларини куйдира бошлаган папирос соб бўлгани учун ачина-ачина, туфлаб ўчирди.

Григорий ўлган отнинг эгарини олди, ўша ерда ётган шапкани негадир қўлга олиб қаради. Астарини ҳидлаб кўрди, арзон баҳо совун ва тер ҳиди димоғига урилди. Эгарни қўлтиқлаб, гусарча шапкани авайлаб ушлаб қайтди. Казаклар қарағай тагида чўнқайиб олиб сумкаларини титкилашар, умрларида кўрмаган ғалати эгарни томоша қилишарди.

— Тамакиси яхши экан, яна бир чеким сўраб олсак бўлар эди, аттанг,— деб ачинарди Силантьев.

— Рост айтасан, яхши экан.

— Бирам ширинки, томоқни қирмай ёғдай ўтиб кетаверади...— Урядник хўрсиниб, тупугини ютди.

Орадан бир неча минут ўтгач, қарағай орқасидан от тумшуғи кўринди. Кокилдор қайтиб келди...

— Хўш?— урядник ҳадиксираб ирғиб ўрнидан турди.— Қочирдингми?

Кокилдор қамчисини ликиллатиб яқинроқ келди-да, отдан тушди, керишиб олди.

— Австрийцни нима қилдинг?— деб сўради урядник унинг устига бостириб келиб.

— Мунча ўдағайлайсан?— деб баланд келди Кокилдор.— Қочди... қочиб қутулмоқчи бўлди...

— Қочириб юбордингми?

— Йўлга чиқдик, бирданига у жуфтагини тўғрилаб... Чопиб ташладим.

— Ёлғон! Ёлғон!— деб бақирди Григорий.— Бекордан-бекорга ўлдиргансан!

— Нега шовқин кўтарасан? Нима ишинг бор?— Кокилдор қонга тўлган кўзларини Григорийга тикди.

— Ни-ма-а-а?— Григорий секин ўрнидан турди ва қалтироқ қўллари билан ёниверини тимирскилай бошлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Даҳлинг бўлмаган ишга аралашма! Тушундингми, а? Аралашма!— деди узил-кесил қилиб Кокилдор.

Григорий милтиқ қайишига чанг солиб, уни кифтига олиб ўхталди.

Унинг бармоғи қалтираб тепкини топа олмас, ранги қув ўчган, юзлари тиртишиб кетган эди.

Урядник ҳай-ҳайлаганича Григорий томон югурди:

— Ҳаддингдан ошма-а!

Ўқ узилмасдан бурун урядник уни туртиб юборди. Ўқ қарағай шохларини шитирлатиб, «шув» этиб кетди.

— Бу нимаси ахир!— деб бақирди Кошевой.

Оғзи очилиб қолган Силантьев, анграйганича ўтирарди.

Урядник Григорийнинг кўкрагидан итариб, қўлидан милтиғини тортиб олди, ёлғиз Кокилдор пинагини бузмай, оёқларини кериб, чап қўлини камарига қилиб, боягисича жим турарди.

— Тағин от.

— Ўлдираман!..— деб юлқинди Григорий.

— Сизларга нима бўлди?.. Бу нимаси? Судга тушмоқчимисиз, отилгингиз келдими? Яроғни олиб қўй!..— деб бақирди урядник. У Григорийни итариб ташлаб, қўлларини кериб икковининг орасига кирди.

— Ёлғон, ўлдиролмайсан!— деб мийиғида кулди Кокилдор керилган оёғини ликиллатиб.

Қош қорайиб, орқага қайтиб келаётганларида Григорий ўрмон ичида йўл устида ётган ўликни кўрди. Бошқалардан олдинроқ от чоптириб борди, пишқирган отининг жиловидан тортиб мурдага тикилди: у барра кўкат устида, қўлларини кериб, юзини кўкат устига қўйиб, мукка тушиб ётарди. Кузги ялпоқ каби сарғайиб кетган кафти ўт устида йилтиллаб кўринарди. Даҳшатли зарб — афтидан, орқа ёғидан солинган қилич зарби асирни кифтидан то белига довур қиясига икки нимта қилиб ташлаган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Урядник ўлик ёнидан ўтаркан, унинг қийшайиб қолган бошига, ҳурпайган оқ малла сочларига қўрқа-писа кўз қирини ташлаб:

— Нобуд қилибди-да,— деб қўйди.

Қазаклар ўз қисмлари турган жойга етгунча чурқ этмадилар. Қоронғи туша бошлаган, шамол ғарб томондан қора-қуроқ булутларни ҳайдаб келарди. Ботқоқликнинг аллақайси ёғидан ачиган қора балчиқ иси, чириган нарсаларнинг, заҳоб тупроқнинг қўланса ҳиди келарди; олисда сув буқаси бўкирар эди. Жабдуқларнинг шиқирлаши, қиличнинг узангига тегиб бехосдан тарақлаши ёки от туёқлари остидаги қарағай шохларнинг қисирлагани сукунатни бузиб турарди. Ботган қуёшнинг йўл устидаги қарағай таналарига тушган шуъласи сўниб бормоқда эди. Қокилдор устма-уст тамаки чекарди. Милтиллаган чўғ шуъласи цигаркани маҳкам қисган қоп-қора қубба тирноқли йўғон бармоқларини ғирашира ёритарди.

Булут ўрмон устини қоплаб келар, оқшом пайтининг таърифлаб бўлмайдиган хазин ва ғамгин манзарасини янада маъюс тусга киргизиб кўрсатарди.

XIII

Шаҳарни ишғол этиш операцияси эрта саҳардан бошланди. Икки қаноти ва орқа томонида отлиқ аскарлар турган пиёда қисмлар, тонг отар маҳалида ўрмон томондан ҳужум бошлашлари керак эди. Аллақаерда ишкал чиқиб, икки полк пиёда аскар ўз вақтида етиб келолмади; 211-ўқчи полк чап қанотга ўтиш тўғрисида буйруқ олди; иккинчи бир полк айланиб ўтаётганда ўз артиллерияси билмасдан уни тўпга тутди; мисли кўрилмаган тартибсизлик рўй бериб, бош-бошга қовушмай, планлар барбод бўлди, ҳужумчилар батамом қирилмаганда ҳам, ҳужум муваффақиятсиз тугаш хавфи остида қолди. Пиёда аскарлар сафларини бошқатдан тузатиб олгунча, кимнингдир буйруғи билан кечаси ботқоқ йўлдан юрган тўп ва тўпхоналарни артиллеристлар лойдан чиқариб олгунча, 11-дивизия ҳужумни бошлаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

юборди. Бутун теварак-атроф ўрмонзор ва ботқоқликдан иборат бўлгани учун душманга кенг миқёсда ҳужум қилишнинг иложи топилмади, ҳатто баъзи участкаларда бизнинг отлиқ аскарларимиз взвод-взводга бўлиниб ҳужум қилишга мажбур бўлдилар. 12-полкнинг тўртинчи ва бешинчи сотнялари резервда қолдирилган, қолганлари ҳужумга кирган эдилар. Орадан чорак соат ўтгач, ваҳимали гумбурлашлар бошланди, оламга ларза солувчи ҳайқириқ садоси орқада қолганларнинг қулоғига етиб келди.

«— Ррра-а-а-а-р-а-а-а-ррр-а-а-а!..»

— Бизникилар қўзғалди!

— Югуришди.

— Пулемётнинг тариллашига қулоқ сол!

— Бизникиларни қираётган бўлса керак...

— Жим бўлиб қолишдими, а?

— Афтидан, яқинлаб қолишди.

— Биз ҳам насибадан қуруқ қолмасмиз,— деб қўйишарди ора-сира казаклар.

Казак сотнялари ўрмон ичидаги сайхон жойда кутиб туришарди. Тикка ўсган қарағайларнинг баландлигидан кўз тиниб кетарди. Казакларнинг ёнларидан бир рота солдат шипиллаб ўта бошлади. Ихчам кийинган олифтанамо фельдфебель орқароқда қолиб, энг сўнгги қаторларни ёнидан ўтказар экан:

— Орани бузма!— деб бақириб қўйди.

Рота сувдонларини тарақлатиб, чакалакзор ичига кириб кетди.

Жуда олисда, чуқурликдаги дарахтзорнинг орқа томонидан келган сурон садоси тобора узоқлашиб, секинроқ эшитиларди: «Рр-а-а-а-а-а-уррр-ррра-а-а!.. А-ҳа-ҳа-а!..» Ҳайқириқ бирданига тўхтаб қолди. Юракни ғаш қиладиган даҳшатли сукунат чўкди.

— Ана, энди бориб етишди!

— Ағдар-тўнтар, санч-санч бошланди.

Казаклар бутун диққатини тўплаб қулоқ солишар, бироқ чурқ этган овоз келмасди. Ўнг қанотдаги ҳужумчиларни австрияликлар артиллерияси тўпга тутаётгани эшитилар, пулемётларнинг жағи тинмас, қулоқни тешкудай бўлиб тарилларди.

Григорий Мелехов взводидаги шерикларига разм

www.ziyouz.com kutubxonasi

солиб қаради. Қазаклар асабийлашар, отлар худди сўна талагандай безанглашарди. Кокилдор фуражкасини эгар қошига илиб қўйиб кўкарган ярғоқ бошини артарди, Григорийнинг ёнида турган Мишка Кошевой энтикиб-энтикиб, махорка тутунини ичига ютарди. Теварак-атрофдаги ҳамма нарса аслидагидан каттароққа ўхшаб, кўзга равшан кўринарди; кўпинча туни билан ухламай чиқилганда шу аҳвол рўй беради.

Қазак сотнялари уч соат чамаси резервда туриб қолди. Отишма гоҳ пасаяр, гоҳ яна авжига чиқарди. Аллақандай бир аэроплан тариллаб учиб келди-да, уларнинг тепасида бир неча марта давра қилди. Ўқ етмас баландликда айлана-айлана, тобора юқорилашиб шарқ томонга учиб кетди; ундан пастроқда, кўм-кўк осмон бағрида ёрилган шрапнелларнинг оқиш тутини бирданига ёришиб кетарди: зенит тўплар аэропланни ўққа тутган эдилар.

Тушга яқин резервни ишга солишди. Гусар ординарец от чоптириб келганда махорқалар тамом бўлган, казаклар кутавериб роса хуноб бўлган эдилар. Ўша заҳотиёқ тўртинчи сотня командири казакларни йўлга олиб чиқди-да, аллақайси гўрга бошлаб кетди (Григорийнинг назарида орқа томонга қайтгандай бўлишди). Йигирма минут чамаси чакалакзор ичидан юриб боришди: сафлари бузилган эди, жанг сурони, отишмалар борган сари аниқроқ эшитиларди; шу яқин орадаги аллақандай бир батарея орқа томондан устма-уст ўқ узарди, тўп ўқлари қалдираб, ҳавони ёриб казаклар тепасидан гувиллаб учиб ўтарди. Ўрмонда адашиб бўлиниб кетган казаклар, ниҳоят, тартибсиз ҳолда очиқ жойга чиқиб олдилар. Улардан ярим чақирим нарироқ жойдаги рус тўпчиларини венгер гусарлари қилич билан қирмоқда эди.

— Сафга тизилинг!

Қазаклар сафга тизилиб улгурмасданоқ:

— Қилични суғур, ҳужумга марш!— командаси берилди.

Кўкиш рангдаги қиличлар ялт-юлт қилиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Казаклар қамчи босиб, отларини қушдек учириб боради.

Энг четдаги тўпнинг отлари ёнида олтитача венгер гусари ўралашарди. Уларнинг бири ҳурккан асов отларни жиловидан тортиб судрар, иккинчиси қилич билан уриб ҳайдар, қолганлари отдан тушиб, тўпни жойидан қўзғатмоқчи бўлиб ғилдирак кегайларига ёпишган эдилар. Думи чўлтоқ жийрон бия минган офицер четроқда от ўйнатиб буйруқ бериб турар эди. Венгерлар казакларни кўрди дегунча, тўпни ташлаб қочишди.

Отнинг чўзилиб ташлаган ҳар қадамини Григорий: «Шун-дай, шун-дай, шун-дай!» деб хаёлан санаб борарди. Бирданига у оёғи узангидан чиқиб кетганини, эгарда омонат ўтирганини пайқади, юрагини ваҳима босиб оёғи билан узангини қидира бошлади; энгашиб туриб узангини топди-да, оёқ учига илиб олди, бошини кўтариб тўпга қўшиғлиқ турган олти отни кўрди; ҳайдовчиси чопиб ташланган, олдинги отнинг бўйнини қучоқлаганича қолган, кўйлаги қонга бўялган, миясининг қатиғи чиқиб кетган эди. От жонсиз танани ғирчиллатиб босиб ўтди. Тўнкарилиб тушган ўқ яшигининг ёнида яна икки тўпчи ётарди, учинчиси чалқанчасига тўп шотиси устига қулаган эди. Силантьев Григорийдан ўзиб кетди. Думи чўлтоқ бия минган венгер офицери уни тикка отиб ташлади. Силантьев бир сапчиб турди-да, кўмкўк осмонни ушлаб қолмоқчи бўлаётгандай, қўлларини ўйнатиб ағдарилди... Григорий қилич солишга қулайроқ томондан етиб боришини кўзлаб, от жиловини силтади, лекин офицер унинг ниятини фаҳмлаб ўқ узди. У тўппончасидаги ўқни батамом Григорийга отиб тугатди-да, қиличини суғурди. Офицер қиличбозликда усталигидан, Григорийнинг зарбини уч карра осонгина даф қилди. Григорий лабларини қийшайтириб, узангига оёқларини тираб ғоз турган ҳолда, тўртинчи марта ҳамла қилди (иккиси ёнма-ён учиб боришарди, офицернинг соқоли олинган, қони қочган таранг бетларига ва мундир ёқасига тикилган номерига Григорийнинг кўзи тушди), ёлгондакасига тепадан қилич солмоқчи бўлиб венгрни

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғафлатда қолдирди-да, шартта қилич учини тиқиб олди, иккинчи зарба гарданига — умуртқа суяги туташган жойга келиб тушди. Венгер офицерининг қилич ушлаган қўли бўшашиб жиловни қўйиб юборди, илон чаққандай буралиб кўксини кериб қаддини ростлади, сулайиб эгар қошига йиқилди. Григорий ўз устидан тоғ тушиб кетгандай енгиллашиб, бошига яна қилич солди. Қиличи қулоғининг устрофидан тушиб, ярим белигача суякка ботганини кўрди.

Григорийнинг бошига орқа ёқдан келиб тушган қақшатғич зарб уни ҳушидан кетказди. У оғзига иссиқ шўртанг қон қуйилганичи, йиқила бошлаганини сезди, ёнбош томондаги экинзор ерлар гир-гир айланиб, устига бостириб келаётганга ўхшарди.

Григорий ерга гурсиллаб тушиши билан бир нафас ҳушига келди. Кўзини очди, лекин қон кўзларини қоплаб олган эди. Қулоғи тагида тапир-тупур товушлар ва отнинг ҳарсиллаб оғир-оғир нафас олгани эшитиларди. Григорий охирги марта кўзини очди, аллақандай отнинг яллиғланган бурун катагини, аллакимнинг узангидаги этигини кўрди. «Соб бўлдим» деган фикр миясига келиб, енгил тортгандай бўлди. Қулоқлари шанғиллади, оламни қоронғилик босди.

XIV

Август ойининг дастлабки кунларида юзбоши Евгеней Листницкий лейб-гвардиячи Атаман полкидан бирор казак армия полкига ўтиб олишга жазм қилди. Бу тўғрида у рапорт бериб, елиб-югуриб, уч ҳафтадан кейин ҳаракатдаги армия полкларидан бирига тайинланди. Ҳужжатлари расмийлаштирилгандан кейин, Петроградда жўнаш олдидан отасига икки энлик хат ёзиб, бунинг сабабини тушунтирди.

«Дада, мен Атаман полкидан фронтдаги армия сафига кўчирилишимни сўраб ариза берган эдим. Бугун расмий қоғозларимни олдим, энди 2-корпус командирининг ихтиёрига кетяпман. Менинг бу қарорим сизни, ҳар ҳолда таажжубда қолдириши мумкин, бироқ, қуйидаги сабаблар мени бунга мажбур этди: мен ўзим яшаган муҳитдан безор эдим. Парад-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар, пешвоз чиқишлар, посбон бўлиб туриш ва шу сингари сарой хизмати жонимга тегди. Ҳаммаси кўнглимга урди, жонли иш билан шуғуллангим ва... ростини айтсам — ботирлик кўрсатиб ном чиқаргим келади. Ҳар ҳолда менинг томиримда шонли Листницкийлар авлодининг ҳалол қони жўш урса керак деб ўйлайманким, бу авлод Ватан уруши давридан то шу дамгача, рус қуролининг гулчамбарига ҳамиша зафар гулларини тақиб келди. Мен фронтга жўнаётирман. Сиздан фотиҳа сўрайман. Ўтган ҳафта императорни Ставкага[1] жўнашларидан олдин кўрдим. Мен бу зотни жонимдан ортиқ кўраман. Мен сарой ичкарисида посбонликда турган эдим. У Родзянко билан тўғри келаверди, ёнимдан ўтаркан менга кўзлари билан ишора қилиб кулимсиради ва инглиз тилида: «Мана менинг шонли гвардиям. Вақти соатини топиб шуларни ишга соламан, Вильгельмнинг планларини барбод этаман», деди. Мен институт қизларига ўхшаб уни сидқидил яхши кўраман. Ёшим 28 дан ошган бўлса ҳам, сизга буни уялмай ёзганим учун таажжубланманг. Подшоҳнинг муборак исмини ўргумчак инидай ўраб олган саройдаги ғийбат гаплар мени қаттиқ ғазаблантиради. Мен бу гапларга иионмайман, инонишим ҳам мумкин эмас. Анови кун мен ясовул Громовни сал бўлса отиб ташлаган эдим, чунки ҳурматсизлик қилиб менинг ҳузуримда император ҳазрат олийларининг шаънига тегадиган гап гапирди. Бу разолатдан бошқа нарса эмас, мен унинг юзига: «Таги паст кишиларгина шу хил ифлос гапларни оғзига олиши мумкин», дедим. Жанжалимизнинг тепасида бир неча офицер бор эди. Фиғоним чиқиб, тўппончамни чиқардим-да, кўрнамакка бир ўқ кетса-кетар деб шартта отмоқчи эдим, бироқ ўртоқларим орага тушиб мени қуролсизлантирдилар. Бундай ахлатхонада яшаш менинг учун кундан-кунга оғир. Гвардия полкларида, айниқса офицерлар орасида ҳақиқий ватанпарварликдан асар қолмаган, ҳаммасидан ҳам ёмони шуки, подшоҳ хонадонига муҳаббат йўқ. Булар дворян эмас, қандайдир қалан-

---

[1] Олий бош қўмондон қароргоҳи, штаби. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғи-қасанғилар. Ўз полкимни ташлаб кетишга мени мажбур этган сабаблар шулардан иборат. Мен ўзим ҳурмат этмаган кишилар орасида юра олмайман. Гап шу билан тамом. Баъзи бир қовушмаган жойлари бўлса кечиргайсиз, чунки шошиб ёздим. Чамадонларимни боғлаб, комендантга ҳам борадиганман ҳали. Соғ-саломат бўлинг, дада. Армияга боргач, муфассалроқ хат ёзаман.

Ўғлингиз Евгений.»

Поезд Варшавага кечқурун соат саккизда жўнар эди. Листницкий извошда вокзалга келди. Петроград орқада, ҳаво ранг, кўкиш тусда йилтираган чироғлар оғушида қолган эди. Вокзал тиқилинч, ғовурғувур. Кўпчилик — ҳарбийлар. Ҳаммол Листницкийнинг чамадонини жойлаб берди ва чой чақа олгандан кейин офицер жанобларига оқ йўл тилади. Листницкий шоп-шалопларини, шинелини ечди, тугунини очди, кавказча гулдор шойи кўрпасини олиб скамейка устига тўшади. Пастки қаватда, тарки дунё қилган кишига ўхшаш озғин бир поп, уйидан ола чиққан таомларини дераза ёнидаги столчага ёйиб тамадди қилмоқда. У соқолига ёпишган нон ушоқларини қокар, рўпарасида ўтирган гимназия формасидаги қорамағиз озғин қизга манзират қиларди.

— Тотиб кўрсинлар. А?

— Ташаккур.

— Тортинчоқлик қилманг-да, ахир, сиз ўз жуссангизга яраша кўп овқат емоғингиз лозим.

— Раҳмат.

— Қани, манови балишдан тановул қилсинлар. Жаноби офицер, балки, сиз марҳамат этарсиз?

Листницкий бошини осилтириб сўради:

— Менга айтяпсизми?

— Ҳа, ҳа.— Поп маъюс кўзларини унга тикар ва сертола, салқи мўйлови остидаги юпқа лаблари билангина кулимсирарди.

— Раҳмат. Кўнглим тиламайди.

— Чакки қиласиз. Тановул этсангиз яхши бўларди. Армияга кетяптиларми?

— Ҳа.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Худо ёр бўлсин.

Листницкий мудроқ ичида попнинг овозини эшитар, унинг товуши қулоғига гўё олисдан келаётгандай бўлиб туюларди, назарида, бу овози йўғон, мингиллаб гапирувчи киши поп эмас, ясовул Громов эди.

— ...Оила ташвиши, қавм оз, даромад йўқ. Шу сабабдан полкда руҳоний бўлиб хизмат этишга кетаётирман. Рус халқи динсиз туролмайди. Йилдан-йилга дин мустаҳкамланмоқда. Албатта, диндан қайтувчилар ҳам йўқ эмас, аммо бундай одамлар интеллигенция орасида учрайди, мужик эса худодан қайтмайди, эътиқоди баланд. Ҳа... шундоғ...— деб хўрсинди у, кейин яна ғўнғиллай бошлади, бироқ унинг гаплари қулоққа кирмас эди.

Листницкийни уйқу элтган эди. Сўнгги марта сезган нарсаси энсиз тахтадан қилинган, янги бўялган вагон шипининг ҳиди-ю, ташқарида аллакимнинг:

— Багажга қабул қилган, менинг ишим йўқ!— деб бақирган товуши бўлди.

«Багажга нимани қабул қилган экан?»— деган хаёл миясидан лип этиб ўтиб, секин-аста ғойиб бўлди. Уйқусиз ўтган икки кечанинг хуморига маза қилиб ухлади. Поезд Петрограддан чиқиб қирқ чақиримча йўл босгандан кейингина Листницкий уйғонди. Ғилдираклар бир мақомда тарақлар, паровоз юлқинганда вагон ларзага келиб чайқалар, ёнбошдаги купедан аллакимларнинг хиргойи ашуласи эшитилар, фонусдан пастга бинафша ранг шуъла тушарди.

Листницкий тайинланган полк сўнгги жангларда қаттиқ талофат кўргани учун жанг майдонидан олиб чиқилган, от-уловларини янгилаб одам билан тўлатилмоқда эди.

Полкнинг штаби катта бозор бўладиган бир қишлоқда эди. Аллақандай номсиз ярим станцияда Листницкий вагондан чиқди. Кўчма лазарет ҳам шу ерга тушди. Листницкий доктордан суриштириб бу лазаретнинг Ғарби-Жанубий фронтдан шу ёққа юборилганини ва шу топдаёқ, Березняги — Ивановка-Кришовинское станциялари орқали жўнашини билди. Жуссаси катта, юзлари қизариб бўртган доктор соқолини тутамлаб, олтин пенснэ остидан ўқрайиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

турган кўзларини ола-кула қилиб, ўз бошлиғини орқасидан қоралаб гапирар, штаб ҳамда дивизияда ўтирганларни аямай сўкар, тасодифан йўлиққан бир кишига ҳасрат қиларди.

Листницкий унинг гапини бўлиб:

— Мени Березнягигача ола кетмайсизми?— деб сўраб қолди.

— Майли, икки ғилдиракли аравага ўтиринг, юзбоши,— деб рози бўлди доктор ва қадимги ошнасидай унинг шинели тугмасини ўйнаб, дардига даво излагандек, яна ғулдураб нолий бошлади:— Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, юзбоши, икки юз чақирим жойдан мол қамайдиган вагонларда не-не азоблар билан етиб келганимиз шу ерда бекорга лақиллаб юриш учун экан-да, ўша участкада икки кунгача оғир, қонли жанглар бўлган эди, сон-саноқсиз ярадорлар қолиб кетди, шуларга шошилинч ёрдам кўрсатмоғимиз керак эди.— Доктор заҳрини кимга сочишини билмай: «Энг оғир, қонли жанглар» деб такрорлаганда «р» ҳарфи дириллаб эшитилди.

Юзбоши одоб сақлаб, қизиқсиниб:

— Бундай бемаъни буйруқнинг берилишига сабаб нима экан?— деб сўради.

— Сабабими?— Доктор истеҳзоли қилиб, пенснэ устидан қошларини чимирди.— Сабаби каллаварамлик, бошбошдоқлик, бошлиқларнинг аҳмоқлиги, мана сабаби! У ерда ўтирган аблаҳлар ҳамма ишни чалкаштиряпти. Ишнинг кўзини билишмайди, ақл-идроклари йўқ. Вересаевнинг: «Врачнинг хатлари» деган китоби эсингизда борми? Худди ўша! Ўша аҳвол беш бадтар такрорланмоқда.

Листницкий чест берди-да, арава томонга кетди; доктор жаҳлидан тушмай орқасидан жаврар эди:

— Урушни бой берамиз, юзбоши! Японларга бой бериб ақлимиз киргани йўқ. Бир ҳамлада абжағини чиқарамиз, бизга бас келармиди, деган эдик...— Шу вайсаганича бошини сарак-сарак қилиб, ранг-баранг нефть доғлари аралашган кўлобчалардан сакраб, темир йўл изидан юриб кетди.

Лазарет Березнягига етганда қош қорайган эди. Сарғайган бошоқларни шамол ўйнатарди. Кун бо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тиш томонида қалин булутлар қалашиб турарди. Булутларнинг устки ёғи тўқ бинафша рангга бўялган, сал пастроғи сийраклашиб ваҳимали тусини йўқотган, осмон бағрига оч пистоқи ранг шуълалар тушиб турарди; ўрта ердаги булутлар, худди дарёда муз кўчган пайтда уюлиб қолган яхларга ўхшаб аста-секин тарқалаётгани сезилар, ора-сира очиқ жойлардан ботаётган қуёшнинг олтин тиғлари кўринар эди. Қуёш тиғлари елпиғич сингари ҳар ёққа таралиб кетган, баъзиси акс этиб булутга санчилиб қолганга ўхшарди, булутсиз очиқ жойнинг пастроғи, таърифга сиғмайдиган ранго-ранг тусларга кириб товланарди.

Йўл ёқасидаги зовур ёнида ўқ еб ўлган бир от ётарди. Кейинги оёқлари тарвақайлаб ҳавога кўтарилган, ейилиб кетган тақаси йилтирар эди. Аравада ирғиб-ирғиб бетинч келаётган Листницкий ўлган отга қаради, у билан бирга келаётган санитар кажавадай шишиб кетган от қорнига тупурди ва юзбошига бурулиб қаради-да:

— Оч кўзлик қилиб, емни кўп еб қўйибди...— деди, яна бир марта тупурмоқчи бўлди-ю, бироқ, беадаблик бўлмасин деб, тупугини ютиб енги билан лабини артиб қўя қолди.— Ҳаром ўлибди, ҳеч ким тегмайди... Немисларда бунақа расм йўқ.

— Сен буни қайдан биласан?— деб сўради беважғазабланган Листницкий; шу дақиқада у ўзини катта олиб билармандлик қилган, ижирғаниб турган санитарнинг бепарво башарасидан жирканарди.

Бўзрайган бу руҳсиз башара кузакда эгасиз қолган далани эслатарди; бошқа мингларча мужик солдатларнинг башарасидан унинг ҳеч қандай тафовути йўқ, юзбоши Петроградда чиққандан бери йўлларда бундайларнинг сон мингтасини учратган эди. Ҳаммасининг ранги сўлғин; сарғиш, кўк, яшил ва бошқа тусдаги кўзлари нурсиз, бақрайганча қотиб қолган, сийқаси чиққан эски мис чақани эслатарди.

Санитар шошмасдан:

— Мен урушдан олдин Германияда уч йил турганман,— деб жавоб берди. Юзбоши унинг товушида, ҳали юзида кўрилган билармандлик ва жирка-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ниш оҳанги борлигини сезди.— Мен Кенисбергда тамаки фабрикасида ишлаганман,— санитар, зерикан кишидай эринибгина сўзлар, тизгин қайишнинг тугилган учи билан паканагина отни урарди.

— Овозингни ўчирсанг-чи!— деб жеркиб берди Листницкий бурилиб, сўнгра, ўлган отнинг бошини. кўзига тушиб ётган кокилини, тиржайиб қолган тишларини томоша қилди.

Отнинг юқорига кўтарилиб қолган оёғи тиззасининг қоқ кўзидан букилган, туёғи тақа михдан салпал четнаган, лекин туёқларининг ичи кўм-кўк йилтираб турарди, юзбоши унинг оёғи ва ингичка қуйма туёғига қараб, отнинг ёш ҳамда наслдор эканини пайқади.

Икки ғилдиракли арава қатқалоқ йўл устида ирғиб-ирғиб тобора узоқлашарди. Кун ботар ёқда осмоннинг ранго-ранг туси сўна бошлади, шамол булутларни тўзитиб юборди. Ўлган отнинг қаққайган оёғи олисдан усти йўқ мезана сингари қорайиб кўринарди. Листницкий ундан кўзини олмасди: йилт этиб от устига бир парча шуъла тушди-да, тап-тақир саман жун ўсган оёқ, гўёки ажойиб баргсиз новда сингари яшнади, апельсин пўстидай товланиб кетди.

Березнягига кираверишда лазарет ярадорлар тушган араварларга дуч келди.

Биринчи аравачинг эгаси — соқоли қирилган белорус чол, арқондан қилинган тизгинни қўлига ўраб от ёнида пиёда борарди. Арава устида боши боғланган фуражкасиз казак ёнбошлаб ётарди. У хорғин кўзларини юмиб олган, нонни чайнаб-чайнаб, сувини сўриб, турпини туфлаб ташларди. Унинг ёнида бир солдат бағрини ерга бериб ётарди. Унинг дабдала бўлиб кетган шими қонга беланиб қотиб қолган эди. Солдат бошини кўтармай беҳаё сўзлар билан сўкинарди. Листницкий унинг товушига, сўкиниш оҳангига қулоқ соларкан, капалаги учиб кетди: у жон-жаҳди билан дуо ўқиётган энг диндор кишилар сингари минғирлаб сўкинарди. Иккинчи аравада олтитача солдат тиқилишиб ётарди. Шўхроқ бир солдат яллиғланиб турган кўзларини қисиб ҳикоя қиларди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— ...уларнинг инператоридан элчи кептимиш, сулҳга келсак деган таклиф қилиптимиш. Мен буни жуда тайинлик одамдан эшитдим; у сира ёлғон айтмайди, бунга кўнглим тўқ.

Иккинчи бир солдат эски яра-чақа излари қолган хумкалла бошини чайқаб, шубҳаланиб:

— Даргумон,— деб қўйди.

— Шошмасанг-чи, Филипп, эҳтимол, келгани ростдир,— деди орқасини ўгириб ўтирган учинчи солдат; у майингина Волга лаҳжасида гапирарди.

Бешинчи аравада қизил гардишли казакча фуражка кийган ярадорлар келарди. Уч казак катта бир аравага бемалол жойлашиб олиб индамай Листницкийга тикилишарди, уларнинг чанг босган, қовоғи солиқ башараларида ҳурмат ва иззат деган нарсадан асар йўқ эди.

— Салом, станицаликлар!— деб сўрашди юзбоши.

— Саломат бўлсинлар,— деб нохуш жавоб берди аравакашнинг ёнида ўтирган кумушдай оппоқ мўйловли, қалин қошли, чиройли казак.

Листницкий унинг кўк пагонига тикилиб, номерини билиб олмоқчи бўлиб:

— Қайси полкдан?— деб сўради.

— Йигирманчи.

— Полкингиз ҳозир қаерда?

— Билмадик.

— Хўш, қаерда ярадор бўлдингиз?

— Анов қишлоқ ёнида... ораси узоқ эмас.

Казаклар бир-бирлари билан шивирлаша бошлади, биттаси, бўз латта боғлаган ярадор қўлини соғ қўли билан ушлаб, аравадан ирғиб тушди.

— Жаноби олий, бирпас тўхтанг.— У ўқ тегиб, газак олган қўлини авайлаб ушлаганича, яланг оёқларини алпон-талпон ташлаб Листницкийга илжайиб келаверди.

— Сиз Вёшенская станицасидан эмасмисиз? Листницкий эмасмисиз?

— Ҳа.

— Таниганимизни қаранг. Жаноби олий, тамакингиз йўқми? Исо ҳақи, бир чектиринг, хумори тутиб ўлиб бўлдик!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қазак аравaнинг бўялган ёнбошини ушлаб, унинг ёнида борарди; Листницкий портсигарини чўнтагидан олди.

— Мумкин бўлса, ўнтачасини инъом қилсангиз... Биз уч кишимиз,— деб ялиниб илжаярди казак.

Листницкий унинг катта, жигар ранг ҳовучига бисотидаги папиросининг ҳаммасини тўкди-да:

— Полкда яралганганлар кўпми?— деб сўради.

— Йигирма чоғлиқ бор.

— Талофот каттами?

— Қирилган кўп. Тутатиб олай, жаноби олий. Саломат бўлинг.— Қазак папиросини тутатиш билан овора бўлиб, орқароқда қолди ва кетидан қичқириб:

— Сизнинг қўрғонингиз ёнидаги Татарск қишлоғидан келганлардан учтаси бугун қазо қилди. Казакларнинг баракаси учяпти,— деди.

Қазак қўл силтади-да, аравасига етиб олмоқ учун югурди. Шамол унинг камарсиз кўйлагини ҳилпиллатар эди.

Листницкий тайинланган полкнинг командири Березнягида попнинг уйида турарди. Юзбоши майдонга етгандан сўнг, одамгарчилик қилиб аравадан жой берган врач билан хайрлашди-да, мундирининг чангларини қоқа-қоқа, дуч келганлардан полк штаби қаердалигини сўроқлаб бораверди. Қоровулликка солдатни бошлаб келаётган қўнғир соқол фельдфебель рўпарадан чиқди. У юришини бузмай Листницкийга честь берди-да, саволига жавоб қилиб, бир уйни кўрсатди. Штаб биноси, олдинги позициядан узоқда жойлашган ҳар бир штабдагидай, жимжит эди. Мирзалар катта бир стол устига энгашиб олишган, дала телефони трубкасини ушлаган, ёши қайтган ясовул номаълум киши билан кулиб суҳбатлашарди. Кенггина уйнинг деразаларида пашшалар ғўнғиллашар, олисдаги телефон қўнғироқлари чигирткадай чириллашарди. Мулозим юзбошини полк командирининг квартирига бошлаб борди. Новча бўйли полковник Листницкийни даҳлизда рўйхуш бермай кутиб олди; унинг иягида уч бурчак тиртиғи бўлиб, ҳозир алланимадан таъби хира бўлган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Полк командири мен бўламан,— деди у саволга жавобан. Юзбошининг, мен ихтиёрингизга келдим, деган гапини тинглаб, индамай, уни қўл ишораси билан ичкарига таклиф этди. Эшикни ичкаридан беркитаётиб, ниҳоятда чарчаган кайфиятда сочларини тузатди-да, минғирлаб:

— Кеча мен бригада штабида бу гапни эшитган эдим. Қани, ўтиринг,— деди.

У Листницкийнинг илгари қаерда хизмат қилганини суриштириб, пойтахт янгиликлари, йўл таассуротлари ҳақида савол берди, лекин шу қисқача суҳбат давомида қаттиқ чарчаган ҳорғин кўзларини бирон марта кўтариб унга қарамади ҳам.

Листницкий полковникнинг кенг манглайига тикилиб туриб унга раҳми келиб кетди: «Фронтда роса адабини еган. бўлса керак. Ўлгудай чарчабди»,— деб ўйлади. Бироқ, полковник, янглишасиз дегандай қилиб, қилич дастаси билан қаншарини қашлади-да:

— Боринг, юзбоши, офицерлар билан танишиб чиқинг,— деди.— Биласизми, мен уч кеча бўлди, кўз юмганим йўқ. Бу пастқам жойда биз учун карта ўйнашдан, ароқхўрлик қилишдан бошқа иш йўқ,— деди.

Листницкий честь бераётиб, жилмайиш билан ўз нафратини сездирмади. Полковник ўзини қандай кутиб олганини эслаб ғижинди, иягидаги тиртиғи ва ҳорғин қиёфаси учун беихтиёр уни ҳурмат этганига ичидан кулиб уйдан чиқди.

XV

Дивизия Стирь дарёсидан ўтиш ва Ловишчи ёнида душманнинг орқа томонидан чиқиш тўғрисида топшириқ олди.

Листницкий бир неча кун ичида полкдаги офицерлар билан оғайни бўлиб қолди; ҳузур-ҳаловат ва тинчликнинг гаштига ўрганган кўнгли сал орадаёқ жанг шароитига кўникиб кетди.

Дарёдан кечиб ўтиш вазифаси ниҳоятда усталик

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан бажарилган эди. Дивизия катта бир гуруҳ душман қўшининнинг чап қанотини емириб, унинг орқа томонига ўтиб олди. Ловишчининг ёнида душман мадьяр суворилариннинг ёрдами билан қарши ҳужумга ўтишга уриниб кўрди, бироқ, казаклар артеллерияси уларни тўпга тутиб расвосини чиқарди; мадьяр эскадронлари тартибсиз ҳолда чекинди, икки ёнбошидан ёғилган пулемёт ўтидан қирилди, казаклар уларнинг орқасидан қувиб берди.

Листницкий полк билан бирликда қарши ҳужумга кирди, чекинаётган душман устига уларнинг дивизиони от қўйди. Листницкий командирлик қилган учинчи взводда бир киши ўлди, тўрт киши ярадор бўлди. У йиқилган Лошченовнинг ёнидан парвойифалак ўтиб кетаверди, унинг хириллаган бўштоб овозини эшитгиси ҳам келмади. Лошченов, Краснокутская станицасидан келган ёшгина, қирра бурун казак бўлиб, ўлган отнинг тагида қолган эди. Билагидан ўқ еб жимгина инграб ётар ва ёнидан ўтган казакларга:

— Жон биродарлар, ташлаб кетманглар! Турғизиб қўйинг, биродарлар!— деб ялинарди.

У жон азобида дармони қуриб зўрға овоз чиқарарди, бироқ, ёнидан ўтган казакларнинг юраги тошга айланган, раҳми келганлар бўлса ҳам, уларнинг иродалари ҳисларини босиб кетган эди. Чопавериб ҳаллослаб қолган отларига дам бергани беш минутча секинроқ юришди. Улардан ярим чақирим нарида тўзиб кетган мадьяр эскадронлари қочиб бормоқда. Четларига қундуз солиб тикилган чиройли курткали суворилар орасида оч кўк мундир кийган пиёда аскарлар ҳам кўзга чалинарди. Дўнгдан тушаётган душман аравалари тепасида ёрилган тўп ўқларининг оппоқ тутуни кўринарди. Чап томондан аллақайси бир батарея уларнинг араваларини тўпга тутмоқда эди. Тўплар овозидан далаю дашт ларзага келар ва бу гумбурлашларнинг акс садоси шу яқиндаги ўрмонда такрорланарди.

Дивизионни бошлаб кетаётган лашкар старшинаси Сафронов отларни елдиришига команда берди, уч юз отлиқ ёйилиб, тўғрига қараб йўртдириб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Казакларнинг остларидаги отлар лўкиллаб чайқалар, сарғиш тер кўпиклари ерга томчиларди.

Ўша кечаси кичкина бир қишлоқда тунадилар.

Полкдаги ўн икки офицер торгина бир уйга тиқилди. Чарчаб-ҳориб, оч-наҳор ухлагани ётдилар. Ярим кечага яқин кўчма ошхона етиб келди. Хорунжий Чубов котелокда карам шўрва келтирди, ёғлиқ овқатнинг ҳидидан офицерлар уйғониб кетди; орадан чорак соат ўтар-ўтмас, қовоғи шишган офицерлар икки кундан бери жангда оч юрганларининг ҳиссасини чиқариб, овқатдан бош кўтармай, роса тушиردилар. Овқат бевақт ейилгани учун уйқулари ҳам ўчиб кетди. Қоринлари тўйиб лоҳас тортган офицерлар чакмон устига, похолга чўзилишиб папирос чекишарди.

Думдумалоқ ва пакпакана подьесаул Калмиковнинг ёлғиз фамилияси эмас, балки афти-башараси ҳам мўғул жинсидан эканини кўрсатиб турарди; ҳозир у қўлларини тез-тез қимирлатиб гап сотарди.

— Бу уруш менга тўғри келмайди. Мен тўрт аср кейинроқ туғилиб қолганман. Биласанми, Петр,— дерди у юзбоши Терсинцевга мурожаат қилиб, жўрттага «Петр» сўзидаги «ё» ўрнига «е» ҳарфи ишлатиб,— бу урушнинг охиригача тирик қолмайман.

— Фолбинликни йиғиштириб қўй,— деди Пётр чакмон остидан пўнғиллаб.

— Фолбинлик эмас. Бу — ўзимга аён. Менинг ортиғим бор, ўлай агар, мен бу ерда ортиқчаман. Боя ўқ бўрони ичида кетаётган пайтда ғазабимдан қалтираб кетдим. Душманки кўзимга кўринмадими — бўлди, ўзимни қаерга қўйишимни билмай қоламан, юрагим орқамга тортиб кетади. Душман сени бир неча чақирим наридан туриб отиб қулатаверса, сен отда кетаверсанг, худди даштдаги тувалоққа ўхшаб мерганнинг мўлжалга олганини кўрмасанг, шу ҳам урушми...

— Мен Купалкада австриецларнинг гаубица тўпини кўрдим. Қайси бирингиз кўргангиз, жаноблар?— деб сўради ясовул Атаманчуков; у англиз нусха қирқилган малла ранг мўйловига ёпишган консерва гўштни ялаб олди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ажойиб тўп экан! Мўлжал оладиган камераси, ҳамма механизмлари мукаммал,— деб гапирди хорунжий Чубов завқи келиб; у икки котелок карам шўрвани аллақачон паққос туширган эди.

— Мен ҳам кўрдим, лекин ўз таассуротимни гапирмаганим тузук. Чунки артиллерия соҳасида ҳеч нарса билмайман. Менимча анчайин бир тўп, фақат оғзи каттароқ.

— Ибтидоий қурол-яроғ билан уруш қилган қадимги одамларга ҳавасим келади,— деб гапида давом этди Калмиков; энди у Листницкийга бурилиб гапирарди.— Ҳалол жангда ёв билан олишиб қилич билан икки нимта қилиб ташласанг — мана бунн жанг деса бўлади! Эндиги жанглар қуриб кетсин!

— Келгуси урушларда отлиқ аскарларнинг ҳеч аҳамияти қолмайди.

— Тўғрисини айтганда, отлиқ аскар деган нарсанинг ўзи бўлмайди.

— Йўқ, бекорчи хаёл бу!

— Шубҳасиз шундай бўлади.

— Менга қара, Терсинцев, машина одамнинг ўрнини боса оладими? Бўлмағур гап.

— Мен одамни гапираётганим йўқ, гап от устида кетяпти. От ўрнини мотоцикл ёки автомобиль эгаллайди.

— Автомобиль эскадрони — бир ками шу эди.

— Бўлмағур гап!— деб қизишди Калмиков.— Армияда ҳали от кўп иш кўрсатади. Аҳмақона хом хаёллар! Икки юз, уч юз йилдан кейин нима бўлишини билмаймиз, лекин ҳали-ҳозир отлиқ аскар...

— Менга қара, ҳой Дмитрий Донской, фронтни бошдан-оёқ хандақлар ўраб олгандан кейин қўлингдан нима келади? А? Қани гапир?

— Хандақлар ёриб ўтилади, босқин қилинади, душманнинг энг орқа томонига ўтиб олинади — мана кавалериянинг вазифаси.

— Беҳуда гап.

— Майли, у ёғини кейин кўрармиз, жаноблар.

— Қани, ухлайлик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бўлди-да энди, ҳадеб тортишаверасизми, сизларда инсоф борми ўзи? Ахир, ҳамманинг уйқуси келган.

Қизиган баҳс совий бошлади. Чакмон ёпиниб олган бир офицер хуррак аралаш ҳуштак чалар эди. Суҳбатга аралашмаган Листницкий чалқасича тушиб, остига тўшалган похолнинг ўткир ҳидини ҳидлаб ётарди. Калмиков чўқинди-да, унинг ёнига келиб чўзилди.

— Сиз, Бунчук деган кўнгилли аскар билан бир гаплашиб кўринг-а, юзбоши. У сизнинг взводингизда. Ажойиб йигит!

— Нимаси ажойиб?— деб сўради Листницкий Калмиковга орқасини ўгириб ётиб олиб.

— Ўзи казак, руслашиб кетган. Москвада турган. Оддий бир ишчи-ю, лекин ҳалигидақа масалаларда билмаган нарсаси йўқ. Ўлгудай шўх йигит, моҳир пулемётчи.

— Қани, ухлайлик,— деб таклиф этди Листницкий.

— Рост айтасиз,— деб кўна қолди Калмиков, лекин унинг хаёли нима биландир банд эди, оёқ панжаларини қимирлатиб қўйди, ўнғайсизланиб афтини бужмайтирди.— Мени кечирасиз, юзбоши, оёғим ёмон сасиган... Билсангиз, уч ҳафтадан бери этигимни ечганим йўқ, пайпоғим тердан бижиб кетибди... Жирканади киши... Казаклардан пайтава топиб олмасам, иш чатоқ.

— Бемалол,— деди уйқу аралаш Листницкий.

Калмиков айтган гап Листницкийнинг эсидан чиқиб кетган эди, бироқ эртаси куни тасодифан кўнгилли аскар Бунчук билан ҳамроҳ бўлиб қолди. Тонг отар маҳалда сотня командири уни рекогносцировкага чиқишни ва агар иложи бўлса, чап қанотда ҳужумни давом этдираётган пиёда аскарлар полки билан алоқа боғлашни буюрди. Листницкий тонг қоронғисида қидира-қидира, ҳовлида ғуж-ғуж ухлаб ётган казаклар орасидан взвод уряднигини топди.

— Дозорга чиқиш учун менга бешта казак ажратиб берасан. Айтгин, отимни эгарлаб қўйишсин. Тез бўл!

Орадан беш минут ўтгач, остона ёнида ўрта бўйли бир казак пайдо бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Жаноби олийлари,— деб мурожаат қилди ҳалиги казак портсигарига папирос солаётган Листницкийга,— урядник мени юбормаяпти, сенинг навбатинг эмас дейди. Мен ҳам борай, рухсат этасизми?

— Нима жиноят қилувдинг? Ўзингни оқлаб олмоқчимисан?— деб сўради Листницкий, ғира-шира ёруғда зўрға кўринган казакнинг юзига тикилиб.

— Ҳеч қанақа жиноятим йўқ.

— Майли, бора қол...— деб жавоб берди Листницкий ўрнидан туриб.

— Ҳой, менга қара,— деб чақирди жўнаб қолган казакнинг кетидан.— Қайт!

Казак қайтиб келди.

— Урядникка айтгин...

— Менинг фамилиям Бунчук,— деб луқма солди казак.

— Қўнгиллимисан?

— Ҳа.

— Урядникка айтингки,— Листницкий хижолат бўлгандай бир лаҳза жим бўлиб қолди-да, дарҳол ўзига келди,— у... Ҳа, қўя қолинг, ўзим айтарман.

Теварак-атроф ёришди. Дозор қишлоқчадан чиқди, постлар ва қоровулхоналар ёнидан ўтиб, картада белгиланган қишлоқ томон жўнади.

Ярим чақирим чамаси йўл босилгандан кейин юзбоши отнинг юришини секинлаштирди.

— Қўнгилли аскар Бунчук!

— Мен.

— Марҳамат қилиб берироқ келинг.

Бунчук кўримсиз отини ниқтаб, юзбошининг аслзод арғумоғи ёнига келди.

— Сиз қайси станицадансиз?— деб сўради Листницкий Бунчукнинг юзига ён томондан тикилиб.

— Новочеркасскаядан.

— Қўнгилли бўлиб хизмат қилишга сизни нима мажбур этди, билсак бўладими?

— Марҳамат,— деди чўзиб Бунчук киноямуз ва кўкиш кўзларини юзбошига тикиб қаради. Унинг кўзлари одамга тикондек қадалар эди.— Мен ҳарбий ишга ишқивозман. Яхшилаб ўрганиб олмоқчиман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бунинг учун ҳарбий мактаблар бор.

— Ҳа, бор.

— Хўш, нега ўшанга кира қолмадингиз?

— Олдин тажрибада синаб кўрмоқчиман. Назарий билимларни кейин ортдирса ҳам бўлаверади.

— Урушдан олдинги касбингиз?

— Ишчи.

— Қаерда ишлардингиз?

— Петербургда, Ростовда, Туладаги милтиқ заводида... Пулемёт командасига ўтказинг деб сўрамоқчиман.

— Пулемётни биласизми?

— Биламан, Шош, Бертье, Мадсен, Максим, Гочкис, Бергман, Виккерс, Льюис, Шварцлозе системадаги пулемётларни биламан.

— Ўҳў! Мен полк командири билан гаплашиб кўраман.

— Барака топинг.

Юзбоши ўрта бўйли Бунчукнинг йўғон гавдасини яна бир карра кўздан кечирди. У худди, Дон бўйидаги қайрағоч дарахтига ўхшарди: унинг кўзга ташланадиган ортиқча бир хусусияти йўқ, анчайин бир йигит, лекин қайрилиб келган жаг суяклари ва кўз уриштирганда ҳар қандай кишини енгадиган ўткир кўзлари бошқа одамлардан уни ажратиб турарди.

У камдан-кам кулар, лабларининг чети билангина илжайиб қўярди, лекин ўшанда ҳам кўзлари мулойимлашмас, йилтираб туравераради. У ўзини кўз-кўз қилишни билмас, худди Дон бўйидаги қақир тупроқда ўсган қайрағоч сингари чайир, темирдай мицти ва вазмин эди.

Улар анча вақтгача индамай боришди. Бунчук ҳапқат қўлларини сири кўчган яшил эгарнинг қошига қўйиб олган эди. Листницкий ёнидан папирос олди. Бунчук чаққан гугуртдан папиросини тутатаётиб, унинг қўлидан сақич исига ўхшаш терлаган от ҳиди келганини сезди. Кафтининг орқа томонини, худди от жунидай қалин, малла тук босган эди. Листницкий беихтиёр уни силагиси келди. У аччиқ тутунни ютаётиб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сиз бир казак билан мана шу ўрмон бўйлаб анови йўл билан бориб чапга буриласиз. Қўрдингизми?— деди.

— Ҳа.

— Агар ярим чақиримча юрганингиздан кейин ҳам бизнинг пиёда аскарлар кўринмаса, қайтиб келасиз.

— Хўп.

Отларни йўртдириб кетдилар. Ўрмоннинг чеккасида бир текис ўсган ниҳолча қайинлар ғуж бўлиб туришарди. Улардан нарида сарғайган қарағайзор кўзга ташланар, австрияликлар араваси топтаб, янчиб кетган буталар ер бағирлаб ётарди. Ўнг томонда, олисда гумбурлаган замбараклар ерни ларзага солар, бироқ, бу ердаги қайинзор сукунат ичида эди. Ер юзи шабнамга тўйган, кўкатлар қизғиш тусга кирган, ҳаммаси эрта кузнинг ранг-баранг тусдаги тўнига ўралиб олган, ажали яқинлашганини сезиб фиғон қилаётгандай бўларди. Листницкий қайинзор тагида тўхтаб, ўрмон орқасидан дўппайиб кўринган тепани дурбин билан кўздан кечира бошлади. Қиличининг мис қоплаган дастасига қанотларини ёйиб, бир асалари қўнди.

— Эси йўқ,— деб қўйди Бунчук секингина арининг адашиб қўнганига ачиниб.

— Нима?— деб кўзини дурбиндан олди Листницкий.

Бунчук кўзи билан имлаб арини кўрсатди, Листницкий кулди:

— Асали заҳарга айланса керак, нима дедингиз?

Бунчук оғзини очганича йўқ эди, олисдаги қарағайлар орқасидан пулемёт ўт очди. Унинг тариллаган овози сукунатни бузди, чийиллаган ўқлар қайинларни илма-тешик қилиб юборди, ўқ кесиб кетган шох лопиллаб, юзбоши минган отнинг ёли устига келиб тушди.

Улар отни қамчилаб, чуҳ-чуҳлаб қишлоқ сари қочдилар. Австрияликлар пулемёти уларнинг кетидан сидирғасига ўқ узиб лентасини тамомлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бундан кейин ҳам Листницкий кўнгилли аскар Бунчук билан бир неча марта ҳамроҳ бўлиб кўрди, лекин ҳар учрашганида, унинг ўткир кўзларида акс этган зўр иродани кўриб завқланар, сиртдан содда кўринган бу одамнинг ичида нима дарди борлигини, нега қовоғи солиқ, нега кишига кўнгил ёриб гапирмаслигини билолмай боши қотарди. Бунчук гапни тагдор қилиб лабининг бир четини қийшайтириб кулиб гапирар, ёлғиз ўзига аён бўлган бир ҳақиқатни яширмоқчи бўлгандай, дарҳол гапни бошқа ёққа буриб юборар эди. Уни пулемёт командасига ўтказдилар. Бир ярим ҳафтадан кейин Листницкий сотня командири олдига бораётиб (полкка бир кунлик дам берилган эди), йўлда кетаётган Бунчукка етиб олди. У чап қўлини ўйнатиб, ўт тушган омборхона ёнидан кетаётган эди.

— Ҳа-а, кўнгилли аскар!

Бунчук бурилиб қаради ва честь бериб йўл бўшатди.

— Йўл бўлсин?— деб сўради Листницкий.

— Команда бошлиғи ёнига.

— Йўлимиз бир эканми, дейман?

— Шундай шекилли.

Улар бир неча вақтгача вайрон бўлган қишлоқ кўчасидан индамай кетавердилар. Онда-сонда соғ қолган бостирмалар ёнида одамлар ивирсиб юрар, отлиқлар ўтиб турар, кўчанинг қоқ ўртасида тўхтаган дала кухнясидан тутун бурқсирди; казаклар овқат олиш учун турна қатор тизилишган эди; ҳаводан майда бир нарса ёғарди.

Листницкий орқароқда келаётган Бунчукка кўз қирини ташлаб:

— Қалай, жанг русумини ўрганяпсизми?— деб сўради.

— Ҳа... ўрганяпман.

Листницкий унинг сертук қўлига тикилиб негадир:

— Урушдан кейин нима қилмоқчисиз?— деб сўраб қолди.

— Экин экканлар ҳосилини йиғиштириб олсин, мен... қараб турай-чи, бир гап бўлар.— Бунчук кўз қисиб қўйди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Гапингизга тушунолмадим-ку?

— Юзбоши,— деди Бунчук кўзларини яна қисиб.— «Шамол билан ўйнашган бўронда ҳалок бўлади», деган гапни эшитганмисиз? Шуни билиб қўйинг.

— Сиз аллегориясиз, очиқроқ гапиринг.

— Гапнинг очиғи шу. Хайр, юзбоши, мен чапга кетаман.

Бунчук сертук бармоқларини казакча фуражкасининг четига қўйиб честь берди-да, чапга бурилди.

Юзбоши кифтларини қисиб, унинг кетидан анчагача тикилиб қолди.

«Нима, ўзини қизиқ қилиб кўрсатмоқчими ёки бир қайноғи ичидами?» деб ўйлади жаҳли чиққан Листницкий командирнинг шинамгина ертўласига қараб кетар экан.

XVI

Иккинчи навбатдаги казаклар кетидан учинчи навбатдагилар ҳам урушга жўнади. Доннинг ҳамма станица ва қишлоқлари ҳувиллаб қолди, гўё ўроқ маҳали қисталанг келиб, бутун вилоят аҳолиси далага кетганга ўхшарди.

Ўша йили чегарада ажалнинг бозори роса қизиган, рўзғорни тебратиб турган не-не кишиларга қирон келган эди.

«Воо-ой, қадрдоним-э-э-эй!.. Мени кимларга ташлаб кетдинг-э-э-эй?» деб фарёд кўтарган, аза тутган бошяланг казак хотинларнинг сон-саноғи йўқ эди.

Қадрдонларнинг азиз бошлари эса қора қонга беланиб ҳар томонда думалаб ётар, кўзлари юмилган, абадий уйқуга кетган, улар замбаракларнинг жаноза садолари остида Австрия, Польша, Пруссия тупроқларида чириб ётарди... Шарқдан эсган шамол оналарнинг, хотинларнинг фарёдини буларнинг қулоқларига етказа олармиди!..

Казакларнинг сараси, манман деган йигитлари уйини ташлаб чиққан, ёт элларда битлаб-қуртлаб ит азобида қирилмоқда эди.

Ҳаво очиқ, сентябрь кунлари Татарск қишлоғи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг устида ингичка-ингичка, момиқ сингари оппоқ, йилтироқ мезон иплари учиб юрарди. Ранги ўчган, қони қочган қуёш бева қолган хотиндай жилмаяр, кўм-кўк мусаффо осмон эса нозланиб ўзини кўз-кўз қилаётгандай эди. Доннинг нариги бетидаги ўрмон малла тўнга ўралиб изтироб чекар, теракларнинг ранги заъфарон, эман дарахтининг жимжимадор барглари тўкила бошлаган, ёлғиз зирк дарахтларигина ўз яшиллигини пеш қилар, шаллақи ҳаккаларни суюнтирарди.

Шу куни Пантелей Прокофьевич Мелехов ҳаракатдаги армиядан хат олди. Бу хатни почтадан Дуняшга олиб келди. Почта бошлиғи хатни унга берар экан, ярғоқ бошини қимирлатиб таъзим қилди, хокисорлик билан қўлларини кериб қўйди:

— Худо ҳақи, мени кечирасиз, хатингизни очиб қўйибман. Дадангизга айтиб тушунтирасиз: Фирс Сидорович хатни, ҳалигидай, очиб ўқибди денг. Урушда нима гаплар борлигини жудаям билгуси келиб кетибди денг... Мени кечирасиз дадангиз Пантелей Прокофьевичга шундай деб айтиб қўйинг.

У ҳар вақтдагидан кўра паришон эди, ҳатто Дуняшкани кузатиб эшикка чиққанда бурнига сиёҳ тегиб кетганлигини ҳам сезмаганди.

— Мендан тағин хафа бўлиб ўтирманг, худо ҳақи, мен... танишлигим учун, ҳаддим сиққанидан...— деб пойма-пой чулдурар, Дуняшканинг кетидан қайта-қайта таъзим қиларди; Дуняшка унинг бу қилиғидан сергакланиб юраги орқасига тортиб кетди.

Қиз уйга ҳовлиқиб кирди ва анчагача қўйнидаги хатни ололмай типирлаб қолди.

— Тезроқ олсанг-чи!..— деб бақирди Пантелей Прокофьевич, қалтираган соқолини силаб.

Дуняшка конвертни қўйнидан олаётиб, шоша-пиша гапирарди:

— Почтачи қизиқиб хатни очиб ўқибди, дадангиз хафа бўлмасинлар деди.

— Ўқиса майли! Гришкаданми?— деб сўради чол, пишиллаб Дуняшканинг юзига тикилиб.— Григорийдан келгандир? Ё Петроданмикин?

— Йўқ, дадажон... Биров ёзганга ўхшайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўқисанг-чи, қийнамай, ахир!— деб қичқирди, стол ёнига судралиб келган Ильинична (унинг оёқлари гупчакдек шишиб кетган, зўрға судраб босарди).

Наталья ҳаллослаганича ҳовлидан кириб келди, қўлларини кўксига қўйиб, тиртиқ бўйнини қийшайтириб, печь ёнида туриб қолди. Тангадай офтоб шуъласига ўхшаш билинар-билинмас табассум Натальянинг лаблари устида титраб турар, у Гришадан салом кутар, эрига ит каби вафодорлиги эвазига, лоақал ўзи ҳақида, бир оғиз сўз эшитишни истар эди.

— Дарья қаёқда юрибди?— деб шивирлади кампир.

— Жим!— деб ғажинди Пантелей Прокофьевич (аччиғидан унинг кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди), Дуняшкага:— Ўқи!— деб буюрди.

— «Сизга маълум қиламанки...»— деб ўқиди-ю, Дуняшка курсидан ерга сирғилиб туша бошлади-да, хунук овоз билан бақириб юборди:— Дада! Дадажон!.. Вой, ойе-ее-е! Гришани!.. Вой! Гришани ...ўлдиришибди!

Дераза ёнидаги сўлғин чинни гул барглари орасида адашиб қолган қовоқари ғўнғилларди. Ҳовлида ивирсиб юрган товуқнинг қақиллагани эшитилар, очиқ қолган эшикдан қўнғироқдай кулишган болаларнинг овози келарди.

Натальянинг юзи тиртишиб кетди, лаблари илжайганича қотиб қолди.

Пантелей Прокофьевич шал бўлган одам сингари зўрға ўрнидан турди; унинг боши қалтирар, ғужғунак бўлиб қолган Дуняшкага анқайиб тикилиб қолган эди.

«Сизга маълум қиламанки, ўғлингиз, 12-Дон казаклар полкининг казаги — Григорий Пантелеевич Мелехов, ушбу йил 16 сентябрга ўтар кечаси Каменка-Струмилово шаҳри ёнидаги жангда ўлди. Ўғлингиз қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Бу нарса бошингизга тушган шу оғир мусибатли кунларда сизга тасалли бергай. Унинг буюмлари туғишган акаси Петр Мелеховга топширилади. Оти полкда қолди.

Тўртинчи сотня командири подъесаул *«Полковников, Ҳаракатдаги армия, 18 сентябрь, 1914 йил.»*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Григорийнинг ўлганлиги тўғрисида хабар олгандан кейин, кўп ўтмай, Пантелей Прокофьевич бирдан мункайиб қолди. Кундан-кунга уни қарилик енгаётгани яқинларига аниқ кўриниб турарди. Оғир мусибатдан чол хок-туроб бўлиш даражасига етган, мияси айниган, эси кирди-чиқди бўлиб қолган эди. У қорайиб кетгач, букчайган ҳолда уй ичида у ёқдан бу ёққа юрар, иситмадан қизарган кўзлари руҳан изтироб чекаётганини билдирар эди.

Сотня командиридан келган хатни чол ўз қўли билан икона тагига қўйган эди, кунига тўрт-беш марта даҳлизга чиқиб, Дуняшкани имлаб чақирарди:

— Бу ёққа кел,— дерди.

Қиз унинг олдига чиқарди.

— Григорий тўғрисидаги ҳалиги хатни олиб кел. Ўқи!— деб буюрар, меҳмонхона эшигига ҳадиксираб қараб-қараб қўярди; дардига малҳам топмаган Ильиничнанинг тинимсиз ноласи шу эшикдан эшитилиб турарди.— Секинроқ ўқи, овозингни чиқармасдан ўқи,— деб чол айёрона кўз қисар ва икки букчайиб эшик томонни имлаб кўрсатарди,— секинроқ ўқи, онанг эшитиб қолса... худо кўрсатмасин...

Дуняшка кўз ёшларини ютиб, биринчи жумлани ўқир эди, лекин чўнқайиб ўтирган Пантелей Прокофьевич, туя товонидай каттакон, қоп-қора кафтини очиб кўтарар:

— Тўхта! Бўлди, у ёғини биламан...— дерди.— Хатни жойига элтиб қўй... Секинроқ қўйгин, онанг шўрлик тағин...— У яна ҳалиги кўз қисишини қилар ва ўтда ёнаётган дарахт пўстлоғидай буралиб, иккн букилиб кетарди.

Чолнинг сочлари ҳар ер-ҳар ердан оқара бошлади, тез орада боши оппоқ қордай ялтираб қолди, соқолига оқ оралади. Чол баднафс бўлиб қолди, овқатни кўп ер, тўкиб-сочиб ер эди.

Таъзиянинг тўққизинчи куни ҳалок бўлган аскар Григорийнинг маъракасига поп Виссарионни чақириб келдилар.

Пантелей Прокофьевич ютаққан одамдай, овқатни чайнамасдан устма-уст ютарди, соқолига угра ёпишганига ҳам парво қилмасди. Сўнгги кунларда

www.ziyouz.com kutubxonasi

чолидан хавотирланиб, унга разм солиб юрган Ильинична йиғлаб юборди:

— Дадаси! Сенга нима бало бўлди?..

— Нима-а?— деб шошқалоқлаб қолди чол, сирланган товоқдан зўрға бошини кўтариб.

Ильинична қўл силтаб, гулдор даструмолини мижиғлаб кўзларини артди-да, юзини тескари ўгириб олди.

— Ўзинггиз ҳам, дада, худди уч кундан бери овқат емагандай энтикасизки!— деди зарда билан Дарья кўзларини олайтириб.

— Мен-а? Ҳа, хўп... хўп... хўп... бас қилдим...— деди Пантелей Прокофьевич хижолат тортиб. У стол атрофида ўтирганларга аланглаб қаради ва лабларини чапиллатди-да, сукутга кетди; у энди қовоғини солиб олган, саволларга жавоб ҳам бермас эди.

Маърака ошидан кейин поп Виссарион:

— Ўзингни бардам тут, Прокофьич,— деб унга тасалли бермоқчи бўлди.— Нега бунчалик қайғурасан, ахир? Ўғлинг шаҳид кетди, чол, худонинг қаҳрини келтирма. Ўғлинг подшоҳ учун, ватан учун жонини фидо қилди, сен бўлсанг... Гуноҳ бўлади, Пантелей Прокофьич, гуноҳкор бўласан... Худо кечирмайди!

— Мундан ортиқ нима қилай, ҳазрат... Ўзимни бардам тутяпман. «Қаҳрамонларча ҳалок бўлди», деб ёзибди командир.

Чол попнинг қўлини ўпгандан кейин, эшик кесакисига суяниб қолди ва ўғли ўлганлиги тўғрисида хабар келган кундан бери энди ҳўнграб йиғлади.

Шу кундан эътиборан у ўзини тутиб олди, руҳан соғайди.

Оилада ҳар ким ўз дардига ўзи билганича малҳам қўярди.

Дуняшканинг оғзидан «Григорий ўлибди» деган сўзни эшитган ҳамон Наталья ҳовлига югуриб чиқди. «Ўзимни ўлдираман! Ёруғ дунё менга қоронғи бўлди! Тезроқ!»— деган хаёл уни талвасага солган эди. Наталья Дарьянинг қўлидан чиқолмай толпинарди, ҳушидан кетган маҳаллари жони ором олар, лекин яна ўзига келишига, рўй берган ҳодисанинг яна эсига тушишига сира юраги йўқ эди. Бир ҳафтагача эс-ҳу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шини йўқотиб юрди, сўнгра ўзига келди; у энди мадори қуриб шалойим бўлиб қолган, ғам-ғусса уни адойитамом қилган эди. Мелеховлар қўрасида кўзга кўринмас бир шарпа айланиб юрар, тирик қолганлар димоғидан бўта-кўз исига ўхшаш мурда ҳиди кечаю-кундуз кетмасди.

XVII

Григорий ўлди, деган хабар келгандан кейин ўн икки кун ўтгач, Мелеховлар оиласи Петродан бир йўла икки хат олди. Дуняшка почтахонадаёқ хатларни ўқиб чиқди ва қуюн учирган хасдай, гоҳ гандираклаб, гоҳ четан деворларга суяниб, уйига томон чопди. Қишлоқни роса бесаранжом қилиб, уй ичини мислсиз ҳаяжонга солди.

— Тирик экан! Гриша тирик!.. Акажонгинам тирик экан!..— деб ҳўнграб келарди Дуняшка олисдан.— Петродан хат!.. Гриша ярадор бўпти, ўлмаган экан!.. Тирик, тирик экан!..

— Қимматли отамиз, меҳрибон онамизга салом,— деб бошланарди Петронинг 20 сентябрда ёзган хати.— Сизларга маълум бўлғайким, бизнинг Гришкамиз оз бўлмаса, жон таслим қилган эди, лекин худога шукурким, тирик қолди ва ҳозир соғ-саломатдир, сизларга ҳам худованд каримдан соғ-саломатлик, ҳамда хотиржамлик тилаймиз. Каменка-Струмилово шаҳри ёнида унинг полки жангда бўлган экан, ҳужумга кирган маҳалда венгер гусари унга қилич солганини ва Григорийнинг отдан қулаганини ҳамвзвод шериклари кўрибди, лекин у ёғи нима бўлгани маълум эмасди, мен улардан кўп суриштириб кўрдим, бироқ улар бошқа ҳеч гап айта олмадилар. Кейинчалик Мишка Кошевойдан нима бўлганини эшитдим, Мишка алоқа боғлаш учун бизнинг полкка келиб қолди. Григорий ярим кечагача беҳуш ётибди, кечаси ўзига келиб, эмгаклаб юра бошлабди. Юлдузга қараб йўл топиб, эмаклаб боравериби, бирданига ярадор офицеримизга дуч келибди. Бу офицер драгун полкининг полковниги экан, тўп ўқи портлаганда, оёғидан, ҳамда қорнидан ярадор бўлган экан. Григорий уни олти чақирим жойгача орқалаб олиб борибди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу иши учун унга георгий крести берилибди ҳамда Гришкани младший урядник қилиб кўтаришибди. Масала шундай! Гришканинг жароҳати ҳеч хавотирли эмас, душман қиличи бошига сал-пал тегиб кетибди, бир оз териси шилинибди, холос; фақат отдан йиқилаётганда эси оғиб қолибди. Энди сафга қайтиб келди, дейди Мишка. Пала-партиш ёзилгани учун мени кечирасизлар. Эгар устида ўтириб ёздим, чайқалиб кетяпман».

Иккинчи хатида Петро «Қадрдон Дондаги ўз боғимизнинг олча қоқисидан юборинглар» деб сўраган ҳамда тез-тез хат ёзиб туришни унутманг, деб илтимос қилган эди; шу хатида у Григорийни сўкиб ёзганди. Кўрган-билган казакларнинг гапига қараганда, укаси отга яхши қарамас экан, шуниси унга, яъни Петрога алам қилибди, чунки, тўриқ уники, яъни Петронинг ўз пулига келган от; шу тўғрида у Григорийга хат ёзишни отасидан илтимос қилган эди.

«Мен казаклар орқали қаттиқ тайинладим: агар отга ўзиникидай қилиб яхши қарамайдиган бўлса, рўпара келганимда оғзи-бурнини қоп-қора қон қиламан, кресть олдим деб талтаймай қўя қолсин, дедим»,— деб ёзган ва хатининг охирида беадад саломлар юборган эди. Ғижимланган, ёмғирда ивиган хатдан аламзадалик, хафақонлик ҳиди келарди. Афтидан, Петронинг ҳам аҳволи оғирлиги, хизматда эмас, кулфатда экани билиниб турарди.

Суюнчидан ўзини йўқотиб қўйган Пантелей Прокофьевичнинг авзойи аянчли эди. У иккала хатни ҳам чангаллаб олиб қишлоқ кўчасида тентираб юрар, саводлиларнинг йўлини тўсиб хатни ўқитарди, ўқитиб эшитиш учун эмас, йўқ, у кечикиб келган шодиёна хабарни бутун қишлоқда эълон қилиб мақтанмоқчи бўларди.

— Ҳа-ҳа! Кўрдингми менинг Гришкамни? А?— Ўқиётган одам тутила-тутила, Петро ўз укаси Григорийнинг ботирлигини таърифлаб: «Олти чақирим ергача ярадор подполковникни орқалаб борибди» деб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёзган жойига етганда, чол дарҳол туятовон кафтини тикка кўтарарди.

— Қишлоғимизда энг биринчи крестни Гриша олибди,— деб мақтанарди чол ва хатни қизғаниб, дарров қайтиб олар, уни мижиғланган фуражкасининг астари орасига тиқарди-да, бошқа саводхон кишини қидиришга тушарди.

Сергей Платонович дўкон деразасидан уни кўриб қолди-да, дарҳол шапкасини олиб, пешвоз чиқди.

— Бир кириб ўт-чи, Прокофьевич.

У оппоқ ва гўштдор қўллари билан чолнинг қўлини қисиб кўришди.

— Хўш, муборак бўлсин, муборак... Шундай ўғлим бор деб мақтанса бўлади, сиз эса, маърака қилиб юрибсиз. Унинг қаҳрамонлигини газеталардан ўқиб билдим.

— Газетада ҳам ёзишибдими?— деди томоғи қуриб тупугини ютолмай қолган Пантелей Прокофьевич.

— Шундай хабар бор, ўқидим, ўқидим.

Сергей Платонович сечорак энг яхши тамакини тахта устидан ўз қўли билан олди-да, ўлчамаёқ, қиммат баҳо конфетлардан ўраб берди, ҳаммасини Пантелей Прокофьевичга топширар экан:

— Григорий Пантелеевичга посилка юборганда мендан салом айт, шу нарсаларни қўшиб юбор,—деди.

— Ё худо-им-мэ-эй! Гришканинг иззатини қаранглар-а!.. Бутун қишлоқнинг оғзида Гришка... Шундай кунларга ҳам етар эканман,— деб шивирларди чол, Мохов магазинининг зинасидан тушиб келаётиб. У бурнини қоқиб, юзини қичитган ёшни чакмон енги билан артди-да, ўйланиб қолди: «Қаридим шекилли. Сал нарсага кўзимдан ёш келади... Эҳ, Пантелей, Пантелей, куч-қувватларинг қайларда қолди-а? Илгарилари метиндай эдинг, саккиз пудлик қопларни кемадан даст кўтариб тушираверардинг, энди-чи? Гришка адойитамом қилди мени...»

Чол қоғозга ўралган конфетларни бағрига босиб, кўчада оқсаб борарди, лекин бутун фикри, ботқоқзор устида парвона бўлиб учиб юрган куркулдак сингари Григорий атрофида гир айланар, Петронинг хатидаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўзлар эсига тушар эди. Шу аснода қудаси Коршунов унинг олдидан чиқиб қолди.

— Ҳой, қуда, бирпас тўхтагин!— деб Коршунов уни чақирди.

Уруш бошлангандан бери иккиси кўришмаган эди. Григорий уйдан кетган кундан бошлаб иккисининг орасига, душманлик оралади деб бўлмаса ҳам, совуқчилик тушиб қолган эди. Наталья ўзини Григорий олдида ерга уриб, унга ялинганлиги учун Мирон Григорьевич қизидан қаттиқ хафа эди. Мирон Григорьевичдай кишининг эл кўзида шармисор бўлишига қизи сабаб бўлган эди.

— Қиз эмас, адашган қанжиқ,— деб сўкарди Наталъяни уй-ичидагилар орасида,— отасининг уйида туравермайдими, қайнотасиникига кетиб қолди-я, уларнинг нони ширинроқ кўринди. Бу тентакнинг дастидан шармисор бўлдим, кўчада бош кўтариб юролмай қолдим.

Мирон Григорьевич қудасининг ёнига яқин бориб, сепкил тошган қўлини узатди.

— Саломатмисан, қудажон!

— Худога шукур, қуда.

— Харид қилиб қайтдингми дейман?

Пантелей Прокофьевич бўш турган ўнг қўлини кериб, бош чайқади.

— Йўқ, бизнинг қаҳрамонга совға олиб кетяпман. Саховатли Сергей Платонович унинг ботирлигини газеталардан ўқиб билибди, манови конфет билан қулинг ўргилсин тамакини сийлов қилди.—«Шуларни қаҳрамон ўғлингга юборгин ҳамда мендан салом айтиб қўйгин, бундан кейин ҳам шундай мардона иш кўрсатсин»,— дейди. Кўзидан тирқираб ёш оқиб кетди-я, буни қаранг, қуда!— деб зўр бериб мақтанарди Пантелей Прокофьевич ва гапи қандай таъсир этганини билмоқчи бўлиб, қудасининг юзига қаттиқ тикиларди.

Қудаси ерга қараб турганидан қовоғи остига киприкларининг сояси тушар, шунинг учун у худди бировни масхара қилиб кулаётганга ўхшарди.

— Шунда-ай дегин,— Коршунов томоғини қириб қўйиб, кўчанинг нариги бетидаги четан девор тагига ўтди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пантелей Прокофьевичнинг жаҳли чиқди, қалтироқ бармоқлари билан конфет ўралган қоғознинг оғзини очиб, кетидан эргашди.

— Манови конфетдан егин, асал солган экан!..— деб истеҳзо билан манзират қилди чол.— Марҳамат, қуда, ол, куёв совғасидан сен ҳам еб кўр... Турмушинг заҳарга айланган, тортинмай олавер, ҳали бунақа совға ўғлингга насиб бўладими, йўқми, ким билсин.

— Менинг турмушим билан ишинг бўлмасин. Турмушим ўзимга маълум.

— Тотиб кўр, ахир, қўлим қайтмасин!— ҳаддан зиёда такаллуф билан Пантелей Прокофьевич қудасининг йўлини тўсиб, олдида парвона бўларди. Бужмайган бармоқлари ила юпқа зар қоғозга ўралган конфетни арчиб узатарди.

— Биз ширинликка ўрганган эмасмиз,— дерди Мирон Григорьевич қудасининг қўлини итариб ташлаб.— Ширинликка ўрганган эмасмиз, бировларнинг ширинлигини есак, тишимиз тўкилади. Сенга-чи, қуда, ўғлинг учун садақа йиғиб юришлик жуда уят. Қийналган бўлсанг, менинг олдимга боргин эди. Куёвим учун мен ҳеч нарсамни аямасдим... Наташка сизнинг нонингизни еб ётибди-ку. Камбағаллашган бўлсанг, мен қарашворардим.

— Етти пуштимиздан тортиб, бизнинг авлодда ҳеч ким тиланчилик қилган эмас, қуда, тилим бор деб бекорга алжирайверма! Жудаям кеккайиб кетибсан, қуда!.. Мақтаниш ҳам эви билан-да!.. Бойлигинг ошиб-тошиб кетганлиги учун қизинг бизникига келиб қолган экан-да?

— Шошма!— деди қатъий қилиб Мирон Григорьевич.— Айтишиб ўтиришнинг фойдаси йўқ. Мен сен билан сўкишмоқчи эмасман, қуда, ўзингни босиб ол. Қани юр, сенда ишим бор, гаплашамиз.

— Орамизда гаплашиладиган гап қолмаган.

— Ундай дема, ҳали гап кўп. Қани юр.

Мирон Григорьевич қудасининг чакмони енгидан ушлаб, тор кўчага судради. Улар қўралар ёнидан ўтиб даштга чиқишди.

Пантелей Прокофьевич жаҳлидан тушиб, ўзига келди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қанақа иш экан?— деб сўради у.

Коршуновнинг сепкил тошган малла ранг юзига чол кўз қирини ташлади. У эса сюртугининг узун этагини қайириб, зовур четидаги дўнгга ўтирди, четига попук тақкан эски тамаки халтасини ёнидан чиқарди.

— Кўрдингми, Прокофьич, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, сен урушқоқ хўроз сингари човут солмоқчи бўласан, бунақа қилиқ қуда-андачиликка сира ярашмайди. Ҳар ҳолда дуруст эмас, а? Мен билмоқчиман,— деди қатъий қилиб. У бошқачароқ, дағалроқ овозда гапира бошлади.— Ўғлинг Натальяни қачонгача сарсон қилмоқчи? Менга шуни айт-чи!

— Буни ўзидан сўра!

— Ундан сўраб ўтиришимга ҳожат йўқ, қўра бошлиғи сенсан, мен сен билан гаплашаман.

Пантелей Прокофьевич арчилган конфетни мижиғлади. Бармоқлари орасидан эриган шоколад ширасн оқиб кетди. Зовур четидаги серкесак тупроққа кафтини артди, индамай, тамаки чекиш тараддудига тушди. Қоғоз буклаб, чоракталик пачкадан бир чеким тамакини солди ва пачкани қудасига узатди. Мирон Григорьевич қўлини қайтармади, Моховнинг совғасини баҳам кўриб, у ҳам махорка ўрашга тутинди. Папиросларини тутатиб олдилар. Оппоқ кўпик сингари кўксини керган бир парча булут икки чолнинг қоқ тепасида муаллақ турар, ингичка ва жуда нозик мезон ипи шамолда липиллаб, ердан осмонга кўтарилар, кўз илғамас баландликдаги ўша булут қошига учиб борарди.

Кун қайтган пайт. Кузнинг тасвирга сиғмайдиган ажойиб ва оромбахш сукунати чўккан. Осмон ёз маҳалидаги мусаффолигини, мовийлигини йўқотган, бўзариб қолган. Зовур устини аллақайси гўрдан келган қизғиш олма барглари босиб кетган. Тўлқин сингари баланд-паст тоғ сиртлари орқасидаги йўл ҳар томонга таралиб, одамни ўз қошига чақираётганга, зумраддай товланган, тушдагидай ноаниқ кўринган уфқ томонга имлаб чорлаётганга ўхшайди, лекин одамлар уй-жойини, рўзғорини ташлаб кетолмайди, тирикчилик оёғини кишанлаб қўйган, ҳали у иш, ҳали бу иш,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўриш-янчиш билан овора, шу аҳволда ҳориб-толиб умрлари ўтади, шу сабабдан йўлда қимирлаган жон кўринмайди, йўл эса, интизор бўлиб телмуради ва уфқ чизиғини кесиб кўз илғамас томонларда ғойиб бўлади, шамол унинг чангини ўйнатади.

— Тамакиси бўш экан, похолга ўхшайди,— деди Мирон Григорьевич, оғзидан тутун бурқситиб.

— Бўшроқ экан, лекин... тами тузук,— деб унинг гапини маъқуллади Пантелей Прокофьевич.

— Менга жавоб қил, қуда,— деди Коршунов аста папиросини ўчириб.

— Бу тўғрида Григорий ҳеч нима ёзгани йўқ. Ҳозир ўзи ярадор.

— Эшитганман...

— У ёғи нима бўлишини билмайман. Тирик қолади деб ҳам бўлмайди. Ким билсин?

— Бу нима деган гап, қуда?— Мирон Григорьевич саросималикка тушиб, кўзларини пирпиратиб қўйди.— Қиз десанг — қизга ўхшамаса, хотин десанг — хотинга, на эрининг тайини бўлса, бу нима деган шармандагарчилик, а? Бундай бўлишини билганимда сиздақа совчиларни эшигимга ҳам йўлатмасдим, бу нима кўргилик ахир!.. Ҳей, қуда, қуда. Ҳар ким ўз фарзандига ачинар экан!.. Пушт камарингдан бўлгандан кейин қийин-да...

Пантелей Прокофьевичнинг зардаси қайнаса-да, ўзини тутиб:

— Энди нима қил дейсан?— деб ҳужумга ўтди.— Қани ўзинг айт-чи! Ўғлимнинг уйдан кетиб қолгани менга алам қилмайдими? Уни кеткизиб шохим чиқдими? Одамлар жудаям ғалати-я, тавба!

— Сен унга хат ёзгин,— деди шартта Мирон Григорьевич; унинг кафтлари остидаги қизғиш тупроқ гапига жўр бўлгандай шитирлаб майда-майда из солиб зовурга қуюларди.— Бўлар-бўлмасини узил-кесил айтсин.

— Ановидан бола кўрган, ахир...

— Мунисидан ҳам бола кўради!— деди бақириб қизариб кетган Коршунов.— Тирик жонга токайгача азоб беради? А?.. Бир карра ўзини ўлдиришга қасд

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилиб-ку мажруҳ бўлиб қолди... Энди шу бечорани гўрга тиқмоқчими? А? Ёки...— Мирон Григорьевич бўғиқ овоз билан шивирлаб гапирар, бир қўли билан ўз кўксини тирнар, иккинчи қўли билан қудасининг этагидан тортарди,— ёки ўғлингнинг юраги тошга айланиб кетганми?

Пантелей Прокофьевич пишиллар, юзини тескари ўгирарди.

— ...унинг дардида шўрлик қуруқ чўп бўп қолди, усиз дунё кўзига қоронғи, яшай олмайди. Ўзиям, сеникида чўридан беш бадтар бўлиб юрибди.

— Овозингни ўчир! Наталья ўз боламиздан афзал!— деб қичқирди Пантелей Прокофьевич ўрнидан туриб.

Икки чол хайрлашмасдан икки ёққа кетдилар.

XVIII

Ҳаёт изидан чиққандан кейин булоқ сингари бир неча тармоққа бўлиниб кетади. Лекин, бу мунофиқ ва маккор оқимнинг қайси тармоққа бурилишини аниқ билиб олиш ниҳоятда қийин. Агар, бугун ҳаёт жилғага ўхшаб саёзлана бошласа, шу даражага етадики, ҳатто, тагидаги ифлос балчиқлари ҳам кўриниб қолади, эртаси эса суви кўпайиб дарёдай тўлиб-тошиб оқаверади.

Кунлардан бир кун Наталья ўзидан-ўзи: Ягодноега, Аксинья қошига борсам, ялиниб-ёлвориб Григорийни қайтариб олсам, деган қарорга келди. У негадир ҳамма гап Аксиньяда деб гумон қилар, шунинг учун уни кўндирсам, Григорий ҳам, қадимги бахтли кунларим ҳам қайтиб келади деб ишонар эди. Лекин бу мумкин бўладими, йўқми, бундай ғалати илтимосга Аксинья нима дейди, бу тўғрида Наталья сира ўйламасди. Тўсатдан кўнглига келган ва ўзига маъқул тушган бу қарорни у тездан амалга оширишга шошиларди. Ой охирида Мелеховлар Григорийдан хат олишди. Ота-онасига дуою саломлар айтиб бўлгандан кейин, Натальяга ҳам бениҳоя салом юборган эди. Григорий бу гал нега уни тилга олганлигини Наталья

www.ziyouz.com kutubxonasi

билмаса ҳам, лекин шу хат унга далда бўлди: якшанба куни Ягодноега боришга отланди.

— Қаёққа кетяпсан?— деб сўради Дуняшка, Натальянинг бир парча синиқ ойнага ўзини солиб, қаттиқ тикилиб қолганини кўриб.

— Уйдагиларнинг ҳолидан хабар олиб келай,— деди Наталья ёлғондан, лекин ўзи қип-қизариб кетди. Наталья юзини шувит қилиб, жонини азобга солиш учун кетаётганини эндигина пайқаган эди.

— Умрингда бирон марта мен билан сайилгоҳга борсанг нима қилади, ахир?— деб сўради безанаётган Дарья.— Кечқурун борасанми, Наталья?

— Билмадим, боролмасман.

— Вой, авлия-е! Фақат биз экан-да, эримиз йўғида ўйнайдиган,— деб кўз қисиб, қичиқ қилди Дарья. У эгнидаги оч ҳаво ранг юбкасининг гулдор этагини ойнага солиб қарар, новдадай буралиб, эгиларди.

Петро жўнагандан бери Дарья тамоман бошқача бўлиб қолди: эрининг йўқлиги унга ёмон таъсир этган эди. Унинг юриш-туриши, ҳаракатлари ва айниқса кўзлари бежо бўлиб қолди. У ҳар якшанба ясаниб-тусаниб олар, сайилгоҳдан жуда кеч қайтар ва жиғи-бийрони чиқиб Натальяга ҳасрат қиларди:

— Шўримиз қурсин!.. Кўзга илинадиган ҳамма казак урушда, қишлоқда болалар билан чоллар қолибди, холос.

— Мунча куймасанг?

— Нега куймайин? — деб таажжубланарди Дарья. — Сайилгоҳда кўнгил ёзай десанг, биронта одам топилмайди. Лоақал тегирмонга ҳам ёлғиз юборишмайди, дарров қайнатам ўлгур қўшилади, ёнидан бир қарич силжиб кўр-чи...

Дарья шарм-ҳаёни бир чеккага йиғиштириб, Натальядан рўй-рост сўрайверарди:

— Айланай овсин, эрсиз қандай чидай оласан-а?

— Қўй-э, шарманда!— дерди Наталья лоладай қизариб.

— Нафсинг тиламайдими?

— Сеники жуда тилаб қолганга ўхшайди-а?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тилайди, овсинжон!— деб хохоларди Дарья; унинг юзлари қизариб кетар, қайрилма қошлари учарди.

— Нимасини яшираман, соғиндим... Шу тобда биронта чол учраса ҳам, ишга солардим, ўлай агар, рост! Ахир, ўзинг мундоғ ўйлаб кўргин, Петронинг кетганига икки ой бўлди-я!

— Сен бир балога йўлиқасан, Дарья...

— Вой, сўфи ойим-эй! Сиздақа писмиқларни жуда яхши биламиз. Ичингда ўлиб турибсан-ку, иқрор бўлгинг келмайди-я.

— Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, нимага иқрор бўламан?

Дарья илжайиб унга қиё боқар, ўткир майда тишлари билан лабларини тишлаб, ҳикоя этарди:

— Анови кун сайилгоҳда атаманнинг ўғли Тимошка Маницков ёнимга келиб ўтириб олди. Терлаб-пишиб кетибди. Қарасам, бир нима демоқчи-ю, оғзини очишга қўрқади... Кейин аста-секин қўлини қўлтиғимдан ўтказди, қўли қалт-қалт қилади. Мен ўзимни босиб, дамимни чиқармай жим туравердим, зардам қайнаб турса ҳам чидадим, кошки йигит сиёғи бўлса, мишиқи бола!.. Ўн олтига кирган бўлса киргандир, ундан ортиқ эмас, кўрдингми, ёшига қарамайди... Миқ этмай ўтиравердим, у ёғимни ушлади, бу ёғимни ушлади, кейин: «Юр, бизнинг ғарамга борамиз!» деса бўладими? Мен ўзиниям роса боплaдим!..

Дарья хурсанд бўлиб, қотиб-қотиб кулар, қошлари учар, кўзларидан ўт чақнар эди.

— Шундай адабини бердимки! Ирғиб турдим-у: «Вой, тилинг кесилгур-э! Оғзингдан эмизук тушмай туриб-а! Бу нима деганинг менга, мишиқи? Яқиндагина ўрнингга сийиб чиқардинг, энди одам бўлиб қолдингми?»— деб роса койидим.

Наталья билан иккисининг орасидан қил ўтмасди.

Дарья кичик овсинга нисбатан бўлган илгариги гина-кудуратларини кўнглидан чиқариб ташлаган, феъли бир-бирига ўхшамаган бу иккала аёл иноқ бўлиб олган эдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Наталья кийиниб бўлиб меҳмонхонадан чиқиб кетди.

Даҳлизда Дарья унга етиб олди.

— Кечаси эшикни очиб берасанми?

— Мен дадамникида ётиб қолсам керак.

Дарья тароқ билан икки қош орасини қашлаб ўйланиб турди-да, бошини силкиб қўйди.

— Ҳа майли, боравур. Дуняшкага ялинмай қўя қолай девдим, илож йўқ, ялинарканман.

Наталья Ильиничнадан, отамникига бораман, деб жавоб олди-да, кўчага чиқди. Майдон томонда бозордан қайтган аравалар, черковдан чиққан одамлар кўринарди. Наталья икки кўчани кесиб ўтди-да, шартта чапга бурилди. Шошмасдан тепаликка чиқа бошлади. Довонга етганда кетига бурилиб қаради: пастда қуёш нурига чўмган қишлоқ, оқартирилган оппоқ уйлар кўринарди, тегирмоннинг нишоб томида офтоб шуъласи ўйнар, тунукаси қип-қизил чўғдай ловиллар эди.

XIX

Уруш Ягодноедаги одамларни ҳам териб-териб олган эди. Вениамин билан Тихон кетди, улар жўнагандан кейин бу ер аввалгисидан ҳам кўнгилсиз, диққинафас бўлиб қолди. Вениаминнинг ўрнида ҳозир генералнинг хизматини Аксинья қилиб турарди; ўчоқ бошидаги оғир юмушлар хўппа семиз Лукерьяга қолган, паррандаларга қараш ҳам ўшанга юкланган эди. Сашка бобо отбоқарлик, ҳамда боққа қоровуллик қиларди, фақат кучер янги — ёши қайтган Никитич деган совлатли казак эди.

Бу йил пан экин майдонини камайтирди, йигирмага яқин йилқини боқувга қўйди; фақат пойгачи отлар билан хўжаликда ишлаб турган учта наслдор Дон оти қолган эди. Пан кўп вақтини овда ўтказар, Никитич билан тувалоқ отгани чиқарди, аҳён-аҳёнда този солиб теварак-атрофдагиларни безовта қиларди.

Аксиньяга ҳар замонда битта қисқача хат келар, Григорий ҳозирча эсон-омон эканини, хизматини бажо келтираётганини ёзар эди. У тишини тишига

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўйиб чидаганиданми, ёки сир бой бергиси келмаганиданми, ҳайтовур, хатида бирон марта аҳволи оғирлиги, зерикаётгани ҳақида оғиз очмасди. Хатлари совуқ, худди мажбур бўлганидан ёзаётгандай туюларди. Сўнгги хатида: «...доим сафда юрасан киши, уруш жонга тегиб кетди, туну кун ажални опичлаб юриш осон эмас экан», деган бир жумлани қистириб кетган эди. Ҳар сафар хатида қизини сўрар, қизи тўғрисида ёзиб юборишни илтимос қиларди: «...қалай менинг Танюшам, катта бўлдими? Яқинда уни тушимда кўрдим, каттакон қиз бўлиб, қизил кўйлак кийиб олган эмиш».

Сиртдан қараганда, Аксинья жудоликка бардош бергандай эди. Унинг Гришкага бўлган борлиқ муҳаббати қизига ўтган эди, айниқса бола Гришканики эканига қаноат ҳосил қилгандан кейин меҳри янада ортди. Ҳаёт буни рад қилиб бўлмайдиган далиллар билан исбот этарди: қизнинг дастлабки қора-қўнғир сочлари тўкилиб, тим қора жингалак соч чиқди; кўзларининг ранги ўзгариб, қоп-қора шаҳло кўз бўла бошлади. Кундан-кунга қиз айнан дадасининг тусига кириб борар, ҳатто кулишлари ҳам Мелеховларникига ўхшаб кетар, Гришка сингари тиржайиб куларди. Энди Аксинья боланинг отаси кимлигини аниқ билар, шунинг учун бутун фикри-зикри болада бўлиб қолган эди; илгари у беланчак ёнига борса, ухлаб ётган қизалоқнинг юзида манфур Степаннинг афтига ўхшаб кетган билинар-билинмас аломатлар борлигини сезиб, сесканиб тушарди, ҳозир эса, у шундай шубҳалардан тамоман қутулган эди.

Тонг отар, кун ботар, кундан-кунга Аксиньянинг юрак-бағри қон бўларди. Севган одамининг ҳаёти учун хавотирланиб, ваҳимали хаёллар миясини чулғаб олар, кеча-кундуз уни тинч қўймас эди. Ана шундай кезларда, то шу дамгача ўзини босиб кела олган Аксинья, ортиқ чидай олмасди: туни билан, унсиз фарёд қилиб, кўз ёшларига ғарқ бўлиб оппоқ тонг отдирар, болани уйғотиб юбормаслик учун товуш чиқармас, юрагини тимдалаган азобларни унутиш учун қўлларини тишлаб зор-зор йиғларди. Бо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лалиги тутиб кўз ёшларини қизининг йўргак латтасига суртар: «Модомики, қиз Гришканики экан, шундай қилсам, қанчалик соғинганим унга дарҳол аён бўлади»,— деб ўйларди.

Шу зайилда тонг отдириб, калтаклангандан бадтар шалойим бўлиб ўрнидан турар: аъзойи-бадани зирқирар, икки чаккаси қаттиқ қисиб лўқиллаб оғрирди, илгариги лўппилигини йўқотган, сўлғин лабларининг бурчакларида қайғу-ҳасрат излари — ажинлар пайдо бўларди. Бу тунлар Аксиньяни ўртар, ёш умрини ҳазон қиларди.

Бир якшанба куни Аксинья панга нонушта киргизиб берди-да, зинапояга чиқди. Шу пайт дарвоза ёнига бир хотин келиб тўхтади. Оппоқ рўмол остида ёниб турган бир жуфт кўз унга жудаям таниш кўринди... Хотин дарвоза турмини босди-да, ҳовлига кирди. Аксинья Натальяни таниб ранги ўчиб кетди, секин-аста унга томон бораверди. Иккиси ҳовлининг ўртасида юзма-юз бўлишди. Натальянинг кавушларини бир энлик чанг қоплаган эди. У тўхтади, ишда чиниққан каттакон қўллари жонсиздай осилиб қолди; у пишиллаб нафас олар, ногирон бўйнини ўнгламоқчи бўлар, лекин уддалай олмасди; шунинг учун четга қараётганга ўхшаб кўринарди.

— Сенинг олдингга келдим, Аксинья,— деди қақраган лабларини ялаб.

Аксинья уй деразаларига ялт этиб бир қарадида, индамай, хизматкорлар қўрасидаги ўз ҳужраси томон юрди. Наталья унинг кетидан эргашди. Аксиньянинг кўйлаги шитирлагани — унинг қулоғини тирнаётгандай бўларди.

«Қулоқларим иссиқдан зўриқиб оғриётган бўлса керак»,— деган қарорга келди турли-туман хаёлларга чўмган Наталья.

Аксинья Натальяни уйга киргизди-да, эшикни ёпиб олди. Сўнгра, қўлларини оппоқ фартуги остига суқиб уй ўртасига келиб тўхтади.

— Нега келдинг?— секин сўради Аксинья ўсмоқчилаб.

— Бир қултум сув ичсам...— деди Наталья ва ўткир кўзларини тикиб, уйни бошдан-оёқ қараб чиқди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аксинья жим тураверди. Наталья зўрға овоз чиқариб гапира кетди:

— Сен мени эримдан айирдинг... Григорийни қайтиб бер!.. Сен... умримни ҳазон қилдинг... Аҳволимга бир қарагин...

— Эримни қайтиб бер? Ҳо!— Аксинья тишларини тишларига маҳкам босиб олган, ғижиниб гапирарди.— Эрсираб қолдингми? Ҳо! Кимдан сўраётганингни ўзинг биласанми? Нега келдинг? Сўрайдиган пайтни ўтказиб юбординг!.. Кеч қолдинг!..

Аксинья бутун вужуди билан тебраниб кетди-да, заҳарханда қилиб, Натальянинг устига бостириб келди.

У энди ўз душманининг юзига тикилиб, бошига ит кунини сола бошлади. Мана кундоши — Григорийнинг қонуний, ташландиқ хотини ҳозир рўпарасида қайғуга ботиб, хок-туроб бўлиб шумшайиб турибди; уни Григорийдан жудо қилган, қон қақшатиб йиғлатган, юрагини тилимлаган шу эмасмиди? Соғиниб сомон бўлган, ўлар ҳолатга етган чоғларда Григорийнинг оғушида роҳатланган хотин шу. Балки ўшанда Аксиньянинг толеи пастлигидан кулган, «ташландиқ ўйнаш» деб роса масхара қилган бўлса ҳам ажаб эмас.

— Мендан сен ҳали Гришани сўрагани келдингми?— дерди энтика-энтика Аксинья.— Ҳаҳ илон ёғин ялаган маккор!.. Дастлаб сен менинг Гришкамни тортиб олдинг! Сен, мен эмас.. Мен билан юришини билмасмидинг — билардинг, нега унга тегдинг? Хўш? Мен ўз Гришкамни қайтариб олдим, у меники, ундан бола кўрдим, сен-чи?..

Аксинья нафрат ва адоват билан Натальянинг кўзига тикилар, қўлларини пахса қилиб энг беҳаё сўзларни аямай унинг устига ёғдирарди:

— Менинг Гришкам, ҳеч кимга бермайман!.. Меники! Ўзимники! Эшитдингми, ҳой? Ўзимники!.. Туёғингни шақиллат, қанжиқ, сен унинг хотини эмассан. Ҳали сен болани етим қўймоқчимисан? Ҳо! Нега илгарироқ келмадинг? Хўш, нега, а?

Наталья ёни билан бориб курсига ўтириб қолди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

боши шилқ этиб қўллари устига тушди, юзини кафтлари билан беркитди.

— Сен ўз эрингни ташлаб кетгансан... Шаллақилик қилма!..

— Менинг эрим — Гришка. Дунёда бошқа ҳеч кимим йўқ!..

Аксинья юраги ўртаниб алами ичига сиғмай бораётганини сезди, Натальянинг рўмоли остидан осилиб, қўллари устига тушган бир тутам қора сочига тикилиб қолди.

— Сенга кўзи учиб турибдимикин? Ўзингга бир қарагин, бўйнинг қийшайиб қолибди! Нимангга хуштор бўлади? Соғингда-ку, ташлаб кетди, энди ногирон бўлганингда бошига урадими? Гришкадан умидингни узавер! Гап тамом, вассалом! Боравур!

Аксинья ўз уясини ҳимоя қилган қуш сингари чириллар, кечирган кулфатларининг аламини оларди. Натальянинг бўйни бир оз қийшайганлигига қарамай, ҳали ҳам қадимгисидай чиройли эканини, ёноқлари ва дудоқлари гулдай чақнаб турганини кўриб хуноб бўларди, ўзининг кўзлари остига бевақт ажин тушганига шу кундош сабаб бўлган эмасмиди?

Наталья ғам чўккан кўзларини кўтариб:

— Сендан яхшилик чиқмаслигини олдиндан билардим,— деди.

— Билсанг нега келдинг?— деб ўшқирди Аксинья.

— Ҳасрат судради мени.

Ваҳир-вуғур шовқиндан каравотда ётган қизча уйғонди ва бошини кўтариб йиғлай бошлади. Аксинья болани кўтариб олди-да, деразага ўгирилиб ўтирди. Наталья титраб-қақшаб болага тикилиб қолди. Томоғига бир нарса тиқилгандай бўлди. Бола қизиқсингандай маънодор кўзларини унга тикди, Натальянинг назарида Григорий қараб тургандай бўларди.

Наталья йиғлай-йиғлай, ғандираклаб зинапояга чиқди. Аксинья уни кузатмади ҳам.

Бир оздан кейин Сашка бобо кирди, масалани фаҳмлади шекилди:

— Бу қанақа хотин?— деб сўради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қишлоқдан келган бир аёл-да.

Наталья қўрғондан уч чақиримча узоқлашгандан кейин ёввойи тоғолча тагида ёнбошлади. У энди ҳеч нарсани ўйламас, ҳаддан ташқари оғир ғам ичида қолган эди. Боланинг кичкинагина юзида жавдираган, Григорийникига ўхшаган қоп-қора ғамгин кўзлари унинг кўз ўнгидан сира кетмасди.

XX

Ўша туннинг ҳотираси умрбод эсдан чиқмайдиган бўлиб Григорийнинг миясига ўрнашган эди. У тонг отар маҳалида ҳушига келиб, у ёқ-бу ёғини пайпаслаб кўрди, қўлига дон қилтаноқлари тикандай ботди, боши ачишиб оғриганидан инграб юборди. Бир амаллаб қўлини зўрба-зўр кўтариб пешонасини ушлаб, лахта-лахта қон аралаш қотиб қолган бир тутам сочини силади. Яраланган жойга бармоғини тегизиб кўрганда, жароҳати чўғ босгандай жазиллаб кетди. Тишларини ғижирлатиб чалқасига ётиб олди. Эрталабки совуқ урган дарахт барглари унинг тепасида шитирлаб нола қилишарди. Қорайган новдалар орасидан кўм-кўк осмон ва йилтираган юлдузлар кўринарди. Григорий кўзларини юммай катта очиб ётар, назарида, булар — юлдуз эмас, балки япроқларнинг бандларида осилиб турган қандайдир кўкимтил-сарғиш меваларга ўхшарди.

Қандай ҳодиса юз берганини ва унинг оқибати нима бўлишини англаган Григорий ваҳм ичида тишини тишига қўйиб эмаклай бошлади. Оғриққа чидай олмай гоҳо мукка тушиб ётиб оларди... Назарида, анчадан бери эмаклайвериб хийла жойга етгандай бўлди; зўрба-зўр орқасига бурилиб қаради, эллик қадам ерда қорайган дарахт кўринди, боягина шу дарахт тагида музлаб ҳушсиз ётган эди-ку... Бир марта ўликка дуч келди, ичига кириб тарашадек қотган қорнига тирсагини тираб устидан ошиб ўтди. Қони кўп кетгани учун кўнгли лоҳасланиб, ўзини тутолмай боладай йиғлаб юборди, эси оғишидан қўрқиб шабнам тушган нордон кўкатни шимий бошлади. Тўнкарилиб ётган ўқ-дори яшиги олдига етгач,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўрнидан турди ва анчагача гандираклаб жойидан қўзғалолмай тик туриб қолди, сўнгра юриб кетди. Унга дармон кириб қаттиқ-қаттиқ қадам ташлай бошлади. Етти қароқчи юлдузга қараб шарқ томон қаёқдалигини пайқаб олди.

Ўрмон ёқасида аллакимнинг хириллаган овозини эшитиб тўхтади:

— Яқин келма, отаман!

Тўппонча барабани шиқирлади. Григорий товуш келган томонга тикилиб қаради: қарағай тагида аллаким бошини кўтариб ётарди.

— Кимсан ўзинг?— деб сўради Григорий. Ўз овози унга бировнинг товушига ўхшаб эшитилди.

— Русмисан? Худойим-эй!.. Келавур!— деди қарағай тагидаги одам ер бағирлаб ётиб олиб.

Григорий унинг олдига борди.

— Энгаш,— деди у.

— Энгашолмайман,— деди Григорий.

— Нега?

— Бошим ярадор, йиқилсам, қайтиб туролмайман, бошимга қилич теккан...

— Қайси қисмдансан?

— Ўн иккинчи Дон полкидан.

— Менга ёрдам қил, казак.

— Ўзим зўрға турибман, йиқилиб тушаман, жаноби олий. (Григорий ярадорнинг шинелидаги офицерча погонини кўриб қолди).

— Йўқса, қўлингни бер.

Григорий офицерга ёрдамлашиб ўрнидан турғизди. Иккиси йўлга тушди. Лекин юрган сайин ярадор офицер бутун оғирлигини Григорийга ташлаб, унинг қўлига қаттиқ осилволди. Жарликдан тепага кўтарилишаётганда, у, Григорийнинг енгидан маҳкам ушлади-да, тишларини ғижирлатиб:

— Мени ташлаб кет, казак...— деди.— Жароҳатим оғир... қорнимдан ўқ тегиб... бу ёқдан тешиб чиққан.

Пенснэ остидан кўзлари хира нур сочар, оғзи каппа-каппа очилар, хириллаб зўрға нафас оларди. Офицер ҳушидан кетди. Григорий уни орқалаб олди, у гоҳ йиқилар, гоҳ ўрнидан турар эди. Икки марта бу ярадорни ташлаб ҳам кўрди, лекин яна қайтиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

келиб кўтариб олди, гоҳ ҳуд, гоҳ беҳуд гандираклаб юраверди.

Эрталаб соат ўн бирда алоқа командаси буларни кўриб қолиб, даволаш пунктига элтиб топширди.

Бир кундан кейин Григорий даволаш пунктидан қочди. Йўлда бошидаги латтани ечиб олди ва парча-парча қизил доғ босган бинтни қўлида ўйнатиб бемалол кетаверди.

Сотня командири уни кўриб ҳайрон қолди:

— Ие, осмондан тушдингми?

— Сафга қайтиб келдим, жаноби олий.

Юзбошига учрашиб чиққач, Григорий взвод урядниги кўрди.

— Отим қани?.. Тўриқ отим...

— Тўриғингга ҳеч бало бўлгани йўқ, биродар. Австрийцларни тумтарақай қилгандан кейин биз уни ўша ердан тутиб олдик. Ўзинг қалай? Бизлар арвоҳингга фотиҳа ўқиб қўйган эдик.

— Сал шошибсизлар,— деб кулди Григорий.

Буйруқдан кўчирма

«9-драгун полкининг подполковниги Густав Грозбергнинг ҳаётини сақлаб қолгани учун 12-Дон казаклар полкининг казаги Григорий Мелеховни урядник муовини даражасига кўтарилсин ҳамда 4-даража георгий крести билан мукофотлашга тақдим этилсин.»

Сотнядаги казаклар Каменка-Струмилово шаҳрида икки сутка тургандан кейин, кечаси йўл тараддудига тушдилар. Григорий ўз взводидаги казаклар турган уйни қидириб топди-да, кейин отини кўрганн чиқиб кетди. Ҳуржундан бир жуфт ички кийими билан сочиғи йўқолиб қолибди.

— Кўз олдимда ўғирлаб қўйишди, Григорий,— деб узр сўради Митка Кошевой; от шунинг қўлида эди.— Еру кўкни пиёда аскар босиб кетди, шулардан биттаси ўғирлаган-да.

— Бош-кўзимдан садақа, майли, кияверишсин. Аммо бошимни боғлаб олмасам бўлмайди, бинти ивиб кетди.

— Менинг сочиғимни олақол.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иккиси гаплашиб турган бостирмага Қокилдор кириб келди. Орада ҳеч гап ўтмагандай, Григорийга қўл бериб кўришди.

— Ҳа, Мелехов! Тирикмисан, жирттаки?

— Баҳар навъ.

— Пешонанг қон, артиб олсанг-чи.

— Артарман, шошма.

— Қани бир кўрай, қаерингни пачағлабди.

Кокилдор Григорийни ўз ҳолига қўймай, бошини эгиб қаради-да, бурнини бир тортиб қўйди.

— Оладиган бўлса, бошни олмайдими, соч олиб нима қиларкин? Муни қара, расвосини чиқаришибди!.. Докторлар боқадиган бўлса, ҳаливери одам бўлмайсан, кел, ўзим тузата қолай.

Григорийнинг розилигини сўрамаёқ, ўқдонидан бир дона патрон олди, қўрғошинини суғуриб ташладида, ичидаги милтиқ дорини қоп-қора кафтига солди.

— Михайло, пича ис топиб кел.

Кошевой қилич учи билан тўсинлар орасидаги бир парча исни илиб олиб, унга узатди. Шу қиличнинг учи билан Кокилдор бир чимдим тупроқни ўйиб олди, сўнгра ҳалиги ис билан дорини тупроққа аралаштириб анчагача чайнади. Сақичдай малҳам билан Григорийнинг бошидаги жароҳатни шуваб ташладида, кулиб қўйди:

— Уч кундан кейин отдай бўлиб кетасан. Кўрдингми, ярангга ўзим қараяпман, сен тентак... сал бўлмаса мени отиб қўювдинг.

— Қараганинг учун раҳмат, лекин ўлдирганимда-ку, савобга қолардим-а.

— Жудаям соддасан, йигит!

— Бўлганим шу. Бошимга нима қипти?

— Чорак энлик ботган экан. Сенга эсдалик бўлади.

— Унутмайман.

— Минг овора бўлсанг ҳам буни унутолмайсан; австрийцлар қиличини чархламайди, ўтмас қилич билан чопибди, ўрни ҳеч кетмайдиган тиртиқ бўлиб қолади энди.

— Омадингни қараки, Григорий, қилич тойиб кетибди, йўқса, ўлигинг ёт элларда қолиб кетарди,— деб кулди Кошевой.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Фуражкамни нима қиламан энди?— Григорий ҳанг-манг бўлиб усти йиртиқ, қонга бўялган фуражкасини қўлида айлантирарди.

— Итга ташла, балки ер.

— Йигитлар, овқат келди, олиб қол!— деб қичқирди биров эшикдан.

Қазаклар бостирмадан чиқдилар. Григорийнинг кетидан Тўриқ от кўзларини чақнатиб кишнади.

— Сени жуда соғиниб қопти, Григорий!— Кошевой отни имлаб кўрсатди.— Мен ҳайрон қолдим, ҳеч нима емайди, ўзидан-ўзи аста-секин кишнайди.

— Мен ҳушимга келгандан кейин, уни кўп чақирдим.— Григорий юзини тескари ўгириб минғирлаб гапирарди,— мени ташлаб ҳеч ёққа кетмас, деб ўйлаган эдим, уни тутиш қийин, бегонага тутқизмайди.

— Рост айтасан, биз ҳам зўрға тутдик. Сиртмоқ ташлаб ушлаб олдик.

— Баҳоси йўқ от, акамники, Петроники.— Григорий яна юзини ўгириб, намланган кўзларини яширди.

Қазаклар уйга киришди. Даҳлизда ерга олиб қўйилган пружинали тўшак устида Егор Жарков хуррак отиб ётар эди. Уй ичининг бу қадар тартибсиз ҳолда бўлиши, эгаси уйини шошилишда ташлаб кетганидан далолат берарди. Чил-парчин бўлган идишлар, йиртилган қоғозлар, китоблар, устига асал тўкилган лахтак мовутлар, болалар ўйинчоқлари, эски-туски пойабзал, ҳар ёқда сочилиб ётган ун — ҳамма нарса остин-устун, уруш дастидан додга келгандай эди.

Емельян Грошев билан Прохор Зиков ўзлари ўтирган жойни йиғиштириб овқатланмоқда эдилар. Григорийни кўрган ҳамон Зиковнинг бўта кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди.

— Гри-ишка! Қаёқлардан келдинг?

— Нариги дунёдан.

— Ҳой, дарров Гришага шўрва олиб кел. Мунча кўзингни чақчайтасан?— деб қичқирди Қокилдор.

— Ҳозир. Кухня яқин, тор кўчада турибди.

Прохор оғзидаги луқмани чайнаганича ҳовлига чиқиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чарчаб-ҳориган Григорий, унинг ўрнига ўтирди.

— Овқатнинг ҳидини ҳам унутиб юборибман,— деди у хижолат тортгандай кулиб.

3-корпус қисмлари шаҳар ичидан ўтмоқда. Тор-тор кўчалар пиёда аскарларга тўлган, сон-саноқсиз аравалар, суворилар тирбанд бўлиб қолган, муюлиш жойлар тиқилинч, ғовур-ғувури ёпиқ эшиклардан ўтиб, уй ичида ҳам эшитиларди. Кўп ўтмай, Прохор бир котелок шўрва, бир халта қора буғдой ёрмасидан қилинган шавлани кўтариб келди.

— Шавлани нимага бўшатай?

— Манови дастали идишга бўшата қол,— Грошев, нималигининг фарқига бормасдан, деразада турган тунлик тувакни кўрсатди.

— Сассиқ-ку,— деб бурнини жийирди Прохор.

— Майли. Халтаси билан қўя тур, кейин бир гап бўлар.

Прохор халтанинг оғзини очди: қуюқ шавладан қайноқ буғ кўтарилар, сап-сариқ ёғи четида гир айлана сузиб юрарди. Ҳамманинг оғзи овқатдан, тили гапдан бўшамасди. Прохор ранги ўнгган чалваридаги ёғ доғини тупуги билан суртиб, гапга тушди:

— Биз турган мана шу ҳовлининг ёнгинасига сувори-тоғ дивизиони тўплари билан келиб тушди, ҳозир отларини боқишяпти. Дивизион унтер-офицери газетада ўқибди: немисларнинг иттифоқдошлари энди ўнғалмайдиган ҳолга келган эмиш.

— Айтгандай, ҳали хабаринг йўқ, Мелехов бугун эрталаб бизга ташаккур билдиришди,— деб ғўнғиллади Кокилдор оғзи тўла шавлани кавшаётиб.

— Ким?

— Дивизия командири генерал-лейтенант фон Дивид бизни кўрикдан ўтказди, венгр гусарларини тумтарақай қилганимиз, ўз тўпларимизни халос этганимиз учун ташаккур билдирди. Сал кеч қолсак, тўпларни олиб кетишар экан. «Баракалла, казаклар, подшо ҳамда ватан сизларни ҳеч унутмайди», деди.

— Шунақа дегин!

Кўча томондан «пақ» этган ўқ овози келди, кетидан яна ўқ чиқди, пулемётнинг тариллаган товуши эшитилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Чиқингг-ла-ар!— деб қичқирди дарвоза ёнида биров.

Қазаклар қошиқларини ташлаб, ҳовлига чопиб чиқдилар. Аэроплан гир айланиб, тепаларида пастлаб учарди. Гулдураган баҳайбат овози ҳамма ёққа ваҳима соларди.

— Четан деворлар тагига биқин! Ҳозир бомба ёғдиради, тўпхона ёнгинамизда-я!—дея чинқирди Кокилдор.

— Егорни уйғотинглар! Юмшоқ тўшак устида кўз очмай кетавермасин!

— Милтиқларингни ол!

Кокилдор зинапоя устида туриб аэропланни мўлжалга олар, ўқ узарди.

Қўчада солдатлар, негадир, энгашиб олиб югуришарди. Қўшни қўрада отларнинг кишнагани, аллакимнинг чинқириб команда бергани эшитиларди. Григорий обоймадаги ўқни отиб тамомлади-да, девордан мўралади: тўпчилар итар-итар қилишиб тўпни бостирма тагига судраб борардилар. Григорий кўм-кўк осмонга тик қаролмай кўзларини қисар, ваҳиллаб, пастлаб келаётган ваҳимали калхатга разм соларди; шу аснода аэропландан бир нима шартта узилди-да, офтоб шуъласида ялт этиб кетди. Гумбурлаган даҳшатли овоз зарбидан уй, ҳамда зинапояда биқинган казаклар ларзага келди; қўшни ҳовлида жон ҳалпида от кишнаб юборди. Деворнинг нариги ёғидан келган аччиқ олтин гугурт исидан ҳамма ёқ сасиб кетди.

— Пана бўл!— деб бақирди зинапоядан тушиб қочган Кокилдор.

Григорий унинг кетидан сакраб тушиб, ўзини девор тагига ташлади. Аэроплан қанотининг алюминдан қилинган қандайдир бир қисми ялт этиб кетди; у энди думини секин-аста кўтариб бурилмоқда эди. Кўчадагилар тўп-тўп бўлиб аэропланни ўққа тутишар, бараварига ўқ узишар, бетартиб отилган қасира-қусур ўқ товушлари эшитиларди. Григорий эндигина бир обойма ўқни милтиққа жойлаб бўлган эдики, боягидан ҳам зўр портлаш тўлқини уни девордан бир саржин нарига улоқтириб ташлади. Қатта

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир кесак бошига келиб урилди, устини тупроқ босиб кўз ўнги қоронғилашиб кетди.

Кокилдор уни ўрнидан турғизиб қўйди. Чап кўзининг ачишиб оғриганидан Григорий ҳеч нарсани кўрмасди; ниҳоят, ўнг кўзини очиб атрофига қаради: уйнинг ярми емирилиб тушган, ғиштлари чилпарчин бўлиб, уюлиб қолган, қизғиш чанг-тўзон вайрона устини қоплаган эди. Абжағи чиққан зинапоя тагидан Егор Жарков зўрға эмаклаб келарди. Бутун афти-башараси дабдала, фарёд қилар, оқиб тушган кўзларидан қону ёш аралашиб бетларига қуюларди. У бўйнини қисиб олиб, мурданикидай қорайиб кетган лабларини очиб бақирарди:

— А-и-и-и-и! А-и-и-и-и! А-и-и-и-и!..

Сонидан синган ва терисига илиниб қолган оёғи куйган шимининг почаси устида кўндалангига судралиб келарди, иккинчи оёғи бутунлай йўқ эди. У қўлларини зўрға-зўрға қимирлатиб эмаклар, боладай чинқирар эди. Бирданига унинг дами ичига тушиб кетди, от гўнги ва ғишт парчалари босиб кетган бағри қаттиқ зах ерга бетини тираб ёнбошлаб қолди. Ҳеч ким унинг олдига келмади.

— Уни олсаларинг-чи!— деб бақирди Григорий қўлини чап кўзига босган ҳолича.

Пиёда аскарлар ҳовлига чопиб кирдилар, дарвоза олдида телефонистлар араваси тўхтади.

— Ҳайда, нега тўхтадинглар!— деб бақирди от чоптириб кетаётган офицер.— Ҳа ҳайвонлар, исқиртлар!

Аллақаёқдан узун қора камзул кийган бир чол билан икки хотин келиб қолди. Оломон Жарковни ўраб олди. Григорий одамлар орасини ёриб ўтиб, Жарковнинг ҳали ҳам тирик эканини, ўқтин-ўқтин хиқиллаб нафас олаётганини, жон талвасасида эканини кўрди. Унинг мурдадай сарғайиб кетган пешонасида қатра-қатра тер пайдо бўлди.

— Кўтариб олсаларинг-чи! Бу нима безрайиш... Одаммисизлар ёки ҳайвонмисизлар?

— Мунча акиллайсан?— деб пўнғиллади новча бир солдат.— Олинглар, олинглар дейсан, қаерга обориб бўлади уни? Қарагин, ҳозир жони узилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Иккала оёғини чўрт узиб ташлабди.
— Роса қон кетяпти!..
— Санитарлар қаёқда?
— Санитар бу ерда нима қилади?
— Ҳалиям эси ўзида.

Қокилдор Григорийнинг елкасига туртди; у орқасига бурилиб қаради.

— Қимирлатма уни,— деб шивирлади Қокилдор,— нарёғига ўтиб қарагин.

У Григорийнинг енгидан ушлаб, одамларни у ёқ-бу ёққа итариб, ташлаб нариги томонга ўтди, Григорий бир қаради-ю, бўйнини эгиб дарвоза томон кетаверди. Жарковнинг остида ичак-човоқлари чувалиб ётар, кўкимтил-пушти ранг тусга кириб йилтирар эди. Ўралиб қолган ичакларининг бир учи қум билан тезак орасида илон сингари чўзилиб борарди. Шўрлик жон бериш олдида қўлини ёнига узатар, гўё ичакларини йиғиштириб олмоқчи бўларди.

— Юзини ёпиб қўйинглар,— деди аллаким.

Жарков бирданига қўлларини ерга тираб, бошини чалқасига кўтарди, гардани шилқ этиб икки кураги орасига тушиб кетди, жон ҳалпида у хирилдоқ овоз билан чинқирди:

— Биродарлар, отиб ташланг! Мени отиб ташланг!.. Биродарлар! Биродарлар!.. Нимага қараб турибсиз?.. Аҳа-ҳа-а-а-а!.. Биродарлар, отиб ташланг!..

XXI

Вагон бир меёрда секин тебранади, ғилдиракларнинг аллаловчи дукур-дукири кишини мудратади, фонусдан сўри тахтанинг ярмисигача сарғиш нур тушиб туради. Икки ҳафтадан бери оёқдан тушмаган этикни ечиш, бижиб кетган оёқларга дам бериб бемалол чўзилиб ётишдан яхши нарса йўқ; зиммангда ҳеч қандай масъулият борлигини ҳис этмасанг, ҳаётинг хавф-хатардан омон бўлиб, ажал олисда қолганини билиб турсанг—бундан ортиқ роҳат борми? Айниқса, ўзаро гурунглашаётган ғилдиракларнинг пойма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

пой овози жуда ҳам ёқади: чунки, ғилдирак ҳар айланганда, паровоз ҳар юлқинганда фронтдан тобора узоқлашасан. Григорий жимгина қулоқ солиб ётар, оёқ панжаларини қимирлатиб кўрарди, ҳалигина алмаштирилган тоза ич кийимдан аъзойи-бадани роҳатланарди. У ифлос пўстини ташлаб, доғ-дуғлардан пок бўлиб, бошқача бир ҳаёт сари қадам қўйгандай ҳис этарди ўзини.

Бироқ, чап кўзининг ачишиб оғригани уни ширин хаёллардан чалғитар, суюнгани татимасди. Гоҳо оғриғи босилар, гоҳо тўсатдан яна бошланиб кўзи ўтдай ўртанар ва бинт остидан беихтиёр дув-дув ёш оқарди. Каменка-Струмиловодаги ёшгина яҳудий доктор йигит Григорийнинг кўзини қараб, бир парча қоғозга алланималарни ёзиб:

— Сизни бу ердан жўнатишга тўғри келади. Кўзингизни қаратмасангиз чатоқ бўлади,— деган эди.

— Ғилай бўлмайманми?

— Йўғ-э, ваҳима қилманг,— деб мулойимгина кулди доктор, чунки, Григорийнинг қўрққанлиги билиниб турарди.— Кўзингизни даволаш керак, балки операция қилиш лозим бўлар. Шунинг учун сизни фронтдан узоқроқда бўлган Петроградга ёки, масалан, Москвага жўнатамиз.

— Қуллуқ.

— Сира қўрқманг, кўзингиз қадимгисидай бўлиб кетади.— Доктор унинг кифтига қоқди ва қўлига бир парча қоғозни тутқазиб, секин-аста туртиб коридорга чиқарди. У енгларини шимариб, операцияга тайёрланмоқда эди.

Григорий кўп оворагарчиликдан кейин санитар поездга илинди. Бир сутка қимир этмай дам олиб, роҳатланиб ётди. Шалоғи чиққан кичкинагина паровоз кўп вагон тиркалган составни кучаниб, зўрғатдан тортарди. Москвага яқин қолган эди.

Поезд кечаси етиб келди. Оғир яраланганларни замбилга солиб, вагондан олиб тушдилар; ўзи юраоладиганлар рўйхатдан ўтгач, перронга чиқдилар. Ярадорлар билан бирга шу поездда келган доктор рўйхатга қараб Григорийни чақирди, уни тиббий ҳамширага кўрсатиб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Доктор Снегирёвнинг кўз шифохонасига топширасиз! Колпачний кўчасида,— деб тайинлади.

— Буюмларингиз ёнингиздами?— деб сўради ҳамшира.

— Казакда буюм нима қилади? Сумкам билан шинелим бор, холос.

— Юринг бўлмаса.

Ҳамшира сочларини тузатиб, этакларини шитирлатиб йўлга тушди. Григорий дадил юролмас, секин-секин қадам ташлаб унга эргашиб борарди; улар извошга миниб жўнадилар. Азим шаҳарнинг тунги ғовур-ғувури, трамвайларнинг жингиллаши, рангбаранг электр чироғларининг кўз қамаштирадиган ёруғи Григорийни гангитиб қўйди. Вақт ярим кечалигига қарамай одам кўп, извошга ясланиб ўтириб олган Григорий кўчаларга тикилиб тўймас, ёнида ўтирган ҳамширанинг иссиқ бадани баданига тегиб безовталанарди. Москвада кузнинг ҳиди келар: бульварлардаги дарахт барглари фонарь ёруғида оч-сариқ тусга кириб товланар, нам тортган тротуарлар йилтирар, туннинг совуқ нафаси келар, ҳатто булутсиз осмон қўйнида чарақлаган юлдузлар ҳам совуқ нур сочар эди. Шаҳарнинг ўртасидан ўтиб ҳувиллаган тор кўчага кирдилар. От туёқлари тошга тегиб тақиллар, попларникига ўхшаш кўк чакмон кийиб олган извошчи, баланд ўриндиқ устида тебраниб борар, тизгин учини қимирлатиб, шалпанг қулоқ отини ҳайдар эди. Шаҳар чеккаларидан паровозларнинг ўкиргани эшитиларди. «Шуларнинг биронтаси Донга жўнаб кетаётган бўлса ажаб эмас», деб ўйлади Григорий юраги эзилиб.

— Мудроқ босдими?— деб сўради ҳамшира.

— Йўқ.

— Ҳозир етамиз.

— Нима дедилар?— Извошчи бурилиб қаради.

— Ҳайдайвер!

Темир панжара орқасидаги ҳовузнинг суви ёғдай йилтираб кўринди, панжарали кўприкчага боғлаб қўйилган қайиқ кўзга чалинди. Рутубат ҳиди димоққа келиб урилди.

«Сувни ҳам қамаб, темир панжара билан ўраб

www.ziyouz.com kutubxonasi

олишипти-я, Дон эса..:»— Григорий хаёл суриб кетди. Извошнинг резинкали ғилдираклари баргларни шитирлатиб босарди.

Уч қаватли иморат олдида извош тўхтади. Григорий шинелини тузатиб извошдан сакраб тушди.

— Қўлингизни беринг,— деб ҳамшира энгашди.

Григорий унинг юмшоққина нозик қўлидан ушлаб ерга тушириб қўйди.

— Сиздан солдат ҳиди, тер иси келади,— деб кулди олифта ҳамшира, сўнгра эшик олдига бориб қўнғироқни босди.

— Сиз ҳам ўша ерда бўлсангиз, ундан ҳам ёмон бир ис келган бўлур эди, ҳамшира,— деб секингина узиб олди Григорий.

Швейцар эшикни очди. Сернақш заррин панжарали зинадан кўтарилиб иккинчи қаватга чиқдилар; ҳамшира яна қўнғироқ босди; оқ халатли хотин уларни ичкарига киргизди. Григорий тўгарак стол ёнига бориб ўтирди, ҳамшира оқ халатли хотинга аллаканималар деб гапирди, у ёзиб олди.

Торгина узун коридорнинг икки тарафидаги эшиклардан ранго-ранг кўзойнак таққан бошлар мўралашиб қararди.

— Шинелигизни ечинг,— деди оқ халатли хотин.

Оқ халатли хизматчи Григорийнинг қўлидан шинелини олиб ваннага бошлаб кирди.

— Ҳамма уст-бошларингизни ечинг,— деди у.

— Нега?

— Ювиниш керак.

Григорий ечиниб, уй ичини, деразаларнинг сут ранг ойнасини томоша қилар экан, хизматчи ваннани сувга тўлғазди, сувнинг ҳароратини ўлчаб кўрди-да, ваннага тушишни таклиф этди.

Григорий истиҳола қилиб қоп-қора сержун оёқларини сувга солар экан:

— Жомашовингга сиғмасман...— деди.

Хизматчи уни яхшилаб ювинтирди, чойшап, ички кийим, шиппак, белбоғлик кўк халат берди.

— Ўзимнинг кийимим қани?— деб таажжубланди Григорий.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шу кийимда юрасиз. Ўз либосларингизни касалхонадан чиққанингизда қайтиб беришади.

Даҳлиздаги катта тошойна ёнидан ўтаётиб, Григорий ўзини танимади: юзлари қорайиб, икки бети иссиқдан буриқиб кетган, кўзини боғлаб олган, латта остида қора сочлари ҳурпайиб турган халатли бу новча йигит қадимги Григорийга сал-пал ўхшарди. Мўйловлари, жингалак соқоли ўсиб кетган эди.

«Анча ёшарибсан, биродар»,— Григорий лабларини қийшайтириб истеҳзо билан кулди.

— Олтинчи палата, ўнг қўлдаги учинчи эшик,— деб тайинлади хизматчи.

Григорий каттагина оппоқ палатага кириши билан, оқ халатли, кўк кўзойнакли поп ўрнидан турди.

— Янги келдингизми? Жуда соз, энди зерикмаймиз. Мен Зарайскдан бўламан.— Поп манзират қилиб Григорийга стул кўрсатди.

Бир оздан сўнг юзлари товоқдай бедаво семиз бир фельдшер хотин кириб келди.

— Мелехов, юринг, кўзингизни кўрамиз,— деди у дўриллаб; Григорийга йўл бериб ўзини четга олди.

XXII

Армия қўмондонлиги ғарби-жанубий фронтнинг Шевель районида мисли кўрилмаган зўр кавалерия ҳужумини бошлашга, душман сафларини ёриб, унинг орқа томонига улкан кавалерия отрядини ташлашга қарор қилган эди; бу отрядга фронт бўйлаб ҳаракат қилиш, коммуникация йўлларини бузиш, тўсатдан босқин қилиб душман қисмларини тўзитиб юбориш вазифалари юкланганди. Бу планнинг муваффақиятли бажарилишига қўмондонлик зўр умид боғлар эди; мазкур районга ниҳоятда кўп отлиқ аскар келтирилди, бошқа кавалерия полклари қаторида юзбоши Листницкий хизмат этаётган казаклар полки ҳам шу ерга юборилди. 28 августда ҳужум бошлаш керак эди, бироқ, ёмғир ёғиб 29 га қолдирилди.

Ҳужумга тайёрланган дивизия кенг майдон саҳнида эрталабдан бошлаб саф тортган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Душман тўпларини алахситиш мақсадида пиёда қисмлар ўнг қанотдан саккиз чақирим нарироқда ёлғондака ҳужум бошлади; кўз чалғитиш учун яна бир бошқа кавалерия дивизиясининг қисмлари бошқа томондан ҳаракат қилди.

Олдинда, кўз илғамас майдонда душманнинг қораси кўринмасди. Листницкий сотнясидан бир чақирим нарироқда душман ташлаб кетган қоп-қора окоплар кўриниб турарди, ундан наридаги дўнгликда экинзор ерлар, шамол тўзитган эрталабки кўкимтил туман кўзга чалинарди.

Тайёрланаётган бу ҳужум тўғрисида душман қўмондонлигига хабар етдими ёки ўзича буни сезиб қолдими — 29 августга ўтар кечаси душман аскарлари окопларини ташлаган ва пистирмага пулемётлар қўйиб, олти чақирим чамаси орқага чекинган эди, пистирмадаги бу пулемётлар бизнинг пиёдаларимизни кўз очиргани қўймасди.

Уфқдан кўтарилган қуёш парча булутлар орқасидан нур сочар, лекин водийни қоплаган сарғиш туман ҳали ҳам тарқамаган эди. Ҳужум командаси берилди, полклар қўзғалдилар. Минглаб от туёқларининг гумбурлаши ер остидан эшитилган овозга ўхшарди. Листницкий аслзод отини чопгани қўймай жиловидан маҳкам тортиб борарди. Бир ярим чақирим йўл босилди. Саф тортиб бораётган ҳужумчилар борган сари экинзорга якинлашмоқда эдилар. Белга урадиган ўсиқ буғдой пояларни чирмовуқ ўраб ўт босиб кетгани учун отлар чопишга жуда қийналарди. Олдинда чайқалиб турган малла ранг бошоқлар от туёқлари остида пайхон бўлиб ётиб қоларди. Тўрт чақиримча йўл босгандан кейин отлар қоқила бошлади, терга тушди, ҳамон душман кўринмас эди. Листницкий командирнинг юзига тикилди: ясовулнинг фиғони ошган эди.

Отлар йўртиб, олти чақиримлик мислсиз оғир йўлни босиб ўтгунча ҳолдан тойди, баъзилари йиқила бошлади; энг чайирлари ҳам гандираклар, сўнгги кучини тўплаб олға интиларди. Худди шу пайтда австрияликларнинг пулемётлари ўт очди, милтиқлардан бараварига ўқ узилди... Беомон ажал

www.ziyouz.com kutubxonasi

олдинги сафдагиларни тутдай тўкди. Ҳаммадан олдин уланлар[1] ваҳимага тушиб, орқага бурилиб қочдилар ва казаклар полкини тўзитиб юбордилар; тумтарақай бўлиб қочган одамлар устига пулемётлар дўл ёғдирар, тўплар ўққа тутарди. Мисли кўрилмаган катта ҳужум қўмондонликнинг бепарволиги туфайли тормор бўлди. Баъзи полкларда одамлар ҳамда отларнинг тенг ярми қирилди; Листницкийнинг полки тўрт юзга яқин казак ва ўн олтита офицеридан ажради.

Листницкийнинг оти ўлди, ўзи икки жойдан ўқ еди: бири бошига, иккинчиси оёғига геккан эди. Вахмистр Чеботарев отдан сакраб тушди-да, Листницкийни кўтариб эгарга ўнгарди-ю, олиб қочди.

Дивизия штабининг бошлиғи, бош штабдан келган полковник Головачев, бу ҳужумнинг бир неча манзарасини суратга олган эди, кейинчалик шу расмларни офицерларга кўрсатди. Ярадор бўлган юзбоши Червяков унинг юзига мушт билан солди, аламига чидолмай йиғлаб юборди. Казаклар ёпирилишиб келиб Головачевнинг дабдаласини чиқардилар ва ўлигини итдек судраб йўл ёқасидаги зовурга, ахлатхонага ташладилар. Бадном бўлиб шуҳрат қозонган бу ҳужум шу зайилда тамом бўлди.

Варшавадаги госпиталда ётган Листницкий отасига хат ёзиб, соғайгандан сўнг унинг олдига бориш, отпускасини Ягодноеда ўтказиш ниятида эканини билдирди. Чол хатни олгандан кейин ўз кабинетини беркитиб олиб, ҳеч кимга қорасини кўрсатмади; эртаси куни қовоғидан қор ёғиб, ҳовлига чиқди. Никитичга йўрға отни қўштирди ва нонушта қилиб, Вёшенскаяга жўнади. Телеграф орқали ўғлига тўрт юз сўм пул ва қисқача хат юборди:

«Сендай азиз боламнинг, жанг майдонида ўқ еб яраланганингни эшитдим, бунинг учун суюнишдан бошқа ҳеч нарсани ўзимга раво кўрмадим. Олий ният йўлида юрган кишининг жойи сарой эмас, ўша ёқда. Ниҳоят даражада ҳалол, ақлинг ҳам бутун бўлгани учун сен бир хил одамларга ўхшаб лаган-

---

[1] Уланлар — енгил кавалерия қисмлари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бардорлик қила олмайсан, виждонинг ҳам бунга йўл қўймайди. Бизнинг авлодимизда ҳеч бир кимса лаганбардорликни ўзига эп кўрган эмас. Бир замонлар бобонгнинг саройдан четланишига ва Ягодноеда қолиб кетишига сабаб бўлган нарса ҳам ана шу хислат эди, лекин у, тождордан мурувват, шафқат кутмади, ундан умидвор ҳам бўлмади. Омон бўл, Женя, тезроқ тузалиб кет. Дунёда сендан бошқа ҳеч кимим йўқ, шуни унутма. Амманг салом айтди, соғ-саломат юрибди, ўз тўғримда ёзадиган ҳеч гап йўқ, турмушим қанақалиги ўзингга маълум. Фронтда нималар бўляпти ўзи? Наҳотки, биронта эсҳуши бутун одам топилмаса? Мен газета хабарларига ишонмайман, бошдан-оёқ ҳаммаси ёлғон, мен буни тажрибада кўп учратганман. Евгений, ростини айт: наҳотки биз урушни бой берамиз-а?

Сенинг уйга келишингни сабрсизлик билан кутаман».

Ҳақиқатан ҳам қариган Листницкийнинг турмушида ёзишга арзийдиган ҳеч қандай ўзгариш рўй берган эмасди, турмуши эскича ўтар, фақат ишчи кучининг нархи ошган, ҳамда ичкилик тахчил бўлиб қолган эди. Пан кўп ичадиган, жиззаки ва инжиқ бўлиб қолди. Бир куни кечаси бемаҳалда у Аксиньяни чақиртирди.

— Сен хизматимни бажо келтирмаяпсан, ишга бўйнинг ёр бермай қопти,— деди.— Кеча нега совиган нонушта келтирдинг? Кофе стакани нега тозалаб ювилмаган? Агар шу нарса яна такрорланса, мен сени, эшитяпсанми? Сени ишдан бўшатаман. Исқиртликка менинг тобим йўқ!— Пан қўлини қаттиқ силтади.— Эшитдингми? Тобим йўқ.

Лабларини қимтиб турган Аксинья бехосдан йиғлаб юборди:

— Николай Алексеевич, қизчам касал ётибди. Ҳозирчалик мени юмушдан озод этсангиз... Ёнидан бир қарич силжий олмай қолдим.

— Нима қипти?

— Хириллаб нафас ололмайди.

— Бўғма бўлгандир? Нега айтмадинг, аҳмоқ? Вой, арвоҳ ургур, овсар-эй! Югур, Никитичга айт,

www.ziyouz.com kutubxonasi

аравани қўшсин, станцияга бориб фельдшер опкелсин. Тез!

Аксинья югурганича чиқиб кетди; чол шанғиллаб кетидан уни койирди:

— Вой эси паст хотин-э! Вой тентакча! Аҳмоқ!

Эрталаб Никитич фельдшерни бошлаб келди. Фельдшер иссиғи баланд, беҳуш ётган қизчани кўриб, Аксиньянинг саволларига жавоб бермай, тўғри пан олдига кетди. Чол уни даҳлизда тик турган ҳолда кутиб олди, лекин қўл бериб кўришмади.

— Касали нима экан?

— Бўғма, жанобий олийлари.

— Соғаядими? Умид борми?

— Йўқ... Ўлади... Ёши ҳам ўзингизга маълум...

— Аҳмоқ!— Пан бўриқиб кетди.— Сени нимага ўқитишган? Давола!

Довдираб қолган фельдшернинг юзига эшикни тақ этиб ёпди-да, залга кириб кетди.

Эшикни тақиллатиб, Аксинья кириб келди.

— Фельдшер арава сўраяпти, станицага чиқариб қўйишсин, дейди.

Чол пошнасида бурилди.

— Бориб айт, аҳмоқ одам экан! Бориб айт, қизни тузатмагунча бу ердан бир қадам силжимасин! Ёнбошдаги ҳужралардан биттасини унга бўшатиб бер, қорнини тўйғиз!— деб бақирди чол муштини дўлайтириб.— Егиз, ичкиз, оғзиданам тиқ, бурниданам, лекин, ке-е-тиб...бў-ў-ўп-те-е!— Дами ичига тушиб, дераза олдига келди, уни чертиб туриб, кейин ўғлининг каттакон фоторасми ёнига борди; чол икки қадам орқага тисарилиб олди-да, энаганинг қўлида туриб суратга тушган ўз боласини танимаётгандай, анчагача тикилиб қолди.

Қизча касал бўлиб ётиб қолган куни дастлаб Аксиньянинг эсига тушган нарса Натальянинг: «Кўз ёшларимнинг уволи тутсин»...— деган қарғиши эди, шунинг учун Аксинья: «Худо ўша куни Натальяни қон-қақшатганимнинг жазосини беряпти», деб инонган эди.

Боласидан хавотирланавериб Аксиньянинг дили вайрон, эс-ҳушидан айрилган, ўзини қайга қўйиши-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни, нима қилишини билмай, қўли ишга бормай қолганди.

«Шуниям кўп кўрдимикин?—деган фикр юрагини ўртар, инонмаса ҳам, инонгуси келмаса ҳам, жонжаҳди билан чўқинар, худога ёлвориб сиғинар, ёлғиз боланинг умрини тиларди.

«Худоё кечиргин!.. Боламни ўз паноҳингда асра! Ўзинг раҳм қил, эй парвардигор, гуноҳимдан ўт!»

Кичкинтой гўдакни дард хиппа бўғиб олган эди. Бола ер парчин бўлиб ётар, шишган томоғидан нафаси хириллаб зўрға чиқарди. Станицалик фельдшер ҳужрада жойлашиб олиб, кунига тўрт марта келиб қарар, кечқурунлари хизматкорлар турадиган уйнинг зинапоясида папирос тутатиб, осмондаги юлдузларга тикилиб, анчагача туриб қоларди.

Аксинья каравот ёнида қаққайганича оппоқ тонг отдириб чиқарди. Хирилдоқ овоз юрак-бағрини тилка-пора қиларди.

— Ай-я-а,— дер эди қовжираган кичкина лаблар.

— Жигар порам, муштипарим!— деб инграрди она.— Гули баҳорим, кетма, жоним Танюшка! Сухсурим, кўзингни оч, бир қара, бўтам! Мунчоқдай қора кўзларингдан онанг айлансин... Бу нима кўргилик, худо?..

Шўрлик бола аҳён-аҳёнда қон талашган қовоқларини зўрға кўтарар, нурсиз кўзларини очар, лекин кўзлари сузилиб орқасига тортиб кетарди. Аксинья унинг шу қарашига интизор, жонини беришга тайёр эди. Қизчанинг сўлғин кўзлари ғамгин юмилар ва тақдирга тан бериб видолашаётгандай бўларди.

Қиз онанинг қўлида жон берди. Ғарғара келиб, кўкарган оғизчасини сўнгги марта очиб эснади, томири тортишиб, бадани чўзилиб кетди; терлаган боши Аксиньянинг қўлига шилқ этиб тушди. Мелеховларникига ўхшаш чала юмуқ кўзларининг жонсиз қорачиғи таажжублангандай маъюс қотиб қолди.

Ҳовуз ёнидаги катта бақатеракнинг остидан Сашка бобо кичкина гўр қазиди, тобутчани қўлтиқлаб олиб ўша ерга элтди, ва умрида шошиш нималигини билмаган бу одам, наридан-бери тупроқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

тортди, сўнгра, Аксиньянинг гўр устидан туришини пойлаб анча вақтгача индамай кутди. Ниҳоят, сабри чидамай, бурнини қаттиқ қоқди-да, отхона томон кетди... Сомонхонага қўйган атирини, салкам бир шиша денатурат спиртни олди, иккисини қўшиб роса аралаштирди ва ёруққа тутиб рангини томоша қилди.

— Арвоҳ хотираси учун ичамиз. Жойи жаннатда бўлсин. Жони малоикалар ҳузурига етди,— деди-да, кўтариб ичиб юборди, тамаддисига эзилган помидорни чайнади, сўнгра шишага ғамгин назар ташлаб бошини телбаларча чайқатди.

— Мени унутма, азизам, сени мен асло унутмайман!—деди-да, йиғлаб юборди.

Уч ҳафтадан кейин Евгеней Листницкийдан, отпуска олдим, йўлга чиқдим, деган мазмунда телеграмма келди. Уни олиб келиш учун станцияга уч от қўшилган извош юборилди, бутун уй ичи оёққа турғизилди: курка, ғозлар сўйилди; Сашка бобо бир қўйни бўғизлаб саранжомлади, гўё бирталай меҳмон чақириладигандай ҳозирлик кўрилди.

Бир кун олдин Каменка бекатига улов юборилган эди. Евгений кечаси кириб келди. Майдалаб муздай ёмғир қуяр, кўлоб сувлар устига фонусларнинг хира шуъласи тушарди. Зинапоя олдида қўнғироқ таққан отлар келиб тўхтади. Ҳаяжонланган, хурсанд бўлган Евгений соявонли извошдан тушди. Плашчини Сашка бобога берди-да, бир оз оқсоқланиб зинадан чиқди. Кекса пан шошганидан курсиларни ағдариб, залдан югурганича чиқиб келди.

Аксинья емакхонага таомларни келтириб қўйдида, хўжайинларни таклиф этгани борди, олдин қулф тешигидан мўралаб қаради: чол ўғлини боғрига босиб, кифтидан ўпар, бурушиқ босиб кетган бўйни билинар-билинмас қалтирарди. Аксинья бир оз тўхтаб туриб тағин мўралади: олди очиқ кўкиш мундир кийган Евгений тиз чўкиб, ерга ёйилган катта харита устига энгашиб олган эди.

Пан трубкасидан ҳалқа-ҳалқа тутун чиқариб тирноғи билан курсини чертар ва ғазабланиб гапирарди:

— Алексеев дедингми? Мумкин эмас! Мен бунга инонмайман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Евгений оҳиста гапирар, ниманидир исбот этмоқчи бўлар, бармоғи билан картани чизиб кўрсатарди, чол эса сипойилик билан дўриллаб гапирарди:

— Олий қўмондон бу жиҳатдан ҳақли эмас. Қалтафаҳмликнинг ўзгинаси бу! Кечирасан, Евгений, мана сенга рус-япон урушидан худди шунга ўхшаш бир мисол. Сабр қил!.. Шошма, шошма!

Аксинья эшикни тақиллатди.

— Ие, овқат сузилдими? Ҳозир.

Чол қувониб, кулиб залдан чиқди, яшариб кетгандай унинг кўзлари чақнар эди. Ўғли билан иккиси ерга кўмилган винодан бир шишасини ичиб олишди. Шишага елимлаб ёпиштирилган қоғозни моғор босиб кўкариб кетган, устидаги «1879 йил» деган ёзув ҳали ҳам ўчмаган эди.

Дастурхон тепасида хизмат қилиб турган Аксинья шу қувноқ ота-боланинг юзларига тикилган сари ўзининг ёлғизлигини кучлироқ сезарди. Илгари келмаган кўз ёшлари энди томоғига тиқилар эди. Қизчаси ўлгандан кейин йиғлагуси келса ҳам, кўзидан ёш чиқмаган эди. Ўпкаси тўлиб, фарёди бўғзига тиқилиб қолар, лекин кўзида нам кўринмасди, шу сабабдан ғам-ғусса юрагини бадтар ўртарди. У, уйқудан халоват топармиканман деб кўп ухлар эди, бироқ, тушида ҳам боланинг овози қулоғидан нари кетмасди. Гоҳо, назарида, қизи ёнида ухлаб ётгандай туюларди-да, дарҳол четга сурилар, тўшакни тимирскилаб кўрарди, баъзан қизининг: «Ойи, сув», деб шивирлаганини эшитгандай бўларди.

— Жигаргўшам...— деб шивирларди Аксиньянинг муздай лаблари.

Ҳатто ўнгида ҳам баъзан, қизи тиззасига сурканиб эркалангандай бўлар, Аксинья унинг жингалак сочларидан силамоқчи бўлиб қўлини чўзиб, бирдан ўзига келарди.

Келганига уч кун бўлгандан кейин, Евгений отхонага бориб, илгариги одамларнинг Дондаги эркин турмуши ва қадимги замонлар тўғрисида Сашка бобонинг содда ҳикояларини кечга довур эшитди, соат саккиздан ошганда отхонадан чиқди; ҳовлида шамол изғир, ҳамма ёқ билчиллаб кетган, лой оёқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қа чиппа ёпишарди. Янги ой, мўйловини шопдай қилиб, булутлар орасидан мўраларди. Евгений ой нурида соатига қаради, хизматкорлар турадиган уй томон юрди. Зинапояга етгач, папирос тутатди, бирпас ўйланиб туриб қолди, сўнгра, елкасини силкитиб, зинага дадил қадам қўйди. Секингина эшик лўкидонини босди, эшик ғич этиб очилди. У Аксиньянинг ҳужрасига кириб гугурт чақди.

— Ким бу?— деб сўради Аксинья, кўрпани устига тортиб.

— Мен.

— Ҳозир, кийиниб олай.

— Зарари йўқ. Бир лаҳза ўтириб кетаман.

Евгений шинелини ечди, каравот четига келиб ўтирди.

— Қизчанг қазо қилибди...

— Қазо қилди,— деб такрорлади унинг сўзини Аксинья.

— Ранг-рўйинг бир ҳолатда. Тағинам сенга балли, фарзанд доғи нималигини мен яхши тушунаман. Лекин, ўзингни бекорга қойитасан, минг куйганингда ҳам қизинг тирилмайди, бола бўлса — кўрарсан, ҳали ёшсан. Қўй, ўзингни қўлга ол, тақдирга тан бер... Болам ўлди деб ҳамма нарсадан кечворадими киши? Ҳали ўн гулингдан бир гулинг очилгани йўқ.

Евгений Аксиньянинг қўлини қисар, силаб-сийпар, ёқимли паст овоз билан насиҳат қилган бўларди. У шивирлаб гапиришга ўтди, энди Аксиньянинг секин-аста титраб-қақшаб, бўғиқ овоз билан йиғлаганини, бора-бора йиғиси зўрайиб ҳўнграб юборганини кўриб, унинг юзу кўзларидан ўпа бошлади...

Хотин киши—ширин гапнинг, навозишнинг қурбони. Қулфатдан боши чиқмаган Аксинья ўзини йўқотиб қўйди, хаёлидан кўтарилган қадимги эҳтиросларини, янгитдан хуруж қилиб, Евгенийга таслим бўлди. Шарманда кўнгил жойига тушиб, ҳовури босилгандан кейин кўзлари очилди, ўзига келиб бирданига чинқириб юборди ва кўйлакчан, ним яланғоч ҳолда югурганича зинапояга чиқди. Унинг кетидан Евгений ҳам эшикни ланг очиқ қўйиб, шоша-пиша жўнаб қолди. Кета туриб шинелини кийди ва тез-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тез юриб пешайвонга чиқди-да, муроди ҳосил бўлганидан суюниб тиржайиб қўйди. Унинг димоғи чоғ, шодлиги ичига сиғмас эди. Кўрпа орасига киргандан кейин, юмшоққина кўкрагини силаб туриб, ўйга кетди: «Инсофли кишининг кўзи билан қаралса — ниҳоятда разил, уят иш бўлди. Григорий... Ўзимизга яқин бир одамнинг ҳақига хиёнат қилдим, бироқ, мен фронтдан, ажал оғзидан чиқиб келганман. Ўқ салгина ўнг томонга бурилиб кетса, бошимнинг титиғини ўйнатиб юборарди. Ётардим шу топда чириб, ўлигимни қурт-қумурсқа талаб... Энди дам ғанимат, давр суриб қолиш керак. Мен кўнглимга келганини қилсам бўлади!» Бу хил мулоҳазалардан ўзи уялиб кетди, бироқ, атака маҳалдаги мудҳиш манзара кўз олдига келди, қулаган от тагидан омон чиққани, ўқ еб яна йиқилгани эсига тушди: «Эртага бир гап бўлар, ҳозир энг зарили уйқу, ҳаммаси уйқудан ўтаверсин»... деб ўзини тинчитиб, уйқуга кетди.

Эртаси куни у емоқхонада Аксинья билан танҳо қолган пайтда, айбдордек кулимсираб унинг ёнига борди, лекин Аксинья деворга қапишиб олиб, қўлларини чўзиб, уни яқинига йўлатмади, қаҳри-заҳрини сочиб, шивирлади:

— Яқин келма, бадбахт!..

Бироқ, инсон ҳаёт қонунларига бўйинтоблик қила олмайди. Орадан уч кун ўтказиб кечаси Евгений Аксиньянинг ҳужрасига яна келган эди, Аксинья қаршилик кўрсатмади.

XXIII

Доктор Снегиревнинг кўз шифохонаси кичкина бир чорбоққа туташган эди.

Москванинг чекка кўчларида бу хил бефайз, дарахтлари каллаклаб ташланган чорбоғлар кўп, лекин у ерда кишининг кўзи ором ололмайди, қайтага, баҳайбат ғиштин иморатлар орасида қолиб кетган бу боғчаларни кўрган сари, эркин ўсган ёввойи ўрмонлар эсга тушиб, юрак эзилиб кетади. Касалхона ёнидаги чорбоғда куз ҳукмрон эди: йўлкаларни заъфарон барглар кўмиб кетган, эрталабки аёз гулларни сўлдирган, шабнам гулзордаги кўкатларни жиқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қа ҳўл қилган эди. Ҳаво очиқ пайтларда касаллар боғчага чиқиб йўлкаларда сайр этишар, художўй Москва черковларининг занг садоларини тинглашарди. Аммо ҳаво айниган кунлари (ўша йили ҳаво айнимаган кун йўқ ҳисобда эди), палатама-палата сайғишиб юришар, каравотда чўзилиб вақт ўтказишар, диққинафасликдан гаплашгилари ҳам келмасди, хуллас, ҳаммаси зериккан, бир-бирларининг жонига теккан эди.

Бу ердаги касалларнинг кўпчилиги ҳарбийлардан эмасди, урушда ярадор бўлганлар битта палатага қўйилган эди; булар беш киши: новчадан келган, малла соч, калта соқол, кўк кўз латиш — Ян Варейкис, Владимир губернасида туғилган йигирма саккиз яшар кўркам драгун — Иван Врублевский, сибириялик мерган — Косих, доим бесаранжом, башараси сап-сариқ солдат — Бурдин ва Григорий Мелехов бирга туришарди. Сентябрнинг охирларида яна битта ярадор қўшилди. Кечки чой маҳалида эшик қўнғироғини биров узоқ жингиллатди. Григорий бошини чиқариб коридорга қаради. Даҳлизга уч киши кирди: тиббий ҳамшира билан черкесча чакмон кийган одам бир ярадорни қўлтиғидан суяб киравердилар. Ярадорнинг ҳозиргина поезддан тушгани билиниб турарди, кўкрагини қон доғлари босган солдатча гиманстёркаси бунга далил эди. Ўша куни кечқурун уни операция қилишадиган бўлди. Қисқача тайёргарликдан кейин (асбобларни қайнатилаётгани палатада бемалол эшитиларди), янги келган ярадорни операция хонасига олиб кирдилар. Орадан салгина вақт ўтар-ўтмай, ўша ёқдан секин ашула овози эшитилди: хлороформ искаб ухлаган ярадор, тўп ўқининг парчаси тегиб, оқиб тушган кўзини олиб бўлгунларича, ашула айтишдан, алланималар деб сўкинишдан тинмади. Операция тамом бўлгач, уни ярадорлар палатасига ётқиздилар. Бир суткадан кейин хлороформдан айниган мияси жойига келгач, у герман фронтида, Верберг ёнида ярадор бўлганини, асли Чернигов губернасидан бўлиб, фамилияси Гаранжа, ўзи пулемётчи эканини сўзлаб берди. Бир неча кун ичида, айниқса Григорий билан апоқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чапоқ бўлиб олди; иккисининг каравоти ёнма-ён турарди, кечқурун врачлар касалларни бирма-бир кўриб чиққанларидан кейин, иккиси шивирлашиб гапга тушиб кетишарди.

— Хўш, казак, ишлар қалай?

— Расво.

— Қўзингга нима қилди?

— Укол қилишяпти.

— Неча марта укол қилишди?

— Ўн саққиз марта.

— Санчканда ачишадими?

— Йўқ, хуш ёқади.

— Дохтурга ялиниб кўр: обташай қолсин.

— Кўрлар ичида соғлар ҳам юрсин.

— Бу гапинг жўялик.

Григорийнинг бу пичингчи, тили заҳар қўшниси ҳамма нарсадан норози эди: ҳукуматни, урушни, ўз пешонасини, касалхона овқатини, ошпазни, докторларни сўккани сўккан, у тил тегизмаган биронта нарса қолмаган эди.

— Хўш, сен билан мен ким учун қон тўкдик, биродар?

— Бошқалар ким учун тўкаётган бўлса — биз ҳам ўшалар учун.

— Йўқ, биродар, думи хуржунда гаплар кетмайди, сен менга пўскалласини айт.

— Бор-э, тинч қўйсанг-чи!

— Ҳе-эй! Сенда калла йўқ. Бу ҳазилакам масаламас, роса мағзини чақиш керак. Буржуйлар учун қон тўкдик, билдингми? Буржуй нима, биласанми ўзинг? Зиғирпояда юрадиган войваяк...

У Григорийга номаълум сўзларнинг маъносини айтиб берарди, икки гапнинг орасида болохонадор қилиб сўкишини қўймас эди.

— Бидиллайвермасанг-чи! Қошки мен хохолча тилингга тушунсам,— деб унинг гапини бўларди Григорий.

— Ана холос! Ҳой, москалвачча, нега тушунмайсан?

— Шошмасдан битта-битта гапир.

— Ҳе, биродари азиз, ҳалиям шошмасдан гапир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

япман. Сен — пошшо учун, дейсан. Пошшонг ўзи ким? Пошшонг ароқхўр, пошшо ойим — балохўр, уруш бўлса, панларнинг ҳамёни қаппайиб қолади, сен билан менинг бўйнимизга сиртмоқ солади. Билдингми? Ҳа-а! Фабрикачи ароқ отади, солдат битлаб ётади, иккисига ҳам қийин... Фабрикачи фойда қилади, ишчи яланғоч қолади, мана шу зайилда бораверади... Хизмат қил, казак, хизмат қил! Яна битта ғалати кресть оласан, эман ёғочдан қилинган кресть[1] оласан энди...— Гаранжа украинча гапирар, лекин аҳён-аҳёнда, ҳаяжонга келган маҳалларда русчага ўтар, ора-чўра сўкиниб қўяр, соф рус тилида сўзлашарди.

У то шу дамгача Григорий учун нотаниш бўлган ҳақиқатларни унинг миясига кунба-кун қуйиб, урушнинг туб сабабларини очиб берар, самодержавие ҳукуматини боплаб масхара қиларди. Григорий эътироз билдирмоқчи бўлса, Гаранжа дарҳол унга энг оддий мисолларни, мот қилувчи саволларни рўкач қилиб дамини ичига тушириб юборарди, Григорий унинг гапига кўнишга мажбур бўларди.

Энг қийини шу эдики, Григорий Гаранжанинг ҳар бир гапи ҳақ эканини сезар ва унинг фикрига қарши биронта далил келтира олмас эди, ҳеч қандай далил топилмас ва топилиши ҳам мумкин эмасди. Григорий бора-бора подшо ҳамда ватан тўғрисидаги ўз фикрларини, казакларнинг ҳарбий бурчи тўғрисидаги илгариги тушунчаларини мана шу аламзада ва оқил украин таг-томири билан яксон қилаётганини сезди-да, ваҳимага тушди.

Гаранжа келгандан бери, шу бир ойлик давр ичида, Григорийнинг онги-шуури суянган тоғи қулаб тушди. Унинг пойдевори бемаъни уруш туфайли чириб қолган, қилтиллаб зўрға турар ва сал тегилса яксон бўлиши аниқ эди. Бир туртки билан Григорийнинг карахт бўлиб ётган фикрлари уйғонди, унинг муғомбирлик нималигини билмаган содда ақлини ишга солди, миясини кавлай бошлади. Григорий ҳаловатини йўқотиб, ўзини ҳар ёққа урар, ақли ожиз-

---

[1] Гўр устига қўйиладиган кресть. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик қилган бу мушкул масаланинг, бу оғир саволнинг жавобини излар ва жавобини Гаранжанинг суҳбатидан топиб қаноатланарди.

Бир куни ярим кечада Григорий ўрнидан туриб Гаранжани уйғотди. Қаравотининг бир четига ўтирди. Мезон ойининг кўкимтил шуъласи дераза пардасидан ўтиб уй ичига тушиб турарди. Уйқуси ўчган Гаранжанинг бетлари қоронғида ғадир-будур бўлиб кўринар, йилтираган намли кўзлари лўқ тушиб кетганга ўхшарди. У эснар, оёқларини кўрпага ўрарди.

— Нега ухламайсан?

— Уйқум қочди. Уйқусизлик балосига гирифтор бўлдим. Сен менга шуни тушунтириб бер-чи: урушдан биров фойда кўради, кўпчилик хонавайрон...

— Хўш? Аҳҳа-а-а-а...— деб эснади Гаранжа.

— Шошмагин ахир!— деб шивирлади зардаси қайнаган Григорий.— «Бойларнинг фойдаси учун бизларни ажалга рўпара қилишяпти» дейсан, хўш, халқ индамай кетаверадими? Ёки тушунмасмикан? Наҳотки, тушунтирадиган одамлар қуриб кетган бўлса? Биронтаси чиқиб: «Биродарлар, мана кимлар учун қон тўкиб қириляпсиз?» деб айта қолса бўлади-ку.

— Айтиб бўпти! Нима деяпсан ўзинг? Қани, сен чиқиб гапириб кўр-чи, мен бир томоша қилай. Иккимиз худди қамишзордаги ғозлар сингари шивир-шивир қилиб ўтирибмиз, қани, овозингни чиқар-чи, шартта отиб ташлашади. Халқ ғафлатда ётибди. Уруш уни уйғотади. Булут ичидан чақмоқ чақнаб жала қуйиб беради ҳали...

— Нима қилиш керак? Гапир, аблаҳ! Юрагимга ўт солдинг-ку.

— Юрак сенга нима амр қиляпти?

— Нималигини тушунолмай қолдим,— деб иқрор бўлди Григорий.

— Ким мени жарга итармоқчи бўлса, мен ўзини итараман. Гап сотиб ўтирмасдан, милтиқнинг учини орқага буриш керак. Ким одамларни қирғинга юбораётган бўлса ўқни ўшанга қараб отиш керак. Биласанми сен,— Гаранжа ўрнидан туриб, тишларини

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғижирлатди, қўлларини чўзди,— қудратли бўрон кўтарилади ва ҳаммасини супуриб ташлайди.

— Гапингга қараганда, энди... ҳамма нарсани остин-устун қилиш керак экан-да?

— Ҳе! Ҳукумат деган нарсани кир пайтавадай улоқтириб ташлаш керак. Панларнинг терисини шилиш керак, бурунларидан булоқи ўтказиш керак, нега десанг улар халқни қон қақшатишди.

— Янги ҳукумат бўлгандан кейин урушни нима қиласан, хўш? Барибир шу қирқ-пичоқ давом этади, биз бўлмасак болаларимиз қирилишади. Урушни тия оладиган нарса борми? Уруш азалдан бор, ахир, буни қандай йўқ қилиш мумкин?

— Рост айтасан, уруш азалдан бор, агар дунёда шу қонхўрлар ҳукумати тугамаса, уруш балосидан барибир қутулмайсан. Билдингми? Ҳар бир ҳукумат тепасида ишчилар турганда сираям уруш бўлмасди. Ана шунга эришмоқ керак. Бунга албатта эришилади, иннайкейин кўради кўргилигини бу онаси байталлар!.. Албатта! Гирмонлардаям, паранглардаям — ҳамма юртда ишчи-деҳқон ҳукумати бўлади. Ўшанда биз нимани талашиб урушамиз? Чегара деган нарса бўлмайди, адоват бўлмайди. Бутун дунёда битта ҳукумат, қулинг ўргилсин турмуш бўлади. Эҳ!— Гаранжа чуқур нафас олди, мўйлов учларини тишлаб, соғ кўзини чақнатиб, хаёл ичида кулимсиради.— Эй, Грицько, ўша кунларни бир кўрсам, ўлсам армоним йўқ эди... Шу орзу алангаси туну кун юрак-бағримни ялайди...

Икковлон гаплашиб ўтириб тонг отдирдилар. Осмон ғира-шира ёришган маҳалда Григорий аранг уйқуга кетди.

Эрталаб у ғовур-ғувур ва йиғи овозидан уйғонди. Иван Врублевский мукка тушиб ётган жойида ҳиқиллаб йиғлар, бурнини тортарди; уни фельдшер хотин, Ян Варейкис ҳамда Косих ўраб олишган эди.

Бурдин кўрпадан бошини чиқариб:

— У нега ғиншияпти?— деб сўради.

— Кўзини синдирибди. Стакандан олаётиб ерга тушириворибди,— ачиниш ўрнига суюниб жавоб қилди Косих.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзи руслашиб кетган, шиша кўз сотадиган савдогар немис ватанпарварлик ҳиссиётига берилиб солдатларга ўз молини текин улашарди. Бир кун олдин Врублевскийга ниҳоятда нозик қилиб ишланган, худди ўз кўзига мос, чиройли, ҳаво ранг шиша кўз топиб берган эди. Бу кўз шу қадар моҳирона ишланган эдики, ҳатто, тикилиб қараганда ҳам ўзиники билан сунъий кўзни бир-биридан фарқ қилиб бўлмасди. Врублевский шунга боладай суюниб, оғзи қулоғига етган эди.

— Уйга қайтгандан кейин,— дерди у Владимир уезд шевасида,— хоҳлаганим қизни алдаб уйланиб оламан, ана иннайкейин бир кўзим шиша эканини айтаман.

— Бу доғулига алдаш ҳеч гапмас!— деб кулди Бурдин; бу солдат доим: «Дуня билан суварак, суварак еб қўйган кўйлак», деб ашула айтгани-айтган эди.

Тасодифий бахтсизлик касридан шундай хушсурат йигит энди ўз қишлоғига бир кўзи йўқ бадном бўлиб қайтади!

— Бошқа кўз беришади, бўкираверма,— деб юпатмоқчи бўларди уни Григорий.

Врублевский бошини кўтарди: йиғлайвериб қовоғи шишган, кўз ўрни қип-қизил жароҳат бўлиб қолган эди.

— Бермайди. Битта кўз уч юз сўм туради. Бермайди.

— Заб кўз эди-да! Ҳар бир томири усталик билан чизилган эди,— деб мақтарди Косих.

Эрталабки чойдан кейин Врублевский фельдшер хотин билан магазинга борди, немис унга бошқа кўз топиб берди.

— Бизникилардан кўра немислар яхши!— Врублевский терисига сиғмай кетган эди.— Рус савдогари текинга бериб бўпти, анови бир оғиз индамади ҳам.

Сентябрь ҳам ўтиб кетди. Кунлар судралиб, вақт имиллаб ўтади. Кунлар шу қадар узунки, одамнинг ичи пишиб ўлиб-бўлади. Эрталаб соат тўққизда чой ичилади. Тушликка ҳар бир бемор учун икки бурда юпқа кесилган булка нон билан озгина сариёғ бери-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лади, касаллар ҳеч нарса кўрмагандай, оч-ноҳор тарқалишади. Кечқурун чой ичишади, устидан совуқ сув кўтаришади. Беморлар тез-тез келиб-кетиб турадн. «Ҳарбий палатадан» (ярадор солдатлар ётган палатага касаллар шундай ном қўйган эдилар) дастлаб сибирлик солдат Косихга жавоб берилди, унинг кетидан латиш Варейкис жўнади. Октябрь ойининг сўнгги кунларида Григорийни ҳам касалхонадан чиқаришди.

Касалхонанинг хўжайини — кўркам, соқоли дукатланган доктор Снегирев, Григорийнинг кўзини синчиклаб кўрди. Қоронғи уйда ёруққа тутилган катта ҳарф ва рақамларни Григорийга узоқроқдан кўрсатди ва кўзини қаноатланирли деб топди. Уни Тверская кўчасидаги госпиталга жўнатдилар, чунки, бошидаги битиб кетган яраси тўсатдан очилиб, бир оз йиринг бойлаган эди. Григорий Гаранжа билан хайрлашаётиб:

— Яна кўришармикинмиз?— деб сўради.

— Тоғ-тоғ билан қовушмайди, одам...

— Хайр, хохол, кўзимни очдинг, бунинг учун раҳмат. Энди оқ билан қорани ажрата оламан, юрагим тўла ғазаб!..

— Полкингга боргандан кейин казаклар билан шу хусусда гаплашиб кўргин.

— Хўп бўлади.

— Мабодо йўлинг тушиб, Черниговшчинадаги Гороховки қишлоғидан ўтадиган бўлсанг, Андрей Гаранжа тақачиники қайси деб сўрагин, хурсанд бўлиб кутиб оламан сени. Хайр энди, йигит!

Иккиси қучоқлашиб видолашди. Бир кўзли жасур украиннинг қиёфаси, оғиз бурчакларидаги, ширмой юзларидаги ёқимли ажинлари Григорийнинг хотирида умрбод қолди.

Григорий госпиталда бир ярим ҳафтача ётди. Унинг қалбида ҳали маълум бир шаклга кирмаган фикрлар қайнаб-тошар, Гаранжа айтган гаплар юрагини ўртарди. Палатадаги қўшнилари билан кам гаплашар, унинг бутун ҳаракатларидан ташвишга тушгани, саросималикда қолгани сезилиб турарди. Госпиталь мудири Григорийни қабул қилаётган вақт-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да унинг русларникига ўхшамаган афтига бир қарагандаёқ, «Бесаранжом» деб ном берган эди.

Дастлабки кунлари Григорий иситманинг ҳароратидан қулоқларининг тинмай шанғиллашини тинглаб каравотда қўзғалмай ётарди.

Ана шу вақтда қуйидаги ҳодиса юз берди:

Воронеждан поездда қайтиб келаётган император хонадонидан бир зот госпиталга ташриф этмоқчи бўлди. Бу тўғрида хабардор қилинган госпиталь врачлари эрталабдан бери оёғи куйган товуқдай югуришарди. Ярадорларини ясантиришди; уларни безовта қилиб тўшак, чойшапларини навбатдан илгари янгиладилар, ҳатто младший врач ул зотга қай хилда жавоб бериш ва унинг ҳузурида ўзини қандай тутиш кераклигини ўргатмоқчи ҳам бўлди. Ярадорлар ҳам эсанкираб қолдилар: баъзилари элдан бурун шивирлаб гапира бошлади. Қоқ туш пайтида зинапоя томондан автомобилнинг дудуги эшитилди, сўнгра, бир гала мулозимларни эргаштириб зоти олий ланг очиқ эшикдан кириб келди. (Ярадорлар орасида энг шўх ва аскиячи бир йигит кейинчалик ўртоқларига: «Номдор меҳмонлар келган маҳалда госпиталнинг қизил кресть суратли байроғи, шамол бўлмаса ҳам ўзидан-ўзи ҳилпиллаб кетди, ҳатто кўчанинг нариги бетидаги сартарошхона вивескасидан қараб турган жингалак соч, олифта эркакнинг расми таъзим қилди» деб роса кулдирди). «Зоти олий» палаталарни бирма-бир кўриб чиқа бошлади. У ўз шаъни-шавкатига ҳамда айни шароитга яраша бачкана саволлар берарди; ярадорлар эса младший врачнинг маслаҳатига мувофиқ, сафда ўргатилганидан ҳам каттароқ қилиб кўзларини йириб: «Худди шундай, жаноби император ҳазрат олийлари» ёки «Асло йўқ, жаноби император жаноб олийлари», деб жавоб қилишарди. Госпиталь мудири ҳар қайси жавобга изоҳ бериб борар, аммо лекин ҳар гапида паншаҳага санчилган илондай буралиб-эшилиб турарди, ҳатто олисдан қаралганда ҳам, авзойига кишининг раҳми келарди. Шоҳона зот каравотдан каравотга ўтиб иконалар улашиб юрарди. Бир гала ярқиллаган мундирлар ва қиммат баҳо атирларнинг гупиллаган ҳи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди Григорийнинг устига босиб келаверди. Соқоли олинмаган, озиб кетган, кўзлари қизарган Григорий ўз каравоти ёнида турарди, лип-лип учиб турган сариғиз юзи, ғазабланганини билдирарди.

«Мана шуларнинг хурсандчилиги учун бизларни киндигимиз қони тўкилган уй-жойимиздан жудо қилиб ажал оғзига ташладилар. Хаҳ, аждаҳолар! Аблаҳлар! Ялмоғузлар! Елкаларимизни талаб ётган битлар — мана шулар!.. Ҳали биз, мана шу ифлос учун бировларнинг экинзорини отга топтатиб, бировларни ноҳақ ўлдириб юрибмизми? Буғдойзор ичида эмаклаб бақирганларим-чи? Ажал ваҳималари-чи? Оиламиздан жудо қилдилар, казармаларга қамаб сарғайтирдилар...»— деган хаёл Григорийнинг миясини ўяр эди. Ғазабидан оғзи кўпириб, лаблари қийшайган эди. «Ҳаммаси тўқ, тирсиллаган, йилт-йилт қилади. Минг лаънат сизларга! Ўша ёққа сизни юбориш керак! Отга миндириб, милтиқ тутқизиб, битларга ем қилиш керак сизларни, ачиган нон, қуртлаган гўшт едириш керак!..»

Григорий серпардоз, олифта офицерларни кўзи билан еб қўйгудай бўлар, хиралашган кўзларини шоҳона зотнинг латтадай шалвиллаган бетларига тикарди.

Мудир икки букилиб «зот»га Григорийни кўрсатди-да:

— Донлик казак, георгий крестининг кавалери,— деб тақдим этди, лекин овози шу қадар жаранглаб кетдики, орденни гўё ўзи олган деб гумон қилиш мумкин эди.

— Қайси станицадан?— деб сўради зот, қўлидаги иконани бермоқчи бўлиб.

— Вёшенскаядан, император ҳазрат олийлари.

— Крестни қайси хизматинг учун олгансан?

Зотнинг йилтираган маъносиз кўзларида зерикишлик, тўйганлик аломатлари кўринар эди. У сарғиш чап қошини ҳадеб кўтараверишга ўрганиб қолган ва бу одат зотнинг афтини маънодор қилиб кўрсатарди. Григорий кўкрагини муздек тер босганини, санчиқ турганини сезди; бундай ҳодиса атаканинг дастлабки дақиқаларида рўй берарди. Унинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаблари борган сари қийшайиб, пирпираб уча бошлади.

— Мен... Мумкин бўлса... ёзилиб олсам, жаноб император... жуда қистаб қолди...— Григорий бели синган одамдай букчайиб, каравот остини қўли билан кўрсатар эди.

Зотнинг чап қоши диккайиб, икона узатган қўли ярим йўлда қолди. У ҳайрон бўлди, дўрдоқ лабларини осилтирди ва ёнидаги оқ сочли генералга бурилиб инглиз тилида бир нима деди, мулозимларнинг ўнғайсизланиб қолганликлари билиниб турарди: кўкрагига зарбоф шнур таққан новча офицер оқ қўлқоп кийган қўли билан кўзини ишқалагандай бўлди, иккинчиси бошини қуйи солди, учинчиси савол назари билан тўртинчисининг башарасига қаради... Кекса генерал инглиз тилида ҳазрат олийларига алланималар деди, шундан сўнг «зот» марҳамат этиб, Григорийнинг қўлига иконани тутқизди, ҳаттоки илтифот кўрсатиб унинг кифтига қўлини қўйди.

Олий мақом меҳмонлар жўнаб кетгандан кейин Григорий ўзини каравотга ташлади. Бошини ёстиққа тиқиб, кифтлари пир-пир учиб, бир неча вақтгача ётди; на йиғлаётганини ва на кулаётганини билиб бўлмасди, бироқ бошини кўтарганда кўзлари қуруқ, чеҳраси очиқ эди. Ўша заҳотиёқ госпиталь мудири уни кабинетга чақиртирди.

— Сен, аблаҳ экансан!..— деб бошлади мудир, туллаган қуён жунига ўхшаш соқолини тутамлаб.

— Мен сен айтган аблаҳ одамлардан эмасман, ифлос!— деди Григорий ва ости жағини осилтириб доктор устига бостириб борди.— Фронтда қорангизни кўрсатмайсиз!— Сўнгра ўзини босиб олди-да:— Мени уйга жўнатинг!— деди.

Доктор тислана-тислана, ёзув столининг нариги томонига ўтиб олди ва мулойимроқ қилиб:

— Жўнатамиз. Қоранг ўчсин!— деди.

Кулгиси қистаган Григорий кўзларини ола-кула қилиб кабинетдан чиқди.

Зоти олий ҳузурида қилган хунук қилиғи, кечирилмайдиган адабсизлиги учун госпиталь маъму-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рияти Григорийни уч сутка овқатдан маҳрум қилди. Уни палатадаги ўртоқлари билан чурраси тушган раҳмдил ошпаз боқиб туришди.

XXIV

4 ноябрга ўтар кечаси Григорий Мелехов станцияга энг яқин бўлган Нижне-Яблоновский қишлоғига кириб борди. Бу қишлоқ Вёшенская станицасига қарашли эди. Ягодное қўрғонига довур ўнлаб чақирим йўл юриш керак эди. Григорий онда-сонда бир учрайдиган қўралар ёнидан ўтиб келар, итлар ҳурар эди; дарёнинг нариги бетидаги толзор орасида ашула айтаётган ёшларнинг овози эшитиларди:

Ўрмонзорнинг ортида найза ялт-юлт қилади:
Мўйлов қўйган юз казак от чоптириб келади;
Энг олдинда новқирон, дов юракли офицер
Юз казакка ҳайқириб: «Биродарлар олға!» дер.

Овози ўткир яккахон тенор ашулачи авжига чиқади:

Ҳой азамат йигитлар, ўқдай учиб боринглар!

Бир-бирига мос тушган ҳамовоз йигитлар баравар кўтаришади:

Шу кўринган қалъани қамал қилиб олинглар!
Қимки олдин от солиб, етиб борса маррага,
Олтин кресть олади, бош бўлади ҳаммага.

Қадимдан қолган бу казаклар қўшиғи Григорийнинг қулоғига иссиқ кирди, бу қўшиқни бир вақтлар у кўп айтган, сўзлари ҳам унга жуда таниш эди. Муздай томчилар кўзларини ачитар, ўпкаси тўлиб, энтикарди. Уй мўриларидан бўрқсиб чиққан аччиқ тезак тутунларини Григорий иштиёқ билан ҳидлаб, қишлоқ ичидан ўтиб борарди,— ашула садоси ҳамон қулоғига келиб турарди:

Қалъаларни биз қуршаб, қамал қилиб олган он
Тепамиздан ўқ ёғиб арилардек чақади.
Дон казаги ажални писанд қилмас ҳеч қачон,
Найза билан санчади, қилич билан чопади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Ўспиринлик вақтимда мен ҳам ашулани яхши айтар эдим, энди овозим бузилди, ашулам тамом бўлди. Мана, борарга жойим, турарга уйим йўқ, оч қолган бўри сингари дайдиб юрибман, бировнинг хотини ёнига паноҳ излаб боряпман,..»— деган хаёллар ичида Григорий бир маромда ҳорғин қадам ташлар, умри бунчалик бемаъни ўтганига алам қилиб, аччиқ куларди. Қишлоқдан ўтиб тепаликнинг ён бағрига чиқди, сўнгра кетига бурилиб қаради: энг чеккадаги уйнинг деразасидан шипга осиғлиқ лампанинг сарғиш ёруғи тушиб турар, дераза ёнида бир кампир урчиқ йигириб ўтирарди.

Григорий йўлдан четга чиқиб, совуқда музлаб қолган ўтлар устидан юриб кетди. Эртасига тонг ёришганда Ягодноега етиб олиш мақсадида, Чир бўйидаги биринчи қишлоқда тунашга қарор қилди. Ярим кечадан оққанда Грачев қишлоғига кириб келди ва энг чеккадаги қўрада тунади; кун ёришган маҳалда йўлга чиқди.

Кечаси Ягодноега етиб келди. Киши билмас, секин-аста девордан ошиб тушди-да, отхона ёнидан ўтди, ичкарида Сашка бобонинг ўҳўлаб йўталгани эшитиларди. Григорий тўхтади-да:

— Сашка бобо, уйғоқмисан?— деб чақирди.

— Тўхта-чи, кимсан ўзинг? Овози таниш... Ким бўлса экан?

Сашка бобо чакмонини ёпиниб ташқари чиқди.

— Худоё тавба! Гришка! Қайси шамол учирди сени-а? Ана холос!

Иккиси қучоқлашиб кўришди. Сашка бобо Григорийнинг кўзига ер остидан қараб:

— Ичкари кир; чекишамиз,— деди.

— Йўқ, эртага кирарман. Борай.

— Кир деяппан сенга.

Григорий истар-истамас бўйсунди. У тахта каравотнинг бир четига ўтирди, Сашка бобо йўталиб бўлгунча қараб турди.

— Хўш, бобо, тирикмисан? Қимирлаб юрибсанми?

— Қимирлаб турибман. Мен — милтиқдайман, ҳали-бери тўзмайман.

— Аксинья-чи?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Аксинья балодай... Аксинья юрибди, худога шукур.

Бобо зўрма-зўраки йўталди. Григорий унинг жўрттага йўталганини, ўз хижолатини яширмоқчи бўлаётганини пайқади.

— Танюшкани қаерга кўмдинглар?

— Боғдаги терак тагига.

— Хўш, гапир.

— Йўтал мени жуда абгор қилди, Гриша.

— Бе!

— Ҳамма соғ-саломат. Пан ичкиликка берилиб кетди... Ичади холос, эси йўқ-да, ичкиликдан бошини кўтармайди.

— Аксинья қалай?

— Аксинья-ми? Ҳозир уй хизматчиси бўлиб юрибди.

— Эшитганман.

— Тамаки ўраб чексанг-чи! А? Чекиб кўр, ўзиям тамаки-мисан-тамаки-да!

— Истамайман. Гапирасанми ёки туриб кетайми? Сезиб турибман,— Григорий қимирлаб унга томон ўгирилди, остидаги тахта каравот қисирлаб кетди,— сезиб турибман, аллақандай бир гапни мендан яширяпсан, қўйнига тош солиб олган одамдай. Урадиган бўлсанг, ур.

— Ураман!

— Ур.

— Ураман. Айтсам тилим куяди, Гриша, айтмасам дилим.

— Бемалол айтавер,— деб ёлворди Григорий ва тошдай оғирлашган қўлини бобонинг кифтига мулойимгина қўйди. У букчайиб чолнинг гапиришини кутар эди.

Сашка бобо бирданига чийиллаб:

— Қўйнингда илон асраб юрган экансан!— деди. Унинг қўллари бесўнақай керилиб кетди.— Илон боқиб юрганингни билмабсан, бола! Аксинья Евгений билан ўйнаш тутинди! Мана аҳвол!

Чолнинг лабидаги қип-қизил тиртиғидан ияги устига елимдай тупук оқиб тушди. Бобо уни серпиб ташлади-да, кафтини бўз иштонига артди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ростингми?

— Ўзим кўрдим. Ҳар кеча Евгений ўшанинг ёнида. Бориб қара, ҳозир ҳам ўша ерда бўлса ажаб эмас.

— Ҳаҳ-ҳа, шунақа дегин...— Григорий панжаларини қисирлатди ва лип-лип учиб турган бетларини силаб, анча вақтгача букчайиб ўтирди. Қулоқлари қаттиқ шинғиллар эди.

— Хотин зоти мушукдай нарса: ким силаб-сийпаса, ўшанинг қули. Сен унга инонма, зинҳор инона кўрма!— деди Сашка бобо.

Чол тамаки ўраб тутатди-да, уни Григорийнинг қўлига тутқизди.

— Чекиб ол.

Григорий икки марта тортиб папиросни бармоғи билан эзиб ўчирди. Индамай ташқари чиқди. Қароллар турадиган уйнинг деразаси олдида тўхтади; у тез-тез ва чуқур нафас оларди, деразани тақиллатмоқчи бўлиб бир неча марта қўлини кўтарди, бироқ, қўли сингандай, шилқ этиб тушиб кетарди. Ниҳоят, бармоғини букиб олдин секинроқ тақиллатди, сўнгра, ўзини тутолмай, кўкрагини деворга тираб жон-жаҳди билан ромни муштлай бошлади. Дераза часпаклари қимирлар, ойналари дириллар, унда ғира-шира туннинг кўкиш нури акс этарди.

Ичкарида Аксиньянинг ваҳима босган юзи лип этиб кўриниб кетди. У эшикни очди-да, чинқириб юборди. Григорий уни шу даҳлиздаёқ бағрига босди, кўзларига тикилиб қаради.

— Тақиллатганингни билмабман, қаттиқ ухлаган эканман... Ҳеч кутмаган эдим... Жонгинам!

— Жуда совқотдим.

Аксинья, Григорийнинг барваста гавдаси даг-даг титраб турганини сезди, қўллари оловдек эди. Аксинья ҳаддан зиёда шошиб қолган эди, дарҳол лампани ёқди, оппоқ момиқдай елкасига тивит рўмолини ташлаб олиб уйни гир айланар, печга ўт қаларди.

— Кутмовдим-а... Кўпдан бери хат ёзмайсан... Ҳаливери келмассан деб ўйловдим... Сўнгги хатимни олдингми? Сенга совға юбормоқчи эдим, лекин

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир оз сабр қилай-чи, олдин хати келсин, кейин юборарман деб ўйланиб қолдим...

Аксинья аҳён-аҳёнда Григорийга бир қараб қўяр, қип-қизил лабларида табассум қотиб қолган эди.

Григорий шинелини ечмасдан курсида ўтирарди. Соқол босган бетлари ўтдай ёнар, ерга қараган кўзлари устига бошлиғининг сояси тушиб турарди. Олдин бошлиғини очмоқчи бўлиб бир уринди-ю, лекин тўсатдан безовталаниб тамаки халтасини олди, чўнтагини кавлаб қоғоз ахтара бошлади. Аксиньянинг юзига бир қаради-ю, юрагига ўт кетди.

Григорий кетгандан бери у киҳоятда етилиб, ҳуснига-ҳусн қўшилган эди.

Бошини тутишида аллақандай янги ва амирона ҳолат пайдо бўлган, фақат ҳалқа-ҳалқа жингалак сочлари ва кўзлари қадимгисидай эди... Бироқ, бу шаҳло кўзли, жонсўз гўзал энди Григорийники эмас-да... Бўлмаса-чи, паннинг ўғли турганда уни бошига урадими?.. Ҳозир у Евгенийнинг маъшуқаси.

— Сен... оқсочга сира ўхшамайсан, уй бекасининг худди ўзгинаси бўпсан.

Аксинья қўрқа-писа бир боқди-ю, зўрма-зўраки кулди.

Григорий, сумкасини судраб эшик томон юрди.

— Қаёққа?

— Ташқари чиқиб тамаки чекаман.

— Кетмай тур, қуймоқ пишди.

— Ҳозир келаман.

Григорий зинапояга чиққач, солдатча сумкасининг тагидан тоза кўйлагига яхшилаб ўраб қўйилган гулдор рўмолни олди. Буни у Житомирда бир яҳудий савдогардан икки сўмга сотиб олган ва кўз қорачиғидай асраб келган эди, поход маҳалларида уни олиб кўрар ва камалакдай ранг-баранг гулларини завқланиб томоша қилар, уйга қайтганида бу жимжимадор рўмолини Аксинья олдига ёзиб қўйишини, ўшанда Аксиньянинг суюниб, боши осмонга етишини кўз олдига келтирарди. Шуям совғами? Юқори Дондаги энг бой помешчик ўғлининг совғалари олдида Григорий келтирган матонинг нима қиймати бор? Григорийнинг хўрлиги келиб йиғлаб юборишига

www.ziyouz.com kutubxonasi

сал қолди; рўмолни бурда-бурда қилиб йиртди-да, зинапоя остига тиқди. Сумкасини скамейка устига улоқтириб уйга кирди.

— Ўтир, Гриша, этигингни тортиб қўяй.

Аксинья, ишлашни унутган оппоқ қўллари билан Григорийнинг солдатча қўпол этигини тортди, сўнгра, унинг тиззасига юзини қўйиб анчагача юм-юм йиғлади. У йиғлаб ичини бўшатгунча Григорий индамади, ниҳоят:

— Нега йиғлайсан? Ёки келганимга хурсанд эмасмисан?— деб сўради.

Григорий бошини қўяр-қўймас уйқуга кетди.

Аксинья кўйлакчан, бош яланг ҳолда зинапояга чиқди ва нам тортган устунни қучоқлаганича, изғиринда, ули тортган шамолнинг йиғи-сиғиси остида қимир этмай оппоқ тонг отдирди.

Эрталаб Григорий шинелини кийди-да, паннинг уйига қараб кетди. Эгнига нимча пўстин, бошига сарғайиб кетган қоракўл папах кийган кекса пан зинапояда турар эди.

— Ана, георгий крестининг кавалери. Эҳе, ро-са етилибсан, ука!

У Григорийга честь бериб, қўлини узатди.

— Ҳаливери кетмассан?

— Икки ҳафта тураман, жаноби олий.

— Қизингни ҳам кўмдик... эсиз, эсиз...

Григорий чурқ этмади. Евгений йўл-йўлакай қўлига қўлқоп кийиб, зинапояга чиқди.

— Григорий? Қаёқлардан сўрай?

Григорийнинг кўз олди қоронғилашиб кетди, лекин кулимсираб:

— Москвадан, отпускага келдим...— деди.

— Шундай дегин. Кўзингдан ярадор бўлдингми?

— Ҳа.

— Эшитдим. Роса азамат йигит бўптими, дада?— Юзбоши бош ирғаб Григорийни имлаб кўрсатди, сўнгра отхона томон бурилиб қаради.— Никитич, отларни келтир!

Никитич эран-қаран извошни қўшиб бўлди-да, Григорийни еб қўйгудай хўмрайиб, қариган кўк йўрғани зинапоя олдига етаклаб келди. Енгил извош-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг ғилдираклари бети музлаб қолган лойни эзиб, қасира-қусур синдирарди.

Григорий хушомадгўйлик билан илжайиб, юзбошига мурожаат қилди:

— Жаноби олий, рухсат этинг, сизни қадимгидай бир айлантириб келсам!

«Ҳеч нарсадан хабари йўқ, бечора»,— деб ўйлади Евгений кулимсираб; пенснэ остида унинг кўзлари чақнаб кетди.

— Ҳа, майли, айланиб келсак-келайлик.

— Бу нимаси, келмай туриб хотинингни ташлаб кетмоқчимисан? Соғинмадингми ахир?— Кекса пан лутфан илжайиб қўйди.

Григорий кулди.

— Хотинни жин урмайди, мен келгунча қочиб кетмас.

У, извош олдига чиқиб олди; қамчини ўтирғич остига тиқиб қўйди-да, тизгинларни тўғрилади.

— Эҳ, Евгений Николаевич, сизни бир сайр қилдириб келай!

— Сайр қилдириб кел, чой чақа оласан.

— Сиздан ниҳоятда миннатдормиз. Шунчалигигаям раҳмат, Аксиньямни... боқяпсиз... едиряпсиз... ичиряпсиз... шуям катта гап.

Григорий тутилиб-тутилиб гапирганидан юзбошининг кўнглида шубҳа уйғонди: «Наҳотки пайқаган бўлса? Йўқ, бўлмаган гап! Қаёқдан билади? Ҳеч мумкин эмас». У извошга ясланиб ўтириб олди-да, папирос тутатди.

Кекса пан уларнинг орқасидан:

— Тезроқ қайтинглар!— деб бақириб қолди.

Ғилдираклар остидан қору муз парчалари сачраб кетди.

Григорий тизгинни қаттиқ тортиб, йўрға отнинг жағларини йириб, ўқдай учириб кетди. Чорак соат ичида улар дўнгдан ошиб ўтиб кетдилар. Сойликка етгандан кейин Григорий извошдан сакраб тушди-да, ўтирғич остидан қамчини суғуриб олди.

— Нима қилмоқчисан?..— Юзбоши хўмрайди.

— Мана, нима қилмоқчиман!

Григорий қамчини бир силтади-ю, бор кучи би-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лан юзбошининг башарасига солиб қолди. Қамчинни буклаб олиб, дастаси билан юзига, қўлларига тушираверди, юзбошини кўз очгани қўймади. Пенснэ синиб кетиб, бир парчаси қошининг устроғига кириб кетган, кўзларига тирқираб қон оқар эди. Олдин юзбоши қўллари билан юзини тўсиб кўрди, бироқ калтак устма-уст келиб тушаверди. Юзлари дабдала бўлган Евгений ирғиб турди-да, жонжаҳди билан ўзини ҳимоя қила бошлади, бироқ, Григорий тисланиб туриб, билагига қараб урди ва ўнг қўлини ишдан чиқарди.

— Аксинья учун! Ўзим учун! Аксинья учун! Бунисиям Аксинья учун! Мана, буниси мен учун!

Қамчи визиллар, ҳар урганда чиппа-чиппа ёпишар эди. Сўнгра, мушт солиб қатқалоқ йўл устига йиқитди ва ерга булғалаб роса савалади, пошнасига нағал қоқилган солдатча этиги билан ўласи қилиб тепкилади. Дармони қуригандан кейин, извошга ўтириб отни ҳайдади, ўлганига қарамай, отларни расо чоптирди. Извошни дарвоза олдида қолдирди-да, тугмаланмаган шинелининг барларига ўралишиб, қамчини маҳкам чангаллаб қароллар турадиган уйга чопиб кирди.

Эшик тарақлаб очилиб кетганини эшитган Аксинья бурилиб қаради.

— Мочағар!.. Қанжиқ!..

Қамчи визиллаб Аксиньянинг юзига чирмашди.

Григорий ҳаллослаганича ҳовлига чопиб чиқди: Сашка бобонинг саволларига жавоб бермай, қўрадан чиқиб жўнади. Бир ярим чақирим йўл босгандан кейин Аксинья унинг кетидан етиб борди.

Аксинья энтикиб, ҳарсиллаб нафас олар, Григорийнинг ёнида борар ва ўқтин-ўқтин уни қўлидан тортарди.

Чорраҳадаги кичкинагина, қорайиб кетган черковча ёнида у бегона овоз билан:

— Гриша, кечиргин!— деб ялинди.

Григорий тишини ғижирлатиб, бўйнини қисиб, шинель ёқасини кўтариб олди.

Аксинья черковчанинг нариги ёғида қолиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Григорий бирон марта бурилиб қарамади, Аксиньянинг чўзган қўлларини кўрмади.

Тоғдан ошиб Татарск қишлоғига тушаётганида қўлидаги қамчини кўриб таажжубланди, уни улоқтириб ташлади-да, қадамини катта-катта қўйиб, тор кўчага кириб кетди.

Одамлар деразадан қарашар, уни кўриб ҳайрон бўлишар, кўчада учраган хотинлар салом қилишарди.

Ўз қўрасининг дарвозаси ёнида хипчадан келган, қора кўз сулув қиз чинқирганича чопиб келиб, унинг бўйнига осилволди. Григорий икки қўли билан унинг юзини қисиб, бошини кўтарди-ю, Дуняшкани таниди.

Зинапоя томондан Пантелей Прокофьевич оқсоқланиб келар, ичкарида она ҳўнграб йиғларди. Григорий сўл қўли билан дадасини қучоқлади, унинг ўнг қўлини Дуняша ўпар эди.

Зина босқичлари қадимгидай ғичирлаб кетди, бу таниш овоздан Григорийнинг юраги арзиқди. Қариган она шўрлик қиз боладай чопиб келиб ўғлини маҳкам қучоқлаб олди, шинель ёқасини кўз ёши билан ҳўллади; у ўзича алланималарни деб чулдурар, нима деганини сўз билан ифодалаб бўлмасди; даҳлизда бўлса йиқилиб кетмаслик учун эшикка маҳкам ёпишиб олган, ранги ўчган, ғалати қилиб кулимсираган Наталья турар эди. У кўзлари жавдираган Григорийнинг бир қарашига бардош беролмай, оёқлари қалтираб йиқилиб кета ёзди.

* * *

Кечаси Пантелей Прокофьевич Ильиничнанинг биқинига туртиб шивирларди:

— Секин бориб қарагин-чи, билла ётишибдими, йўқми?

— Мен иккисига каравотга жой солиб берган эдим.

— Туриб қарасанг-чи, ахир, бир қара!

Ильинична меҳмонхона эшигининг тирқишидан мўралаб қаради-да, қайтиб келди.

— Билла ётишибди.

— Уҳ, хайрият! Худога шукур!— Чол тирсагига суяниб туриб, устма-уст чўқинар, ўпкаси тўлиб ҳиқирларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЭСМАТМАЛАР

М. А. Шолохов Москвада икки йил туриб, ўзининг дастлабки ҳикояларини ёзиб тугатгандан кейин 1925 йилнинг охирларида Донга қайтди; бу ҳикоялар кейинчалик «Дон ҳикоялари» ва «Лолазор дашт» номли тўпламларида босилиб чиқди (ҳозир булар Асарлар тўпламининг I томини ташкил этади). Унинг ҳикоялари вақтли матбуотда то 1928 йилгача бирин-кетин чиқиб турди, бироқ ёзувчини кейинчалик кенг ва салмоқдор асарлар яратиш фикри ҳаяжонга сола бошлаган эди — ў тарихий-революцион темада катта бир повесть яратишга киришди.

«Тинч Дон»ни ёзиш фикри қандай пайдо бўлгани тўғрисида Шолохов шундай деган эди: «Романни мен 1925 йилда ёза бошладим. Олдин унчалик катта ҳажмда бўлади, деб ўйламаган эдим. Қазаклар ва революция деган масала мени жуда қизиқтирарди. Мен романни Корниловнинг Петроградга юришида казакларнинг иштирокидан бошладим... Бу юришда Дон казаклари учинчи отлиқ корпус составида эдилар... Шундан бошладим... 5-6 босма лист ёзиб ҳам бўлдим. Ёзиб бўлдим-у, негадир кўнглимга ўтиришмади. Ўқиган одам — нима учун казаклар революцияни бостиришда иштирок этганлар, хўш? Бу ўзи қанақа казаклар? Дон область қўшини дегани нимаси?— деган саволларнинг маъзини чақолмайди. Булар ҳаммаси китобхон учун сир бўлиб қолади.

Шунинг учун мен бошлаган ишимни йиғиштирдим. Каттароқ роман ёзиш тўғрисида ўйлай бошладим. Романнинг планини тузгандан кейин, материал тўплашга киришдим. Казаклар ҳаётини яхши билганлигим қўл келди...» («Известия, 1937, 31 декабрь, № 305).

Шолохов ёзган повестига «Доншина» деб ном қўймоқчи эди. Бироқ ўз асарининг планини ва характерини ўзгартириш ниятига тушгач, ёзган ҳамма нарсаларини — бир йиллик зўр меҳнатининг якунини — шартта бир чеккага йиғиштириб қўйдида, 1926 йилнинг охирларида бошқатдан ёзишга киришди.

«Тинч Дон» учун материал тўплаш иши,— деб ёзган эди Шолохов,— икки ёқлама давом этди: биринчидан — империалистик ҳамда граждан урушларида қатнашган, ҳозир тирик бўлган кишиларнинг хотиралари ва ҳикоялари тўпланди, ҳуж-

www.ziyouz.com kutubxonasi

жат ва далил бўларли нарсаларни ўрганилди, суҳбатлашиб, суриштириб кўрилди, ҳамма фикр ва мулоҳазалар текшириб чиқилди, иккинчидан — махсус ҳарбий адабиётни синчиклаб ўрганилди; ҳарбий операция планлари ва хариталарини таҳтил қилинди, кўпгина мемуарларни ўқиб чиқилди, чет эл адабиётида, ҳаттоки оқ гвардиячилар матбуотида бўлган манбалар билан танишилди» («Комсомольская правда» 1934, 17 август, № 191).

Керакли материалларнинг ҳаммаси Донда топилмасди. Баъзан Ростовга ёки Москвага жўнаб, архивларда ишлашга тўғри келарди. Булар ҳаммаси ҳаддан зиёда куч сарф қилишни талаб этарди: «— Ёзиш ҳам осон бўлмади, кун кечириш ҳам енгил эмасди, лекин бир амаллаб ёзавердим»,— деган эди ўша давр тўғрисида М. Шолохов («Известия», 1940, 12 июнь, №134).

Романнинг сюжетини ҳамда асосий қаҳрамонлар образини Шолохов бевосита ҳаётдан олган. Унинг айтишича: «Ҳамма нарса — материал ҳам, табиат ҳам унинг кўз ўнгида бўлган».

«Тинч Дон» романининг биринчи китобидаги воқиалар Татарск хуторида рўй беради, ёзувчи бунда Дон бўйидаги казак қишлоқларининг кўпгина типик томонларини акс этдирган. Татарск хутори деганда, М. Шолохов туғилиб ўсган Кружилин қишлоғини ёки унга қўшни қишлоқлардан бирини — Калиновскийни кўз олдимизга келтиришимиз мумкин, чунки бу қишлоқларнинг романдаги Татарск қишлоғига ўхшаш томонлари жуда кўп. «Муюлишлардан бирида, дарёнинг нариги бетидаги қалин дарахтзор рўпарасида ажаб чиройли бир қишлоқ манзараси кўзга ташланади, Калиновский деб номи кетган қишлоқ мана шу эди. Бир текис баланд дарахтлар билан қопланган, тоғ этагига жойлашган бу ям-яшил қишлоқ муюлиш орқасида қолиб кўздан ғойиб бўлгунча, сиз қайрилиб қарайверасиз, қараган сари қарагингиз келади. Сизни бу қадар маҳлиё қилган нарса унинг кўркамлигигина эмас. Романда тасвир этилган Татарск қишлоғи мана шу бўлади. Григорий билан Аксинья шу ерда яшаганлар. Қишлоқнинг бир чеккасида Мелеховлар қўрғони турар эди...» (Г. Лит. (Ю. Лукин). «Михаил Шолохов», Адабий-танқидий тўплам, Ростов н/Д., 1940).

«Тинч Дон» қаҳрамонларининг образлари бир туркум шахсларнинг характерли хусусиятини ўзида тўплаган. Улар фалончининг тимсоли деб айтиш қийин. Шолоховнинг ўзи: «Григорий Мелехов учун реал бир кишини тимсол қилиб олганман. Ҳақиқатан шундай бир казак Донда яшаган эди... Лекин мен унинг фақат ҳарбий хизматда юрган даврини, герман ва граждан урушларидаги ҳаётини олганман холос»,— деб ёзади. («Известия», 1937, 31 декабрь № 305). Ёзувчининг шу гапларига асосланиб баъзи адабиётшунослар: *«Григорий Мелеховнинг хислатлари казак Ермаковнинг* таржимаи ҳолидан олинган. Юқори Дон томондаги станницаларда яшовчи кўпгина одамлар бу казакнинг бошидан кечирганларини яхши билишади. Одамларнинг гапига қараганда, ана шу Ермаковнинг қизи ҳозир ҳам, Вешенская яқинидаги Базковский районида ўқитувчилик қилар эмиш. Ўзи қорачадан келган, сочлари тим-қора зулукдай,

www.ziyouz.com kutubxonasi

худди отасиникидай» эмиш деб даъво қилардилар. («Известия» 1940, 12 июнь, № 134). Бироқ, Шолоховдан келтирилган цитата бу гапларни тасдиқлаш у ёқда турсин, аксинча, бундай хулосалар чиқаришдан эҳтиёт бўлишга чақиради.

Григорий ва баъзи асосий қаҳрамонларнинг тимсолини қисман тўғри кўрсатиб берилган бўлса-да, романдаги бошқа шахслар фалон кишининг тимсоли деб айтиш жуда қийин (гарчи ёзувчи бу типларни бевосита турмушдан олганига шубҳа бўлмаса ҳам). «Моховнинг буғ тегирмонидаги машинист Иван Алексеевич Котляров, вальцовкачи Давидка билан Валет — ҳақиқатда бўлган одамлар», булар Плешаков қишлоғидаги буғ тегирмонда ишлаганлар, вальцовкачи Давидка бўлса (Давид Михайлович Бабичев), ҳозир ҳам тирик, Кружилин МТСида инструментчи бўлиб ишламоқда (В. Васильев, «Тинч Дон», М. Шолохов, Олма-Ота, 1948).

Хусусан, биринчи империалистик уруши йилларида отнинг қашқасидай ҳаммага танилган ёлғондакам «мард казак» Козьма Крючковнинг реаллигига мутлақо шубҳа йўқдир; унинг «қаҳрамонликларини» ёзувчи фақат ўша даврда босилиб чиққан хилма-хил арзон баҳо китоблардангина ўқиган эмас, («Довюрак қаҳрамон донлик казак Козьма Крючков...» М. 1914, ёки «Шонли қаҳрамон-казак, эркин Доннинг довюрак фарзанди Козьма Крючков», М. 1914), балки Крючков билан бирга хизмат қилиб, немислар билан тўқнашишда бирга бўлганларнинг оғзидан, масалан Каргинская станицалик казак Иванковнинг оғзидан эшитган. «Тинч Дон»нинг биринчи китоби шу ерда ёзилган.

«Тинч Дон» романининг биринчи китобидаги дастлабки икки қисмида М. Шолохов, биринчи жаҳон уруши арафасида Дон казакларининг ҳаётини мукаммал суратда тасвирлаб беради. Романда биринчи навбатда Мелеховлар оиласи тасвирланади, Григорий билан Аксинья асосий қаҳрамонлардир.

Биринчи китобнинг учинчи қисмида 1914 йил биринчи империалистик уруши фронтларидаги жанг ҳаракатлари кўрсатилган. Ҳарбий ҳаракатларни тасвирлашда ёзувчининг стратегик шароитни чуқур билганлиги кўриниб туради, ёзувчи солдатлар турмушини ипидан-игнасигача билади, ҳарбий тўқнашувларнинг айрим тафсилотларини, жанг эпизодлари ва операцияларини усталик билан баён этган. Шолохов фақат уруш қатнашчилари бўлган шахсларнинг ҳикоялари, хотиралари билангина қаноатланиб қолмай, уруш тарихига оид тадқиқотлардан, махсус асарлардан фойдаланган, масалан: «1914—1918 йилларидаги урушнинг стратегик очерки» (бу китобга бирталай оператив картаю, схемалар илова қилинган бўлиб, етти қисмдан иборат). «А. Зайончковскийнинг 1914—1918 йиллардаги Жаҳон уруши. Умумий стратегик очерк» ва бошқа китоблардан фойдаланган.

Роман устида ишлаш процессида ёзувчи тўплаган ва кўриб чиққан материалнинг ҳажми ғоят катта. Афсуски, уруш йиллари Шолоховнинг архиви — ўн тўрт йилдан ортиқ меҳнат самараси бўлган романнинг қўл ёзмалари, ҳамда вариантлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан бирга ҳамма материаллар йўқолди. Романнинг ҳали босилмаган, асосан тарихий материалларни ўз ичига олган қисмлари ҳам йўқолди.

Романнинг биринчи китобини ёзиб тамомлагандан сўнг Шолохов 1927 йил охирида қўл ёзмани «Октябрь» журналига юборди, лекин уни анча қисқартиб беришни автордан талаб этдилар. Ниҳоят, узил-кесил бир фикрга келиш учун қўл ёзмани А. С. Серафимовичга бердилар; Серафимович ўқиб чиқиб, «романни қисқартирмай дарров босилсин», деб таклиф қилди.

«Тинч Доннинг» биринчи китоби (унда бунинг биринчи китоб эканлиги айтилмаган эди) 1928 йилда «Октябрь» журналида босилди. (Биринчи қисми — 1-сонда, иккинчи қисми 2-сонда, учинчи қисми — 3- ва 4-сонларда). 1928 йили Шолоховнинг романи бирданига икки марта нашр этилди: «Роман — газета»нинг 7 ва 12 сонларида ҳамда «Московский рабочий» нашриёти томонидан чиқариладиган «Пролетар адабиёти янгиликлари» сериясида босилиб чиқди. «Роман газета» нашрида романнинг ҳар бир бобига сарлавҳа қўйилган эди (масалан: «Турк хотин», «Сазан», «Кузатиш», «Ов», «Лагерга» ва ҳоказо). Романнинг учинчи қисми учун махсус бир сон (№ 12) ажратилган бўлиб, унга «Тинч Дон», 2-китобга «Казаклар урушда» деган сарлавҳа берилган эди. Бунда ҳам биринчи ва иккинчи қисмлардагидай, ҳар бир бобнинг алоҳида сарлавҳаси бор эди: «Московский рабочий» нашриётида романнинг учала қисми бирлаштирилиб: «Биринчи китоб» деб босилганди. Бу нашрида, шунингдек кейинги ҳамма нашрларида бобларга сарлавҳа қўйилмаган.

Романнинг матбуотда босилиб чиқиши китобхонлар ва танқидчиларда зўр қизиқиш туғдирди.

1928 йилнинг февралидаёқ, «На литературном посту» журналининг тақризчиси «Дон казаклари турмушини тўлатўкис бера олган М. Шолоховнинг «Тинч Дон» номли йирик ва қизиқ романи» тўғрисида мақола ёзган эди. («На литературном посту», 1928, № 4). Журналнинг март ойидаги сонида ўша тақризчи романга яна ҳам асослироқ характеристика берди: М. Шолохов ўзининг «Тинч Дон» романида казаклар ҳаётининг тўла тасвирини берган... Роман шу ҳолича ҳам кишини жуда қизиқтиради, агар М. Шолохов уруш ва революция йилларида «Тинч Дон» қандай ўзгарганини кўрсатиб бера олса — бу асарнинг ниҳоятда катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир». («На литературном посту», 1928, № 5) «Красная панорама» номли адабий-бадиий тўпламдаги мақоланинг автори ҳам шу фикрни маъқуллади: М. Шолоховнинг «Тинч Дон» романи зўр эътиборга ва энг қизғин тавсияга сазовор асардир. Казак Прокофий Мелехов оиласининг бошидан кечирган воқиаларни тасвир этишдан бошлаган бу асар ёлғиз «экзотик» материаллардангина иборат эмас. Автор санъаткорона куч билан казаклар ҳаётининг таг-томирини, ундаги энг чалкаш социал зиддиятларни, Россияда аксилинқилобчиларнинг суянчиғи бўлган бу ўлкада синфий муносабатлар ниҳоятда чигаллашиб кетганини китобхонга яққол кўрсатиб бера олган. Автор ўз фикр

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва хулосалари билан китобхоннинг бошини қотирмайди, сиёсий савод дарси билан шуғулланмайди ҳам, аммо бадиий методининг кучи шу қадар таъсирлики, китобхон ўзи осонгина шу хулосага келади, унинг фикрига қўшилади». (Абадий-бадиий тўплам «Красная панорама», 1928 июнь).

«На подъёме» журналининг тақризчиси: «Бу роман — адабий ҳаётимиздаги ажойиб бир ҳодиса,— деган хулосага келади:— Мана бир неча ойдан бери журнал ва газеталар саҳифаси бу романга бағишланган мақолалар билан тўла. Шуниси қизикки, уларнинг ҳаммаси ҳам якдиллик билан яхши баҳо беради. («На подъёме», 1928, 10-китоби).

А. Серафимовичнинг 1928 йил 19 апрелда «Правда»да чиққан мақоласида Шолоховнинг романига энг ёрқин ва мукаммал характеристика берилган. Кейинчалик «Роман-газета» нашрида чиққан (№ 12) «Тинч Доннинг» учинчи қисмида «Муқаддима ўрнига» деб сарлавҳа қўйилган кириш сўзда энг кекса рус ёзувчиси шундай деган эди: «Ҳар кимни ўзига хос хусусиятлар билан тасвир эта олиш қобилияти, инсонлар ички ҳолатининг ўзига хос томонини, бир-бирига ўхшамаган сиймоларни ярата билиш қобилияти билан Шолохов бирданига ўзини кўрсатди, ҳаммага танилди...» Серафимович ўз мақоласини: «Ёш ёзувчи ўз салоҳиятини янада оширишига мен қаттиқ ишонаман. Пролетар адабиёти ривожланмоқда»— деб тамомлайди. (А. Серафимович, Асарлар тўплами, т. 10, М. 1948, 361, 363 саҳифа).

Кўпгина газета ва журналларнинг тақризчилари Серафимовичнинг фикрига қўшилдилар. Масалан, А. Дубовников «Молодая гвардия» журналида ёзувчидаги тасвирий воситаларнинг бойлигига, янгилигига, ранго-ранг ва тўла-тўкис эканига юксак баҳо бериб, романга алоҳида ҳусн ва мазмун баҳш этган — маҳаллий шеванинг хусусиятларидан, унинг луғат бойлигидан устамонлик билан фойдаланиш қобилиятини мақтаб, шундай хулосага келади: «М. Шолоховнинг биринчи йирик романи бўлган «Тинч Дон»— пролетар адабиёти сафларидан биринчи ўринни ишғол этади...» («Молодая гвардия», 1928, № 8). «Прожектор» журналининг 1928 йил, 50-сонидаги, ҳамда вақтли матбуотда ўша йилларда чиққан бошқа бир қатор рецензияларда ҳам романга шундай баҳо берилган.

Бироқ, баъзи танқидий мақолалар бошқачароқ тусда эди.

«На подъёме» журнали мақтаб ёзилган бир рецензиядан кейин II сонида «Тинч Дон» романида нималарни айтилмай кетилган» деган мақола бостирди, унда Шолоховга нисбатан бир мунча асоссиз даъволар қилинган эди. Вульгар социологик танқидчилар, романда «пролетар хатти-ҳаракати» кўзга аниқ ташланмайди, Шолохов «баъзи бир соҳада, баъзи бир масалада — социолог ёзувчи бўла олмайди» ва ҳоказо деб «Тинч Дон» авторини айбладилар.

Танқидчи-социологларнинг бир ёқлама мулоҳазалари умум томонидан берилган ижобий баҳога ва романнинг ёйилишига заррача қуср етказа олмади. Шу муносабат билан А. В. Луначарский «Тинч Дон» тўғрисида шундай деб ёзган эди: «Шолоховнинг ҳали тамомланмаган «Тинч Дон» романи — манзарала-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рининг кенглиги, ҳаётни ҳамда одамларни яхши тасвирланганлиги, воқиаларнинг фожиалилиги жиҳатидан фавқулодда кучли бир асардир. Бу асар рус адабиёти тарихида вужудга келган энг нодир асарларни эслатади. Шу вақтгача биз, масалан, фақат ваҳшийлашиб кетган Донни, унинг ўзига хос, ранго-ранг ғалати ҳаётини кўрдик, мислсиз баҳодир, кучли авлоди билан танишдик. Лекин Шолохов, ўз қаҳрамонини — руҳан ўзгарадиган, мусаффо бўладиган пайтида, уруш натижасида ва армиядаги илғор солдатлар билан ҳамсуҳбат бўлиш натижасида миясида уйғонган революцион фикрлар ва ҳислар томон оғай деб турган пайтда қолдиради. Албатта, Шолохов энди ана шу тинч Доннинг, ҳақиқатда эса нотинч, жўшқин ва қутурган Доннинг, инсоний куч ва ғайратларга чексиз бой бўлган Доннинг синфий курашнинг қудратли ташкилотчи кучлари аралашгандан кейинги манзараларини бизга очиб берса керак. Лекин Шолоховнинг романи шундоқлигича ҳам мароқланиб ўқилади; бу асар халқ оммаси ҳақидаги адабиёт хазинасига қўшилган дурдонадир» («Красная панорама», 1929, 21 январь).

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Биринчи китоб

Биринчи қисм 7
Иккинчи қисм 131
Учинчи қисм 275
Эслатмалар 474

На узбекском языке

Михаил Александрович
ШОЛОХОВ

СОБРАНИЕ СОЧИНЕНИЙ, т. 2

Гослитиздат УзССР — 1960 — Ташкент

М. Шолоховнинг 1956 — 1960 йилларда
Гослитиздат нашр қилган 8 томлик асар-
лар тўпламидан таржима

Редактор *М. Осимов*
Муқова ва титул рассом А. Ошейканики
Суперобложка рассом *Б. Жуковники*
Расмлар редактори *Г. Остапенко*
Техн. редактор *Н. Курилова*
Корректор *Н. Аҳарова*

* * *

Босмахонага берилди 22/III 1960 й. Босишга рухсат этилди 19/V 1960 й. Формати 84×108 1/32 Босма л. 15,0. Шартли-босма л. 24,6. Нашр л. 24,0. Индекс: *н/а*. Тиражи 60000 (Биринчи завод 30000). ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 251/57

* * *

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатининг 1-босмахонаси, Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21, 1960 й. Заказ № 161. Баҳоси с. 9 т. 20.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳим хатолар

Бет	Сатр		Босилган	Ўқилиши керак
	юқо-ридан	паст-дан		
80	12	—	биз билан	бия билан
173	7	—	кўрайди-да	қарайди-да
279	12	—	енгил	енгли
279	—	13	кўпайтириб	кўпиртириб

161-заказга.

www.ziyouz.com kutubxonasi